


38922  
HO 3




Шайх  
Муҳаммад Содиқ  
Муҳаммад Юсуф

# БАХТИЁР ОИЛА














Шайх  
Муҳаммад Содик  
Муҳаммад Юсуф

# **БАХТИЁР ОИЛА**

«SHARQ» НАШРИЁТ – МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2011



## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

قَالَ اللهُ تَعَالَى:

وَمَنْ ءَايَنْتَهُ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ  
بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٦١﴾

Аллоҳ таоло марҳамат қиладиқим:

«Ва Унинг оят-белгиларидан сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда меҳру муҳаббат ва марҳаматни солиб қўйганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир».

(«Рум» сураси, 21-оят).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: خَيْرُكُمْ  
خَيْرُكُمْ لِأَهْلِهِ وَأَنَا خَيْرُكُمْ لِأَهْلِي. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Яхшиларингиз аҳлига яхшиларингиздир

ва мен аҳлига яхшиингизман», дедилар.

Термизий ривоят қилган.

Шиоримиз:

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусоффо Ислоҳга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солиҳ – улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш.

Дийний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг 1509-рақамли тавсияси ила чоп этилди.

Ш-18


Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф  
Бахтиёр оила. – Т.: «Sharq» 2011. – 504 б.

ISBN 978-9943-00-771-0

Ю 38922  
3

УДК 297  
ББК 86.38

© Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф  
© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2011





## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Одамни тупроқдан яратган ва сокинлик топиши учун ундан ўз жуфтани яратган ҳамда уларнинг никоҳ орқали оила қуриб яшашларини ирода қилган Қодир ва Ҳакийм Аллоҳга У Зотнинг жалолига яраша ҳамду санолар бўлсин!

«Никоҳ менинг суннатимдир. Ким суннатимдан юз ўтирса, мендан эмасдир», деган Расули Акрам Муҳаммад Мустафога битмас-туганмас саловоту саломлар бўлсин!

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзи ирода қилган пайтда тупроқдан одам зотини яратди ва унга Ўз ҳузуридаги руҳдан жон пуфлаб, уни Ўзининг ердаги ўринбосари қилди. Сўнгра одамнинг жуфтани яратди ва уларнинг иккисидан эркак ва аёлларни тарқатди.

Аллоҳ таоло инсон зотини жуфт қилиб, эркак ва аёлдан иборат қилиб яратганда уларнинг ҳар бирига ўзига хос хусусиятларни берди ва уларнинг никоҳ орқали ҳалол-пок яшаб, ўзларидан зурриётлар қолдиришларини ҳамда айна шу йўл билан дунёнинг обод бўлишини ва одам сулоласини Қиёмат-қоим бўлгунча ҳалол-пок йўл билан давом этиб боришини ирода қилди.

Ўзи яратган борликда Ўзи яратган инсон қандай яшаса саодатли бўлишини яхши биладиган Аллоҳ таоло эркак ва аёлларнинг никоҳ орқали оила қуриб яшашларини ирода қилди. Шунинг учун ҳам Ўзининг барча Анбиёларига, авлиёларига ва солиҳ бандаларига никоҳли ҳаётни раво кўрди. Ўзининг барча самовий динларида никоҳни жорий қилди. Ўша динлари орқали инсониятга, ҳаётнинг бошқа соҳаларида-



ги каби, никоҳ ва оила борасидаги саодатга элтувчи кўрсатмаларини тақдим қилиб борди.

Шу тарзда, Аллоҳ таоло инсониятни аста-секин тарбиялаб келди ва ниҳоят инсоният камолга етганда Ўзининг охирги ва мукамал дини, Қиёматгача боқий қолувчи дини, барча замонлар ва маконларда инсониятга икки дунё саодат йўлини кўрсатиб берувчи дини – Ислом орқали оилавий ҳаётнинг мукамал таълимотларини жорий қилди. Ушбу таълимотларга ихлос билан амал қилганлар оилавий бахт нашийдасини суриб келдилар ва келмоқдалар.

Маълумки, оила ҳар бир жамиятнинг бошланғич хужайраси ҳисобланади. Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустаҳкам, фаровон бўлади. Аксинча, оилаларда парокандалик, бузғунчилик бўлса, ҳалол-ҳаромнинг фарқи қолмаса, ўша жамият бузилади, тинчи йўқолади, охир-оқибат у чуқур таназзулга юз тутади.

Шунинг учун ҳам қадимдан ҳар бир жамият оила масаласига катта эътибор бериб, оилаларнинг мустаҳкам ва бахтиёр бўлиши учун имконида бор бўлган барча чора ва тадбирларни кўриб келган. Зотан, соф инсоний табиат худди шундай бўлишини тақозо қилади.

Аммо минг афсуслар бўлсинким, кейинги пайтларда Фарбдаги баъзи бир жамиятларда «ҳуррият», «шахс эркинлиги» деган сохта шиорларни рўкач қилиб олган айрим бузғунчилар «Оиланинг кераги йўқ, никоҳ шарт эмас, у инсоннинг эркини чеклаб қўяди» деган даъвони кўтариб чиқишди.

Яна минг афсуслар бўлсинким, бу сафсатага ишонадиганлар ҳам чиқдилар ва кўпайиб бормоқдалар. Охир оқибат ҳозирга келиб, кўплаб муаммолар келиб чиқди: инсоннинг соф табиатига зид бўлган ушбу дунёқарашга қул бўлган юртларда оиланинг қадри қолмади, оила аъзоларининг ўзаро эҳтиромлари, меҳр-муруватларига футур етди. Эркак ва аёллар ўз оиласида тинч-тотув яшашнинг ўрнига ҳаром-хариш

кайфу сафога берилдилар. Насл-насаб ҳақида қайғуриш улар учун ёт нарсага айланди. Фарзанд орттириш, бола тарбия қилиш уларга ёқмай қолди...

Ислом шариати, умуман, энгилик устига бино қилингандир. Бу ҳақда кўплаб оят ва ҳадислар бор. Хусусан, эркак ва аёл, оила, никоҳ масаласига келсак, бу масалаларда ҳам Аллоҳ таоло Ўз бандаларига энгиликни истаган ва уларга оила қуриб, ҳалол-пок яшашни амр қилган. Сиртдан қараганда, диний кўрсатмаларни бажариш қийин, шаҳватга эргашганларнинг йўлларида юриш осон бўлиб кўринади: Исломда ҳамма нарса ман қилинган-у, фақат биргина йўлга рухсат берилганга ўхшайди. Номаҳрамга қарам, у билан ёлғиз қолма, уйланмоқчи бўлсанг, олдин аҳлингнинг розилигини ол, маҳр бер, гувоҳ келтир ва ҳоказо — ҳаммаси қайдлаш ва қийинчиликдан иборат бўлиб туюлади. Шаҳватга эргашганлар эса: «Ёшлигингда ўйнаб қол, гуноҳ бўлса нима қипти?!» дейишади. Бу йўл, албатта, содда ва осон кўринади, ҳақиқатда эса ундай эмас. Натижаларни кўздан кечирганимизда, бу нарса яққол кўзга ташланади.

Дунё тарихини кузатадиган бўлсак, оила масаласига энгил қараган, жинсий шаҳватга берилган халқлар, давлатлар ва маданиятлар албатта инқирозга учраганлигининг гувоҳи бўламиз. Қадимий буюк империяларнинг шармандаларча қулашининг асосий омилларидан бири ҳам шу бўлган.

Бизнинг асримизга келиб Фарба, ўзларининг таъбири билан айтганда, жинсий инқилоб бўлди. Жинс борасида олимлар етишиб чиқди. Улар «Жинсий ҳуррият бўлмагунча, инсон тўлиқ эркин бўла олмайди. Агар жинсий майллар жиловланса, инсонда руҳий тугун пайдо бўлиб, унда кўрқоқлик ва бошқа салбий сифатлар келиб чиқишига сабаб бўлади» каби ғояларни тарқатишди. Оқибатда жинсий инқилоб авжга чиқди. Натижасини — ҳар хил бало-офатлар бухронини ҳозир ўзлари кўриб, татиб туришибди. Ахлоқий бузуқлик, оиланинг ва жамиятнинг парчаланиши, ҳаётга қизиқишнинг йўқолишидан ташқа-

ри, сон-сановига етиб бўлмайдиган муаммолар пайдо бўлди. Тараққий этган Фарб давлатларининг туб аҳолиси айнан жинсий инқилоб оқибагида даҳшатли суръатда камайиб бормоқда. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган таносил касалликлари келиб чиқди, ҳар йили сон-сановисиз одамлар шу касалликлар туфайли бу дунёни тарк этмоқда, насл бузилиб, одамлари заифҳол ва касалманд бўлиб бормоқда, турли ақлий ва руҳий касалликлар урчимоқда.

Охири келиб, касалликларга қарши инсондаги табиий монеъликнинг йўқолиши — ОИТС касаллиги пайдо бўлди. Бу касаллик ҳақли равишда «XX аср вабоси» деб номланди. Унинг давоси йўқ. Бу дардга чалинишнинг асосий сабаби баччабозлик ва зино экани ҳеч кимга сир эмас. У билан касалланган одам тез муддатда азобланиб ўлиши ҳам барчага аён. Ҳамма даҳшатда. Бутун дунё тиббиёт олимлари ушбу дардга чалинмасликнинг йўлини ахтармоқдалар. Бу йўлда ҳисобсиз маблағлар сарфланмоқда, мазкур вабога чалинмасликнинг турли чоралари таклиф этилмоқда, қонунлар чиқарилмоқда, идоралар очилмоқда. Лекин шаҳватга эргашиб, залолатга кетганлар биргина энг осон, энг ишончли Йўл — Аллоҳнинг йўлига қайтишни хаёлларига ҳам келтирмаяптилар. Ақалли, ушбу касалнинг бевосита сабабчиси бўлмиш зинони ман этувчи қонун чиқаришни ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмапти. Чунки шаҳватга эргашганларнинг ўзлари шаҳватга қарши чиқа олмайдилар. Улар аслида, шаҳватга банд бўлганликлари учун унга эргашганлар. Зоҳирий осон кўринган ишга ўзларини уриб, энди машаққатдан бошлари чиқмай юрибди. Зоҳирий оғир кўринган бўлса ҳам Аллоҳ таоло кўрсатган йўлдан юрган бандаларнинг бошида мазкур оғирлик ва машаққатларнинг бирортаси ҳам йўқ. Улар мутлақ энгилликда, фаровон турмуш кечирмоқдалар.

Албатта, Аллоҳ таолонинг иродасига, соф инсоний табиатга қарши борган ишларнинг оқибаги яхши бўлмайди. Ҳалоллик ва поклик рамзи бўлган, инсон сулоласининг тарқалиб боришини таъминлайдиган никоҳ ва оила каби илоҳий тизимларга қарши чи-

қиш кўп ўтмай, ўзининг «самара»сини бера бошлади. Никоҳни инсон жинсий ҳурриятини чеклайдиган зулм деб қараган, оилани эркинликнинг қамоғи деб биладиган жамиятларда аҳоли сони кескин камайиб кетди. Бу жамиятлар нафақахўрлар юртига айланиб бормоқда. Уларнинг кўпчилигида ҳозирги кунда нафақа ёшини ошириш борасида ҳукуматлар билан фуқаролар ўртасида жангу жадал авж олмақда. Куч-қувват, чапдастлик, ёшлик, гўзаллик намоиши деб эътироф этилган спорт мусобақаларида ҳам оиланинг душманлари бўлган мазкур жамиятларда, ўз наслдан тарқалган ёшлар етишмаганлиги сабабли қора танли йигит-қизларни ёллаб олиб, ўз ватанлари номидан спорт мусобақаларида қатнаштирмақдалар.

Аллоҳ таолонинг Ўзига ҳадсиз шукрлар бўлсинким, мусулмон халқлар бу каби ташвишлардан холидирлар. Чунки улар ўз динлари — Ислому туфайли оилавий бахтни сақлаб қолганлар. Уларда никоҳнинг ҳурмати, эътибори ҳали-ҳануз мавжуд, оила аъзоларининг ўзаро эҳтиромлари нисбатан яхши. Мусулмон оилаларнинг мустаҳкамлиги бошқа халқларнинг ҳавасини келтирмақда.

2009-йили Россиядаги баъзи сиёсатчилар оила бўйича ўтказган илмий тадқиқотларнинг натижаларини эълон қилдилар. Мазкур натижалардан намуна келтиришга ижозат бергайсиз.

Россияда оила бузилиши 54,3% ни ташкил этади.

Таймир автоном вилоятида — 94%.

Чукотка автоном вилоятида — 83%.

Коряк автоном вилоятида — 80%.

Тадқиқот муаллифлари таққослаб кўриш учун мусулмонлари йўқ даражадаги юқоридаги уч минтақага муқобил равишда Россиянинг асосан мусулмонлар яшайдиган уч минтақасидаги оила бузилиши ҳақидаги ҳисоботни келтирадилар.

Чеченистонда — 4,3%.

Ингушистонда — 10%.

Доғистонда — 17%.

Шу билан бирга, мусулмонлар яшайдиган ушбу уч минтақа узоқ умр кўриш ва кўпболалик бўйича ҳам пешқадам ҳисобланадилар.

Тадқиқот муаллифлари юқоридаги рақамларни келтириш билан кифояланиб қолмай, ўз қавмларини никоҳ ва оила борасида мусулмонлардан ўрناق олишга чақирадилар. Албатта, Россиядек катта давлатда уларнинг ичида яшаб турган бошқа диндаги кишилардан намуна олишга чақириш учун катта жасорат керак. Чунки бошқалар бу чақириқни ёқтирмастиклари ҳам мумкин. Худди шунинг учун бўлса керак, юқорида эслаб ўтилган тадқиқот ва ундан келиб чиққан — мусулмонлардан ўрناق олиш ҳақидаги чақириқ тўғрисида мухбирлар рус православ черкови руҳонийининг фикрини билмоқчи бўлиб, уни саволга тутдилар. У киши: «Жуда тўғри гап. Мен ўзимдан яна шуни қўшимча қиламанки, биз оиладаги руҳий-маънавий тарбия борасида ҳам мусулмонлардан ўрناق олишимиз керак», деган жавобни берди.

Рус мутахассисларининг таъкидлашларича, Россиядаги оилаларнинг 66 фоизи фақат битта бола қолдиради. Охирги ўн йил давомида Россия аҳолиси ҳар йили тахминан 900 мингтага камайиб бормоқда. Давлат ва жамият бор имконини ишга солиб, бу ҳалокатдан қутулиш чораларини кўрмоқда. Россия Федерацияси мажлиси раисининг ўринбосари А.Торшиннинг таъкидлашича, бу давлатда фақат мусулмонлардагина одам сони ортиб бормоқда.

2010 йилнинг иккинчи ярмида АҚШлик мутахассислар ўзларининг давлатлари оила бузилиши бўйича дунё бўйича энг юқори ўринда туришини эълон қилдилар.

Британияда ҳар 6 та янги қурилган оила ҳиссасига 5 та бузилган оила тўғри келади.

Соф табиатли одамни даҳшатга соладиган бунга ўхшаш маълумот ва ҳисоботларни истаганча келтириш мумкин. Лекин биз ҳозирги замонда бизга яқин шароитдаги ҳолатларда Франция, Америка, Британия ва Россияга тегишли хабарлардан денгиздан бир



томчисини келтирдик, холос. Тасаввур ҳосил қилиш ва хулоса чиқариш учун шунинг ўзи ҳам кифоя қилади.

Демак, ҳозирги замон технологияси, моддий тараққиёти, динсизлик маданиятининг юксалиши оилани мустаҳкамлаш ўрнига унинг парчаланишига, йўқ бўлиб кетишига, бу борада турли муаммоларнинг келиб чиқишига олиб келар экан.

Бутун дунё, инсоният оила муаммосини ҳал қилиш борасида улкан ташвиш қаршисида турибди. Уни ҳал қилиш учун турли чораларни кўрмоқда ва истамоқда, нима қилишини билмай, бош қотирмоқда. Исломдан, ундаги оила тизимидан бир оз бўлса ҳам хабардор бўлган баъзи кишилар ўз қавмларини бу борада мусулмонлардан ўртак олишга чақирмоқдалар.

Аммо шу ўринда «Ҳамма мусулмонлар ҳам ушбу ҳолатдан хабардорми, улар ўзларининг оила ҳақида бошқалар ҳавас қилаётган ҳолатларининг бош сабабчиси динлари — Ислом эканини биладиларми?» деган ҳақли савол туғилади. Шу билан бирга, «Мусулмонларнинг ўзларида оила масаласи қандай, уларда бу борада муаммолар йўқми? Бўлса, қандай?» каби бир қанча саволлар ҳам пайдо бўлади.

Охирги пайтда оила ҳақида юқорида зикр қилинган ва қилинмаган масалалар бўйича алоҳида китоб таълиф қилиш нияти хаёлда тез-тез такрорланиб турарди. Шу билан бирга, бу борада аввал ёзилган нарсалар ҳам ёдга тушар эди. Оила ва унга боғлиқ муаммолар ўта муҳим бўлганлигидан, бу ҳақда алоҳида ва давомли фаолият зарурлиги сабабли, ўтган йигирма йилдан зиёд даврда деярли ҳар ҳафтада бир неча марта қилинадиган маърузалар, вақти-вақти билан бўлиб турадиган радиоэшиттиришларидан ташқари, бир қанча ёзувлар ҳам амалга оширилганлиги ҳаммага маълум эди.

Дастлаб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида бир неча мақолалар нашр қилган эдим. Кейинроқ ўша мақолаларга бошқа керакли маълумотларни қўшиб, «Оила — фароғат қасри» деган рисола чоп қилдик. «Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласига оид

Ҳаётнинг омили



«Никоҳ, талоқ ва идда китоби» чоп этилди. Аллоҳга шукрлар бўлсин, имкон топган кишиларимизга мазкур битиклардан фойда олиш насиб этди. Айниқса, «Никоҳ, талоқ ва идда китоби» чоп этилгандан сўнг кўплаб кишиларимиздан ташаккурлар ва фикр-мулоҳазалар тақдим қилинди.

Никоҳ тўйлари ва унга боғлиқ муносабатлар билан қилинадиган маърузаларимизда ўзимизга етган янги маълумотлар тақдим қилинганиданми, кўпчилик мактубларда «Фалон маърузанинг ёзилган нусхаси борми, бўлмаса, ёзиш нияти борми?» каби саволлар такрорланиб турибди. «Оила — фароғат қасри» китобини қаердан топсак бўлади?» деган саволлар ҳам борган сари кўпайиб бормоқда.

Ушбу ва бошқа бир қанча мулоҳазаларни эътиборга олиб, оила ва унга боғлиқ долзарб масалаларни баён этувчи алоҳида китоб ёзишни маъқул кўрдик. Аллоҳ субҳаанаҳу ва таолонинг Ўзидан ёрдам сўраган ҳолимизда бу ишни бошладик.

Яхши ният билан китобни «Бахтиёр оила пизоми» деб номладик. Бу ишни бизга Аллоҳ таолонинг Ўзи осон ва фойдали қилсин!

Сиз муҳтарам ўқувчилардан ушбу битиклардан бирор фойдали ва яхши нарсга топсангиз, Аллоҳ таолонинг фазлидан деб, барча хато ва нуқсонларни камина ходимингиздан деб билишингизни сўраймиз.

Муҳаммад Содиқ  
Муҳаммад Юсуф.

## ИНСОННИНГ ЖУФТ ҚИЛИБ ЯРАТИЛИШИ

Оила ва унинг бахти, саодати ҳақида сўз юритишдан олдин инсоннинг яратилишидан кўзланган мақсадларга назар солиш, айниқса, нима учун инсон эркак ва аёл қилиб, жуфт қилиб яратилди, деган саволга жавоб ахтариш лозим бўлади. Шу маънода Қуръони Каримга юзлансак, унда инсоннинг жуфт қилиб яратилиши ҳақида бир қанча оятлар назил бўлганини кўрамиз.

«Фотир» сурасида Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади:

وَاللّٰهُ خَلَقَكُمْ مِّنْ تُرَابٍ ثُمَّ مِنْ نُّطْفَةٍ ثُمَّ جَعَلَكُمْ اَزْوَاجًا

**«Аллоҳ сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан яратиб, кейин жуфт-жуфт қилиб қўйди» (11-оят).**

Тупроққа жон киргизиб, одам қилган Зот — Аллоҳ,  
Нутфага жон ато қилган Зот — Аллоҳ.

Инсонни жуфт — эркак ва аёл қилиб яратган Зот — Аллоҳ.

Эркакка эркаклик ва аёлга аёллик хусусиятларини берган Зот — Аллоҳ.

Бу маънодаги оятлар анчагина бор. Бошқа оятларда эса инсон зотининг жуфт қилиб — эркак ва аёл қилиб яратилишидаги ҳикматлар ҳам баён қилинади.

Аллоҳ таоло «Рум» сурасида бундай деб марҳамат қилади:

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا  
وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١﴾

**«Ва Унинг оят-белгиларидан сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда меҳру-муҳаббат ва марҳаматни солиб қўйганидир. Албатта, бунда тафаккур қилдиган қавмлар учун оят-белгилар бордир» (21-оят).**

Инсонни эркак-аёлга ажратиб, жуфт яратишининг ўзи Аллоҳнинг Биру Борлиги, баркамол сифат-

лар соҳиби эканининг ёрқин далилидир. Эътибор ила тафаккур қилиб кўрилса, инсоннинг эркак ва аёл қилиб яратилишининг ўзи улкан мўъжизадир.

Аллоҳ таоло инсоннинг ўзидан унга жуфт яратиб беришининг ҳикматини баён қилиб: **«СОКИНЛИК ТОПИШИНГИЗ УЧУН»**, — демоқда. Дарҳақиқат, эркак фақат аёлдангина сокинлик, ором, ҳузур-ҳаловат, осойишталик ва тинчлик топади. Шунингдек, аёл ҳам ўзига керак сокинлик, ором, ҳузур-ҳаловат, осойишталик ва тинчликни эркакдан топади.

Ушбу оддий ва улкан ҳақиқатни англаб етиш учун бир тасаввур қилиб кўрайлик-а: дунёдаги барча инсон зоти фақат эркаклардан иборат бўлса, нима бўларди? Жавоб битта: дунёда эркак учун сокинлик, ором, ҳузур-ҳаловат, осойишталик ва тинчлик топилмасди. Инсон насли бир авлоддан кейин инқирозга учрарди, қирилиб битарди.

Аксинча, дунёдаги барча инсон зоти фақат аёллардан иборат бўлса, нима бўларди? Бу саволнинг ҳам жавоби битта: дунёда аёл учун сокинлик, ором, ҳузур-ҳаловат, осойишталик ва тинчлик топилмасди. Инсон насли бир авлоддан кейин инқирозга учрарди, қирилиб битарди.

Демак, инсоннинг жуфт қилиб, эркак ва аёлдан иборат қилиб яратилишининг ҳикмати жуда ҳам катта.

**«...ва ораларингизда меҳру муҳаббат ва марҳаматни солиб қўйгани»**

Аллоҳ таолонинг Ўзи эр билан хотиннинг орасига севги, меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат солмаса, улар бир-бирларининг баъзи камчиликларини, оилавий қийинчиликларни кўтара олармидилар? Чидаб, бирга яшармидилар?

Эркакнинг танасини, аъзоларини, руҳиятини, ҳаттоки энг кичик ҳужайраларини ҳам ўзига хос қилиб яратган ким? Аёлнинг танасини, аъзоларини, руҳиятини, ҳаттоки энг кичик ҳужайраларини ҳам ўзига хос қилиб яратган ким? Ҳа, уларни бир-бирига сокинлик бахш этувчи, меҳр-муҳаббат асосида ўзаро келишиб, дунёни обод қилувчи этиб яратган зот қудратли Аллоҳ таолодир.

**«Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир».**

Қуръони Карим оятларида инсон зотининг жуфт қилиб — эркак ва аёл қилиб яратилишининг бошқа ҳикматлари ҳам баён қилинади. Масалан, «Наҳл» сурасида Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади:

وَاللّٰهُ جَعَلَ لَكُمْ مِّنْ اَنْفُسِكُمْ اَزْوَاجًا وَجَعَلَ لَكُمْ مِّنْ اَزْوَاجِكُمْ بَنِيْنَ وَحَفَدَةً وَرَزَقَكُمْ مِّنَ الطَّيْبِ

**«Аллоҳ сизларга ўзларингиздан жуфтлар қилди ва сизларга жуфтларингиздан болалар ва набиралар қилди ҳамда сизларни пок нарсалардан ризқлантирди» (72-оят).**

Ушбу ояти каримада инсонни жуфт — эркак ва аёл қилиб яратилишининг ҳикматларидан бири — фарзанд ва набиралар қолдириб, инсон сулоласининг давомли бўлишини таъминлаш экани баён қилинмоқда.

Бу орқали ўша улуғ неъматларни беришга ягона Аллоҳ таолонинг Ўзигина ҳақли экани таъкидланади. Шунингдек, Аллоҳ таоло мазкур неъматлардан баҳраманд бўлган бандаларнинг ягона илоҳи — маъбуди бўлишга ҳам ҳақли эканига ишора қилинади.

**«Аллоҳ сизларга ўзларингиздан жуфтлар қилди...»**

Аллоҳ таоло сизларни эр-хотин бўлиб, жуфт бўлиб яшайдиган қилди. Ўша жуфти ҳалолни ўзингиздан яратди. Эрни ҳам, хотинни ҳам бир жинсдан қилди, бирини юқори, бошқасини паст жинсдан яратгани йўқ. Балки иккиси ҳам инсон, иккиси ҳам Аллоҳнинг бандаси ўлароқ яратилди. Буларнинг бари улкан неъматдир. Аллоҳ таоло эркаклар учун аёлларни ёки аёллар учун эркакларни яратиб бермаганида, нима бўлар эди? Эркакларга эркаклик, аёлларга аёллик хусусиятини Аллоҳ таоло бермаганида, ким берар эди? Уларни бир оилада яшаб, фарзанд кўриш бахтига Аллоҳ таоло муяссар қилмаганида, ким муяссар қилар эди?

**«...ва сизларга жуфтларингиздан болалар ва набиралар қилди...»**

Аллоҳ таолонинг ўз бандасига фарзанд бериши улкан неъматдир. Шунингдек, жигаргўшасининг фарзандини кўриш, яъни набирали бўлиш ҳам улкан неъмат ҳисобланади. Шу тариқа инсон насли сақла-ниб боради.

Аллоҳ таоло инсонни аввало жонсиз тупроқдан яратди. Кейин эса, путфа (сперма) орқали кўпайи-шини қонунлаштириб қўйди. Фақат бу кўпайиш ҳа-лол-пок йўл билан бўлиши шартлигини Ўз китобида алоҳида таъкидлаб ҳам қўйди. Демак, инсон ўзига ҳалол жуфт, бола ва набиралар берган Аллоҳ таоло-га иймон келтириб, Унгагина ибодат қилиб, оиласи-ни ҳар жиҳатдан асраб-авайлаб яшамоғи лозим. Акс ҳолда, ношукрлик қилган бўлади.

**«...ҳамда сизларни пок нарсалардан ризқлан-тирди...»**

✓Аллоҳ таоло инсонга покиза ризқ бергувчи яго-на Зотдир. Ундан бошқа ризқ бергувчи йўқ. Демак, бу ўринда ҳам инсон Аллоҳ таолога иймон келтириб, Унгагина ибодат қилмоғи лозим.

Қуръони Каримдаги маълумотга биноан, инсон-нинг биринчи жамияти оиладан иборат бўлган. Ал-лоҳ таоло тупроқдан отамиз Одам алайҳиссаломни ва ундан унинг жуфти – онамиз Ҳаввони яратганидан сўнг икковлари бир оила бўлиб ҳаёт кечиришни бош-лаганлар ва улардан одам насли тарқала бошлаган.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло «Аъроф» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَجَعَلَ مِنْهَا زَوْجَهَا لِيَسْكُنَ  
إِلَيْهَا فَلَمَّا تَغَشَّاهَا حَمَلَتْ حَمْلًا خَفِيًّا فَمَرَّتْ بِهِ فَلَمَّا أَثْقَلتْ دَعَا  
اللَّهُ رَبَّهُمَا لَئِنْ آتَيْتَنَا صَالِحًا لَنُكُونَنَّ مِنَ الشَّاكِرِينَ ﴿١٨٨﴾

«У сизларни бир жондан яратган ва ором олсин учун ундан жуфтини яратган Зотдир. Вақтики у (жуфтини) ўраганида, енгил ҳомиладор бўлди. Бас, у билан юрди. У оғирлашганда эса, икковлон Роб-билари Аллоҳга: «Агар бизга солиҳ (фарзанд) бер-

**санг, албатта, шукр келтирувчилардан бўламиз», – деб дуо қилдилар» (189-оят).**

Ислом таълимоти бўйича, ҳамма одамларнинг асли бир. Аллоҳ таоло уларни бир жондан яратган. Унинг жуфти бўлмиш аёлни ҳам худди шу жоннинг ўзидан халқ қилган. Лекин бирини эркак, иккинчисини аёл қилиб яратиши уларнинг бир тан, бир жон бўлиб бир-бирларидан «ором олиш»лари учундир.

**«У сизларни бир жондан яратган ва ором олсин учун ундан жуфтини яратган Зотдир...»**

Ҳа, Исломда «Эркак ва аёлнинг асли бир, уларни Аллоҳ таоло бир жондан яратган» деб эътиқод қилинади. Уларнинг тузилишлари икки хил бўлиши эса бир-бирларидан ором олишлари, «оила» деб номланган ошёнда истиқрор, хотиржамлик ва унсу улфат топишлари учундир.

Эркак билан аёлнинг ҳалол йўл билан қўшилиб, бир оила бўлиб яшашларининг самараларидан бири фарзанддир. Буни ушбу оятда юқори одоб йўли билан:

**«Вақтики у(жуфти)ни ўраганида, енгил ҳомиладор бўлди», дейилмоқда.**

Яъни, аёл киши янги ҳомиладор бўлганида ҳомила енгил бўлади. Унинг борлиги онага у қадар билинмайди ҳам.

**«Бас, у билан юрди...»**

Яъни, она ҳомила билан маълум муддат юрди.

**«У оғирлашганида эса, икковлон Роббилари Аллоҳга: «Агар бизга солиҳ (фарзанд) берсанг, албатта, шукр келтирувчилардан бўламиз», – деб дуо қилдилар».**

Вақт ўтган сари, ҳомила катталашиб бориб, она оғирлашади. Туғиш вақти яқинлашади. Ана шу пайтда отада ҳам, онада ҳам фитрий – соф табиатларига хос ҳис-туйғулар ошади, уларда фарзанд билан боғлиқ турли орзу-умидлар пайдо бўлиб, фарзандларининг соф-саломат, тўла-тўкис униб-ўсиши ва аҳли солиҳлардан бўлишини орзу қиладилар. Шунингдек, уларда онанинг эсон-омон қутулиб олиши ҳақида ҳадиклар ҳам бор. Ҳар ҳолда, инсон орзу-умид пал-



лаларида Аллоҳга илтижо қилади. Ота-онада эса ҳам орзу-умид, ҳам ҳадик бор. Шунинг учун ҳам улар:

**«Агар бизга солиҳ (фарзанд) берсанг, албатта, шукр келтирувчилардан бўламиз», – деб дуо қилдилар».**

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَجَدَّوْهُ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا  
وَبَثَّ مِنْهَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً

**«Эй одамлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтини яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёллар таратган Роббингиздан қўрқинглар!» (1-оят).**

Бу ояти карима одамларга уларнинг инсон эканликлари, уларни Аллоҳ таоло яратганлиги эслатилмоқда. Шунингдек, бу оятда одамларни яратган Холиқ битта бўлиши билан бирга, инсонларнинг асли ҳам бир жон бўлганлиги баён этиляпти:

**«Сизни бир жондан яратган»**

Ушбу оятдаги улкан ҳақиқатлардан бири **«...ва ундан унинг жуфтини яратиб»** жумласида ўз аксини топгандир. яъни у жондан унинг жуфтини – хотинини яратган, дейилмоқда. Бу эса, ўз навбатида аёл киши ҳақидаги барча нотўғри фикр ва тушунчаларни чиппакка чиқариб, ўз ҳуқуқларига эгаликда ва дунё ҳаётидан баҳрамандликда у ҳам эркаклар билан тенг туришини, у ҳам бир жондан яралганини англатади.

**«Икковларидан»,** яъни ўша «бир жон» бўлмиш Одам ва унинг жуфти Ҳавводан **«кўплаб эркагу аёлларни таратган»**лиги ҳам муҳим бир ҳақиқатдир.

Аллоҳ таоло хоҳласа, бирданига хилма-хил, сонсаноксиз эркагу аёлларни яратишга ҳам қодир эди. Аммо у бундай қилишни хоҳламади. Ер юзидаги инсонларнинг барчаси қариндошлиқ алоқалари, оила ришталари ила ўзаро боғлиқ бўлишларини ирода қилди. Исломда оилани мустаҳкамлашга катта эътибор берилишининг сири ҳам шундадир.



Аллоҳ таоло Ўзининг танлаб олган элчилари бўлиши Анбиёларига ҳам оила қуриш, жуфти ҳалолларидан зурриётлар орттиришни раво кўрган.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло «Раъд» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِنْ قَبْلِكَ وَجَعَلْنَا لَهُمْ أَزْوَاجًا وَذُرِّيَّةً

**«Батаҳқиқ, Биз сендан олдин ҳам Расуллар юбордик ва уларга хотинлар ва зурриётлар ато қилганмиз» (38-оят).**

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилинаётган ушбу оятда Аллоҳ таоло оилали бўлиш, уйланиш ва зурриётли бўлиш барча Пайғамбар алайҳиссаломларнинг суннатлари эканини баён этмоқда.

Маълумки, Пайғамбар алайҳиссаломлар Аллоҳ таолонинг энг суюкли, танлаб олган, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатган бандаларидир. Улар инсоният тарихи давомида илоҳий қонун-қоидалар асосида яшашни кишиларга ўргатиб келган шахслардир. Ана ўшандай олиймақом зотларнинг ҳаммалари оилали ва зурриётли бўлишлари бежиз эмас. Бу ҳолат барча инсонлар оилали бўлиб, ҳалол-пок йўл билан зурриёт қолдиришга уринишлари керак эканини кўрсатади. Бу оятда никоҳга қаттиқ тарғиб борлиги кўриниб турибди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўзларининг никоҳдан дунёга келганликларини фахр билан зикр қилганлар.

عَنْ جَعْفَرِ بْنِ مُحَمَّدٍ، عَنْ أَبِيهِ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ أَخْرَجَنِي مِنَ النَّكَاحِ، وَلَمْ يُخْرِجْنِي مِنَ السَّفَاحِ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

*Жаъфар ибн Муҳаммаддан, у отасидан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Албатта, Аллоҳ азза ва жалла мени никоҳдан чиқарди, зинодан чиқармади».**

*Байҳақий ривоят қилган.*



Ушбу ҳадиснинг шарҳида айтилишича, Аллоҳ азза ва жалла Ўзининг маҳбуб Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ота силсилалари Одам алайҳиссаломдан тортиб, то Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолибгача, она силсилалари момо Ҳавводан тортиб, то Омина бинту Ваҳбгача фақат никоҳ воситаси билан боғланиб келишини таъминлаган.

Хулласи калом, Аллоҳ таоло инсон зотига, уларнинг йўлчи юдузлари бўлмиш Анбиёларга, Анбиёларга эргашган авлиёларга ва барча умматларга оила ҳаётини раво кўргандир. Аллоҳ азза ва жалла Ўзининг барча самовий динларида оила тузумини улурлаган ва бандаларини никоҳга тарғиб қилган.

Айниқса, Аллоҳ таоло Ўзининг охирги ва мукамал дини, Қиёматгача боқий қолувчи дини, барча замонлар ва маконлардан инсониятга икки дунё саодат йўлини кўрсатиб берувчи дини — Исломда оилага алоҳида эътибор берган. Оилавий алоқаларни инсоний алоқалар ичида энг муқаддас робитага айлантирган, Қуръони Каримда бу масалага оид кўплаб оятларни нозил қилган. Аллоҳ таолонинг сўнгги Набийси бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзлари оилавий ҳаёт кечириб, барчага намуна бўлганлар ва кўплаб ҳадисларида кишиларни оилада яшашга тарғиб қилиб, бу борада бахт ва саодатга сабаб бўлувчи кўрсатмаларни берганлар. Ислом шариаатида ҳам оилага катта эътибор берилган. Мусулмон инсоннинг амалий ҳаётини тартибга солувчи фуруъул фикҳга оид шаръий китобларда намоз, закот, рўза ва ҳаж каби рукн ибодатлар билан бир қаторда, «Никоҳ китоби» деб аталган бўлимларда оилага оид барча ҳукмлар тартиб билан, батафсил баён қилинган.

## НИКОҲГА ТАРҒИБ

«Никоҳ» сўзи луғатда «қўшилиш», «жамланиш», «яқинлашиш» маъноларини англатади.

Шариатда эса: «**Никоҳ баҳраланиш эгалигини ҳосил қилувчи боғланишдир**».

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

وَأَنْكِحُوا الْأَيْمَىٰ مِنْكُمْ وَالصَّالِحِينَ مِنْ عِبَادِكُمْ وَإِمَائِكُمْ إِنْ يَكُونُوا فُقَرَاءَ يُغْنِهِمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ ۗ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٣٢﴾

«Ораларингиздаги никоҳсизларни ва қулу чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг. Агар фақир бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилур. Аллоҳ Восий ва Алиймдир» («Нур» сураси, 32-оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида никоҳга тарғиб жуда кучли тарзда келган. Ушбу ҳақиқатни англаб етишимиз учун қуйидаги икки ҳадисни ўрганиб чиқамиз.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ﷺ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: يَا مَعْشَرَ الشَّبَابِ، مَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمُ الْبَاءَةَ فَلْيَتَزَوَّجْ، فَإِنَّهُ أَغْضَىٰ لِلْبَصْرِ وَأَحْصَنُ لِلْفَرْجِ، وَمَنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَعَلَيْهِ بِالصَّوْمِ، فَإِنَّهُ لَهُ وَجَاءٌ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Эй ёшлар жамоаси, сиздан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин. Албатта, у кўзни тўсувчи ва фаржни сақловчидир. Ким қодир бўлмаса, рўзани лозим тутсин, бу унинг учун бичилишдир», деганларини эшитдим».

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

Ушбу ҳадиси шарифдаги «никоҳга қодир бўлса», деб таржима қилинган ибора арабчада «боъа» дейлиб, моддий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан никоҳга қодирлик маъносини англатади.

Демак, шу маънодаги қудратга эга бўлган ҳар бир мусулмон уйли-жойли, оилали бўлишга ҳаракат

қилмоғи лозим. Агар никоҳга моддий ёки маънавий жиҳатдан қудрати етмаган, сарф-харажатни кўта-ра олмайдиган ёки уйланса, умр йўлдошига зулм қилишдан ўзини тўхтата олмайдиган ёшлар бўлса, рўза тутишлари керак. Шу йўл билан улар шаҳватларини босадилар. Чунки рўза туфайли кишининг шаҳвати пасайиб, бошқа жинсдагиларга шаҳват билан қарамайдиган, фаржини зинога ишлатмайдиган ҳолга келади.

Оддий ҳолатларда эса бу икки хавфнинг олдини никоҳ олади. Никоҳдаги киши ўз шаҳватини ҳалол йўл билан қондирганлиги учун, кўзи номаҳрамларга қарашдан тийилган, фаржи ҳаромга юришдан сақланган бўлади.

Бу ҳадиси шариф мўмин-мусулмонларни ёшлик чорларидан, никоҳга қодир бўлишлари биланоқ, оила қуришга чорламоқда.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ ثَلَاثَةٌ رَهْطٍ إِلَى بُيُوتِ أَزْوَاجِ النَّبِيِّ ﷺ يَسْأَلُونَ عَنْ عِبَادَةِ النَّبِيِّ ﷺ، فَلَمَّا أُخْبِرُوا كَانَهُمْ تَقَالُوهَا، فَقَالُوا: وَأَيْنَ نَحْنُ مِنَ النَّبِيِّ ﷺ، قَدْ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ وَمَا تَأَخَّرَ، فَقَالَ أَحَدُهُمْ: أَمَا أَنَا فَإِنِّي أَصَلِّي اللَّيْلَ أَبَدًا، وَقَالَ آخَرُ: أَنَا أَصُومُ الدَّهْرَ وَلَا أَفْطِرُ، وَقَالَ آخَرُ: أَنَا أَعْتَزِلُ النِّسَاءَ فَلَا أَتَزَوَّجُ أَبَدًا، فَجَاءَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِلَيْهِمْ، فَقَالَ: أَنْتُمْ الَّذِينَ قُلْتُمْ كَذَا وَكَذَا، أَمَا وَاللَّهِ إِنِّي لَأَخْشَاكُمْ لِلَّهِ وَأَتْقَاكُمْ لَهُ، لَكِنِّي أَصُومُ وَأَفْطِرُ، وَأُصَلِّي وَأَرْقُدُ، وَأَتَزَوَّجُ النِّسَاءَ، فَمَنْ رَغِبَ عَنِّي فَلَيْسَ مِنِّي. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Уч кишилик гуруҳ Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаларининг уйларига Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ибодатлари ҳақида сўраб келди. Бас, уларга (бу ҳақда) хабар берилганида худди у(ибодат)ни оз санагандай бўлдилар. Шунда улар:

«Биз қаёқда-ю, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қаёқдалар, у зотнинг ўтгану қолган гуноҳлари маъфират қилинган», дедилар.

Улардан бири:

«Мен абадул абад тунларни намоз ўқиш билан ўтказаман», деди. Бошқаси эса:

«Мен умрбод рўза тутаман, оғзим очиқ юрмайман», деди. Яна бошқа бири:

«Мен аёллардан четда бўламан, абадул абад уйланмайман», деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдиларига келиб:

«Шундай, шундай, деганлар сизларми?! Аммо Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳдан энг қўрқувчирогингизман ва Унга энг тақводорингизман. Лекин рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, аёлларга уйланаман ҳам. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўгирса, мендан эмас», дедилар».

*Икки шайх ва Насий ривоят қилганлар.*

Бу ҳадиси шарифда уйланиш, оилали бўлиш «ибодат», «тақводорлик» ва «Аллоҳдан қўрқиш» маъноларига зид эмаслиги баён этилмоқда. Уйланиш Аллоҳ таолодан энг қўрқувчи банда бўлган Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким менинг суннатимдан юз ўгирса, мендан эмас» деганлари имкони бўла туриб никоҳда бўлмаслик, оила қурмаслик мўмин-мусулмон учун мутлақо тўғри келмаслигини аён этади. Уйланмай, оила қурмай юриш мусулмонларга хос иш эмас. Чунки Аллоҳ таоло инсон зотини яратган чоғида эркакни ҳам, аёлни ҳам жинсий рағбат билан яратган. Бу рағбат инсон учун, унинг бахт-саодати учун, инсоният келажаги учун керакли нарсадир. Бўлмаса, Аллоҳ таоло инсонни бундай қилиб яратмас эди.

Ана шу жинсий майлни пок йўл билан қондириш зарур. Бу эса, шаръий никоҳ орқали амалга оширилади. Аксинча бўлса, турли ноқулайликлар, зарарлар келиб чиқади.



Уйланмай, оила қурмай, жинсий майлни қондирмай юриш инсон табиатига зид ва зарарлидир. Ўзини жинсий алоқадан олиб қочган кишилар ўз соғлиқларига зарар етказибгина қолмай, инсон наслининг қирқилишига, дунёнинг хароб бўлишига сабаб бўладилар.

Шунингдек, жинсий майлини пок йўл билан эмас, харом йўл билан қондириб юрганлар ҳам ўзлари ва ўзгалар бошига, бутун инсоният бошига турли бало-офатлар келишига сабаб бўладилар. Шунинг учун ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилиб, никоҳда бўлишга, ҳалол-пок йўл билан оила қуришга ҳаракат қилиш керак. Акс ҳолда, у зотнинг йўлларида бошқа йўлда юрилган ҳисобланади.

عَنْ أَبِي أَيُّوبَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أَرْبَعٌ مِنْ سُنَنِ الْمُرْسَلِينَ: الْحَيَاءُ، وَالتَّعَطُّرُ، وَالسَّوَاكُ، وَالنِّكَاحُ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالتِّرْمِذِيُّ بِسَنَدٍ حَسَنٍ.

*Абу Айюб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Тўрт нарса Расулларнинг суннатларидан: ҳаё, хушбўй сепиш, мисвок ва никоҳ», дедилар».**

*Аҳмад ва Термизий ҳасан санад ила ривоят қилганлар.*

Аллоҳ таолонинг Расуллари У Зот яратган бандаларнинг энг сарасидирлар. Улар турли замонларда турли халқлар ичидан танлаб олинган етук инсонлар ҳисобланадилар. Пайғамбарлар Аллоҳнинг инояти ила илоҳий кўрсатмаларни бандаларга етказиб, уларни ҳаётга татбиқ қилишни кўрсатиб берган зотлардир. Уларни турли хато ва гуноҳлардан Аллоҳ таолонинг Ўзи сақлаб турган ва у зотларнинг ҳаётлари умматларига ўрнак бўлган.

Шунинг учун уларнинг суннатларига, хусусан, барчаларига хос бўлган суннатларга амал қилиш ҳар биримиз учун ўта муҳимдир.

Ушбу ҳадиси шарифда Одам алайҳиссаломдан тортиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламгача —

барча Пайғамбар алайҳиссаломларнинг суннатлари бўлган тўрт нарса ҳақида сўз кетмоқда:

### 1. Ҳаё.

Ҳаё инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган улуғ сифатлардан биридир. Ҳаё инсонга зийнат ҳисобланиб, у пайғамбарларнинг ҳаммаларига хос муштарак сифат бўлган.

Шунинг учун ҳар бир мўмин ҳаёли бўлишга ҳаркат қилмоғи лозим. Бу ўта муҳим сифат ҳақида, Аллоҳ хоҳласа, ахлоқ китобида алоҳида сўз юритамиз.

### 2. Хушбўй сепиш.

Хушбўйлик кишига завқ беради, очиқ табиатлик, қувонч келтиради. Хушбўйлик инсон табиатига ижобий таъсир этадиган нарсадир.

Исломда ҳар бир нарсанинг хушбўй бўлишига катта эътибор берилади, қўланса ҳидни йўқотишга ҳаракат қилинади. Чунки бу барча Пайғамбар алайҳиссаломларнинг, жумладан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир.

### 3. Сивок.

Сивок, яъни оғизни, тишни тозалаб юриш барча Пайғамбар алайҳиссаломларнинг суннатлари эканини билмоғимиз лозим. Бу иш ҳам ҳар бир соф табиатли инсон учун керакли бўлган ишлардан. Шунинг учун ҳам уни Аллоҳ таолонинг Ўзи Набийларига раво кўрган.

### 4. Никоҳ.

Аллоҳ таолонинг барча Анбиё алайҳимуссаломларини бирлаштириб турувчи суннатлардан яна бири никоҳдир. Бу иш энг муҳим суннатлардан ҳисобланмаганида Аллоҳ таоло уни ҳамма Пайғамбарларига раво кўрмас эди. Бу эса, ўз навбатида никоҳга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини билдиради.

Ҳанафий мазҳабининг энг йирик уламоларидан бўлган Ибн Обидин раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Одам алайҳиссаломдан то қиёматгача ибодат қилиб белгиланган ҳамда охиратда жаннатда ҳам давом этадиган амал иккитадир: иймон ва никоҳ».

Исломда никоҳга тарғиб қилиш билан бирга, ундан бош тортиш қаттиқ қораланади.



عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَرَادَ عُثْمَانُ بْنُ مَطْعُونٍ أَنْ يَتَّبِلَ، فَنَهَاهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ، وَلَوْ أَجَازَ لَهُ ذَلِكَ لَأَخْتَصَيْنَا. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

*Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Усмон ибн Мазъун бутунлай таркидунё қилмоқчи бўлган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни наҳий қилдилар. Агар унга бу ишда рухсат берганларида, ўзимизни албатта бичиб ташлар эдик».**

*Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.*

Усмон ибн Мазъун розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эмиқдош биродарларидир. Усмон ибн Мазъун розияллоҳу анҳуда ибодатга ажраб чиқиш майли жуда ҳам кучли бўлган. Аввал Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳараларидан у зотнинг ибодатлари ҳақида сўраб, уни оз санаб, кейин таркидунёчиликни ихтиёр қилган уч кишидан бири ҳам Усмон ибн Мазъун розияллоҳу анҳу эдилар. Ушбу ҳадисдаги «бутунлай таркидунё қилиш» маъноси уйланишни ҳам тарк қилиш маъносини ўз ичига олган. Шунинг учун ҳам ровий Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу:

**«Агар унга бу ишда рухсат берганларида, ўзимизни албатта бичиб ташлар эдик»,** — демоқдалар.

Исломда бу иш жоиз бўлмаганлиги учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Усмон ибн Мазъун розияллоҳу анҳуга рухсат бермаганлар. Уйланмай юриш мусулмон киши учун яхши эмас. Баъзи динларда ибодатта берилганлар уйланишдан воз кечишлари керак. Ундай ишни қилувчилар «роҳиблар», қилаётган ишлари «роҳиблик» дейилади. Исломда эса роҳиблик йўқ, бизнинг динимизда уйланиш ҳам ибодат саналанади.

Исломда никоҳ кечиктириб бўлмайдиган уч ишдан бири ҳисобланади.



عَنْ عَلِيٍّ عَلَيْهِ السَّلَامُ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ لَهُ: يَا عَلِيُّ، ثَلَاثٌ لَا تُؤَخَّرُهَا: الصَّلَاةُ إِذَا أَتَتْ، وَالْجَنَازَةُ إِذَا حَضَرْتَ، وَالْأَيْمُ إِذَا وَجَدْتَ لَهَا كَفْرًا. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ مَاجَهَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالْحَاكِمُ.

*Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам у кишига:**

**«Эй Али, уч нарсани ортга сурмагин. Намозни вақти кирганда, жаноза ҳозир бўлганда ва эрсиз аёл тенгини топганда», дедилар».**

*Аҳмад, Ибн Можа, Термизий ва Ҳоким ривоят қилганлар.*

Намоз қанчалик аҳамиятли ибодат эканини, бу улкан ибодатни ортга суриш қанчалик ёмон иш эканини ҳам ҳамма яхши билади. Шунингдек, жанозани кечиктирмасликка қанчалар аҳамият берилиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Никоҳни кечиктирмаслик лозимлигини ўша муҳим ва аҳамиятли икки иш билан бир ҳадисда айтилиши ушбу ишнинг аҳамияти ҳам аввалги иккисидан қолишмаслигини билдиради.

Мусулмонлар қадимдан Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг никоҳни кечиктирмаслик даркорлиги ҳақидаги ушбу кўрсатмаларига амал қилиб келганлар. Афсуски, кейинги пайтларда баъзи ҳолатларда турли тушунмовчилик ва сабаблар туфайли бу ишга эътибор йўқолди. Бунинг натижаси ўлароқ, турли муаммолар ҳам келиб чиқа бошлади. Узининг Исломга амал қилиши билан фахрланиб юрадиган ўлкалардан бирининг ахборот воситаларида берилаётган маълумотларга қараганда, ўн саккиз миллионлик аҳолининг бир ярим миллионини ўттиз ёшдан ўтган қари қизлар ташкил қилар экан. Ўттиз ёшдан ўтмагани қанча эканини Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Ўша жамиятнинг зиёлилари билан бўлган суҳбатдан маълум бўлишича, иш қизларнинг ўзларининг бахтига тўғаноқ бўлаётган оталари устидан қозихоналарга арз қилишга ҳам мажбур бўлишган экан. Чунки оталар қизлари олаётган ойлик маошдан айрилиб қолмаслик учунгина совчиларга рад жавобини беришар экан.



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир-гина ҳадиси шарифларига амал қилмасликнинг оқибатини кўриб қўйинг. Аслида, вояга етган фарзандларни никоҳлаб, оилали қилиб қўйиш ота-онанинг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг бурчидир.

## ИШБОШИЛАРНИНГ БУРЧИ

Исломда никоҳга бўлган аҳамият фақат унга тарғиб қилиш ва беникоҳликни қоралаш билангина чекланиб қолмаган, балки ишбошиларга – етакчи кучларга ўз жамиятларидаги эркак ва аёлларнинг никоҳда бўлишларини таъминлаш таъкидди равишда топширилган.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло «Нур» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَأَنْكِحُوا الْأَيْمَىٰ مِنْكُمْ وَالصَّالِحِينَ مِنْ عِبَادِكُمْ وَإِمَائِكُمْ ۚ إِن يَكُونُوا فُقَرَاءَ يُغْنِهِمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ ۗ وَاللَّهُ وَسِعَ عِلْمُهُ

«Ораларингиздаги никоҳсизларни ва қулу чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг. Агар фақир бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилур. Аллоҳ Восиъ ва Алиймдир» (32-оят).

Ушбу ояти каримадаги хитоб ота-она, хожа ва мусулмон ишбошиларга қаратилган бўлиб, уларга ўз қарамовларидаги ўғил-қизлари, қулу чўрилари ва ёрдамга муҳтож ёру биродарларини никоҳлаб қўйишга бошқош бўлишлари амр этилмоқда. Мусулмон киши фақат ўзи никоҳда бўлиши билан кифояланиб қолмай, бошқа мусулмон биродарларининг ҳам никоҳли бўлишлари учун ҳисса қўшиши лозимлиги шундан олинган.

Ана шунинг учун бурчларини, масъулиятларини чуқур ҳис қилган мусулмонлар оиласиз юрган эркак ва аёлларга никоҳли бўлиш лозимлигини тинмай тарғиб қиладилар.

Айнан шунинг учун ҳам улар ўғил-қизларини, яқин кишиларини уйлаб-жойлаб қўйиш учун бутун имкониятларини ишга соладилар.

Ва ниҳоят, ўшандай мусулмонлар никоҳ ишида қийналиб қолган дин қардошларига ёрдамларини ҳеч қачон аямайдилар.

Ояти каримада қул ва чўриларни ҳам никоҳлаб қўйиш ҳақида сўз кетаётганлиги алоҳида эътиборга сазовордир. Қул ва чўрилар одам ўрнида кўрилмай турган бир даврларда Қуръони Каримнинг уларни уйли-жойли қилиб қўйиш ҳақида мусулмонларга фармон бериши Ислом дини ҳар томонлама қул ва чўриларнинг ёнини олишга ҳаракат қилганини кўрсатади. Уларнинг эрки ўзида бўлмаса ҳам, бировнинг мулки ҳисоблансалар ҳам, хожалари уларни уйлаб-жойлаб қўйишлари керак бўлади. Чунки инсон ким бўлишидан қатъи назар, вояга етганидан кейин ҳалол-пок никоҳ орқали иффатини сақлаб юрмаса, оёғи тойилиши, зинога қўл уриши эҳтимоли кучаяди. Бу жинойт эса уни содир этган кимса учун ҳам, у яшаб турган жамият учун ҳам мислсиз бало-офатларга сабаб бўлади.

Никоҳ масаласи ўта нозик масала бўлиб, бу ояти каримада камбағаллик никоҳдан қочишга сабаб бўлмаслигига ҳам алоҳида ишора келмоқда. Бинобарин, бундан баъзи кишиларнинг «қўли калталиқ»ни баҳона қилиб никоҳни ортга суришлари мусулмончилик одобларига тўғри келмаслиги тушунилади. Дарҳақиқат, ўйлаб кўрсак, кўпчилик инсонлар авваллари бепарво юрган бўлса ҳам, оила қургач, жиддий ҳаракатга тушиб, иқтисодий аҳволларини яхшилаб олганларини кўрамыз.

Балоғатга етган ўғил-қизларини уйлантириб, оилани қилиб қўйиш ота-онанинг бурчидир. Чунки эндигина вояга етган ёш йигит ва қизлар оила нималигини, уни қандай қуришни ҳам, бу ўта нозик ва муҳим ишни қандай қилиб амалга оширишни ҳам билмайдилар. Уларнинг бу борада билимлари, тажрибалари бўлмайдилар. Агар никоҳ ва оила қуриш ишлари уларнинг ўзларига ташлаб қўйилса, адашишлари, умр савдоси деб аталган ўта муҳим ва нозик масалада нуқсонга йўл қўйишлари мумкин. Ота-она эса ўзлари оила қурган, унинг нималигини яхши биладиган ва фарзандларига яхшиликни раво кўра-

диган шахслар сифатида бу борада уларга бош-қош бўлишлари лозим. Агар ота-она бўлмаса, қариндошлардан уларнинг ўрнини босадиган кишилар ёшларга валий – ишбоши бўладилар. Мабодо, ҳеч кими йўқ бўлса, жамиятдаги етакчи кучлар уларнинг ўрнини босади. Шундай қилиб, мусулмонлар яшайдиган жамиятда узрсиз беникоҳ юрган одамлар қолмаслиги учун барча ҳаракатда бўлади.

Бу муҳим ишда илми бор кишилар никоҳ ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориб, ваъз-насиҳат қилиб, мақола ёки китоб ёзиб, ўз ҳиссаларини қўшадилар. Ташкилотчилик қобилияти бор бўлганлар ўз қобилиятларини ишга солиб, топиштириш, совчилик қилиш ва шунга ўхшаш ишларда ёшларга ёрдам берадилар. Мол-мулкда кенглик насиб қилган одамлар эса маблағдан ёрдам берадилар. Никоҳли оилаларни кўпайтиришга, барча мусулмонларнинг оила оғушида, роҳат-фароҳатда яшашларига шу тариқа ёрдам берилади. Зотан, иффатини сақлаш ниятида оила қурмоқчи бўлганларга ёрдам бериш, Аллоҳ таоло учун қилиниши лозим бўлган уч муҳим ишдан бири ҳисобланади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: ثَلَاثَةٌ حَقَّ عَلَى اللَّهِ عَوْنُهُمْ: الْمَكَاتِبُ الَّتِي يُرِيدُ الْأَدَاءَ، وَالنَّكَاحُ الَّذِي يُرِيدُ الْعِفَافَ، وَالْمُجَاهِدُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالتَّسَائِيُّ وَالْحَاكِمُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
«Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Уч кишига ёрдам бериш Аллоҳнинг зиммасида ҳақдир: адо этишни ирода қилган мукотабга, иффатни ирода қилган турмуш қурувчига ва Аллоҳнинг йўлида жидду жаҳд қилувчига».

*Термизий, Насаий ва Ҳоким ривоят қилганлар.*

Инсонлар ўз ҳаётлари давомида ҳамиша бир-бирларининг ёрдамларига эҳтиёж сезиб турадилар. Қолаверса, кўпчилик одамлар турли масалаларда бир-бирларидан ёрдам сўрайдилар ҳам. Лекин ёрдам бе-

рувчи кўпроқ қай ҳолларда ёрдам бериши матлуб ва қайси кишиларга ёрдам берса, кўпроқ савоб олади?

Ушбу ҳадисда ана шу саволга жавоб берилмоқда:

**«Адо этишни ирода қилган мукотабга».**

Мукотаб хожаси билан маълум бир вақтда маълум миқдор пулни бериб озод бўлишга аҳднома тузган қулдир. Бу иш қанчалар улуғ ва савобли эканини таъкидлаб ўтирмасак ҳам бўлади.

Бировга сидқидилдан ёрдам бермоқчи бўлган одам аввало ана шундай кишига — озод бўлишни чин қалбдан хоҳлаётган, бунинг учун жони-дили билан уринаётган қулга ёрдам қилиши лозим ва яхши эканини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ушбу ҳадиси шарифларида алоҳида таъкидламоқдалар.

**«иффатни ирода қилган турмуш қурувчига».**

Ўз иффатимни сақлайин, жинсий майлимни пок йўл — никоҳ йўли билан қондирайин, деб уринаётган кишига ёрдам бериш ҳам худди қуликдан озод бўлишга ҳаракат қилаётган одамга кўмаклашишдек керакли ва савобли ишдир.

Никоҳ орқали иффатини сақлашга ҳаракат қилаётган, аммо бунга эриша олмаётган кишига ёрдам қўлини чўзиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг муқаддас бурчи бўлиб, кимдир сўзи билан, кимдир хизмати билан, кимдир молу дунёси билан унга ёрдам бермоғи керак. Бу иш жуда ҳам улуғ савобга молик бўлиб, мусулмонлар қадимдан бу борада бошқа халқлардан ажралиб турганлар. Улар оила қуришга уринмаганларни оила қуришга ундаганлар, оила қуриш ниятидагиларга қўлларидан келган ёрдамларини аямаганлар. Бу ишларни худди ушбу ҳадисга амал қилиб, адо этишган. Ҳозирги мусулмонлар ҳам бу борада ўз ихлос ва ғайратларини кўрсатишлари лозим.

Баъзи юртларда бу иш мусулмонларнинг шахсий ҳаракати тарийқасида амалга оширилади бўлса, бошқаларида оила қурувчиларга ёрдам жамиятлари тузилган. Нима қилиб бўлса ҳам, бу ишни хайрли санаб, жонлантирган афзал. Ана ўшанда кўплаб ажру савобга эришилади, иншааллоҳ.



## НИКОҲНИНГ ШАРЪИЙ ҲУКМИ

Юқорида ўтган сатрларда никоҳга тарғиб қилувчи баъзи далилларни ўрганиб чиқдик. Албатта, булардан ўзга далиллар ҳам кўп, лекин уларнинг ҳаммасини зикр қилишга имкон йўқ. Баъзи намуналар билан танишиб чиққанимиз ҳам бу маънода етарли, деб ўйлаймиз.

Хулоса шуки, Исломда кишиларнинг никоҳда бўлган ҳолда ҳаёт кечиришлари афзал саналади. Аллоҳ таолонинг бандаларига қилган амри ҳам шу: бу дунёда инсонлар оила қуриб, никоҳда яшасинлар, жинсий майлларини пок йўл билан қондирсинлар. Мусулмонлар мана шу илоҳий кўрсатмага ҳамиша қатъий амал қилганлар.

Баъзи бир гуруҳлар ва динларда уйланмай, никоҳда бўлмай юриш афзал ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўша тоифаларнинг иши авжига чиққан даврларда уларнинг ўлкаларида аҳоли сони қисқариб кетган. Одамлар ўша динни маҳкам тутишга ҳаракат қилишлари оқибатида оила қуриш, бола-чақа орттиришдан бош торта бошлаганлар. Лекин инсон табиатига зид бўлган бу иш узоққа бормаслиги аниқ.

Дарҳақиқат, шундай ҳам бўлди. Кишилар мазкур динга қарши бош кўтардилар. Дин фақат ибодатхонада бўлиши керак, бошқа нарсаларга аралашмасин, деган даъво билан чиқдилар ва бу талабларига эришдилар ҳам. Оқибатда ҳаётнинг ҳамма соҳаларида янгича йўналиш пайдо бўлди. Жумладан, эркак-аёлларнинг орасидаги муносабатларда ҳам.

Мазкур диндан ўч олиш учун ҳаракат қилаётган кишилар қасдма-қасдига ҳар бир ишда унинг тескарисини қилишга уринар эдилар. Улар жинсий ҳаётда кўплаб тазйиқларга учраганликлари учун, жинсий ҳурриятга даъват қила бошладилар. Зинони ҳамма фахр деб биладиган даражага етди. Оила қуриш, никоҳда бўлиш «қолоқлик, эскилик сарқитига берилиш» деб баҳоланадиган бўлди.

Охир-оқибат кишилар бошига кўплаб мусийбатлар ёғилди — турли касалликлар тарқалди, оила низо-

ми бузилди. Бунинг натижасида ижтимоий алоқалар заифлашди, турли муаммолар келиб чиқа бошлади. Хуллас, инсоният катта зарар кўрди ва кўрмоқда.

Ана ўша муаммо ва мусийбатларни кўриб, биз, мусулмонлар бахтли кишилар эканимизни тушуниб етмоғимиз лозим. Бошқа халқлар оилавий ҳаётни қандай қуришни билмай сарсон бўлиб турган бир пайтда бизнинг динимиз бизларни энг саодатли оила низоми билан таъминлаб қўйган. Биз фақат бор, тайёр нарсани ўрганиб, амал қилсак бўлди.

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, Ислом никоҳ робитасини инсоний алоқалар ичидаги энг муқаддас робитага айлантирган. Чунки бу робита Аллоҳ таолонинг амри ила, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ила, мўмин-мусулмонларнинг гувоҳлиги ила қуриладиган муқаддас бир алоқадир.

Аллоҳ таоло аввало, инсон ҳаётининг маълум низом асосида, иффат ва поклик асосида, муҳаббат ва севги асосида, ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида бўлиши учун никоҳга амр этган. Қолаверса, У Зот инсон ҳаётини турли тартибсизлик ва келишмовчиликлардан, ҳаром-харишдан, ифлосликлардан ва уларнинг оқибатидан келиб чиқадиган бало-офатлардан сақлаш учун ҳам шундай қилган.

Аллоҳ таоло никоҳни Ўзининг барча Пайғамбарларининг суннати қилиб, азиз-авлиёларнинг одатига айлантирган.

Аллоҳ таоло никоҳни инсон наслининг кўпайиши учун энг яхши восита этиб қўйган.

Эркак ва аёл ўртасидаги муқаддас робита бўлмиш никоҳ алоқаси туфайли кишилар қуда-анда бўладилар, ораларидаги ижтимоий алоқалар ривожланади, дўстлик, меҳрибонлик ришталари мустаҳкамланади.

Никоҳ туфайли инсоннинг майли жиловланади, унинг учун хотиржамлик, саодат таъмин этилади. Инсон никоҳ туфайли ўзининг ижтимоий алоқаларида роҳат топади. Никоҳ туфайли кишилар ўз шарафларини, обрўларини муҳофаза қиладилар, обрўта, мартабага эга бўладилар.

Никоҳ маданият, аслзодалик, тараққиёт ва илғорлик белгисидир. Никоҳ туфайли инсон ўз иффатини сақлаш билан бирга, зино каби ҳаром ишдан ҳам ўзини сақлайди. Шунингдек, никоҳ ёрдамида инсон ўз насли-насабининг поклигини ҳам сақлаб қолади. Никоҳ бўлмаса, ким кимдан дунёга келганини билиб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолинар эди.

Никоҳ туфайли «оила» деб номланган муҳташам ошён қурилади. Унда эру хотин, улардан дунёга келган ўғил-қизлар, набира-чеваралар бир-бирлари билан муқаддас робита орқали боғланиб яшайдилар. Улар орасидаги қариндошлик алоқалари алоҳида маъно ва мустаҳкамлик касб этади. Шундай йўл билан «оила» номли кичик бир жамият пайдо бўлади. Уларнинг бир-бирлари билан қўшилиши оқибатида эса катта ва мустаҳкам жамият юзага келади.

Бу борада катта жамиятларни бино деб тасаввур қилсак, оила унинг фишти ҳисобланади. Фишлар бўлмаса, бино бўлмаганидек, оилалар бўлмаса, жамиятлар бўлмаслиги турган гап. Ана ўша фишлар чиройли бўлса, иморат ҳам чиройли чиқади, фишлар пишиқ бўлса, иморат ҳам пишиқ бўлади.

Никоҳнинг, оила қуришнинг бундан бошқа фойдалари ҳам жуда кўп. Шунинг учун ҳам Исломда никоҳга қаттиқ тарғиб қилинади.

Имом Шофеъийдан бошқа ҳамма уламоларимиз никоҳни ибодат деганлар. Улар: «Аллоҳ ва Унинг Расули алайҳиссалом амр қилган иш ибодат бўлади, никоҳ айни шундай ишлардандир», дейишган. «Никоҳ ибодатдир» деб ҳукм чиқарган мужтаҳидларнинг пешволари имом Аъзам Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳи бўладилар. Албатта, бу гапни айтган азизларимизнинг далиллари бор.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَنَّ نَاسًا مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ ﷺ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، ذَهَبَ أَهْلُ الدُّنُورِ بِالْأَجُورِ يُصَلُّونَ كَمَا نُصَلِّي، وَيَصُومُونَ كَمَا نَصُومُ، وَيَتَصَدَّقُونَ بِفُضُولِ أَمْوَالِهِمْ، قَالَ: أَوْ لَيْسَ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ مَا



تَصَدَّقُونَ، إِنَّ بَكْلَ تَسْبِيحَةِ صَدَقَةٍ، وَكُلَّ تَكْبِيرَةِ صَدَقَةٍ، وَكُلَّ تَحْمِيدَةِ صَدَقَةٍ، وَكُلَّ تَهْلِيلَةِ صَدَقَةٍ، وَأَمْرٌ بِالْمَعْرُوفِ صَدَقَةٌ، وَنَهْيٌ عَنِ مُنْكَرِ صَدَقَةٌ، وَفِي بُضْعِ أَحَدِكُمْ صَدَقَةٌ. قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَيَأْتِي أَحَدُنَا شَهْوَتُهُ وَيَكُونُ لَهُ فِيهَا أَجْرٌ؟! قَالَ: أَرَأَيْتُمْ لَوْ وَضَعَهَا فِي حَرَامٍ أَكَانَ عَلَيْهِ فِيهَا وَزْرٌ فَكَذَلِكَ إِذَا وَضَعَهَا فِي الْحَلَالِ كَانَ لَهُ أَجْرًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

*Абу Зарр розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан баъзилари:

«Ё Расулаллоҳ! Моли кўплар ажрни олиб қўймоқдалар. Биз намоз ўқиганимиз каби намоз ўқийдилар, биз рўза тутганимиз каби рўза тутадилар ва молларининг ортиқчасини садақа қиладилар», – дейишди.

«Аллоҳ сизлар учун садақа қиладиган нарса қилиб бермадими?! Албатта, ҳар бир тасбеҳ садақадир, ҳар бир такбир садақадир, ҳар бир ҳамд садақадир, ҳар бир таҳлил садақадир, амри маъруф садақадир, наҳйи мункар садақадир. Бирингизнинг жинсий яқинлиги ҳам садақадир», – дедилар.

«Ё Расулаллоҳ! Биримиз шаҳватини қондирса, унга бунда ажр бўладими?» – дейишди.

«Айтинглар-чи, агар у ўшани ҳаромга қўйса, унга гуноҳ бўлармиди? Шунингдек, агар уни ҳалолга қўйса, бу унинг учун ажр бўлади», – дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

Зино хавфи аниқ бор бўлган вақтдаги никоҳ ҳатто Ҳаждан ҳам олдинги ўринга қўйилади. Аллоҳ насиб этиб, оила қурган кишилар катта бахтга эришган зотлар ҳисобланадилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: مَنْ رَزَقَهُ اللَّهُ امْرَأَةً صَالِحَةً فَقَدْ أَعَانَهُ عَلَى شَطْرِ دِينِهِ، فَلْيَتَّقِ اللَّهَ فِي الشُّطْرِ الْبَاقِي. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَالْحَاكِمُ.



Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Кимни Аллоҳ солиҳа аёл билан ризқлантирган бўлса, батаҳқиқ, унга динининг ярмига ёрдам берибди. (Энди) иккинчи ярмида Аллоҳга тақво қилсин», – дедилар».**

*Тобароний ва Ҳоким ривоят қилганлар.*

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَنْ تَزَوَّجَ فَقَدْ اسْتَكْمَلَ نِصْفَ الْإِيمَانِ فَلْيَتَّقِ اللَّهَ فِي النِّصْفِ الْبَاقِي. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким уйланса, батаҳқиқ, иймонининг ярмини мукамал қилибди. Қолган ярмида Аллоҳга тақво қилсин», – дедилар».**

*Тобароний ва Байҳақий ривоят қилганлар.*

Ҳатто, зоҳирий мазҳабдагилар ўз одатларича тушуниб, мўътадил пайтда никоҳ фарз бўлади, дейишган. Лекин ҳамма далилларни яхшилаб ўрганиб чиққан уламолар жумҳури никоҳнинг шаръий ҳукми ҳақида қуйидагиларни айтганлар:

Никоҳ шариатга Қуръони Карим, суннати Набавия ва Ислом умматининг ижмоъи орқали кирган:

1. Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг бир неча оятларида мўмин-мусулмонларни никоҳда бўлишга, уйланишга, оила қуришга амр этган. Ўша оятлардан баъзиларини юқорида ўрганиб ўтдик.

2. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг кўплаб ҳадиси шарифларида никоҳга тарғиб қилганлар.

Улардан баъзиларини ўргандик, қолганларини, иншааллоҳ, яна ўрганамиз.

3. Ислом уммати, уламолар жумҳури никоҳ зарур эканига доимо иттифоқ қилиб келишган.

Кишиларнинг турли ҳолатларига қараб, никоҳда бўлишлари ҳукми ҳам турлича бўлади.

### 1. Фарз-вожиб.

Агар бир инсон никоҳли бўлмаса, зинога боришига ишониб етса ва никоҳга кетадиган сарф-харажатга эга бўлгач, никоҳдаги шеригига зулм қилмасдан, ҳаққини адо этишига ишонса, бундай одамга никоҳ фарз-вожиб бўлади. Чунки мусулмон кишининг ўз иффатини сақлаши, ҳаром ишдан тийилиши вожибдир.

Ислом шариатида «вожиб нарсани адо этиш учун керак бўлган нарсани қилиш ҳам вожибдир» деган қоида бор. Бу ерда ана шу қоидага амал қилинади.

Киши ўз иффатини сақлаши, ҳаром ишга бормаслиги вожиб. Ўша вожибни қилиш учун никоҳ — уйланиш лозим. Демак, у одам учун уйланиш — оила қуриш вожиб бўлади.

### 2. Ҳаром.

Агар бир инсон никоҳланиб, ўзининг никоҳидаги шеригига зулм қилиши ва зарар етказишига ишониб етса, бундай одам учун оила қуриш ҳаром бўлади.

Бу ҳолатда Ислом шариатининг «ҳаромга олиб борувчи нарса ҳам ҳаромдир» деган қоидаси ишга тушади. Бировга зулм қилиш, зарар етказиш — ҳаром. Ўша зулм ва зарардан иборат ҳаром иш никоҳ туфайли содир бўлиши аниқ бўлганлиги учун, бу ҳолатда унга олиб борадиган йўл — никоҳ ҳам ҳаром бўлади.

### 3. Макруҳ.

Агар бир инсон никоҳланса, ўзининг никоҳидаги шериги — жуфти ҳалолига нисбатан зулм ва зарар келишидан қўрқса, аммо тўлиқ ишонмаса, бундай одам учун никоҳ макруҳдир.

### 4. Суннати муаккада.

Мўътадил инсон учун, зинодан қўрқмайдиган, оила қурса, жуфти ҳалолига зулм қилишдан, зарар етказишдан ҳам қўрқмайдиган киши учун оила қуриш суннати муаккададир.

Оят ва ҳадисларнинг кўпчилигида баён этилган, ҳукми айтилган ҳолат кишилар орасида оммавий суратда учрайдиган мана шу ҳолатдир.



Никоҳнинг, оилали бўлишнинг суннати муаккада эканига Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйланганлари ва никоҳда бардавом бўлганлари, саҳобаи киромлар ва кейинги авлодларнинг уни маҳкам ушлаганлари далилдир. Ҳанафийлар: «Бу суннати муаккада вожибга тенг», дейдилар.

Ким бу ишни қилмаса, тарки суннат қилган ҳисобланади.

### 5. Мубоҳ.

Уйланишга рағбат қилдирувчи нарсалар ҳам, ундан ман қилувчи нарсалар ҳам бўлмаган ҳолда никоҳ мубоҳ бўлади.

Ушбу зикр қилинган нарсалардан никоҳ — оила қуриш динимиз тарғиб қилган ибодат эканини билиб олдик. Эрдир, аёлдир — ҳар бир мусулмон оила қуришдек масъулиятли ишдан четда тура олмайди. Аммо, бу ишга киришишдан олдин ҳар бир инсон оила нима эканини, у нима учун ва қайси асосда қурилишини яхши билиб олмоғи керак.

Ислом таълимотлари бўйича, оила қуйидаги асос ва мақсадларда қурилади:

1. Оила Аллоҳ таолонинг розилигини топиш, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари, исломий одоблар билан ўзини зийнатлаш учун қурилади. Бу одоб ва ахлоқлар оиладан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Мисол учун, меҳрибонлик, ҳалимлик, адолат ва ўзаро ёрдамни олиб кўрайлик. Аслида, оила олиймақом ахлоқ намуналарининг намоён бўлиши, мустаҳкамланиши учун асосий макон эмасми? Агар оила бўлмаса, бу нарсаларга кўнгилдагидек эришиб бўладими? Бошқа одоб ва ахлоқларни ҳам шунига таққослаш мумкин. Аллоҳ таолонинг оятига амал қилиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатига эргашиб оила қурмоқдаман, деб ният қилган одам ҳақиқий ибодатни адо этган бўлади.

2. Оилавий ҳаётдан, эр-хотинлик алоқасидан шарафли мақсадлар кўзда тутилиши керак. Оилага эру хотинга улуғ ва шарафли масъулиятларни юкловчи гўзал бир ҳайъат деб қараш лозим.

Эру хотин ўша масъулиятларни адо этиш учун ҳимматларини олий қилиб, осонлик ва қийинчилик, кенглик ва торлик вақтларида ҳам ўзаро ҳамкорлик қилишлари керак. Ўз оилаларини мустақкам қилиб, олийжаноб фарзандлар етиштириб, уммат учун, ватан учун фойдалар келтиришга ҳаракат қилишлари керак. Бу эса, ўз навбатида ҳар ким ўзига юклатилган вазифаларни иймон асосида, виждонан адо этишини тақозо қилади.

3. Эру хотин орасидаги оилавий алоқа муҳаббат, тақдирлаш, ўзаро тушуниш асосида бўлиши керак.

Никоҳ алоқаси руҳий отифа — кўнгил алоқасидир. Бу алоқа абадий ва бардавом алоқадир. Шунинг учун ҳам бу алоқа муҳаббат, раҳм-шафқат асосида бўлиши лозим. Ҳар бир одам ана шу маъноларни ўзига сингдириб олган ҳолдагина оила қуришга ҳаракат бошлаши керак.

## УМР ЙЎЛДОШИНИ ТАНЛАШ

Бўлажак умр йўлдошини танлашда турли қавмлар ҳар хил ўлчовларга асосланадилар. Кимдир келин танлашда унинг чиройини ўлчов қилиб олади, бошқаси бўлажак келиннинг молига қизиқади, учинчиси ҳасаб ва насабига эътибор беради ва ҳоказо. Шунингдек, куёв танлашда ҳам гоҳида куёвнинг мансабига, гоҳида бойлигига, баъзилар қуч-қуввати ёки чиройига қизиқадилар. Бунинг устига, жамиятларда замон ва маконга қараб бу каби ўлчовлар ва эътиборлар ўзгариб ҳам туради. Бир даврлар ва жамиятларда олий маълумотли умр йўлдоши танлаш урф бўлса, бошқаларида ундан бошқа сифатли умр йўлдошини танлаш одатга айланиши мумкин.

Кўпчилик бу ўта нозик масала бўйича нима қилишини билмай, боши қотади. Ота-оналар билан фарзандлар ўртасида, қавму қариндошлар ўртасида худди шу масалада турли тортишувлар, келишмовчиликлар, ҳатто жанжаллар ҳам бўлади. Ҳар ким ўзининг билимидан ёки тажрибасидан келиб чиқиб иш кўрмоқчи бўлади.



Мусулмон инсон учун эса, бошқа масалалар қатори, бу масала – умр йўлдошини танлаш масаласи ҳам аллақачон ҳал этилган. Ҳал этилганда ҳам, ҳар бир нарсани ўта аниқлик билан биладиган, ҳар бир нарсдан ўта хабардор бўлган Яккаю Ягона Аллоҳ таолонинг шариати таълимотлари ила ҳал этилган. У Зотнинг ҳабиби ва Расули Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида умр йўлдошини танлаш масаласи ажойиб тарзда баён қилиб берилган.

Оила қурмоқчи бўлган тарафлар ана шу тайёр ва ўта ишончли манбаъга мурожаат қилсалар ҳамда уларни ўрганиб, амал қилсалар, ортиқча оворагарчилик ва бош қотиришга ўрин қолмайди.

Келинг, ҳаммамиз биргаликда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тавсиялари бўйича муносиб келин ва муносиб куёв танлашни ўрганиб чиқайлик. Авваламбор ишни муносиб келин танлашни ўрганишдан бошлайлик. Чунки одатда, куёв тараф келин излаши ва совчилик қилиши урф бўлган. Лекин совчилик қилишдан олдин мулоҳаза қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар бор.

Аввало, совчи қўйилиши кўзланаётган аёлга уйланиш совчи қўймоқчи бўлган эркакка шаръий жиҳатдан ҳаром қилинмаган бўлиши керак. Демак, биринчи бўлиб, никоҳи ҳаром қилинган аёллар кимлигини билиб олиш лозим бўлади.



## НИКОҲИ ҲАРОМ ҚИЛИНГАН АЁЛЛАР

Аллоҳ таоло, турли сабаб ва ҳикматларга кўра, ҳар бир эркакка бир неча тоифа аёлларнинг никоҳини ҳаром қилган, эр киши уларга уйланиши мумкин эмас, бундай қилиши ҳаром ҳисобланади. Ким шу ишни қилса, гуноҳкор бўлади. Мазкур гуноҳга қолмаслик учун ҳар бир мусулмон бу масалани яхшилаб тушуниб олмоғи керак.

Никоҳи ҳаром қилинган аёллар ҳақида Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади:

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أُمَّهَاتُكُمْ وَبَنَاتُكُمْ وَأَخَوَاتُكُمْ  
وَعَمَّاتُكُمْ وَخَالَاتُكُمْ وَبَنَاتُ الْأَخِ وَبَنَاتُ الْأُخْتِ وَأُمَّهَاتُكُمْ  
الَّتِي أَرْضَعْنَكُمْ وَأَخَوَاتُكُمْ مِنَ الرَّضْعَةِ وَأُمَّهُتُ  
نِسَائِكُمْ وَرَبِّبَاتِكُمُ الَّتِي فِي حُجُورِكُمْ مِّنْ نِّسَائِكُمْ  
الَّتِي دَخَلْتُمْ بِهِنَّ فَإِن لَّمْ تَكُونُوا دَخَلْتُمْ بِهِنَّ فَلَا جُنَاحَ  
عَلَيْكُمْ وَحَلَائِلُ أَبْنَائِكُمُ الَّذِينَ مِنْ أَصْلَابِكُمْ  
وَأَن تَجْمَعُوا بَيْنَ الْأُخْتَيْنِ إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ  
غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٢٣﴾ وَإِن أَرَدْتُمْ أَسْتَبْدَالَ زَوْجٍ مَّكَانَ زَوْجٍ  
وَأَتَيْتُمُوهُنَّ فَنَطَارًا فَلَا تَأْخُذُوا مِنْهُ شَيْئًا

«Сизларга оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмикдош опа-сингилларингиз, хотинларингизнинг оналари, ўзингиз қовушган хотинларингизнинг қарамоғингиздаги қизлари – агар у(хотин)лар билан қовушмаган бўлсангиз, сизга гуноҳ йўқ – ва пуштингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари ҳамда опа-сингилни жамламоғингиз ҳаром қилинди. Аввал ўтгани мустасно. Албатта, Аллоҳ Фафур ва Роҳиймдир.



**Қўлларингиз мулк қилиб олганлардан бошқа эрли аёллар ҳам** (ҳаром қилинди. Бу) **сизларга Аллоҳнинг битганидир»** («Нисо» сураси 23-24-оятлар).

Исломдан бошқа дин ва жамиятларнинг ҳам ушбу масалада ўз таълимотлари ва ҳукмлари бор. Уларнинг баъзилари Исломники билан тўғри келса, кўплари нотўғридир. Баъзи тузумларда Аллоҳ таоло ҳаром қилган тоифадаги аёлларнинг никоҳини ҳалол қилишган. Ҳатто онасига уйланишга ҳам рухсат берилган. Бошқа бир тузумларда эса қабиласи бошқа, танасининг ранги бошқа, табақаси бошқа ёки шунга ўхшаш бошқа шартлар билан аёлларнинг никоҳи ҳаром қилинган.

Ислом эса улкан ҳикматларни эътиборга олиб, насаб алоқаси, эмиқдошлик алоқаси ва қудачилик алоқаси туфайли маълум тоифа аёлларнинг никоҳини маълум тоифа эркакларга ҳаром қилган. Келинг, буларни бирма-бир ўрганиб чиқайлик.

Насаб алоқаси туфайли никоҳи ҳаром бўлган аёллар:

**«Сизларга оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари»** ҳаром қилинди.

1. Никоҳи ҳаром қилинган аёллар тоифаси ояти каримада **«оналар»**дан бошланган.

«Она»га момолар ҳам киради. Яъни ўз онасига ҳам, ота-онасининг оналарига ҳам эркакнинг никоҳланиши ҳаромдир. Буни шарҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Ўз онасига эрлик қилиш нафақат инсонга, балки ваҳший ҳайвонлар табиатига ҳам зиддир. Ахир, у онасининг бир парчаси ҳисобланади.

Бунинг устига, насаб жиҳатидан яқин бўлган кишиларнинг никоҳи икки томон соғлиғи учун ҳам зарар экани ҳаммага маълум. Улардан бўлган фарзандлар нимжон, касалманд ва ногирон бўлиб туғилиши аниқланган.

2. Кейинги тоифа **«қизларингиз»**дир.

Бунга кишининг ўзидан тарқалган зурриётлари, жумладан, набира қизлари ва улардан кейинги табақалар ҳам киради.



Ўз жигаргўшаси бўлмиш қизининг эри бўлишни ўзига эп кўриш учун инсон инсонликдан чиқиши керак! Бу иш инсоний табиатга мутлақо зид бўлганлиги учун ҳам Ислом шариатида ҳаром қилинган.

### 3. «Опа-сингилларингиз».

Туғишган бўлса ҳам, ота бир-у она бошқа ёки она бир-у ота бошқа бўлса ҳам, опа-сингилларнинг никоҳлари ҳаромдир.

Аввало, буларнинг асллари бир: бир қондан, бир қоринда пайдо бўлиб, бир хил сутдан катта бўлганлар. Инсонийлик табиатининг ўзи уларнинг эру хотин бўлишини кўтармайди. Уларнинг никоҳларидан келадиган тиббий зарарлардан ташқари, ижтимоий зарарлари ҳам кўп.

Агар мазкур шахслар орасида никоҳ жоиз бўлса, улар бир оила аъзолари сифатида бирга яшаш ва инсоний алоқаларда бўлиш имконига эга бўлмай қоладилар. Чунки никоҳи жоиз бўлган эркак-аёл бир жойда туриши, ёлғиз қолиши кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Хотин эрини унинг опа-сингилларидан ҳам қизғанадиган бўлиб қолади. Бу мулоҳаза бошқа тоифаларга ҳам жорийдир.

### 4. «Аммаларингиз, холаларингиз».

Булар билан ҳам насаб алоқалари мавжуд бўлиб, бу одамлар ҳам юқорида зикр қилинган тоифаларга ўхшашдир. Амма-холалар, одатда, онанинг ўрнига ўтадиган, ота ва она тарафнинг вакиллари ҳисобланадилар. Улар билан никоҳда бўлиш, соғлиқ, ахлоқ-одоб ва қариндошлик жиҳатларидан катта зарарлар келтиради.

### 5. «Ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари».

Булар ҳам насаб томонидан алоқадор бўлиб, аввалги зикр қилинган ва яна Аллоҳ таолонинг Ўзи билладиган бошқа ҳикматлар учун улар орасида никоҳ ҳаром қилинган.

Эмизиш туфайли никоҳи ҳаром бўлган аёллар.

### 6. «Эмизган оналарингиз, эмиқдош опа-сингилларингиз»нинг никоҳи ҳаром қилинди.



Бу жумлада эмиш орқали никоҳи ҳаром бўлган аёллар зикр қилинмоқда. Ояти каримада фақат икки тоифа — эмиш туфайли аслга айланганлар, яъни — она бўлганлар ва уларнинг шохобчалари бўлмиш эмиқдош опа-сингилларгина зикр қилинмоқда.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом эса бу борада: «Насаб жиҳатидан (никоҳи) ҳаром бўлганлар эмиш жиҳатидан ҳам ҳаром бўладилар», — деганлар. Яъни насаб жиҳатидан қайси тоифадаги аёлларга никоҳланиш ҳаром бўлса, сут қардошлик туфайли ҳам ўша тоифаларнинг никоҳи ҳаром бўлади.

Бундай ҳукмлар остига кирадиган эмишнинг шартли шуки, икки ёшдан кичик бўлган гўдакнинг қорнига ўз онасидан бошқа бир аёлнинг сути етиб бориши керак. Ана ўшанда у аёл боланинг онасига, эри эса отасига, болалари ака-укаси ва опа-сингилларига айланадилар. Шунингдек, бошқа қариндошлари ҳам эмган болага хеш бўладилар. Бу ҳукмнинг тўла ҳикмати Аллоҳнинг Ўзига маълум. Аммо баъзи ҳикматлари ушбу ояти карима нозил бўлганидан бир неча асрлар ўтиб, маълум бўлди. Гўдакнинг суяги ва эти она сутидан шаклланар экан. Бир онанинг сутини эмиб катта бўлган инсонларнинг физиологик хусусиятлари бир хил шаклланганлиги туфайли улар орасида никоҳ алоқаси бўлса, ўзларига ҳам, улардан бўлган болаларга ҳам катта зарар етади. Буни мусулмонлардан бошқалар энди-энди тушуниб келмоқдалар.

Қудачилик асосида никоҳи ҳаром қилинган аёллар:

**«...хотинларингизнинг оналари, ўзингиз қовушган хотинларингизнинг қарамонингиздаги қизлари — агар у(хотин)лар билан қовушмаган бўлсангиз, сизга гуноҳ йўқ — ва пуштингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари ҳамда опа-сингилни жамламонингиз ҳаром қилинди. Аввал ўтгани мустасно. Албатта, Аллоҳ Фафур ва Роҳиймдир».**

#### **7. «...хотинларингизнинг оналари».**

Қайноналар ва катта қайноналарга (қайнота тарафдан бўлса ҳам, қайнона тарафдан бўлса ҳам) уй-

ланиш куёв учун ҳаром. Булар қудачилик алоқалари туфайли никоҳи ҳаром бўлган аёллар тоифасига кирадилар. Қайнона ҳам она, унга уйланиш ҳеч мумкин эмас. Қизи билан бўлган оилавий ҳаётнинг ҳурмати бор. Қолаверса, агар қайнонага уйланиш мумкин бўлса, қизи эрини ундан қизғаниб, она-боланинг орасидаги алоқалар ҳам бузилиши табиий.

#### **8. «...ўзингиз қовушган хотинларингизнинг қарамоғингиздаги қизлари».**

Шариат ҳукми бўйича, эркак ва аёл ўзаро рози бўлиб, ақди никоҳ ўтиши билан, эру хотинга айланадилар. Уларнинг бирга эр-хотинлик қилиб яшашлари араб тилида «духул бўлди», дейилади. Аммо, ақди никоҳдан сўнг бирга яшамасдан турган ҳоллари ҳам бўлиши мумкин. Бу икки ҳолатнинг ўзига хос ҳукмлари бор. Ушбу ҳолатларни биз таржимада «қовушган» ёки «қовушмаган» деб зикр қилдик.

Ана ўша ҳолатларга тегишли ҳукмлардан бири никоҳи ҳаром бўлган аёллар масаласида ҳам келмоқда. Яъни бир одам аёл киши билан никоҳ ақдини ўтказиб, қовушган бўлса, ўша хотиннинг аввалги эридан бўлган қизи бу эркакка ҳаром бўлади.

Ояти каримада «қарамоғингиздаги қизлари» дейилиши кўпинча учрайдиган ҳолатни эътиборга олиб айтилган. Аслида, ўғай қиз ўғай отасининг қарамоғида бўлмаса ҳам, унга никоҳи ҳаром бўлаверади. Бу ҳукмнинг ҳикмати ҳам аниқ кўриниб турибди. Агар эркак кишига ўғай қизига уйланишга рухсат берилса, у қизнинг ўз онаси билан муносабатлари қийинлашади. Қолаверса, ўғай қиз ҳам қиз ўрнида. Аммо, юқоридаги шартга кўра, ақди никоҳи бўлган-у, ҳали қовушмаган аёл билан ажрашса, унинг қизига уйланиши шаръий жиҳатдан мумкин.

#### **9. «...ва пуштингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари».**

Яъни, келинлар. Бу ерда «пуштингиздан бўлган ўғилларингиз» деб қайд қилиниши тутинган ўғиллар бу ҳукмга кирмаслигини билдиради. Келинларга уйланишни ман қилишда ахлоқий, инсоний эътиборлар



билан бирга, худди юқоридаги ҳолатларга ўхшаб, қариндошлик алоқаларини эҳтиётлаш ҳикмати ҳам бор.

Мазкур тоифаларнинг никоҳи абадий ҳаромдир.

**10. «...опа-сингилни жамламоғингиз ҳаром қилинди».**

Яъни, бир киши ўз никоҳида турган хотинининг опа-сингилсига уйланиши мумкин эмас. Бундай никоҳнинг ҳаромлиги вақтинчадир. Агар никоҳида турган опа ёки сингил билан никоҳ алоқаси узилса, у ҳолда унинг опаси ёки сингилсига уйланса, бўлаверади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аёл билан унинг аммасини ёки холасини қўшиб хотин қилишни ҳам ман қилганлар. Бундай никоҳлар қариндош хотинлар орасидаги муносабатларни бузади, шунинг учун ҳаром қилинган.

Оятнинг охирида:

**«Аввал ўтгани мустасно»**, дейилмоқда.

Яъни, Исломнинг ушбу ҳукми тушган пайтгача бунга ўхшаш никоҳлар бўлган бўлса, кечиради. Чунки ҳукм жорий қилинмасдан олдин эски урф-одатга биноан шундай қилинган, деб ҳисобланади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Заҳҳок ибн Феруздан, у киши отасидан қилган ривоятда:

«Мусулмон бўлганимда икки хотиним бир-бирига опа-сингил эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан бирини талоқ қилишимни буюрдилар», дейилади.

**11. «Қўлларингиз мулк қилиб олганлардан бошқа эрли аёллар ҳам (ҳаром қилинди)».**

Демак, эри бор аёлга уйланиш ҳаром. Эри ўлиб ёки эридан ажрашиб, идда ўтирган аёллар ҳам, то идда муддати ўтгунча, эрли аёллар қаторига кирадилар. Буларнинг никоҳи ҳам вақтинча ҳаромдир.

Сўнгра оятда:

**«(Бу) сизларга Аллоҳнинг битганидир»**, дейилади.

Яъни, мазкур ҳукмлар Аллоҳнинг амридир, бошқа бировники эмас. Шунинг учун ҳам унга амал қилиш — барчанинг бурчи. Бурчни адо этмаганлар жазога лойиқдир.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَلَا تَنْكِحُوا مَا نَكَحَ آبَاؤُكُمْ مِنَ النِّسَاءِ إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَمَقْتًا وَسَاءَ سَبِيلًا ﴿٢٢﴾

**«Оталарингиз никоҳлаб олган аёлларни никоҳлаб олманг! Аввал ўтгани мустасно. Албатта у фаҳш иш, жирканч ва жуда ҳам ёмон йўлдир!» (22-оят).**

Жоҳилият даврида ўтай онага уйланиш одати бор эди. Бу кўпинча «азл»га — аёлларни зулм ила беҳуда тутиб туришга ҳам сабаб бўлар эди. Чунки аксар пайтда боланинг катта бўлиб вояга етишини, сўнгра отасининг хотинига — ўтай онасига уйланишини кутишга тўғри келар эди. Агар ўғил отаси ўлган пайтда вояга етган бўлса, ўтай онаси унга мерос тариқасида хотин бўлиб қолар эди. Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани нозил қилиб, бу қабиҳ ишни ҳаром этди.

**«Оталарингиз никоҳлаб олган аёлларни никоҳлаб олманг! Аввал ўтгани мустасно».**

Ўғлини, ушбу ояти карима нозил бўлгандан кейин отанинг никоҳида бўлган аёлга ўғил никоҳланиши тамоман ҳаром этилди. Бу иш ояти карима нозил бўлишидан олдин, жоҳилият одати бўйича содир этилган бўлса, кечирилади. Аллоҳ таоло мусулмонларга ўз оталари уйланган аёлга уйланишни шу йўл ила ҳаром этди. Ҳаром этганда ҳам, отанинг никоҳида бўлган аёлларга ўғилнинг уйланиши мумкин эмаслигини эълон қилиб қўйиш билан кифояланмай, бу ишнинг ғазабнок эканини ҳам айтди, Аллоҳ таолонинг ғазабини келтирадиган иш нақадар ёмон йўл, деб таърифлади:

**«Албатта у фаҳш иш, жирканч ва жуда ҳам ёмон йўлдир!»**

Ҳақиқатдан ҳам, бу иш инсонгарчиликка тўғри келмайди. Чунки ота билан муқаддас алоқада бўлган аёл ўғилга она ҳисобланади. Отанинг ҳурмати бор, ахир! Иккинчидан, одатда эр ўз хотинининг биринчи эрини ёмон кўради. Агар ўғил отасининг хотинига уйланса, марҳум отасига муносабати қандай бўлади?



Оятнинг бу ишни ғоят катта разолат сифатида таърифлашининг боиси ҳам шу.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: يَحْرُمُ مِنَ الرِّضَاعَةِ مَا يَحْرُمُ مِنَ الْوِلَادَةِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Туғилиш туфайли ҳаром бўлган нарса эмизиш туфайли ҳам ҳаром бўлади», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

Туғишганлик, яъни насаб алоқаси бўйича қайси тоифа аёлларнинг никоҳи ҳаром бўлса, эмизиш орқали ҳам шундай бўлади. Яъни бировнинг боласини бегона аёл эмизиши туфайли содир бўладиган эмиқдошлик яқинлиги ўша тоифа аёлларнинг никоҳини ҳаром қилади.

Мисол учун, туққан онасининг никоҳи ҳаром бўлганидек, эмизган онасининг никоҳи ҳам ҳаром бўлади. Туғишган синглисининг никоҳи ҳаром бўлганидек, эмиқдош синглисининг никоҳи ҳам ҳаром бўлади ва ҳоказо.

Никоҳи ҳаром қилинган аёллар ҳақидаги далилларни ўрганиб чиққан уламоларимиз уларни бир неча гуруҳларга тақсим қилганлар:

1. Никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар.
2. Никоҳи вақтинча ҳаром қилинган аёллар.

Никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар уч хил бўлади:

- а) насаб йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар;
- б) эмизиш йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар;
- в) қудачилик асосида никоҳи абадий ҳаром бўлган аёллар.

Насаб йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар қуйидагилар:

1. Она. Бунга момолар ҳам киради.
2. Қиз.

3. Опа-сингиллар.

4. Аммалар.

5. Холалар.

6. Ака-укаларнинг, опа-сингилларнинг қизлари.

Эмизиш йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар қуйидагилар:

1. Эмизган она. Бунга момолар ҳам киради.

2. Эмиқдош қиз.

3. Эмиқдош опа-сингиллар.

Бу хилдаги опа-сингилларда эмиш йўли билан турли ҳолатлар юзага келиши мумкин:

а) бир боланинг онасини бегона қиз эмса, улар орасида эмиқдошлик — ака-сингиллик ёки опа-укалик пайдо бўлади;

б) бир бола бегона аёлни эмса, аёлнинг туққан қизлари боланинг опа-сингилларига айланади;

в) бир-бирига мутлақо бегона бир бола ва бир қиз ўз оналаридан бошқа бир аёлни эмсалар ҳам, эмиқдош ака-сингил ёки опа-ука бўладилар.

4. Эмиқдош аммалар.

Бир ўғил бола бегона аёлни эмса, ўша аёлнинг эрининг опа-сингиллари унга эмиқдош аммаларга айланадилар ва боланинг уларга уйланиши ҳаром бўлади.

5. Эмиқдош холалар.

Бир ўғил бола бегона аёлни эмса, ўша аёлнинг опа-сингиллари мазкур болага эмиқдош холаларга айланадилар ва унинг уларга уйланиши ҳаром бўлади.

6. Эмиқдош ака-укаларнинг қизлари.

Бола ўз онасини эмган бегона болалар билан, ўзини эмизган бегона аёлнинг болалари билан ва ўзи билан бирга бошқа бегона аёлни эмишган болалар билан эмиқдош ака-укага айланадилар. Ана ўша эмиқдош ака-укаларга бир-бирларининг қизларига уйланиш ҳаром бўлади.

7. Эмиқдош опа-сингилларнинг қизлари.

Эмиқдош опа-сингиллар ким эканини аввалда айтиб ўтдик. Уларнинг қизларига уйланиш ҳам ҳаромдир.

8. Эмиқдош қайноналар.

Бунда хотинининг эмизган онаси ва момоси кўзда тутилган. Яъни аёл эркак билан ақди никоҳ қилгач,



худди насаб жиҳатидан унга она ва момо бўлган аёллар унинг эрига ҳаром бўлганидек, аёлнинг эмиқдошлик она ва момоларининг никоҳи ҳам эрга ҳаром бўлади.

9. Эмиқдошлик бўйича ўтай она ва момолари.

Бошқача қилиб айтганда, эр кишига уни эмизган аёлнинг эрининг бошқа хотинлари ва уларнинг она-лари ҳам ҳаром бўлади.

10. Эмиқдош фарзандларнинг хотинлари.

Аёл бир болани эмизган бўлса, ўша аёлнинг эрига боланинг хотини ҳаром бўлади. Чунки бу ҳолда эмиқдошлик ўғилнинг хотини, у эркакка эмиқдош келин бўлади. Насабий келинга уйланиш абадий ҳаром бўлганидек, эмиқдош келинга уйланиш ҳам абадий ҳаромдир.

11. Хотинининг эмизган қизи.

Бир киши хотин олди. У аёл бошқа эрнинг никоҳидалигида бир қизни эмизган эди. Ўша қиз янги эрга эмиқдошлик бўйича ўтай қиз бўлади. Агар эркак ўша аёл билан эр-хотин бўлиб, қовушиб яшаган бўлса, қиз унга абадий ҳаром бўлади. Агар аёлга никоҳ ақди қилиб, бирга яшамай, ажрашса, унинг эмизган қизига уйланса бўлади. Зотан, насаб масаласи ҳам шунга ўхшаш.

Эмиқдош қариндошлар билан никоҳда бўлишнинг ҳаром қилинишининг тўла ҳикмати, бошқа ҳукмларнинг тўла ҳикмати каби, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига маълум.

Аммо бу ҳукмнинг ҳозирча бизга маълум бўлган ҳикматлари ҳам бор. Гўдак фарзанднинг суяги ва эти она сути билан шакланади. Бу, инсоннинг бутун вужудида унинг эмган сутининг доимий таъсири бўлади, деганидир. Чунки суяк ва эт инсонда умр бўйи қоладиган ва ҳар лаҳзада вужудга ўз таъсирини ўтказиб турадиган нарсалардир.

Ана шундай таъсирга эга бўлган бир хил сутдан эмиб, катта бўлган кишиларнинг никоҳ алоқасида бўлишлари ўта зарарли бўлади. Уларнинг соғлиқларига ҳам, улардан пайдо бўладиган зурриётга ҳам катта мусибат етиши мумкин. Бунинг устига, аёл киши гўдакни эмизганида унга фақат сутинигина ўтказмай-



ди, балки меҳр-муҳаббатини, ўзидаги ҳис-туйғуларини, руҳий-маънавий ҳолатларини ҳам ўтказади. Ана ўшандай нарсаларда шерик бўлган кишиларнинг никоҳ алоқасида бўлишлари яхши эмас.

Илоҳий таълимотлардан юз ўтирганлар ҳам бу ҳақиқатни энди-энди тушуниб келмоқдалар. Улар она сутидаги хислатларни тан олмақдалар ва бир кун келиб Исломнинг бу ҳукмини ҳам тан олишлари турган гап.

### ҚУДАЧИЛИК АСОСИДА НИКОҲИ АБАДИЙ ҲАРОМ БЎЛГАН АЁЛЛАР:

1. Ўғай оналар.
2. Фарзандларнинг хотинлари.
3. Қайноналар.
4. Ўғай қизлар.

Яъни, хотиннинг бошқа эридан бўлган қизи ҳам эрга ҳаром бўлади. Бунга ўғай қиз набиралар ҳам киради. Ушбу масалада Қуръони Каримда бошқа тоифалардан фарқли равишда тафсилот келган.

Бир киши бир аёлга никоҳ ақди қилса-ю бирга эр-хотин бўлиб яшамай, қовушмай ажрашган бўлса, у аёлнинг бошқа эридан бўлган қизига уйланса, бўлади. Аммо, ақди никоҳдан кейин эр-хотин бўлиб яшаган, қовушган бўлса, унинг бошқа эридан бўлган қизига уйланиб бўлмайди. Чунки онасини хотин қилганидан кейин, у аёлнинг қизи ҳам эркакка худди ўз қизидек бўлиб қолади. Агар онаси билан никоҳда бўлганидан кейин у билан ажрашиб, қизини олиш мумкин бўлса, она билан қизнинг орасидаги алоқаларга футур етади. Она ўзининг иккинчи эрини бошқа эридан бўлган қизидан рашк қиладиган бўлиб қолади.

Уламоларимиз шу маънодаги масалада бир қоида ишлаб чиққанлар. У қоидада:

«Қизларга ақди никоҳ қилиш оналарни ҳаром қиладди. Оналар билан қовушиш қизларни ҳаром қиладди», дейилади.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб, баъзи уламолар: «Бир одам аёл киши билан фосид никоҳ орқали ёки зино йўли билан қовушган бўлса ҳам, ўша аёлнинг қизи у эркакка ҳаром бўлади», деганлар.



Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қудачилик алоқалари туфайли баъзи аёлларнинг никоҳи абадий ҳаром қилиниши ҳам Ислом шариатининг бошқа ҳукмлари каби улкан ҳикматларга асослангандир.

Аввало, қудачилик алоқалари Аллоҳ таоло томонидан берилган бир неъматдир. У орқали бир-бирига бегона кишилар қариндош бўладилар. Аллоҳ таолонинг номи, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ва мўмин-мусулмонларнинг гувоҳлигида ўрнатилган ана шундай муқаддас алоқанинг ўзига яраша ҳурмат-эҳтироми ҳам бўлиши керак, ахир.

Шунинг учун ҳам Исломда қудачилик алоқаси керакли нуқталарда насаб алоқасига тенглаштирилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларидан бирида:

«Қудачилик яқинлиги ҳам худди насаб яқинлиги кабидир», — деганлар.

Шунинг учун ҳам насаб йўли билан қайси тоифадаги аёлларнинг никоҳи ҳаром қилинган бўлса, қудачилик йўли билан ҳам худди ўша тоифадаги аёлларнинг никоҳи ҳаром қилинган.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Насабдан етти ва қудачилиқдан ҳам етти (тоифа аёл) ҳаром қилинди», — деганлар.

Шу билан бирга, қудачилик туфайли баъзи одамларнинг никоҳини ҳаром қилиш шак-шубҳалардан холи бўлган ҳолда қариндошлик алоқаларини ривожлантиришга йўл очган.

### **НИКОҲИ ВАҚТИНЧАЛИК ҲАРОМ ҚИЛИНГАН АЁЛЛАР:**

Бу ҳолда эр киши учун баъзи бир аёлга уйланиш маълум бир сабабга биноан, вақтинчалик ҳаром бўлади. Агар ўша сабаб йўқ бўлса, у аёлга уйланса, бўлаверади. Никоҳи вақтинчалик ҳаром бўлган аёллар қуйидагилар:

#### **1. Ўзи уч талоқ қилган аёл.**

Эр киши ўз аёлини бир талоқ ёки икки талоқ қилса, қайтадан ярашиши мумкин. Аммо уч талоқ қил-

гандан кейин ўша эр учун у аёл вақтинчалик ҳаромга айланади. Қуръони Каримнинг ҳукмига биноан, у аёл бошқа эрга тегиб, бу эри билан табиий ҳолатда ўлим ёки талоқ туфайли ажрашгандан кейингина биринчи эрга никоҳи ҳалол бўлади. Бунинг учун, албатта, у аёл иккинчи эр билан эр-хотин бўлиб яшаши шарт. Иккинчи эр жинсий алоқага қодир эмас киши бўлса, аёл қайтадан биринчи эрга ҳалол бўлмайди. Никоҳ тўғри никоҳ бўлиши ҳам шарт қилинган.

## 2. Эри бор аёл.

Эри бор аёл ҳам, модомики эри билан никоҳ алоқаси бор экан, бошқа эркак учун никоҳи ҳаром бўлади. Аллоҳ таоло эрлик аёлларга уйланиш мумкин эмаслигини Қуръони Каримда баён қилган.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шудай деб марҳамат қилади:

وَالنَّحَعَتُ مِنَ النِّسَاءِ إِلَّا مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ

**«Қўлларингиз мулк қилиб олганлардан бошқа эрли аёллар ҳам (ҳаром қилинди)» (24-оят).**

Жоҳилият даври арабларида бир аёлнинг бир неча эркак билан жинсий яқинликда бўлиши, яъни фоҳишабозлик оддий бир ҳол эди. Баъзи қавмларда эса бир аёлнинг бир неча эркак билан расман никоҳлангани ҳақида ҳам тарихий маълумотлар бор.

Ислом ана шу бемаъни одатни, соғлом инсон табиати кўтара олмайдиган бундай хунук ҳолатларни муолажа қилиб, бир аёл фақат бир эркак билан никоҳда бўлишини жорий қилди. Бинобарин, эри бор аёлга никоҳ маъносида, ҳатто, кўз тикиш ҳам жоиз эмас. У бировнинг ҳаққи ҳисобланади. Бу иш бировнинг ҳаққига нисбатан тажовуздир.

Шу маънода баъзи тоифаларнинг, хусусан, бугунги тараққиётнинг чўққисига чиққан, аммо Исломдан беҳабар жамиятларнинг ҳаётига назар ташласак, юқоридаги оят карима бекорга нозил бўлмаганини тушуниб етмаиз. «Инсон ҳуқуқлари» шиори остида турли адабиётларда, маза-матрасиз телесериалларда

тарғиб қилинаётган «эркин муҳаббат» ғояси, бировнинг жуфти ҳалолига шаҳват билан, ҳирс билан ёки ўзларининг таъбири билан айтганда, «муҳаббат» билан қарашлар, дўстининг хотинига севги изҳор қилишлар Ислоҳ ҳукмларига кўра, мутлақо жоиз эмас. Агар ушбу ҳукм бўлмаса, оилаларнинг тинчи қолмайди, насаблар аралшиб кетади.

### 3. Идда ўтирган аёл.

Эридан талоқ ёки вафот туфайли ажрашиб, идда ўтирган аёлга уйланиш ҳам ҳаром. Совчи қўйиш боида ундай аёлга ҳатто совчи қўйиш ҳам ҳаром экани ҳақида гапириб ўтган эдик. Бу ҳолда аввалги эрнинг ҳурматидан ўтирилаётган идда чиққунча кутиб туриш керак бўлади.

Идда ўтирган аёлга уйланувчи одам, аввало, ўша ҳурматни оёқости қилган бўлади. Қолаверса, бу пайтда аёл аввалги эридан ҳомила бўлган-бўлмаганини аниқлаш учун ҳам идда ўтирган бўлади. Бинобарин, иддадаги аёлга уйланган одам наслу насабнинг бузилишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

### 4. Самовий динга эътиқод қилмайдиган аёл.

Бу ҳукм мусулмон киши учун муслима, масиҳия ва яҳудия аёлдан бошқа аёлга уйланиб бўлмаслигини билдиради. «Самовий дин» деганда Ислоҳ, масиҳий ва яҳудий динлари тушунилади. Булардан бошқа ҳар қандай динга эътиқод қилувчи ёки умуман, динсиз, эътиқодсиз хотинга уйланиш мусулмон кишига жоиз эмас.

Шунингдек, Ислоҳдан юз ўтирган, муртад аёлга ҳам уйланиб бўлмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мушрика аёлларга, то улар иймонга келмагунларича, уйланмаслик лозимлигини қаттиқ тайинлаган. Албатта, бу ҳукм ҳам беҳикмат эмас.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло мушриклар билан никоҳ алоқаси ўрнатмаслик ҳақидаги амрини билдирган оятнинг давомида «**Ана ўшалар дўзахга чақирурлар**», — деган.

Демак, мушрикага никоҳланган мусулмон эркак дўзахга бўлган даъватга яқинлашган бўлади. Шунинг

учун «мусулмонман» деган одам бу ишни хаёлига ҳам келтирмаслиги керак.

Аллоҳ таоло мусулмонларга ғайридин аёллардан фақат масиҳий ва яҳудий динига эътиқод қиладиганларига уйланишга рухсат берган, холос.

Бу ҳақда У Зот шундай деб марҳамат қилади:

الْيَوْمَ أُحِلَّ لَكُمْ الطَّيِّبَاتُ وَطَعَامُ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حِلٌّ لَكُمْ  
وَطَعَامُكُمْ حِلٌّ لَهُمْ وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ الْمُؤْمِنَاتِ وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا  
الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ

«Бугунги кунда сизларга (барча) пок нарсалар ҳалол қилинди. Китоб берилганларнинг таоми сиз учун ҳалолдир. Сизнинг таомингиз улар учун ҳалолдир. Мўминаларнинг афийфалари ва сиздан олдин китоб берилганлардан бўлган афийфалар ҳам» (*«Mouda» сураси, 5-оят*).

Шу ояти кариманинг ҳукмига биноан, баъзи саҳобаи киромлар ҳам аҳли китоб — масиҳий ва яҳудий динидаги аёлларга уйланганлар. Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу Ноила бинти Фироза ал-Калбия исмли масиҳия аёлга уйланганлар. У аёл кейин, Ҳазрати Усмон билан яшаб туриб, мусулмон бўлган. Ҳузайфа розияллоҳу анҳу ҳам мадоинлик яҳудия аёлга уйланганлар.

Чунки масиҳий ва яҳудий динидаги аёллар ҳам Аллоҳга, илоҳий китобга, Пайғамбарларга, Қиёматга, ўлгандан кейин қайта тирилишга, ҳисоб-китобга ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларга иймон келтирган бўлади. Бу маънолар уни Исломига бошқалардан кўра кўпроқ яқинлаштиради. Шунинг учун мусулмон эри билан яхшиликда яшаши мумкинлиги умид қилинади.

Юқорида айтиб ўтилган, никоҳи ҳаром бўлган тоифаларга кирмайдиган лекин совчилик қилиш мумкин бўлмаган яна бир тоифа аёллар бор. Совчилик қилмоқчи бўлганлар бу тоифадаги аёллар кимлигини ҳам яхши билиб олишлари керак. Кўп ҳолларда бу ишга аҳамият бермаслик оқибатида турли нохушликлар чиқиши ҳам бор.

Бу тоифа бошқа биров томонидан совчи қўйиб турилган аёл-қизлардир. Бундай аёл-қизларга ҳам совчи қўйиб бўлмайди.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا يَخْطُبُ الرَّجُلُ عَلَى خِطْبَةِ أُخِيهِ حَتَّى يَتْرُكَ الْخَاطِبُ قَبْلَهُ أَوْ يَأْذَنَ لَهُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Киши ўз биродарининг совчилиги устига, ундан олдинги совчи тарк қилмагунча ёки унга изн бермагунча, совчи қўймас», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

Биров совчи қўйиб турган жойга унинг устидан совчи қўйиш ҳаромдир. Фақат биринчи совчи қўйган одам келиша олмай, совчиликни тарк қилганидан сўнг ёки унинг ўзидан изн олгандан кейингина, совчи қўйиш мумкин. Чунки бировнинг совчилиги устига совчилик қилиш биринчи совчининг ҳаққига тажовуз қилишдир. Бу иш туфайли кишилар ўртасида низо, хусумат, адоват ва уруш-жанжаллар чиқади.

Шу билан бирга, бирданига бир неча киши совчи қўйган, иш пишмай турган бўлиши мумкин. Улардан ҳеч бири билан жиддий муомала қилинмай, иккиланиш ва маслаҳат ҳолати бўлиши мумкин.

Имом Муслим келтирган ривоятда Фотима бинти Қайс розияллоху анҳога бирданига уч киши — Абу Жаҳм ибн Хузума, Муовия ва Усома ибн Зайд розияллоху анҳум совчи қўйишган. У киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан маслаҳат сўраганларида у зот «Абу Жаҳм асосини елкасидан туширмайди, Муовия камбағал, моли йўқ, Усома ибн Зайдга теккин», — деганлар.

## МУНОСИБ КЕЛИН

Оила қуриш ниятидаги эркак тараф ўзи учун никоҳи ҳаром ва совчилик қилиб бўлмайдиган шахсларни ажратиб олганидан кейин энг аввал муносиб келин ахтаришга киришади. Куёв тарафдан қизга совчи қўйилади. Ўша пайтда куёв, унинг ишбошилари ва совчилари келинликка номзоднинг қандай тарафларига эътибор беришлари керак? Бу саволга жавоб ахтариб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларига мурожаат қиламиз. Зотан, У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари бир қанча ҳадиси шарифларида муносиб келин қандай бўлишини баён қилиб берганлар. Мазкур ҳадиси шарифларда келинликка номзоднинг қуйидаги сифатларига алоҳида эътибор бериш тавсия қилинган:

## 1. Диндорлик.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: تُنْكَحُ الْمَرْأَةُ لِأَرْبَعٍ: لِمَالِهَا، وَلِحَسْبِهَا، وَلِحِمَالِهَا، وَلِدِينِهَا فَاطْفَرُ بِذَاتِ الدِّينِ تَرَبَّتْ يَدَاكَ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аёл тўрт (нарсаси) учун никоҳланади: моли учун, ҳасаби учун, жамоли учун ва дийни учун. Бас, диндорини танла, қўлинг тупроққа қорилгур», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Уйланишдан олдин келинликка номзоднинг қизиқтирадиган сифатларига қаралади. Ушбу ҳадиси шарифда ўша — никоҳига рағбат қилинадиган номзодда бўлиши лозим бўлган яхши сифатлардан тўртта энг машҳури ҳақида сўз кетмоқда.

Агар ушбу тўрт сифат — мол ҳам, жамол ҳам, ҳасабу насаб ҳам, дину диёнатга қўшилиб, бир қизнинг зийнати бўлиб турса, албатта, яхши. Аммо мазкур тўрт сифат бир-бири билан солиштирилганда, улар

орасида диндорликка тенг келадигани йўқ. Балки қолганларига яна бошқа бир қанча яхши сифатлар қўшилса ҳам диндорлик сифатига ета олмайди.

Чунки молдорлик вақтинчалик сифатдир. Бир лаҳзада молу мулкдан ажраб қолганлар қанча. Агар келиннинг молига қизиқиб, унга уйланилса ва унинг моли бақосизлик қилиб, уни тарк этса, мазкура келинга қизиқиш қолмайди. Қолаверса, мол-мулкининг кўплиги келиннинг ҳовлиқишига, куёвни ва унинг яқинларини менсимаслигига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Диндорлик бўлмаган ҳолатда бойлик кўпинча ноқулай ишларга сабаб бўлиши турган гап.

Ҳасабу насаби яхши келин, албатта, яхши келин бўлади. Лекин фақат ҳасабу насабига ишониш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Ота-она, бобо-момолари яхши одамлар бўлса, жуда ҳам яхши, лекин улар ўз уйларида қоладилар, куёвни келиннинг ўзи келади. Агар келин диндор бўлмаса, ҳасабу насаби билан фахрланиб, куёвни ва унинг яқинларини хижолат қилиши мумкин.

Жамол ҳам ўз ҳолича яхши нарса. Лекин бу ҳам ўткинчидир. Маълум муддатдан кейин ҳар қандай инсоннинг жамоли ўзгариши турган гап. Бунинг устига фақат жамолга суяниб иш қилиш ҳам яхшиликка олиб бормайди. Агар келин ўзининг жамоли учун қизиқиладиганини билса, бу омилни куёвни ўзига мубтало қилиб, унинг устидан ҳукмронлик қилишга ишлатиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам диндор келинни ихтиёр қилишга буюрмоқдалар. Диндорлик ҳақиқий ва бардавом гўзал сифатдир. Бунинг устига диндорлик сифати вақт ўтиши билан зиёда бўладиган нодир сифатлардан биридир. Келин диндор бўлса, куёвни ва унинг яқинларини ҳурмат қилади, оиланинг ҳақиқий устуниси ва порлаб турган чироғи бўлади. Ундан дунёга келган, унинг тарбиясини олган фарзандлар ҳам ажойиб инсонлар бўлиб етишадилар, иншааллоҳ.

Диндор келин шариат кўрсатмаси бўйича оиладаги ўз бурч ва масъулиятларини тўлиқ адо этиб яшайди.



Диндорлик ҳақиқий бойликдир!  
 Диндорлик ҳақиқий ҳасаб ва насабдир!  
 Диндорлик ҳақиқий гўзалликдир!

Шунинг учун ҳам қизларимизни диндор қилиб тарбиялашга уринишимиз керак. Шунинг учун келин танлаганимизда диндор келин танлашимиз лозим.

## 2. Солиҳалик.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: إِنَّ الدُّنْيَا كُلَّهَا مَتَاعٌ، وَخَيْرُ مَتَاعِ الدُّنْيَا الْمَرْأَةُ الصَّالِحَةُ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَمُسْلِمٌ.

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Дунёнинг ҳаммаси матоъдир ва дунёнинг энг яхши матоъи солиҳа аёлдир».**

*Насайй ва Муслим ривоят қилганлар.*

«Матоъ» сўзи «баҳра олинадиган нарса» деган маънони билдиради.

Ушбу ҳадиси шарифда бу дунёдаги нарсаларнинг ҳаммаси ҳам «матоъ» экани, уларнинг ичида энг яхшиси солиҳа аёл экани ҳақида сўз кетмоқда. Бу билан аҳли солиҳ бўлиш жуда ҳам яхши экани, аёлларнинг ичида ҳам энг афзали солиҳаси бўлиши таъкидланмоқда.

«Солиҳ инсон» дегани шарият томонидан буюрилган амрларни бажариб, қайтариқлардан қайтадиган ва ўз ихтиёри ила қўшимча нафл амаллар қиладиган инсон деганидир.

Солиҳлик фасод ва ёмонликнинг тескарисидир.

Солиҳлик банданинг ҳилқатида ҳам, қиладиган амалида ҳам бўлади. «Сулҳ» сўзи ҳам «салоҳ»дан олинган бўлиб, кишилар орасидаги бузилган муомалаларни тузатиш маъносига ишлатилади.

Солиҳлик дунё ва охират ишларида яхши бўлишни англатади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дунёнинг энг яхши матоъи солиҳа аёлдир, деганлари айнан мана шу маъноларни ўз ичига олади.

Тавсия қилинади



Демак, келин танлаш вақтида келиннинг солиҳа бўлишига эътибор бериш керак. Бу эса, яратилишда ҳам, хулқу одоб ва бошқа сифатларда ҳам етук бўлишдир.

Келиннинг шариат кўрсатмаларини бажарибгина қолмай, нафл ибодат ва яхши амаллар ҳам қилиши ўзида солиҳаликни мужассам қилишига қараб бўлар экан.

### 3. Болага меҳрибон ва эрга риояли бўлиш.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: خَيْرُ نِسَاءٍ رَكِبْنَ الْإِبِلَ صَالِحُ نِسَاءٍ قُرَيْشٍ أَحْنَاهُ عَلَى وَلَدٍ فِي صِعْرِهِ، وَأَرْعَاهُ عَلَى زَوْجٍ فِي ذَاتِ يَدِهِ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Туя минган аёлларнинг энг яхшиси Қурайшнинг солиҳа аёлларидир. Болага кичиклигида энг шафқатлидир. Эрга унинг қўлидаги нарсаси хусусида энг риоялидир», – дедилар».**

*Икки Шайх ривоят қилганлар.*

«Туя минган аёллар» деганда Арабистон ерларида яшайдиган араб аёллари кўзда тутилган. Ўша аёллар ичида Қурайш қабиласига мансуб аёллар энг яхши аёллар ҳисобланар экан. Уларнинг яхши ном олишларига сабаб эса, кичик болаларга ўта меҳрибонликлари ва эрларини ўта риоя қилишлари экан. Айниқса, улар эрларининг молу мулкларини яхшилаб муҳофаза қилишар экан.

Дарҳақиқат, бу сифатлар ҳар бир аёл учун ўта зарур сифатлардир. Ўз боласига меҳрибон бўлмаган, уни керагича авайлаб-асраб катта қилмайдиган аёлни ким ҳам яхши аёл дея олади. Ундай бемехр аёлнинг оиласида болалар меҳрсиз, одобсиз, ахлоқсиз бўлиб ўсадилар. Бу эса, оила учун, оила бошлиғи учун катта мусибатдир.

Шунингдек, эрининг риоясини қилмаган аёлдан қандай яхшилик кутиш мумкин? Хусусан, эрининг мол-мулкни муҳофаза қилмаган, авайлаб-асрамаган аёлдан бошқа яхшиликларни кутиш мумкинми?

Ушбу ҳадиси шарифдан ибрат олиб, келин танлаётган вақтда унинг уруғидаги аёлларнинг қариндош болаларга қандай қарашлари, эрларини қандай риоя қилишларига разм солиш, сўраб-суриштириш керак бўлади. Агар келин диндорлик, солиҳалик устига бу сифатларни ҳам ўзида мужассам қилган бўлса, у энг маъқул, муносиб келиндир.

#### 4. Қиз бўлиши.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: تَزَوَّجْتُ، فَقَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَا تَزَوَّجْتَ؟ فَقُلْتُ: نَيْبًا، فَقَالَ: مَا لَكَ وَلِلْعَذَارَى وَلِعَابِهَا. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Уйландим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Қандайига уйландинг?» дедилар.

«Бевага», дедим.

«Бокира қиз олиб, у билан кўнгил ёзсанг бўлмасмиди?» дедилар».

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

Ушбу ҳадисдан бокира қизга уйланиш афзал экани келиб чиқади.

#### 5. Муҳаббатли ва серфарзанд бўлиши.

عَنْ مَعْقِلِ بْنِ يَسَارٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَصَبْتُ امْرَأَةً ذَاتَ جَمَالٍ وَحَسَبٍ، وَإِنَّهَا لَا تَلِدُ أَفَاتَرُوجُهَا؟ قَالَ: لَا، ثُمَّ أَنَاهُ الثَّانِيَةَ فَنَهَا، ثُمَّ أَنَاهُ الثَّلَاثَةَ، فَقَالَ: تَزَوَّجُوا الْوُدُودَ الْوُلُودَ، فَإِنِّي مُكَاتِرٌ بِكُمْ الْأُمَمَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ.

*Маъқал ибн Ясор розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Бир жамолли ва ҳасабли аёл топдим. Аммо турмас экан. Унга уйланаверайми?» деди.



**«Йўқ», дедилар. Кейин у зотга иккинчи марта келди. Яна қайтардилар. Сўнгра учинчи марта келганида:**

**«Эрига муҳаббат қиладиган ва кўп туғадиган аёлга уйланинглр. Мен бошқа умматларга сизларнинг кўплигингизни кўз-кўз қилувчиман», дедилар».**

*Абу Довуд, Насаий ривоят қилганлар. Ҳоким саҳиҳ, деган.*

Бу ҳадиси шарифдан эрига муҳаббат қиладиган ва кўп туғадиган аёлга уйланиш кераклиги англанади.

Келинликка номзоднинг бу каби сифатлари унга яқин қариндош бўлган аёлларнинг ҳолини ўрганиш билан билинади. Унга яқин қариндош аёллар одатда эрига муҳаббат қиладиган, кўп туғадиган бўлсалар, уларнинг зотида бўлган ёшлар ҳам кўпинча ўша сифатларга эга бўладилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалардан энг асосийси уйланишдан олдин аҳли фазл, илмли кишилардан маслаҳат сўрашнинг яхшилигидир.

**6. Сурур бағишлаш, итоаткор бўлиш ва хилоф қилмаслик.**

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَيُّ النَّسَاءِ خَيْرٌ؟ قَالَ: الَّتِي تَسْرُهُ إِذَا نَظَرَ، وَتَطِيعُهُ إِذَا أَمَرَ، وَلَا تُخَالِفُهُ فِي نَفْسِهَا وَلَا مَالِهَا بِمَا يَكْرَهُ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

*Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*  
**«Ё Расулаллоҳ, аёлларнинг қандоғи энг яхшисидир», – дейилди.**

**«Қачон назар солса, сурур бағишлайдигани. Қачон амр қилса, итоат қиладигани ва эрига ўз жонида ва молида у ёқтирмайдиган нарса ила хилоф қилмайдигани», – дедилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.*

Ушбу ҳадиси шарифда эр учун энг яхши хотиннинг баъзи сифатлари ҳақида сўз кетмоқда:

**1. «Қачон назар солса, сурур бағишлайдигани».**

Демак, эр назар солса, кўнглини хурсанд қиладиган аёл энг яхши аёлларда бўладиган сифатларга эга бўлар экан.

Бу таъриф аёлнинг ташқи қиёфаси, кийиниши, ўзини тутиши ва ахлоқ-одоби каби нарсаларни ўз ичига олади. Энг яхши аёл бўлиш умидидаги қизларимиз, аёлларимиз ушбу нарсага алоҳида эътибор беришлари керак. Куёв ва эрларининг кўзига доимо хурсанд қиладиган равишда кўринишга ҳаракат қилишлари лозим.

## 2. «Қачон амр қилса, итоат қиладигани».

Эрга итоаткор бўлиш аёлларнинг энг гўзал, энг яхши сифатларидан биридир.

Албатта, бу ерда шаръий рухсат берилган ишлар доирасидаги итоаткорлик ҳақида сўз кетмоқда. Гуноҳ ишларда итоат қилиш мумкин эмас. Чунки Холиққа маъсият бўладиган ишларда махлуққа итоат қилинмайди.

Эр оила бошлиғи бўлганидан кейин, оила аъзолари, жумладан, аёл киши унга итоат қилиши керак. Эрига итоаткор аёл энг яхши сифатлардан бирига эга бўлган аёлдир.

Эрига итоат қилмайдиган аёлни яхши аёллар қаторига мутлақо қўшиб бўлмайди.

## 3. «Эрига ўз жонида ва молида у ёқтирмайдиган нарса ила хилоф қилмайдигани».

Бошқача қилиб айтганда, энг яхши аёл сифатига соҳиба бўлишни истаган аёл эрига ёқмайдиган ишларни қилмаслиги керак. Чунки шу хилоф туфайли оилада уруш-жанжал чиқиши, эр-хотиннинг ҳаловати йўқолиши, ҳатто оила бузилиб кетиши ҳам мумкин.

Яна, аёл киши ўз молини эри ёмон кўрадиган нарсаларга сарфламаслиги керак. Ана шунда энг яхши аёлларнинг яна бир сифатига эга бўлади.

Ушбу ҳадисда зикр қилинган уч сифатни ўзида мужассам қилган аёл энг яхши аёллардан бўлишига шубҳа йўқ.

Мўмина-муслима аёл-қизларимиз ушбу ҳадиси набавийда зикр этилган олиймақом сифатларни ўз-



ларида мужассам қилишга ҳаракат этишлари лозим. Шу билан бирга, жажжи қизчаларимизни ёшликларидан ана шундай гўзал сифат соҳибалари этиб тарбия қилмоғимиз зарур.

Уламоларимиз барча ҳужжат ва далилларни ўрғаниб чиқиб ҳамда бошқа омилларни ҳисобга олиб, муносиб келин танлашда қуйидаги нарсаларга эътибор бериш кераклигини таъкидлаганлар:

1. Диндорлик.

2. Серфарзандлик. Бу сифат қариндош-уруғ аёлларга қараб билинади.

3. Аввал турмуш қурмаган бўлиши.

4. Диндор ва қаноатли оиладан бўлиши.

5. Насаби яхши бўлиши.

6. Ҳуснали бўлиши. Шунда эрнинг кўнгли тўқ бўлади, муҳаббат қўяди, бошқаларга қарамайди.

7. Қариндошлардан бўлмаслиги. Қариндошга уйланса, болалари заифҳол бўлиш эҳтимоли кучли. Яна, Аллоҳ кўрсатмасин, келишмовчилик бўлиб қолса, қариндошлик алоқаларига зарар етиши ҳам мумкин. Бегонадан бўлса, болалар заифҳол бўлмайди. Куёв-келиннинг баҳонаси билан уларнинг қариндош-уруғлари ҳам қуда-анда бўладилар, ижтимоий алоқалар ривожланади.

8. Бир хотиндан зиёда қилмаслик. Чунки кўпхотинлиликнинг машмашаси ҳам кўп бўлади, шартларини бажо қилиш ҳам осон эмас.

## МУНОСИБ КУЁВ

Оила қуришда фақат куёв тараф келин танлаш ҳуқуқига эга эмас, балки келин ҳам куёв танлаш ҳуқуқига эгадир. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, оила, аввало, кўнгилга боғлиқ маънавий ва руҳий алоқадир. Бундай алоқада икки томон бирдек иштирок этмаса, яхшиликка эришиб бўлмайди. Оилага эр қанчалик зарур бўлса, аёл ҳам шунчалик зарурдир. Оилавий алоқалар эрнинг кўнгилга қанчалик боғлиқ бўлса, аёлни кўнгилга ҳам шунчалик боғлиқ бўлади.

Аслида, куёв танлашда яна ҳам эътиборли ва масъулиятли бўлиш лозим. Бундай ўта нозик ва масъулиятли ишда зинҳор бепарво бўлмаслик керак.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо:

«Никоҳ қулчиликдир. Сиздан ҳар бирингиз ўз кариймасини қаерга қўяётганига назар солсин», — деганлар.

Имом Ғаззолий «Иҳяу улумид-дийн» китобида:

«Аёлни кўнгилга ҳаққида эҳтиёт бўлмоқ муҳимроқдир. Чунки у никоҳ ила қулга ўхшаб қолади. Ундан халос бўлиши қийин. Эр эса, ҳар ҳолда, талоқ қилишга қодир», — деганлар.

Ибн Жавзий айтади:

«Аёллар эркакларнинг туғишганларидир. Эркакка аёл ёққани каби, аёлга ҳам эркак ёқади».

Шунинг учун ҳам Ислом шариатида муносиб келиннинг сифатларига қанчалик эътибор берилса, муносиб куёвнинг сифатларига ҳам шунчалик эътибор берилган.

Албатта, доим таъкидланаётганидек, бу танловда ўлчов динимиз қоидалари асосида бўлиши лозим. Одамлар қадр-қийматининг ўлчови Қуръони Каримда қандай эканига назар солмоқ керак.

Аллоҳ таоло «Хужурот» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَنْفُسُكُمْ



**«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир» (13-оят).**

Исломда инсоний сифатларнинг энг афзали тақводорликдир. Аллоҳ таолонинг ҳузурида энг ҳурматли, энг азиз, энг мукаррам инсон тақводор инсондир. Шунинг учун ҳам куёв танлаш вақтида энг биринчи ўринда унинг тақвосига эътибор бериш керак бўлади.

عَنْ سَهْلِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: مَرَّ رَجُلٌ عَلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: مَا تَقُولُونَ فِي هَذَا؟ قَالُوا: حَرِيٌّ إِنْ خَطَبَ أَنْ يُنْكَحَ، وَإِنْ شَفَعَ أَنْ يُشْفَعَ، وَإِنْ قَالَ أَنْ يُسْتَمَعَ، ثُمَّ سَكَتَ فَمَرَّ رَجُلٌ مِنْ فُقَرَاءِ الْمُسْلِمِينَ فَقَالَ: مَا تَقُولُونَ فِي هَذَا؟ قَالُوا: حَرِيٌّ إِنْ خَطَبَ أَنْ لَا يُنْكَحَ، وَإِنْ شَفَعَ أَنْ لَا يُشْفَعَ، وَإِنْ قَالَ أَنْ لَا يُسْتَمَعَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: هَذَا خَيْرٌ مِنْ مِلءِ الْأَرْضِ مِثْلَ هَذَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Саҳл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан ўтди. Бас, у зот:

«Мана бу ҳақида нима дейсизлар?» – дедилар.

«Агар совчи қўйса, қиз беришга, шафоатчилик сўраса, шафоат беришга ва сўзласа, тинглашга арзийдиган одам», – дейишди. У зот жим қолдилар.

Кейин фақир мусулмонлардан бир киши ўтди. У зот:

«Мана бу ҳақида нима дейсизлар?» – дедилар.

«Агар совчи қўйса, қиз бермасликка, шафоатчилик сўраса, шафоат бермасликка ва гапирса, тингламасликка арзийди», – дейишди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бу ҳалигига ўхшаганларнинг ер юзи тўласидан ҳам яхшироқдир», – дедилар».

*Бухорий ривоят қилган.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан биринчи ўтган киши фақат бойлиги билан таъинланган одам эди. Иккинчи бўлиб ўтган киши Жуҳайл



ибн Сууроқа розияллоҳу анҳу бўлиб, у киши камбағаллиги ва тақвоси билан машҳур киши эдилар.

Набий солаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирган кишилар у зотнинг мазкур икки киши ҳақидаги саволларига бойлик асосида жавоб бердилар.

Ҳа, одамларнинг қадр-қийматини ўлчаш уларнинг ўзларига қўйиб қўйилса, қадр-қийматни айнан молу мулкка қараб ўлчашлари турган гап. Чунки инсон табиати ўз ҳолича қўйилса, илоҳий таълимотларсиз мазкур ҳолга тушиб қолиши ҳам муқаррар.

Шунинг учун ҳам инсон қадр-қийматини ўлчашни шариат ўз зиммасига олган. Шариат ўлчови бўйича, инсон қадр-қиймати унинг молу пулига, мансабу насабига қараб эмас, тақвоси ва аҳли солиҳлигига қараб ўлчанади.

Бир дона тақводор, аҳли солиҳ камбағал, Ислом дини назарида, ер юзи тўла бой-бадавлат фосиқлардан кўра афзалдир.

Исломда инсоннинг қадри молу мулкка қараб эмас, молу мулкнинг қадри унга молик бўлган инсонга қараб белгиланади. Агар мол-мулк тақводор киши қўлида бўлса, яхши мол-мулк бўлади. Аммо у фосиқ ва фожир киши қўлида бўлса, ёмон мол-мулк бўлади.

Тақводор, аҳли солиҳ одам молу дунёси бўлса ҳам, бўлмаса ҳам яхшидир. Фосиқ ва фожир одам эса ҳар икки ҳолда ҳам ёмондир.

Шунинг учун одам танлашнинг энг нозик ва ҳасос нуқтаси — куёв танлаш масаласида ҳам бўлғуси куёвнинг диндорлигига, тақвосига ва аҳли солиҳ эканлигига аҳамият бериш лозим.

عَنْ أَبِي حَاتِمِ الْمَرْزِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا جَاءَكُمْ مَنْ تَرْضَوْنَ دِينَهُ وَخُلُقَهُ فَأَنْكِحُوهُ، إِلَّا تَفْعَلُوا تَكُنْ فِتْنَةً فِي الْأَرْضِ وَفَسَادًا، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَإِنْ كَانَ فِيهِ؟ قَالَ: إِذَا جَاءَكُمْ مَنْ تَرْضَوْنَ دِينَهُ وَخُلُقَهُ فَأَنْكِحُوهُ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَحَسَنُهُ.

Абу Ҳотим ал-Музаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:



**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қачон сизга ўзингиз дийнидан ва хулқидан рози бўлган киши келса, унга (сўраганини) никоҳлаб беринг. Агар шундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва фасод бўлур», дедилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, агар унда (фақирлик ва ҳоказо) бўлса ҳам-а?» дейишди.**

**У зот «Қачон сизга ўзингиз дийнидан ва хулқидан рози бўлган киши келса, унга (сўраганини) никоҳлаб беринг», деб уч марта айтдилар».**

*Термизий ривоят қилган ва ҳасан, деган.*

Бу ҳадиси шарифдан дини ва хулқи яхши бўлган йигит энг муносиб куёв бўлиши қаттиқ таъкидланганлиги келиб чиқмоқда. Дини ва хулқи рози бўлинадиган даражадаги киши томонидан совчи келганида қизни келинликка берилмаса, ер юзида фитна ва фасод иш қилинган бўлиши уқтирилмоқда.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу гапни эшитиб, агар у одам камбағал ёки бошқа рағбат қилинмайдиган сифатларга эга бўлса ҳам-а, деган маънодаги саволни берганларида у зотнинг олдинги гапларини уч марта қайта такрорлашлари кишидаги диндорлик ва яхши хулқ нақадар улуғ сифатлар эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Биз, мўмин-мусулмонлар куёв танлаш пайтида ушбу набавий маслаҳатларга амал қилсак, албатта тўғри йўл тутган бўламиз.

Муносиб куёв танлаш борасидаги барча далил ва хужжатларни жамлаб, тартибга солиб, таҳлил қилган уламоларимиз асосан қуйидаги сифатларга эътибор бериш лозимлигини таъкидлайдилар:

1. Диндорлик.
2. Тақводорлик.
3. Ҳусни хулқ.
4. Оила масъулиятини адо этиш қобилияти.
5. Келиннинг тенги бўлиши. Бунда ёши, ижтимоий

ҳолати ва шунга ўхшаш нарсалар кўзда тутилган.

## СОВЧИЛИК

«Совчилик» дегани муайян бир аёл ёки қизга уйланиш истагини унинг ўзига ёки валийсига билдиришдир. Аслида, аёл кишининг ўзи ёки яқинлари томонидан куёвнинг ўзига ёки унинг оила тарафига совчилик қилиниши ҳам мумкин.

Бу билдириш уйланмоқчи кишининг ўзи ёки унинг вакили томонидан бўлиши мумкин. Шунингдек, совчиликни никоҳи исталган шахсга ёки унинг ишбошиларидан бирига билдириш ҳам мумкин.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳафса онамизга уйланганларида у кишининг оталари Умар розияллоҳу анҳуга совчилик қилганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Салама розияллоҳу анҳога уйланганларида у кишининг ўзларига совчилик қилганлар.

**Фазийлатли кишиларга аёлнинг ўзи, ота-онаси ёки ишбошиларидан бири совчилик қилиши жоиз.**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига баъзи аёллар келиб, ўзини никоҳлаб олишларини сўраганлар.

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا عِنْدَ النَّبِيِّ ﷺ، فَجَاءَتْهُ امْرَأَةٌ تَعْرِضُ نَفْسَهَا عَلَيْهِ فَحَفِضَ فِيهَا النَّظَرَ وَرَفَعَهُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ. وَفِي رِوَايَةٍ: قَالَ أَنَسٌ: إِنَّ امْرَأَةً عَرَضَتْ نَفْسَهَا عَلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَضَحِكَ ابْنَةُ أَنَسٍ، فَقَالَتْ: مَا كَانَ أَقْلَ حَيَاءَهَا فَقَالَ أَنَسٌ: هِيَ خَيْرٌ مِنْكَ عَرَضَتْ نَفْسَهَا عَلَى النَّبِيِّ ﷺ.

*Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Бир аёл келиб, у кишига ўзини тақдим қилди. У зот унга бошдан-оёқ назар солиб қарадилар».

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

*Бошқа бир ривоятда:*

«Анас: «Бир аёл ўзини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга тақдим қилди», деди.

Анасининг қизи кулиб:

«Мунча ҳам ҳаёси оз экан!», деди. Шунда Анас:

«У сендан яхшироқ. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ўзини тақдим қилди», деди».

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: تَأَيَّمْتُ حَفْصَةَ مِنْ حُثَيْبِ بْنِ خَدَافَةَ السَّهْمِيِّ، وَكَانَ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ ﷺ تُوفِّيَ بِالْمَدِينَةِ، فَقَالَ عُمَرُ: عَرَضْتُ حَفْصَةَ عَلَى عُثْمَانَ، فَقَالَ: سَأَنْظُرُ فِي أَمْرِي، فَلَبِثْتُ لَيْالِي ثُمَّ لَقَيْتَنِي، فَقَالَ: قَدْ بَدَأَ لِي أَلَا أَتَزَوَّجُ يَوْمِي هَذَا. فَلَقِيْتُ أَبَا بَكْرٍ الصَّدِيقَ فَقُلْتُ: إِنْ شِئْتَ زَوَّجْتُكَ حَفْصَةَ، فَصَمَّتْ أَبُو بَكْرٍ، وَكُنْتُ أَوْجَدُ عَلَيْهِ مِنِّي عَلَى عُثْمَانَ، فَلَبِثْتُ لَيْالِي، ثُمَّ حَظَبَهَا رَسُولُ اللَّهِ، فَأَنكَحْتُهَا إِيَّاهُ، فَلَقَيْتَنِي أَبُو بَكْرٍ فَقَالَ: لَعَلَّكَ وَجَدْتَ عَلِيَّ حِينَ عَرَضْتَ عَلَيَّ حَفْصَةَ فَلَمْ أَرْجِعْ إِلَيْكَ شَيْئًا، قَالَ عُمَرُ: قُلْتُ: نَعَمْ، قَالَ أَبُو بَكْرٍ: إِنَّهُ لَمْ يَمْنَعْنِي أَنْ أَرْجِعَ إِلَيْكَ فِيمَا عَرَضْتَ عَلَيَّ إِلَّا أَنِّي كُنْتُ عَلِمْتُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَدْ ذَكَرَهَا، فَلَمْ أَكُنْ لِأَفْشِي سِرَّ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، وَلَوْ تَرَكَهَا قَبَلْتُهَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Ҳафса Хунайс ибн Ҳузафа ас-Саҳмийдан бева қолди. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бўлиб, Мадинада вафот этган эди. Бас, Умар айтди:

«Ҳафсани Усмонга тақдим қилдим. У «Ўйлаб кўрай-чи», деди. Бир неча кун кутдим. Сўнг у менга учраб, «Ҳозирги кунда уйланмай турганим маъқулга ўхшайди», деди.

Абу Бакр Сиддиққа учраб, «Хоҳласанг, сенга Ҳафсани никоҳлаб бераман», дедим. Абу Бакр индамади. Ўшанда ундан Усмондан аччирим чиққани-

дан кўра кўпроқ аччиғим чиқди. Бир неча кун турганимдан сўнг унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам совчи бўлдилар ва мен уни у зотга ниқоҳлаб бердим. Сўнгра Абу Бакр менга учраб:

«Ҳафсани менга тақдим қилганингда, мен эса сенга жавоб бермаганимда, аччиғинг чиққан бўлса керак?» деди.

«Ҳа», дедим.

«Мени сенга жавоб беришдан фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уни зикр қилганларини эшитганим ман қилди, холос. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сирларини фош қилишим мумкин эмас эди. У зот тарк қилганларида, уни қабул қилар эдим», деди Абу Бакр».

*Бухорий ривоят қилган.*

Бизнинг шароитимизда, одатда, совчилик йигитнинг ота-онаси ёки улар тайинлаган кишилар томонидан келинликка номзоднинг ота-онасига ёки оила аъзоларига қилинади.

Айтайлик, мазкур иш содир бўлди. Эркак томондан аёл-қиз томонга совчилик қилинди. Энди аёл-қиз тараф муносиб куёв танлаш мажбуриятида қолади. Албатта, улар ҳам бу танлашда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатма ва тавсияларига амал қилсалар, жуда ҳам яхши бўлади ва бундай ўта нозик, умр савдоси бўлган ишда энг тўғри йўл тутган бўладилар.



## ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТИШ

Охирги пайтларда умр йўлдошини танлаш пайтида тиббий кўриқдан ўтиш масаласи ҳам ўртага чиқди. Тажрибада никоҳдан, тўйдан кейин келин-куёвдан бирида турли юқумли ёки бир оилада яшашга тўсиқ бўладиган беморликлар чиқиб қолиши ҳолатлари ушбу чорани қўллашга мажбур қилди. Бу ишга шаръий жиҳатдан қандай баҳо берилишини уламоларимиз кўриб чиқиб, қуйидаги қарорни қабул қилдилар.

### ФАТВО ВА ИЛМИЙ БАҲСЛАР БЎЙИЧА ЕВРОПА МАЖЛИСИ

ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯ  
(23–27 ФЕВРАЛ, 2005 ЙИЛ)

#### ҚАРОР 2\14.

**Уйланишдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш ҳақида.**

Мажлис никоҳланишни истовчиларда юқумли ёки оила қуриш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтиш масаласини кўриб чиқди. Бу борада тайёрланган илмий тадқиқотни атрофлича ўрганиб чиққандан кейин мажлис қуйидагиларга қарор қилди:

1. Никоҳланишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўриқнинг юқумли ёки оила қуриш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни аниқлашда фойдалари бор. Бу сабабли никоҳланишдан сақланиш мумкин. Шу билан бирга, бу ишнинг айб ва салбий тарафлари ҳам бор. Хусусан, бировнинг айбини очиш, унга маънавий зарар етказиш ва келажагини хавф остида қолдириш кабилар.

2. Тиббий кўриқни ман қилувчи нарса шариатда йўқ. Жумладан, ирсий кўриқнинг ҳам. Фақат, шарт шуки, айбни ошкор қилмаслик керак ва даволанишга йўл топиш лозим.

3. Агар никоҳни истовчи тарафлардан бири никоҳдан олдин тиббий кўрикни шарт қилса, монеълик йўқ.

4. Агар икки тараф оила қуришдан олдин келишган ҳолда (ирсийдан бошқа) тиббий кўриқдан ўтишни истасалар, монеълик йўқ. Фақат, сатр бўйича Ислом одобларига амал қилиш ва бошқа тарафга зарар еказмаслик шарт.

5. Икки тарафга ҳам никоҳдан олдин ўзидаги юқумли ёки оила қуриш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни яшириш жоиз эмас. Агар яширса ва бу иш иккинчи тарафнинг хаста бўлиши ёки ўлимига сабаб бўлса, сабабчи тараф шариат ҳукми бўйича барча жазо ва тўловларни ўташи мажбурий бўлади.

6. Агар никоҳдан кейин икки тарафдан бири иккинчисининг юқумли ёки оила қуриш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталиги борлигини билиб қолса, никоҳни бузишга ҳаққи бор.



## СОВЧИЛИҚДАН КЕЙИН

Келинликка номзод ҳам, куёвликка номзод ҳам суриштириб бўлинди. Сифатлари, дину диёнати, одоб-ахлоқлари ва одамгарчилиги ўрганилди. Ана шу маълумотларга қараб, оила қуришга ният қилинади.

Аммо, мазкур сўраб-суриштиришдан кейин бево-сита фотиҳа ўқиб, тўй бошлаб юборилаверадими?

Келинликка ва куёвликка номзодлар тўйдан олдин бир-бирларини кўришлари гуноҳ ҳисобланадими ёки йўқми?

Ёки баъзи бировлар айтганидек, ёшлар бир-икки йил бирга юриб, бир-бирини синаб кўришлари керакми?

Исломда юқоридаги икки услуб ҳам нотўғри ҳисобланади. Бир-бирини кўрмасдан оила қуриш яхши эмас. Бир-бирини кўрмаган кишилар юз кўришганларидан бир-бирларига ёқмай қолишлари ҳам мумкин. Иккинчидан, сифатлари суриштирилганда бошқа одам кўрсатилиб, никоҳга бошқасини олиб келиш хавфи ҳам бор. Бошқа одамнинг суратини кўрсатиб, тамоман ўзга кишини никоҳламоқчи бўлганлар ҳам топилди. Шунинг учун оила қурмоқчи бўлган икки тараф никоҳдан аввал бир-бирини кўришгани маъқул.

Лекин бу кўпчилик орасида кенг тарқалган «Оила қурмоқчи бўлган ёшлар бир-икки йил синашиб, кейин никоҳдан ўтишлари керак», деган гапларни тасдиқлаш эмас. Мазкур «синаш» даври қанчалик узоқ давом этмасин, ҳар икки томон ҳам мақсаддаги синовга эриша олмаслигини тажриба исбот қилмоқда.

Синашиб турмуш қурганларнинг оиласи тезроқ ва кўпроқ бузилишини ҳамма кўриб, билиб турибди. Чунки ҳар икки тараф ҳам «синаш» даврида ўз камчиликларини беркитишга, ўзида йўқ фазийлатларни ҳам бор қилиб кўрсатишга жон-жаҳди билан уринади. Оқибатда икки томон ҳам бир-бирини алдайди, бир-бирига «фаришта» бўлиб кўринади. Лекин қалбакилик умр бўйи давом этиши мумкин эмас. Никоҳдан кейин икки томон ҳам тезда ўзининг ҳақиқий башарасини очади. Сўнгра келишмовчиликлар



чиқади ва оила бузилади. Фақат «синаш» давридаги ҳаром-хариш юриш, гуноҳ, баъзи ҳолларда зино, зинодан ортган фарзанд қолади, холос.

Шунинг учун ҳам Исломда бу ишга рухсат берилмайди. Сўраб-суриштирсин, шариат белгилаб берган доирада кўриб, ўргансин, шунинг ўзи етарли бўлади. Бу масалага Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари қизиқтирганлар, тавсия қилганлар. Шунинг учун ҳам барча ҳадис китобларимизда ва кўпгина фикҳ китобларимизда совчилик пайтида бир-бирини кўриш ҳақида алоҳида боблар бор.

Албатта, бу вазиятда фақат кўриш ҳақида гап кетмайди. Балки бутунги кун таъбири билан айтадиган бўлсак, совчилик пайтида куёвликка ва келинликка номзод шахсларнинг ҳуқуқ ва одоблари ҳақида сўз боради.

### 1. Куёвликка номзоднинг ҳуқуқ ва одоблари.

Совчилик никоҳ эмас, шунинг учун ҳам совчилик қилаётган, куёвликка номзод шахс келинликка номзодга нисбатан бегона ва номаҳрам сифатида қолади. Бу пайтда ушбу ҳолатни зинҳор унутмаслик зарур.

Ушбу муҳим омилни ҳисобга олган ҳолда, куёвликка номзоднинг ҳуқуқ ва одоблари қуйидагилардан иборат:

1. Куёвликка номзод келинликка номзод билан учрашиб, унга назар солишга ҳақли.

قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: كُنْتُ عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَتَاهُ رَجُلٌ فَأَخْبَرَهُ أَنَّهُ تَزَوَّجَ امْرَأَةً مِنَ الْأَنْصَارِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَنْظَرْتِ إِلَيْهَا؟ قَالَ: لَا، قَالَ: فَادْهَبِ فَانظُرِي إِلَيْهَا، فَإِنَّ فِي أَعْيُنِ الْأَنْصَارِ شَيْئًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ.

«Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдим. Бир киши у зотнинг олдиларига келиб, ансорийлардан бир аёлга уйланмоқчи эканлигини хабар қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Унга назар солдингми?» дедилар.

«Йўқ», деди у.



**«Бор! Унга назар сол! Ансорийларнинг кўзлари-да бир нарсаси бўлади», дедилар», деди».**

*Муслим ва Насаий ривоят қилганлар.*

Бу ҳадисда уйланмоқчи бўлган одам ўзининг бўлажак умр йўлдошига назар солиши, ҳатто кўзидаги фарқни англаши ҳам жоизлиги баён қилинмоқда ҳамда уйланувчига шунга ўхшаш маслаҳатлар бериш жоизлиги билинмоқда.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا خَطَبَ أَحَدُكُمْ الْمَرْأَةَ فَإِنَّهُ اسْتَطَاعَ أَنْ يَنْظُرَ إِلَى مَا يَدْعُوهُ إِلَى نِكَاحِهَا فَلْيَفْعَلْ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالشَّافِعِيُّ وَالْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ.

*Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Бирортангиз бирор аёлга совчи қўймоқчи бўлса-ю, уни (ўша аёлнинг) никоҳига чорловчи нарсага назар солишга қодир бўлса, шуни қилсин», дедилар».**

*Абу Довуд, Шофеъий ва Ҳоким ривоят қилганлар. Ҳоким саҳиҳ, деган.*

Демак, уйланишдан олдин ўзининг бўлажак умр йўлдошига назар солиш жоиз экан.

Бошқа ҳадисларда саҳобаларнинг ўзлари уйланмоқчи бўлган қизларга суннатта амал қилган ҳолда қандай назар солганликлари, уни ёқтириб, сўнгра уйланганликлари ҳақида сўз кетган.

عَنْ الْمُغِيرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ خَطَبَ امْرَأَةً، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: انْظُرْ إِلَيْهَا، فَإِنَّهُ أُخْرَى أَنْ يُؤَدَمَ بَيْنَكُمَا. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ وَحَسَنُهُ.

*Муғийра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«У киши бир аёлга совчи қўймоқчи бўлганида Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Унга назар сол, чунки бу орангизни бардавом қилиш учун керакдир», дедилар».**

*Насаий ва Термизий ривоят қилганлар. Термизий ҳасан, деган.*

Демак, шариатда бўлажак умр йўлдошига назар солишга ижозат беришнинг ҳикмати бир-бирини

ёқтириб, муносиб кўрса, кўнгли тортса, кейин турмуш қуришга ўтиши учундир. Лекин бундай шаклдаги назар солишнинг, бир-бирини кўришнинг ҳам ўзига яраша одоблари бор.

Аввало, мазкур кўриш унаштирилишдан аввал бўлади. Шунинг учун бу ишда жуда ҳам эҳтиёт бўлиш зарур. Кўриш оқибатида турли-туман гап-сўзлар тарқалмаслиги керак. Ҳатто бир-бирини ўзига мос эмас деб топилганда ҳам, ёқмай қолган тарафнинг шаънига тегадиган гап-сўзлар тарқаб, хафа қиладиган иш бўлмаслиги лозим. Ушбу кўришдан кейин маъқул топилса, унаштирилиши, бўлмаса, гап-сўзсиз қолавериши керак.

Иккинчидан, мазкур кўришиш, танишишнинг баъзи нозик тарафлари вакил воситасида ёки шахсий иштирок билан бўлиши мумкин.

Имом Аҳмад, Табароний, Ҳоким ва Байҳақийлар ҳазрати Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар ҳадисда айтиладики:

«Набий алайҳиссалом Умму Сулаймни ўзлари учун бир аёлни кўриб келишга юборганлар ва:

«Товони устидаги пайига қара ва бўйнини икки томонидан ҳидлаб кўр», — деганлар. Бу каби нарсаларни, албатта, аёл киши қила олиши мумкин, холос.

Шунингдек, келинликка номзод куёвни кўриш, уни яқинроқдан таниш учун ўз вакилини юбориши мумкин.

Оила қуриш ниятидаги кишилар бевосита бир-бирлари билан кўришишлари шариат ҳукмига биноан ўтиши керак. Ўзлари хилватда ёлғиз қолишлари мумкин эмас. Маҳрамлардан бирор киши улар билан бирга бўлиши шарт. Йигит қизнинг юзига, икки қўлига назар солса, бўлади. Ҳанафий мазҳабида: «қадамига ҳам», дейилган. Юз жамолнинг ойнаси, ундан кишининг чиройи ҳақида тўлиқ хулоса чиқариб олиш мумкин. Қўлдан эса, баданнинг бошқа қисмлари ҳақида, мисол учун, ориқ-семизлик каби ҳолатлар тўғрисида хулоса чиқариб олинади. Ҳаракати, юриш-туриши, қад-қомати ҳақида шундай ҳам тасаввур олса бўлаверади.

2. Куёвликка номзод келинликка номзод билан мулоқот қилиб, суҳбатлашишга ҳақли. Албатта, маз-



кур мулоқот ва суҳбат давомида Исломиё одоб ва ҳаё қоидаларига риоя қилиниши шарт.

3. Куёвликка номзод келинликка номзод билан уч-рашганда совға беришга ҳақли.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: تَهَادَوْا فَإِنَّ الْهَدِيَّةَ تُذْهِبُ وَحَرَ الصَّدْرِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ўзаро ҳадя беринглар, чунки ҳадя кўнгилдаги ғашликни кетказади», – дедилар».**

*Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар.*

Дарҳақиқат, ҳадя олди-бердиси кишилар орасидаги турли кўнгил ғашликларини кўтаради. Биров бошқа бир кишига кўнгилда ҳиқду ҳасади бўлмагандагина ҳадя беради. Ҳадя олган эса, агар кўнгилда баъзи бир нарсалар бўлса ҳам, чиқариб юборади. Бу ерда ҳадянинг катта қийматга эга бўлиши шарт эмас.

**2. Келинликка номзоднинг ҳуқуқ ва одоблари.**

Келинликка номзод шахснинг ҳам ўзига яраша ҳуқуқлари ва одоблари мавжуд.

1. Келинликка номзод шахс ўзини хушрўй кўрса-тиш учун зийнатланишга ҳақли.

Уламоларимиз бунга мисол қилиб, Субайҳа бинти Ҳорис розияллоҳу анҳонинг ҳадисини келтиришади. Унда «Қачонки нифосдан покланганда, совчилар учун зийнатланди» деган жумла бор. Бошқа бир ривоятда: «...сурма суртиб, ҳино қўйиб тайёрланди», дейилган.

2. Келинликка номзод шахс куёвликка номзодни кўришга ҳақли.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Муғийра розияллоҳу анҳунинг ҳадисидаги: **«Унга назар сол, чунки бундай қилиш иккинги орангизда бардавомликка керақдир»**, деганлари келинликка номзодга ҳам тегишли.

3. Келинликка номзод шахс куёвликка номзод билан суҳбатлашишга ҳақли. Бу – табиий ҳолат. Кўришгандан кейин, оила қуриш нияти бўлгандан кейин, ўртада суҳбат бўлиши турган гап.

4. Келинликка номзод шахс муайян эркакни ёқтириш ва унга никоҳланиш истагини билдиришга ҳақли.

قَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ وَلَدَتْ سُبَيْعَةَ الْأَسْلَمِيَّةَ بَعْدَ وَفَاةِ زَوْجِهَا بِنِصْفِ شَهْرٍ، فَحَطَبَهَا رَجُلَانِ أَحَدُهُمَا شَابٌّ وَالْآخَرُ كَهْلٌ، فَحَطَّتْ إِلَيَّ الشَّابُّ، فَقَالَ الشَّيْخُ: لَمْ تَحْلِي بَعْدُ، وَكَانَ أَهْلُهَا غَيْبًا وَرَجَا إِذَا جَاءَ أَهْلُهَا أَنْ يُؤْتِرُوهُ بِهَا، فَجَاءَتْ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَ: قَدْ حَلَلْتَ فَأَنْكِحِي مَنْ شِئْتَ. رَوَاهُ مَالِكٌ.

«Умму Салама айтадилар:

«Субайҳа Асламия эрининг вафотидан ярим ой ўтиб тугди. Унга икки киши совчи қўйди. Улардан бири ёш, бошқаси қари эди. У ёшига мойил бўлди. Чол:

«Ҳали ҳалол бўлганинг йўқ», – деди. Аёлнинг аҳли ғойиб эди. Чол аёлнинг аҳли келганда уни ўзига беришларидан умидвор бўлди. Аёл Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борди. Бас, у зот:

«Сен ҳалол бўлдинг. Кимни истасанг, ўшанга никоҳлан», – дедилар».

*Молик ривоят қилган.*

### 3. Икки тараф риоя қилиши лозим нарсалар.

Келинлик ва куёвликка номзодлар никоҳдан олдинги учрашув ва бошқа муносабатларда риоя қилишлари лозим бўлган нарсалар қуйидагилардан иборат:

1. Икковлари бир-бирларига номаҳрам эканликларини унутмасликлари зарур.

Чунки асли маҳрам бўлмаган икки жинсдаги шахснинг никоҳдан бошқа нарса маҳрам қила олмайди, жумладан, совчилик қилиш ва унаштириш ҳам.

2. Икковлари учрашмоқчи бўлсалар, фақат маҳрамларининг иштирокида учрашишлари шарт.

3. Икковлари учрашганда қўл бериб кўришишлари мутлақо мумкин эмас.

4. Никоҳдан олдин икковлари холи қолишлари мутлақо мумкин эмас.



## УНАШТИРИШ

Агар совчи қўйилган аёл ёки унинг валийси томонидан мазкур совчиликка розилик жавоби берилса, унаштирилган бўлади.

Унаштириш икки томондан оила қуриш учун берилган ваъдадир. Бу нарса ҳам уйланиш, эр-хотин бўлиш эмас. Шунинг учун ҳам унаштирилган икки киши бир-бирига ажнабий — бегона ҳолида турадилар. Улар «унаштириб қўйилдик», дсб хилватда ёлғиз қолишлари, бир-бирлари билан эр-хотиндек муомалада бўлишлари мутлақо мумкин эмас, фақат никоҳ ақдидан кейингина эр-хотин бўладилар.

Унаштирилгандан кейин тўй қилиб, оила қуриш энг марғуб ишдир. Унаштирилгандан сўнг ажрашиш яхши эмас. Лекин узрли сабабларга кўра ажрашишса, жоиз.

Унаштирилиш фақат ваъдадан иборат бўлганлиги учун, ундан кейин ажрашиш оқибатида ҳеч қандай мажбуриятлар собит бўлмайди.

Агар бу орада ҳадя олди-бердиси бўлган бўлса, айниган томон зарарига бўлади. Мисол учун, эркак айниган бўлса, берганини қайтариб олишга ҳаққи бўлмайди. Агар аёл киши айниган бўлса, ҳадяни эркак тарафга қайтариб бергани яхши.

Ушбу ишларнинг барчаси ўзаро ҳурмат ва Исломиё одоб асосида олиб борилиши лозим. Насиб бўлмай, оила қуришга иттифоқ қилинмай, совчилик ёки унаштиришдан кейин ажралиш рўй берадиган бўлса ҳам, бир-бирларининг обрўларини тўкмай, яхшилиқ билан ажралишлари зарур.

## ҲАР КИМ ЁЗ ИСТАГИ БИЛАН НИКОҲЛАНАДИ

Совчилик ота-оналар ёки ишбошилар томонидан амалга оширилиши ва уларга жавоб бериш ҳам шу тариқа бўлиши мусулмон халқларнинг оммавий одатларидан бўлиб қолган, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ҳаттоки, мусулмон бўлмаган қавмлар ёки динимиз ҳақида тузукроқ маълумотга эга бўлмаган, «мусулмонман», деб юрган баъзи кимсалар: «Мусулмончиликда умр йўлдошини танлашда ёшларнинг ўзларининг хоҳиши эътиборга олинмаса ҳам, бўлаверади», деган тушунчада бўлишлари ҳам мумкин. Аммо шариатда ундай эмас. Ислолда ҳар бир шахс ўз эрки, ҳуррияти ва истак-хоҳиши билан оила қуриши кераклиги алоҳида таъкидланади.

Бу борада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир қанча ҳадиси шарифлари келган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا تُنْكَحُ الْأَيِّمَ حَتَّى تُسْتَأْمَرَ وَلَا تُنْكَحُ الْبِكْرَ حَتَّى تُسْتَأْذَنَ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَكَيْفَ إِذْنُهَا؟ قَالَ: أَنْ تَسْكُتَ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ. وَفِي رِوَايَةٍ: الثَّيْبُ أَحَقُّ بِفَسْهَاهَا مِنْ وَلِيِّهَا، وَالْبِكْرُ تُسْتَأْمَرُ وَإِذْنُهَا سُكُوتُهَا.

Тасвир сити



*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Маслаҳат сўралмагунча, жувон никоҳланмас.**

**Изн олинмагунча, бокира никоҳланмас», дедилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, унинг изни қандай бўлади?» дейишди.**

**«Сукут сақламоғи», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

*Бошқа бир ривоятда:*

**«Жувон ўз нафсига валийсидан ҳақлироқдир.**

**Бокирадан эса изн сўралади. Унинг изни – сукутидир», дейилган.**

Бу ҳадиси шарифда никоҳ масаласида қиз ва аёлларнинг розилиги шарт экани, совчи келганида, эркак-

лар, яъни оталар, акалар ва бошқалар ўзларича жавоб бериб юбормасдан, улар билан маслаҳат қилиб, розиликларини олишлари кераклиги баён қилинмоқда.

Замон бузилиб, ишлар тескарисига айланмай туриб, нафақат мусулмонларда, балки дунёнинг барча халқларида ҳам бир қизга совчилик қилиш оила бошлиғи бўлмиш отага гап очиш, ундан розилик сўраш билан бўлган. Оддий инсоний одоб-ахлоқ, халқларнинг урф-одатлари шуни тақозо қилган ва қилади ҳам.

Ислом оталарга ёки уларнинг ўрнига қолган валийларга қизнинг ўзидан розилик сўрашни тавсия қилади. Чунки ҳолатнинг ўзи шуни тақозо қилади. Бир одамни ўзининг изнисиз, хабарисиз, розилигисиз эрга бериб юбориш тўғри эмас.

Агар эрга тегиши ҳақида сўз кетаётган кимса эрдан ажраган жувон бўлса, у ўз розилигини очиқ-ойдин айтиши шарт. Чунки у оила кўрган, эркак киши билан муносабатда бўлган, никоҳ масалаларида тажрибага эга, бундай гапларни гаплашиб юрган. Энди очиқ маслаҳатлашишдан уялмайди.

Маслаҳат қиз боланинг турмушга чиқиши ҳақида бўлаётган бўлса, бир оз бошқача йўл тутилади. Агар у очиқ жавоб берса, ўзининг иши. Унинг ўша жавобига қараб иш қилинади. Аммо индамаса, сукути розилик аломати бўлади.

Муслима қизлар одоб-ахлоқ, ҳаё, эҳтиром доирасида тарбия топганликлари туфайли уялиб, отаси ёки бошқа яқинлари билан ўз никоҳи тўғрисида гаплашишга уялиб, индамайдилар. Шунинг учун қиз боланинг уялиб, индамагани унинг бу никоҳга розилиги ҳисобланади.

Лекин индамаслигига норозилик аломатлари қўшилса, бундай сукутни розилик деб бўлмайди. Бундай ҳолларда оналарни ишга солиш яхшироқ бўлади. Зотан, жорий одатлар ҳам шунга айланиб қолган.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аёлларни қизлари ҳақидаги ишга таклиф қилинлар», — деганлар.



عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: تُسْتَأْمَرُ الْيَتِيمَةُ فِي نَفْسِهَا، فَإِنْ سَكَتَتْ فَهُوَ إِذْنُهَا، وَإِنْ أَبَتْ فَلَا جَوَازَ عَلَيْهَا. رَوَاهُ أَصْحَابُ الشُّنَنِ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Етим қиздан ўзи ҳақида изн сўралади. Агар сукут сақласа, ўша унинг изнидир. Агар бош тортса, уни мажбурлаш йўқ», – дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Етим қизлар деганда отаси ва валий бўладиган қариндошлари йўқлиги туфайли бошқа бир одамнинг тарбиясида ўсган қизлар тушунилади. Одатда, бундай қизларни ўзларидан сўраб-сўрамай эрга бериб юбориш ҳеч гап бўлмай қолган. Аммо хоҳ етим бўлсин, хоҳ етим бўлмасин, қизларни мажбур қилиб эрга бериш шариатга мутлақо хилоф эканини мана шу ривоятдан кўриб турибмиз. Бундай қилиш катта зулм ҳисобланади.

Ислом ҳукмларидан беҳабар кишилар Аллоҳ таоло томонидан қизларга берилган бу ҳақни поймол қилиб келганлар. Улар қизларнинг розилигини сўрамай, норози бўлсалар, уриб-сўкиб эрга берганлар. Бу эса, доимо Ислом душманлари томонидан динимизга таъна тошлари отилишига сабаб бўлиб келган. «Мусулмонман» деб юрганларнинг ношаръий ишлари ўзларига гуноҳ бўлиши билан бирга, динимиз душманлари тегирмони-га сув қуйишини шундан билиб олсак ҳам бўлади.



## НИКОҲГА МАЖБУРЛАШ ЙЎҚ

Совчилик ишлари, юқорида зикр қилинганидек, доимо энгил кўчавермайди. Баъзи ҳолатларда бир оиланинг ўзининг ичида ҳам фикр ва рағбатлар тўқнашиб қолиши рўй беради. Гоҳида ота-онага ёққан келин куёв бўлмиш фарзандга ёқмай қолиши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Бугунги кунимиз воқеълигида бу муаммони тез-тез учратиб турибмиз.

Ўзимизга интернет тармоғи орқали келган саволлардан бирини эътиборингизга ҳавола қилишга ижозат бергайсиз:

«Бир киши қизини дўстининг ўрлига беришни аҳд қилган. Қиз мўмина бўлиб, бир солиҳ йигит билан турмуш қурмоқчи экан. Ота қизнинг кўнглига қарамай: «Дўстимнинг ўрлига тегмасанг, сени оққ қиламан», — деди. Шундай вақтда отага қулоқ солиши керакми? Отанинг оққ қилиши тўғрими ёки нотўғрими?»

Бунга ўхшаш савол ва ҳодисалар оз эмас.

Бошқа муаммолар қатори, бу муаммони ҳам динимиз таълимотлари асосида ҳал қилишимиз керак бўлади. Бунинг учун эса, динимизнинг бу борадаги таълимотларини қунт билан ўрганишимиз ва уларга ихлос билан амал қилишимиз лозим бўлади.

عَنْ خَنَسَاءَ بِنْتِ خِدَامِ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ أَبَاهَا زَوَّجَهَا وَهِيَ تَيْبٌ فَكْرِهَتْ ذَلِكَ، فَأَتَتْ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فَرَدَّ نِكَاحَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

*Хонса бинту Хидом ал-Ансория розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Отаси у кишини сўрамай, жувон ҳолида эрга берди. Бу унга ёқмай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди. Бас, у зот унинг никоҳини бекор қилдилар».

*Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

Демак, жувон аёлни ўзидан сўрамай ёки мажбур қилиб бировнинг никоҳига бериб бўлмайди. Ислом

дини бундай вақтда ўша аёлга қозига арз қилиш ҳуқуқини беради. Арз қилинган чоғида эса, қози ундай никоҳни бузиш ҳақида ҳукм чиқаради. Изн сўрамай никоҳланган чоғда иш аёлнинг розилигига боғлиқ бўлиб қолади. У: «Розиман», деса, никоҳ никоҳ бўлади, бўлмаса, бузилади.

وَجَاءَتْ جَارِيَةٌ بِكُرٍّ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَذَكَرَتْ أَنَّ أَبَاهَا زَوَّجَهَا وَهِيَ كَارِهَةٌ فَخَبَّرَهَا النَّبِيُّ ﷺ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

**«Бир бокира қиз Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, отаси уни ёқтирмаса ҳам эрга берганини зикр қилди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ихтиёрни унинг ўзига бердилар».**

*Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

Бундай ҳолатда ўша қиз никоҳда қолишни ирода қилса, никоҳ ақди кучга киради, бўлмаса, йўқ.

Бу иш Исломда аёл-қизларнинг эрки, ҳақ-ҳуқуқлари қанчалик риоя қилинишини кўрсатади. Зотан, шу ҳукмдан бошқаси тўғри ҳам эмас. Чунки никоҳ – умр савдоси, кўнгил масаласи. Кўнгилга ёқмаган одам билан бир ёстиққа бош қўйиб, умр бўйи яшаш осон бўлибдими? Одатда, эркаклар аввал ўзлари рози, талабгор бўлиб совчи қўйганлари учун уларнинг розилиги ҳақида ривоятлар келмаган. Розилик ҳақида, асосан, аёл-қизлар ҳақидаги ривоятлар келган. Бу ҳаёт тақозосидир.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ فِتَاءً دَخَلَتْ عَلَيْهَا فَقَالَتْ إِنَّ أَبِي زَوَّجَنِي ابْنَ أَخِيهِ لِيَرْفَعَ بِي حَسَبِيَّتَهُ وَأَنَا كَارِهَةٌ، قَالَتْ اجْلِسِي حَتَّى يَأْتِيَ النَّبِيُّ ﷺ، فَجَاءَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَأَخْبَرْتُهُ، فَأَرْسَلَ إِلَيَّ أَبِيهَا فَدَعَاؤُهُ فَجَعَلَ الْأَمْرَ إِلَيْهَا، فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ قَدْ أَجَزْتُ مَا صَنَعَ أَبِي وَلَكِنْ أَرَدْتُ أَنْ أُعَلِّمَ النِّسَاءَ أَنْ لَيْسَ لِلْأَبَاءِ مِنَ الْأَمْرِ شَيْءٌ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Бир қиз у кишининг олдига келиб:**



«Отам мени ўз укасининг ўвлига турмушга берди. Бу билан пастлигини кўтармоқчи. Мен буни хуш кўрмайман», – деди. У киши:

«То Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келгунларича ўтириб тур», – дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келганларидан кейин хабар бердилар. У зот унинг отасига одам юбориб, чақиртириб келдилар. Сўнгра ихтиёрни қизга бердилар. Шунда у:

«Ё Расулаллоҳ, отам қилган нарсани жоиз қилдим. Лекин аёлларга бу ишда оталарга ҳеч нарса йўқлигини билдириб қўйишни ирода қилган эдим», – деди».

*Насайй ривоят қилган.*

Демак, ўзларига турмуш ўртоғи танлашда қизларимизнинг ҳақлари бор экан. Уларнинг розилигини сўрашда эса ишбошилар – қизнинг отаси, ака-укаси ёки амаки-тоғаси бўладими, ким бўлса ҳам, албатта, мажбур қилмасдан, ниҳоятда одоб-ахлоқ билан муомала қилишлари керак бўлади. Бу иш ҳадисда келган нарса бўлиб, шариатимизнинг қонунидир! Бизда эса, афсуски, шариатнинг ҳукми бир четда қолиб, одамлар ўзича чиқариб олган урф-одатлар, бидъат-хурфотлар ҳукм сурадиган бўлиб қолган.

Бу борада барча ота-оналар ва ишбошилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрнак олишлари зарур. Келинг, бунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қизларига бу борада қандай муомала қилганларини ўрганайлик.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا أَرَادَ أَنْ يُزَوِّجَ شَيْئًا مِنْ بَنَاتِهِ جَلَسَ إِلَى خِدْرِهَا، فَقَالَ: إِنَّ فُلَانًا يَذْكُرُ فُلَانَةَ، يُسَمِّيهَا وَيُسَمِّي الرَّجُلَ الَّذِي ذَكَرَهَا فَإِنْ هِيَ سَكَتَتْ زَوَّجَهَا، وَإِنْ هِيَ كَرِهَتْ نَقَرَتِ السُّنَّ، فَإِذَا نَقَرْتَهُ لَمْ يُزَوِّجْهَا. رَوَاهُ أَحْمَدُ بْنُ حَنْبَلٍ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон қизларидан бирортасини узатмоқи бўлсалар,

унинг пардаси олдига ўтириб, «Фалончи Фалонани зикр қилмоқда», деб, унинг ҳам, уни зикр қилган эркакнинг ҳам исмини айтар эдилар. Агар у сукут сақласа, никоҳлар эдилар. Агар у қиз ёқтирмаса, пардани чертар эди. Қачон қиз пардани чертса, уни никоҳламас эдилар».

*Аҳмад ривоят қилган.*

Оламларнинг сарвари, Роббул олабийнинг Расули бўлган зотнинг ўз қизлари билан никоҳ, оила қуриш борасида қилган муомалаларига назар солинг. Қандай юксак одоб! Қандай олий маданият! Қизларнинг одобини, ахлоқини кўринг!

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: حَاءَ رَجُلٍ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، عِنْدَنَا يَتِيمَةٌ قَدْ حَطَبَهَا رَجُلَانِ مُوسِرٌ وَمُعْسِرٌ، هِيَ تَهْوَى الْمُعْسِرَ وَنَحْنُ نَهْوَى الْمُوسِرَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: لَمْ يَرِ لِلْمُتَحَائِنِ مِثْلُ النِّكَاحِ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

*Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб:

«Ё Расулаллоҳ! Бизнинг бир етим қизимизга икки киши – бир бой ва бир камбағал совчилик қилди. У камбағални истаяпти, биз бойни истаяпмиз», – деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Севишганлар учун никоҳга ўхшагани кўрилмаган», – дедилар».

*Ибн Можа ривоят қилган.*

Бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам етим қизнинг кўнглига қанчалик эътибор берганларига қаранг! Ким бўлишидан қатъи назар, инсоннинг кўнгли бор. Унинг риоясини қилиш керак.

Аммо, ушбу ўта муҳим масаланинг иккинчи тарафи ҳам бор. Бунда болаларнинг ота-оналарига қарши чиқишлари ноқулай ҳолатга сабаб бўлади.

## НИКОҲДА ИШБОШИЛАРНИНГ РОЗИЛИГИ

Ҳозирги пайтда ёш йигит-қизлар ўзлари топишиб олган шахс билан оила қуришни мода қилиб олишга ҳаракат қилишлари кўпайиб бораётганлиги маълум. Бу маънода оилаларда келишмовчиликлар чиқаётганлиги ҳам сир эмас. Ўғил-қизларини оққ қилганлар ёки қилмоқчи бўлаётганлар ҳам оз эмас.

Ота-она болани туғиб, боққан, ювиб-тараган, тарбия қилиб, ўстирган, тунларни бедор ўтказган, турли машаққатларни чеккан. Бу ишларнинг ҳаммаси катта бўлганда ундан яхшилик кўриш ниятида қилинган. Аммо бола катта бўлиб, вояга етиши билан бировни ёқтириб қолиб, у билан оила қурмоқчи бўлмоқда ва ўзининг ушбу иши билан ота-онасининг иродасига қарши чиқмоқда, улар билан жанжал қилмоқда, уларнинг «оққ қиламан», деган гапига ҳам эътибор бермоқчи эмас.

Ўз-ўзидан, «Бундай вазиятда шариатнинг ҳукми қандай бўлади?» деган савол пайдо бўлади. Бу саволга жавоб ахтариб динимиз таълимотлари баён этилган асосий манбаъларга қараймиз.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أَيُّمَا امْرَأَةٍ نَكَحْتَ بِغَيْرِ إِذْنِ مَوْلَاهَا فَنِكَاحُهَا بَاطِلٌ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، فَإِنْ دَخَلَ بِهَا فَالْمَهْرُ لَهَا بِمَا أَصَابَ مِنْهَا، فَإِنْ تَشَاجَرُوا فَالسُّلْطَانُ وَلِيُّ مَنْ لَا وَلِيَّ لَهُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қайси аёл ўз валийларининг изнисиз никоҳланса, бас, никоҳи ботилдир», деб уч марта айтдилар. Ва:

«Агар (эр) у билан қовушса, у(аёл)дан ҳузурланганлиги учун унга маҳр (беради). Агар тортишиб қолсалар, валийси йўқнинг валийси султондир», дедилар».

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.*

Уламолар жумҳури ушбу ҳадисни дастак қилиб: «Валийсиз ва унинг розилигисиз никоҳ жоиз эмас», — дейдилар. Бунга қўшимча равишда яна бир неча оят ва ҳадисларни ҳам далил қилиб келтирадилар.

Ҳанафий мазҳаби уламолари эса: «Никоҳнинг тўғри бўлишига валийнинг иштироки шарт эмас», — дейдилар. Улар ҳам учта оят ва бир нечта ҳадисларни далил қилиб келтирадилар. Ушбу ҳадисни эса, комил никоҳ ҳақида, дейдилар. Яъни валий иштирок этмаса, комил никоҳ бўлмайди, деганидир, дейишади.

Ҳанафий уламолар ўз ижтиҳодларини қувватлаш учун нақдий далилдан ташқари, ақлий далил ҳам келтирадилар. «Шариат — дейишади улар — балоғатга етган қиз болага ўз молу мулкида ўз ихтиёри билан тасарруф қилиш ҳаққини берган, нафс унинг учун молдан кўра яқинроқ ва азизроқ. Қандай қилиб аёл киши ўз нафсида ўз ҳолича тасарруф қила олмайди?!»

Лекин бу тортишув кўпроқ уламолар орасидаги назарий тортишувлар доирасидан нарига ўтмайди. Амалда эса, валий ҳамма жойда бор. Ҳанафийлар ҳам валий кимлигини, уни ихтиёр қилиш қандай бўлишини ва ҳоказо масалаларни батафсил баён қиладилар.

Валий, кўпинча, ота бўлишини, ота йўқлигида униинг ўрнини босувчи киши бўлишини эътиборга олсак, бу масала яна ҳам ойдинлашади.

Оила қураётган ёш йигит-қизлар ота-онасини, яқин қариндошларини норози қилиб, никоҳдан ўтишларини ҳеч ким маъқулламайди. Чунки ота-она, яқин қариндошлар ўз боласига, яқинига ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайдилар. Улар никоҳ, оила, эрхотинлик масаласида катта билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлганликлари учун, ўз фарзандлари ва яқин кишиларига маслаҳат бериш, яхши йўл кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Ёш йигит-қизлар эса, бошқа турли ишлар каби, никоҳ масаласида ҳам билим ва тажрибалари кам бўлади. Шунинг учун ҳам ота-оналари, яқин қариндошларининг насиҳатларига амал қилишлари лозим бўлади. Ҳамма уламоларимизнинг насиҳатлари — шу.



Валийсиз никоҳ бўлмайди, деган ҳукмга амал қилинганда, мабодо шу хилда никоҳ бўлиб, эр аёл билан қовушмай туриб никоҳлари бузилса, ҳеч гап йўқ. Аммо, қовушиб қолган бўлсалар, никоҳи бузилган тақдирда ҳам, эр қовушганлиги сабабли аёлга маҳр беради.

Никоҳ валийсиз бўлмайди, деган ҳукмга амал қилинган чорда насабий валийлар топилмаса, султон – ҳоким валий бўлади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا نِكَاحَ إِلَّا بِوَلِيِّ.  
رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَلَفْظُهُمَا: لَا نِكَاحَ إِلَّا  
بِوَلِيِّ وَشَاهِدَيْ عَدْلٍ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Валийсиз никоҳ йўқдир», – дедилар».**

*Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ва Байҳақий ривоят қилганлар.*

*Аҳмад ва Байҳақийнинг лафзига:*

**«Валийсиз ва икки одил гувоҳсиз никоҳ йўқдир», – дейилган.**





## МУАММОНИНГ ЕЧИМИ

Оила қуриш чоғида умр йўлдошини танлаш борасида ота-оналар ва болалар, валий — ишбошилар ва муваллолар — уларнинг қўл остидагилар орасида содир бўладиган келишмовчиликларни ҳал этишнинг энг осон ва тўғри йўли, бошқа барча муаммолардаги каби, шариатни ҳакам қилишдир. Шариатимиз эса, бу масалада икки тарафнинг келишиб иш тутишини амр қилган.

Шариат ота-она ва уларнинг ўрнини босувчи ишбошиларга раҳбарлик ҳаққини бериш билан бирга, қўл остиларидаги ёш йигит-қизларнинг истаги, хоҳишини ҳисобга олишни, хусусан, қизларга нисбатан ўта меҳрибон бўлишни топширган. Улар ўзларининг ҳавойи нафсларига берилиб эмас, шариат таълимотлари асосида иш тутишлари лозим.

Шариат ёш йигит-қизларга умр йўлдошини танлаш ҳуқуқини бериш билан бирга, бу нозик ишда — уларга меҳрибон бўлганлари, ҳаётий тажрибалари мавжуд бўлганлиги учун ота-она ва уларнинг ўрнини босувчи ишбошилар билан маслаҳатлашиб иш тутишни топширган. Бас, ёшлар ҳам ўз ҳавойи нафсларига берилмасдан, шариат таълимотлари асосида иш тутишлари лозим.

Аллоҳ таолога шукрлар бўлсинким, мусулмон халқлар бу масалада қадимдан оқилона йўл тутиб келганлар. Бу нозик масалада бошқаларга ўрнак бўлганлар. Ота-оналар болаларини гўзал тарзда тарбиялаб вояга етказганлар. Болалар ота-оналарига итоатда, уларга яхшилик қилишда, уларнинг розилиklarини топишда ҳеч нарсани аямаганлар. Болалар вояга етиб, уларнинг никоҳланиб, оила қуришлари вақти келганда, икки тараф маслаҳат билан шариатимиз таълимотлари асосида иш тутганлар.

Афсуски, диний таълимотлардан узоқлашиш ва бошқалардан таъсирланиш оқибатида кейинги пайтларда бу масалада бир оз келишмовчиликлар пайдо бўлиб, кўпчиликни ташвишга солмоқда. Бу борада



турли муаммолар пайдо бўлиб, ота-оналарни ҳам, болаларни ҳам ўйлантириб, изтиробга солиб кўймоқда.

Бошқа муаммолар қатори, бу муаммони ҳам тўғри ҳал қилиш осон. Бунинг учун динимиз таълимотларини қунт билан ўрганиб, уларга ихлос билан амал қилишимиз керак бўлади. Аввал имкони бўлмаган бўлса, ҳозир бор.

Болаларни ёшлиқдан шу каби ишларга тайёрлаб бориш зарур. Улар ота-оналари ва катталар билан бўладиган муносабатларини эҳтиром ва эъзоз асосида, одоб-ахлоқ билан олиб боришга одатланишлари керак. Айниқса, оила қуриш ва умр йўлдошини танлаш каби нозик ҳамда умр савдоси бўлган ишларда ўзларининг билим ва тажрибалари камлигини ёшлар асло унутмасликлари лозим.

Ота-оналар ҳам болалари катта бўлиб қолганлигини, уларнинг ҳам кўнгил хоҳишлари, ўзларига яраша орзу-истаклари борлигини ҳисобга олишлари керак.

Гапнинг хулосасини айтадиган бўлсак, икки тараф ҳам инсоф билан, шариат таълимотларини ораларида ҳакам қилган ҳолда иш тутсалар, жуда ҳам яхши бўлади.

Мазкур шаръий таълимотларга амал қилган ҳолда совчилик, кўришиш, унаштириш, келишиш каби ишлар амалга оширилиб бўлгандан кейин никоҳланиш фурсати етади.



## НИКОҲЛАНИШ

«Никоҳ» сўзи, аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, луғатда «қўшилиш», «жамланиш», «яқинлашиш» маъноларини англатади.

Шариатда эса: **«Никоҳ баҳраланиш эғалигини ҳосил қилувчи боғланишдир».**

Бошқа фикҳий мазҳаблар таърифида: «Никоҳ эрхотин орасида шаръий йўл билан ҳузурланиш ҳалоллигини ифода қилувчи ва ўша ҳузурланишни мубоҳ қилувчи ақддир».

Шайх Муҳаммад Абу Заҳра қуйидаги таърифни ихтиёр қилган:

«Никоҳ эркак ва аёл орасидаги яқинликни, иккисининг ўзаро ҳамкорлигини ифода қилувчи ҳамда иккисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини чегараловчи ақддир».

Никоҳнинг шариатга киритилиши ҳикматлари:

1. Никоҳдаги шахс ва унинг жуфти ҳалолнинг ҳаромдан сақланиши.

2. Инсон сулоласини инқирозга учраб йўқ бўлиб кетишдан ҳимоя қилиш.

3. Наслу насабнинг боқий қолиши ва муҳофаза қилиниши.

4. Жамият қуришнинг асоси бўлган оилани барпо қилиш.

5. Оила ва жамият аъзолари орасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва уларни ривожлантириш.

Аллоҳ таоло инсонни табиатан жамоатчиликда яшашга мойил қилиб яратган. Инсон зоти бу дунёда яшар экан, унинг ўзига ўхшаш инсонлар билан алоқа қилишга ҳожати тушади ва бусиз яшаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам турли инсоний алоқалар мавжуд ва уларсиз дунё ҳаёти обод бўлмайди.

Аммо барча инсоний алоқалар ичида энг муқаддаси никоҳ алоқасидир. Барча инсоний алоқалар ўз-ўзидаи ўрнатилиб ва юритилиб кетаверса ҳам, никоҳ алоқаси алоҳида эътиборга сазовордир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таолонинг охирги ва мукамал дини, Қиёматгача



боқий қолувчи дини, барча замонлар ва маконларда инсониятга икки дунё саодат йўлини кўрсатиб берувчи дини — Ислом никоҳ алоқасини инсоний алоқалар ичида энг эътиборли ва энг муқаддас алоқага айлантирган. Бу алоқа, Ислом таълимотига биноан, Аллоҳ таолонинг амри билан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари билан ва мўмин-мусулмонларнинг гувоҳлиги билан қуриладиган алоқага айлантирилган. Никоҳ алоқаси ҳақида Қуръони Каримда оятлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида кўплаб таълимотлар ҳамда Ислом фикҳида қатор ҳукмлар келган.

Мазкур муқаддас алоқанинг моҳиятини, негизини ва асосини ушбу бобда зикри келаётган «никоҳланиш», бизнинг урфимизда «никоҳ ўқитиш» деб аталадиган маросим ташкил этади. Баъзи одамларнинг билимсизлиги ва бепарволиги оқибатида айнан оила қуришнинг жавҳари бўлган мана шу ишни унутиб қўядиганлар ҳам йўқ эмас.

Бундан бир неча йил аввал икки-уч киши муҳим саволлари борлигини айтиб, олдимга келишди. Кириб, бир яқинлари ўғлини уйлантираётгани, ҳамма нарса тайёр бўлганида бола: «Никоҳ ўқилмаса бўлмайди» деб туриб олганини, ота-онаси эса: «Эскича никоҳнинг нима кераги бор?» дегани ва орада келишмовчилик чиққанини айтиб, улардан қай бирлари ҳақ эканини сўрашди.

Кейинроқ, китобларимиз чоп этилиб, кишиларимиз динимизни ўрганишга уриниб турган пайтларда эса бир неча зиёратчилар ўзлари оила қурган пайтларида «никоҳ ўқитишмагани», энди нима қилишни билмай, ҳайрон эканликларини айтишди.

Минг афсуслар бўлсинким, ҳозиргача мусулмонлар орасида никоҳнинг асли бўлган, оиланинг пойдевори бўлган, ҳаромни ҳалол қиладиган, бошқалар учун шунчаки одат бўлган эр-хотинлик алоқасини ибодат даражасига кўтарадиган асосий омил бўлмиш никоҳ ақдига унчалик аҳамият бермайдиган, унга «эскича одат» деб қарайдиганлар бор.

Бу ўта нохуш ҳолатга чек қўйишимиз керак. Айнан шаръий никоҳ саодат манбаъи эканини англаб етишимиз ва уни қадрлай билишимиз лозим. Шариатнинг ҳар бир мусулмон учун фарз бўлган ушбу ҳукмини яхшилаб ўрганишимиз зарур.

Келинг, бизда «никоҳ ўқитиш» дейиш одат тусига айланиб қолган «ақди никоҳ»нинг шариатдаги ҳукмларини диққат билан ўрганиб чиқайлик.

## **Шаръий никоҳнинг тўғри бўлиши шартлари:**

### **1. Ийжоб ва қабул.**

#### **Никоҳ тугуни ийжоб ва қабул ила боғланади.**

Яъни эр-хотинлик алоқаси никоҳланмоқчи бўлган икки тарафдан бирининг никоҳланиш раъбатини билдириши ва иккинчисининг ўша раъбатни қабул қилиши ила юзага чиқади.

«Ийжоб» — ақди никоҳда иштирок этадиган икки томоннинг биридан шу масалада раъбат содир бўлганини англатадиган нарса, «қабул» эса, иккинчи томондан ана шу раъбатни қабул қилганини билдириш учун содир бўлган нарсадир.

Бизнинг воқеълигимизда никоҳ ўқиётган домла келиндан «Фалончига турмушга чиқишга розимисиз?» деб сўраганда келиннинг «Ҳа» ёки «Розиман» дейиши ийжоб бўлади. Домла куёвдан «Фалончини жуфти ҳалолликка қабул қилдингизми?» деб сўраганда куёвнинг «Қабул қилдим» дейиши «қабул» бўлади.

Шунингдек, бир эркак аёл кишига: «Менга хотин бўлишга розимисан?» деса, бу «ийжоб» бўлади. Аёл унга «Розиман», деб жавоб берса, бу «қабул» бўлади. Ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин.

Баъзи вақтларда валийлар ёки вакиллар орқали ҳам «ийжоб – қабул» бўлиши мумкин.

Ҳанафий мазҳабида фақат ийжоб ва қабулгина никоҳнинг рукни ҳисобланади.

Ийжоб ва қабул, яъни рози-ризоликни алоҳида ва жамоатчилик олдидан сўрашни жорий қилишда ёшларга ўз эрклари билан оила қураётганликларини яна бир бор намоён қилиш маъноси ҳам бордир. Агар

ичкарида одамларнинг хабарисиз қийин-қистов бўлаётган бўлса, яна бир имкон яратиб, очиғини эълон қилиш учун йигит ва қизга фурсат берилади.

## **2. Ийжоб ва қабулда ишлатилган иборалар абадийликни ифода қилиши шарт.**

Агар бу иборалар вақтинчаликни ифода қилса, никоҳ боғланмайди. Вақтини тайин қилиб «фалон ойга, фалон йилга никоҳландик» дейилса, никоҳ ботил бўлади. Шунинг учун ҳам муваққат никоҳ ва мутъа никоҳи ҳаром ҳисобланади.

Ийжоб ва қабулнинг лафзи «Никоҳланишга рози бўлдим ва никоҳландим» каби ўтган замон феъли ёки «Менга никоҳлан» деганда «Никоҳландим» дейиш каби буйруқ ва ўтган замон феъли ила ифода этилади.

Ёки бир тараф никоҳ рағбатини билдирганда иккинчи тараф «Қабул қилдим», деса ҳам, ийжоб-қабул собит бўлади.

Никоҳ ва уйланиш маънолари Қуръони Каримда келганлиги учун мазкур икки лафзни ишлатиш афзалдир. Одатда «никоҳ» ва «уйланиш» лафзларининг ишлатилиши ҳаммага маълум ва машҳур.

## **3. Келин-куёв бир-бирларининг ийжоб ва қабул ҳақидаги лафзларини эшитишлари шарт.**

Чунки овози эшитилмаган шахс ғойиб шахс билан баробардир.

Шунингдек, куёв-келиннинг ийжоб ва қабул ҳақидаги лафзларини ўша ерда ҳозир бўлган гувоҳлар ҳам эшитишлари шарт.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا نِكَاحَ إِلَّا بِوَلِيِّ  
وَشَاهِدَي عَدْلٍ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Валийсиз ва икки одил гувоҳсиз никоҳ йўқдир», – дедилар».**

*Аҳмад ва Байҳақий ривоят қилганлар.*

#### 4. Валий бўлиши.

Валийни Ҳанафий мазҳаби «никоҳнинг шартларидан бири» деса ҳам, бошқа мазҳаблар «никоҳнинг рукнларидан бири» деганлар. Шунга биноан, «валий» никоҳнинг тўғри бўлиши унга боғлиқ шахс бўлади.

Одатда, ота ёки унинг ўрнига қолган шахс валий бўлади. Валийлар тартиби, ота йўқ бўлса, бобо, туғишган ака-ука, ота бир ака-ука, она бир ака-ука, амаки бўлиб кетаверади.

Ҳанафий мазҳабида: «Одам ажратишни билмайдиган, алданиб қоладиган киши ҳам валий бўлмайди», — дейилган.

Валий никоҳда ўзининг ўрнига вакил тайин қилиши жоиздир.

#### 5. Икки адолатли гувоҳ.

Ийжоб ва қабулсиз никоҳ бўлмаганидек, камида икки эр киши ёки бир эр ва икки аёл киши гувоҳлигисиз ҳам никоҳ бўлмайди.

Янги қурилган оила жамиятнинг янги аъзоси бўлади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг вакиллари бўлмиш гувоҳлар уларнинг ҳалол-пок оила қураётганларига жамият номидан шоҳид бўладилар.

Шоҳидсиз никоҳ бўлмайди. Ана ўша гувоҳлар икки шахснинг ҳалол-пок йўл, никоҳ йўли билан оилавий турмуш қуришганига шоҳид бўладилар ва буни бошқа кишиларга ҳам етказадилар. Шунингдек, эр-хотин орасида никоҳ масаласида даъволашув бўлиб қолса, қозининг олдида гувоҳлик ҳам берадилар. Ушбу эътибордан никоҳ гувоҳсиз бўлиши мумкин эмас.

Никоҳда гувоҳлар икки эр киши бўлиши керак. Ҳанафий мазҳабида икки эр киши бўлмаса, бир эр киши ва икки аёл киши бўлса ҳам, бўлаверади. Аммо фақат аёл кишиларнинг ёлғиз ўзларининг гувоҳлиги кифоя қилмайди.

Гувоҳларда қуйидаги шартлар бўлиши лозим:

1. Ақл. Мажнун киши гувоҳ ҳисобланмайди.
2. Балоғатга етганлик. Ёш бола гувоҳ ҳисобланмайди.
3. Ҳур. Қул гувоҳ бўлмайди.
4. Мусулмонлик. Номусулмон киши гувоҳ бўлмайди.



5. Иккала гувоҳ ҳам никоҳланувчи икки томоннинг гапларини эшитишлари керак.

6. Гувоҳ адолатли (диний жиҳатдан тўлиқ, одил одам) бўлса, яхши бўлади. Бўлмаса, адолати суриштирилмаган, ёлғончилиги, фосиқлиги маълум бўлмаган киши ҳам бўлаверади. Ҳанафий мазҳабида бу масала бошқа мазҳабларга қараганда бир оз кенгроқ олинган.

Никоҳ икки фосиқнинг ҳузурда ҳам тўғри бўлади. Лекин уларнинг гувоҳликларининг таъсири даъво пайтида ўтмайди.

Фосиқ — шариятга хилоф иш қиладиган одам. Бошқа мазҳабларда фосиқнинг гувоҳлиги ўтмайди. Аммо Ҳанафий мазҳабида юқорида зикр қилинган шарт ила унинг никоҳдаги гувоҳлиги қабул қилинган.

Никоҳ икки тарафнинг икки ўғли ёки бир тарафнинг икки ўғли ҳузурда ҳам тўғри бўлади. Мисол учун, ажрашиб кетган эр-хотин ўзларининг икки ўғли гувоҳлигида ёки бирларининг икки ўғли ҳузурда қайта ярашсалар бўлади.

Уларнинг гувоҳлиги ўзининг яқини фойдасига қабул қилинмайди. Мисол учун, эрнинг икки ўғли гувоҳлигида никоҳ қилинди. Кейин эр-хотин орасида низо чиқиб, қозига мурожаат қилинди. Икки ўғилнинг гувоҳлиги отанинг фойдасига қабул қилинмайди. Аммо эрнинг худди ўша ўғилларининг гувоҳлиги хотиннинг фойдасига қабул қилинади. Чунки улар билан хотиннинг орасида қаробат — яқин қариндошлик йўқ.

Никоҳ икки зиммийнинг гувоҳлигида тўғри бўлади ва уларнинг гувоҳлиги мусулмоннинг зиддига ўтмайди.

Зиммий — Ислом давлати соясида яшаётган райридин шахс. Агар мусулмон одам зиммий аёлга уйланаётган бўлса, икки зиммий эркакнинг гувоҳлигида қилинган никоҳ тўғри бўлади. Аммо кейинчалик мазкур эр-хотиннинг орасида низо чиқиб қолса ва ишлари маҳкамада кўриладиган бўлса, зиммийларнинг мусулмоннинг зиддига берган гувоҳлиги қабул қилинмайди.



Агар вакил қилувчининг ўзи ҳозир бўлса, унинг вакили гувоҳ бўла олади. Шунингдек, балоғатга етган, ўзига бошқа одам валий қилинган қиз ҳозир бўлса, унинг валийси ҳам гувоҳ бўла олади.

Аммо вакил қилувчи ва валий қилувчи ҳозир бўлмаса, вакил ҳам, валий ҳам гувоҳ бўла олмайди. Чунки бу ҳолатда уларнинг ҳар бири ақди никоҳнинг бир тарафи бўлади. Никоҳдан ўтувчининг ўзи ақд пайтида ҳозир бўлса, унинг ўзи ақднинг бевосита эгаси бўлади ҳамда вакил ва валийнинг гувоҳ бўлишлари имкони туғилади.

Худди шу никоҳ ақдини боғлаш пайтида гувоҳларнинг олдида никоҳнинг асл ва муҳим амалларидан бири – маҳр масаласини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади. Бизнинг ҳозирги шароитимиз шуни тақозо қилади. Чунки маҳр нималигини билмайдиганларимиз бор. Агар никоҳ ўқиётган олим киши бу масалани тушунтириб, амалга ошириб қўймаса, бу ўта муҳим нарса умуман эсга келмай, шариатнинг ҳукмларидан бири поймол бўлиши, икки тарафнинг гуноҳкор бўлиши ҳеч гап эмас.

Никоҳга оид маълумотларни турли муносабатлар билан одамларга баён қилганимизда, жумладан, маҳр масаласини тушунтирганимизда, «Биз оила қурганимизда бу каби гаплар бўлмаган эди», «Маҳр нималигини билмай, оила қурган эканмиз, энди нима бўлади?» деган одамлар бўлди. Ана шу эътибордан, муҳтарам уламоларимиз никоҳ ўқиш пайтида ушбу масалани ўртага ташлаб, баён қилиб, ҳал этиб қўйишлари жуда яхши иш бўлади.



## МАҲР ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

«Маҳр» ақди никоҳ ёки эр-хотинлик қилиш баробарида аёл ҳақдор бўладиган нарсанинг исмидир.

Маҳр турли номлар билан номланади. Қуръони Каримда унга нисбатан «садоқ», «садақа», «ажр», «фарийза», «нихла» исмлари ишлатилган. Бизда маҳрнинг ўрнига «қалин», «сут пули» каби иборалар қўлланади.

Баъзи уламолар: «Маҳрнинг ўнта исми бор», деганлар. Бизда «маҳр» исми машҳур бўлганлиги учун шу исми қўллашни маъқул кўрдик.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида қуйидагича марҳамат қилади:

وَأَتُوا النِّسَاءَ صَدُقَاتِهِنَّ نِحْلَةً

**«Аёлларга маҳрларини кўнгилдан чиқариб беринг» (4-оят).**

Ушбу ояти карима эрга маҳр бериш вожиб эканини англатувчи тўртта ояти каримадан биридир. Ақди никоҳ бўлиши билан маҳр бериш вожиб бўлади, агар қовушмай туриб ажрашадиган бўлсалар ҳам.

Берилганда ҳам, куёв томонидан чин қалбдан чиқариб берилиши талаб этилади ва маҳр келиннинг шахсий мулки бўлади. Бу шаръий ҳукм келинларни ҳурматлаш, тақдирлаш ва эркалашнинг муҳим бир кўринишидир.

Маҳр бериш фарз амал ҳисобланади. Ҳатто шундайки, келин-куёв ўзаро келишиб, иккимиз ҳам розимиз, бу ҳукмга амал қилмай қўяверамиз, дейишга ҳам имконлари йўқ. Агар билимсизлик оқибатида ёки бошқа сабабларга кўра маҳр белгиланмай, никоҳланиб кетган бўлсалар ҳам, кейин барибир маҳр берилиши керак. Ҳаттоки, эр маҳрни беришдан олдин вафот этиб қолса ҳам, меросхўрлари маҳрни адо этишлари лозим бўлади.

Ушбу оятда эр ўзига хотин бўлишга рози бўлган аёлга маҳрни оғриниб эмас, чин кўнгилдан чиқариб

бериши лозимлиги уқтирилмоқда ва маҳр келиннинг ўз мулкига айланишига ҳам ишора қилинмоқда.

Аёл маҳрни олганидан кейин нима қилса, ўзи билади. Жумладан, ушбу оятда зикр қилинганидек, эрига қайтариб берса ҳам ўзининг иши.

Агар келин ўз ихтиёри билан рози бўлиб эрининг берган маҳрининг ҳаммасини ёки бир қисмини қайтариб берса, эр уни бемалол олиб, тасарруф қилса бўлаверади.

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «...فَأَلْتَمَسَ وَلَوْ خَاتَمًا مِنْ حَدِيدٍ...». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйланмоқчи бўлган кишига:**

**«...Агар бир темир узук бўлса ҳам топ...», – деганлар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

Набий алайҳиссалом бирор никоҳни маҳрсиз қўймаганлари собитдир.

Мусулмонларнинг барчаси никоҳ маҳрсиз бўлмаслигига ижмоъ қилганлар.

**Маҳрнинг ози ўн дирҳамдир.**

Ўн дирҳам бир динорга тенг келади. Бу – нисобга етган молнинг йигирмадан бири деганидир. Ушбу маълумотга суяниб, ҳар бир даврдаги маҳрнинг энг оз миқдорини белгилаш осон бўлади. Бунинг учун ўша даврнинг закот писоби, мазкур миқдорнинг йигирмадан бири ашиқланса, энг оз маҳр миқдори чиқади.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: لَا مَهْرَ أَقَلَّ مِنْ عَشْرَةِ دَرَاهِمٍ. رَوَاهُ الدَّارِقُطَنِيُّ وَابْنُ أَبِي عَشِيْرٍ.

*Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ўн дирҳамдан оз маҳр йўқ», – дедилар».**

*Дора Қутний ва Байҳақий ривоят қилганлар.*



**Агар ўн дирҳам миқдоридан озни айтган бўлса ҳам, ўн дирҳам миқдорини бериш вожиб бўлади.**

Маҳр пул бўлиши шарт эмас. Кийим, тақинчоқ ёки шунга ўхшаш мулк бўладиган ва ҳалол нарса бўлса жоиз. Куёв тараф ўн дирҳам ёки унинг қийматидан оз миқдордаги нарсани маҳр деб айтган бўлса, барибир ўн дирҳам ёки унинг қийматидаги нарсани бериши лозим бўлади.

**Агар ундан бошқани айтган бўлса, икковларидан бири вафот этганда ёки саҳиҳ хилват бўлганда аталган нарсани бериш вожиб бўлади.**

Яъни, эр тараф келинга ўн дирҳамдан оз бўлган маҳрдан бошқани, ўн дирҳам ёки ундан кўпни маҳрга беришни атаган бўлса, бирлари вафот этган чорида ёки икковлари саҳиҳ хилватда қолганларидан кейин ўшани бериш вожибга айланади.

*Саҳиҳ хилват* деганда, ақди никоҳдан кейин эру хотин бир жойда холи қолиб, уларни жинсий алоқадан тўсувчи ҳиссий, шаръий ва табиий монеъликлар бўлмаслиги кўзда тутилади.

*Холи жой* деганда, ҳамма томони яхши тўсилган, икковларининг изнисиз оддиларига биров кира олмайдиган макон кўзда тутилади.

*Ҳиссий монеълик* деганда, эр беморлиги туфайли вақтинча жинсий алоқага ярамай турганлиги кўзда тутилади. Шунингдек, аёлнинг фаржида тўсиқ бўлиб, жинсий алоқага монеъ бўлиши ҳам ҳиссий монеъликка киради.

*Шаръий монеълик* деганда, аёлнинг ҳайзли ёки ни-фосли бўлиши, иккисидан бири рўзадор ёки эҳромда бўлиши кўзда тутилган.

*Табиий монеълик* деганда, эр-хотиндан бошқа шахснинг улар билан бирга бўлиши кўзда тутилган.

Ана ўша шартлар тўлиқ бўлиб, саҳиҳ хилват юзга келгандан кейин эрга маҳрни тўлиқ бериш вожиб бўлади, агар хотиннинг айби билан никоҳ бузилса ҳам. Мисол учун, қовушгандан ёки саҳиҳ хилватдан кейин аёл диндан чиқиб, муртад бўлса ҳам, маҳрни тўлиқ олиш ҳаққига эга бўлади.

Шунингдек, аввал ҳам айтиб ўтилганидек, эр-хотиннинг бирининг ўлими билан ҳам тўлиқ маҳр вожиб бўлади. Ўлим қовушганларидан олдин содир бўладими, кейинми, барибир.

**Жинсий олатнинг кесилган бўлиши, жинсий заифлик ва бичилганлик ман қилувчи омил эмас.**

Бундай ҳолатларда ҳам келин-куёв ёлғиз қолсалар, саҳиҳ хилват ҳисобланаверади.

Саҳиҳ хилватдан олдинги талоқ аталган маҳрнинг ярмини вожиб қилади.

Бу ҳукм Қуръони Каримда келган.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَإِنْ طَلَّقْتُمُوهُنَّ مِنْ قَبْلِ أَنْ تَمْسُوهُنَّ وَقَدْ فَرَضْتُمْ لَهُنَّ فَرِيضَةً فَنِصْفُ مَا فَرَضْتُمْ إِلَّا أَنْ يَعْفُونَ أَوْ يَعْفُوا الَّذِي بِيَدِهِ عُقْدَةُ النِّكَاحِ

«Агар уларга қўл теккизмай туриб талоқ қилсангиз ва маҳрни белгилаб қўйган бўлсангиз, белгиланганининг ярмини берасиз, магар улар афв қилса ёки никоҳ тугуни қўлида бўлган киши афв қилса», (бермайсиз) (237-оят).

Агар маҳр аталмаган бўлса, саҳиҳ хилватдан олдинги талоқда «мутъа», ундан кейингида «маҳри мисл» вожиб бўлади.

Бу ҳукм ҳам Қуръони Каримда келган.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида шундай дея марҳамат қилади:

لَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِنْ طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ مَا لَمْ تَمْسُوهُنَّ أَوْ تَفْرِضُوا لَهُنَّ فَرِيضَةً وَمَتَّعُوهُنَّ عَلَىٰ التُّوسِعِ قَدْرَهُ وَعَلَىٰ الْمُقْتِرِ قَدْرَهُ مَتَّعًا بِالْمَعْرُوفِ حَقًّا عَلَىٰ الْمُحْسِنِينَ

«Агар хотинларни, уларга қўл теккизмай туриб ёки улар учун маҳрни белгиламай туриб, талоқ қилсангиз, сизга гуноҳ йўқ. Уларни бой борича, йўқ ҳолича маъруф ила баҳраманд этинг. Яхшилик қилувчилар зиммасига бурч ўлароқ» (236-оят).



Бу оятда никоҳдан кейин, маҳрни аниқламаган ҳолатда, духуддан олдин талоқ қилганда нима бўлиши ҳақида сўз кетмоқда. Аввало, шундай ҳолатда талоқ қилиш гуноҳ эмаслиги баён қилинди.

**«Агар хотинларни, уларга қўл теккизмай туриб ёки улар учун маҳрни белгиламай туриб, талоқ қилсангиз, сизга гуноҳ йўқ».**

Чунки инсонгарчилик юзасидан турли ҳолатлар бўлиб туради. Албатта, бу талоқ келин учун, унинг аҳли учун оғир бўлади. Умид билан никоҳдан ўтиб, орзу-ҳавас билан янги турмушни кўзлаб турганида, оилавий ҳаётни бошламай туриб, талоқ бўлиши катта мусибат. Бунинг устига, дўсту душман, ёру биродарларнинг олдида нима деган гап бўлади?! Ана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, маҳр ҳали тайин бўлмаганлиги учун бу келинга фойда «мутъа» (фойда) деб номланган молиявий тақдирлаш бериш шариатда ушбу ояти карима асосида жорий қилинган.

Бериладиган мутъанинг миқдори куёв тарафга боғлиқ, имконига қараб, кўпроқ нарса берса, яхши бўлади. Ривоят қилишларича, имом Ҳасан розияллоҳу анҳу мутъа учун ўн минг дирҳам берган эканлар.

Уламоларимиз: «Мутъа ўз даврларининг ўлчовида берилади: бой бир хизматчи олиб беради, камбағал уч сидра кийим-бош берсин», деганлар.

Шундай қилинса, келин тарафга енгил бўлади, кўнгиллари таскин топади. Дўст-душманнинг гап-сўзидан ҳам қутуладилар. Чунки шунчалик мол-дунё бериш қизда айб йўқлигининг, йигит тараф уни ҳурмат қилишининг, аммо ноиложликдан ажралаётганининг аломати бўлади. Шу билан бирга, куёв тарафни ҳам қийнаб юбориш керак эмас.

Оятда:

**«Уларни бой борича, йўқ ҳолича маъруф ила баҳраманд этинг»**, дейилапти.

Куёв тараф «яхшилиқ ила» ҳаракат қилиши керак, шунингдек, келин тараф ҳам. Оятнинг охирида фойда бериш юқори мақом экани:

**«Яхшилиқ қилувчилар зиммасига бурч ўлароқ»**, деб яна бир бор таъкидланяпти.

«Маҳри мисл» ўша юртда, ўша замонда бошқа келинларга одат бўйича қанча маҳр бериш жорий бўлиб турган бўлса, ўша миқдордаги маҳрдир.

سُئِلَ ابْنُ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَجُلٍ تَزَوَّجَ امْرَأَةً وَلَمْ يَفْرِضْ لَهَا صَدَاقًا  
وَلَمْ يَدْخُلْ بِهَا حَتَّى مَاتَ، فَقَالَ: لَهَا مِثْلُ صَدَاقِ نِسَائِهَا لَا وَكَسَ وَلَا  
شَطَطَ، وَلَهَا الْمِيرَاثُ وَعَائِيهَا الْعِدَّةُ، فَقَامَ مَعْقِلُ بْنُ سِنَانَ الْأَشْجَعِيُّ  
فَقَالَ: قَضَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِي بَرُوعَ بِنْتِ وَاشِقٍ مِثْلَ الَّذِي قَضَيْتَ،  
فَفَرَحَ ابْنُ مَسْعُودٍ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

*Ибн Масъуд розияллоху анҳудан бир аёлга уйланиб, унга маҳр тайин этмаган, у билан қовушмай туриб вафот этган киши ҳақида сўралди.*

*Шунда у киши:*

«У аёлга ўз аёллари маҳри мислича маҳр берилади. Кам ҳам эмас, кўп ҳам эмас. Унга мерос ҳам берилади. Унга идда ўтириш вожиб бўлади», дедилар.

*Шунда Маъқил ибн Синон ал-Ашжаъий туриб:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Барваъа бинту Вошиқ ҳақида сен чиқарган ҳукмга ўхшаш ҳукм чиқарган эдилар» деди.

*Ибн Масъуд бундан хурсанд бўлди».*

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.*

**Маҳрни зикр қилмасдан, уни нафий қилиб, мол бўла олмайдиган нарса ила, жинси ёки сифати номаълум нарса ила қилинган никоҳ дурустдир.**

Бу жумлада маҳрга боғлиқ беш хил ҳолат ҳақида сўз бормоқда:

1. Маҳрни зикр қилмай, у ҳақда бирор оғиз ҳам гапирмай тузилган никоҳнинг жорий бўлавериши. Чунки никоҳга амр қилинган оятда маҳр зикр қилинмаган.

2. Маҳрни нафий қилиб, яъни «орада маҳр йўқ», дея келишилган никоҳнинг собит бўлиши.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида марҳамат қилади:

لَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِنْ طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ مَا لَمْ تَمْسُوهُنَّ أَوْ تَفْرِضُوا لَهُنَّ فَرِيضَةً

**«Агар хотинларни, уларга қўл теккизмай туриб ёки улар учун маҳрни белгиламай туриб, талоқ қилсангиз, сизга гуноҳ йўқ» (236-оят).**

Маҳр аталмагандаги талоқ жоиз бўлганидан кейин, маҳр аталмай қилинган никоҳ ҳам жоиз бўлади. Чунки талоқ фақат саҳиҳ никоҳгагина тушади.

3. Маҳрга мол бўла олмайдиган нарсани атаб қилинган никоҳнинг ҳам жоизлиги. Мисол учун, бир мусулмон бир муслимага уйланаётиб, маҳрга хамр ёки чўчка бераман, деган бўлса ҳам никоҳлари ўтаверади. Улар маҳрга аташ мумкин бўлмаган нарсани атаганлари учун, бу — худди ҳеч нарса атамаган билан баробар бўлади.

4. Маҳрга жинси номаълум нарсани атаб қилинган никоҳнинг ҳам жоизлиги. Мисол учун, куёв: «Келиннинг маҳрига кийим ёки тақинчоқ бераман», деди. Қай турдаги кийим ёки тақинчоқлиги номаълум. Бу ҳам ҳеч нарса атамаганга ўхшаш, бўлаверади.

5. Маҳрга сифати номаълум нарсани атаб қилинган никоҳнинг ҳам жоизлиги. Мисол учун, куёв: «Маҳрга сигир бераман», деди-ю, қай сифатдаги сигир беришини айтмади.

Аммо, бундай никоҳлар бўлаверади, дейиш эр маҳр бермай кетаверади, дегани эмас. Балки, никоҳ боғланади, ундан кейинги муносабатлар зино бўлмайди, деганидир. Никоҳ ақди дуруст бўлаверади, аммо аёлнинг маҳр ҳаққи поймол бўлмайди, эрга маҳр бериш фарзлиги ўз ўрнида тураверади. Бу ҳолатларда, аввал айтиб ўтилганидек, ўша нарсаларнинг ўртачаси ёки қиймати миқдоридagi «маҳри мисл» вожиб бўлади.

Бунда нарсанинг ўзини ёки қийматини бериш куёвнинг ихтиёрида. Келин унинг берганини олишга мажбур.

Агар эр аёлини юртидан чиқармаслик шарти билан мингни атаб, никоҳлаб олган бўлса ёки никоҳда «му-



ким турса, минг берасан, олиб чиқсанг, икки минг» деб шарт қўйилган бўлса, у ҳолда эр айтганига вафо қилса ёки муқим турса, аёлига мингни бериш вожиб бўлади. Акс ҳолда «махри мисл»ни беради. Бу эса, икки мингдан ошмайди ва мингдан кам бўлмайди.

Агар бокираликни шарт қилган бўлса-ю, жувон чиқиб қолса ҳам, маҳрнинг ҳаммасини бериш лозим бўлади. Чунки қизлиги зинодан бошқа сабабларга кўра кетган бўлиши мумкин. Бу ҳолда яхши гумон қилган афзал.

Фосид никоҳда, агар яқинлик қилмаган бўлса, ҳеч нарса вожиб бўлмайди. Агар яқинлик қилса, яқинлик қилган вақтидан бошлаб, аталгандан зиёда бўлмаган «махри мисл» вожиб бўлади, насаб собит бўлади.

Фосид никоҳга опа-сингилга бирданига уйланиш, гувоҳларсиз уйланиш, опасининг иддасида сингилсига уйланиш, бошқанинг иддасида ўтирган аёлга уйланиш ва тўртинчи хотиннинг иддасида бешинчисига уйланиш кабилар киради.

Келинга бериладиган «махри мисл» унинг ота қавми эътиборидан ёшига, жамолига, молига, ақлига, диёнатига, юртига, замонига, бокиралиги ёки жувонлигига қараб бўлади. Шунингдек, келиннинг одоб ва ахлоқига қараб бўлади.

«Маҳри мисл»ни белгилашда мазкур омилларни ҳисобга олиб, келиннинг маҳри унинг ота юртидаги ўзига энг ўхшаш келинга бериладиган маҳр миқдорида бўлади. Агар уларда — ота тараф қариндошларда бўлмаса, бегоналардан олинади. Яъни «махри мисл»и аниқланиши лозим бўлган келинга ўхшаш келин унинг отасининг қариндошлари ичидан топилмаса, онаси тарафдан ва унинг қавмидан эмас, бегоналардан излаб топилади. Агар она отанинг қавмидан бўлмаса.

Бир келинга бериладиган «махри мисл»ни аниқлашда унинг қайси келинга тенг эканини белгилаш учун икки эр киши ёки бир эр ва икки аёл киши тайинланади.

Маҳрни бериш муддати (эрта ёки кеч берилиши) ана шу тайинланган кишилар тарафидан белгилан-



ган бўлса, ўшандоқ бўлади, агар улар тайин қилмаган бўлсалар, урфдагига қараб бўлади.

Маҳрни иккига бўлиб тўлаш ҳам мумкин. Дастлабкиси аввал берилади ва «маҳри муъажжал» — «эрта маҳр» деб аталади. Кейингиси кейин берилади ва «маҳри муажжал» — «кечиктирилган маҳр» деб аталади.

Агар икки тараф ақди никоҳ пайтида эрта маҳр қанча ва қачон берилишини, кеч маҳр қанча ва қачон берилишини келишиб олган бўлсалар, ўша келишувга биноан иш тутадилар.

Ақди никоҳ пайтида бундай келишув бўлмаган бўлса, ўз қавмларида мазкур миқдордаги маҳрни ўша аёлга ўхшаш келинларга қай тарзда беришга одатланган бўлсалар, ўша тарзда берилади.

Эрта маҳрни олишдан аввал аёл жинсий яқинлики ва ўзининг сафарга олиб чиқилишини ман қилишга ҳақли. Агар ўз розилиги билан бўлган яқинликдан кейин ман қилса ҳам, жоиз. Бу ҳолатда унинг нафақаси соқит бўлмайди.

Яъни, маҳрини ўз вақтида берилмаганига норози бўлиб, куёвни ўзига яқинлаштирмаётган келиннинг нафақаси эрга вожиб бўлиб тураверади. Эр: «Хотиним мени ўзига яқинлаштирмаяпти, шунинг учун унинг нафақасини бермайман», дейишга ҳақли эмас.

Шунингдек, у эрнинг изнисиз ҳожат юзасидан сафар қилишга ва ташқарига чиқишга ҳақли. Маҳрни вақтида бермаган эр аёлни бу нарсалардан ман қилишга ҳақли бўлмайди.

Аёл эрта маҳрни олганидан кейин уни бошқа ёққа олиб кетса, бўлади. Уни сафарга олиб кетмайди, деганлар ҳам бор ва фатво шунга берилган.

Уламолар «Эрта маҳрни ёки тўла маҳрни бергандан кейин эр хотиннинг розилигисиз уни бошқа юртга олиб кетса бўладими, йўқми?» деган масалада турли гапларни айтганлар. «Олиб кетиши мумкин эмас», деганлар кўпроқ замоннинг фасодини эътиборга олганлар. «Олиб кетиши мумкин», деганлар Аллоҳ таолонинг «У (аёл)ларга ўзингиз яшаб турган жойдан

**имконингиз борича жой беринг»,** деган қавлини далил қилиб келтирганлар. Мана шуниси тўғри.

Агар эр унга бир нарса юборган бўлса-ю, хотин уни «ҳадя» деса, эр «махр» деса, эрнинг гапи қабул бўлади. Илло, емоқ учун тайёрланган нарсада унинг гапи қабул қилинмайди.

## МАҲР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗА

Аллоҳ таолонинг эрларга никоҳда маҳр беришни фарз қилгани ва аёлларга маҳр олишни ҳақ қилгани бежиз эмас. Бу амалнинг тўрт оят ва бир неча ҳадислар билан шариатга киритилиши ҳам унинг аҳамияти қанчалик катта эканини кўрсатади. Барча нарсаларни ҳикмат билан қиладиган Зот — Аллоҳ таолонинг бу иши ҳам, албатта, беҳикмат эмас.

Аллоҳ азза ва жалла маҳрни аёл-қизларнинг қадрларини ошириш, уларнинг ўзота-оналари, туғилиб ўсган оилаларини ташлаб, ёлғиз ўзи бошқа тарафга бориб, янги оила қуришга кўрсатган жасоратларини тақдирлаб жорий қилган. Ўзига турмуш йўлдоши бўлаётган шахсдан, ҳали бирга бўлмасдан туриб, маълум миқдорда мулкни қабул қилиб олган келинда ўзига бўлган эҳтиром туйғулари жўш уради. Ҳам келинда, ҳам унинг яқинларида куёвга нисбатан ишонч кучаяди. Келажакда келиннинг молиявий таъминоти ўз жойида бўлишига никоҳда кўзлари етади. Шу боисдан ҳам, куёв тарафдан ҳимматсизликка йўл қўйилмаслиги учун маҳрнинг ози белгилаб қўйилган. Ўта оз маҳр ила келиннинг иззат нафсига тегмаслик учун ўн дирҳамдан оз маҳр бўлмаслиги шариатда таъкидланган.

Шу билан бирга, маҳр бераётган эр ҳам ўзининг эрлигини, оиланинг оғирлигини зиммасига олиши лозимлигини, келинга меҳр-мурувват кўрсатиши кераклигини, оила қуриш ўз-ўзидан бўлаверадиган нарса эмаслигини англаб етади. Аслини олганда, келинга маҳр бериш орқали куёвга — бўлажак оила раҳбарига ўзининг яхши ниятини, оиласи ва аёлига



молу дунё сарфлашдаги ҳимматини намойиш қилишга йўл очилади. Шунинг учун ҳам маҳрнинг кўпи чегараланмаган ва уни чегаралашга бировнинг ҳаққи ҳам йўқ бўлган.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида қуйидагича марҳамат қилади:

وَأَتَيْتُمُوهُنَّ قِنطَارًا فَلَا تَأْخُذُوا مِنْهُ شَيْئًا

**«Ва уларнинг бирига беҳисоб маҳр берган бўлсангиз ҳам, ундан ҳеч нарсани қайтариб олманг!» (20-оят).**

Фақиҳлар худди шу ояти каримани далил қилиб, маҳрга ҳар қанча кўп мол берса бўлади, дейдилар.

Уламоларимиз бу мавзуда сўз кетганда ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг машҳур қиссаларини эслатадилар.

Ҳофиз Абу Яъло Шаъбийдан, у киши Масруқдан ривоят қиладилар:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу халифалик даврларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарларига чиқиб:

«Эй одамлар! Аёлларнинг маҳрини жуда ошириб юбордингиз-ку! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг саҳобалари тўрт юз дирҳамдан оширмас эдилар. Ундан ҳам оз бўлар эди. Агар маҳрни зиёда қилиш Аллоҳга тақво ёки карамли иш бўлганида, улардан ўтиб кета олмас эдингиз. Ҳеч кимнинг бир аёлнинг маҳрини тўрт юз дирҳамдан ортиқ қилганини билмайин!» — деди-да, минбардан тушди. Қурайшлик бир аёл унинг йўлига кўндаланг чиқиб:

«Эй мўминларнинг амири, одамларни аёлларнинг маҳрини тўрт юз дирҳамдан ортиқ қилишдан қайтардингми?» — деди. Умар:

«Ҳа», — деди. Аёл:

«Аллоҳ Қуръонда туширган ҳукмни эшитмаганмидинг?!» — деди. Умар:

«У қандай ҳукм экан?» — деб сўради. Шунда аёл:

«Аллоҳнинг: «...ва уларнинг бирига хаддан зиёд маҳр берган бўлсангиз ҳам..» деган оятини эшитмаганмисан?!» — деди. Умар:

«Роббим, Ўзинг кечир! Одамлар Умардан кўра фақиҳроқдирлар», — деди-да, қайтиб бориб, яна минбарга чиқди ва:

«Эй одамлар, мен сизларга аёлларнинг маҳрини тўрт юз дирҳамдан ортиқ қилмасликка амр қилган эдим. Энди ким ўз молидан қанча хоҳласа, бераверсин. Умар хато қилди, аёл тўғри айтди», — деди».

Уйланаётган вақтида озми, кўпми маҳрини бериб қўйиб, ажрашаётганда уни қайтариб олишга уриниш мусулмон инсонга ҳеч тўғри келмайдиган иш. Ушбу оятда бу ишни очик ман этиш билан бирга, унинг ҳикмати ҳам баён қилиниб, эркаклар виждонида нозик ҳиссиётлар кўзғатилмоқда. Қуръоний таъбирга эътибор беринг-а, қандай ҳам ҳассос, қандай ҳам таъсирли!

**«Ва қандай ҳам олурсиз?! Ахир, бир-бирингизга қовушдингиз ва улар сиздан мустаҳкам аҳду паймон олганлар-ку?!» (21-оят).**

Никоҳ туфайли эр-хотин нафақат жисман, балки руҳан ҳам қўшилади. Уларнинг ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, виждонлари, сир-асрорлари, дарду ғамлари, бахту саодатлари — барча-барча нарса қўшилади, қовушади. Исломда никоҳ ва оила Аллоҳ таолонинг исми ила ва унинг Расулининг суннатлари ила қуриладиган муқаддас робита ва ошёнدير. Ана ўша қудсият ҳурмати, бирга ўтказган ҳаёт ҳурмати, қовушиб кетган нарсалар ҳурмати, ажрашганда ҳам яхшилик билан ажралмоқ керак. Бир вақтлар рози бўлиб берган маҳрни ўзи билан бир ёстиққа бош қўйиб яшаган аёлдан қайтариб олишга уриниш мусулмон одамга, қолаверса, эркак зотига ҳеч ярашмайди.

Ояти каримада келган: **«...улар сиздан мустаҳкам аҳду паймон олганлар-ку?!»** жумласидаги «аҳду паймон»нинг маъноси ҳақида Суфён Саврий: «Яхшилик билан тутиб туриш ёки яхшилик билан ажрашиш ҳақидаги аҳд», — деганлар.



Рабиъ ибн Анас эса: «Бу, Набий соллаллоҳу алай-ҳи васалламнинг:

«Сиз уларни Аллоҳнинг омонати ила олдингиз ва фаржларини Аллоҳнинг калимаси ила ўзингизга ҳалол этдингиз» деган ҳадисларидан иборатдир», — деган.

Демак, маҳр, аввало, никоҳнинг ҳурмати, қолаверса, эркакларнинг аёлларга берган мустаҳкам аҳду паймонлари белгисидир.

Шунинг учун ҳам бу ишга алоҳида эътибор бериш керак. Маҳр масаласида шариат кўрсатмасига амал қилмаслик, унда ҳаддан ошиш ёки унга нисбатан бепарво бўлиш яхши оқибатга олиб бормаслигини тажриба кўрсатган.

Бир вақтлар одамлар маҳрни «қалин» деб атаб олиб, қизлари учун катта миқдорда молу дунё талаб қилишган. Ўзлари талаб қилган миқдордан кам молга кўнмаганлар. Бечора қизларнинг бунга дахли ҳам бўлмаган. Уларнинг қўлига бу нарсадан ҳеч қандай улуш берилмаган.

Шариатнинг маҳр борасидаги кўрсатмасини бузиб, ҳаддан ошиш оқибатида оила қуриш кўпчилик учун оғир машаққатга айланган. Вояга етган йигит-қизларнинг оила қуришлари қийинлашган. Жамиятда қари қиз ва қари йигитларнинг сони ортиб бораверган. Бунинг оқибатида жамиятлар ҳам, якка шахслар ҳам зарар кўрган.

Ўша вақтдаги бу нохуш ҳолатни ёқтирмаганлар «қизини сигирни сотгандек сотмоқчи бўляпти» деган ибораларни ишлатишган. Ушбу поширвий ҳолатни муолажа қилмоқчи бўлган уламолар «Маҳрнинг ози яхши» шиори остида маърузалар қилганлар, тушунтиришлар олиб борганлар ва бошқа чоралар кўрилган.

Ҳозирга келиб, юқоридагига тескари ҳолат вужудга келди. Одамларнинг кўпчилиги маҳрни билмайди ёки унга аҳамият бермайди. Билгани, аҳамият бергани ҳам бу ишга охириги ўриндаги ишлар каби назарда бўлади. Имом домла ярим соат маҳрнинг аҳамияти ҳақида маъруза қилиб бўлганидан кейин бўлғуси куёвдан: «Келиннинг маҳрига нима атайсиз», деб сўраса,

«Узук», деган жавобни эшитади. Баъзида бизларга бошқа миллатлардан мерос бўлиб ўтган ўша «узук»-нинг қиммати энг оз маҳрнинг миқдоридан ҳам кам бўлади. Ҳагто, баъзи тушунмаган шахсларда «маҳр» дегани никоҳ узуги бўлса керак» деган тасаввур пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас. Келишлар эса маҳр сўраш Аллоҳ таоло берган шаръий ҳақлари эканини тушунмайдилар. Тушунсалар ҳам, сўраш улар учун бесодобликка ўхшаб туюлади. Онда-сонда маҳр сўраганларидан эса куёв тараф хафа ҳам бўлади.

Шариатнинг маҳр борасидаги кўрсатмасини бузиб, фарз бўлган бу муҳим нарсага бепарво бўлиш оқибатида кўпгина муаммолар пайдо бўлмоқда. Энг ёмони, эр тарафнинг оиланинг молиявий оғирлигини кўтариш ва бошқа жавобгарликлар борасидаги масъулият ҳисси йўқолмоқда. Наридан бора, бир дона никоҳ узугини бериб, бировнинг 17–20 йил боқиб, катта қилган гулдек қизини хотин қилиб олган шахс бўлган-бўлмаган нарса учун уни ҳайдаб, янги уйланиш пайдан бўлмоқда. «Жазоси бир дона никоҳ узугида», дейдиганлар йўқ эмас.

Оқибатда, битта-иккита боласи билан талоқ қилинган ёш аёл отасиникига қайтиб боришга мажбур бўлмоқда. У ерда эса, яна янги муаммолар пайдо бўлиши турган гап. Агар ўша ноинсоф эркак тузукроқ маҳр бериб уйланганида эди, яна қайта уйланиш учун етарли миқдорда маҳр бериш кераклигини ҳис қилганида эди, талоқ қилишдан олдин ўйлаб кўрар, ҳисоб-китоб қилар, натижада ўзини тийиб олар эди.

Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, ватанимизнинг аввалги фақиҳлари никоҳ қилишаётганда бировдан сўрамай-нетмай, куёвга қарата: «Маҳрига бир уй, бир даҳлиз, олдида айвони билан ва бир сигир бузори билан бериш шарти ила Фалончини тан маҳрамликка қабул қилдингизми?» дейишга ўтишган. Улар ўз вақтларидаги шароитни яхши ўрганишган, мабодо аёл киши талоқ қилинадиган бўлса, кўчада қолишининг, тирикчилик ўткази олмайдиган даражага тушиб қолишининг олдини олишган. Мана шу омил эркак-

Тасвир сати



ларни ҳам жиловлаб турган. Улар хотинларини талоқ қилишдан олдин хотинининг маҳрига аталган нарса-лар – олдида айвони билан бир уй, бир даҳлизни ва бузоғи билан бир сигирнинг ҳисобини қилишган.

Биз ҳам бу масалани, бизнинг динимиз барча нарсада муътадил дин эканини ҳисобга олиб, маҳрнинг ҳам муътадил равишда жорий бўлишини ўйлаб кўрмоғимиз зарур. Шариатда маҳрнинг энг ози қанча экани кўрсатилгани билан бирга, кўпининг чегараси йўқлиги ҳам маълум. Аммо келин тарафга маҳрнинг ози яхшилигини уқтириш билан бирга, куёв тарафга ҳимматни баланд қилиш айтилади. Ҳеч ким, ҳеч қачон келинга «Маҳр сўрасанг, уят бўлади», демаган. Шунингдек, куёвга ««Никоҳ узуги»дан ортиқча маҳр берсанг, гуноҳкор бўласан», дейилган ҳам эмас.





## НИКОҲ ХУТБАСИ

Бизнинг одатимизда маҳр масаласи кўрилиб, келин ва куёвдан рози-ризолик сўраб бўлингандан кейинги домлаларимиз томонидан оҳанг билан ўқиладиган араб тилидаги матнларни шаръий истилоҳда «никоҳ хутбаси» дейилади. Бу хутбани ўқиш суннат амал бўлиб, унда бисмиллаҳ, Аллоҳга ҳамду сано, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот ва саломдан кейин никоҳ ҳақидаги бирорта ояти карима ва яна бир ҳадиси шариф, никоҳ ва оилага оид яхши гаплар ҳамда дуо бўлади.

Сўнгра ақди никоҳ маросимида иштирок этганлар яхши ниятлар билан янги оила, келин-куёв ҳақларига дуолар қилишади.

Яна такрорлаб айтамикки, никоҳдаги энг асосий маросим шудир. Бундан бошқа барча нарсалар айнан ушбу ақди никоҳга хизмат қилувчи, ёрдамчи омиллардир.

Ушбу ақди никоҳ, ундаги келишувлар, гувоҳлар, маҳр масаласи, ийжоб ва қабул, хутба ўқишлардан кейин келин ва куёв шаръий жиҳатдан эр-хотин бўладилар. Уларнинг бирга қолишлари, эр-хотинлик муомаласини қилишлари ҳалол бўлади.

Бундан бошқача иш мумкин эмас. Баъзи қавмлардаги қизни олиб қочиш, ўзаро борди-келди қилиб бўлиб, кейин никоҳ ўқитиш нотўғри иш, ҳаром. Шунингдек, тўйни қилиб, бирга яшаб, бир-икки болали бўлгандан кейин никоҳ ўқитиш ҳам мутлақо жоиз бўлмаган иш. Бу каби ношаръий ишларнинг барчасидан ҳазар қилиш керак, шариатга хилоф иш қилиб, гуноҳқор бўлмаслик лозим.



## КЕЛИННИНГ СЕПИ ВА УЙ АНЖОМЛАРИ

Барча фақиҳлар келин тушадиган уйни жиҳозлаш ва келиннинг сепи куёвнинг зиммасида экапига иттифоқ қилганлар. Эр келин тушадиган уйни икковлари яшашлари учун мувофиқ ва лойиқ равишда жиҳозлаши шарт. Ундаги кўрпа-тўшак, қозон-товоқ, гиламлар – барча нарсалар куёв томонидан олиб берилган келиннинг мулки ҳисобланади. Куёв улардан ўз мулки сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

– Ҳанафий мазҳабида уй жиҳозларини тайёрлаш худди аёлга пафақа ва кийим бериш каби эрга вожибдир.

– «Маҳр» деб берилган нарсанинг сепга ҳеч алоқаси йўқ. Чунки маҳр сеп ва жиҳоз сотиб олиш учун эмас, келиндан ҳузурланиш муқобилига бериладиган нарса.

Бир одам маҳрга минг динар берди. Одатда, бунчалик кўп маҳр олган келин кўп сеп билан келар эди. Аммо бу келин оз сеп билан келди. Шундай ҳолатда эр: «Сен кўп жиҳоз билан келишинг керак эди», дейишга ҳаққи йўқ.

– Келин ўзи билан олиб келган сепига ўзи эга ҳисобланади. Эрнинг у нарсаларда ҳаққи йўқ.

– Агар эр маҳрдан ташқари, жиҳоз олишга алоҳида пул берган бўлса, келин ҳеч нарса олмай келса, эр талаб қилиши мумкин. Аммо маълум муддат индамай юрса, рози бўлган ҳисобланади ва кейин талаб қилишга ҳаққи қолмайди.

– Агар ота, урф-одатга биноан, қизига сеп олиб берган бўлса, кейин уни қайтариб олишга ҳаққи йўқ. Ота вафот этгандан кейин бошқа меросхўрлар ҳам ололмайдилар.

– Ота қизи кичкиналик пайтида унга сеп бўладиган нарсани сотиб олиб берган бўлса, кейинчалик орада низо чиқиб, ота: «Омонатга берган эдим», деса, қиз эса: «Сепга берилган эди», деса, ҳужжат-далиллари бўлмаса, қизнинг гапи ўтади. Агар қиз вафот этганидан кейин низо чиқса, унинг эрининг гапи ўтади.

— Агар она уйдаги нарсалардан баъзисини отадан сўрамай қизига берса, ота индамаса, у нарсалар қизга сеп бўлади, қайтариб олиш мумкин эмас.

— Агар куёв қизнинг валийларига тўйни тезлаштириш учун бирор нарса берса, кейинчалик: «Ўша нарсани қайтариб беринглар», дейишга ҳаққи бор. Чунки у нарса ришва — пора ҳисобланади.

Агар келинга ота-онаси сеп ва уй жиҳозлари тайёрлаб беришни истасалар, бу уларнинг муруввати ҳисобланади, мажбурияти эмас.

عَنْ عَلِيٍّ رضي الله عنه قَالَ: جَهَّزَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَاطِمَةَ فِي حَمِيلٍ وَقِرْبَةٍ  
وَوِسَادَةٍ حَشْوُهَا إِذْحِرٌّ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ. وَاللَّهُ أَعْلَىٰ وَأَعْلَمُ.

*Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотимага бир чийдухоба, бир меш ва ичига изхир солинган болишни жиҳоз (сеп) қилиб бердилар».**

*Насайй ривоят қилган.*

Оламларнинг саййиди бўлмиш зот — Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз жигаргўшалари, аҳли жаннат аёлларнинг саййидаси Фотимаи Заҳро розияллоҳу анҳога қилиб берган сеплари қанчалик камтарона, қанчалик содда.

Бу ҳолатни билгандан кейин бутунги кунга бир назар солайлик. Бошқаларни қўйиб туриб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга умматлик даъвосини қилаётганларга кўз ташлайлик.

Қиз бола туғилганидан бошлаб емай-ичмай, едирмай-ичирмай сеп тўплаб, бўлган-бўлмаган нарсани йиғиб, жамлаб юрадиганларга нима дейиш мумкин?

Сеп масаласини никоҳнинг асосий ва марказий масаласига айлантирувчиларга нима деймиз?

Келиннинг эшига эмас, сепига қарайдиган қудаларга нима деймиз?

Сеп туфайли келиб чиқаётган уриш-жанжалларга-чи?

Нима ҳам дер эдик. «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрнак олинг, оталар!» — деймиз.

Тадбир ва та



«Фотимаи Заҳродан ўрناق олинг, қизлар!» — деймиз.

«Ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳудан ўрناق олинг, куёвлар!» — деймиз.

Сеп масаласида оилавий келишмовчиликлар кўп чиқишини кўзда тутиб, уламоларимиз бу масалани батафсил ёритиб берганлар.

Энди бу масалада бугун юз бераётган машмашаларга бир назар ташлайлик, инсоф билан мулоҳаза қилайлик.

Бугунги кунда бу масалада ишлар шариат кўрсатмаларига тамоман тескари. Келинга сеп тайёрлаш ҳамда ёш келин-куёвга аталган уйни (нечта хона бўлса ҳам) жиҳозлаш келин тарафга ҳам «фарз», ҳам «вожиб» қилинган. Агар келин тараф бу масалада бир оз бепарволик қилса, бу дунёда куёв тарафнинг лаънатига учрайди, бечора келин улар «тайёрлаб қўйган дўзах»ига тушади. Бунга ҳамма кўникиб ҳам қолган. Биров бу аянчли ҳолатга қарши бирор оғиз гапиришга ҳам журъат қила олмайди.

Имом домлараримиздан бирларининг айтишларича, бир оилага келиннинг сепи ва тайёрланган жиҳозлари келтирилган. Қуда хола нарсаларни синчиклаб тафтиш қилган. Тафтиш натижасида бир чойшабнинг Тошкентда тайёрланганлиги, «импортний» эмаслиги аён бўлган. Қуда хола буни ўз оиласи ва ўғлининг шаънига «ор» деб билган ва қиз тарафга қарши аёвсиз уруш очган. «Мани болам Тошкентда тайёрланган чойшабда ётадиган бўлдими?!» — деб айюҳаннос солган. Бу жанжал авж олиб, икки тараф тўйни бекор қилиб, ажралиб кетганлар. Бундан воқиф бўлган имом домла минбардан туриб: «Хотини олиб келган чойшабда ётишни ўзига эп кўрган эркаклар орқамдан намоз ўқимасин!» деб ваъз қилишга мажбур бўлган.

Бунга нима дейиш мумкин?! Бу каби номаъқулчиликларни қаердан ўрганишди одамлар?! Наҳотки келин олаётган она уйни жиҳозлаш ўз оиласининг бурчи эканини тан олиш ўрнига, қуда тарафнинг бир чойшабни ўз ватанининг пойтахтида чиққанлигини айб қилиб,

қудалар билан ажрашиб кетса?! Ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар боласига бахт келтира олмасмикан?! Ўзганики боласини бахтли қилиб қўярмикан?!

Инсоф қилиш керак! Ор-номусли бўлиш керак! Оиланинг обрўси келин келтирадиган чойшабда эмаслигини англайдиган бўлиш керак!

Фарғонада туғилиб, ўсиб, Москвага турмушга чиққан татар миллатига мансуб аёл ўша тарафда умумий хожатхонада фаррошлик қилаётган аёлларимиздан бирини кўриб, унга ачиниб, нима учун бу ҳолга тушиб қолганини сўрабди. Жавоб ҳар қандай одамни ларзага соладиган даражада бўлибди. «Қизимни турмушга узатишимиз керак. Мебел ва бошқа керак нарсаларни олгани пулимиз йўқлигидан бегона юртларда шу ҳолга тушиб юрибман», — дебди аёл.

Ўша аёлнинг бу ҳолга тушишига сабаб бўлган бош айби қиз туғиб, қиз боққанидир. Агар онасининг бундай ҳолга тушишига сабаб бўлган ўша фарзанд қиз эмас, ўғил бўлганида онаси келин тарафдан «импортний» мебел ва чойшаб талаб қилган ҳолда уйда гердаиб ўтирган бўлар эди. Агар имконини топса, келин тарафдан ўғлига «маҳр» ҳам талаб қилган бўларди.

Мебел савдоси билан шуғулланадиган усталардан ажабтовур қиссани эшитинг: «Қиз чиқараётган оилалардан бири мебел сотиб олди ва уни ўрнатадиган жойимизни айтди. Айтилган ерга бориб, ишни бошлаётган эдик, қуда хола кириб қолдилар. «Жаноби олиялари» виқор билан биздан мебел қаерники эканини сўрадилар. Биз ўзимизники эканини айтдик. «Тезда ашқол-дашқолингни йиғиштир! Кўтар ўзингнинг мебелингни!» деган фармони олий бўлди».

Баъзи бир «илғор» вилоятларда куёв тараф келинлик уйини жиҳозлаш учун «уй бўшатиш»ни қойиллатиб бўлишибди. «Уй бўшатиш» — куёв тарафнинг келин тараф тўлдириши учун бир неча хоналарни шип-шийдам қилиб қўйишидир. Баъзи ҳолатларда қуда хола қизиқиб кетиб, ўзи яшайдиган хонани ҳам бўшатиб қўйиши мумкин. Келин тараф ўша «бўшатиш» уйлари тўлдирмаса, энасини кўради!



Улар келин тарафни талон-тарож қилишнинг барча услубларини ўзлаштириб, тўйни, уй анжомларини, ҳатто куёвга ички кийим, даструмолгача «импортний» бўлиши кераклигини келин тарафнинг бўйнига осиб бўлишибди. Агар келин тараф қўлга сув қуядиган офтобани эрдан чиқарса ҳам, балога қоладиган бўлибди.

Кейин келин тарафдан яна нима талаб қилиш мумкинлиги ҳақида бутун зеҳну заковатларини, ақлу фаросатларини ишга солиб, ўйлай бошлашибди. Қарашса, келиннинг ўзи билан олиб келган, уйларни тўлдириб юборган нарсалар, сарполар қоринни тўйғазмас экан. Нима, куёв тараф келиннинг уй жиҳозларига, асбоб-анжомларига, қилган сарполарига тикилиб, оч ўтириши керакми?! Бу ҳолатга асло чидаб бўлмайди! «Келин тараф куёв тарафнинг қоринни тўйғазини фарз!» — дейишибди. Шундай қилиб, келин тарафнинг тўйдан кейин қирқ кунгача куёв тарафни уч маҳал озиқ-овқат билан таъминлаши фарзу вожибга айланибди.

Келин бўлгандан кейин, куёвни ва унинг оила аъзоларини боқиши керак-да! Шунини қила олмайдиган келин келинми?! Келиннинг ота-онаси ҳам ўйлаб кўйсин-да! Куёвни, унинг ота-онаси, хеш-ақрабосини қирқ кун уч маҳалдан боқа олмаса, қиз туғиб нима қилади?!

Камина ходимингиз ушбу масалада бир тўйда гапирганимдан кейин танишлардан бири олдимга келиб, ташаккур айтди ва: «Қизимни чиқарганимда қарз бўлиб қолдим. Бунинг устига, қуданикига тўрт ой овқат ташиганимдан сўнг ҳисоб-китоб қилсам, яна олти юз минг сўм кетибди», — деди. «Шунини қилмасангиз бўлмайдимми?» — десам, «Унда балога қоламиз. Қуда тараф: «Мен қариндошлар, маҳалла-кўй орасида нима деган одам бўламан, ҳамма, Фалончининг келининикидан нима келар экан деб, қараб турибди», деб қизимга кун беришмайди-да», — деди маъюс бўлиб.

Қандай кунга қолдик ўзи! Шариатимизда келинни боқиш куёвга вожиб бўлса-ю, одамларимиз унинг мутлақо тескарисини қилиб, келиндан куёвни ва унинг оиласини боқишни талаб қилиб турсалар!

Бунинг оқибати нима бўларкин? Шариатга хилоф ишнинг оқибати яхши бўлмаслиги аниқ. Бунинг баъзи аломатлари ҳам кўриниб қолганга ўхшайди.

Куни кеча бир мажлисда шу мавзуда суҳбат бўлган эди, кўпчилик бундай ҳолатни танқид қилиб гапирди. Ҳар ким ўзи билган, кўрган ва эшитган нарсалар билан ҳам ўртоқлашди. Шунда имом домлаларимиздан бирлари қуйидаги гапларни айтдилар. У киши мебел савдоси бўйича иш юритадиган киши билан суҳбатлашган эканлар. У одам ачиниш билан қуйидагиларни айтибди:

«Одамларда уят қолмади. Келин тарафдан талаб қилинадиган нарсалар тобора кўпайиб бормоқда. Аввалига мебел талаб қилишди. Кейин мебел чет элники бўлишини талаб қилишга ўтишди. Чет элники бўлмаса, қайтариб юборадиган бўлишди. Сўнгра, чет элники бўлса ҳам, модадан қолганини қайтарадиган бўлишди. Энди эса, куёв тараф ўзи келиб, уялмасдан, бизнинг олдимизда келин тарафга: «Ана ўпанисини олинглар, мана бунисини қўйинглар», деб кўрсатиб берадиган бўлишди. Энг ачинарлиси, ўнта мебелни сотган бўлсак, бир муддатдан сўнг, оилалар бузилганлиги учун, улардан саккизтасини ўзимиз ўрнатган ердан қайтариб олиб келиб, яна савдога қўймоқдамиз».

Менга қолса, бу гапларга, айниқса, оилалар бузилаётганлиги ҳақидаги гапга мутлақо ишонмас эдим. Аммо, афсуски, бу гап, қисман бўлса ҳам, ростга ўхшайди. Ҳозир аввалгидан кўра оила бузилиши кўпайганлиги ҳақида бошқа маълумотлар ҳам мавжуд. Албатта, бунга ўхшаш ижтимоий муаммоларнинг бир қанча сабаблари бўлади. Уларни мутахассислар ўрганишади ва ҳолатни яхшилаш учун ўз таклифларини киритишади. Аммо мутахассис бўлмаган кишиларнинг ҳам яққол кўриниб турган баъзи сабаблар ҳақида бир оз мулоҳаза қилишлари дуруст бўлса керак.

Менимча, оила бузилишига сабаб бўлаётган нарсалар ичида уйланиш ўта осон бўлиб қолганлиги ҳам бор. Ўйлаб кўрайлик-чи, янги оила қуриш учун куёв тараф нима сарф қилмоқда? Баъзи сарполар, маҳрга бир дона узук, сут пулими ёки яна бошқа ном билан бир оз маблағ.

Тўғрилик



Келин тараф-чи? Деярли барча сарф-харажатлар келин тарафга юкланган. Қиз боққаннинг жазо-си — шу! Сарпога ундан кўра қимматроқ қилиб сарпо қайтариш керак. Сут пули ёки тўй пулига ўн баробар кўшиб тўй қилиш керак. Келин тарафнинг тўйдаги бош ташвиши — куёв тараф жамлаб келган кўплаб меҳмонларни яхшилаб кутиб олиш, яқинларига сарпо кийдириш ва куёв тараф «бўшатиб қўйган» хоналарни қимматбаҳо асбоб-анжомлар билан тўлдириш керак.

Юқорида зикр қилинган вилоятга ўхшаш жойларда куёвни қариндош-уруғи билан қирқ кун уч маҳал боқиш ҳам керак...

Арзоннинг қадри бўлмас, деганларидек, арзонга ва осонга келган келинларнинг ҳам қадри бўлмай қолиши ҳеч гап эмас. Қадри йўқ хотинни ҳайдаб, янги хотин олишдан осони ҳам йўқ. Янги хотин, янги сарпосуруқ, янги уй жиҳозлари кимга ёқмайди, дейсиз?!

Эҳтимол, шунинг учундир қадимда уламоларимиз ҳеч кимдан сўрамасдан, «Фалончи ўғли Фистончи, бир уй, даҳлизи ва айвони билан, сигир бузоғи билан маҳр бериш шарти ила Фалончихон Фистончи қизини тан маҳрамликка қабул қилдингизми?» деб никоҳ қилишни йўлга қўйган бўлсалар керак.

Ҳақиқатда ҳозирги бўлар-бўлмасга хотинини «қўйиб юбораётган» эрлар, келинини ҳайдаётган қайнона ва қайноталар келинга унинг турар жойини ва кундалик ҳаёт кечириш манбасини маҳр қилиб берганларида ҳамда рўзғорга ишлатиладиган барча асбоб-анжомлар билан таъминлаб қўйганларида ва улар келиннинг мулкига айланганини, энди уларни қайтариб ололмасликларини билганларида эди, келинни ҳайдашдан олдин обдон бир ўйлаб кўришлари аниқ эди. Янги келин олиш учун яна аввалгича нарса сарф қилиш лозимлигини ўйлаб, бўлар-бўлмасга оилаларни бузишга журъат қила олмас эдилар.

Ҳар бир инсон ушбу айтилган гапларни ўйлаб кўриши керак. Оиланинг сепи, мебелли, чойшаби ва мол-дунёсининг эмас, бахту саодатининг ташвишини



қилиш керак. Оилада саводсиз қайноналарнинг истаги эмас, шариатнинг кўрсатмалари устуни бўлиши лозим.

Ислом шариати бўйича, аёлни уй-жой билан таъминлаш, ўз даражасида боқиш, кийинтириш ҳамда турмуш учун зарурий бўлган буюмлар, асбоб-анжомларни ҳозирлаб бериш, айна чоғда, жуфти ҳалонинг соғлиги учун қайғуриш, унинг таълим олиши, истироҳати ва бошқа шахсий эҳтиёжлари учун нафақа қилиш эрнинг зиммасидаги вожиб амаллардан эканини ҳар бир мусулмон эр ва ҳар бир қайнота-қайноналар яхши билиб олмоқлари зарур. Шу билан бирга, бу талаблар бажарилган тақдирда, уни миннат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, зиммасидаги вожиб амални адо этган киши ўз бурчини адо этган бўлади, холос.

Бу масалани ҳал қилишда, тўғри йўлга солишда ҳаммамиз қўлимиздан келганини қилишимиз лозим. Ана шунда оилаларимиз мустаҳкам бўлади, кишиларимизнинг ҳаёти бахтли, саодатли бўлади, иншааллоҳ.

Келиннинг сепи ва бўлажак оиласига керакли барча нарсалар шариат кўрсатмаси бўйича тайёр ҳам қилинди, дейлик. Энди келин-куёвларнинг ўзларини оилавий ҳаётга тайёрлашимиз керак. Ҳар бир оила учун ўта муҳим бўлган бу иш ҳақида келаси бобда суҳбат ўтказамиз.



## ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ

Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар, жамиятдаги етакчи доираларнинг ёш авлодни оилали қилиш борасидаги бурчлари уларни никоҳлаб қўйиш билан чекланмайди. Балки, келинлик ва куёвликка номзод ёшларга никоҳ, оила, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, оила тутиш сирлари, эр-хотинлик муносабатлари каби нарсаларни ўргатиш ҳам зарур. Бу борада ҳам қилишимиз лозим бўлган ишларимиз анчагина.

Ҳозирги кузатишлар натижасига қараганда, кўпчилик ота-оналар фарзандларини оилали қилиш мақсадида мол-дунё ва сеп йиғадилар, совчилик, қудачилик борди-келдиларини қиладилар ва каттароқ тўй қилиш билан ўз бурчларини адо этган бўлиб, эркин нафас оладилар. Аммо энг муҳим масалалардан бири бўлган нарса — қизларини келинликка, ўғилларини куёвликка тайёрлаш эсларидан чиқиб қолади. Минг афсуски, кўпчилик ёшлар гўшангага оила, эр-хотинлик ҳаёти, уларнинг ўзаро муносабатлари, ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда бурч ва масъулиятлари ҳақидаги динимиз таълимотларидан беҳабар ҳолда кирадилар.

Одатда, тўй вақтида ва оилавий ҳаётнинг бошланишида келин-куёвнинг яқинлари, куёв жўралар, келин янгалар уларга қандай қилиб бўлса ҳам умр йўлдошини «гаҳ деса, қўлга қўнадиган қилиб олиш» ҳақида ва бошқа бачкана нарсалардан иборат бўлган маслаҳатларни берадилар.

Бундай маслаҳатлар кўпинча маслаҳатгўйнинг ўта тор, тубан тажрибаларига асосланган бўлади. Яъни кўполроқ қилиб айтганда, ўзига енг бўлолмаган бошқа бировга ёқа бўлгиси келади. Бундай «жайдари» маслаҳатларни ўйласанг, уялиб кетасан, киши.

Аслида, «Эр оилада қандай бўлиши керак?» деган саволларга мазкур маслаҳатлар ҳеч қачон жавоб бера олмайди. Аксинча, улар оилада алоқаларнинг кескинлашувига сабаб бўлади, холос.

Баъзи танишларнинг айтишларича, айрим доираларда келинлик ва куёвликка номзодлар тўй куни

фарбча рақс тушишга бир неча ой давомида катта миқдорда маблар тўплаб, алоҳида дарс олишар ва машқ қилишар экан. Бир неча дақиқалик ҳавас учун анчагина ҳажмдаги пул, вақт, ҳаракат, ақл, заковат сарфлашар экан.

«Улар ана шу пул, вақт, ҳаракат, ақл, заковатни ўзининг оилавий бахти учун керак бўладиган илоҳий таълимотларни ўрганишга сарфлашса бўлмайдими?» деган ҳақли савол пайдо бўлади. Нима учун ушбу ўта аҳамиятли иш ота-оналарнинг эътиборидан четда қолмоқда?

Бу масалага алоҳида эътибор бериш ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Авваллари имкони бўлмаган бўлса, алҳамду лиллаҳ, ҳозир имкони бор. Китоблар чиқиб турибди, маърузалар қилиниб, овоз ёзув воситалари орқали таралиб турибди. Халқаро ахборот тармоғи саҳифаларида ҳам кўплаб маълумотлар бор. Билмаганлар сўраб, ўрганишлари мумкин.

Балки, имконини топиб, келин-куёвлар учун ўқув курслари очиш зарур. Бошқа керакли чораларни кўриб, бу аҳамиятли иш бўйича ҳар бир соҳанинг мутахассислари ўз имконларида бор ҳиссани қўшишлари яхши натижаларга олиб боради, иншааллоҳ. Вақтнинг борида мазкур мутахассисликларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш ва самарали бўлишини таъминлаш керак.

Ўрил болаларнинг тарбиясига оталари катта аҳамият бериб, уларда эркакларга хос бўлган олий сифатларнинг шаклланиши учун ўзларидан талаб қилинадиган барча масъулиятларни шараф билан адо қилишлари, фарзандларини етук кишилар этиб тарбиялаб боришлари лозим.

Шунингдек, қизларнинг алоҳида тарбиялари оналарга топширилади. Уларда етук қиз, келин, уй бекаси, хотин, она бўлиш қобилиятларини оналар тарбиялашлари ва камолга етказишлари талаб этилади.

Маданий меросимизга мурожаат қиладиган бўлсак, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида кўплаб гўзал намуналарни кўраимиз.

Мусулмончиликда катталар, хусусан, ота-оналарнинг ёш келин-куёвларга оилавий турмуш ҳақида панд-насиҳат қилишлари, ҳаётий тажрибаларни сўзлашлари одат тусига кириб қолган. Айниқса, келинларга қилинган насиҳатлар китобларимизда кўплаб сақланиб қолган.

Улкан саҳобий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари янги келинларга эрининг ҳурматини ва хизматини қилишга буюрар эдилар», — деганлар.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб ўз қизлари-га қуйидаги насиҳатни қилган эканлар:

«Зинҳор рашкчи бўлмагин, у талоқнинг калитидир. Зинҳор кўп итоб қилгувчи бўлмагин, у кўнгилсизликни келтириб чиқаради. Сурма қўйиб юргин, зийнатларнинг энг афзали шудир».

Амома бинти Хорис исми аёл ўз қизининг келин бўлиб, куёвнинг уйига узатилишидан олдин саодатли оила асосларини баён қилувчи қуйидаги насиҳатларни қилиб, кузатган экан:

«Эй қизгинам! Агар аҳли фазл ва аҳли одобларга насиҳат керак бўлмаганида, сенга ҳам насиҳат қилмасдим. Лекин насиҳат — ғофилга эслатма, оқилга ёрдамдир.

Агар қиз бола ота-онасининг камбағаллиги сабаблигина эрга берилиши керак бўлганида, сен ҳеч қачон узатилмаган бўлар эдинг. Чунки отангнинг бойлиги, мартабаси етарлидир. Лекин Аллоҳ белгилаб берган ҳаёт қонунларига кўра, аёллар эркаклар учун ва аксинча, эркаклар аёллар учун яратилганлар.

Қизгинам! Энди сен ўзинг ўсган ҳаводан айрилдинг. Ўзинг яйраб-яшнаган ошёндан чиқдинг ва нотаниш жойга бориб, аввал ўзинг билмаган шерикка учрайсан. У энди сенинг хожанг, дўстинг ва маҳбубингдир.

Сен унга чўри бўлсанг, у сенга қул бўлади. Сен унга ер бўлсанг, у сенга осмон бўлади. Сен унинг учун қуйидаги ўн хислатни адо этсанг, оилада масъуд ва бахтиёр ҳаёт кечирасизлар:

1. Қаноат соҳибаси бўл, ундан ҳайиқиб тур. Эринг уйга нима кўтариб келса, хушфеъллик ва одоб-назокат билан қабул қилиб ол, ташаккур айт.

2. Эрингга ҳамиша итоатда бўл, амрларини яхшилаб тингла ва бажар.

3. Эрингнинг назари тушадиган жойларга эътибор қил. У сенда хунуклик кўрмасин. Уй ичи ва ҳовлини ниҳоятда озода ва тартибли тут.

4. Эрингнинг бурнига ҳушёр бўл. Димоғига сендан ёмон ҳид кирмасин, фақат хушбўйлик сезсин.

5. Овқатни вақтида тайёрла, асло кечиктирма. Эринг уйга келиши билан, дастурхон сол.

6. Унинг уйқу вақтини, уйғониш пайтини билиб ол. Чунки очлик ва уйқунинг бузилиши эркакларнинг ғазабини қўзғайди.

7. Хожангнинг моли ва ашёсига эътиборли бўл, исроф қилма, авайлаб асра! Чунки унинг мол-дунёси сеникидир.

8. Эрингнинг қариндоши ва яқинларини иззат-ҳурмат қил. Бу билан хожангни ҳурмат қилган бўласан.

9. Эрингнинг сирларини бошқаларга айтувчи бўлма, унинг ишончини йўқотасан.

10. Хожангнинг амрига осий бўлма, унинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил. Шуни яхши билиб олки, хожанг хафа бўлганда хурсанд кўринишдан, у қувонган пайтда ғамгин бўлишдан ўзингни эҳтиёт қил!»

### **Куювларга насиҳат қилиш ҳам ўз ўрнида бўлган.**

Аввало, Қуръони Карим ва Суннатдаги насиҳатларнинг кўпчилиги эркакларга қаратилганини эслатишимиз лозим. Аммо, шу билан бирга, алоҳида уларга қаратилган насиҳатлар ҳам мавжуд. Мазкур насиҳатлардан баъзиларини тақдим этишга ижозат бергайсиз.

«Сен эр ўлароқ, билки, аёлинг аёл бўлганлиги учун сендан бошқача услуб билан тафаккур ва тасарруф қилади, унинг нафсониятини фаҳмлашинг ва эҳтиро-



мини қозонишинг учун қуйидаги насихатларга амал қилишинг керак бўлади:

1. У ҳам сен каби тасарруф қилиши керак деб ўйлама. Чунки у сендан бошқача яратилган.

2. Уни эътиборсиз қолдирма. Унга муҳаббат, меҳр ва омонлик ҳада эт. Чунки у аёллик табиати ила мазкур нарсаларга муҳтождир.

3. Унинг шикоятларини эътиборсиз қолдирма. Аёл киши ҳар доим маънавий ва меҳрли қўлловни истайди.

4. Унга совғалар тақдим қилишда бахил бўлма, чунки аёл зоти бахил эрни ёқтирмайди.

5. Аҳдини зиёрат қилишига қарши бўлма, агар бунга қарши бўлсанг, унинг муҳаббатини йўқотасан. Аёллар ўз аҳлига кўпроқ боғлиқ бўлади.

6. Гоҳ-гоҳи рашк қилишингни билдириб тур. Бу унинг аёллик иззат-нафсини рози қилиб туради.

7. Унга лутф кўрсат, аёллигини қондириб тур.

8. Унинг айбларини юзига солма. У танқидни ёқтирмайди.

9. Ундан юз ўғирма. Аёл киши ўзига қулоқ тутгани яхши кўради.

10. Унга хиёнат қилма. Аёл учун энг оғир нарса эрининг хиёнат қилишидир.

11. Унинг ўзини ҳам, ҳис-туйғуларини ҳам масҳара қилма, чунки у нозик хилқатдир, жароҳатни кўтара олмайди.

12. У сендан талаб қилган нарсани унутма. Акс ҳолда унда «қадр-қийматим йўқ экан» деган тушунча пайдо бўлади.

13. Ундан ёрдамингни аяма. Чунки аёл зоти доимо ўзи ишонадиган ва суянадиган шахсга муҳтождир.

14. Оилавий масъулиятларинг ва ваъдаларингни зинҳор эътиборсиз қолдирма. Уларга амал қилишинг аёлингга бўлган муҳаббатингни ҳис қилдиради.

15. Унинг иккингининг муаммоларингизни ҳал қилиш бўйича таклифларини эътиборсиз қолдирма. Агар ундай қилсанг, бу унга аҳамият бермаганлигингни билдиради.

16. Ундан муаммоларни оқилона ва мантиқий ҳал қилишини талаб қилма. Чунки аёл киши одатда кўпроқ отифага — ҳис-ҳаёжонга берилган бўлади.

17. Уйнинг майда-чуйда ишларига кўп аралашма. Бу борада унга ишон. Бу унга уйнинг ҳақиқий бекаси эканини сездириб туради.

18. Уни мақтаб туришдан ғофил бўлма. Унинг кийими, зийнати, пиширган нарсаларини, уй тутишини мақтаб тур. Бу унинг аёллик туйғусини рози қилади.

19. Аёл кишининг ҳомиладорлик, туғиш ва ҳайз каби оғир ҳолатларни бошидан ўтказишини асло унутма. Ўша пайтларда унинг ҳис-туйғуларини янада кўпроқ риоя қилиш лозим.

20. Унинг шахсий ҳурриятини кўп чеклама. Хусусан, ижтимоий алоқаларда.



## НИКОҲ ТҶИИ

Никоҳни эълон қилиш ва бошқа бир неча хайрли мақсадларда тўй қилиш шариатда тавсия қилинган амаллардан ҳисобланади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оналаримизга уйланганларида, ўша вақтнинг шароитидан келиб чиқиб, ўзлари оддий ва содда тўйлар қилганликлари маълум ва машҳур.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَقَامَ النَّبِيُّ ﷺ بَيْنَ خَيْبَرَ وَالْمَدِينَةِ ثَلَاثًا يُسْنَى عَلَيْهِ بِصَفِيَّةَ بِنْتِ حُجَيْبٍ، فَدَعَوْتُ الْمُسْلِمِينَ إِلَى وَليْمَةٍ، فَمَا كَانَ فِيهَا مِنْ حُبْزٍ وَلَا لَحْمٍ، أَمَرَ بِالْأَنْطَاعِ فَأَلْقَى فِيهَا مِنَ التَّمْرِ وَالْأَقِطِ وَالسَّمْنِ، فَكَانَتْ وَليْمَتَهُ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا أَبُو دَاوُدَ.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар билан Мадина орасида уч (кун) турдилар ва София бинту Ҳуяйга уйландилар. Мен мусулмонларни валиймага даъват қилиб келдим. Унда нон ҳам, гўшт ҳам йўқ эди. У зот тери дастурхонларни ёзишга амр қилдилар. Уларнинг устига хурмо, қурт ва сарёғ ташланди. У зотнинг валиймалари шундан иборат эди».

*Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбардан Мадинага қайтаётиб, София онамизга уйланишлари муносабати билан кишиларга валийма берганлар. Бу зиёфат, ривоятда зикр қилинганидек, содда ва оддий бўлган. Нон ва гўшт умуман бўлмаган. Ўша давр камбағалларининг кундалик таомлари — хурмо, қурт ва сариёғ теридан қилинган дастурхон устига ташлаб қўйилган, валиймага келган кишилар ана шулардан тановул қилганлар.

وَعَنْهُ قَالَ: مَا رَأَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ أَوْلِمَ عَلَى أَحَدٍ مِنْ نِسَائِهِ مَا أَوْلِمَ عَلَى زَيْنَبَ، أَوْلِمَ بِشَاةٍ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.



*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз аёлларидан бирортасига Зайнабга валийма қилгандек валийма қилганларини кўрмаганман. Унга бир қўй ила валийма қилдилар».**

*Учовлари ривоят қилганлар.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнаб бинти Жаҳш онамизга уйланган вақтларида, имкони бўлиб қолиб, бир қўй сўйиб тўй қилган эканлар. Бу тўй у зотнинг энг катта тўйлари ҳисобланганлиги ривоятда қайд қилинмоқда.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жигаргўшалари Фотимаи Заҳро розияллоҳу анҳонинг ҳазрати Али розияллоҳу анҳу билан тўйлари қуйидагича бўлган эди.

Тўй кечаси бўлганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам куёв бўлмиш Али ибн Абу Толибга:

«Эй Али, келинга бир тўй ҳам қилмоқ керак», — дедилар.

Шунда Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу:

«Менда бир қўчқор бор!» — деди.

Ансорийлардан бир гуруҳи бир неча соъ жўхори жамлаб келишди. Ана ўша нарсалардан тўй зиёфати уюштирилди.

Зиёфатдан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толибга:

«Менга учрамагунча бир нарса қилмай тур», — дедилар.

Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотима розияллоҳу анҳо турган жойга бордилар-да у кишига:

«Менга сув келтир», — дедилар.

Келинликка тайёрланиб олган Фотима розияллоҳу анҳо бир идишда сув келтирдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у сувдан Фотима розияллоҳу анҳонинг кўксиларига ва бошларига сепдилар-да:

«Аллоҳим, мен Сендан бунга ва бунинг зурриётларига қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тилайман», — дедилар.



Сўнгра у зот яна сув келтиришни талаб қилдилар. Бу сафар Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу бориб, ҳалиги идишда сув келтирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига ҳам худди Фотима розияллоҳу анҳога қилган ишларни ва дуоларни қилдилар ва:

«Аллоҳим, икковларига барака бергин, икковларининг устиларидан барака нозил қилгин ва икковларининг зурриётларини баракали қилгин», — дедилар.

Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки муаввизатайнни тиловат қилдилар ва:

«Ўз аҳлинг оддига Аллоҳнинг исми ва баракаси ила киравер», — дедилар.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг қариндошлари бу ҳодисани катта хурсандчилик ва маросим билан нишонладилар. Ҳатто куёвнинг амакиси Ҳамза ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳу иккита жонлиқ сўйиб, мадиналикларга зиёфат ҳам берди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларга тўй қилиш тавсиялари ҳақидаги энг машҳур ривоят «Абдурроҳман ибн Авфнинг ҳадиси» номи ила машҳур. Унда қуйидагилар айтилади.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ رَأَى عَلِيَّ بْنَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ أَتَرَ صُفْرَةً، فَقَالَ: مَا هَذَا؟ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي تَزَوَّجْتُ امْرَأَةً عَلَى وَزْنِ نَوَاةٍ مِنْ ذَهَبٍ، قَالَ: بَارَكَ اللَّهُ لَكَ، أَوْلِمَ وَلَوْ بِشَاةٍ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилнади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳуда сариқ (ранг) асарини кўриб:

«Бу нима?» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, бир аёлга данак вазнидаги тилло (маҳр бериб) уйландим», деди у.

«Аллоҳ сенга барака берсин! Бир қўй билан бўлса ҳам валийма қилгин», дедилар».

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳуда куёвлик белгиси бўлган сариқ ранг аломатини кўриб, нима учун ясанганларини сўрадилар. У киши бир аёлга уйланганлари, маҳрга бир данак вазнида тилла берганларини хабар қилдилар. Бу миқдордаги тилла чорак динор, яъни беш дирҳам кумуш пулга тенг келар эди. Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳу тўй қилмай, уйланганлари учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига: «Бир қўй сўйиб бўлса ҳам, тўй қил», — дедилар.

Ушбу зикр қилинган ва бошқа зикр қилинмаган далиллар эътиборидан, уламолар жумҳури: «Никоҳ тўйи қилиш мустаҳабдир», деганлар. Шофеъий мазҳабидаги баъзи уламолар бу ишни «вожиб», деганлар.

Никоҳ тўйининг шариатга киритилишининг бир неча ҳикматлари бор:

1. Никоҳ тўйи одамлар орасида никоҳни эълон қилишдир.

Одатда совчилик ва қудачилиқдан кўпчилик хабардор бўлмайди. Ақди никоҳ маросимида эса бир неча кишиларгина иштирок этадилар. Одамлар келин-куёвни бирга кўрганларида ҳар хил фикрга бормасликлари, «булар нимага бирга юрибди экан?» демасликлари учун никоҳ тўй орқали эълон қилинади.

2. Никоҳ тўйи қилишда келин-куёв ва уларнинг яқинлари қалбига қувонч бағишлаш бордир.

3. Никоҳ тўйи туфайли кишилар орасидаги ижтимоий алоқалар ривожланади, уларнинг орасидаги биродарлик мустаҳкамланади, меҳр ва мурувват зиёда бўлади.

4. Никоҳ тўйи орқали мусулмонлар орасидаги ижтимоий тенглик йўлга қўйилади. Тўйга камбағалларни таклиф қилишга алоҳида эътибор берилади.

وَكَانَ أَبُو هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: شَرُّ الطَّعَامِ طَعَامُ الْوَلِيمَةِ يُدْعَى لَهَا الْأَغْنِيَاءُ وَيُتْرَكُ الْفُقَرَاءُ. وَمَنْ تَرَكَ الدَّعْوَةَ فَقَدْ عَصَى اللَّهَ وَرَسُولَهُ ﷺ.  
رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.



*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу:*

**«Таомнинг энг ёмони бойлар даъват қилиниб, камбағаллар тарк қилган валийма таомидир. Ким даъватни тарк қилса, батаҳқиқ, Аллоҳга ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлибди», – дер эдилар.**

*Учовлари ривоят қилганлар.*

Ислолда валиймалардан, умуман, бировга таом бериш маросимларидан асосий мақсад, ҳожатманд кишиларни таомлантириш, уларнинг кўнглини кўтаришдир. Валийма қилган одам муҳтож камбағалга қарамай, бойларнинг эшигига бориб: «Менинг валиймамга бир қадамингиз етиб қолса, бахтиёр бўлар эдим», деб илтижо қилиши жуда ўринсиз ишдир.

Шунинг учун ҳам ундай валийманинг таомини «энг ёмон таом» дейилмоқда. Демак, валийма қилувчи киши кимларни чақиришни ҳам билиши керак. Зиёфат дастурхонига камбағал, бева-бечораларни кўпроқ даъват қилса, улар зиёфатдан қорни тўйиб, қайғуси кетиб, кўнгли кўтарилиб кетса, эҳсон ўрнига тушган бўлади.

5. Никоҳ тўйи қилиб, кўпчиликни чорлашдан кўзланган асосий мақсадлардан бири мусулмонлар жамоасининг янги оила ва келин-куёв ҳаққига дуоларидан умидворликдир.

**НИКОҲ ТҶИНИ ҚИЛИШ КИМНИНГ ЗИММАСИДА?**

Авваллари бу савол ўртага ташланмаган, чунки никоҳ тўйи кимнинг зиммасида эканини ҳамма яхши билган ва унга амал қилган. Ҳозир ҳам кўпчилик жамиятларда, ҳатто мусулмон бўлмаган халқларда ҳам тўйни эр тараф қилади. Агар «Никоҳ тўйини келин тараф қилиши керак» деган гап айтилса, уларнинг ҳуши бошидан учиб кетиши турган гап. Айниқса, «Ош қиз тарафда бўлади. Куёв тараф, ҳолига қараб, келин тараф қилган тўй ошига икки юз элликтагача, баъзида ундан ҳам кўпроқ одам олиб келади. Агар келин тараф уларни яхшироқ кутиб олмаса, балога қолади», дейилса, мутлақо ишонишмайди. Ҳа, шариат кўрсатмасига амал қилмаслик оқибатда инсон табиатига тўғри келмайдиган ана шундай нарсаларни қилишгача олиб боради.

Аслида, никоҳ тўйини қилиш эр тарафнинг вазифаси. Бунга ҳужжат ҳам бор, далил ҳам бор:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оналаримизга уйланганларида барча ҳолатларда, ўша вақтнинг имкониятидан келиб чиқиб, ўзлари никоҳ тўйи қилганлар. Бирорта онамизга: «Отанга айт, тўй қилиб берсин», демаганлар. Зотан, ўзини эр билган одамга бу гапни айтиш ордир.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйланган эркак саҳобаларга никоҳ тўйи қилишни буюрганлар. Бунга юқорида ўтган Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳу хусусидаги ҳадис мисол бўлади.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам никоҳ тўйи қилишни, камбағал бўлса ҳам, ўз куёвлари Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга топширганлар.

«Эртасига Али ибн Абу Толиб келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқинроқ жойга турди ва у зот эшитадиган қилиб:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизларига совчилик қилмоқчи бўлган эдим. Ўзимнинг бирор нарсам ҳам йўқ эди. Аммо яқинлик ва меҳрларидан умидвор бўлиб сўраган эдим», — деди.



Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол буни мулоҳаза қилдилар ва у кишига оғир ботмайдиган қилиб:

«(Маҳрга) бирор нарсанг борми?» — дедилар.

«Йўқ, ё Расулаллоҳ», — деб жавоб берди Али.

«Ҳутамийя совутинг қани?» — дедилар.

«Ўзимда, ё Расулаллоҳ», — деди.

«Бўлмаса ўшани бер», — дедилар.

Али ибн Абу Толиб совутни олиб келди.

Тўй кечаси бўлганида Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам куёв бўлмиш **Али** ибн Абу Толибга:

«Эй Али, келинга бир тўй ҳам қилмоқ керак», — дедилар.

Шунда Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу:

«Менда бир қўчқор бор!» — деди.

Ансорийлардан бир гуруҳи бир неча соъ жўхори жамлаб келишди. Ана ўша нарсалардан тўй зиёфати уюштирилди...».

4. Ислом уммати ва уламолар жумҳурининг ижмоъи.

**Нима учун никоҳ тўйи қилиш эркакка юклатилган?**

Аввало, эркакка эркак бўлганлиги учун никоҳ тўйи қилиш юклатилган. Зотан, янги қурилган оила унинг номидаги оила бўлади. Мазкур оиланинг бошлиғи айнан эркак бўлади. Хотини қилиб берган тўй эркакка шараф эмас, ор-номус бўлади.

Иккинчидан, бир қиз ота-онадан туғилиб, уларнинг тарбиясини кўриб, энди вояга етганда уларни ва бошқа оила аъзоларини ташлаб, бошқа тарафга ёлғиз ўзи бориб, янги оилага аъзо бўлишга рози бўлишининг ўзи куёв ва унинг оиласи учун шарафдир. Бу билан, куёв ва унинг оиласининг жамиятдаги обрўси ошади. Бунга эса, айнан келин сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам куёв тараф келиннинг шарафига тўй беради.

## НИКОҲ ЭЪЛОНИ ВА УНДА КЎНГИЛХУШЛИК ҚИЛИШ

Никоҳни эълон қилишнинг ҳикмати аввал ҳам айтиб ўтилди. Ўша эълон қилишда баъзи мусиқа овозлари ҳам ишлатилиши ҳадисларда келган. Шу билан бирга, никоҳ тўйларида шариат кўрсатмалари доирасида кўнгилхушлик қилишга рухсат берилган. Бу ҳақиқатларни келгуси ҳадиси шарифлардан ва уларнинг шарҳидан ўрганамиз.

عَنِ الرَّبِيعِ بْنِ مُعَوِّذٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: جَاءَ النَّبِيُّ ﷺ فَدَخَلَ حِينَ بَنِي عَلِيٍّ، فَجَلَسَ عَلَيَّ فِرَاشِي كَمَا جَلَسَ هَذَا، فَجَعَلَتْ جَوَائِزِيَّ لَنَا يَضْرِبُنَ بِالْذُّفِّ وَيَنْدُبُنَ مَنْ قُتِلَ مِنْ آبَائِي يَوْمَ بَدْرٍ إِذْ قَالَتْ إِحْدَاهُنَّ: وَفِينَا نَبِيٌّ يَعْلَمُ مَا فِي غَدٍ، فَقَالَ: دَعِي هَذِهِ وَقُولِي بِالَّذِي كُنْتِ تَقُولِينَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Рубайийъ бинту Муъаввиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тўйимда келиб тўшагимга худди сен ўтирганга ўхшаб ўтирдилар. Шунда қизчалар дуф чалиб, Бадр куни қатл қилинган оталарим ҳақида хиргойи қилишди. Шу пайт улардан бири:

«Ичимизда эртага нима бўлишини билувчи Набий бор», деб қолди.

Бас, у зот:

«Буни қўй, аввал айтаётганингни айт», дедилар».

*Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.*

Рубайийъ розияллоҳу анҳонинг оталари Муъаввиз ҳамда Авф ва Муъоз исмли икки амакилари Бадрда шаҳид бўлган эдилар. Рубайийъ вояга етиб, Иёс ибн Букайр Лайсийга турмушга чиқади. Тўйга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам келадилар. Ичкарига кириб, Рубайийъ розияллоҳу анҳонинг тўшакларига ўтирадилар.

Шунда қизлар чидирма чалиб, Бадрада шаҳид бўлганлар, хусусан, Рубайийъ розияллоҳу анҳонинг оталари (отаси ва икки амакиси) мадҳида айтилган шеърни куйга солиб, оҳанг билан айтадилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам эшитиб ўтирадилар. Қизлар айтиб бориб, «Ичимизда эртага нима бўлишини биладиган, ғайбдан хабардор Набий бор», деган маънодаги байтни ҳам айтадилар. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Буни айтманглар, олдин айтаётган нарсаларингни айтинглар», деб кўрсатма берадилар.

Ушбу ҳадисда тўйда кўнгилхушлик қилиш жоиз экани баён қилинмоқда. Эркак киши қизларнинг оҳанг билан айтган шижоат, одоб-ахлоқ, сахийлик каби маъноларни ўз ичига олган байтларини эшитиши жоиз экани келиб чиқмоқда.

Уламоларимиз: «Албатта, бу нарса парда ортидан бўлса ҳамда фитна бўлиши хавфи бўлмасагина, жоиз», деганлар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّهَا زَفَّتْ امْرَأَةً إِلَى رَجُلٍ مِنَ الْأَنْصَارِ، فَقَالَ نَبِيُّ اللَّهِ ﷺ: يَا عَائِشَةُ، مَا كَانَ مَعَكُمْ لَهُمْ؟ فَإِنَّ الْأَنْصَارَ يُعْجِبُهُمُ اللَّهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَحْمَدُ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«У киши бир аёлни бир ансорий кўевникига уза-тиб борган эканлар. Шунда Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Оиша, сизларда дилхушлик бўлдимиз? Чунки ансорийларга дилхушлик қилиш ёқади», дедилар».

*Бухорий ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

Бу ҳам тўйда шариат чегарасидан чиқмай, ўйин-кулги қилиш жоизлигига далилдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маълум қавмларнинг ҳатто ўйин-кулги, кўнгилхушлик қилишни яхши кўришларигача инобатга олиб, муомала қилганликлари эътиборга сазовордир. Ан-



сорийлар — Мадина аҳли мусулмонлари табиатида ўйин-кулгига мойиллик борлигини, тўйларда кўнгилхушлик қилиш жоизлигини Оиша онамизга эслатишлари шуни кўрсатади.

Бошқа ривоятлардан маълум бўлишича, ушбу ривоятдаги келин Фориҳа бинти Асъад исми етим қиз бўлган. Оиша онамиз уни тарбия қилиб ўстирганлар. У қиз баловатга етганида Нубайт ибн Жобир ал-Ансорийга узатганлар. Оиша онамиз розияллоҳу анҳо Фориҳа розияллоҳу анҳони куёвниқига «келин туширди» қилиб олиб борганлар. У киши қайтиб келганларидан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ривоятдаги саволни бериб, кўнгилхушлик бўлган-бўлмаганлигини сўраганлар.

Бошқа ривоятда:

«Чилдирма чалиб, қўшиқ айтадиган қиз ҳам юбордингларми?» — деганлар.

Оиша онамиз:

«У қиз нима деб айтади, ё Расулаллоҳ?» — деганлар.

Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам биздаги «ёр-ёр»га ўхшаш байтларни айтганлар.

Аёл-қизлар ўзлари, эркакларга аралашмасдан, шариат чегарасидан чиқмаган ҳолда, чилдирма чалиб, қўшиқ айтсалар, ўйин-кулги қилсалар, жоиз.

عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ حَاطِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: فَضْلُ مَا بَيْنَ الْحَلَالِ وَالْحَرَامِ الدَّفُّ وَالصَّوْتُ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ وَحَسَنُهُ.

Муҳаммад ибн Ҳотиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Никоҳда ҳаром билан ҳалолнинг орасининг ажралиши чилдирма ва овоздир», дедилар».**

Насаий ва Термизий ривоят қилдилар. Термизий ҳасан, деган.

Ушбу ривоятдаги «ҳалол» ва «ҳаром» лафзлари никоҳ тўғрисидадир. Одатда, яширин никоҳ — ҳа-

ром никоҳни биров билмасин деб, овоз чиқармай, чилдирма чалмай, қўшиқ айтмай, жимжитлик билан ўтказиб юборилади.

Ҳалол никоҳни эса, иложи борича кўпроқ кишига эълон қилинади, билдирилади. Чунки бу катта хурсандчилик ва сурурга боис бўлган нарсадир. Уша ҳалол қўшилишни эълон қилиш, кўпчиликка билдириш ила кўп одамлар гувоҳ қилинади, икки ёшнинг шаръий равишда эр-хотин бўлганларини ҳамма билади ва ҳақларига дуо қилади. Бу, албатта, жуда матлуб ва маъқул ишдир.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أَعْلِنُوا هَذَا  
النِّكَاحَ وَاجْعَلُوهُ فِي الْمَسَاجِدِ، وَاضْرِبُوا عَلَيْهِ بِالذُّفُوفِ. رَوَاهُ أَحْمَدُ  
وَالْتِّرْمِذِيُّ وَحَسَنُهُ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Бу никоҳни эълон қилингиз, уни масжидларда ўтказингиз, унинг учун чилдирмалар чалингиз», дедилар».**

*Аҳмад ва Термизий ривоят қилдилар. Термизий ҳасан, деган.*

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам никоҳга оид уч нарсага амр қилмоқдалар.

1. Никоҳни эълон қилиш. Бу зарурий нарса, олдин айтиб ўтилганидек, эълон орқали икки ёшнинг ҳалол-пок равишда, шаръий оила қуриб яшай бошлаганларини кўпчиликка билдириб қўйиш бўлади.

2. Никоҳни масжидларда ўтказиш. Бунда турли ҳаром ва макруҳ ишлардан четлаш осон бўлади. Яъни никоҳни эълон қилишнинг бир қисмини масжидларда ўтказиш яхшидир.

3. Дуфф — чилдирма чалиш. Бу билан хурсандчилик изҳор қилинади, никоҳнинг эълони кўпроқ тарқалади.

عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: دَخَلْتُ عَلَى قُرْظَةَ بِنِ كَعْبٍ وَأَبِي  
مَسْعُودِ الْأَنْصَارِيِّ فِي عُرْسٍ وَإِذَا جَوَارِ يُغْنَيْنَ، فَقُلْتُ: أَنْتُمْ صَاحِبَا  
رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَمِنْ أَهْلِ بَدْرٍ يُفْعَلُ هَذَا عِنْدَكُمْ؟ فَقَالَا: اجْلِسْ إِنْ  
شِئْتَ فَاسْمَعْ مَعَنَا، وَإِنْ شِئْتَ فَادْهَبْ، قَدْ رُخِّصَ لَنَا فِي اللَّهْوِ عِنْدَ  
الْعُرْسِ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ.

*Омир ибн Саъд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

«Бир никоҳ тўйида Қуроза ибн Каъб ва Абу Масъуд ал-Ансорий розияллоху анҳумоларнинг олдиларига кирдим. Қарасам, жориялар қўшиқ айтмоқдалар.

«Икковларингиз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобалари бўлсангиз, Бадр аҳллардан бўла туриб, ҳузурингизда шундай иш бўлиб туриши нимаси?» дедим.

«Хоҳласанг, бизлар билан ўтириб, эшит. Хоҳласанг, кетавер. Батаҳқиқ, бизга никоҳ тўйида дилхушликка рухсат берилгандир», дедилар икковлари».

*Насайй ва Ҳоким ривоят қилдилар. Ҳоким саҳиҳ деган.*

Бу ривоятда никоҳ тўйларида кўнгилхушлик қилиш жоиз экани яна ҳам очиқроқ баён қилинмоқда. Бўлаётган кўнгилхушлик қилишга Омир ибн Саъд розияллоху анҳу томонидан айтилаётган очиқ-ойдин эътироз ҳамда фазл аҳли ва Бадр аҳли эгаларидан бўлган саҳобаларнинг унга рад жавоблари ғоят ибратлидир. Бадр аҳли бўлиш жуда ҳам улуғ мақом. Бу мақомга эришган кишилар ҳаммага ўрнак бўлганлар. Шунинг учун ҳам Омир розияллоху анҳу уларнинг қизлар айтаётган қўшиқни эшитиб ўтиришларини номуносиб деб билиб, танқид қилмоқчи, уялтирмоқчи бўладилар. Аммо натижа тамоман аксинча бўлиб чиқади. Икки улуғ саҳобий никоҳ тўйида кўнгилхушлик қилишга рухсат берилганини айтиб, Омир ибн Саъд розияллоху анҳунинг ўзини уялтириб қўйишади.



### Никоҳ тўйини ўтказиш бўйича мулоҳазалар.

Аввалдан таъкидланиб келаётганидек, никоҳ поклик ва ҳалоллик разми ва шиоридир. Авваллари бирга ёлғиз қолишлари ҳам ҳаром бўлган икки жинсдаги шахсларнинг эр-хотин бўлиб яшашлари никоҳ орқали ҳалолга айланади. Никоҳ тўйи ҳам ҳалоллик, поклик, яхши ният, бахт-саодат шодиёнасига айланиши керак.

Шунинг учун ҳам қадимдан мусулмонларнинг никоҳ тўйларида шариат ман қилган ҳаром-хариш иш ва нарсаларнинг барчасидан алоҳида таъкидланган равишда ҳазар қилиб келинган. Бу борада бошқа қавмларнинг ҳаром-хариш одатлари бизга ўрнак бўлиши керак эмас.

Тўйларда бевақт ва ноўриқ шовқин-сурон кўтариб, тўй иштирокчиларига ҳам, атрофда яшовчиларга ҳам озор берадиган даражага бормаслик керак. Мисол учун, никоҳ тўйларида ёшларга, келин-куёвнинг дўст-дўгоналарига кўнгилхушлик қилишга рухсат берилган. Аммо бу ишда ҳаддан ошмаслик, айниқса, ўшандай тўйларда қатнашаётган қарияларнинг қулоқларини қоматга келтирмаслик керак. Овоз кучайтиргичларни борича кўтариб, маҳалладаги беморлар, гўдаклар, кексалар ва бошқаларнинг тинчини бузиб, дуоибадига қолмаслик керак.

Никоҳ тўйлари маст-аластлик, бақир-чақир, уруш-жанжал ва кўнгилсизлик билан эмас, хурсандчилик ва яхши дуолар билан тугаши лозим.

Шунингдек, бундай йиғинларда аёл-эркакнинг аралаш-қуралаш бўлиб иштирок этиши шаръан ножоиздир. Куй ва қўшиқлар ҳам гуноҳга қўзғайдиган, шаҳватни уйғотадиган, бўлмаслиги, балки ибратли, эзгуликка бошлайдиган тарзда бўлмоғи даркор.

## КЕЛИН-КУЁВ ҲАҚҚИГА ДУО ҚИЛИШ

Никоҳ ва тўй ҳақида хабар топган ҳар бир кишининг ўша никоҳ ва тўйга сабабчи бўлган келин-куёвларнинг қураётган оилалари ва ўзларига бахт-саодат тилаб дуо қилиши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига воситасида барча мусулмон халқлар маданиятининг ажралмас қисмига айланган. Қуйида мазкур маданиятга асос бўлган ривоятлардан баъзиларини ўрганиб чиқамиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا رَفَأَ الْإِنْسَانَ إِذَا تَزَوَّجَ، قَالَ: بَارَكَ اللَّهُ لَكَ، وَبَارَكَ عَلَيْكَ، وَجَمَعَ بَيْنَكُمَا فِي خَيْرٍ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон инсонни уйланган пайтида табрикласалар, «Аллоҳ сенга муборак қилсин, барака берсин ва иккингизининг орангизни хайр ила жам қилсин», дер эдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Келин-куёвни тўй билан табриклаш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан қолган суннатдир. Бу суннатга биноан, ҳар бир мусулмон келин-куёвнинг тўйлари муносабати ила уларни табриклаш пайтида ҳақларига Аллоҳ таолодан хайр-барака ва бахтли ҳаёт кечиришларини сўраб, дуо қилиши керак.

عَنِ الْحَسَنِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: تَزَوَّجَ عَقِيلُ بْنُ أَبِي طَالِبٍ امْرَأَةً مِنْ بَنِي جُثَمٍ، فَقِيلَ لَهُ: بِالرِّفَاءِ وَالْبَنِينَ، قَالَ: قُولُوا كَمَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بَارَكَ اللَّهُ فِيكُمْ، وَبَارَكَ لَكُمْ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

Ҳасан розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ақийл ибн Абу Толиб Бану Жусамлик бир аёлга уйланди. Бас, унга «Муроса ва болалар ила», дейилди. Шунда у:



**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, «Аллоҳ сизларга муборақ қилсин ва барака берсин», денглар», деди».**

*Насаий ривоят қилган.*

Кишилар Ақийл ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни уйлангани муносабати ила муборақбод қилишда ўзларига одат бўлиб келаётган эски табрик сўзларини айтишган эди, у кишига ёқмади. У киши розияллоҳу анҳу, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам янги уйланган одамни қандай сўзлар билан табриклаган бўлсалар, мени ҳам шундай табрик қилинглар, деб ўргатдилар.

Ҳа, мусулмон киши ҳар бир нарсада ўз Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашмоғи лозим. Ҳатто уйланиш муносабати ила айтиладиган табрик сўзларида ҳам.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: تَرَوَجَّحِي النَّبِيَّ ﷺ، فَأَتَيْتَنِي أُمِّي فَأَدْخَلْتَنِي الدَّارَ فَإِذَا نِسْوَةٌ مِنَ الْأَنْصَارِ فِي الْبَيْتِ، فَقُلْنَ: عَلَى الْخَيْرِ وَالْبَرَكََةِ وَعَلَى خَيْرِ طَائِرٍ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга уйланганларида онам келиб, мени ҳовлига олиб кирдилар. Қарасам, ансорий аёллар уйнинг ичида эканлар. Бас, улар «Хайр ва баракали бўлсин. Энг бахтли ва насибали бўлсин», дедилар».**

*Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Оиша онамизнинг тўйлари Мадинаи Мунавварда бўлган. Оиша онамизнинг оналари Умму Руммон бинти Омир ибн Абдушамс розияллоҳу анҳонинг ўзлари у кишини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оддиларига олиб кирганлар. Ушанда ҳовлида Асмо бинти Язийд розияллоҳу анҳо бошлиқ бир гуруҳ Мадина аёллари ҳам бўлганлар. Улар келин бўлмиш Оиша онамизни кўрганлари заҳоти у кишининг ҳақларига яхши тилаклар билан дуо қилганлар.

Кейин Умму Руммон розияллоҳу анҳо Оиша она-мизни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оддиларига олиб кириб, ўтқазганлар ва:

«Мана бу — аҳлингиз, ё Расулаллоҳ, Аллоҳ сизга буларни муборак қилсин», — деганлар.

Демак, келин-куёвни кўрган киши дарҳол табрик-лаб, яхшиликлар тилаб дуо қилиши керак экан.

## КУЁВНИНГ КЕЛИН ҲУЗУРИГА ДАСТЛАБКИ КИРИШИ

Тўй тугаб, меҳмонлар тарқалиб кетгандан сўнг, одатда, куёвнинг алоҳида тайёрланган хонада кутиб ўтирган келин ҳузурига дастлаб киришига алоҳида эътибор берилиши турган гап. Албатта, бир умрлик савдо бўлмиш никоҳли ҳаётни амалий бошлаш ҳодисаси алоҳида ҳис-ҳаяжон, орзу-истаклар билан тўлиб-тошган бўлиши муқаррар. Бундай пайтда қилинадиган ҳар бир иш, босиладиган ҳар бир қадам ва айтиладиган ҳар бир сўз умр бўйи эсда қоладиган бўлиши ҳам табиий.

Шунинг учун бўлса керак, одамларда бу ҳодисага алоҳида аҳамият бериш одати бор. Ушбу муносабат ила келажак ҳаётнинг бахтли бўлишига оид деб ўйланган ирим-сиримлар ҳам кўпайган. Айниқса, аёллар ичидаги гап-сўзлар, келин-куёвга бериладиган маслаҳатлар ҳам кўпайиб кетган.

Баъзи жойларда авваллари, келиннинг ризқи ўзи билан кирсин деб, янги уйга кириб келадиган келиннинг бошига нон боғлаб қўйишар, келин билан куёв ўз хоналарида дастлаб кўришганда ким иккинчисининг оёғини олдин босиб олса, оилада ўшанинг гапи ўтадиган бўлади, дейишарди. Яна, келин-куёвга ойнани кўрсатиб, қандайдир саволлар беришар ва ўша саволларга мос жавоб беришни талаб ҳам қилишарди. Ҳатто баъзи китобларда куёв уйнинг бурчагида оёғини ювиши ва яна нималардир қилиши кераклиги ҳақида ёзилган ҳам экан. Одамлар ўша ёзилган нарсаларга амал қилиш ёки қилмаслик борасида саволлар ҳам беришганди.

Эҳтимол, бундан бошқа гап-сўзлар, бидъат- хурофотлар ҳам бордир. Эҳтимол, кўплари йўқолиб ҳам



кетгандир. Лекин шаръий тушунчаларда бу ҳақда қандай кўрсатмалар борлиги билан ҳар бир мусулмон шахс қизиқиши турган гап. Уламолар куёв келиннинг олди-га биринчи бор кирганида нималар қилиши кераклиги ҳақида унча кўп гапларни айтмаганлар ва ривоятларни келтирмаганлар. Бу тўғрисида ушбу сатрларни ёзишдан олдин ҳозирги воситалар орқали ҳам қидириб кўриб, унчалар кўп нарса йўқлигига ишонч ҳосил қилинди. Яъни маълумот кўплигидан қай бирини олиш қийинлашадиган даражада эмаслиги аён бўлди. Ўзимиз аввал ёзган баъзи нарсаларга кейин топган маълумотларни қўшиб, тақдим этишга ижозат бергайсиз.

Дастлабки маълумот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг куёвлари ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг Фотимаи Заҳро розияллоҳу анҳо олди-ларига тўйдан кейин биринчи киришларидан олдин уларга қилган ишлари ва дуолари ҳақидадир.

«Тўй кечаси бўлганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам куёв бўлмиш Али ибн Абу Толибга:

«Эй Али, келинга бир тўй ҳам қилмоқ керак», — дедилар.

Шунда Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу:

«Менда бир қўчқор бор!» — деди.

Ансорийлардан бир гуруҳи бир неча соъ жўхори жамлаб келишди. Ана ўша нарсалардан тўй зиёфати уюштирилди. Зиёфатдан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толибга:

«Менга учрамагунча бир нарса қилмай тур», — дедилар.

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотима розияллоҳу анҳо турган жойга бордилар-да, у кишига:

«Менга сув келтир», — дедилар.

Келинликка тайёрланиб олган Фотима розияллоҳу анҳо бир идишда сув келтирдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у сувдан Фотима розияллоҳу анҳонинг кўксиларига ва бошларига сепдилар-да:

«Аллоҳим, мен Сендан бунга ва бунинг зурриётларига шайтони рожиймнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман», — дедилар.



Сўнгра у зот яна сув келтиришни талаб қилдилар. Бу сафар Али ибн Абу Толиб бориб, ҳалиги идишда сув келтирдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига ҳам худди Фотима розияллоҳу анҳога қилган ишларни ва дуоларни қилдилар ва:

«Аллоҳим, икковларига барака бергин, икковларининг устиларидан барака нозил қилгин ва икковларининг зурриётларини баракали қилгин», – дедилар.

Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки муаввизатайнни тиловат қилдилар ва:

«Ўз аҳлинг олдига Аллоҳнинг исми ва баракаси ила киравер», – дедилар».

Ушбу иқтибосдан куёвнинг келин олдига биринчи бор киришидан олдин қавмнинг катталари қиладиган ишлар ва дуолар ҳақида маълумот олишимиз мумкин.

– Куёв келиннинг олдига биринчи бор киришида хурсандлик, очиқ чехра ва мулойимлик билан кириши кераклиги китобларимизда тавсия қилинган. Чунки келин ҳис-ҳаяжонда, хавфда, хижолат ва ўзгача ҳолатда туради. Куёв «бисмиллаҳ»ни айтиб, ўнг оёқ билан салом бериб киради. Сўнгра келиннинг пешонасига қўлини қўйиб туриб, қуйидаги ривоятда келган дуони ўқийди.

عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا تَزَوَّجَ أَحَدُكُمْ امْرَأَةً أَوْ اشْتَرَى خَادِمًا فَلْيَقُلْ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَهَا وَخَيْرَ مَا جَبَلْتَهَا عَلَيْهِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهَا وَمِنْ شَرِّ مَا جَبَلْتَهَا عَلَيْهِ.  
رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

*Амр ибн Шуъайбдан, у отасидан, у бобосидан ривоят қилишади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Қачонки бирортангиз бирор аёлга уйланса ёки ходим сотиб олса, «Аллоҳим! Сендан унинг яхшилигини ва сен унга берган жибиллиятнинг (ахлоқнинг) яхшисини сўрайман. Ҳамда сендан унинг шарридан ва сен унга берган жибиллиятнинг (ахлоқнинг) ёмонидан паноҳ сўрайман», – десин».**

*Абу Довуд ва Насайй ривоят қилганлар.*

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Сендан унинг яхши-лигини ва Сен унга берган жибилият — ахлоқнинг яхшисини сўрайман. Ҳамда сендан унинг шарридан ва Сен унга берган жибилият — ахлоқнинг ёмонидан паноҳ сўрайман».

Келин-куёвга бошқалар дуо қилишлари билан бирга, уларнинг ўзлари ўзларига ва бир-бирларига дуо қилишлари ҳам жуда яхшидир. Албатта, ўшандай бахтли соатларда Аллоҳ таолодан ўзига ва умр йўлдошига бахт-саодат тилаб дуо қилмоқ муҳимдир.

Сўнгра икковлари биргаликда — куёв имом бўлиб, келин орқада иқтидо қилиб — икки рақъат намоз ўқисалар, жуда ҳам яхши бўлади. Ҳар ким ўзи ўқиса ҳам бўлаверади.

عَنْ سَلْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِذَا تَزَوَّجَ أَحَدُكُمْ امْرَأَةً فَكَانَ لَيْلَةَ الْبِنَاءِ فَأُصِلَ رَكَعَتَيْنِ، وَلَيَأْمُرُهَا فَلتُصَلِّ خَلْفَهُ رَكَعَتَيْنِ، فَإِنَّ اللَّهَ جَاعِلٌ فِي الْبَيْتِ خَيْرًا. رَوَاهُ الْبَزَّازُ.

*Салмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Қачон бирингиз бирор аёлга уйланса, қўшилиш кечасида икки рақъат намоз ўқисин, у(келин)га ҳам ортида икки рақъат намоз ўқишини айтсин. Албатта, Аллоҳ уйда яхшиликни (пайдо) қилувчидир».

*Баззор ривоят қилган.*

Албатта, бу каби намозлар хайрга, баракага, яхшиликка сабаб бўлиши турган гап. Мусулмон инсон учун намоз унинг ҳаётидаги энг азиз нарсадир.

Юқорида келтирилган нарсалар куёв ва келинлар учун уларнинг биринчи кечаларида яхши ният ила ихтиёрий қилинадиган ишлар ва дуолардан иборатдир. Яхши умид ила қилса, гўзал иш бўлади. Аммо қилмаса, шаръий жиҳатдан ҳечқиси йўқ. Буларни қилмаганлар «бу ишларни қилмаган эдик, энди нима бўлади?» деган хаёлларга бормасликлари лозим.

## ЖИНСИЙ ЯҚИНЛИК ОДОБЛАРИ

Сир эмас, Аллоҳ таоло инсонни яратганда хоҳ эр-как бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, жинсий туйғу ва эҳтиёж билан қўшиб яратгандир. Ўша хоҳиш-эҳтиёжни эса никоҳ йўли билан қондириш керак. Шунинг учун ҳам шариатга никоҳ киритилган. Чунки фақат никоҳ орқалигина ҳар бир инсонда мавжуд ўша жинсий эҳтиёжни ҳалол-пок равишда қондириш мумкин. Бу ўта нозик ва ҳиссиётли амалиётнинг ҳам ўзига яраша одоблари, маданияти бор.

Минг афсуслар бўлсинким, ушбу ўта муҳим одоб ҳам мусулмонлар орасида унутилиб, худди юқорида таъкидланган бошқа ҳолатлардаги каби, ўзга халқларнинг «одоби», яъни одобсизлиги кириб келмоқда. Уларнинг фаҳш фильмлари, нашриётлари, қўлланмалари «одоб» ўргатадиган манбага айланиб бормоқда. Буни бизнинг халқаро маълумотлар тармоғидаги саҳифамизга келаётган саволлардан тушуниб олиш мумкин. Эр-как ва аёллар кўпинча «Ундай қилса бўладими, бундай қилса бўладими?» дея мазкур бошқа маданиятнинг тақдим қилаётган «одоб»лари ҳақида сўрайдилар.

Бунинг бош сабаби бошқа маданиятнинг кишиларимизга таъсири бўлса, ундан кам бўлмайдиган яна бир сабаб ҳам мавжуд, у ҳам бўлса, бу нарсаларни кишиларга ўз маданиятимиз асосида тақдим қилинмаётгандир. Бу гапнинг далили сифатида ҳам халқаро маълумотлар тармоғидаги саҳифамизга мурожаат қиламиз. Бир неча йиллардан буён унинг «энг кўп ўқилган мақолалар» бўлимида биринчи ўринни «Жинсий алоқа одоблари» номли мақола эгаллаб турибди. ✓

Ислом маданиятида жинсий алоқа ўта шахсий ва нозик иш бўлганлигидан, бу нарса ўзига хос одоб билан муолажа қилинади. У ҳақдаги гаплар кўз-кўз қилинмайди, ҳамманинг қулоғи қизитилмайди. Ноўрин равишда кишиларнинг хаёли бузилмайди. Гуноҳга чақирилмайди. Ушбу юксак одоб барча ҳолатларда ўз ўрнини топган бўлади. Ҳаттоки, ота-онанинг ётоғи болаларга намоён бўлишининг ҳам олди олинади. У,



иложи борича, кўздан четроққа қилинади. Авваллари — тўшак ҳар куни солиб, ҳар куни йиғиладиган даврларда ҳам аввал ота-она ўз ётоғини йиғиб олиб, кейин болаларини уйғотганлар. Худди шу қоидага бошқа ҳолатларда ҳам амал қилинган.

Жишсий яқинлик одоби Қуръони Каримда зикр қилинган одоблардандир. Мана шу омилнинг ўзи ҳам бу борадаги одобларга қанчалик катта аҳамият берилганини кўрсатади.

Аллоҳ субҳаанаҳу ва таоло «Бақара» сурасида марҳамат қилади:

نَسَاؤُكُمْ حَرْتُ لَكُمْ فَأَتُوا حَرَّتِكُمْ أَنِّي سِئْتُمْ وَقَدِمُوا لِأَنْفُسِكُمْ وَأَتَقُوا  
اللَّهَ وَأَعْلَمُوا أَنَّكُمْ مَلَلَقُوهُ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ

«Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаган томонингиздан келинг. Ўзингиз учун (яхшилиқ) тақдим қилинг. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда, билингки, албатта, Унга рўбарў келувчисиз. Мўминларга хушxabар бер» (223-оят).

Эр-хотин орасидаги ҳассос ва нозик алоқа Қуръони Карим оятларида ўзига хос одоб ва услуб билан тасвирланади. Аввалги оятлардан бирида эр-хотинни бир-бирига нисбатан кийим — либос деб таъриф қилинган эди. Бу оятда эса аёллар экинзорга ўхшатиляпти. Экинзорга уруғ ташланса, ҳосил униб чиққанидек, аёлга эркақдан тушган уруғликдан фарзанд униб чиқишига ишорат қилиб:

«Аёлларингиз экинзорларингиздир», дейилмоқда.

Модомики, улар сизнинг экинзор эканлар,

«Бас, экинзорингизга хоҳлаган томонингиздан келинг».

Яъни, хоҳлаган вақтингизда, хоҳлаган ҳолатингизда жинсий яқинлик қилинг. Айни чоғда мақсад, кўзланган ғоя эсингиздан чиқмасин:

«Ўзингиз учун (яхшилиқ) тақдим қилинг».

Аллоҳдан кўрқиш, унга тақво қилиш ёдингиздан кўтарилмасин.

**«Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда, билингки, албатта, Унга рўбарў келувчисиз».**

Демак, эҳтиёт ва ҳушёр бўлиш керак. Оятнинг охирида эса Аллоҳга рўбарў келганда мўминларга яхшилик бўлишини таъкидлаб:

**«Мўминларга хушxabар бер», дейилапти.**

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَتْ الْيَهُودُ تَقُولُ: إِذَا أَتَى الرَّجُلُ امْرَأَتَهُ مِنْ دُبْرَهَا فِي قُبْلِهَا كَانَ الْوَلَدُ أَحْوَلَ، فَتَزَلَتْ - نِسَاؤُكُمْ حَرَّتْ لَكُمْ فَأَتُوا حَرَّتْكُمْ أَنَّى شِئْتُمْ - . رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

*Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Яҳудийлар «Агар эркак хотинига орқа томондан олдига яқинлик қилса, бола ғилай бўлади», дер эдилар. Шунда «Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаган томонингиздан келинг», ояти нозил бўлди».**

*Тўртовлари ривоят қилдилар.*

Жинсий тарбия муҳим масалалардан бўлганлиги учун Аллоҳ таоло уни Қуръони Каримда зикр қилган. Доим бўлгани каби, ўша пайтларда ҳам бу нозик ва ўта ҳассос масалада одамлар ичида бўлар-бўлмас гаплар чиқиб турар эди. Жумладан, аҳли китоб бўлган, маданият соҳиби саналган яҳудийлар ҳам турли дийдиёларни тарқатиб турар эдилар. Улар «Агар эр хотинининг олдига орқа тарафидан туриб яқинлик қилса, боласи ғилай туғилади» деган гапни тарқатган эдилар. Аллоҳ таоло юқорида зикр этилган оятни нозил қилиб, уларнинг гаплари ботил эканини баён этди. Қайси томондан бўлса ҳам, экин — бола бўладиган жойга бўлса, бас. Боланинг қаңдай бўлишига яқинлик қилиш ҳолати сабаб бўлмайди.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَوْ أَنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَأْتِيَ أَهْلَهُ قَالَ: بِاسْمِ اللَّهِ، اللَّهُمَّ جَنِّبْنَا الشَّيْطَانَ وَجَنِّبِ الشَّيْطَانَ مَا رَزَقْتَنَا، فَإِنَّهُ إِنْ يُقَدَّرَ بَيْنَهُمَا وَلَدٌ فِي ذَلِكَ لَمْ يَضُرَّهُ شَيْطَانٌ أَبَدًا. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

«Агар бирортангиз ўз аҳлига яқинлик қилишни ирода этган пайтида «Бисмиллаҳ. Аллоҳим! Биздан шайтонни четда қилгин, шайтонни бизни ризқлан-тирган нарсангдан четда қилгин», деса, албатта, агар ўшандан уларга фарзанд бериладиган бўлса, унга шайтон ҳеч қачон зарар етказа олмайди», дедилар».

*Бешовлари ривоят қилдилар.*

Дуонинг маъноси: «Аллоҳнинг номи билан. Аллоҳим, биздан шайтонни четда қилгин, шайтонни бизни ризқлантирган нарсангдан четда қилгин».

Жуфти ҳалолига жинсий яқинлик қилаётган киши ушбу дуони ўқиши лозим. Ўшанда шайтоннинг шарридан сақланган бўлади. Мабодо, ўша яқинлиқдан ораларида фарзанд пайдо бўлса, у болага ҳеч қачон шайтон зарар етказа олмайди.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: **إِيَّاكُمْ وَالتَّعْرِي، فَإِنَّ مَعَكُمْ مَنْ لَا يُفَارِقُكُمْ إِلَّا عِنْدَ الْغَائِطِ وَحِينَ يُفْضِي الرَّجُلُ إِلَى أَهْلِهِ، فَاسْتَحْيُوهُمْ وَأَكْرِمُوهُمْ.** رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

«Яланғоч бўлишдан сақланинглар. Чунки сиз билан қазои ҳожат ва эр киши ўз аҳлига қўшилган пайтдан бошқа вақтда ҳеч ажралмайдиганлар бўлади. Бас, улардан ҳаё қилинглар ва уларни икром этинглар», дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

Бу ривоятдаги «фақат икки ҳолатдан бошқа пайтда одамдан ажралмайдиганлар» деб айтиладиётган нарсалар фаришталардир. Мазкур икки ҳолатдан бири «эр киши ўз аҳлига борган пайт»идир.

Шунинг учун ҳам мўмин-мусулмонлар ўша фаришталарнинг риоясини қилиб юришлари керак. Шариат руҳсат бермаган ҳолатларда, фаришталарга

озор бўлмаслиги учун, авратларини асло очмаслик-лари лозим.

عَنْ عَلِيِّ بْنِ طَلْقٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَى أَعْرَابِيَّ النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، الرَّجُلُ مِمَّا يَكُونُ فِي الْفَلَاةِ فَتَكُونُ مِنْهُ الرُّوَيْحَةُ وَيَكُونُ فِي الْمَاءِ قَلَةً، فَقَالَ ﷺ: إِذَا فَسَأَ أَحَدُكُمْ فَلْيَتَوَضَّأْ، وَلَا تَأْتُوا النِّسَاءَ فِي أَعْجَازِهِنَّ، فَإِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْبِي مِنْ الْحَقِّ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

*Али ибн Толқ розияллоҳу аниҳудан ривоят қилинади:*

**«Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:**

**«Ё Расулаллоҳ, биздан бир киши очиқ жойда бўлади. Ундан ҳид чиқади. Сув оз бўлади», – деди.**

**Шунда у зот: «Қачон бирингиз ҳид чиқарса, таҳорат қилсин, аёлларнинг орқаларига яқинлик қилманглар! Албатта, Аллоҳ ҳақдан ҳаё қилмас», – дедилар».**

*Термизий ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

Аъробийлар саҳро табиатли бўлганликлари учун Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳар қандай нарсани, нима тўғри келса, тортинмасдан сўрайверар эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан доимо бирга бўладиган саҳобийлар ҳам аъробийлар келиб, бирор нарса сўрашса эди, биз ҳам фойдаланиб қолар эдик, деб турар эдилар.

Мана, бир аъробий келиб, аъробийчасига савол сўради. Унинг саволи ҳид чиқарган одам таҳорат қилмай қўяверса, бўлавермайдими, деган маънода эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳид чиқарган одам таҳорат қилиши шарт эканини таъкидлаш билан бирга, бошқа бир муҳим масалани ҳам айтиб ўтдилар. У ҳам бўлса, аёл кишининг орқасига яқинлик қилмаслик. Бу муҳим масала, буни эркагу аёл, ҳар бир шахс билмоғи керак. Чунки бу нарса ҳалол-ҳаромга, гуноҳга тегишли масала. Бу уят гап, деб айтмай кетадиган масала эмас. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур



гапни айтганларидан кейин: «Албатта, Аллоҳ ҳақдан ҳаё қилмас», деб илова қилиб қўйдилар.

Худди шу маъно бизнинг тилимизга «Шариатда шарм йўқ» деб таржима қилинган. Ҳалол-ҳаром, гуноҳ-савобга боғлиқ бўлганлиги учун оддий ҳолатларда уятли ҳисобланган баъзи гапларни ҳам гапиришга тўғри келиши шундай изоҳланади.

وَالْأَصْحَابِ السُّنَنِ: مَلْعُونٌ مَنْ أَتَى امْرَأَتَهُ فِي دُبْرِهَا.

«Сунан» эгаларининг ривоятида:

**«Ким аёл кишининг орқасига яқинлик қилса, малъундир», дейилган.**

Хотинининг олдини қўйиб, орқасига яқинлик қилиш катта гуноҳдир. Ундай одам Аллоҳ таолонинг лаънатига учрайди. Чунки бу шаръан ҳаром қилинган ишдир. Шариатда ҳаром қилинган ишни қилган одам эса лаънатга учрайди, Аллоҳнинг раҳматидан қувилади.

Кўп марта такрорланганидек, шариатда «ҳаром», «гуноҳ», «манъ қилинган» дейилган нарсаларнинг барчаси инсон зоти учун зарарли бўлади. Жумладан, аёл кишининг орқасига яқинлик қилиш ҳам бузуқ табиат аломати бўлиши билан бирга, аввало, ўша ишни қилувчиларга катта зарар келтириши турган гап.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا يَنْظُرُ اللَّهُ إِلَى رَجُلٍ أَتَى رَجُلًا أَوْ امْرَأَةً فِي الدُّبْرِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Эркак ёки аёл кишининг орқасига яқинлик қилган кишига Аллоҳ назар қилмас», – дедилар».**

Термизий ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Ушбу ривоятда зикр қилинган иш энг мункар ишлардан экани, уни инсонлик табиатидан чиқиб кетган малъунларгина қилиши мумкинлиги ҳаммага маълум ва машҳур.



وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: كُلُّ مَا يَلْتَهُو بِهِ الرَّجُلُ الْمُسْلِمُ بَاطِلٌ إِلَّا رَمِيَهُ بِقَوْسِهِ، وَتَأْدِيئَهُ فَرَسَهُ، وَمُلَاعَبَتَهُ أَهْلَهُ، فَإِنَّهُنَّ مِنَ الْحَقِّ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Мусулмон кишининг беҳуда кўнгилхушлик қилиши ботилдир. Камонидан ўқ отса, отини ўргатса ва аҳли билан ўйнашса, мустасно. Бу нарсалар ҳақдандир», – дедилар».**

*Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

Камондан ўқ отиш, мерганликка тайёрланиш ватан, дину диёнат мудофааси учун тайёргарлик кўришдир. Демак, бу борадаги уринишларнинг замонавий кўришларини ҳам беҳуда уриниш деб бўлмайди.

Отни ўргатиш ҳам, чавандозликни машқ қилиш ҳам ўзи ва жамияти фойдасига тайёргарлик кўришдан иборат. Бу маънодаги уринишлар, албатта, беҳуда ҳисобланмайди.

Хотини билан кўнгилхушлик қилиш ҳам шу тоифага киради. Бу нарса ҳалол, пок. Оиланинг иноклиги, орадаги муҳаббатнинг бардавомлиги шунга боғлиқ. Жумладан, жинсий яқинлик ҳам ушбу доирадаги ишларга киради.

وَقَالَ جَابِرٌ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: كُنَّا نَعْرُزُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَبَلَغَهُ ذَلِكَ فَلَمْ يَنْهَنَا. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

**«Жобир розияллоҳу анҳу:**

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида «азл» қилар эдик, бу нарса у зотга етганда бизни қайтармаганлар», деди».**

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилдилар.*

«Азл» – уруғликни бачадондан ташқарига тўкиш ҳақидаги барча далилларни ўрганган уламоларимиз: «Бу ишни фақат хотиннинг розилиги билан қилиш мумкин. Чунки бу аёл кишининг ҳаққидир», деганлар.

Тарғибот



Бу иш ўша вақтда бевақт ҳомила бўлиб қолишининг олдини олиш учун қилинадиган ишлардандир. Айни пайтда, у жинсий алоқа одобларига кирадиган ишлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам муҳаддисларимиз ушбу ривоятни мана шу бобда келтирадилар. Бундан эр-хотиннинг жинсий алоқа бобиди ҳам бир-бирларида ҳақлари борлиги билиб олинади.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنْ أَشَرَّ النَّاسُ عِنْدَ اللَّهِ مَنزِلَةَ يَوْمِ الْقِيَامَةِ الرَّجُلُ يُفْضِي إِلَى امْرَأَتِهِ وَتُفْضِي إِلَيْهِ ثُمَّ يَنْشُرُ سِرَّهَا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ.

*Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*  
**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қиёмат куни Аллоҳнинг наздида мартабаси энг ёмон одам аёлига яқинлик қилиб, аёли унга яқин бўлганидан кейин сирини одамларга ёйиб юрадиган кишидир», дедилар».**

*Муслим ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

Эр-хотиннинг орасидаги шариат иши (мубошарат) фақат иккисининг сирини бўлиб қолиши керак. Эр ҳам, хотин ҳам жинсий алоқа пайтида бўладиган нарсаларни бошқаларга айтмаслиги лозим. Мазкур сирини бошқаларга айтиб юриш беодоблик, шарму хаёсизлик ва гуноҳ иш ҳисобланади, жамиятда фоҳиша гап-сўз ва ишларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам қуйида ўрганиладиган ривоятимизда бу ишни қиладиган киши шайтонга ўхшатишмоқда.

وَلِأَصْحَابِ السُّنَنِ: إِنَّمَا مَثَلُ ذَلِكَ مَثَلُ شَيْطَانَةٍ لَقِيَتْ شَيْطَانًا فِي السُّكَّةِ فَقَضَى مِنْهَا حَاجَتَهُ وَالنَّاسُ يَنْظُرُونَ إِلَيْهِ.

*«Сунан» эгаларининг ривоятида:*

**«Унинг мисоли урғочи шайтон кўчада эркак шайтонга дуч келиб, одамлар қараб турганда ундан (урғочи шайтондан) ҳожатини қондириб олганга ўхшайди», — дейилган.**

Эр-хотинларнинг ўзлари ораларидаги жинсий ҳаёт ҳақида бошқаларга сўзлаб юришлари ана шундай шармандали иш ҳисобланади. Шунинг учун мўмин-мусулмон эркагу аёл ўзаро жинсий сирларини ҳеч кимга айтмасликлари керак.

Оилавий ҳаёт, жинсий муносабат одоблари ҳақида сўз кетар экан, ушбу мавзунинг ажралмас қисми бўлган ғул масаласини ҳам эслаб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлса керак. Билганларга такрор, билмаганларга илм-маърифат бўлади, иншааллоҳ.

## ҒУСА

«Ғул» сўзи луғатда бирор нарсанинг устидан сув оқизишни англатади.

Шариатда эса, Аллоҳ таолога қурбат ниятида баданинг ҳаммасига сув оқизишга «ғул» деб айтилади.

Ғулнинг шариатимизда вожиб қилинишининг ҳикматлари кўп.

Аввало, у – ибодат, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш учун зарур нарса.

Иккинчидан, поклик, озодалик ва соғлик учун ўта муҳим омил.

Қолаверса, ғулни вожиб қилувчи нарсалар туфайли инсон вужудида пайдо бўладиган баъзи нопокликларни кетказиш, маний кетиши ила жисм йўқотган нарсаларни қайта тиклашдир.

Жинсий яқинлик ва эҳтиломдан кейин ғул қилган одамда қон юриш яхшиланади ва тетиклик тикланади.

Шунингдек, ният билан қилинган ғул туфайли гуноҳлар ҳам ювилади.

## ҒУСЛНИНГ ФАРЗЛАРИ

**Бас, ғулнинг фарзи овзини, бурнини ва бутун баданини ювмоқдир.**

Бу жумладан ғулнинг фарзи учта экани англаб олинади:



### 1. Оғизни чайқаш.

Албатта, оғизни яхшилаб чайқаш ғулнинг фарзларидан бири экани ҳаммага маълум. Бусиз ғул бўлиши мумкин эмас.

### 2. Бурунни чайқаш.

Бурунни яхшилаб, муболаға ила чайиш ҳам ғулнинг фарзи ҳисобланади.

### 3. Баданнинг барча ерини ювиш.

Бутун танани, бирор туки остини ҳам қўймай, сув етказиб ювиш ҳам ғулнинг фарзидир.

Ғулнинг фарзлиги «Моида» сурасидаги:

وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُبًا فَأَطْهَرُوا

«Агар жунуб бўлсаларингиз, покланинглар» (6-оят) оятдан олинган. Бунда ювиш имкони бор барча жойни поклаш маъноси бордир.

Аллоҳ таоло яна «Нисо» сурасида:

وَلَا جُنُبًا إِلَّا عَابِرِي سَبِيلٍ حَتَّى تَغْتَسِلُوا

«Ва жунуб ҳолингизда ҳам, то ғул қилмагунингизча (масжидда турманг). Магар йўлдан ўтувчи бўлса, майли», деган (43-оят).

Ушбу икки оятда оғиз, бурун ва баданнинг барчасини ювиш маъноси бор.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: إِنْ تَحَتَّ كُلُّ شَعْرَةٍ جَنَابَةً فَاغْسِلُوا الشَّعْرَ وَأَنْقُوا الْبَشْرَةَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, ҳар бир тук толаси остида жунублик бор. Бас, сочни ювинг ва жилдингизни покланг», дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадиснинг бошқа бир ривоятида:

وَفِي رِوَايَةٍ: مَنْ تَرَكَ مَوْضِعَ شَعْرَةٍ مِنْ جَنَابَةٍ لَمْ يَغْسِلْهَا فَعَلْ بِهَا

كَذًا وَكَذًا مِنَ النَّارِ. قَالَ عَلِيٌّ: فَمِنْ ثَمَّ عَادَيْتُ رَأْسِي ثَلَاثًا وَكَانَ  
يَجْرُ شَعْرُهُ.

*Ушбу ҳадиснинг бошқа бир ривоятида:*

«Ким жунубликдан бир тук ўрнини ювмай қол-  
дирса, дўзахда ундай қилинади, бундай қилина-  
ди», дедилар».

«Али:

«Шунинг учун бошимни душман тутдим», деб уч  
марта айтди. У сочини қирдириб юрар эди», *дейил-  
ган.*

## ҲУСЛНИНГ СУННАТЛАРИ

Бас, унинг суннатлари икки қўлини ва фаржини  
ювмоғи ҳамда нажосатни кетказмоғи. Сўнг тоҳарат  
қилади. Аммо икки оёғини ювмайди. Кейин баданига  
уч марта сув қуяди. Сўнгра оёғини сув тўпланган  
жойдан бошқа ерда ювади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا اغْتَسَلَ  
مِنَ الْحَنَابَةِ يَبْدَأُ فَيَغْسِلُ يَدَيْهِ، ثُمَّ يُفْرِغُ بِيَمِينِهِ عَلَى شِمَالِهِ فَيَغْسِلُ فَرْجَهُ،  
ثُمَّ يَتَوَضَّأُ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ، ثُمَّ يَأْخُذُ الْمَاءَ فَيُدْخِلُ أَصَابِعَهُ فِي أَصُولِ  
الشَّعْرِ حَتَّى إِذَا رَأَى أَنْ قَدْ اسْتَبْرَأَ حَفَنَ عَلَى رَأْسِهِ ثَلَاثَ حَفَنَاتٍ، ثُمَّ  
أَفَاضَ عَلَى سَائِرِ جَسَدِهِ، ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ. رَوَاهُمَا الْحَمْسَةُ.

*Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:*

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам жу-  
нубликдан ҳусл қилсалар, аввал икки қўлларини  
ювишдан бошлар эдилар. Сўнгра ўнг қўллари билан  
чап қўлларига сув қуйиб, фаржларини ювар эди-  
лар. Кейин эса намозга қиладиган тоҳаратларини  
базарар эдилар. Сўнгра сувни олиб, панжаларини  
сочлари остига киритар эдилар. Токи, сув яхши ет-  
ганига ишонганларидан кейин бошлари устидан уч



**ҳовуч сув қуяр эдилар. Кейин қолган таналарига сув қуяр, сўнгра оёқларини ювар эдилар».**

*Иккала ҳадисни бешовлари ривоят қилганлар.*

عَنْ مَيْمُونَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: وَضَعْتُ لِلنَّبِيِّ ﷺ مَاءً لِلْغَسْلِ فَعَسَلَ يَدَيْهِ مَرَّتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا، ثُمَّ أَفْرَغَ عَلَيَّ شِمَالِهِ فَعَسَلَ مَذَاكِرَهُ، ثُمَّ مَسَحَ يَدَهُ بِالْأَرْضِ، ثُمَّ مَضَمَصَّ وَاسْتَنْشَقَ وَغَسَلَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ، ثُمَّ أَفَاضَ عَلَيَّ جَسَدَهُ، ثُمَّ تَحَوَّلَ عَن مَكَانِهِ فَعَسَلَ قَدَمَيْهِ. وَفِي رِوَايَةٍ: ثُمَّ غَسَلَ رَأْسَهُ ثَلَاثًا. وَفِي رِوَايَةٍ: فَأَتَيْتُهُ بِحِرْقَةٍ فَلَمْ يُرِدْهَا فَجَعَلَ يَنْفُضُ الْمَاءَ بِيَدِهِ.

*Маймуна розияллоху анҳодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам учун ғусл қилгани сув қўйдим. Бас, у зот икки қўлларини икки ёки уч марта ювдилар. Кейин чап қўлларига сув қуйиб туриб, олатларини ювдилар. Сўнгра қўлларини ерга суртдилар. Кейин оғизларини чайқадилар, бурунларига сув олдилар, юзлари ва икки билакларини ювдилар. Сўнгра таналарига сув қўйдилар. Кейин бошқа жойга ўтиб, икки оёқларини ювдилар».

*Бошқа бир ривоятда:*

«Сўнгра бошларини уч марта ювдилар», дейилган.

*Яна бошқа ривоятда:*

«Мен у кишига бир латта келтирган эдим, хоҳламадилар ва сувни қўллари билан сидира бошладилар», дейилган.

*Икки ҳадисни бешовлари ривоят қилганлар.*

**Сочи ўрилган аёл учун унинг остини ҳўллаши кифоя қилади.**

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي امْرَأَةٌ أَشَدُّ ضَفَرَ رَأْسِي أَفَأَنْقِضُهُ لِعَسَلِ الْحَنَابَةِ؟ قَالَ: لَا، إِنَّمَا يَكْفِيكَ أَنْ تَحْتِي عَلَى رَأْسِكَ ثَلَاثَ حَثِيَّاتٍ، ثُمَّ تُفِيضِينَ عَلَيْكَ الْمَاءَ فَتَطْهَرِينَ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

*Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Мен:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, мен сочимни мустаҳкам қилиб ўрадиган аёлман. Жунублик ғусли учун уни ёймоғим керакми?» дедим. У зот:**

**«Йўқ, сен учун бошинг устидан уч ҳовуч сув қуймоғинг кифоя қилур. Сўнгра устингдан сув қуясан. Бас, пок бўлурсан», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

Барча ҳужжат ва далилларни синчиклаб ўрганиб чиққан фуқаҳоларимиз ғуслни аввалидан охиригача қуйидаги тарзда баён қиладилар:

Дастлаб, ғусл қилувчи шахс тасмия айтади ва ният қилади. Кейин икки қўлини ювади. Кейин орқа, олди фаржини ювади. Баданида најосат бўлса, ўшани ювади.

Кейин худди намозга қилгандек тоҳарат қилади. Албатта, оғиз-бурунни муболаға билан чайқаш бор гап. Агар турган жойида сув жамланадиган бўлса, оёқларини ювишни кейинга суради.

Сўнгра бошига сув қуйиб, ишқаб ювади. Баданига уч марта сув қуяди. Ўнг елкасидан бошлаб сув қуяди. Кейин чап елкасига. Қўли билан баданини ишқайди. Икки қулоғи, киндиги, қўлтиқ ости каби сув етиши қийин жойларига алоҳида эътибор беради.

Ғуслнинг охирида бошқа тарафга ўтиб оёқларини ювади. Сув тўпланмаса, оёқларини ҳам ўша ерда ювиб олаверади.

Ғуслнинг одоблари ҳам худди тоҳаратнинг одобларига ўхшайди. Аммо ғуслда қиблага қараш йўқ.

Ғуслда қуйидаги нарсалар макруҳдир:

1. Сувни исроф қилиш.
2. Сувни ўта оз ишлатиш.
3. Сувни юзига уриш.
4. Одамлар гапини гапириш.
5. Узрсиз бошқадан ёрдам олиш.
6. Дуо қилиш.



## ҒУСЛНИ ВОЖИБ ҚИЛУВЧИ НАРСАЛАР

Унинг вожиб қилувчиси: ажралиб чиқаётганда шаҳват билан отилиб келадиган манийни тушириш. Закарнинг боши олд ёки орқа (фарж) ичига ғойиб бўлиши, қилувчига ҳам, қилинувчига ҳам (ғуслни вожиб қилади). Уйронган киши маний ёки мазийни кўриши. Ҳайз ва нифоснинг тўхташи. Ҳайвонга яқинлик қилган (маний) туширмаса, (вожиб бўлмайди). Жумъа, икки ийд намози, эҳром ва Арафа учун (ғусл) суннатдир.

Баловатга етган ҳар бир эркак-аёл ўзига ғусл вожиб бўлган ҳолатнинг «катта бетоҳаратлик» эканини яхши билиб олмоғи лозим. Тоҳаратни вожиб қиладиган ҳолат эса, «кичик бетоҳаратлик» деб аталади. Ғуслни вожиб қиладиган омиллар қуйидагилар:

**1. Ажралиб чиқаётганда шаҳват билан отилиб келадиган манийни тушириш.**

Аввало, ушбу бобда тез-тез такрорланиб турадиган баъзи истилоҳларни ўрганиб олайлик.

«Маний» — шаҳват шиддатлашган пайтда отилиб чиқадиган суюқлик.

Эркак кишининг манийси қуюқ ва оқ, аёл кишининг манийси суюқ ва сарғиш бўлади.

«Мазий» — эркак кишининг жинсий аъзосидан жинсий алоқани ўйлаган ёки хотинини қучоқлаган пайтда чиқадиган оқ суюқлик.

«Вадий» — бавл қилгандан кейин баъзида чиқадиган қуюқ оқ суюқлик.

Мазий ёки вадий чиққанидан ғусл қилиш йўқ.

Маний шаҳват билан отилиб чиқса, ғусл вожиб бўлади.

Бунда бошқа жинсдаги шахсга назар солиш, жинсий яқинликни тафаккур қилиш, бевосита қучоқлашиш ва шунга ўхшаш барча омиллар туфайли манийнинг шаҳват билан отилиб чиқиши назарда тутилади.

Аммо, маний шахснинг оғир нарса кўтариши, баланд жойдан йиқилиб тушиши каби омиллар туфайли шаҳватсиз равишда чиқса, ғусл вожиб бўлмайди.



Ҳанафий мазҳаби ижтиҳодига биноан, эр ва аёл кишидан, хоҳ уйқуда бўлсин, хоҳ уйғоқликда бўлсин, маний шаҳват билан отилиб чиққандагина ғул вожиб бўлади.

Биров мастлик ёки ҳушидан кетишдан сўнг ўзига келганда ҳўлликни кўриб, «маний» деб гумон қилса, ғул вожиб бўлади.

Уламоларимиз манийдан ғул қилиш вожиб бўлишига қуйидаги ривоятни далил қиладилар:

عَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ رَجُلًا مَذَاءً، فَسَأَلْتُ النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَ: فِي الْمَذْيِ الْوُضُوءُ، وَفِي الْمَنِيِّ الْغُسْلُ. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Кўп мазийлик киши эдим. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадим. Ул зот: «Мазийда тоҳарат, манийда ғул», – дедилар».

Аҳмад ривоят қилган.

2. Закарнинг боши олд ёки орқа (фарж) ичига войиб бўлиши қилувчига ҳам, қилинувчига ҳам (ғулсни вожиб қилади).

Бу ҳукмии фуқоҳоларимиз қуйидаги ояти карима ва бир қанча ҳадислардан олганлар.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида:

وَلَا جُنُبًا إِلَّا عَابِرِي سَبِيلٍ حَتَّى تَغْتَسِلُوا

«Ва жунуб ҳолингизда ҳам, то ғул қилмагунингизча (масжидда турманг). Магар йўлдан ўтувчи бўлса, майли», деган (43-оят).

«Жунуб» сўзи луғатда «четда турувчи» маъносини англатади.

Шариатда эса, жинсий яқинлик, уйқуда булғаниш ва бошқа сабабга кўра манийи чиқиб, ғул вожиб бўлган шахсга айтилади. Ғул вожиб бўлган одам намоздан, Қуръондан, масжиддан ва шариат кўрсатган бошқа нарсалардан четда бўлгани учун ҳам «жунуб» номини олган.



عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا جَلَسَ بَيْنَ شُعْبَيْهَا الْأَرْبَعِ ثُمَّ جَهَدَهَا فَقَدْ وَجَبَ الْغُسْلُ. وَفِي رِوَايَةٍ: وَإِنْ لَمْ يُنْزَلْ. وَفِي أُخْرَى: وَمَسَّ الْحِثَّانُ الْحِثَّانَ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا التِّرْمِذِيَّ.

*Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*  
**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Қачонки у (эр) у(хотин)нинг тўрт мучаси (қўл-оёғи) орасига ўтирса ва унга яқинлик қилса, батаҳқиқ, гусл вожиб бўлади», дедилар».**

*Бошқа ривоятда:*

**«Агар тўкмаса ҳам», дейилган.**

*Яна бошқа бир ривоятда:*

**«Хатна қилинган жой хатна қилинган жойга тегса», деганлар.**

*Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.*

Гусл вожиб бўлиши учун эркакнинг хатна қилинадиган жойи аёлнинг хатна қилинадиган жойига тегса, бўлди. Иссиқ минтақаларда, хусусан, араб юртларида қизларни ҳам хатна қилиш одати бор. Унда фаржнинг ичидаги бир оз ўсиб турадиган қисми хатна қилинади. Уламоларимиз, эркакнинг хатна қилинган жойи аёлнинг хатна қилинган жойига тегиши учун эркак аъзосининг бош қисми аёл аъзосига кириши керак, дейдилар. Ана шу ҳолат юзага келганда, икковларига ҳам гусл вожиб бўлади.

Қўшимча қилиб айтадиган маълумотлардан яна бири шуки, уламолар, закар номики асл фаржга кирса, гусл вожиб бўлаверади, деганлар.

### **3. Уйғонган киши маний ёки мазийни кўриши.**

Бу жумлада васф қилинган ҳолатни «эҳтилом» дейилади.

«Эҳтилом» дегани «уйқуда жинсий яқинликни кўрмоқ», «уйқуда булғанмоқ» деганидир.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: جَاءَتْ أُمُّ سُلَيْمٍ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيِي مِنَ الْحَقِّ فَهَلْ عَلَى الْمَرْأَةِ

مِنْ غُسْلٍ إِذَا اِحْتَلَمْتُ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: نَعَمْ، إِذَا رَأَتْ الْمَاءَ،  
فَقَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَتَحْتَلِمُ الْمَرْأَةُ؟ فَقَالَ: تَرَبَّتْ يَدَاكَ فَبِمِ  
يُشْبِهُهَا وَلَدَهَا. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

*Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*  
«Умму Сулайм Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, Аллоҳ ҳақдан ҳаё қилмайди. Аёл киши эҳтилом бўлса, ғусл қиладими?» деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа, сувни кўрса» дедилар.

Бас, Умму Салама:

«Эй Аллоҳнинг Расули, аёл киши ҳам эҳтилом бўладими?» деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қўлгинанг қурисин, бўлмаса боласи унга нимадан ўхшар эди?!» дедилар».

*Учалалари ривоят қилганлар.*

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سُئِلَ النَّبِيُّ ﷺ عَنِ الرَّجُلِ يَجِدُ  
الْبَلَلَ وَلَا يَذْكُرُ احْتِلَامًا، قَالَ: يَغْتَسِلُ. وَعَنِ الرَّجُلِ يَرَى أَنَّ قَدْ اِحْتَلَمَ  
وَلَا يَجِدُ الْبَلَلَ، قَالَ: لَا غُسْلَ عَلَيْهِ. فَقَالَتْ أُمُّ سَلِيمٍ: الْمَرْأَةُ تَرَى ذَلِكَ  
أَعْلَيْهَا غُسْلٌ؟ قَالَ: نَعَمْ، إِنَّمَا النِّسَاءُ شَفَائِقُ الرِّجَالِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ  
وَالْتِّرْمِذِيُّ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳўлни кўрган, лекин эҳтиломни эслай олмаган одам ҳақида сўралди. У зот:

«Ғусл қилади», дедилар. (Тушида) эҳтилом бўлганини кўрган, лекин ўнгида ҳўлни кўрмаган одам ҳақида (ҳам сўралдилар) У зот:

«Унга ғусл вожиб эмас», дедилар.

**Бас, Умму Сулайм:**

**«Аёл киши ҳам ўшани кўради. Унга ҳам ғулс вожиб бўладими?» деди. У зот:**

**«Ҳа, албатта, аёллар эркакларнинг туғишганларидир», дедилар».**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.*

Ушбу ҳадисда баён қилинаётган масала ҳам кўп учраб турадиган, айниқса, ёшларда тез-тез такрорланиб турадиган масаладир.

Биров тушида ғулс вожиб бўладиган бирор нарсани кўрганини эслай олмайди. Лекин бадаида, кийимида ёки ётган жойида манийнинг ҳўлини кўради. Нима қилиш керак? Албатта, ғулс қилиш вожиб, акс ҳолда, гуноҳқори азим бўлади.

Бошқа биров тушида жинсий алоқани кўрган, аммо уйғонса, ҳеч қаерда манийнинг ҳўли йўқ. Ундай одамга ғулс вожиб бўлмайди. Чунки ундан воқеъликда ғулс вожиб бўладиган нарса чиққан эмас.

Мана шу масалалар ҳақида савол-жавоб бўлиб турган жойда Умму Сулайм розияллоҳу анҳо ҳам бор эканлар. У киши фурсатдан фойдаланиб:

**«Аёл киши ҳам ўшани кўради. Унга ҳам ғулс вожиб бўладими?» — деди.**

Яъни, аёл киши ҳам эҳтиломни кўрмайди-ю, ҳўлни кўради. Унга ҳам ғулс қилиш вожиб бўладими, дедилар.

Бу саволга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавоб бериб:

**«Ҳа, албатта, аёллар эркакларнинг туғишганларидир», — дедилар.**

Яъни бу «Ҳа, аёл кишига ҳам ғулс вожиб бўлади. Аёл киши ҳам худди эркак кишига ўхшаш», деганларидир.

#### **4–5. Ҳайз ва нифоснинг тўхташи.**

«Ҳайз» луғатда «оқиш» маъносини билдиради.

Шариатда эса балоғатга етган аёл жинсининг раҳми ичидан туғишсиз, беморликсиз муайян муддатда чиқадиган қон ҳайздир.

Одатда, ҳайзнинг ранги қорамтир, ўзи ҳароратли ва оғриқ ила келадиган бўлиб, ҳиди нохуш бўлади.

«Нифос» сўзи «туғиш» ва «қон» маъноларини англатади. Шариатда эса, туғишдан кейин аёл кишининг раҳмидан келган қонга «нифос» деб айтилади.

Ҳайз ва нифос тўхтаганда ғусл қилиш вожиб бўлишига далиллар:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ فَاطِمَةَ بِنْتَ أَبِي حُبَيْشٍ كَانَتْ تُسْتَحَاضُ، فَسَأَلَتِ النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَ: ذَلِكَ عِرْقٌ وَلَيْسَتْ بِالْحَيْضَةِ فَإِذَا أَقْبَلَتِ الْحَيْضَةَ فَدَعِيَ الصَّلَاةَ، وَإِذَا أَذْبَرَتْ فَاعْتَسِلِي وَصَلِّي. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Фотима бинти Аби Ҳубайш, у истиҳоза бўлар эди, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан у ҳақда сўради. Бас, ул зот:

«У томирдан. Ҳайз эмас. Агар ҳайз келса, намозни қўй. Қачонки, ҳайз кетса, ғусл қил ва намоз ўқи», – дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар.*

Шунинг учун ҳайздан пок бўлган аёлга ғусл вожиб бўлади.

Нифос эса янги туққан аёлда тўпланиб қолган ҳайздир. Шунинг учун нифосдан пок бўлган аёлга ҳам ғусл вожиб бўлади.

«Мухтасар»нинг соҳиблари бу ерда зикр қилмаган вожиб ғусллар ҳам бор. Уларни бошқа уламоларимиз айтиб ўтганлар.

**6. Шаҳид бўлмаган мусулмон майитга ҳам ғусл вожиб бўлади.**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ҳаммага шу муомала қилинган.

Имом Бухорий ва имом Муслим Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда уловидан йиқилиб ўлган киши ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

اغْسِلُوهُ بِمَاءٍ وَسِدْرٍ وَكَفَّنُوهُ فِي ثَوْبَيْنِ.



**«Уни сув ва сидр ила ювинглар ва икки кийим ила кафанланглар»,** деганлар.

### **7. Номусулмон шахс Исломга кирса.**

Бу ҳолатда Моликий ва Ҳанбалий мазҳабларида ғусл қилиш вожиб бўлади. Бунга бир қанча далиллар бор. Мисол учун:

عَنْ قَيْسِ بْنِ عَاصِمٍ أَنَّهُ أَسْلَمَ فَأَمَرَهُ النَّبِيُّ ﷺ أَنْ يَغْتَسِلَ بِمَاءٍ  
وَسِدْرٍ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا ابْنَ مَاجَةَ.

**«Қайс ибн Осим розияллоҳу анҳу мусулмон бўлганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини сув ва сидр ила ғусл қилишга амр қилдилар».**

*Бешовларидан фақат Ибн Можа ривоят қилмаган.*

Ҳанафий ва Шофеъий мазҳаблари, агар мусулмон бўлган одам жунуб бўлмаса, ғусл мустаҳабдир, деганлар.

**Ҳайвонга яқинлик қилган (маний) туширмаса,** (вожиб бўлмайди).

Бундан маний туширса, ғусл вожиб бўлиши келиб чиқади. Ғусл вожиб бўлмайдиган ҳолатлардан яна баъзилари:

1. Мазий чиққанда.
2. Вадий чиққанда.
3. Тушида булганганда ҳўллик кўрмаганда.
4. Клизма қилдирганда.
5. Бармоқни икки йўлдан бирига киритганда.

## **СУННАТ ҒУСЛААР**

**Жумъа, икки ийд намози, эҳром ва Арафа учун (ғусл) суннатдир.**

Поклик дини бўлган Ислом мусулмонларни фақат вожиб ғуслар билан кифояланиб қолмасдан ғусл вожиб бўлмаган вақтларда ҳам бу ишни қилиб туришга тарғиб қилган.

### **1. Жумъа намози учун.**

Бу ҳақда кўплаб ҳадислар келган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Жумъа намози учун

ғусл қилганлар, бошқаларни ҳам ғусл қилишга буюрганлар.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْغُسْلُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُحْتَلِمٍ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

*Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Жумъанинг ғусли ҳар бир эҳтиломга етган учун вожибдир», – дейдилар».**

*Икки Шайх ривоят қилганлар.*

Бу маънодаги ҳадислар кўп. Шунинг учун ҳам баъзи мазҳабларда жумъа кунги ғусл суннати муаккада дейилган.

Ҳанафий мазҳабида эса, жумъа кунги ғусл суннат дейилган.

عَنْ سَمُرَةَ بِنِ جُنْدَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ تَوَضَّأَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فِيهَا وَنِعِمَّتْ، وَمَنْ اغْتَسَلَ فَالْغُسْلُ أَفْضَلُ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Самура ибн Жундаб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким жумъа куни тоҳарат қилса, қандай ҳам яхши. Ким ғусл қилса, ғусл афзал», – дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

**2. Икки ийд намози учун.**

Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар ва бу ишга тарғиб қилганлар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَغْتَسِلُ يَوْمَ الْفِطْرِ وَيَوْمَ الْأَضْحَى. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фитр куни ва ал-Азҳо куни ғусл қилар эдилар».**

*Ибн Можа ривоят қилган.*



### 3. Ҳаж ёки умра учун эҳром боғлаганда ғусл қилиш.

Бу ишни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва-саллам қилганлар ва қилишга тарғиб қилганлар.

عَنْ خَارِجَةَ بْنِ زَيْدِ بْنِ ثَابِتٍ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ ﷺ تَجَرَّدَ لِإِهْلَالِهِ وَاغْتَسَلَ. رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Хорижа ибн Зайд ибн Собит отасидан ривоят қилади:*

**«У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эҳром боғлаш учун ечиниб, ғусл қилганларини кўрган».**

*Термизий ва Дорақутний ривоят қилганлар.*

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: نَفَسْتُ أَسْمَاءَ بِنْتُ عُمَيْسٍ بِمُحَمَّدِ بْنِ أَبِي بَكْرٍ بِالشَّجْرَةِ، فَأَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أبا بَكْرٍ بِأَمْرُهَا أَنْ تَغْتَسِلَ وَتَهْل. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Асмо бинти Умайс Муҳаммад ибн Абу Бакрни туриб, нифосли бўлиб қолди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрга унга ғусл қилиб, эҳром боғлашга амр қилишни буюрдилар».**

*Муслим ривоят қилган.*

### 4. Арафотда туриш учун ғусл қилиш.

Бу ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан собит бўлган суннатдир.

رَوَى الْبَزَّازُ فِي مُسْنَدِهِ مِنْ حَدِيثِ الْفَاكِهِ بْنِ سَعْدٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ كَانَ يَغْتَسِلُ يَوْمَ الْفِطْرِ وَيَوْمَ النَّحْرِ وَيَوْمَ عَرَفَةَ.

*Баззор ўз «Муснад»ида ал-Фокиҳ ибн Саъд ҳадисидан ривоят қилади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фитр куни, Қурбонлик куни ва Арафа куни ғусл қилар эдилар».**



## 5. Истеҳоза (одатдан ташқари қон) кўрган аёл учун.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Ҳабиба ва Зайнаб бинти Жаҳш оналаримизга шундай ҳолатларда гусл қилишга буюрганлар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ أُمَّ حَبِيبَةَ اسْتَحْيِضَتْ سَبْعَ سِنِينَ، فَسَأَلَتْ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَنْ ذَلِكَ، فَأَمَرَهَا أَنْ تَغْتَسِلَ فَقَالَ: هَذَا عِرْقٌ. فَكَانَتْ تَغْتَسِلُ لِكُلِّ صَلَاةٍ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Умму Ҳабиба етти йил истеҳоза бўлди ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан у ҳақида сўради. Бас, ул зот уни гусл қилишга амр қилдилар ва:

«У томирдан», – дедилар.

Бас, у ҳар намозга гусл қилар эди».

*Бухорий ривоят қилган.*

## 6. Ҳушидан кетган одам ўзига келганда гусл қилиши.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар. Уламолар бунга жинниликдан тузалган ва мастликдан ҳушёр бўлган одамларни ҳам қўшадилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: ثَقَلَ النَّبِيُّ ﷺ فَقَالَ: أَصَلَّى النَّاسُ؟ قُلْنَا: لَا، هُمْ يَنْتَظِرُونَكَ، قَالَ: ضَعُوا لِي مَاءً فِي الْمِخْضَبِ، قَالَتْ: فَفَعَلْنَا فَاغْتَسَلَ، فَذَهَبَ لِيُنَوِّءَ فَأُغْمِيَ عَلَيْهِ، ثُمَّ أَفَاقَ فَقَالَ ﷺ: أَصَلَّى النَّاسُ؟ قُلْنَا: لَا، هُمْ يَنْتَظِرُونَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ! قَالَ: ضَعُوا لِي مَاءً فِي الْمِخْضَبِ، قَالَتْ: فَفَعَدَ فَاغْتَسَلَ ثُمَّ ذَهَبَ لِيُنَوِّءَ فَأُغْمِيَ عَلَيْهِ، ثُمَّ أَفَاقَ فَقَالَ: أَصَلَّى النَّاسُ؟ قُلْنَا: لَا، هُمْ يَنْتَظِرُونَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ! فَقَالَ: ضَعُوا لِي مَاءً فِي الْمِخْضَبِ، فَفَعَدَ فَاغْتَسَلَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.



*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам оғирлашиб қолдилар ва:

«Одамлар намоз ўқишдими?» – дедилар.

«Йўқ, улар сизга интизор бўлиб туришибди», – дедик.

«Мен учун тоғорага сув қуйинглар», – дедилар.

Биз шундай қилдик. Ул зот ғусл қилдилар. Бас, турмоқчи бўлган эдилар, ҳушларидан кетдилар. Сўнгра ўзларига келдилар ва:

«Одамлар намоз ўқишдими?» – дедилар.

«Йўқ, улар сизга интизор бўлиб туришибди. Ё Расулаллоҳ», – дедик.

«Мен учун тоғорага сув қуйинглар», – дедилар. Бас, ўтириб ғусл қилдилар. Сўнг турмоқчи бўлган эдилар, ҳушларидан кетдилар. Сўнгра ўзларига келдилар ва:

«Одамлар намоз ўқишдими?» – дедилар.

«Йўқ, улар сизга интизор бўлиб туришибди. Ё Расулаллоҳ», – дедик.

«Мен учун тоғорага сув қуйинглар», – дедилар. Бас, ўтириб ғусл қилдилар»

*Бухорий ривоят қилган.*

**7. Кўпчилик тўпланиб қилинадиган ибодатларда нохуш ҳидларнинг тарқалиб кетишининг олдини олиш ниятида ғусл қилиш тавсия қилинади.**

Бундай ишларга: Муздалифада тунаш, шайтонга тош отиш, зиёрат ва видо тавофлари, қуёш ва ой тутилгандаги намозлар ва истисқо намозлари киради.

عَنْ عِكْرِمَةَ أَنَّ أَنَسًا مِنْ أَهْلِ الْعِرَاقِ جَاءُوا فَقَالُوا: يَا ابْنَ عَبَّاسٍ،  
أَتَرَى الْغُسْلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَاجِبًا؟ قَالَ: لَا، وَلَكِنَّهُ أَطْهَرُ وَخَيْرٌ لِمَنْ  
اغْتَسَلَ، وَمَنْ لَمْ يَغْتَسِلْ فَلَيْسَ عَلَيْهِ بِوَاجِبٍ، وَسَأُخْبِرُكُمْ كَيْفَ بَدَأَ  
الْغُسْلَ، كَانَ النَّاسُ مَجْهُودِينَ يَلْبَسُونَ الصُّوفَ وَيَعْمَلُونَ عَلَى ظُهُورِهِمْ،  
وَكَانَ مَسْجِدُهُمْ ضَيْقًا مُقَابَرَبِ السَّقْفِ إِنَّمَا هُوَ عَرِيشٌ، فَخَرَجَ رَسُولُ

اللَّهِ ﷻ فِي يَوْمٍ حَارًّا، وَعَرِقَ النَّاسُ فِي ذَلِكَ الصُّوفِ، حَتَّى نَارَتْ مِنْهُمْ رِيَاخٌ، آذَى بِذَلِكَ بَعْضُهُمْ بَعْضًا، فَلَمَّا وَجَدَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ تِلْكَ الرِّيْحَ، قَالَ: أَيُّهَا النَّاسُ، إِذَا كَانَ هَذَا الْيَوْمَ فَاعْتَسِلُوا، وَلَيَمَسَّ أَحَدُكُمْ أَفْضَلَ مَا يَجِدُ مِنْ دُهْنِهِ وَطَيِّبِهِ. قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ: ثُمَّ جَاءَ اللَّهُ بِالْخَيْرِ وَلَبَسُوا غَيْرَ الصُّوفِ، وَكَفُّوا الْعَمَلَ وَوَسَّعَ مَسْجِدَهُمْ، وَذَهَبَ بَعْضُ الَّذِي كَانَ يُؤْذِي بَعْضُهُمْ بَعْضًا مِنَ الْعَرِقِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

*Икристимадан ривоят қилинади:*

«Аҳли Ироқдан бир тўп кишилар келиб:

«Эй Ибн Аббос! Сен жумъа кунини гусл қилиш вожиб деб биласанми?» – дейишди. У:

«Йўқ. Лекин у гусл қилувчи учун покроқ ва яхшироқдир. Ким гусл қилмаса, унинг учун вожиб эмас. Сизга гуслнинг бошланиши қандай бўлганлигини айтиб берман. Одамлар қийинчиликда бўлиб, жун кийим кийишар ва орқаларида юк кўтариб ишлашарди. Масжидлари тор ва шифти паст, сўриток каби эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам иссиқ кунда чиқдилар ва одамлар ўша жунда терлаб, ҳид анқигани учун бир-бирларига озор берганини кўрдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша ҳидни сезганларида:

«Эй одамлар! Агар шу кун бўлса, гусл қилинглар ва ҳар бирингиз ўзининг энг афзал мойи ва хушбўйдан суртсин», – дедилар.

Ибн Аббос:

«Кейин Аллоҳ яхшилиқни келтирди ва одамлар жундан бошқа нарсани кийдилар. Ишдан кифояландилар ва масжидлари кенгайтирилиб, бир-бирларига озор беришларига сабаб бўлган тер ҳидининг баъзиси ҳам кетди», – деди».

*Абу Довуд ривоят қилган.*



## ҲОМИЛАДОР ВА ЭМИЗИКЛИЛАРГА ЖИНСИЙ ЯҚИНЛИК ЖОИЗ

Ушбу масалада ҳам кишилар орасида кўпгина тушунмовчиликлар бор. Баъзи эркак ва аёллар ушбу ҳолатларда жинсий яқинлик қилиб бўлмайди, деган тушунчага бориб қолганлар. Эҳтимол, шунинг учундир, муҳаддислар бу масалага алоҳида сарлавҳа қўядилар.

عَنْ جُدَامَةَ بِنْتِ وَهْبِ الْأَسَدِيَّةِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ:  
لَقَدْ هَمَمْتُ أَنْ أَنْهَى عَنِ الْغَيْلَةِ حَتَّى ذَكَرْتُ أَنَّ الرُّومَ وَفَارِسَ يَصْنَعُونَ  
ذَلِكَ فَلَا يَضُرُّ أَوْلَادَهُمْ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

*Жудома бинту Ваҳб ал-Асадийя розияллоху анҳодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам «Батаҳқиқ, эмизикли аёлга яқинлик қилишдан наҳий қилмоқчи бўлган эдим, лекин Рум ва Форслар буни қилишларини ва болаларига зарар етказмаслигини эслаб қолдим», дедилар».**

*Муслим ривоят қилган.*

Эмизикли аёл боласи туфайли заифлашиб, унинг кўпгина куч-қуввати боласига кетадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ундай аёлга жинсий яқинлик қилиш болага зарар қилмасмикан, деган мулоҳаза пайдо бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламда шу мулоҳаза бўлган экан. Лекин у зот бошқа халқларнинг тажрибасидан фойдаланиб, эмизикли аёлга жинсий яқинлик қилиш болага зарар етказмайди, деган хулосага келганлар ва уларга жинсий яқинлик қилишдан ман қилмаганлар. Лекин уламоларимиз: «Барибир, ўшандоқ аёлнинг ҳолини эътиборга олиб, оддий ҳолатдаги аёлга қилган муомаладан бошқача муомала қилиш керак бўлади, яъни оддий ҳолатдагидан кўра оз яқинлик қилиш керак», — дейдилар.

## ЭР-ХОТИНЛИК ҲУҚУҚЛАРИ ҲАҚИДА

Албатта, эр-хотин орасидаги алоқа фақат жинсий алоқадан иборат эмас, балки кенг маънодаги инсоний алоқадир. Инсоний алоқалар ичида энг муқаддаси никоҳ алоқаси, эр-хотин орасидаги алоқа экани қадим-қадимдан маълум. Бу ҳақда Ислоннинг асл манбаларида қайта-қайта таъкидлаб ўтилганлиги ҳам бежиз эмас.

Оилавий ҳаёт эр-хотин орасидаги шериклик ҳаётидир. Улар никоҳ орқали фақат жисмлари яқинлашиши билан кифояланмайдилар, балки уларнинг қалблари, ҳис-туйғулари, отифалари ва бутун вужудлари бирлашади. Бас, шундай экан, улар бир-бирлари билан доимий муомалада бўладилар ва албатта, ушбу муомалаларни чиройли тартибга солиш керак бўлади.

Никоҳ ўқилиб, тўй бўлиши билан, келин-куёв бир оилада яшашни бошлайдилар. Икки кишидан ташкил топган янги кичик жамият юзага келади. Бу жамиятдаги кишиларнинг алоқалари энг муқаддас инсоний алоқа эканини аввал ҳам айтиб ўтган эдик. Инсон қай ҳолатда яшамасин, ўзгалар билан муомала қилиши, алоқада бўлиши турган гап. Хўш, катта инсоний жамиятнинг ҳужайраси ҳисобланган бу оиладаги эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари қандай бўлмоғи керак?

Эр ким, унинг қандай мажбуриятлари бор?

Хотин ким, унинг мажбуриятлари қандай ва қанча?

Икковларининг оилавий ҳуқуқлари қандай?

Бир-бирларига муносабатлари қай тарзда бўлиши лозим?

Шариатимизда ушбу ва шунга ўхшаш саволларнинг барчасига жавоб берилган. Бошқаларга ўхшаб, «ўзингиз келишиб оласиз» ёки «икковингиз ҳам тенг ҳуқуқлисиз» деб, уруш-жанжал, келишмовчилик эшиги кенг очиб қўйилган эмас.

Ушбу алоқаларнинг мукамал тартиби Ислон шариати тақдим қилган тизимдир. Аллоҳ таоло инсониятни эркак ва аёлдан иборат қилиб яратган. Эркакка эркаклик, аёлга аёллик хусусиятларини бер-



ган, икковлари қўшилиб, бир оилада яшашларини ирода қилган. Шу билан бирга, У Зот Ўз шарияти орқали оиланинг ва унинг аъзоларининг мукамал бахтининг кафолатини берувчи тизимни ҳам тақдим қилган. Бунда эркакка эркакликка мос, аёлга аёлликка мос вазифалар юклатилган. Уларнинг ҳар бирига ўзига хос оилавий мажбуриятлар юклатилиши билан бирга, ҳақ-ҳуқуқлар ҳам берилган.

Ҳар бир мусулмон эр ва аёл ушбу таълимотларни жону дили билан яхшилаб ўрганиши, қабул қилиши ва уларга ихлос билан амал қилиши ҳамда ўзи ва оиласи учун саодат манбаси эканини англаб етиши лозим. Шунда бошқалар учун одат бўлган оила ҳаёти улар учун ибодат даражасига кўтарилади. Мисол учун, эр «Аёлимнинг нафақаси шарият бўйича менга вожиб экан, шуни бажаришим керак» деб, ҳалол касб билан аёлига нафақа топиш учун ишлаб юрар экан, вожиб ибодатни адо этаётган киши сифатида ажр ва савоб олади. Шунингдек, аёл киши ҳам ўзининг аёллик бурчларини «шариятнинг амри» дея адо этар экан, ажр ва савобга эга бўлади.

Шу билан бирга, бу борада яхши билиб олиш лозим бўлган ўта муҳим масала бор. Ҳақ ёки бурч деганда, эр ёки аёл талаб қилган ҳақ ёки юклаган бурч англамаслиги керак. Бу борада Ислом шариятида келган барча ҳақлар Аллоҳ таоло берган ҳақлардир ҳамда барча бурч ва мажбуриятлар Аллоҳ таоло юклаган бурч ва мажбуриятлардир.

### **Оила раҳбарлиги масаласи**

Ҳар бир жамиятда раҳбар бўлиши керак бўлганидек, оила деб номланган кичик жамиятда ҳам раҳбар бўлиши лозим. Бу масалани бошқалар қандай ечганига назар соладиган бўлсак, турли халқлар турлича мупосабатда бўлганларини кўрамиз. Кўпчилик инсонлар оила раҳбари эркак бўлиши кераклигини таъкидлашган. Тарихда, озчилик бўлса ҳам, оилада аёл киши раҳбар бўлиши керак, деганлар бўлган. Бугунги кунимизда тенгҳуқуқчилик кўпроқ илгари сурилмоқда.

Исломда эса, оила раҳбарлиги, масъулият сифатида, айнан эркакка юклатилган. Бу, албатта, Аллоҳ таолонинг амри ила бўлган.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ  
وَبِمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ

**«Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун, эркаклар аёлларга раҳбардирлар» (34-оят).**

Ҳар бир жамиятга раҳбар лозим. Раҳбари бўлмаган жамиятда тартиб-интизом, тинчлик-омонлик ва хайр-барака бўлмайди. Ислом таълимоти бўйича, оила энг муҳим жамият бўлиб, катта жамиятнинг асосий гишти ҳисобланади. Гишлари пишиқ иморат мустаҳкам бўлганидек, оилалари аҳил, мустаҳкам бўлган жамият ҳам бақувват бўлади. Шундай муҳим муассаса бўлган оиланинг раҳбари бўлмаслиги мумкин эмас. Нима учун Исломда оила раҳбарлиги эркакка берилган? Бу саволга ушбу ояти каримада шундай жавоб берилади:

**«Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар».**

Демак, оила раҳбарлиги бобида Аллоҳ таоло эркакни аёлдан афзал қилиб яратибди. Дарҳақиқат, эркак киши ўзининг жисмоний тузилиши, ички ва ташқи қиёфаси, асабий, руҳий нафсоний ва бошқа жиҳатларидан оила раҳбари бўлишга мос қилиб яратилган. Бунинг устига, оилани қуриш ва уни тутиб туриш, бу йўлдаги барча сарф-харажатлар ҳам эркак киши зиммасида. У катта меҳнат эвазига топилган молу мулкнинг беҳуда кетмаслиги лозимлигини ўйлайди, оилани мустаҳкам ҳолда тутиб туришнинг чора-тадбирларини қуришга мажбур бўлади.

Аллоҳ таоло ҳеч бир ишни беҳикмат қилмайди. Жумладан, эркак киши оила раҳбари бўлса ва у ўз

раҳбарлигини шариатда кўрсатилгандек адо этса, бундай оилалар бахт-саодатга соҳиб бўлмоқда.

Афсуски, кўп одамлар ояти каримада кўзда тутилган раҳбарликни қаҳр, жабр ва зулм ўтказишнинг имкони деб тушунадилар. Аслида, бу раҳбарлик масъулиятдир. Масъулият бўлганида ҳам, улкан масъулиятдир. Ушбу масъулиятга биноан, эркак киши оиланинг, жумладан, аёлга ҳомийликни, уни боқишни, муҳофаза қилишни адо этмоғи лозим.

Эркак айнан эркак бўлганлиги учун ҳам оила раҳбари қилинган. У оиланинг ҳимояси йўлида керак бўлса, ўзини қурбон ҳам қилади, эркакларга хос бўлган барча оғирликларни кўтаради, оилани нафақа билан таъминлайди, оила аъзоларига меҳр ва раҳм-шафқат кўрсатади. Уларга жабр-ситам ва зулм қилишга ҳаққи йўқ.

Таққослаш учун мисол келтириб ўтишга ижозат бергайсиз. Европада ҳам эркак оила раҳбари ҳисобланган. Унинг оила аъзолари устидаги ҳаққи шу даражага етганки, у раҳбар сифатида хотини ва болаларини сотиб юбориш ҳаққига ҳам эга бўлган. Англияда хотинини сотиш ҳаққи фақатгина 1805 йилда бекор қилинган. Аммо, инглизлар бу қонунга амал қилмай, хотинларини сотишни давом эттираверганлар. Масалан, 1931 йили бир инглиз ўз хотинини 500 фунтга сотган. Ушбу ва шунга ўхшаш ҳодисалар таъсири остида БМТ 1948 йили 14 декабрь куни инсон ҳуқуқлари баёнотини эълон қилди. Бу гаплар ҳаводан олингани йўқ, истаганлар В.Л.Дюрантнинг «Дунё тарихи» номли китобининг 21-бетига назар солиши мумкин.

Европада эркак билан тенг ишлаган аёл эркаклар оладиган иш ҳаққининг ярмини оларди. Аёл киши ўзи топган маблағни ўз ихтиёри билан сарфлаш ҳаққига эга эмас эди. Фақатгина 1942 йилга келиб, Францияда аёл эрининг ҳаққи аралашмаган молини ўзи ишлатиши мумкинлиги ҳақида қонун чиқди.

Шунинг учун ҳам ўша ерларда тенг ҳуқуқлилик ҳақида талаблар кучайди. Бу талаблар Америкага



ҳам етиб боргандагина аёлга эркак оладиган иш ҳаққининг 57% ини олиш ҳаққи берилди.

Шундан кейин тенг ҳуқуқлилиқ ҳақидаги талаблар аёлниг зиддига айланиб кетди. АҚШ конгресси давлат дастурига «Эркак ва аёл барча нарсада баробар» деган ўзгартириш киритишни талаб қилиб чиқди. Бунда миршаблиқ, аскарлик ва қамоқ каби масалаларда ҳам аёллар эркаклар билан тенг бўлиши кераклигини билган аёллар жамиятлари намоишлар уюштирганидан кейингина бу иш тўхтатилди.

Ислолда эса, тенг ҳуқуқлилиқ керак бўлган жойда тенг ҳуқуқлилиқ жорий қилинган. Эркакка эркакларга мос ҳуқуқлар берилган ва мажбуриятлар юклатилган, аёлга аёлларга мос ҳуқуқлар берилган ва мажбуриятлар юклатилган.

Энди шариатнинг эр-хотинлик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги таълимотлари билан қўлдан келганича танишиб чиқайлик.



## ОИЛА ДОИРАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАР

Исломда оилага унинг эр-хотин, ота-она ва болалардан иборатлиги асосида қаралади. Оиладаги муомалалар ўзаро ҳамкорлик, меҳр-муҳаббат асосида ўрнатилади ва олиб борилади. Бунда, аввало, инсонийлик одоб ва ахлоқларига ҳамда ижтимоий вазифани ўташга амал қилишга эътибор берилади. Умуминсоний нарсаларда эркак ва аёлга бирдек қаралади. Яратилиши, жисмоний ва нафсоний тузилишига оид нарсаларда эса, эркакка ўзига хос, аёлга ўзига хос муомала қилинади.

### 1. Умумоилавий ишларда масъулият тенглиги.

Оилада эркак раҳбар бўлса ҳам, аёл оилани бошқариш ва унинг мустаҳкамлигини таъминлашда баробар жавобгарликни кўтаради. Улар бу борада маслаҳатлашиб, шўро асосида иш олиб борадилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أَلَا كُلكُمْ رَاعٍ وَكُلكُمْ مَسئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ، فَإِلِمَامُ الَّذِي عَلَى النَّاسِ رَاعٍ وَهُوَ مَسئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ، وَالرَّجُلُ رَاعٍ عَلَى أَهْلِ بَيْتِهِ وَهُوَ مَسئُولٌ عَنْهُمْ، وَالْمَرْأَةُ رَاعِيَةٌ عَلَى بَيْتِ زَوْجِهَا وَوَلَدِهِ وَهِيَ مَسئُولَةٌ عَنْهُمْ ... رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Огоҳ бўлинглар. Барчангиз раҳбарсизлар ва ўз қўл остидагиларингиздан сўралурсизлар. Одамлар устидан турган имом раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур. Эр киши ўз аҳли байтида раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур. Аёл киши эрининг уйида раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур» – дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

Ушбу ҳадиси шарифдан оила борасида эр ҳам, аёл ҳам масъул экани кўриниб турибди.

**«Эр киши ўз аҳли байтида раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур».**

Исломда оила бошлиғи бўлиш улкан шараф ҳисобланиши билан бир вақтда, буюк масъулият ҳамдир. Эркак киши ўз оиласидаги барча аҳли байтга масъулдир. Масъул бўлганда ҳам, моддий-маънавий, руҳий-тарбиявий, дунёвий-ухровий – ҳамма-ҳамма томонлама масъулдир. У ўз аҳли байтини: хотини, бола-чақасини тўйдириб, кийдириш, уй-жой билан таъминлаш, таълим-тарбияли қилиш, ахлоқди-одобли қилиш, Аллоҳнинг йўлида юрадиган инсон қилиш, тинч-омонликларини таъминлаш ва шунга ўхшаш барча ишларда масъулдир.

**«Аёл киши эрининг уйида раҳбардир ва у ўз қўл остидагидан сўралур».**

Исломда оила бекалиги буюк шараф бўлиши билан бирга, улкан масъулият ҳамдир. Оиланинг бекаси бўлганидан кейин, унинг ички ишларининг ҳаммаси ўша беканинг қўлида, ихтиёрида бўлади. Оиланинг иқтисоди беканинг тежамкорлигига, ўзига ишониб топширилган тирикчилик воситаларига хиёнат қилмаслигига ва исроф қилмаслигига боғлиқ бўлади. Энг улкан масъулиятлардан бири эса, фарзандни туриб, чиройли боқиш, етук инсон қилиб тарбиялашдир. Бу масъулиятни муслима аёллар доимо шараф билан адо этиб келганлар. Хулоса қилиб айтилганда, муслима аёлнинг оиладаги масъулияти беқиёсдир. Эрининг ишлари муваффақиятли бўлишида аёлнинг тутадиган ўрнини ҳеч ким инкор қила олмайди. «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, ер қиладиган ҳам хотин» деб бежиз айтилмаган. Гап ҳар бир муслима аёл ўз масъулиятини тўла тушуниб етишида қолган, холос.

## **2. Ажрашишдаги тенглик.**

Ислом оилани бузишда талоқ ҳаққини эркак кишига берган. Чунки эркак киши оила раҳбари ҳисобланади. Оиланинг обрўси унинг обрўси билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам эркак киши оилани бузишдан олдин кўп ўйлайди. Болалар ҳам отанинг номида бўладилар, бу омил ҳам эркакни



иложи борича оилани сақлаб қолишга ундайди. Оила қуриш учун барча ҳаракатларни ва сарф-харажатларни ҳам эркак қилади. Хотинга маҳр беради, уй-жой ҳозирлайди, тўй қилади ва ҳоказо.

Аммо бу гап, аёл киши истаса-истамаса, оилада яшashi мажбурий, унинг ажрашишга ҳаққи йўқ, дегани эмас. Исломда аёл киши ҳам ажрашиш ҳуқуқига эга. У бу ишни «хулуъ» йўли билан қилади. «Хулуъ» сўзи лугатда, кўпроқ, «кийим ечиш» маъносида ишлатилади. Шариатда эса, хотин кишининг арз қилиш орқали эри билан ажрашишига «хулуъ» дейилади. яъни аёл эри билан ажрашмоқчи бўлса, қозихонага ариза бериб, ажрашиш ҳуқуқига эга.

### 3. Итоатдаги тенглик.

Ислом шариатидаги оилалар итоатдаги тенгликнинг моҳиятини тўлиқ англаб етиш учун бу масала бошқаларда қандай йўлга қўйилганини билиб олишимиз зарур.

Европада эр-хотин орасидаги итоатнинг қулчиликдан фарқи бўлмаган. Улардаги хотиннинг эрига итоат қилиши савдо шартномасига ўхшаш бўлган. Эр ўз хотинини сотиши, сотиб олиши, ижарага бериши ёки вақтинчаликка бериб туриши жорий одат бўлган. Франция инқилобидан кейингина, 1791 йили чиқарилган қонун бўйича, бу қоида бекор қилинди. Янги қонуннинг 213-моддасига биноан, хотин эрига итоат қилиши ва у турган жойда туриши лозим, дейилди. Мазкур қонуннинг 1388-моддасига биноан, итоат вожиблигига хилоф бўлган ҳар қандай шартни бекор, дейилди. 1804 йилдаги «Франция граждaнлик кодекси» чиққунча, эр хато қилган хотинини қамаш ва ходимга ўхшаш муомала қилиш ҳуқуқига эга эди.

Франциядан бошқа давлатлардаги қонунларнинг барчасида ҳам, эркак оила бошлиғи бўлганлиги учун, аёл унга итоат қилар эди.

Ислом шариати бўйича, оиладаги итоат Аллоҳ таоло жорий қилган низомга итоатдир. Эркак киши, Аллоҳ таолонинг низомига итоат қилиб, оилага бошлиқ бўлади ва ўша бошлиқликни Аллоҳнинг низоми ила

олиб боради. Аллоҳ таолонинг низомига биноан, аёл ҳам эрга итоат қилади. Аллоҳнинг низомига тескари бўлган нарсада аёл эрга итоат қилмайди.

عَنْ عَلِيٍّ عَلَيْهِ السَّلَامُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: لَا طَاعَةَ فِي مَعْصِيَةِ إِنَّمَا الطَّاعَةُ فِي الْمَعْرُوفِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

*Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Маъсиятда итоат йўқ. Албатта, итоат маъруфда, холос».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар.*

Бас, шундай экан, эрига шариатга мувофиқ тарзда итоат қилган аёл, аслида, эрнинг шахсига эмас, Аллоҳ таолонинг амрига итоат қилади. Аллоҳга гуноҳ бўладиган ишларда эса, ҳеч кимга итоат қилмайди.

Шу билан бирга, эр ҳам аёлидан Аллоҳнинг амридан ташқари нарсага итоат қилишни талаб қила олмайди.

#### 4. Меросхўрликдаги тенглик.

Дунёда аёл киши мерос олиш ҳақида ўйлаши ҳам мумкин бўлмаган даврда, балки, баъзи жойларда аёл чорва молларига кўшилиб, «мерос» сифатида тақсимланаётган бир пайтда Қуръони Карим меросхўрликда аёл ва эркак орасидаги тенгликни эълон қилди.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай деб марҳамат қилди:

لِّلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ مِمَّا قَلَّ مِنْهُ أَوْ كَثُرَ نَصِيبًا مَّفْرُوضًا ﴿٧﴾

«Эркаклар учун ота-она ва қариндошлар қолдирган нарсадан насиба бор. Аёллар учун ҳам ота-она ва қариндошлар қолдирган нарсадан насиба бор. Озидан ҳам, кўпидан ҳам. Фарз қилинган насиба ўлароқ» (7-оят).

Исломдан олдинги тузумларда, жумладан, Арабистон ярим оролидаги жоҳилий тузумда ёш болалар ва

аёллар мерос олиш ҳаққидан маҳрум эди. Жоҳилий араблар ҳукми бўйича, фақат силоҳ олиб, душманга қарши уруша оладиган, яъни вояга етган эр кишиларгина меросга ҳақли эдилар, холос. Қолганлар, жумладан, ёш болалар ва аёллар бунга лойиқ эмас эдилар. Ислом эса меросни «қариндошлик ҳаққи» деб эълои қилди. Эркагу аёл, катта-ю кичик қариндошлар меросдан ҳақдор бўлди. Улар меросни қариндошлик мартабаларига қараб, шариат ҳукми бўйича кимга қанча кўрсатилган бўлса, ўшанчадан бўлиб олишади.

## ЭР-ХОТИН ОРАСИДАГИ МУШТАРАК ҲУҚУҚЛАР

Ушбу турдаги ҳақлар эрга ҳам, хотинга ҳам бир тарафдан ҳақ бўлса, иккинчи тарафдан мажбурият ҳисобланадиган нарсалардир. Икки тараф ҳам мазкур ҳақдан баҳраманд бўлиш билан бирга, худди ўша нарсани умр йўлдошининг ҳаққи сифатида адо этиши ҳам зарурдир.

### 1. Эр-хотиннинг ўзаро яхшилик билан яшашмоқлари.

Оилада бирга яшар эканлар, эр-хотин бир-бирларига нисбатан фақат яхшиликни раво кўриб, қўлларидан келган барча мурувватларни қилиб яшашлари икковларининг орасидаги муштарак ҳақлардан биридир. Бундай бахтиёр ҳаёт тарзини Аллоҳ таолонинг Ўзи уларга амр этган.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида бундай деб марҳамат қилади:

وَعَاشِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ فَإِنْ كَرِهْتُمُوهُنَّ فَعَسَىٰ أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا  
وَيَجْعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا ﴿١١﴾

«...ва улар ила яхшиликда яшанг. Агар уларни ёқтирмасангиз, ажаб эмаски, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса» (19-оят).

Ислом таълимотларига биноан, эр-хотин орасидаги алоқа муҳаббат, севги, раҳм-шафқат ва унсу улфат алоқаси бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам орага тушган

баъзи ноқулай ҳолат туфайли, дарҳол бир-бирига зулм қилишга ўтиш керак эмас. Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу хотинига муҳаббати йўқ бўлиб қолганлиги учун уни талоқ қилмоқчи бўлган одамга: «Шўринг қурсин! Оилалар муҳаббат учун қурилмаганми, ахир?! Риоя қани?! Масъулият қани?!» — деганлар.

Оятдаги «**ва улар ила яхшиликда яшанг**» жумласининг тафсирида аллома Ибн Касийр раҳимаҳуллоҳ:

«Яъни, уларга ширинсуханлик қилинг, яхши муомалада бўлинг, иложи борича кўрипишингизни гўзал қилинг», — деган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларнинг яхшиларингиз аҳлу аёлига яхши бўлганларингиздир. Мен аҳлига энг яхшингиздирман», — деганлар.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўзлари аёлларига нисбатан гўзал муомалали бўлиб, доимо хурсандликда, уларни эркалаган, лутф кўрсатган, нафақаларини кўпайтирган ҳолда ҳаёт кечирганлар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам, ўрни келганда, аёллари билан ҳазиллашар, кулишар ҳам эдилар. Ҳаттоки, Оиша онамизнинг кўнгиллари учун, у киши билан югуришда мусобақа ҳам қилганлар.

Муҳаддисларимиз бу ҳақда Оиша онамизнинг ўзларидан қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Семирмасимдан аввал Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан югуришда мусобақа қилиб, ўзиб кетдим. Семирганимдан кейин яна югуришга эдик, у киши ўзиб кетдилар ва:

«Буниси билан аввалгиси биру бир бўлди», — дедилар». Бунга ўхшаш ривоятлар кўп.

**2. Эр-хотинлик ҳаёти ҳалол бўлиши, ҳар икки тараф бир-биридан лаззат ва ором топиши.**

Эр ўз аёлидан қанчалик жинсий ва ҳиссий лаззатланиш ҳаққига эга бўлса, аёл ҳам худди шундай ҳаққа эга. Аёл эрининг бу борадаги ҳожатини қондиришга қанча мажбуриятли бўлса, эрининг зиммасида ҳам шунча мажбурият бор.



عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا دَعَا الرَّجُلُ امْرَأَتَهُ إِلَى فِرَاشِهِ فَأَبَتْ أَنْ تَجِيءَ لَعَنَتْهَا الْمَلَائِكَةُ حَتَّى تُصْبِحَ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қачон эр ўз хотинини тўшагига чақирса-ю, у келишдан бош тортса, фаришталар тонг отгунча уни лаънатлаб чиқурлар», – дедилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Зотан, оила қуриб, эр-хотин бўлиб яшашнинг асосий имтиёзларидан бири ҳам шу. Эрдир, аёлдир, хоҳлаган вақтида ўзининг жуфти ҳалоли билан, оила доирасида, шаръий никоҳда, ҳалол-пок йўл билан жинсий эҳтиёжларини қондириш имконига эгадир.

Муҳаддис имомлар Абу Хузайфа розияллоху анҳудан ривоят қиладилар:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Салмон розияллоху анҳу билан Абу Дардо розияллоху анҳуни биродар қилиб қўйдилар. Бас, Салмон Абу Дардони зиёрат қилгани борди ва Умму Дардони бир аҳволда кўриб:

«Сенга нима бўлди?» – деди.

«Биродаринг Абу Дардонинг дунёга ҳожати йўқ», – деди.

Абу Дардо келиб, унинг олдига таом қўйди ва:

«Егин, мен рўзаман», – деди.

«Сен емагунингча мен ҳам емайман!» – деди (Салмон розияллоху анҳу).

Шунда у ҳам еди. Кечаси бўлганда Абу Дардо розияллоху анҳу туриб, намоз ўқий бошлади. Бас, Салмон:

«Ухла», – деди. У ухлади. Сўнгра яна туриб, намоз ўқий бошлади. Салмон:

«Ухла», – деди. У ухлади. Кеча охирлаб қолганда Салмон:

«Энди тур», – деди. Икковлари намоз ўқидилар. Кейин Салмон унга:

«Албатта, Роббингнинг сенда ҳаққи бордир, нафсингнинг сенда ҳаққи бордир ва аҳлингнинг сенда



ҳаққи бордир. Ҳар бир ҳақдорнинг ҳаққини бергин!» – деди.

У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, ҳалиги гапни зикр қилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Салмон тўғри айтибди», – дедилар».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу халифалик даврларида, кечаси бировга билдирмасдан, шаҳарни айланиб, одамларнинг ҳолларидан хабар олиб юрар эдилар. Кунлардан бир кун бир ҳовлида аёл кишининг ҳижрон ҳақида байт айтаётганини эшитиб қоладилар. Суриштирсалар, у аёлнинг эри Ислом лашкарлари билан урушга кетган экан.

Ҳазрати Умар одам юбориб, Ҳафса онамиздан: «Аёл киши эрсиз қанча сабр қила олади?» деб сўра-тибдилар. У киши: «Тўрт ой», – деб жавоб берибдилар. Шундан кейин ҳазрати Умар аскарликда ҳеч кимни тўрт ойдан кўп ушлаб турмасликка фармон берган эканлар.

### **3. Қуда-андалик ҳурматлари жорий қилинади.**

Қудачилик алоқалари ҳам худди насаб алоқалари каби бўлади. Насаб бўйича ҳурматлар бўлгани каби, қудачилик бўйича ҳам ҳурматлар бўлади.

Хотин эрининг баъзи қариндошларига, эр эса хотинининг айрим қариндошларига, никоҳ нуқтаи назаридан, ҳаром бўлади. Бошқача қилиб айтганда, қудачилик асосида эрга нисбатан ҳам, хотинга нисбатан ҳам никоҳи ҳаром бўлган шахслар вужудга келади.

Бу нарсанинг баёни Қуръони Каримда келган.

Қудачилик асосида никоҳи ҳаром қилинган аёллар ҳақида Аллоҳ азза ва жалла айтади:

«...хотинларингизнинг оналари, ўзингиз қовушган хотинларингизнинг қарамонгиздаги қизлари – агар у(хотин)лар билан қовушмаган бўлсангиз, сизга гуноҳ йўқ – ва пуштингиздан бўлган ўрилларингизнинг хотинлари ҳамда опа-сингилни жамламоянгиз ҳаром қилинди. Аввал ўтгани мустасно. Албатта, Аллоҳ Фафур ва Роҳиймдир» («Нисо» сураси 23-оят).

Аллоҳ таоло бошқа ояти каримада шундай дейди:

**«Оталарингиз никоҳлаб олган аёлларни никоҳлаб олманг! Аввал ўтгани мустасно» («Нисо» сура-си, 22-оят).**

Ушбу ояти карима нозил бўлгандан кейин отанинг никоҳида бўлган аёлга ўғилнинг никоҳланиши тамо-ман ҳаром этилди.

#### **4. Эр-хотин бир-бирларига меросхўр бўладилар.**

Оила қуриб, эр-хотин бўлиб яшаш уларнинг ора-ларида бир-бирларидан мерос олиш ҳаққини ҳам со-бит қилади.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай деб марҳа-мат қилади:

وَلَكُمْ نِصْفُ مَا تَرَكَ أَزْوَاجُكُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُنَّ  
وَلَدٌ فَإِنْ كَانَ لَهُنَّ وَلَدٌ فَلَكُمْ الرُّبْعُ مِمَّا تَرَكَنَّ مِنْ بَعْدِ  
وَصِيَّةٍ يُوصِينَ بِهَا أَوْلَادِنَ وَلَهُنَّ الرُّبْعُ مِمَّا تَرَكَتُمْ إِنْ  
لَمْ يَكُنْ لَكُمْ وَلَدٌ فَإِنْ كَانَ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ الثُّمُنُ مِمَّا  
تَرَكَتُمْ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ تُوصُونَ بِهَا أَوْلَادِنَ

«Сизларга хотинларингиз қолдирган нарса-нинг – агар уларнинг боласи бўлмаса – ярмидир. Агар уларнинг боласи бўлса, сизга улар қолдирган нарсанинг чораги. Улар қилган васият ёки қарз (адо этилган)дан сўнг. Уларга – агар болангиз бўл-маса – сиз қолдирган нарсанинг чораги. Агар бо-лангиз бўлса, уларга сиз қолдирган нарсанинг саккиздан бири. Сиз қилган васият ёки қарз (адо этилган)дан сўнг» (12-оят).

Ушбу ояти карима эр-хотинларнинг меросдаги ҳукмини ойдинлаштиради ва албатта, ҳар бир эр ёки аёл учун икки ҳолат мавжудлигини баён қилади.

#### **Эрнинг мерос олишдаги ҳукми:**

Агар хотин вафот топиб, ўзидан меросхўр қолдир-маса, эрнинг насибаси қолдирилган молнинг ярми бўлади.

Агар вафот топган хотин ўзидан меросхўр қолдирса, эрнинг насибаси молнинг тўртдан биридир.

**Хотин ёки хотинларнинг мерос олишдаги ҳукми:**

Агар эр вафот топиб, ўзидан меросхўр қолдирмаса, хотин ёки хотинларнинг насибаси қолдирилган молнинг тўртдан биридир.

Агар эр вафот топиб, ўзидан меросхўр қолдирган бўлса, хотин ёки хотинларнинг насибаси молнинг саккиздан биридир.

**5. Улардан фарзанд туғилса, насаб собит бўлади.**

Бошқача қилиб айтганда, эр-хотин ўз фарзандларига ҳақдор бўлишда баробардирлар. Улардан туғилган фарзандларнинг насаби икковларидан бўлади.

**6. Эр-хотинлик сирларини фош қилмаслик.**

Оилавий ҳаётнинг ўзига яраша муқаддаслиги, ҳурмати ва иззати бор. Албатта, эр-хотинлар, ўзларига яраша, биров билиши мумкин бўлмаган сирларга соҳиб бўладилар. Энди мазкур сирларни бошқаларга фош қилмаслик ҳам эрнинг, ҳам хотиннинг ўз жуфти ҳалолидаги ҳаққидир ҳамда эр-хотиннинг бир-бирларига нисбатан мажбуриятларидир.

**7. Ота-оналарга яхшилик ва қариндошларга силаи раҳм қилиш.**

Муқаддас ҳисобланган никоҳ робитаси шарофатидан эр-хотиннинг ҳар бирининг ота-онаси ва қариндошлари иккинчисига ҳам ота-она ва қариндошга айланади. Шу боис, қайнона ва қайнотага яхшилик қилиш эр учун ҳам, хотин учун ҳам худди ўз ота-онасига яхшилик қилишдек бурчга айланади. Хотиннинг қариндошларига силаи раҳм қилиш эрга қанчалик лозим бўлса, эрнинг қариндошларига силаи раҳм қилиш ҳам хотинга шунчалик лозим бўлади.

Тазкира



## ХОТИННИНГ БУРЧЛАРИ

Оилада аёлларнинг ўз эрлари олдида бир печа бурчлари борлиги шариатда Қуръони Карим ва Суннат асосида баён қилинган. Аёлларнинг бу бурчларини эркаклар эмас, балки Аллоҳ таолонинг шариати белгилагандир.

### 1. Хотиннинг эрга итоат қилмоғи.

Исломда аёлнинг эрига итоат қилиши шариатга итоат қилишидир. Шунинг учун ҳам шариатга хилоф ишларда аёлнинг ўз эрига итоат қилмасликка тўла ҳаққи бор.

Маълумки, ҳар бир жамиятнинг ўз раҳбари бўлади. Раҳбари бўлмаган жамиятнинг жамиятлиги қолмайди. Оила ҳам кичик бир жамият. Унда жамиятнинг барча белгилари митти кўринишда мавжуддир.

Оила ҳаётида бошлиқ вазифасини эр адо этишини бутунги кунда барча халқлар бир овоздан тасдиқламоқдалар. Исломда эрнинг оиладаги бу раҳбарлигига «масъулият» деб қаралади. Лекин «оила бошлиғи» дегани, баъзилар хаёл қилганидек, оиланинг бошқа аъзоларига жабр-зулм ўтказиш, «айтганим-айтган, деганим-деган» йўсинида «ҳокими мутлақ» бўлиш эмас. Балки бу эрнинг ўз оиласининг ҳамма тарафдан баркамол бўлиб, саодатли, тинч-омон яшашига оила бошлиғи сифатида масъул бўлишидир.

Оила кичик бир жамият. Унинг раҳбари эркақдир. Бинобарин, оиланинг саодатли бўлишининг шартларидан бири эрга итоатдир.

Баъзи эркаклар буни мутлақ ҳокимлик деб англайдилар. «Мен нимани хоҳласам, шу бўлиши керак» деб, шаръий ҳуқуқларини суистеъмол қиладилар, ҳатто аёлларга зулм қилиш даражасигача етадилар ва буни, ўзларича, «шариат ҳукми» деб талқин қиладилар.

Баъзи аёллар эса, аксинча, эрга итоат қилишни хору-зорлик, ўзини пастга уриш, мутеълик деб тушунадилар-да, уни тан олмайдилар. Ана шундай саркашликлар натижасида орада тушунмовчиликлар келиб чиқади.

Аслида эса ундай эмас. Аввало, бу итоат чеклан-

ган, чунки шариат қоидаси бўйича, Аллоҳ гуноҳ деб ҳисоблаган ишларда бандага итоат қилиб бўлмайди.

Масалан, ота-онами, эрми, бошлиқми, ким бўлмасин, ҳаром, гуноҳ ишга буюрса, унга ҳеч ким бўйсунмайди. Қолаверса, оиладаги итоат эрнинг оила раҳбари сифатидаги ҳурмати юзасидан бўладиган итоатдир. Шунинг учун бу савобли иш оилавий ҳаёт доирасида ва ақл-идрок билан адо этилиши шарт.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида, эрига итоаткор аёлларнинг мақтовида қуйидагиларни айтади:

فَالصَّالِحَاتُ قَانِتَاتٌ حَافِظَاتٌ لِّلْغَيْبِ بِمَا حَفِظَ اللَّهُ

**«Солиҳа аёллар – итоаткор ва Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимояси бўйича ғойиб(эр)ларининг муҳофазасини қилувчилардир» (34-оят).**

Ўрни мўмина, солиҳа аёлларнинг табиатида эрига итоаткорлик бордир. Биз «итоаткор» деб таржима қилаётган сўз ояти каримада «қонитаатун» лафзи ила келган. Бу сўз ўз иродаси, рағбати ва муҳаббати ила давомий итоат қилиш маъносини англатади. Демак, мўмина, солиҳа аёлнинг ўз эрига итоат қилиши қўрққанидан, мажбурликдан ёки бошқа бирор боисдан эмас, балки ўз масъулиятини тушунганлигидан келиб чиққан бўлади. Бу итоат ўзини тушунган, ҳаётдаги ўрнини, вазифаси ва масъулиятини ҳис этган оқил инсоннинг итоатидир.

Мўмина, солиҳа аёлларнинг ажойиб табиатларидан яна бири, улар:

**«Аллоҳнинг ҳифзи-ҳимояси бўйича ғойиб(эр)ларининг муҳофазасини қилувчилардир».**

Ўрни, эрлари ёнларида турган пайтлардагина эмас, бирор сабаб билан оиладан узоқда бўлган чоғларида ҳам уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, обрў-эътиборларини, мол-мулкларини муҳофаза қиладилар. Муҳофаза қилишлари ҳавои нафсга мувофиқ ёки ўз фикрларича ёхуд эрларининг талабига биноан бўлмайди. Балки, бу борада ягона ҳоким, ҳуқуқ ва бурчларни энг тўғри белгилаб берувчи олий ҳакам – Аллоҳ таоло бор. Шунинг учун ҳам оятда **«Аллоҳнинг ҳифзи-ҳи-**



**мойси бўйича»,** дейилмоқда. Бундай аёллар Аллоҳ таоло ҳифз қилинишини амр қилган нарсаларни муҳофаза қиладилар.

Имом Ибн Жарир Табарий ва Ибн Абу Ҳотим раҳимаҳуллоҳлар Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Аёлларнинг яхшиси — назар солсанг, хурсанд қиладиган, амр қилсанг, итоат этадиган ва ғойиб бўлсанг, ўз нафсида ва молингда сени муҳофаза қиладиганидир», — деганлар.

Имом Аҳмад Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Агар қайси бир аёл беш вақт намозини ўқиса, бир ой рўзасини тутса, фаржини сақласа ва эрига итоат қилса, унга: «Жаннатнинг қайси эшигидан хоҳласанг, киравер», дейилади», — деганлар.

عَنْ قَيْسِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَيْتُ الْحَيْرَةَ فَرَأَيْتُهُمْ يَسْجُدُونَ لِمَرْزُبَانَ لَهُمْ، فَقُلْتُ: رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَحَقُّ بِذَلِكَ، فَأَتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ فَقُلْتُ لَهُ ذَلِكَ، فَقَالَ: أَرَأَيْتَ لَوْ مَرَرْتَ بِقَبْرِ أَكْنُتَ تَسْجُدُ لَهُ؟ قُلْتُ: لَا، قَالَ: فَلَا تَفْعَلُوا، لَوْ كُنْتُ أَمْرًا أَحَدًا أَنْ يَسْجُدَ لِأَحَدٍ لِأَمْرَتِ النِّسَاءِ أَنْ يَسْجُدَ لِأَزْوَاجِهِنَّ لِمَا جَعَلَ اللَّهُ لَهُمْ عَلَيْهِنَّ مِنَ الْحَقِّ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالْحَاكِمُ التِّرْمِذِيُّ وَوَلَفْظُهُ: لَوْ كُنْتُ أَمْرًا أَحَدًا أَنْ يَسْجُدَ لِأَحَدٍ لِأَمْرَتِ الْمَرْأَةِ أَنْ تَسْجُدَ لِزَوْجِهَا.

Қайс ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ҳийрога бориб, уларнинг Марзубонларига сажда қилаётганларини кўрдим. (Ўзимча) бунга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақди роқлар, дедим.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, буни у зотга айтдим. Шунда у зот:

«Айт-чи, бир қабрнинг олдидан ўтсанг, унга сажда қилармидинг?» дедилар.

«Йўқ», дедим.

**«Ундай қилманглар!**

**Агар бировни бировга сажда қилишга амр қилувчи бўлсам, Аллоҳ уларга (эрларга) улар (хотинлар) устидан берган ҳақнинг сабабидан аёлларни эрларига сажда қилишларига амр қилган бўлар эдим», дедилар».**

*Абу Довуд, Ҳоким ва Термизий ривоят қилганлар.*

*Термизийнинг лафзига:*

**«Агар бировни бировга сажда қилишга амр қилувчи бўлсам, хотинни эрига сажда қилишига амр қилган бўлур эдим», дейилган.**

Эр – оиланинг раҳбари. Агар аёл эрнинг итоатида бўлса, фарзандлар ҳам отага итоат қиладиган бўлади. Оқибатда оилада дўстлик, муҳаббат ҳукм суради, оила мустаҳкамланади, қут-баракали бўлади.

Аёлнинг эрига итоатсизлиги эса, оиланинг бузилишига, бошқа кўплаб ноқулайликларга сабаб бўлади. Ушбу ҳақиқатни ҳар бир мусулмон оиланинг ҳар бир аъзоси яхшилаб тушуниб олмоғи зарур. Шу билан бирга, Аллоҳ таолога гуноҳ бўладиган ишларда эрга ҳам, ундан бошқага ҳам итоат қилиш йўқлиги умумий қоида эканини ҳам доимо ёдда тутиш керак.

**2. Ҳузурида эри бор вақтда аёл киши эрнинг рухсатисиз нафл рўза тутмаслиги лозим.**

Аёлнинг ўз эри олдидаги ушбу бурчи Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан олинган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا يَحِلُّ لِمَرْأَةٍ أَنْ تَصُومَ وَرَوْحُهَا شَاهِدٌ إِلَّا بِإِذْنِهِ، وَلَا تَأْذَنَ فِي بَيْتِهِ إِلَّا بِإِذْنِهِ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий солаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аёл киши учун эрининг ҳузурида унинг изнисиз рўза тутиши ва унинг изнисиз уйига бировни киритиши ҳалол эмас», дедилар».**

*Тўртовлари ривоят қилганлар.*

Аёл кишининг фарз рўза тутиши учун ҳеч кимнинг изни керак эмас, лекин ҳузурида эри бор вақтда эрнинг рухсатисиз нафл рўза тутмаслиги лозим. Эр ғойиблигида тутса, бўлаверади. Чунки ҳар қандай



пайтда эри у билан бирга бўлишга раъбат қилиб қолиши мумкин. Нафл рўза эса, бу ишга тўсиқ бўлади. Аёл киши эрининг изнисиз нафл рўза тутиб олган бўлса, эр бундан беҳабар, аёли билан бирга бўлиш истагида ёнса-ю, мақсадга эриша олмаса, орада келишмовчилик, уруш-жанжал чиқиши мумкин. Бу нарсанинг бир неча марта такрорланиши эса, ёмон оқибатларга олиб бориши турган гап.

Қаранг, Исломда турмуш ўртоғининг шаръий ҳаққи нафл ибодатдан устун қўйилмоқда! Бу ҳақиқатни мусулмонлар жуда яхши тушуниб етмоқлари ва унга оғишмай амал қилмоқлари лозим.

**3. Аёл киши эрининг рухсатисиз бегона одамни уйига киритмаслиги шарт.**

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا يَحِلُّ لِمَرْأَةٍ أَنْ تَصُومَ  
وَرَوْجُهَا شَاهِدٌ إِلَّا بِإِذْنِهِ، وَلَا تَأْذَنَ فِي بَيْتِهِ إِلَّا بِإِذْنِهِ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

*Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*  
**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Аёл киши учун эрининг ҳузурида унинг изнисиз рўза тутиши ва унинг изнисиз уйига бировни киритиши ҳалол эмас», дедилар.**

*Тўртовлари ривоят қилганлар.*

Аёл кишининг бегона одамни эрининг рухсатисиз уйига киритмаслиги ҳам эрининг аёлдаги ҳақларидан биридир. Чунки эри йўқлигида унинг уйига кирган одам туфайли оилага катта зарарлар етиши мумкин. Ўша одам ёмон одам бўлса, ёлғиз аёлга ёмон кўз билан қараши ёки тажовуз қилиши, оиланинг сирларини ташқарига олиб чиқиши ёхуд ўша одам эрига мутлақо ёқмайдиган, унга душман одам бўлиши мумкин.

Ўзини билган ҳар қандай муассаса ва ташкилот ҳам бошлиғининг изнисиз ўзининг ҳурматли жойларига ҳар кимни киритавермайди. Оиланинг муҳтарам маскани бўлмиш хонадонга, оила бошлиғининг изнисиз, тўғри келган одамни киритавериш ҳам эрга нисбатан ҳурматсизлик бўлади.



**4. Аёл киши эри хоҳлаган вақтда, шаръий узр бўл-  
маса, унинг жинсий эҳтиёжини қондириши керак.**

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا دَعَا الرَّجُلُ امْرَأَتَهُ إِلَى فِرَاشِهِ فَأَبَتْ أَنْ تَحِيَّاءَ لَعَنَتْهَا الْمَلَائِكَةُ حَتَّى تُصْبِحَ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

*Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Қачон эр ўз хотинини тўшагига чақирса-ю, у келишдан бош тортса, фаришталар тонг отгунча уни лаънатлаб чиқурлар», – дедилар».**

*Учовлари ривоят қилганлар.*

«Шаръий узр» дейилганда, фарз рўза тутган, ҳайз ёки нифос кўрган ҳолатга ўхшаш, динда жинсий алоқа ман қилинган ҳолатлар кўзда тутилади. Эрдир, аёлдир, хоҳлаган вақтида ўз жуфти ҳалоли билан, оила доирасида, шаръий никоҳда, ҳалол-пок йўл билан жинсий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлиши лозим. Зотан, эр-хотин бўлиб, оила қуриб яшашнинг имтиёзларидан бири ҳам шудир.

Аёл киши эри уни тўшакка чақирган пайтда бош тортса, ана ўша асосий мақсадлардан бирини бажаришдан бош тортган бўлади. Бу эса, аста-секин соғлик, меҳр-муҳаббат, ижтимоий ва бошқа тарафлардан зарарлар етишига, бора-бора оилада келишмовчилик келтириб чиқариши, ҳатто унинг бузилишига олиб бориши ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳам бу иш Ислом шариатида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган иш сифатида баҳоланган. Бу маънони ҳозирги замонда тибшунос, руҳшунос ва жамиятшунос мутахассислар ҳам тасдиқламоқда.

**5. Аёл киши эри ёмон кўрадиган кишиларни уйга киритмаслиги ва унинг тўшагига ўтиргизмаслиги керак.**

عَنْ عَمْرِو بْنِ الْأَخْوَصِ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أَلَا إِنَّ لَكُمْ عَلَى نِسَائِكُمْ حَقًّا وَلِلنِّسَائِكُمْ عَلَيْكُمْ حَقًّا، فَأَمَّا حَقُّكُمْ عَلَى نِسَائِكُمْ فَلَا



يُوطِنَ فَرَشَكُمْ مَنْ تَكْرَهُونَ، وَلَا يَأْذَنُ فِي بَيْوتِكُمْ مَنْ تَكْرَهُونَ،  
أَلَا وَحَقُّهُنَّ عَلَيْكُمْ أَنْ تُحْسِنُوا إِلَيْهِنَّ فِي كِسْوَتِهِنَّ وَطَعَامِهِنَّ. رَوَاهُ  
التِّرْمِذِيُّ وَصَحَّحَهُ.

*Амр ибн Аҳвас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлинглар! Албатта, сизнинг хотинларингизда ҳаққингиз бордир ва хотинларингизнинг сизда ҳақлари бордир. Тўшагингизни сиз ёқтирмаган кишиларга бостирмасликлари ва сиз ёқтирмайдиган кишиларнинг уйингизга киришига изн бермасликлари хотинингиздаги ҳаққларингиздандир.

Огоҳ бўлинглар! Уларнинг сиздаги ҳақлари: уларнинг кийимларини ва таомларини яхшилаб қўйишингиздир», дедилар».

*Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ, деган.*

Бу ишларнинг алоҳида таъкидланишининг боиси, кўпчилик наздида арзимас бўлиб кўринган мазкур нарсалар оилада уруш-жанжаллар келиб чиқишига, оиланинг бузилиб кетишига сабаб бўлиб келганлигидир.

Бировни ёмон кўриб қолиш — кўнгил иши. Эрак одам жуфти ҳалоли, ёстикдоши томонидан ўзи ёмон кўрган одамга илтифот кўрсатилишидан ранжиши, буни кўнглидан чиқара олмаслиги турган гап. Шунинг учун ҳам Ислом шариати аёлларга бу масалани алоҳида таъкидлаб уқтиради. Бу нарсани эрнинг энг муҳим ҳақларидан бири, деб тушунтиради.

**6. Эрга нисбатан барча ишларда яхши муомалада бўлмоқ.**

عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: لَا تُؤْذِي امْرَأَةً زَوْجَهَا فِي الدُّنْيَا إِلَّا قَالَتْ زَوْجَتُهُ مِنَ الْحُورِ الْعِينِ: لَا تُؤْذِيهِ قَاتَلَكِ اللَّهُ، فَإِنَّمَا هُوَ عِنْدَكَ دَخِيلٌ يُوْشِكُ أَنْ يُفَارِقَكَ إِلَيْنَا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَحَسَّنَهُ.

*Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қай бир хотин бу дунёда эрига озор берса, албатта, унинг «ҳури ийн»дан бўлган хотини «Унга озор берма! Аллоҳ сени ҳалок қилсин! У сенинг олдингда қўноқ бўлиб турибди, холос. Яқинда сени тарк этиб, биз томон жўнайди», дейдилар», деганлар».**

*Термизий ривоят қилган ва ҳасан, деган.*

Ушбу ҳадиси шариф ҳам аёл киши ўз эри билан доимо яхши муомалада бўлиши кераклигига, эри ундан озор тортмаслик ҳаққига эга эканига далилдир. Ушбу ҳақни яхшилаб тушуниб олиш ва уни поймол қилмасликка ҳаракат қилиш жуда ҳам зарурдир.

### **7. Эри учун ўзини сақлаши.**

Бунда аёл кишининг эрига итоатда бўлиш ва унинг ғазабини чиқармаслик учун ўзини турли нарсалардан сақлаб туриши кўзда тутилади.

Аллоҳ таоло «Аҳзоб» сурасида марҳамат қилади:

وَقَرْنَ فِي بُيُوتِكُنَّ وَلَا تَبَرَّجْنَ تَبَرُّجَ الْجَاهِلِيَّةِ الْأُولَىٰ

**«Уйингизда қарор топинг. Илгариги жоҳилиятнинг очиқ-сочиқлиги каби очиқ-сочиқ юрманг» (33-оят).**

Албатта, ҳар бир муслима ўз уйида қарор топмоғи лозим. Шунинг учун уларга виқорларини сақлаб, уйларида ўтириш амр қилинмоқда. Бундан «Аёллар уйдан чиқишлари мумкин эмас экан» деган фикр тушунилмайди. Ушбу ояти карималар нозил бўлганидан кейин ҳам муслима аёллар уйларида чиққанлар. Нафақат уйдан чиққанлар, балки узоқ-узоқ сафарларга ҳам борганлар. Бу оятда аёл кишининг асосий жойи унинг уйи бўлиши кераклигига ишора қилинмоқда.

**«Илгариги жоҳилиятнинг очиқ-сочиқлиги каби очиқ-сочиқ юрманг».**

Жоҳилият вақтида аёллар очилиб-сочилиб, ясантусан қилиб, эркакларнинг эътиборини ўзига тортишга интилар эдилар. Ўзларини бозорга солиб, таналари ва зебу зийнатларини кўз-кўз қилар эдилар. Бундай очилиб-сочилиб юриш «табарруж» дейилади. Аллоҳ таоло муслима аёлларни жоҳилият тузумининг



аёллари каби очиқ-сочиқ юрмасликка амр этмоқда. Бу амр ҳар бир муслима аёлга тегишлидир.

**8. Шофеъий ва Моликий мазҳабларида ҳайз, нифос ва жунублиқдан кейин ғусл қилиш хотиннинг бурчларидандир.**

Чунки хотин ҳайз ва нифосдан кейин ғусл қилмаса, эр унга яқинлашиши мумкин эмас. Шунинг учун у хотинини ғусл қилишга мажбурлаш ҳаққига эга. Жунуб аёл эса, тезроқ ғусл қилиб, намоз ўқиши лозим.

**9. Эр маҳри муъажжални адо қилган бўлса, хотинини ўзи билан сафар қилишга таклиф қилса, у билан сафар қилиш хотиннинг бурчидир.**

Ъъни, аввал беришга келишилган маҳрни хотинга бериш билан эрнинг уни ўзи билан сафарга олиб кетиш ҳаққи ҳам собит бўлади.

**10. Хотин ҳар бир нарсани эридан сўраб қилиши зарур.**

Ҳар бир жойда ҳам раҳбардан изн сўраш жорий қоида бўлгани каби, шариатда аёл учун эрнинг ҳаққи улурлигидан, у ҳар бир нарсани эридан изн олиб қилиши лозимдир. Эр оиланинг раҳбари бўлганидан кейин, аёл бирор иш қилмоқчи бўлса, аввал эрга изҳор қилиб, сўнг ишга қўл уриши икки тарафга ҳам яхшилик келтириши турган гап. Зотан, эр-хотин учун энг ҳаққи улуғ инсон ҳисобланади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَأَلْتُ النَّبِيَّ ﷺ: أَيُّ النَّاسِ  
أَعْظَمُ حَقًّا عَلَى الْمَرْأَةِ؟ قَالَ: زَوْجُهَا. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:**

**«Одамларнинг аёл кишида ҳаққи энг улуғи қайси?» – деб сўрадим.**

**«Эрининг», – дедилар».**

*Насайй ривоят қилган.*

Аввал ўтган баъзи ҳадисларда аёлнинг эридан изн сўрайдиган нарсалари ичида нафл рўза тутиш ҳам борлигини кўрдик. Аллоҳга ибодат қилишда ҳам, баъзи ҳолатларда, эрдан изн сўраш кераклиги шундан кўриниб турибди.

Аллоҳ таоло эркак ва аёл бандаларидан имкон топганларига умрида бир марта ҳаж қилишни фарз қилган, нафл ҳаж қиладиган аёлга эса, эрининг рухсати ҳам шарт қилинган. Шунингдек, аёл киши садақа қилишда, уйдан чиқишда ва шунга ўхшаш нарсаларда эридан рухсат сўраши лозим.

Фақат соғ-саломатлик ҳолатида ота-онанинг зиёратига бир ҳафтада бир марта эр рухсат бермаса ҳам боришга, агар улар бемор бўлсалар, керагича боришга аёлнинг шаръий ҳаққи бор.

### 11. Эрга ёрдам бериш ва унинг риоясини қилиш.

Солиҳа аёл оила ишларининг барчасида эрига ёрдамчи бўлиши, унинг хизматини қилиши, унинг молини, обрўсини ва болаларини муҳофаза қилиши лозим. Ҳаётнинг иссиқ-совуқларида эрига ҳамдард ва ёрдамчи бўлиши матлубдир.

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ فَاطِمَةَ عَلَيْهِمَا السَّلَامُ آتَتْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَشْكُو إِلَيْهِ مَا تَلْقَى فِي يَدِهَا مِنَ الرَّحَى، وَبَلَغَهَا أَنَّهُ جَاءَهُ رَقِيقٌ فَلَمْ تُصَادِفْهُ، فَذَكَرَتْ ذَلِكَ لِعَائِشَةَ، فَلَمَّا جَاءَ أَخْبَرَتْهُ قَالَتْ: فَجَاءَنَا وَقَدْ أَخَذْنَا مَضَاجِعَنَا، فَذَهَبْنَا نَقُومُ، فَقَالَ: عَلَيَّ مَكَانُكُمَا، فَفَعَدَّ بَيْنِي وَبَيْنَهَا حَتَّى وَجَدْتُ بَرْدَ قَدَمِهِ عَلَيَّ بَطْنِي، فَقَالَ: أَلَا أَدُلُّكُمَا عَلَيَّ خَيْرٌ مِمَّا سَأَلْتُمَا، إِذَا أَخَذْتُمَا مَضَاجِعَكُمَا فَسَبِّحَا ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ، وَاحْمَدَا ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ، وَكَبِّرَا أَرْبَعًا وَثَلَاثِينَ، فَهُوَ خَيْرٌ لَكُمَا مِنْ خَادِمٍ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

*Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

«Фотима алайҳимассалом Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, қўлига қўл тегирмонидан етадиган қийинчиликдан шикоят қилди. Унга у зот ҳузурига қуллар келганлиги ҳақида хабар етган эди. Бас, унга улардан бирортаси тегмади. У буни Оишага зикр қилди. У зот келганларида Оиша бу хабарни етказди.

Биз уйқуга ёнбошлаб олганимизда у зот олдимизга келдилар. Биз ўрнимиздан тура бошлаган эдик:

**«Ўрнингиздан қимирламанг», дедилар-да, мен билан у (Фотима)нинг орасига ўтирдилар. Ҳаттоки қорнимда оёқларининг совурини ҳис этдим.**

**Шунда у зот:**

**«Сизларни сўраган нарсангиздан кўра яхшироқ нарсага далолат қилайми? Қачон ёнбошларингизни олсангиз, ўттиз уч марта тасбеҳ айтинг, ўттиз уч марта ҳамд айтинг ва ўттиз тўрт марта такбир айтинг. Ана ўша сизлар учун ходимдан кўра яхшироқдир», дедилар».**

*Тўртовлари ривоят қилдилар.*

Фотимаи Заҳро розияллоҳу анҳо ким эканликлари сир эмас. У зот Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жигаргўшалари, бутун оламлар аёлларининг саййидаси, ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҳ-ҳаҳунинг жуфти ҳалоллари. У киши ўз уйларидаги хизматларни ўзлари қилар эдилар.

Бошқа ривоятларда келганидек, уй супуриб кийимлари чанг бўлган, сув ташиб бўйинларига мешкобнинг ипи ботган, қозонга ўт ёқиб вужудларини тутун босган, қўл тегирмонда ун тортиб қўллари қаварган эди. Уй ишлари машаққатидан қийналиб кетган Фотима розияллоҳу анҳо бир куни оталари Набийимиз алайҳиссаломга қуллар келгани, уларни кишиларга хизматчи қилиб бўлиб бераётганларини эшитиб қолдилар.

Бошқалар хизматчи тутганда, бизда ҳам бир хизматчи бўлса нима қилибди, деган фикр билан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига қўл тегирмон тортавериш қўллари қавариб кетганидан шикоят қилгани бордилар. У зот уйда йўқ эканлар, Фотима розияллоҳу анҳо шикоятларини Оиша онамизга айтаётиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қуллар келганлиги ҳақидаги хабар ўзларига етганини ҳам эслатиб қўйдилар. Сўнгра яна уй хизмати билан машғул бўлиш учун ортларига қайтдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйга қайтиб келганларида Оиша онамиз бўлиб ўтган хабарни у зотга етказдилар. У зот кеч бўлишига қарамай, Али ва Фотима розияллоҳу анҳумонинг масканлари томон йўл олдилар. Кеч бўлиб қолгани

учун икковлари жойларини солиб, ётиб олишган эди.

Улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келганларини билиб, ўринларидан тура бошлаган эдилар, у зот қўймадилар. «Жойингизда ётаверинг», деб, ораларига келиб ўтирдилар ва бирдан мақсадга ўтдилар:

«Мен сизларга икковингиз сўраган ходимдан кўра яхшироқ нарсани айтиб берайми? Ҳар кеч ўрнингизга ётганингизда ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ» ва ўттиз тўрт марта «Аллоҳу акбар» десангиз, ана ўша сиз учун ходимдан кўра яхшироқ», — дедилар.

Ушбу ҳадисни ҳужжат қилиб олган баъзи уламоларимиз «Аёл киши уй хизматларини қилиши вожибдир», дейдилар. Бошқа бирлари эса «Эрининг имкони бўлса, хизматчи олиб берса ҳам бўлади», дейдилар.

Имом Бухорий ва имом Муслим роҳматуллоҳи алайҳилар қилган ривоятда Абу Бакр Сиддиқнинг қизлари Асмо розияллоҳу анҳо қуйидагиларни айтадилар:

«Зубайр менга уйланганида унинг моли ҳам, қули ҳам ёки бирор нарсаси ҳам йўқ эди. Фақатгина минадиган оти ва сув тортиб чиқарадиган ҳайвони бор эди. Мен унинг отига ем берар ва унга керакли бошқа ишларни ҳам қилар эдим. Шунингдек, сув тортадиган ҳайвонига ҳам ем-сув бериб, бошқа ишларни қилар, жумладан, хамир ҳам қорар эдим. Уч фарсахлик масофадан бошимда шох-шабба кўтариб келардим. Абу Бакр менга бир чўри юборди. У отга қарашга кифоя қилди. Мен худди чўрилиқдан озод бўлгандек бўлдим».

Адолат юзасидан айтишимиз лозимки, бу борада ҳаддидан ошганлар ҳам йўқ эмас. Хотинни чўри ўрнида кўрадиганлар ҳам талайгина. Баъзи қайноналарнинг келинларга қарата: «Менга чўри бўлсанг юрасан, бўлмаса кетасан», деганлари ҳам сир эмас. Албатта, бу даражага етиб бориш мутлақо ножоиздир.

Баъзи Ҳанафий уламолар «Хотин эрининг хизматини қилиши вожиб», ҳам деганлар.

Демак, бу масалада аёл ҳам, эркак ҳам ўзи ташаббус кўрсатиши лозим. Бир-бирига ёрдам бериб, ўзаро ҳамкорликда рўзғор тебратишлари керак бўлади.



## 12. Эрнинг оила аъзоларига яхшилик қилиш.

Хотиннинг ўз эрига яхшилик қилиши сирасига унинг ота-онасига ва бошқа қариндошларига яхшилик қилиши ҳам киради. Зотан, эрнинг уларга яхшилик қилиши шариатнинг талабидир. Ота-онага яхшилик қилиш ва қариндошларга силаи раҳм қилиш қанчалик аҳамиятга эга эканини ҳар бир мусулмон яхши билади.

Юқорида зикр қилинган ишлар хотиннинг ўз эри олдидаги шариат белгилаган бурчларидир. Бу бурчларни адо этиш ҳар бир муслима аёл учун шараф ва савобдир.

**Аёлнинг эрига нисбатан риоя қиладиган одоблари:**

1. Муслима аёл Аллоҳ таолога маъсият бўлмаган барча нарсада эрининг розилигини топишга ҳаракат қилади.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أَيُّمَا امْرَأَةٍ مَاتَتْ وَرَزْوُجُهَا عَنْهَا رَاضٍ دَخَلَتْ الْجَنَّةَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالْحَاكِمُ.

*Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қай бир хотин ўлса-ю, эри ундан рози бўлса, у жаннатга киради», дедилар».**

*Термизий ва Ҳоким ривоят қилганлар.*

2. Ҳаётдаги энг гўзал фазийлат қаноатдир. Рисоладаги хотин ўзини бу фазийлат билан зийнатламоғи даркор. Турли ҳою ҳавас деб, зеб-зийнат талаб қилиб, эрни қийин аҳволга солиш яхши эмас.

Аввалги момоларимиз ризқ-рўз топиш учун жўнаб кетаётган эрларига: «Ҳаром касб қилманг. Аллоҳдан қўрқинг. Биз очлик-ночорликка чидаймиз, лекин дўзахнинг азобига чидай олмаймиз», дер эканлар.

3. Эрга ихлос билан хизмат қилиш ҳам аёлларнинг юксак одобларидан биридир.

Улуғ имомлардан бири бўлмиш Жаъфар Содик раҳимаҳуллоҳ: «Бир солиҳа аёл ўз эрига етти кун хизмат қилса, Аллоҳ унинг қаршисидаги дўзахнинг етти эшигини ёпади ва жаннатнинг саккиз эшигини очади», — деган эдилар.



4. Хотин оилада чиройли амалларга одатланмоғи лозим. Қуръон ўқиш, китоб мутолаа қилиш, ахборотлардан хабардор бўлиш, ҳақиқатни ҳимоя қилиш шулар жумласидандир. Чунки оқила ва маърифатли аёл ҳамиша эъзозда, эътиборда бўлади.

5. Уйнинг содда, саранжом-саришта бўлиши ҳам асосан хотин кишига боғлиқ. Уйнинг зийнати нақш-нигору аёлларда эмас, балки саришталик, тотувлик ва меҳр-муҳаббатда эканини ҳеч қачон унутмаслик керак.

6. Хотин киши эрининг виждонига айланиб, уни гуноҳдан, ёмон ишлардан қайтаради, савобга, яхши ишларга ундаб туради.

Бундай аёллар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Мўмин банда Аллоҳга бўлган иймондан сўнг зришган энг яхши нарса солиҳа хотиндир, унга қараса, хурсанд қилади ва Аллоҳнинг амрини бажаришда ёрдам беради»**, деб мақтаган аёллар қаторига кирадилар.

7. Солиҳа хотин енгиллик пайтида ҳам, оғирчилик пайтида ҳам эри учун энг яқин киши, дардкаш, маслаҳатчи бўлади. Уни сабр-чидамга даъват қилади, тушкун кунларида кўнглини чўктирмай, доимо олдинга интилишга ундайди.

8. Солиҳа аёл ўз эрининг яқин ёрдамчиси, ишончли кишиси бўлиб, ҳамма нарсаларни тартибга солиб туради. Унинг қилмоқчи бўлган ишларига ҳурмат билан қараб, ваъда ва учрашувларини ўз вақтида ўтказишига ёрдам бериб боради. Бу ҳолат, албатта, эрни уйга боғлайди. Чунки у бу ерда роҳат-фароват, ҳузур-ҳаловат топади.

9. Аёл киши эри ҳузурида ширинсухан, хушмуомала бўлиш билан бирга, тоза, чиройли кийинган, зийнатланган ҳолда бўлиши керак. Чунки бу нарса эр қалбига хурсандчилик, руҳига сокинлик киритади, қалбига қувонч бағишлайди.

10. Рисоладаги хотин эрининг олдида ҳам, ортидан ҳам обрўсини, молини сақлайди, шарафини муҳофаза қилади.



## ЭРНИНГ АЁЛИ ОЛДИДАГИ БУРЧЛАРИ

Уламоларимиз эрнинг хотини олдидаги бурчлари тўғрисида келган барча ҳужжат ва далилларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосага келганлар.

Эрнинг хотини олдидаги бурчлари икки қисмга бўлинади:

1. Молиявий бурчлар.
2. Муомалавий бурчлар.


**Молиявий бурчлар** маҳр, нафақа ва тўйдан иборат.

### I. Маҳр бурчи.

«Маҳр» ақди никоҳ ёки эр-хотин бўлиш баробарида эр зиммасига юкланадиган ва хотинга бериш лозим бўлган молдир.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَأَتُوا النِّسَاءَ صَدُقَاتِهِنَّ نِحْلَةً فَإِن طِبْنَ لَكُمْ عَن شَيْءٍ مِّنْهُ نَفْسًا فَكُلُوهُ



«Аёлларга маҳрларини кўнгилдан чиқариб беринг. Агар улар ундан бирор нарсани чин кўнгилдан тутсалар, бас, уни енглар. Ош бўлсин, офият бўлсин» (4-оят).

Ушбу ояти карима маҳр бериш эрга вожиб эканини англатувчи тўртта оятдан биридир. Ақди никоҳ бўлиши билан, гарчи қовушмай туриб ажрашадиган бўлсалар ҳам, эрга маҳр бериш вожиб бўлади. Лекин маҳр бериш никоҳнинг шарт ёки рукнларидан эмас. Усиз ҳам никоҳ боғланаверади, олди-берди кейинроқ бўлса ҳам, зарари йўқ.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида бундай дейди:

فَمَا اسْتَعْتَبْتُمْ بِهِ مِنْهُنَّ فَآتُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ فَرِيضَةً

«Улардан баҳраланишингиз ҳисобига фарз қилинган маҳрларини уларга беринг» (24-оят).

Маҳр келиннинг турмуш қуришга рози бўлгани, хотин бўлиб, бир ёстиққа бош қўяётганини тақдир-

лаш сифатида берилади. Маҳр бериш фарздор. Бусиз никоҳ никоҳ бўлмайди. Олдинми, кейинми, озми, кўпми, барибир маҳр бериш керак.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

فَأَنْكِحُوهُنَّ بِأَذْنِ أَهْلِهِنَّ وَأَتَوْهُنَّ أَجُورَهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ

«Уларни аҳллариининг изни ила маҳрларини маъруф ила бериб, никоҳингизга олинг» (25-оят).

Жўнгина «маҳрларини беринг», деб қўймасдан, «маъруф ила»нинг қўшиб айтилиши ҳам муҳим ҳикмат аҳамият касб этади.

Маҳр тўғрисидаги маълумотларни аввал зикр қилганмиз.

## II. Нафақа бурчи.

Никоҳдан сўнг хотиннинг нафақаси эрга вожиб бўлади. «Нафақа» сўзи луғатда «яхшиликка маблағ чиқариш» маъносини англатади. Шариатда эса, ўз қарамоғидаги шахсни етарли кийим, таом ва маскан билан таъминлашдир.

Нафақанинг эрга вожиб бўлиши Қуръон, суннат, ижмоъ ва ақл ила собит бўлган.

Қуръондан далиллар:

Аллоҳ таоло «Талоқ» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

لِيُنْفِقَ ذُو سَعَةٍ مِّن سَعَتِهِ. وَمَن قَدِرَ عَلَيْهِ رِزْقُهُ، فَلْيُنْفِقْ مِمَّا آتَاهُ اللَّهُ لَا يَكْلِفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا مَاءً آتَاهَا سَيَجْعَلُ اللَّهُ بَعْدَ عُسْرٍ يُسْرًا

«Ризқи кенг кенглигидан нафақа қилсин. Кимнинг ризқи тор қилинган бўлса, унга Аллоҳ берганидан нафақа қилсин. Аллоҳ ҳеч бир жонга ўзи берганидан ортиқчани юкломас. Аллоҳ қийинчиликдан сўнг тезда осонликни берур» (7-оят).

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида бундай дейди:

وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ

Ужасини олма



**«У(она)ларни маъруф ила едириб, кийинтириш отанинг зиммасидадир» (233-оят).**

Аллоҳ таоло «Талоқ» сурасида бундай деб марҳамат қилади:

أَسْكِنُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ سَكَنْتُمْ مِنْ وَجْدِكُمْ

**«У (аёл)ларга ўзингиз яшаб турган жойдан имконингиз борича жой беринг» (6-оят).**

Суннатда келган далиллар:

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ: ... فَاتَّقُوا اللَّهَ فِي النِّسَاءِ. فَإِنَّكُمْ أَخَذْتُمُوهُنَّ بِأَمَانِ اللَّهِ، وَاسْتَحْلَلْتُمْ فُرُوجَهُنَّ بِكَلِمَةِ اللَّهِ. وَلَكُمْ عَلَيْهِنَّ أَنْ لَا يُوطِئَنَّ فُرُوشَكُمْ أَحَدًا تَكَرَّهُوْنَهُ، فَإِنْ فَعَلْنَ ذَلِكَ فَاضْرِبُوهُنَّ ضَرْبًا غَيْرَ مُبْرِحٍ. وَلَهُنَّ عَلَيْكُمْ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ... رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَمَالِكٌ.

*Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам видолашув ҳажида дедилар:**

**«...Бас, аёллар ҳаққида Аллоҳдан қўрқинглар! Чунки сиз уларни Аллоҳнинг омонати ила олгансизлар. Уларнинг фаржларини Аллоҳнинг калимаси ила ҳалол қилиб олгансизлар. Сизлар учун уларнинг зиммасида сиз ёмон кўрган бирор кишига тўшакларингизни бостирмаслик мажбурияти бор. Агар ўшани қилсалар, уларни ачитмайдиган қилиб уринглар. Улар учун сизнинг зиммангизда маъруф йўл билан ризқлари ва кийимларининг мажбурияти бор...».**

*Муслим, Абу Довуд ва Молик ривоят қилганлар.*

عَنْ حَكِيمِ بْنِ مُعَاوِيَةَ الْقَشِيرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، مَا حَقُّ زَوْجَةٍ أَحَدِنَا عَلَيْهِ؟ قَالَ: أَنْ تُطْعِمَهَا إِذَا طَعِمْتَ وَتَكْسُوَهَا إِذَا اكْتَسَيْتَ أَوْ اكْتَسَبْتَ، وَلَا تُضْرِبَ الْوَجْهَ وَلَا تُقَبِّحَ وَلَا تَهْجُرَ إِلَّا فِي الْبَيْتِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Ҳақим ибн Муовия Қушайрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, биримизнинг хотинининг унда нима ҳаққи бор?» – дедим.

«Қачон таомлансанг, уни ҳам таомлантирасан. Қачон кийим кийсанг, (ёки мол касб қилсанг) уни ҳам кийинтирасан. Юзга урмайсан. Ҳақоратламайсан ва уйдан бошқа жойда ҳижрон қилмайсан», – дедилар у зот».

*Абу Довуд ва Насаий ривоят қилганлар.*

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ هِنْدًا بِنْتَ عُتْبَةَ قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أَبَا سُفْيَانَ رَجُلٌ شَحِيحٌ وَلَيْسَ يُعْطِينِي مَا يَكْفِينِي وَوَلَدِي إِلَّا مَا أَخَذْتُ مِنْهُ وَهُوَ لَا يَعْلَمُ، فَقَالَ: خُذِي مَا يَكْفِيكَ وَوَلَدِكَ بِالْمَعْرُوفِ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

*Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Ҳинд бинту Утба:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Суфён ўта бахил одам, унга билдирмай олганимдан бошқа менга ва боламга кифоя қиладиган ҳеч нарса бермайди», деди.

«Ўзингга ва болангга етарлисини тўғрилиқча ол», дедилар у зот.

*Икки шайх ривоят қилганлар.*

Барча уламолар аёлларнинг нафақаси эрларига вожиб бўлишига иттифоқ қилганлар. Аёл киши эрнинг хизматларини қилганидан кейин, унинг измида бўлганидан кейин, албатта, унинг нафақаси эрга вожиб бўлади.

Нафақа ҳақида қуйидаги масалаларни билиб олиш ва уларга ихлос билан амал қилиш оила ва унинг аъзолари учун ўта муҳимдир:

**1. Нафақанинг миқдори иккисининг ҳолига қараб бўлади.** Ҳар иккиси бой бўлса, бойликка яраша, камбағал бўлса, камбағалликка яраша бўлади. Эр бой, хотин камбағал ёки аксинча бўлса, икки ҳолнинг ўртасида бўлади. Агар хотин отасининг уйида бўлса ҳам ёки эрнинг уйида бемор бўлса ҳам.



Ҳар бир оила ўзининг иқтисодий ҳолидан келиб чиқиб, хотиннинг нафақасини белгилаши керак. Эрлар мумсиклик қилмасликлари, хотинлар талабни ҳаддан ташқари кучайтирмасликлари лозим.

Ҳозирги кунимизда эркакларнинг кўпчилиги аёлларини нафақа билан таъминлаш борасидаги бурчларини шараф билан адо этаётганлари қувончли ҳолат. Лекин баъзи ҳолатларда хотинларга нафақа масаласида зулм бўлаётганлиги ҳақида шикоятлар ҳам кўп. Яна айрим эркаклар, хотинини нафақа билан таъминламаётгани етмагандек, «Бошқаларнинг хотини ишлаб пул топаётибди, сен ҳам мени боқасан», деб телевизор кўриб ётишибди. Бу эса чидаб бўлмайдиган ҳолдир.

Фақиҳ уламолардан нақл қилинган «**Агар хотин отасининг уйида бўлса ҳам ёки эрнинг уйида бемор бўлса ҳам**» деган жумла ҳам бутунги кунимизда алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб қолди. Кўпчилик хонадошларда келин бемор бўлиб қолса, отасиникига олиб бориб қўйишни фарз ёки вожиб деб англаётганлар ҳам йўқ эмас. Ота-она, қариндошлар ёки ташиш-билишлар хотини бемор бўлган эркакка: «Аёлинг бемор бўлибди, отасиникига олиб бор», дейишади. Яна келин тузалган куннинг ўзидаёқ уни қайтариб олиб келишга амр қилишдан хижолат ҳам бўлишмайди. Чунки бу нарса одатга айланиб қолди. Аслида, бетоб бўлган келинни отасиникига олиб бориб ташлаш ўзини билган ҳар бир шахс учун ор, номус бўлиши керак. Балки, мабодо, келин отасиникида бемор бўлиб қолса ҳам, эр уни ўз уйига олиб келиб, даволаши лозим.

Эр зиммасидаги хотин учун вожиб нафақалар беш қисмдир:

#### **А) Таом.**

Бунга озиқ-овқат, ичимлик ва таомга қўшиб ейиладиган (сирка, ёғ ва шунга ўхшаш) нарсалар ҳамда таом пишириш учун кетадиган барча маҳсулотлар киради. Таомнинг миқдори етарли бўлиши керак, мазкур миқдор эрнинг бой-камбағаллигига қараб белгиланади.

**Б) Кийим.**

Етарли даражада, бир сидирға кийим-бош доимо бўлиши керак. Ҳанафий ва Шофеъий мазҳабларида: «Ҳар олти ойда бир сидирға янги кийим олиб берилади», дейилган.

**В) Маскан.**

Эр ўз хотинини маскан – турар жой билан таъминлаши вожиб. Маскан эрнинг молиявий имконияти даражасида бўлади. Шу билан бирга, маскан тўлиқ жиҳозланган, унда яшаш учун керакли ҳар бир нарса бўлиши лозим.

*Г) Агар хотин хизматкор ишлатиб юрадиган тоифадан бўлса, хизматкор солиб бериш ҳам унинг нафақасига киради.*

*Д) Тозалик асбоб-анжомлари ва уйнинг керакли матоҳлари.*

2. Агар эр моли бўла туриб, аёлига нафақа қилмаса, қози уни қамашга ҳукм чиқаради. Аёл талаб қилса, эрнинг бошқа мулклари сотилиб, унинг нафақаси берилади. Эр ноиложликдан нафақа бера олмаса, қамалмайди.

3. Ўзбошимчалик билан уйдан чиқиб кетган, қарз учун ҳибсга олинган, куёвнинг уйига касаллиги туфайли келтирилмаган, мажбурланган (олиб қочилган) ва эрисиз ҳаж қилган аёлга нафақа йўқ.

Аёл агар эри билан бирга ҳаж қилса, шунда ҳам сафар ва киранинг нафақасига эмас, муқимлик ҳолатида оладиган нафақасига ҳақлидир.

4. Бой эрга хотин учун бир ходимнинг нафақаси ҳам вожиб бўлади. Саҳиҳ қавлга биноан, камбағал эрга бу нарса вожиб бўлмайди.

5. Эрнинг нафақадан ожизлиги учун оралари ажратилмайди. Аёлга эрнинг ҳисобидан қарз олиш амр қилинади.

Эр нафақа беришга ожиз бўлса ҳам хотинидан ажратилмаслигининг ҳужжати қуйидагича.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида марҳамат қилади:

وَإِنْ كَانَتْ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ



**«Агар ночор бўлса, бойигунча кутишдир»**  
(280-оят).

Демак, ночор одамнинг бойишини кутиш керак. Ночорлиги учун бошқа чора кўриш дуруст эмас.

Аллоҳ таоло «Нур» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَأَنْكِحُوا الْأَيْمَىٰ مِنْكُمْ وَالصَّالِحِينَ مِنْ عِبَادِكُمْ وَإِمَائِكُمْ إِنْ يَكُونُوا  
فُقَرَاءَ يُغْنِهِمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ ۗ وَاللَّهُ وَسِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٣٢﴾

**«Ораларингиздаги никоҳсизларни ва қулу чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг. Агар фақир бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилур. Аллоҳ Восиф ва Алиймдир»** (32-оят).

Оятда фақирлик никоҳга тўсиқ бўла олмаслиги таъкидланмоқда.

**6. Кимга камбағаллигига қараб нафақа юкланган бўлса-ю, кейин бойиса, агар хотин талаб қилса, бойлигига мос нафақа ила тўлатилади.**

Нафақа ким томонидан юклатилган бўлади?

Аксинча, бойлигида нафақа белгиланса-ю, кейин камбағал бўлиб қолса, камбағаллик даражасига қараб нафақа қисқартирилади.

**7. Ўтган муддатнинг нафақаси соқит бўлади.**

Эр маълум муддат нафақа бермай юрган бўлса, кейин уни тўлаши лозим бўлмайди.

**8. Илло, қози тайинлаган ёки икковлари бир нарсага келишган бўлсалар, ўтган муддатникини ҳам бериш вожиб бўлади. Бунда икковлари ҳам тирик бўлиши шарт. Агар бири вафот этган ёки аёлни нафақани олишидан аввал талоқ қилган бўлса, тайинланган нарса соқит бўлади. Бироқ, аёл қозининг амри ила қарз олган бўлса, соқит бўлмайди.**

**9. Муддатидан олдин берилган нафақа, икковларидан бири муддатдан олдин вафот этса, қайтариб олинмайди.**

Мисол учун, бир киши хотинининг бир йиллик нафақасини олдиндан бериб қўйди. Аммо бир йил



ўтмасдан, икковларидан бири вафот этди. Шунда нафақа қайтариб олинмайди.

**10. Хотиннинг маскани эрнинг аҳлидан бирор киши бўлмаган уйда бўлиши шарти ила эрга вожиб бўлади. Ҳаттоки, эрнинг бошқа хотинидан бўлган боласи ҳам бўлмаслиги керак. Илло, аёл рози бўлса, майли.**

Агар эр хотинни ҳеч ким йўқ уйга жойлаган бўлса-ю, хотин эр ураётгани ва озор бераётгани ҳақида қозига шикоят қилса ва ўзининг солиҳ қавмлар орасида жойлаштирилишида ёрдам сўраса, қози хотиннинг гапи тўғрилигига амин бўлса, эрни зажр қилади ва хотинга тажовуз қилишдан қайтаради. Аммо, эрнинг хотинга озор бермаётганига гувоҳлар бўлса, тек қўяди. Агар атрофда ишончли кишилар бўлмаса ёки улар эрга тарафдор бўлсалар, қози хотинни солиҳ қавмлар орасига кўчиришни эрга мажбурий амр қилади.

**11. Эрнинг ҳовлисидаги алоҳида, қулфланадиган уй аёлга кифоя қилади.**

Яъни, бир ҳовлида бошқа уйлар ва кишилар бўлса ҳам, алоҳида яшаш учун лозим қулайликлари бор уй бўлса, етади.

**12. Эр хотиннинг олдида у(хотин)нинг ота-онасини ва бошқа эрдан бўлган боласини киритмасликка ҳақли.**

Чунки уй уники ва у ўз уйини ўзи хоҳлаганича тасарруф қилиш ҳаққига эга.

**13. Хотинга истаган пайтларида назар солишларидан ва гапиришларидан (қариндошларни) ман қилишга (эрнинг) ҳаққи йўқ.**

Чунки силаи раҳмни кесишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**14. «Эр аёлни ҳафтада бир марта ўз ота-онасининг олдида чиқишидан ва уларни аёлнинг олдида киришларидан ман қила олмайди» деган гап бор. Ота-онадан бошқа маҳрамлар йилига бир марта. Ва шуниси тўғри.**

Маҳрамларнинг зиёратига оид сўз айтган машо-йихлар ичида «мазкур муддат бир ойдан ошмаслиги



лозим», деган уламолар ҳам, «бир ҳафтадан ошмаслиги лозим», деган уламолар ҳам бор.

**15. Ғойибнинг хотинининг, боласининг ва ота-онасининг нафақаси унинг молидан фақат уларнинг ҳаққи бўлган жинсдан тайин қилинади.**

Ғойиб — йўқолиб қолган одам. Унинг молидан фақат хотини, боласи ва ота-онасининг нафақасини қози белгилаб беради. Бошқа қариндошларнинг нафақаси соқит бўлади. «Уларнинг ҳаққи бўлган жинсдан» дегани «уларга зарур бўлган нарсалардан» деганидир. «Мана буни сотиб, ишлатарсизлар», деб бошқа нарсаларни бериб бўлмайди.

**16. Бунда мол омонатга қўйилган, музорабада қатнашган бўлмаслиги ёки қарзга олган кишининг ҳузурида бўлиши ва у(эр) буни эътироф қилиши шарт. Шунингдек, никоҳнинг эътирофи ҳам бўлиши ёки қози буларни билиши лозим.**

Яъни, қози мол, никоҳ ва насабни билса, нафақа ҳақидаги ҳукми чиқараверади. Чунки қозининг билими ҳам ҳужжат ҳисобланади ва у ўз ўрнида бу билан ҳукм чиқариш ҳаққига эга.

**17. Қози аёлга эр унинг нафақасини бермаганлиги ҳақида қасам ичтиради ва ундан кафолат талаб қилади.**

Аёлнинг қасам ичирилиши эр ғойиб бўлишидан олдин унга нафақасини берган бўлиши ва аёл қозини алдаётган бўлиши эҳтимоли борлиги учундир. Кафил эса, мабодо, эр келиб, аёлга нафақасини кераклигича қолдириб кетганини исбот қилиб қолса, тўлаб бериши учун талаб қилинади.

**18. Ғойибга нафақани юклаш учун ҳужжат келтиришни талаб қилмайди ва аёлга эр номидан қарз олишни амр қилади. Никоҳ ҳақида ҳукм чиқармайди. Имом Зуфар: «Нафақа ҳақида ҳукм чиқаради, никоҳ ҳақида чиқармайди», — деган. Бутунги кунда қозилар эҳтиёж юзасидан шунга амал қиладилар.**

Чунки бунда одамларга енгиллик бор.

**19. Ражъий ва боин талоқ қилинган, озод бўлгандаги ва балоратга етгандаги каби маъсиятсиз**

**хиёр туфайли ёки куфув бўлмагани учун ажрашган аёлга нафақа ва маскан берилади.**

Бу ҳукмга қуйидаги далиллар мавжуд:

Аллоҳ таоло «Талоқ» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

أَسْكُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ سَكَنْتُمْ مِنْ وَجْدِكُمْ

**«У (аёл)ларга ўзингиз яшаб турган жойдан имконингиз борича жой беринг» (6-оят).**

Қуйидаги ҳадис ҳам шу маънода келган:

عَنْ أَبِي إِسْحَقَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ جَالِسًا مَعَ الْأَسْوَدِ بْنِ زَيْدٍ فِي الْمَسْجِدِ الْأَعْظَمِ وَمَعَنَا الشَّعْبِيُّ، فَحَدَّثَ الشَّعْبِيُّ بِحَدِيثِ فَاطِمَةَ بِنْتِ قَيْسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَجْعَلْ لَهَا سُكْنَى وَلَا نَفَقَةً، فَأَخَذَ الْأَسْوَدُ كَفًّا مِنْ حَصَى فَحَصَبَهُ بِهِ، وَقَالَ: وَيْلَكَ تُحَدِّثُ بِمِثْلِ هَذَا؟! قَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: لَا تَتْرُكُ كِتَابَ اللَّهِ وَسُنَّةَ نَبِيِّنَا لِقَوْلِ امْرَأَةٍ لَا نَدْرِي لَعَلَّهَا حَفِظَتْ أَوْ نَسِيَتْ، لَهَا السُّكْنَى وَالنَّفَقَةُ. قَالَ عَزَّ وَجَلَّ: لَا تُخْرِجُوهُنَّ مِنْ بُيُوتِهِنَّ وَلَا يُخْرِجَنَّ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَنَّ بِفَحِشَةٍ مُبِينَةٍ. - رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

*Абу Исҳоқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Асвад ибн Язийд билан катта масжидда ўтирган эдим. Биз билан Шаъбий ҳам бирга эди. Шаъбий Фотима бинту Қайснинг ҳадисини айтиб, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга маскан ҳам, нафақа ҳам буюрмаганлар», деди.

Шунда Асвад бир кафт майда тошни олиб, уларни унга отди-да:

«Шўринг қурисин! Шундай гапни ҳам айтасанми?! Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Ёд олгани ёки унутганини билмаганимиз бир аёлнинг гапи деб, Аллоҳнинг Китобини ва Набийимизнинг сунатини тарк қилмаймиз. Ундай аёлга маскан ҳам,

**нафақа ҳам берилади. Аллоҳ азза ва жалла «Уларни уйларидан чиқарманг ва ўзлари ҳам чиқмасинлар. Магар очиқ-ойдин фоҳиша иш келтирсалар», деган», деди», деб айтди».**

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

**20. Вафотдан, ридда (муртадлик) ҳамда эрнинг ўғлини ўпиш каби маъсият туфайли ажрашишдан кейин идда сақловчига нафақа берилмайди.**

Чунки вафотдан кейинги идда эрнинг ҳаққи учун эмас, балки шариатнинг ҳаққи учундир. Маъсият қилганда эса, айб хотинда бўлганлиги учун унга яхшилиқ қилинмайди.

**21. Уч талоқ қилинганнинг муртад бўлиши нафақани соқит қилади, эрнинг ўғлига имкон бериши эмас.**

Чунки муртад бўлган аёл тавба қилиши учун қамалади. Қамалган аёлга нафақа берилмайди. Эрининг ўғлига ўзига яқинлашишга имкон беришда эса бу ҳолат йўқ.

### **Ш. Хотиннинг шарафига тўй қилиш.**

Эрнинг ўз жуфти ҳалолининг шарафига тўй қилиб бериши хотин олдидаги учинчи молиявий бурчидир. Бу иш мустаҳабдир. Бу ҳақда аввал батафсил кўриб, таҳлил қилиб ўтганмиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари уйланганларида тўй қилганлари ва эркак саҳобаларни ҳам тўй қилишга буюрганларини далил қилиб келтирганмиз.

### **Мулоҳаза:**

Ҳар бир мусулмон эр ўзининг аёли олдидаги молиявий бурчлари ҳақидаги ушбу таълимотларни жону дили билан, яхшилаб ўрганиши, қабул қилиши ва уларга ихлос билан амал қилиш ўзи учун саодат манбаи эканини англаб етиши лозим. Шунда бошқалар учун одат бўлган оила ҳаёти унинг учун ибодат даражасига кўтарилади. Мисол учун, эр «аёлимнинг нафақаси шариат бўйича менга вожиб эди, шуни бажаришим керак» деб, аёлига нафақа топиш учун ҳалол касб билан ишлаб юрар экан, вожиб ибодатни адо этаётган киши сифатида ажр ва савоб олади.

عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدٍ، عَنْ أَبِيهِ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ لَهُ: إِنَّكَ مَهْمَا أَنْفَقْتَ عَلَى أَهْلِكَ مِنْ نَفَقَةٍ فَإِنَّكَ تُؤَجَّرُ فِيهَا، حَتَّى اللَّقْمَةَ تَرْفَعُهَا إِلَى فِي امْرَأَتِكَ. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

*Омир ибн Саъддан, у отасидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Албатта, сен аҳлингга ҳар қандай нафақа қилсанг, унга ажр оласан. Ҳаттоки, аёлингнинг оғзига тутган луқмада ҳам».**

*Имом Аҳмад ривоят қилган.*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: دِينَارٌ أَنْفَقْتَهُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَدِينَارٌ أَنْفَقْتَهُ فِي رَقَبَةٍ، وَدِينَارٌ تَصَدَّقْتَ بِهِ عَلَى مِسْكِينٍ، وَدِينَارٌ أَنْفَقْتَهُ عَلَى أَهْلِكَ، أَعْظَمُهَا أَجْرًا الَّذِي أَنْفَقْتَهُ عَلَى أَهْلِكَ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَمُسْلِمٌ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Бир динорни Аллоҳнинг йўлида нафақа қилдинг. Бир динорни қул озод қилишга нафақа қилдинг. Бир динорни мискинга нафақа қилдинг. Бир динорни аҳлингга нафақа қилдинг. Энг ажри улуғи аҳлингга нафақа қилганингдир».**

*Аҳмад ва Муслим ривоят қилганлар.*

Ушбу ҳадисдан аҳлу аёлни нафақа билан таъминлаш қанчалик шарафли ва савобли иш эканини англаб олиш қийин эмас.



## ЭРНИНГ ХОТИНИ ОЛДИДАГИ МУОМАЛАВИЙ БУРЧЛАРИ

Эр ўз хотини олдидаги молиявий бурчларини адо этиш билан бирга, муомалавий бурчларини ҳам ша- раф билан адо этиш пайдан бўлиши лозим. Улар қу- йидагилардан иборат:

**1. Эр хотинига яхши муомалада бўлиши ва унинг озорларига чидаши лозим.**

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида бундай деб марҳа- мат қилади:

وَعَاشِرُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ

«Ва улар ила яхшиликда яшанг» (19-оят).

Исломот таълимотларига биноан, эр-хотин орасида- ги муносабат севги-муҳаббат, раҳм-шафқат ва унсу улфат алоқаси бўлиши лозим.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу хотинига муҳаб- бати йўқ бўлиб қолганлиги учун уни талоқ қилмоқчи бўлган одамга: «Шўринг қурсин! Оилалар муҳаббат учун қурилмаганми, ахир?! Риоя қани?! Масъулият қани?!» — деганлар.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида яна шундай дейди:

وَأَخَذَتْ مِنْكُمْ مِيثَاقًا غَلِيظًا

«Ва улар сиздан мустаҳкам аҳду паймон олган- лар-ку?!» (21-оят).

Никоҳ туфайли эр-хотин нафақат жисман, балки руҳан ҳам қўшилади. Уларнинг ҳис-туйғулари, орзу- умидлари, виждонлари, сир-асрорлари, дарду ғамлари, бахт-саодатлари — барча-барчаси қўшилади, қовуша- ди. Исломда никоҳ ва оила Аллоҳ таолонинг исми ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннат- лари ила қуриладиган муқаддас робита ва ошёндинр.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ  
الْآخِرِ فَلَا يُؤْذِي جَارَهُ، وَاسْتَوْصَا بِالنِّسَاءِ خَيْرًا، فَإِنَّهُنَّ خُلِقْنَ مِنْ

ضَلَعٌ، وَإِنْ أَعْوَجَ شَيْءٌ فِي الضَّلَعِ أَعْلَاهُ، فَإِنْ ذَهَبَتْ تَقِيمُهُ كَسَرَتْهُ  
وَإِنْ تَرَكَتَهُ لَمْ يَزَلْ أَعْوَجَ، فَاسْتَوْصُوا بِالنِّسَاءِ خَيْرًا. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ  
وَالترمذِيُّ وَفِي رِوَايَةٍ: إِنَّ الْمَرْأَةَ خُلِقَتْ مِنْ ضَلَعٍ لَنْ تَسْتَقِيمَ لَكَ  
عَلَى طَرِيقَةٍ، فَإِنْ اسْتَمْتَعْتَ بِهَا اسْتَمْتَعْتَ بِهَا وَبِهَا عَوَجٌ، وَإِنْ ذَهَبَتْ  
تَقِيمُهَا كَسَرَتْهَا وَكَسَرُهَا طَلَاقُهَا.

*Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*  
«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин ва аёлларга доимо яхшилик қилинг! Чунки улар қовурғадан яратилгандирлар. Албатта, қовурғанинг энг эгри жойи юқори қисмидир. Агар уни тўғрилайман деб уринсанг, синдирасан. Агар уни тек қўйсанг, эгрилиги бўйича қолур. Бас, аёлларга доимо яхшилик қилинг!» дедилар».

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.*

*Бошқа бир ривоятда:*

«Албатта, аёл киши қовурғадан яратилгандир. У сен учун бир йўлда мустақим турмас. Агар сен ундан эгрилигича ҳузурлансанг, ҳузурланиб қолдинг. Агар уни тўғрилайман десанг, синдирасан. Унинг синиши таловидир», дейилган.

Айбсиз инсон, жумладан, хато қилмайдиган аёл киши ҳам йўқ. Беайб ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзи. Аёл кишини Аллоҳ таоло ўзига хос табиат билан яратган. У хотин бўлиши, она бўлиши ва бу вазифаларга тегишли масъулиятларни адо этиши лозим. Шунинг учун ҳам аёл кишида тез ва таъсирли меҳр кўрсатиш қобилияти бўлиши зарур. Бунинг акси ўлароқ, унда тез аччиқ чиқиш ва оғир нарсани кўтара олмаслик сифати ҳам юзага келган. Аёл киши ўз жинсига мос келадиган машаққатлардан эркак киши кўтара олмайдиган юз ва ундан ҳам ортиқ нарсани кўтариши мумкин, аммо ўзига хос бўлмаган қийинчилик, сал-



гина кўпол муомала, бир оғиз ноқулай сўзни кўтара олмаслиги аниқ. Эр киши, ушбу ҳолатларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда, хотинига яхши муомалада бўлиши лозим.

Шунинг учун ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисда:

**«Аёлларга доимо яхшилик қилинг!»** — демоқдалар.

Халқимизда ушбу маъно «аёл киши яхши сўзнинг гадоси» деган ҳикматли ибора билан ифода қилинган. Бундан аёл кишига нисбатан унинг муомаласига қараб эмас, балки доимо яхши муносабатда бўлиш кераклиги келиб чиқади. Чунки аёл кишининг яратилиш фитрати шуни тақозо қилади. Аллоҳ таоло аёл кишини, аввал айтиб ўтилган ҳикматларга биноан, шундай қилиб яратган.

Шу боисдан, аёлдан содир бўладиган ҳар бир нарсани тафтиш қилиб, унинг бошқача бўлиши учун уриниш маслаҳат берилмайди. Балки, аёл табиатига хос бўлган нарсаларни ўз ҳолида қолдириб, сабр қилиш афзал бўлади. Ана ўшанда уруш-жанжаллар озаяди, оиланинг бузилиш хавфи йўқолади. Акс ҳолда, **«уни тўғрилайман деб уринсанг, синдирасан»**. Аёл кишидан содир бўлган ҳар бир эгриликни тўғрилашга уриниш яхши натижага эмас, балки оила бузилишига олиб келиши мумкин.

Демак, аёл кишидан содир бўладиган камчиликларга сабр қилиб, у билан яхши яшашга уриниш эрнинг вазифасидир.

Аёл кишининг эридаги ҳақларидан энг муҳими бўлмиш — яхши яшаш, унга гўзал муомала қилиш ҳақида шариатимизнинг тавсиялари жуда ҳам кўпдир.

**2. Эр ҳазил-мутойиба ва кўнгилхушлик қилиш билан аёлини эркалатиб туради.**

Набий алайҳиссаломнинг ўзлари аёлларига гўзал муносабатда, доимо хурсандликда, уларни эркалаган, лутф кўрсатган ва нафақаларини кўпайтирган ҳолда яшаганлар.



Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллари билан ҳазиллашиб, кулишар, улар билан самимий муомалада бўлар эдилар.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо: «У киши аёллари билан холи қолганларида энг мулойим, карамли, серкулги ва сертабассум киши бўлар эдилар», – деб айтганлар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: تَسَابَقْتُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَسَبَقْتُهُ، فَلَبِثْنَا حَتَّى إِذَا أَرْهَقَنِي اللَّحْمُ سَابَقَنِي فَسَبَقَنِي، فَقَالَ: هَذِهِ بَيْتُكَ. رَوَاهُ أَحْمَدُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَابْنُ حُبَّانَ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан мусобақалашдим. Мен у зотдан ўзиб кетдим. Бир муддатдан сўнг менинг гўштим оғирлашганда, яна мен билан мусобақалашиб, мендан ўзиб кетдилар ва:**

**«Ҳалиги билан биру бир», – дедилар».**

*Аҳмад, Абу Довуд Насаий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилганлар.*

Қаранг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллари Оиша онамиз розияллоҳу анҳо билан югуриш мусобақаси ўтказган эканлар. Бу югуриш мусобақаси пайтида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшлари элик учдан ўтган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиздан ўзиб кетган кейинги югуриш мусобақасида эса у зотнинг ёшлари ундан ҳам катта бўлган.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: وَكَانَ يَوْمَ عِيدِ يَلْعَبُ فِيهِ السُّودَانُ بِالذَّرْقِ وَالْحِرَابِ، فِيمَا سَأَلْتُ النَّبِيَّ ﷺ وَإِنَّمَا قَالَ: تَشْتَهَيْنَ تَنْظُرِينَ؟ فَقُلْتُ: نَعَمْ. فَأَقَامَنِي وَرَاءَهُ، خَدِّي عَلَى خَدِّهِ، وَهُوَ يَقُولُ: دُونَكُمْ يَا بَنِي أَرْفَدَةَ، حَتَّى إِذَا مِلْتُ قَالَ: حَسْبُكَ؟ قُلْتُ: نَعَمْ. قَالَ: فَادْهَبِي. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Ийд куни эди. Қоралар қалқон ва найзаларни ўйнашар эди. Ё мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадим ёки у зот:

«Томоша қилишни хоҳлайсанми?» – дедилар.

«Ҳа», – дедим.

У киши мени орқаларига турғиздилар. Ёноғим у кишининг ёноқларига тегиб турарди. У зот:

«Эй Бану Арфидалар, давом этаверинглар», – дер эдилар.

Бу ҳол то мен малол олгунимча давом этди. Кейин:

«Бўлдингми?» – дедилар.

«Ҳа», – дедим.

«Кетавер», – дедилар».

*Бухорий, Муслим ва Насаий ривоят қилганлар.*

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ جَالِسًا فَسَمِعْنَا لَعَطًا وَصَوْتَ صَبِيَّانَ. فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ فَإِذَا حَبَشِيَّةٌ تُزْفِنُ وَالصَّبِيَّانُ حَوْلَهَا، فَقَالَ: يَا عَائِشَةُ تَعَالَى فَاَنْظُرِي. فَجِئْتُ فَوَضَعْتُ لِحْيَتِي عَلَى مَنْكِبِ رَسُولِ اللَّهِ، فَجَعَلْتُ أَنْظُرُ إِلَيْهَا مَا بَيْنَ الْمَنْكِبِ إِلَى رَأْسِهِ، فَقَالَ لِي: أَمَا شَبِعْتَ أَمَا شَبِعْتَ؟ قَالَتْ: فَجَعَلْتُ أَقُولُ لَا، لِأَنْظُرَ مَنْرَلَتِي عِنْدَهُ إِذْ طَلَعَ عُمَرُ، قَالَتْ: فَانْقَضَ النَّاسُ عَنْهَا، قَالَتْ: فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ: إِنِّي لِأَنْظُرُ إِلَى شَيَاطِينِ الْجِنِّ وَالْإِنْسِ قَدْ فَرَّوْا مِنْ عُمَرَ. قَالَتْ: فَزَجَعْتُ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган эдилар. Шовқин ва болаларнинг овозини эшитдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам турдилар. Қарасак, бир ҳабашия чилдирма чалиб, ўйин тушмоқда, атрофида болалар.

«Эй Оиша, бу ёққа кел, қарагин», – дедилар у зот.

**Бориб, жавимни Расулуллоҳнинг елкасига қўйиб, у(ҳабашия)га назар сола бошладим. У зот: «Тўймадингни? Тўймадингни?» – дер эдилар.**

**Мен у зотнинг ҳузурларида ўз манзиламни билиш учун «Йўқ», дер эдим.**

**Бирдан Умар пайдо бўлди. Одамлар у(ҳабашия)нинг атрофидан қочиб кетишди.**

**Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Мен инсу жиннинг шайтонлари Умардан қочганларини кўрмоқдаман», – дедилар.**

**Бас, мен қайтдим».**

*Термизий ривоят қилган.*

Савда бинти Замъа онамиз розияллоҳу анҳо кези келганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кулдириб турар эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга у кишининг бу сифатлари маъқул келар эди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Савда бинти Замъа онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳазил-мутойибаларига ўзига яраша лутф ила муомала қилар эдилар.

Ибн Саъд «Тобақот» номли машҳур китобларида бу борада қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Савда розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Ё Расулаллоҳ, кеча ортингиздан намоз ўқидим. Шунчалар рукуъ қилдингизки, қон оқиб кетмасин, деб бурнимни ушлаб турдим», – деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар. У аҳён-аҳёнда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кулдириб турар эди».

عَنْ أَبِي سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: زَارَتْنَا سَوْدَةَ يَوْمًا، فَجَلَسَ رَسُولُ اللَّهِ بَيْنِي وَبَيْنَهَا، إِحْدَى رِجْلَيْهِ فِي حَجْرِي وَالْأُخْرَى فِي حَجْرِهَا، فَعَمِلْتُ لَهَا حَرِيرَةً أَوْ قَالَ: خَزِيرَةً، فَقُلْتُ: كَلِي. فَأَبَتْ، فَقُلْتُ: لِنَأْكُلِي أَوْ لِأَلْطَحَنَ وَجْهَكَ. فَأَبَتْ، فَأَخَذْتُ مِنْ



الْقِصَّةِ شَيْئًا فَلَطَخْتُ بِهٖ وَجْهَهَا، فَرَفَعَ رَسُولُ اللَّهِ رِجْلَهُ مِنْ حِجْرِهَا  
تَسْتَقِيدُ مِنِّي، فَأَخَذْتُ مِنَ الْقِصَّةِ شَيْئًا فَلَطَخْتُ بِهٖ وَجْهِي وَرَسُولُ  
اللَّهِ يَضْحَكُ. رَوَاهُ التَّسَائِيُّ.

*Абу Салама розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Оиша розияллоху анҳо:**

**«Бир куни Савда бизникига зиёратга келди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам мен билан унинг ўртамизда ўтирдилар. Ул зот бир оёқларини менинг қўйнимга, иккинчи оёқларини унинг қўйнига ташлаб ўтирар эдилар. Мен ҳарийра пишириб келдим ва Савдага:**

**«Егин», – дедим.**

**У кўнмади.**

**«Агар емасанг, юзингга суртаман», – дедим.**

**У яна кўнмади. Мен лагандан бир оз нарсани олдим-да, унинг юзига суртдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кулдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам оёқларини унинг қўйнидан олдилар. Унга мендан ўч олишга шароит яратдилар ва:**

**«Сен ҳам унинг юзига сурт!» – дедилар.**

**У лагандан бир оз нарса олиб, менинг юзимга суртди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кулар эдилар»**

*Насаий ривоят қилган.*

**3. Ҳазил-мутойиба ва кўнгилхушлик қилишга ўхшаш ишларда мўътадиллик бўлиш шарт.**

Бу масалада аёлларга жуда ҳам эрк бериб, одоб доирасидан чиқиб кетишларига, шариатга хилоф ва мункар ишларга зинҳор рухсат берилмайди. Улардан нотўғри гап ёки иш содир бўлса, уни тўғрилаш лозим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай қилар эдилар.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَرِضَ النَّبِيُّ ﷺ فَاشْتَدَّ مَرَضُهُ، فَقَالَ:

مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فَلْيُصَلِّ بِالنَّاسِ، قَالَتْ عَائِشَةُ: إِنَّهُ رَجُلٌ رَقِيقٌ، إِذَا قَامَ مَقَامَكَ لَمْ يَسْتَطِعْ أَنْ يُصَلِّيَ بِالنَّاسِ، قَالَ: مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فَلْيُصَلِّ بِالنَّاسِ، فَعَادَتْ، فَقَالَ: مُرِي أَبَا بَكْرٍ فَلْيُصَلِّ بِالنَّاسِ، فَإِنَّكَ صَوَّاحِبٌ يُوسِفُ، فَأَتَاهُ الرَّسُولُ، فَصَلَّى بِالنَّاسِ فِي حَيَاةِ النَّبِيِّ ﷺ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бемор бўлиб, овирлашиб қолдилар. Бас, у зот:

«Абу Бакрга амр қилинглар, одамларга намозга ўтсин», дедилар. Оиша:

«У (кўнгли) юшоқ одам, агар сизнинг мақомингизга турса, одамларга намоз ўқиб бера олмайди», деди. У зот:

«Абу Бакрга амр қилинглар, одамларга намозга ўтсин», дедилар. У (Оиша) яна гапини қайтарди. Бас, у зот (унга):

«Абу Бакрга айт. Одамларга намоз ўқиб берсин. Албатта, сиз(аёл)лар Юсуфнинг соҳибаларисиз», дедилар. Бас, ун(Абу Бакр)га хабарчи келди ва у Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётликлариди одамларга намозга ўтди».

*Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.*

4. Рашк қилишда мўътадил бўлиш лозим. Эр хотинини беҳудага рашк қилмаслиги керак.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنْ اللَّهُ يَغَارُ وَالْمُؤْمِنُ يَغَارُ، وَغَيْرَةُ اللَّهِ أَنْ يَأْتِيَ الْمُؤْمِنُ مَا حَرَّمَ اللَّهُ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ الْبُخَارِيُّ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ рашк қилади. Мўмин ҳам рашк қилади. Аллоҳнинг рашки – мўминнинг Аллоҳ ҳаром қилган нарсасини қилмоғидир», дедилар».

*Термизий ва Бухорий ривоят қилганлар.*

«Рашк», аслида, ҳақ эгасининг шерикчилик мумкин бўлмаган нарсасига бировнинг шерикчилик қилишидан ғазабланишини англатади. Одатда эса, эрхотиннинг бир-бирини бошқалардан қизғаниши «рашк» деб ўрганилган.

Ушбу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рашк Аллоҳ таолога ҳам мос нарсасиз эканини айтиш билан бирга, мўмин кишида рашк бўлиши зарурлигини таъкидламоқдалар. Аллоҳнинг рашки Ўзи қилмасликни амр этган ҳаром ишларнинг мўмин киши томонидан қилиниши туфайли келиши ҳам баён қилинмоқда. Яъни Аллоҳ таоло учун тарк қилиниши лозим бўлган ишнинг содир қилиниши, Аллоҳ таолонинг эмас, бошқанинг амри бажарилиши Аллоҳ азза ва жалланинг рашкини, яъни ғазабини келтириши турган гаплиги айтилмоқда. Ожиз инсон ўзига тобеъ бўлган шахс бошқанинг айтганини қилса, қанчалар аччиғи чиқади. Аммо ўша инсон ҳамма нарсага Қодир Аллоҳ таолонинг айтганини қилмай, бошқанинг айтганини қилишни ўзига эп кўради.

Аллоҳ таоло рашк қилганидан кейин, мўмин киши ҳам рашк қилмоғи лозим. Мўътадил, васваса даражасига ўтмаган рашк яхши сифатдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мўътадил рашк — яхши нарса. Бу сифат Аллоҳнинг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва ҳақиқий мўмин-мусулмонларнинг сифатидир.

**5. Нафақада мўътадил бўлиши зарур. Жуда қисиб-қимтимаиди ҳам, исрофга йўл қўймаиди ҳам.**

Аллоҳ таоло «Аъроф» сурасида шундай дейди:

وَكُلُوا وَاشْرَبُوا وَلَا تُسْرِفُوا

«Еб-ичинг ва исроф қилманг» (31-оят).

Аллоҳ таоло «Исро» сурасида бундай деб марҳамат қилади:

وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا

«Қўлингни бўйнингга боғлаб олма. Уни бир йўла ёзиб ҳам юборма» (29-оят).

عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَبِيعُ نَخْلَ بَنِي النَّضِيرِ وَيَحْبِسُ لِأَهْلِهِ قُوتَ سَنَتِهِمْ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Бану Назирнинг хурмосидан сотиб, ўз аҳллариغا бир йиллик емишларини сақлаб қўяр эдилар».**

*Бухорий ривоят қилган.*

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: كَفَى بِالْمَرْءِ إِثْمًا أَنْ يَحْبِسَ عَمَّنْ يَمْلِكُ قُوتَهُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتَّسَائِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَلَفْظُهُ: كَفَى بِالْمَرْءِ إِثْمًا أَنْ يُضَيِّعَ مَنْ يَقُوتُ.

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Бир одамга гуноҳ ўлароқ ўзи молик бўлган одамларнинг қутини тутиб туриши етарлидир», дедилар».**

*Муслим, Насаий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

*Абу Довуднинг лафзига:*

**«Бир одамга гуноҳ ўлароқ ўзи қутини берадиган кишини зое қилмоғи етарли», дейилган.**

**«Қут» сўзи инсоннинг вужудини ушлаб туриш учун керак бўладиган барча озуқа, овқат-озигни ўз ичига олади.**

Мусулмон одам ўз қарамоғидаги шахсларнинг турмуши учун зарур бўлган озуқани етарли миқдорда ўз вақтида етказиб бериши лозим. Агар бу мажбуриятни ўз вақтида адо қилмаса, бошқа гуноҳ қилмаса ҳам, шу ишнинг ўзи гуноҳкорликка кифоя қилади. Яъни мазкур камчилик етарли гуноҳ ҳисобланиб, унга йўл қўйган одам дунё-ю охират азобини тортади.

Шунинг учун ҳар қандай мусулмон, гуноҳкор бўлмай деса, ўз қарамоғидаги кишиларни вақтида таъминлаб турмоғи, бу ишни ҳеч кечга қолдирмаслиги, бепарволикка йўл қўймаслиги лозим.

Муҳаммад Содиқ Юсуф



عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، قَالَ: أَمَرَ النَّبِيُّ ﷺ بِالصَّدَقَةِ، فَقَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ عِنْدِي دِينَارٌ. فَقَالَ: تَصَدَّقْ بِهِ عَلَى نَفْسِكَ. قَالَ: عِنْدِي آخَرُ قَالَ: تَصَدَّقْ بِهِ عَلَى وَجْتِكَ، أَوْ قَالَ زَوْجِكَ. قَالَ: عِنْدِي آخَرُ. قَالَ: تَصَدَّقْ بِهِ عَلَى خَادِمِكَ. قَالَ: عِنْدِي آخَرُ. قَالَ: أَنْتَ أَبْصَرُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتَّسَائِيُّ وَصَحَّحَهُ ابْنُ حِبَّانَ وَالْحَاكِمُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам садақа қилишга амр қилдилар. Шунда, бир одам:

«Ё Расулаллоҳ, менда динар бор», – деди.

«Ўзингга нафақа қил», – дедилар.

«Менда яна бошқа ҳам бор», – деди.

«Хотинингга нафақа қил», – дедилар.

«Менда яна бошқа ҳам бор», – деди.

«Болангга нафақа қил», – дедилар.

«Менда яна бошқа ҳам бор», – деди.

«Ўзинг биласан», – дедилар».

Абу Довуд, Насаий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилганлар.

Энг муҳими, нафақанинг ҳалолдан бўлишини таъминлашдир. Эр ортиб қолган ва тез бузилиб қоладиган таомларни бошқаларга садақа қилиб туришни аёлига амр қилади. Бу, албатта, эҳсоннинг энг паст даражасидир. Бу каби ишларни аёл, эри буюрмаса ҳам, қилавериши керак. Эр алоҳида ўзи учун, ахлу аёлидан айри ҳолда, яхши таомни ихтиёр қилмаслиги лозим. Оила аъзоларининг жам бўлиб таом тановул қилишлари яхшидир.

**6. Эр ҳайз, нифос ва истиҳозага ўхшаш нарсаларнинг шаръий ҳукмларини ва бошқа диний илмларни ўзи ўрганиб, аёлига ҳам ўргатиши керак.**

Аллоҳ таоло «Таҳрим» сурасида шундай деб марҳамат қилади:



يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا

**«Эй иймон келтирганлар! Ўзингни ва аҳлу аёлинггни ёқилгиси одамлару тошдан бўлган ўтдан сақланг» (6-оят).**

Аҳлу аёлини, фарзандларини диндор қилиб тарбиялаш оила бошлиғининг Аллоҳ таолонинг олдидаги бурчи эканига юқоридаги ояти карима ёрқин далилдир. Одамлар орасида «Ўзингни бил, ўзгани кўй» деган номаъқул гап юради. Лекин шариат бўйича эр хотин учун, ота болалар учун масъул бўлиб, Қиёматда Аллоҳ таолонинг ҳузурида жавоб беради.

Хотинига диний таълим бериш ва одоб ўргатиш ҳам эрнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Агар хотиндан баъзи одобсизликлар ўтса, эр яхшилик билан уни тарбия қилади ва одоб чораларини қўллайди.

Эр хотинига аҳли сунна ва жамоа мазҳаби ақийдасида яхшилаб таълим беради. Унинг қалбидаги бидъат ва хурофотларни кетказади. Ибодатларни ўз вақтида ихлос билан адо этишга одатлантиради. Ҳайз, нифос ва истиҳоза каби аёлларга хос бўлган масалаларни пухта ўрганиб олишини таъминлайди.

**7. Эр хотини билан бўладиган жинсий алоқанинг барча ҳукм ва одобларини яхшилаб ўрганиб, уларга амал қилиши керак.**

Жинсий тарбия муҳим масалалардан бўлганлиги учун Аллоҳ таоло уни Қуръонда зикр қилган. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларида бу тарбияга аҳамият берганлар. Ўша таълимотларни мукамал ўрганиб уларга амал қилиш, керак бўлса, аёлга ҳам бу масалаларни ўргатиш эрнинг бурчидир.

**8. Эр хотинига нисбатан кечиримли бўлиши керак.**

Хотиндан баъзи хатолар ўтганда эр уни кечиради. Хотинга муҳаббат, ҳурмат, одоб-ахлоқ асосида муомала қилади, ширинсухан, очиқ чеҳра, кўнгли кенг бўлади. Эр ўз хотинининг айбларини беркитувчи бўлади.



Аллоҳ таоло «Шууро» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

فَمَنْ عَفَا وَأَصْلَحَ فَأَجْرُهُ عَلَى اللَّهِ

**«Ким авф этиб, ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир» (40-оят).**

Афв этиш, тажовузкорни жазолаш имконига эга бўла туриб, бағрикенглик билан уни кечириб юборишдир. Ким аёлдан ўч олишга қодир бўла туриб, уни афв этса, сўнгра ишни ислоҳ қилишга уринса, унга Аллоҳ таолонинг ҳузурида ажру савоблар бўлади.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида бундай деб марҳамат қилади:

وَأَنْ تَعْفُوا أَقْرَبُ لِلتَّقْوَىٰ وَلَا تَنْسُوا الْفَضْلَ بَيْنَكُمْ إِنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ

**«Ва афв қилишингиз тақвога яқиндир. Орангиздаги фазилатни унутманг. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир» (237-оят).**

Мусулмонлар, айниқса, эр-хотинлар ҳар қандай ҳолатга тушганларида ҳам, ўз ораларидаги фазлни унутиб қўймасликлари лозим.

Эр хотинига нисбатан кечиримли бўлиши кераклиги ҳақида сўз кетганда доимо ҳазрати Умар розияллоҳу анҳута хотинидан шикоят қилиб келган одам ҳақидаги ривоят эсга келади. Уни кишиларга кўп марта айтиб берганман. Ҳозир эса уни «Муаммосиз оила» номли китобдан таржима қилиб бермоқчиман:

«Бир киши Умар ибн Хаттобникига ўз жуфти ҳалолининг бадхулқлигидан шикоят қилиб келди. Унинг дорвозаси олдида чиқишини кутиб турди. Бирдан ичкаридан Умарнинг хотини унга тил чўзаётганини, унга қаттиқ-қуруқ гаплар айтаётганини эштиб қолди. Умар сукут сақлар, аёлга гап қайтармас эди. Ҳалиги киши ортига қайтди. Ичида: «Мўминларнинг амири бўла туриб, шиддат ва салобатда донг таратган бўла

туриб, Умарнинг ҳоли шу бўлса, мен хафа бўлмасам ҳам бўлаверар экан», — деди. Умар чиқиб, унинг қайтиб кетаётганини кўрди ва олдига чақирди-да:

«Менда нима ишинг бор эди?» — деди.

«Эй мўминларнинг амири! Мен сизга жуфти ҳалолимнинг бадхулқлигидан, тилининг ёмонлигидан шикоят қилгани келган эдим. Сизнинг жуфти ҳалолингиз ҳам ўшандай эканини билиб, «мўминлар амирининг ўз аёли билан ҳоли шу бўлса, менга нима бўлибди», деб ортга қайтдим», — деди.

Шунда Умар розияллоху анҳу унга қараб шундай деди:

«Ҳой биродар! Мен унинг менда ҳаққи борлиги учун чидайман. У менинг таомимни пиширувчи, номимни ёпувчи, кийимларимни ювувчи, болаларимни эмизувчидир. У билан қалбим ҳаромдан сокинлик топади. Шунинг учун унинг гапларига ва қилмишларига чидайман».

«Эй мўминларнинг амири! Менинг жуфти ҳалолим ҳам шундай», — деди ҳалиги киши.

«Бас, унга нисбатан чидамли бўл, эй биродар, бу қисқа муддатдир», — деди Умар розияллоху анҳу».

**9. Эр хотинининг оила аъзоларига яхшилик қилиши лозим.**

Эрнинг ўз хотинига яхшилик қилиши сирасига унинг ота-онасига ва бошқа қариндошларига яхшилик қилиши ҳам киради. Зотан, эрнинг уларга яхшилик қилиши шариатнинг талаби. Ота-онага яхшилик қилиш ва қариндошларга силаи раҳм қилиш қанчалик аҳамиятга эга эканини ҳар бир мусулмон яхши билади. Келин учун эрининг отаси ота ўрнида, онаси она ўрнида бўлганидек, куёв учун ҳам аёлининг отаси ота ўрнида, онаси она ўрнида бўлади. Шунингдек, бошқа қариндошлар, амакилар, аммалар, тоғалар, холалар ва ҳоказолар ҳам.



## ИККИ МАҚОЛА

Юқоридаги сатрларда эр ва хотиннинг бир-бирларидаги ҳақлари ёки бошқача қилиб айтганда, бир-бирларига нисбатан бурчлари тўғрисида бир оз фикҳий услубда сўз юритдик. Ҳар бир ҳақ ёки бурчга Қуръони Карим ва ҳадиси шарифдан ҳужжат ва далил келтиришга ҳаракат қилдик. Баъзи ўринларда воқеъликдаги ҳолатларга ҳам тўхталиб ўтдик.

Шу билан бирга, мазкур сатрларни ёзиш давомида айна шу мавзуда бундан бир қанча йиллар олдин ёзган икки мақолам доимий равишда ёдимдан ўтиб турди. Бу икки мақола ўша пайтдаги шароитдан келиб чиқиб ҳамда кўпчиликнинг талаби ила ёзилган ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати» ҳафталигида нашр қилинган бўлиб, кўпчиликнинг таҳсинига сазовор ҳам бўлди. Кейинроқ улар «Шоядки, тақводор бўлсак» номли китобимиздаги мақолалар орасидан ҳам жой олди. Охири «Исломиё оила — фароғат қасри» деб аталган китобга қўшилди. Аммо, муаллифнинг доимо ёдида турадиган мақолалар ичида қуйидаги икки мақола ҳам бор эди.

Яқинда, турмуш қурганига энди икки ой бўлган келинчак куёв билан ҳар куни жанжал бўлаётганидан, нима қилишни билмаётганидан зорланиб, маслаҳат сўраб, мактуб ёзди. Дарҳол ўша икки мақоладан бири — «Рисоладаги хотин»ни мазкура келинчакка юбордим. Ўшандан кейин кишиларда ана шунга ўхшаган мақолаларга эҳтиёж борлиги ҳақидаги туйғу яна жонланди.

Ушбу китобни ёзишни бошлагандан буён «Мазкур икки мақолани унга киритиш керакми ёки йўқми?» деган савол ҳаёлимда кўп такрорланди. Эр-хотиннинг бир-биридаги ҳақлари ва бир-бирларига нисбатан бурчлари тўғрисидаги бобни тугатганимдан кейин узоқ ўйладим: «Бу икки мақолани қўшсам, такрор бўлиб қолмасмикан?» деган фикр ҳаёлимни чулғаб олган эди. Ниҳоят, мақолаларни яна бир бор қайта ўқиб чиқиб, кейин қарор қабул қилиш керак, деган фикрда тўхтадим. Уларни ўқиб бўлгач, китобга қўшишга қарор қилдим. Баъзи такрорлар бўлса ҳам, услубининг бошқалиги, мақолаларнинг аввалги муваффақиятлари жиҳатидан «табаррук»лиги уларнинг бу китобга қўшилишига сабаб бўлди. Айрим такрорлар учун азиз китобхонлардан узр сўраймиз.

## РИСОЛАДАГИ ЭР

Жамият ҳаётининг равнақи, даражаси, сифати кўп ҳолларда оиланинг қай даражада ҳаётга қобилигида намоён бўлади. Жамият оилаларнинг мажмуидир. Шунинг учун жамиятнинг аҳволи билан оиланинг ҳоли бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Шунга кўра жамиятдаги норасоликлар тўғридан-тўғри оилага ёхуд оиладаги иллатлар тўғридан-тўғри жамиятга ўз таъсирини ўтказadi. Ҳар бир ажралиш, ҳар бир заҳил ранг, кўзи маънос бола, ҳар бир ёлғиз эркак, ҳар бир кўзи ёшли аёл жамиятнинг дардидир. Оила илдиизсиз бўлмайди. Ўзбек оилаларининг ўз қадим анъана, удум, илдиизлари — ўзига хосликлари мавжуд. Бу илдиизлар ҳозирга келиб, қирқилиб кетмаяптими? Нега ажралишлар тобора кўпайиб боряпти? Булар ҳақида ўйламай, илож йўқ. Редакцияга келаётган ташвишли хатларнинг ярмидан кўпи ҳам оилавий талафотлар ҳақидадир. Инсон бўлиш бир санъат бўлганидек, оилани юритиш ҳам санъатдир. Куйида Муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг оила ва унда эрнинг вазифаларига оид фикрини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Ҳозирги кунда ҳаётнинг — умргузаронликнинг кўп соҳаларида инсоний алоқалар ниҳоятда издан чиқиб кетган ва бу нарса озайиш ўрнига тобора кўпайиб бораётганлиги ҳақида матбуот, телевидения, радио, анжуманлар, умуман, оддий одамлар ўртасида кўп гаплар айтилиб турибди. Ушбу маънавий таназзулнинг сабаби нимада? Унинг олдини олиш мумкинми?

Инсоний алоқалар ичида энг муқаддаси никоҳ алоқаси — эр-хотин орасидаги алоқа экани қадим замонлардан буён маълум. Бу ҳақда Ислоннинг асл манбаларида қайта-қайта таъкидлаб айтилганлиги бежиз эмас. Жамоатчилик гувоҳ қилиб ўрнатилган алоқа, албатта, муқаддас бўлади-да.

Бу алоқанинг баракаси келин-куёвнинг яқин кишилари, қавму қардошлари бир-бирлари билан қариндош-уруғ бўлишлари ва қолаверса, янги насл шажарасига асос солиниши билан янада зиёда бўлади.

Никоҳ билан қурилган оиланинг саодати ва бардавомлиги эса, ҳам эр, ҳам хотин тарафидан бўладиган тасарруфлар ва уларнинг бир-бирларига муносабати, одоби, ахлоқи, шахсий хусусиятларига чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги пайтда «Никоҳ ва оила қандай бўлиши керак, унда эрнинг ўрни қандай-у, аёлнинг вазифаси нималардан иборат?» деган саволлар устида кишилар кўп ўйланмоқдалар. Хусусан, сайловчилар билан бўлаётган ҳисобот учрашувларида ҳам мазкур мавзу ўртага тез-тез ташланиб, масаланинг чигал томонларини ечиш борасида турли саволлар берилмоқда. Бу, аввало, ечилмаган оилавий масалалар кўпайиб, кўпчиликни ташвишга солаётганидан далолат берса, иккинчидан, оддий кишиларимиз ҳам бу муаммоларни ҳал қилишга йўл ахтараётганларини кўрсатади.

Ана шуларнинг барибир бўлди-ю, каминани қўлга қалам олишга ундади. Менимча, бирор киши бу масалани муҳокама қилишга қарши бўлмаса керак.

Бутунги кундаги оилавий можаролар, ажралишлар ва бошқа кўплаб турмуш муаммоларининг турли сабаблари бор. Фикри ожизимча, бош сабаблардан бири — икки тараф ҳам ўз ҳадди, ўз чегарасини билмаганлиги ва ўз бурчини сидқидилдан адо этмаганлигидир. Кўпдан бери оилавий келишмовчиликлар ҳақида кераклича айтилмоқда, ёзилмоқда, лекин рисоладаги эр ва хотин қандай сифату ҳислатларга эга бўлиши кераклиги ҳақида ҳамма ҳам етарлича тасаввурга эга, деб айтиш қийин. Кишилар онгида эса бу масалада турли қарама-қарши, бир-бирига зид фикрлар ўрнашиб қолган. Тўй вақтида ва оилавий ҳаётнинг бошланишида келин-куёвга яқинлари қандай қилиб бўлса ҳам умр йўлдошини «гаҳ деса қўлга қўнадиган қилиб олиш кераклиги» ҳақида маслаҳатлар беришади. Бундай маслаҳатлар кўпинча маслаҳаттўйнинг ўта тор,

бачкана тажрибаларига асосланган бўлади. Яъни қў-полроқ қилиб айтганда, ўзига енг бўлолмаган бошқа бировга эн бўлгиси келади. Ундай «жайдари» маслаҳатларни ўйласанг, уялиб кетасан. «Аслида эр оила-да қандай бўлиши керак?» деган саволга мазкур «маслаҳатлар» ҳеч қачон жавоб бўла олмайди. Аксинча, оилада алоқаларнинг кескинлашувига сабаб бўлади.

Оила алоқалари асрлар давомида катта тажрибалар асосида қарор топади, узоқ давр мобайнида шаклланади. Ҳар бир миллатнинг тарихан шаклланган ўз оила ҳаёти бор.

Оилавий алоқаларнинг кўнгилдагидек кечишида эрнинг ўрни, халқимизнинг қарашларида, «бош ўрин» эканини эътиборга олиб, рисоладаги эрнинг сифатлари ҳақида маданий-маърифий дурдоналардан фойдаланган ҳолда фикр юритмоқчимиз.

Таъкидлаб айтиш лозимки, диний гаплар ёки диндорларнинг сўзи кони зарар, деган эскича гапларни қўйиб, ҳурфикрлик, сўз эркинлиги ва инсон фойдаси учун ҳамкорлик даври — қайта қуриш даврида бизга ҳам бемалол фикрлашишга имкон берилганлигидан хурсандмиз. Ўз фикримизни ҳеч кимга мажбурий тарзда сингдирмоқчи эмасмиз. Ҳар бир киши ҳур, турли мақом, турли даражадаги фикрлар билан танишсин, ўзи ҳам фикрини айтсин, хоҳлаганини қабул қилсин.

Ислом манбаларида таъкидланадики, эрнинг муҳим сифатларидан бири оила бошлиғи эканидир.

Маълумки, ҳар бир жамиятнинг раҳбари бўлади. Раҳбари бўлмаган жамиятнинг жамиятлиги қолмайди. Оила ҳам кичик бир жамият. Унда жамиятнинг барча белгилари кичкина кўринишда мавжуд. Оила ҳаётида бошлиқ вазифасини эр адо этиши кераклигини ҳозирги кунда барча халқлар бир овоздан тасдиқлайдилар.

Исломда эрнинг оиладаги бу раҳбарлигига «масъулият» деб қаралади. Лекин оила бошлиғи дегани, баъзилар хаёл қилганидек, оиланинг бошқа аъзоларига жабр-зулм ўтказиш, «деганим деган» йўсини-



да «ҳокими мутлақ» бўлиш эмас. Оила бошлири сифатида, унинг ҳамма тарафдан баркамол, саодатли, тинч-омон бўлишига эр масъулдир.

Ҳадиси шарифда айтилганидек:

كُلُّكُمْ رَاعٍ وَكُلُّكُمْ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ.

**«Барчангиз раҳбарсиз ва барчангиз ўз қўл остидагилардан масъулдир».**

Оиладаги эрнинг вазифаларидан яна бир энг муҳими — хотиннинг ҳақларини тўла адо қилишдир. Хотиннинг эрдаги ҳаққи эса анчагина. Шулардан бири уни доим етарли ризқ-рўз билан таъминлашдир. Бу иш эрнинг кундалик вазифаси бўлиши билан бирга, маънавий жиҳатдан энг хайрли ва кони савоб ишлар қаторига киради.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда:

وَإِنْ أَكَلَ امْرَأَتِكَ مِنْ طَعَامِكَ صَدَقَةً، وَإِنْ نَفَقَتِكَ عَلَى أَهْلِكَ صَدَقَةً.

*Ҳадиси шариф*  
«...ва хотинингнинг таомингдан егани ҳам садақадир ва аҳлингга қилган нафақанг ҳам садақадир», дейилган.

*Бошқа бир ривоятда эса:*

فَإِنَّكَ تُؤَجَّرُ فِيهَا حَتَّى اللَّقْمَةَ تَرْفَعُهَا إِلَى فِي امْرَأَتِكَ.

**«Хотинингнинг оғзига тутган лўқмада ҳам сен учун савоб бор»,** дейилади.

Энг муҳими, бу таомлар ҳалолдан топилган бўлмоғи даркор. Бировнинг ҳаққи, пора, каззоблик, ўғрилик ва бошқа ҳаром-ҳариш йўллардан топилган таъминот оилада бўлмаслиги шарт. Ҳаром ейиш ҳаром юриш билан баробардир.

Авваллари момоларимиз ризқ-рўз топиш учун жўнаб кетаётган эрларига: «Ҳаром касб қилманг. Аллоҳдан кўрқинг. Биз очлик-ночорликка чидаймиз, лекин дўзахнинг азобига чидай олмаймиз», — дер эканлар.

Эр ўзи еган овқатдан хотинига ҳам едиради. Буни алоҳида таъкидлаб айтишга тўғри келади. Баъзи эр-



лар ўзлари ошхўрликларда овқатнинг сарасини еб, уйга кекириб кирадилар. Оиланинг еб-ичиши билан ишлари бўлмайди. Эҳтимол, бу майда гап бўлиб туюлар. Лекин «Тенг егани тенг суйибди» деган сўз оила учун ҳам айтилгандир. Тўғри, бутун оиланинг таъминоти эр бошида бўлгач, у сарф қилган куч-қувватига яраша ўзини тиклаши ҳам, албатта, зарур. Аёллар бунга алоҳида эътибор беришлари лозим, лекин бу худбинлик билан бўлмаслиги керак.

Хотинни кийинтириш ҳам таъминотнинг муҳим бир қисми ва у ҳам Исломига кўра, эрнинг вазифасидир. Ҳар бир ақли расо эр, ўз имкониятига қараб, ҳаддан ташқари ошириб ёки камитиб қўймай, хотинини кийим-кечак билан таъминлаши шарт.

Агар эр муттасил бахиллик қилса, хотин унинг руҳсатисиз ўзига керагини олса бўлади. Бир мисол:

Ҳинд исмли аёл Пайғамбар алайҳиссаломга эри Абу Суфёндан шикоят қилиб: «Эрим Абу Суфён бахил одам, менга ва боламга етарли нарса бермайди», — деганда, у зоти бобаракот: **«Ўзингга ва болаларга етарлисини инсоф билан олавер»**, — деганлар.

Бунга Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романида ҳам ибратли мисоллар бор.

Хотинга одоб-ахлоқ ўргатиш ҳам эрнинг муҳим вазифасидир. Агар хотиндан баъзи одобсизликлар ўтса, эр яхшилик билан тарбия қилади ва адаб чораларини қўллайди.

Ақли расо, виждонли эр ўз хотини билан тотувликда, иноқликда яхши яшайди. Оилавий ҳаёт эр-хотин орасидаги шериклик ҳаётидир. Агар икки тараф ҳам бир-бирига яхши муносабатда бўлмаса, бу шерикликка путур етиши, оила бузилиши мумкин.

Қуръони Каримнинг «Нисо» сурасида шундай дейилади:

وَعَاشِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ ۚ فَإِنْ كَرِهْتُمُوهُنَّ فَعَسَىٰ أَنْ تَكْرَهُنَّ أَوْ شَيْئًا  
وَيَجْعَلُ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا ﴿١٩﴾

**«ва улар ила яхшилиқда яшанг. Агар уларни ёқтирмасангиз, ажаб эмаски, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшилиқларни қилса» (19-оят).**

Рисоладаги эр, ўз хотинидан баъзи хатолар ўтганда, уни кечиради. Хотини билан муҳаббат, ҳурмат, одоб, ахлоқ асосида муомала қилади, ширинсухан, очиқ чеҳра, кўнгли кенг бўлади. Эр ўз хотинининг айбларини беркитувчи бўлади. Шунингдек, хотин ҳам ўз эрининг айбларини беркитувчи бўлади.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

هٰن لِيَاسْ لَكُمْ وَأَنْتُمْ لِيَاسْ لَهُنَّ

**«Улар (хотинлар) сизга либосдирлар, сиз уларга либосдирсиз» (187-оят).**

Қадимги ривоятлардан бирида хотини билан ноилож ажрашишга мажбур бўлган эрдан хотинининг айбини сўрашганда: «Бировнинг айбини сўраб нима қиласизлар? Агар мен у билан қайта ярашиб кетсам, ўз хотинимнинг айбини бировларга фош қилган бўламан, ярашмасам, бегона бир аёлнинг айбини фош қилган бўламан. У ҳам, бу ҳам одобдан эмас», — деган экан.

Кўрдингизми, ажрашган тақдирда ҳам, бир-бирининг айбини фош қилмаслик керак, бунинг учун эса, кўнглини ниҳоятда кенг тутиш, ҳеч қачон ўзининг инсон эканини унутмаслик керак.

Пайгамбаримиз алайҳиссалом:

أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا، وَخَيْرُكُمْ خَيْرُكُمْ لِنِسَائِهِمْ.

**«Мўминларнинг иймони энг комили уларнинг энг хулқи гўзалидир ва яхшиларингиз аёлларига яхшиларингиздир», — деганлар.**

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: خَيْرُكُمْ خَيْرُكُمْ لِأَهْلِهِ وَأَنَا خَيْرُكُمْ لِأَهْلِي. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Яхшиларингиз аҳлига яхшиларингиздир ва мен аҳлига яхшингизман».**

*Термизий ривоят қилган.*

Хотинига яхши муомалада бўлиш ақли расо эрнинг асосий сифатларидан бири экан.

Демак, эр манман бўлмаслиги, саодатни фақат ўзи учун ахтармаслиги, балки хотинига – умр йўлдошига, оиласига ҳам раво кўрмоғи даркор бўлади.

Маданий меросимизда хотинга яхшилик қилишнинг турларидан бири имкон топилганда унга совғалар тақдим этиб туриш, дейилган. Совға муҳаббатнинг рамзидир ва у қалбдаги баъзи гиналарни ҳам чиқариб юборади.

Ҳадиси шарифлардан бирида бу ҳақда:

*تَهَادَوْا فَإِنَّ الْهَدِيَّةَ تُذْهِبُ وَغَرَ الصَّدْرِ.*

**«Бир-бирларингизга ҳадя бериб туринг, чунки у қалбга муҳаббат солади ва гиналарни кетказди»,** дейилган.

Маълумки, инсон доим гўзалликни ёқтиради, шу жумладан, аёллар ҳам. Ақли расо эр хотинига кўркам кўринишга уринади. Чунки ўзи ҳам доим аёлининг гўзал, саранжом-саришта бўлишини ёқтиради. Буюк саҳобийлардан бири Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Хотиним мен учун ўзини зийнатлагандек, мен ҳам хотиним учун ўзимни зийнатлайман», – деганлар.

Бир куни халифа Умар розияллоҳу анҳунинг ҳузурига бир аёл ўзининг исқирт ҳолдаги эри билан кириб келди-да, шикоят қилиб: «Мени буцдан халос этинг, эй мўминларнинг амири», – деди. Халифа хотиннинг вазаби сабабини тушунди ва эрни ҳаммомга тушиб, сочу тирноқлариини олиб, ўзини ростлаб келишга буюрди. У қайтиб келганда, хотини танимасдан, қочди. Сўнг таниб, даъвосидан қайтиб, ярашиб кетди. Шунда халифа Умар розияллоҳу анҳу: «Аёлларга



нисбатан доимо шундай қилинглари! Аллоҳга қасамки, улар сизни зийнатланган ҳолда кўришни яхши кўрадилар. Сизлар ҳам аёлларингизни зийнатли ҳолда кўришни яхши кўрасизлар-ку?» — деганлар.

Албатта, зийнатнинг ҳам чегараси, меъёри бор, ундан чиқиб кетилса ҳам бўлмайди. Ясанишга ортиқча берилиш қалб илатидандир.

Рисоладаги эр хотинни ҳеч вақт эътиборсиз қолдирмайди. Баъзилар ишга, ўзи қизиққан нарсаларга ҳаддан ташқари берилиб кетиб, аёлларини эздан чиқариб қўядилар. Бу яхши эмас. Оилавий келишмовчиликларнинг аксари эр-хотинлик алоқалари жойида эмаслигидан келиб чиқишини ҳеч унутмаслик керак.

Кунларнинг бирида машҳур саҳобий Салмон Форсий розияллоҳу анҳу ўз биродари Абу Дардо розияллоҳу анҳунинг қошига борсалар, уй эгасининг хотини — Умму Дардони ўзига қарамаган, паришон ҳолда кўрибди. Аёлдан: «Сенга нима бўлди?» — деб сўрабди. Аёл: «Дўстинг Абу Дардонинг дунё билан иши йўқ», — деб жавоб берибди. Абу Дардо келиб, дўстини меҳмон қилмоқ мақсадида олдига таом қўйибди-да:

«Марҳамат қил! Мен нафл рўза тутганман», — дебди. Шунда Салмон:

«Ўзинг емагунингча мен ҳам емайман», — деб бош тортибди. Абу Дардо рўзасини очишга мажбур бўлибди. У кечаси туриб, нафл намоз ўқимоқчи бўлган экан, Салмон:

«Ёт, ухла», — дебди. Анча вақт ўтгандан кейин яна намозга турмоқчи бўлган экан, яна «Ёт, ухла», деган буйруқни эшитибди. Тун охирлаганда Салмон ўзи туриб, уй эгаси билан намозни адо қилибди-да:

«Албатта, сенда Роббингнинг ҳаққи бор, ўз нафсингнинг ҳам ҳаққи бор, аҳлу аёлингнинг ҳам ҳаққи бор, ҳар бир ҳақ эгасининг ҳаққини адо этгин», — дебди.

Абу Дардо Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларига бориб, бўлган гапни айтиб берганда, У киши:

«Салмон тўғри айтибди», — деган эканлар.

Хотинига бўлган муҳаббатни сездириш учун эр мулозим бўлиб, унинг сўзларига эътибор билан қулоқ осиб, ҳамфикр эканини изҳор қилиб турмоғи керак. Агар аёл киши овқат пиширган бўлса, янги кийим кийса, бирор хабар ёки қиссани айтса, эр бу нарсаларга эътибор билан муносабатда бўлиб, ўз хурсандлигини, муносабатини баён қилиши даркор. Аёлига уй ишларида ёрдам бериб, бу соҳада ҳам унинг оғирини енгил қилиб туриши керак. Пайғамбар алайҳиссалом ҳам аҳллари хизматида бўлиб, уй супуриб, ўз кийимларини ямаб, қўйларни соққанлар ва умматларига ҳам шундай қилишни буюрганлар.

Рисоладаги эр хотинига лутф билан муомала қилиб, уни энг чиройли исмлар билан чақиради ва камчиликларини кечиради.

Ишончим комилки, мен зикр қилган нарсаларда жамиятимиз ва инсонлар учун зарарли нарсалар мутлақо йўқ. Аксинча, уларнинг ҳаммаси фойдалидир. Буларнинг барчаси тажрибадан ўтган бўлиб, доимо яхшиликка, оилавий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Биз оиладаги эр кишининг вазифаларига қисмангина тўхтадик. Томчилардан дарё ҳосил бўлганидек, оилада қут-барақа, яхшилик, мустаҳкам асос тўғри муомаладан туғилади.

Агар сиз азизларга маъқул бўлса, биз бу мавзунини давом эттириб, «Рисоладаги хотин», «Рисоладаги ота-она», «Рисоладаги фарзанд», «Рисоладаги оила» ва шу каби мавзуларда ҳам мақолалар ёзишни давом эттиришимиз мумкин.

Бу каби фикрлашувлардан халқимиз оз бўлса-да, маънавий манфаат топса, биз учун катта бахт бўлар эди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»  
1990 йил, 5 январь.

## РИСОЛАДАГИ ХОТИН

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Она тилимизда ҳали чуқур луғавий-илмий ишлар олиб борилмаганлигиданми, баъзи истилоҳларда ўйланиб қоладиган ҳолатлар бор. Мисол учун «Хотин» сўзи турли жойларда ишлатилади, лекин, менимча, «хотин» — эри билан оилавий ҳаёт кечириб турган «аёл», дейиш маъқул. Бошқа ҳолатларда эса, аёл зотидан бўлган шахсларга нисбатан ўзига яраша атама-номлар бор, улар барчага маълум.

Оиладаги хотин деганимизда эса, бутун бошли катта оилани эмас, балки эру хотиндан иборат оилани кўзда тутмоқчимиз. Чунки бу мақоламизда аёлнинг эрга бўладиган муносабатини, муомаласини, ўзини тутишини ва ҳоказоларни баён қиламиз.

Аввало, хотин ўзининг аёллиги билан фахрланмоғи лозим. Аллоҳ таоло бежиз уни аёл қилиб яратмаган.

Аллоҳ таоло «Аъроф» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَجَعَلَ مِنْهَا زَوْجَهَا  
لِيَسْكُنَ إِلَيْهَا

**«У сизларни бир жондан яратган ва сокинлик топсин учун ундан жуфтини яратган Зотдир» (189-оят).**

Яъни «жуфт» — сокинлик, осойишталик, ором, латофат, меҳр-муҳаббат рамзидир. Буни ҳар бир аёлнинг ўзи яхши тушуниб етмоғи зарурдир.

Турмушга чиққан ҳар бир келин оилавий ҳаёт Аллоҳнинг суннати, улкан бахт эканини, бу икки шахснинг фақат жисмоний эмас, балки руҳий ҳам қўшилишлари бўлиб, мақсад ўтқинчи лаззат эмас, балки башарият камолоти ва ҳаётнинг бардавомлиги эканини тушунмоғи зарур.

Рисоладаги хотин оилада катта ўрин тутади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи орасида «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, ер қиладиган ҳам хотин» деган,

арабларда эса «Ҳар бир улкан шахснинг ортида хотин бор» деган мақоллар бор.

Одатда янги уйланган йигитга: «Энди ола хуржун бўйнингга тушди», дейишади. Аслида хуржуннинг кўзи иккита бўлиб, бири эрга, иккинчиси хотинга аталган, яъни унинг оқирлигини эр-хотин тенг кўтармоқлари лозим.

Оилавий ҳаётнинг бардавомлиги икковларининг бир муқаддас мақсад учун муштарак интилишларига боғлиқдир. Чунки ҳақиқий муҳаббат бир-бирининг кўзига боқишда эмас, балки икковларининг бир мақсадга интилишларида намоён бўлади. Хотиннинг эрига ёрдам бериши, ҳамдард бўлиши оилавий ҳаётнинг жамолига жамол қўшади.

Хотин оилада чиройли амалларга одатланмоғи лозим. Жумладан, Қуръон ўқиш, китоб кўриш, ахборотлардан хабардор бўлиш, ҳақиқатни ҳимоя қилиш ва ҳоказолар. Оқила ва маърифатли аёл намунавий орзуимизнинг марказидадир.

Уйнинг содда, саранжом-саришта бўлиши ҳам хотин кишига боғлиқ. Уйнинг зийнати нақш-нигору ашёларда эмас, балки меҳр-муҳаббатда эканини ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Хотин киши ўз эрининг виждонига айланиб, уни гуноҳлардан, ёмон ишлардан қайтариб, савобли, яхши ишларга ундаб туриши лозимлигини Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадиси шарифларида бундай сифатлайдилар:

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ أَنَّهُ كَانَ يَقُولُ: مَا اسْتَفَادَ الْمُؤْمِنُ بَعْدَ تَقْوَى اللَّهِ خَيْرًا لَهُ مِنْ زَوْجَةٍ صَالِحَةٍ، إِنْ أَمَرَهَا أَطَاعَتْهُ، وَإِنْ نَظَرَ إِلَيْهَا سَرَّتَهُ، وَإِنْ أَقْسَمَ عَلَيْهَا أَبْرَتْهُ، وَإِنْ غَابَ عَنْهَا نَصَحَتْهُ فِي نَفْسِهَا وَمَالِهِ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

*Абу Умомадан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Мўмин банда Аллоҳга бўлган иймондан сўнг эришган энг яхши нарса солиҳа хотин бўлиб, унга**

**амр қилса, итоат қилади, қараса, хурсанд қилади, қасам ичса, уни оқлайди ва ғойиб бўлса, ўз нафсида ва молида унга яхшиликда бўлади», – дер эдилар.**

*Ибн Можа ривоят қилган.*

Пайғамбаримизнинг мақтовларига сазовор бўлган бундай аёл ўз эрига осонлик пайтида ҳам, қийинчилик онларида ҳам энг яқин киши, дардқаш, маслаҳатчи бўлиб, уни сабр-чидамга даъват қилиб, тушкунликка тушмасдан, доимо олдинга интилишга ундайди. Бу ҳақда унга аввал ўтган момоларимиз ўрناق бўладилар. Хадийжа онамиз Пайғамбаримиз алайҳиссаломга нисбатан худди юқорида зикр қилинганидек хотин бўлганлар, шунинг учун вафотларидан сўнг ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини ҳурмат ва эъзоз билан эслаб, кўплаб ҳадислар айтганлар. Улардан бирини эслаб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

قَدْ آمَنْتَ بِي إِذْ كَفَرَ بِي النَّاسُ، وَصَدَّقْتَنِي إِذْ كَذَّبَنِي النَّاسُ،  
وَوَاسْتَنِي بِمَالِهَا إِذْ أَخْرَجَنِي النَّاسُ.

**«Батаҳқиқ, одамлар менга куфр келтирганда, у менга иймон келтирди, одамлар мени ёлғончи қилганда, у мени тасдиқлади, одамлар мени чиқарганларида, у менга моли ила ёрдам берди».**

Аёл ўз эрининг энг яқин ёрдамчиси – ишончли кишиси бўлиб, ҳамма нарсаларини тартибга солиб, унинг қилмоқчи бўлган ишларига ҳурмат билан қараб, ваъда ва учрашувларини ўз вақтида ўказишига ёрдам бериб турса, бу ҳолат доимо эрни уйга боғлайди. Чунки у мана шу ерда роҳат топади, ҳузур кўради.

Лекин ҳар бир катта-кичик, арзиган-арзимаган нарсаларга ҳам аралашавериш яхши эмас. Ҳар бир инсоннинг ўз эрки ва фақат ўзига хос иши бўлгани каби, ҳар бир эрнинг ҳам эрки ва иши бор.

Эр билан аҳиллик оилавий ҳаётни мустаҳкамловчи улуғ бир инсоний фазилат бўлиб, Аллоҳнинг ҳузуринда бу иши учун аёл кишига улкан савоблар бор. Улуғ имомлардан бири Жаъфари Содиқ: «Битта солиҳа аёл ўз эрига етти кун хизмат қилса, Аллоҳ унинг



қаршисидаги дўзахнинг етти эшигини ёпади ва жаннатнинг саккиз эшигини очади», — деган эдилар.

Рисоладаги хотин ўз эрининг яхши фазилатларини топиб, уларни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Эрини масъулиятли ишларни амалга оширишга чорлайди, у билан умидворлик ва муваффақиятли ишлар ҳақида суҳбат олиб боради. Чунки хотиннинг чорлови ҳар қандай чорловдан устун туради. Эрининг жамиятда қолдирадиган таъсири, хотиннинг унда қолдирган таъсирининг аксидир, буни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Агар хотин ўз эрига қобилиятли, шижоатли, муваффақиятли, мўмин, садоқатли шахс, деб муомала қилса, эр худди шундай бўлади, иншааллоҳ.

Шу билан бирга, эридан ўзи билмаган нарсаларни ўрганadi, тажрибаларидан фойдаланади.

Ҳаётдаги энг гўзал фазийлат қаноатдир. Рисоладаги хотин ўзини фазийлат билан зийнатламоғи даркор. Турли ҳой-ҳавас, зеб-зийнат талаб қилиб, эрни қийин аҳволга солиш яхши эмас. Ҳозирги кунимиздаги оилавий келишмовчиликлар ёки эрлар томонидан ҳаромдан мол топишга уринишларнинг баъзилари хотинларнинг қаноатсизлигидаги келиб чиқаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Қаноат — бу ожизлик эмас, камчилик ҳам эмас, балки, қаноат юксак инсоний сифат бўлиб, ўз эгасини доимо юксакларга кўтаради. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Биз ҳар қанча фахрлансак, арзийдиган момоларимиз қаноатда ҳаммага ўрناк бўлганлар, дарс берганлар.

Имом Али розияллоҳу анҳунинг хотинлари, Пайгамбар алайҳиссаломнинг қизлари бўлмиш Фотимаи Заҳрони ранглари оқарган, ҳолдан тойган ҳолда кўриб:

«Сенга нима бўлди, Фотима?» — деб сўрадилар. Фотима онамиз:

«Уч кундан буён уйда егулик нарса топилмайди», — дедилар. Имом Али:

«Шундай экан, айтсанг бўлмасмиди?» — десалар:

«Тўйимиз куни отам — Аллоҳнинг Расули алайҳиссалом «Ҳой Фотима! Агар Али бирор нарса топиб



келса, егин, бўлмаса, сўрамагин», — деган эдилар», — деб жавоб бердилар.

Баъзи пайтда эр киши имкони бўлиб туриб ҳам, зарур нарсани ўз вақтида таъмин қила олмай қолади. Шундай пайтда у кўчадан кириши билан: «Яна лал-лайиб, қуруқ келяпсизми?!» деб бошланадиган таъналардан кўра, сабр-қаноат, ширин сўз билан сабаби суриштирилса, муаммони тезроқ ҳал қилиш йўлини топиш осонроқ кечади.

Табиийки, оилавий ҳаётда турли ҳолатлар, шу жумладан, эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар ҳам содир бўлиб туради. Шундай пайтларда аёл киши ўзини оқилона тутмоғи, тезда ўзини ўнглаб, сулҳга ўтиб, эрига бу борада эсдан чиқмайдиган дарс бериши лозим.

Шошқалоқлик, тезда аччиқланиш, талашиб-тортишиш, тирноқ остидан кир ахтариш ва ўзидан бошқаларга ўхшаш ҳаёт ўтказишни талаб қилиш каби ишлар хотинга ҳеч қачон обрў келтирмаган, келтирмайди ҳам. Бундай ишлар оилавий ҳаётни бузишга, уни ёруғ дунёдаги жаҳаннамга айлантиришга хизмат қилади, холос.

Шунинг учун ўрни келганда вазабни ютиш, ёқмаса ҳам, оилавий ҳаёт ҳурмати, баъзи ёқмаган нарсаларга чидашга одатланиш керак бўлади.

Эр ҳузурида ширинсухан, хушмуомала бўлиш билан бирга, яхши — чиройли кийинган, зийнатланган ҳолда бўлиш керак. Чунки бу нарса эр қалбига хурсандчилик, руҳига сокинлик киритиб, қалбига қувонч бағишлайди.

Афсуски, бизда бу нарсага ҳар доим ҳам етарли эътибор берилмайди. Кўпгина аёллар кўчага чиққанда имкони борми, йўқми, пардоз-андозни ўрнига қўядилару, оилада ўзларига эътибор бермайдилар. Аслида, аксинча бўлмоғи керак. Барча зебу зийнат оила учун бўлиб, кўчага зарурат билан чиққанида камтарона, содда ва кишилар эътиборини тортмайдиган бўлиб кийиниш зарур. Бундай камтарлик ҳам фазилат саналади.

Юқорида зикр қилинган нарсалар эр-хотин орасидаги муомалани яхшилашда керак бўладиган қўшимча маслаҳат, насиҳатлардир.

Бу нарсаларни ўз ўрнида тушуниш учун «Эр — оила бошлиғи» деган қонидани яхшилаб фикрга ўрнатириб олмоқ зарур. Оила кичик бир жамият ва унинг раҳбари эр бўлса, оиланинг саодатли бўлишининг шартларидан бири эрга итоатдир. Айримлар буни эски гап, деб кулиб, итоатни турлича тушунадилар. Эркаклар буни мутлақ ҳокимлик деб англайдилар. «Мен нимани хоҳласам, шу бўлиши керак» деб, муомала-муносабатларни сунистеъмом қиладилар, ҳаттоки, аёлларга зулм қилиш даражасигача етадилар ва буни гўё шариат ҳукми деб талқин қиладилар. Баъзи аёллар бўлса, аксинча, эрга итоат қилишни хору зорлик, ўзини пастга уриш деб тушунадиларда, эрнинг ҳаққини тан олмайдилар. Бундай саркашликлардан орада тушунмовчиликлар келиб чиқади.

Аслида, ундай эмас. Аввало, бу итоат чекланган, чунки шариат қондаси бўйича, Аллоҳ гуноҳ ҳисобланган ишларда бандага итоат қилиб бўлмайди. Масалан, ота-онами, эрми, бошлиқми, ким бўлса бўлсин, гуноҳ ишга буюрса, унга ҳеч ким бўйсунмайди. Қолаверса, оиладаги бу итоат эрнинг «оила раҳбари» сифатидаги ҳурмати юзасидан бўладиган итоатдир. Бу иш савобли иш бўлиши билан бирга, эр-хотинлик ишлари доирасида бўлиши ва ақл-идрок билан адо этилиши ҳам шарт. Мисол учун, хотиннинг шахсий жамғармаси бўлса, унда эрнинг ҳеч қаандай ҳаққи йўқ ва қандай сарф қилишга буйруқ ҳам бера олмайди. Шунинг билан бирга, эр ҳам ўзининг эрлик бурчларини адо этиб қўйган бўлиши керак.

Рисоладаги хотин эрининг олдида ҳам, ортидан ҳам обрўсини сақлайди, молини асрайди, ўз шарофини муҳофаза қилади.

Зоҳиран қараганда, кимдир: «хотин бечорага бунча кўп вазифа юклатилган экан», дейиши мумкин. Лекин ҳақиқатда эса, худди шу нарсалар эрнинг ҳам



вазифаси ва қолаверса, ўзаро алоқада бўлган ҳар бир ёру дўст, дугоналарнинг ҳам бир-бирига нисбатан вазифаларидир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, икки ёш яхши умидда бир ёстиққа бош қўйсалару, бир-бирларининг обрўсини ҳимоя қилмаса, топганини беҳуда сарфласа, эрига (ёки хотинига) нодўст киши билан дўст бўлиб, уйига таклиф қилса! Шу тўғри иш бўладими?! Йўқ, асло!

Маданий меросимизда яна бир ҳукм борки, уни эшитганда ёки ўқиганда, дастлаб, ғалати кўринади, лекин чуқурроқ таҳлил қилинса, ҳақиқат аён бўлади: бу қоиданинг пурҳикматлиги намоён бўлади. «Хотин киши эрининг руҳсатисиз уйдан кўчага чиқмайди», дейилган унда. Бу — оила тартибига киради.

Оиладаги сирни, ўзаро гапларни кўчага олиб чиқиш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Бундай нарсалар эр-хотин орасида қолиши керак.

Албатта, бир мақолада ҳамма нарсани баён қилиб ҳам, ҳаммани рози қилиб ҳам бўлмайди. Лекин аёлларимиз, келинларимиз, афсуски, ҳозиргача бу масалада узуқ-юлуқ насиҳатлар, янгаларининг тажриба, ўғитлари, дугоналарининг маслаҳатларидан ўзга тузукроқ маълумотга эга эмаслар. Баъзилари ўз ҳақлари поймол бўлаётганини умуман тушунмай юрган бўлсалар, баъзилари ўз бурч-вазифаларини адо этмай юрибдилар. Ўйлаймизки, барча маърифатли, маданиятли халқлар қатори, бизда ҳам оилавий масалалар илмий-инсоний, юқори ахлоқ-одоб даражасида ёритилган адабиётлар, қўлланмалар чиқарилади. Қизларимизга мактабларда, ўқув юртларида, корхоналарда, қолаверса, бевосита турмушга чиқишларидан олдин ва оилавий ҳаётнинг бошланғич даврида суҳбатлар, махсус дарслар уюштирилади. Бу эса фойдадан ҳоли эмас.

Ваъз, насиҳат қилувчилар учун жуда қийин. Улар ўз вазифаси юзасидан ҳақиқатни айтмоқлари лозим. Эшитувчилар эса турлича қабул қиладилар. Яхши гап бўлса, эшитиб кетишаверади. Лекин, Аллоҳ кўрсатмасин, танқид ёки ёқмайдиган гап бўлса, ҳар бир

одам: «Фақат мени кўзлаб айтган, ўзи ким бўлибди?» деб машмаша бошлайди.

Севимли «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида «Рисоладаги эр» мақоласи чиққанда маълум бўлишича, эркаклар ҳам, аёллар ҳам бирдек қабул қилдилар, айниқса эркаклар хурсанд бўлишди.

«Рисоладаги хотин»ни ёзиш давомида ўйланиб қолдим: аёлларимиз қандай қабул қилар эканлар?

Охири қариндош аёллар ўқиб, фикр билдирганларидан сўнг таҳрир ҳайъатига юборишга журъат этдик. Ўйлаймизки, иншааллоҳ, бу мақола ҳам ўқувчиларимизга манзур бўлади. Чунки бу маънолар ёлғиз муаллифнинг эмас, балки эътиқодимиз таълимотларидан ва ҳаётини тажрибалардан келиб чиққан фикрлардир. Халқ тажрибасига суяниб иш кўриш оила кўрғонини мустаҳкам қилишига шубҳа йўқ.

*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»  
1990 йил, 23 феврал.*

*Ташкил қилди*



## ОИЛАВИЙ ҲАЁТ СОКИНЛИҚДИР

Оилавий ҳаётнинг ва эр-хотиннинг бир-бирларига нисбатан бўладиган муносабатларини сифатлашда Қуръони Каримда келган баёнотлар айна мўъжизадир. Бу борадаги бир-икки оятни яхшилаб ўрганишнинг ўзи бу улкан ҳақиқатни тушуниб етишга кифоя қилади, деб ўйлайман.

Аллоҳ таоло «Рум» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا  
وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١﴾

**«Ва Унинг оят-белгиларидан сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда меҳру-муҳаббат ва марҳаматни солиб қўйганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир» (21-оят).**

Инсонни эркак-аёлга ажратиб, жуфт яратишининг ўзи Аллоҳнинг биру борлиги, баркамол сифатлар соҳиби эканининг ёрқин далилидир. Инсон ҳар доим кўзи тушиб турган нарсаларга кўникиб, эътибор бермай қўяди, аммо эътибор билан, ақл-заковат билан тафаккур қилиб кўрилса, инсоннинг эркак ва аёл қилиб, ўзига хос сифатлар билан яратилиши улкан мўъжизадир.

Тўғри, «инсон» деб аталмиш бу икки жинснинг ташқи кўринишида бир-бирига ўхшашлик бор. Иккиси ҳам «инсон» ёки «одам» деб аталади. Кўп аъзолари сиртдан бир-бириникига ўхшайди. Аммо, ўша сиртдан бир-бирига ўхшаш эркак ва аёлнинг жисми алоҳида таҳлил қилиб кўриладиган бўлса, турли ажойиботлар намоён бўлади.

Эркакнинг танаси, суяги, эти, гўшти, пайи, мияси, ақли, ҳис-туйғулари ва ҳаттоки ҳужайралари ҳам аёлникидан фарқ қилади. Унинг бутун вужуди кучқувват, сабр-бардош, оғирликни кўтариш, машаққатларга чидаш каби эркакларга хос ишларни адо этиши, умуман, эркакликка хизмат қилиши учун мосланган.

Худди шунингдек, аёлнинг танаси, суяги, эти, гўшти, пайи, мияси, ақли, ҳис-туйғулари ва ҳаттоки ҳужайралари ҳам эркакниқидан фарқ қилади. Унинг бутун вужуди латофат, юмшоқлик, меҳрибонлик, офирликни кўтара олмаслик, тез ҳаяжонланиш, она ва хотин бўлиш каби аёлларга хос ишларни адо этиши, аёлликка хизмат қилиши учун мосланган.

Чунки аёл киши хотин, она бўлиши керак бўлган-лиги учун, унга алоҳида латиф тана, малоҳатли тузилиш, ўзига хос жисм ва аъзолар керак. Ҳатто баданидаги тўқималар, ҳужайралар ҳам эркакниқидан ўзгача, нафис, юмшоқ, нозик бўлади.

Эркак ва аёлдаги ўзига хосликларни таҳлил қилиб кўрган ҳар қандай илмий киши улардаги Аллоҳнинг қудрати ва ҳикмати кўриб, Аллоҳнинг оят-беълларига тап бермай, иложи йўқ. Бу ҳақиқатни англаб етишимиз учун биргина илмий таҳлил тўғрисидаги маълумот билан танишиб чиқайлик.

## ЭРКАК ВА АЁЛ АҚЛИДАГИ ФАРҚ НИМАДА?

Эркак ва аёлнинг фикрлашлари орасидаги фарқни аниқлаш бўйича янги илмий иш олиб борган, мия ва вазифаларини ўрганиш бўйича мутахассис жарроҳлар ўзлари эришган янги натижаларни эълон қилдилар.

Уларнинг таъкидлашларича, аёл кишининг мияси эркак кишининг миясига қараганда ўн олти фоизга кичик экан. Чунки аёл кишининг ҳажми ҳам эркак кишининг ҳажмидан худди шунча ҳажмда кичикдир. Шунингдек, икковларининг мияси бир хил вазифани бажарганда ҳам турли услубда бажарар экан.

Мазкур илмий кашфиётларнинг бошқа хулосалари қуйидагилардан иборат:

1. МРА (магнит-резонанс таҳлил) номли мияни суратта олиш жиҳозида аён бўлишича, эркак киши фикр юритганда унинг миясининг муайян қисмигина ишлар экан. Бу жараён муайян қисмда магнит нурлари бўлиб кўринар экан.

Аёл кишининг фикр юритганда эса, магнит нурлари миянинг ҳаммасида кўринар экан. Бу ҳолат, ўз

навбатида, эркак киши аёл кишига нисбатан фикрни жамлашга қудратли эканининг далилидир.

Эркак киши аёл кишига нисбатан кўнгилчанликда таъсирсизроқ экани ҳам илмий равишда собит бўлди. Кўнгилчанлик зоҳир бўлиш пайтида аёл кишининг мияси эркак кишининг миясига қараганда саккиз марта кўп ҳаракат қилишини асбоблар кўрсатди.

Соҳанинг мутахассис табибларидан бири шундай дейди: «Мен руҳий ҳолатлар табиби сифатида, эркак кишининг кўнгилчанлиги аёл кишиникига нисбатан оз эканини яхши билар эдим, аммо бу нарса биринчи бор илмий равишда собит бўлди. Фақат бутина эмас, балки, бошқа илмий текширишларнинг натижасига қараганда, эркак киши аёл кишининг кўнгилчанликка оид ҳолатларини мулоҳаза ва таҳлил қилишида ҳам, аёл киши эркак кишининг кўнгилчанликка оид ҳолатларини мулоҳаза ва таҳлил қилишидаги қувватига тенг кела олмаслиги собит бўлди.

Бу соҳада эркакларнинг биргина устунлиги бўлиши мумкин, у ҳам бўлса, кўнгилга оид изтиробларга ва хасталикларга оз чалинишлари, холос.

Шунингдек, эркак киши разабланганда қўполликка ўтиши, аёл киши эса гапиришга ўтиши, яъни сўз билан орани ислоҳ қилишга ўтиши ҳам собит бўлди.

Магнит тўлқинлари ўқувчи йигитлар ўқиш ва ёзиш даврида миянинг чап тарафини, ўқувчи қизлар эса ҳам ўнг, ҳам чап тарафини ишлатишларини аён қилди. Миянинг чап тарафи мантиқ, ўнг тарафи кўнгилчанлик тарафи экани маълум ва машҳур.

Таҷрибанинг исбот қилишича, эркак кишининг мияси томонларни, масофаларни ва миқдорларни ҳисоблашга мос ва кучли экан.

Ёруғлик ва овозни қабул қилиб оладиган миянинг махсус бўлаклари фаолияти таққослаб чиқилганда, мазкур икки нарсани қабул қилиб олишда эркак кишининг мияси аёл кишининг миясига қараганда секин ишлар экан. Шунинг учун эркак киши жуда паст овозни эшитмас, аёл киши эса эшитар экан. Ёруғликка нисбатан ҳам худди шундай экан. Эркак ки-



шининг мияси мантиқ ва ҳисоб билан машғул бўлганлиги учун, ёруғликни қабул қилиб олишга унчалик аҳамият бермайди. Шунинг учун эркак киши қоронғилиқда аёл кишига нисбатан кўпроқ қоқилади. У қадамларни санаш, томонларни аниқлашга уринади. Аёл киши бўлса, қоронғилиқда эркак кишига нисбатан яхшироқ кўради.

Ёш улғайиши билан эркак кишининг мияси аёл кишиникига қараганда кўпроқ кичраяди. Йигирма ёшда эркак кишининг мияси аёл кишиникидан катта бўлади. Қирқ ёшда эса, икковларининг миялари тенглашади. Олтмиш ёшда аёл кишининг мияси эркак кишининг миясидан катта бўлиб қолади. Нима учун? Мутахассислар таққослаб кўрсалар, эркак кишининг ёши улғайиши билан унинг мияси кўпроқ қувват сарфлар экан ва шу туфайли кичрайиб кетар экан.

Аёл киши ўзининг аёллик хусусияти ила эркаклар қодир бўлмайдиган иш — ҳомила ва чақалоқнинг шикоятини англаб, уни таҳлил қилишга уста бўлади. Шунингдек, уларнинг баъзи махфий нарсаларни ҳис қилиш, уларни мулоҳаза ва таҳлил қилишга қобилиятлари ўткир бўлади.

Эркак кишининг эса, хавф-хатарни даф қилиш, қийинчиликларни енгиш, ишларни тартибга солиш ва шунга ўхшаш нарсаларга қобилияти кучли бўлади».

Агар олимлар эркак билан аёлнинг ҳар бир аъзосини ёки хужайрасини юқоридаги каби таҳлил қилиб чиқсалар, худди шунга ўхшаш ҳикматларни топишларида ҳеч шубҳа йўқ. Буларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг Биру Борлигини, Қодиру Холиқлигини, Ҳакийму Хобийрлигини ва бошқа барча баркамол сифатларини тасдиқловчи белгилардир.

Аллоҳ таоло инсоннинг ўзидан унга жуфт яратиб беришидаги ҳикматни «**сокинлик топишингиз учун**» деб баён қилмоқда. Дарҳақиқат, эркак фақат аёлдангина сокинлик, ором, осойишталик ва тинчлик топади. Шунингдек, аёл ҳам ўзига керак бўлган сокинликни, ором, осойишталик ва тинчликни эркакдан топади.

Бу ҳақиқатни англаб етишимиз учун бир хаёл оти-га миниб, тасаввур қилиб кўрайлик.

Дунёдаги барча инсон зоти аёллардан иборат, деб тасаввур қилайлик. Битта ҳам эркак йўқ. Унда нима бўлади? Дунёда инсон зоти учун сокинлик, ором, осойишталик ва тинчлик бўлмайди. Дунё хароб бўлади. Бир авлоддан сўнг инсон зоти инқирозга учрайди.

Энди, аксинча ҳолатни олиб кўрайлик. Дунёдаги барча инсон зоти эркаклардан иборат, деб кўрайлик. Битта ҳам аёл йўқ. Унда нима бўлади? Дунёда инсон зоти учун сокинлик, ором, осойишталик ва тинчлик бўлмайди. Дунё хароб бўлади. Бир авлоддан сўнг инсон зоти инқирозга учрайди.

Демак, Қуръони Карим таълимотлари асосида қуриладиган, тутиладиган оила сокинлик, ором, осойишталик ва тинчлик оиласи бўлиши керак. Инсон учун зарур бўлган мазкур улуғ неъматларга зид бўлган тўполон, оромсизлик, ташвиш ва уриш-жанжаллар Қуръони Карим таълимотлари асосида қурилган ва тутилган оилаларда мутлақо бўлмаслиги керак.

Қуръони Карим таълимотларига асосланган оила аъзолари орасидаги муносабатлар қандай бўлиши кераклигини ояти кариманинг кейинги жумласи баён қилади.

**«...ва ораларингизда севги ва марҳаматни солиб қўйгани...»**

Қуръони Карим таълимотлари асосида қурилган ва уларга амал қилиб яшаётган оилада ўзаро севги ҳукм суриши керак. Бир-бирини ёқтирмаслик, ёмон кўриш бундай оилага мутлақо тўғри келмайди.

Қуръони Карим таълимотлари асосида қурилган ва уларга амал қилиб яшаётган оилада ўзаро раҳм-шафқатли, меҳр-мурувват ҳукм суради. Бир-бирига нисбатан раҳмсиз, шафқатсиз бўлиш бундай оилада бўлиши мумкин эмас.

Аллоҳ таолонинг Ўзи эр билан хотиннинг орасига севги, меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат солмаса, улар бир-бирларининг баъзи камчиликларини, қийинчиликларни кўтара олармидилар? Чидаб, бирга яшармидилар?

Эркакнинг танасини, аъзоларини, руҳиятини, ҳаттоки, энг кичик ҳужайраларигача ўзига хос қилиб яратган ким? Аёлнинг танасини, аъзоларини, руҳиятини, ҳаттоки, кичик ҳужайраларигача ўзига хос қилиб яратган ким? Ҳа, уларни бир-бирига сокинлик бахш этувчи, меҳр-муҳаббатли, ўзаро келишиб дунёни обод қиладиган этиб яратган зот қудратли Аллоҳ таолодир.

**«Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир».**

Ҳа, албатта, бунинг учун тафаккур қилиш керак. Агар инсонлар, эркак ва аёллар ўзларининг тузилишлари, бир-бирларининг ораларидаги фарқлари ҳақида керагича тафаккур қилсалар, улар бир-бирларидан сокинлик топишлари учун яратилганларини англаб етар ва оилаларида ором ила яшашга ҳаракат қилар эдилар.

Агар инсонлар — эркак ва аёллар ўзларининг ораларига Аллоҳ таоло томонидан муҳаббат ва раҳм-шафқат солиб қўйилганини тафаккур ила англаб етганларида, бир-бирларини ёмон кўрмас ва бир-бирларига нисбатан шафқатсиз бўлмас эдилар.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

هٰن لِيَاسٌ لَكُمْ وَأَنْتُمْ لِيَاسٌ لَهُنَّ

**«Улар (хотинлар) сизга либосдирлар, сиз уларга либосдирсиз» (187-оят).**

Узун оятнинг ичида келган ушбу қисқагина жумла билан Аллоҳ таоло олам-олам маъноларни баён қилган. Қуръони Каримнинг ҳақиқий илоҳий китоб эканига, бошқаларни ожиз қолдирувчи китоб эканига ёлғиз шу жумланинг ўзини тафаккур қилиш ҳам етарлидир.

Одатда либос — кийим бир неча муҳим мақсадлар учун ишлатилади. Агар кийим бўлмаса, ўша мақсадларга эришилмайди ва инсоннинг ҳайвондан фарқи ҳам қолмайди. Келинг, ўша кийимдан кўзланган мақсадлар ва эр-хотин орасидаги муносабатнинг унга ўхшатилиши ҳақида тафаккур қилиб кўрайлик.

Биринчидан, либос — кийим ўзини кийган шахснинг айбини беркитиб туради. Қуръони Карим эр-хотинни бир-бирига «либос» деганидан кейин, улар ҳам бир-бирларининг айбларини беркитиб туришлари керак. Эр-хотинларнинг бир-бирининг айбини очиши Қуръони Карим таълимоти асосида қурилган ва ҳаёт кечираётган оилага мутлақо тўғри келмайди.

Иккинчидан, либос ўзини кийган шахсни зийнатлаб туради. Қуръони Карим эр-хотинни бир-бирига «либос» деганидан кейин, улар ҳам бир-бирларини зийнатлаб туришлари керак. Эр-хотинларнинг бир-бирини зийнатламаслиги Қуръони Карим таълимоти асосида қурилган ва ҳаёт кечираётган оилага мутлақо тўғри келмайди.

Учинчидан, либос ўзини кийган шахсни ёзда иссиқдан, қишда совуқдан сақлаб туради. Қуръони Карим эр-хотинни бир-бирига «либос» деганидан кейин, улар ҳам бир-бирларини ҳаётнинг иссиқ-совуқларидан сақлаб туришлари лозим. Эр-хотинларнинг бир-бирини ҳаётнинг иссиқ-совуқларидан сақламаслиги Қуръони Карим таълимоти асосида қурилган ва ҳаёт кечираётган оилага мутлақо тўғри келмайди.

Тўртинчидан, либос ўзини кийган шахсга энг яқин нарса бўлади. У билан уни кийувчи шахс орасида ҳеч нарса бўлмайди. Қуръони Карим эр-хотинни бир-бирига «либос» деганидан кейин, улар ҳам бир-бирларига энг яқин шахслар бўлишлари ва ораларида ҳеч нарса бўлмаслиги керак. Эр-хотинларнинг бир-бирига яқин бўлмаслиги Қуръони Карим таълимоти асосида қурилган ва ҳаёт кечираётган оилага мутлақо тўғри келмайди.

Бешинчидан, либос ўзини кийган шахсга турли нохуш нарсалар, ҳатто чанг ҳам юқмаслиги учун хизмат қилади. Қуръони Карим эр-хотинни бир-бирига «либос» деганидан кейин, улар ҳам бир-бирларига турли нохуш нарсалар, ҳатто чанг юқтирмасликка ҳаракат қилишлари лозим. Эр-хотинларнинг бир-бирига нохушлик етказиши, чанг юқтириши Қуръони Карим таълимоти асосида қурилган ва ҳаёт кечираётган оилага мутлақо тўғри келмайди.

Қуръони Каримда эр-хотин муносабатлари тўр-рисида келган бир оят ва бошқа бир оятнинг бир жумласидан қисқача чиқарилган хулосалар шулардан иборат. Мана шуларнинг ўзида бир олам маънолар борлигини тушуниб олиш қийин эмас. Шу билан бирга, ушбу маъноларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз, балки, аввало бахту саодатимиз эканини ҳам англашимиз зарур.

## ҚУДАЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ ҲАҚИДА

«Никоҳ» деб аталган муқаддас алоқа фақат келин ва куёвнинг икковлари ўртасидаги робитадангина иборат эмас. Балки бу робита уларнинг ортида турган ота-оналари, оила аъзолари ва қавму қариндошларини ҳам ўз ичига олади. Никоҳнинг жамият аъзолари орасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга қиладиган катта хизмати ҳам ана шунда. Келин ва куёв сабабидан уларнинг оила аъзолари, уруғлари ва қариндошлари ҳам қудачилик асосида яқинлашадилар. Шунинг учун ҳам Исломда қудачилик алоқаларига алоҳида эътибор берилган ва унинг аҳамияти қайта-қайта таъкидланган ҳамда бу ҳақда шариатга керакли ҳукмлар киритилган.

Аллоҳ таоло «Фурқон» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَهُوَ الَّذِي خَلَقَ مِنَ الْمَاءِ بَشَرًا فَجَعَلَهُ نَسَبًا وَصِهْرًا ۗ وَكَانَ رَبُّكَ قَدِيرًا

**«У, сувдан башар яратган ва уни насл-насаб, қуда-анда қилиб қўйган Зотдир. Роббинг қодирдир» (54-оят).**

Араб тилига хос бўлган хусусиятлар боис, тафсирчи уламоларимиз ояти каримадаги «насл-насаб»га «ўғил», «қуда-анда»га «қиз» деб маъно берганлар. Чунки бир уруғ ёки оиланинг насаби сақланишига ўғил бола сабаб бўлса, бошқалар билан қуда бўлишига қиз бола сабаб бўлади. Шунда:

**«У, сувдан башар яратган ва уни насл-насаб, қуда-анда қилиб қўйган Зотдир» жумласининг маъноси «Аллоҳ нутфадан одам яратган ва ўша одамни**



эркак - аёл қилиб, эркакни насаб орқали ва аёлни қудачилик орқали инсон зотининг тарқалишига сабаб қилиб қўйган зотдир», бўлади.

Бундан инсоний алоқаларнинг энг яқини насаб алоқаси бўлса, бошқаси қудачилик алоқаси бўлиши англанади. Аллоҳ таоло инсон зотининг айнан шу воситалар орқали боғланиб туришларини ирода қилган. Шунинг учун ҳам Исломда насаб алоқасига қандай қаралса, қудачилик алоқасига ҳам шундай қаралади.

Ушбу ҳақиқатни Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларида ҳам мулоҳаза қиламиз.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الزُّبَيْرِ يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: كُلُّ نَسَبٍ وَصَهْرٍ مُنْقَطِعٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِلَّا نَسَبِي وَصَهْرِي. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

*Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Қиёмат куни менинг насабим ва қудачилигимдан бошқа ҳар бир насаб ва қудачилик кесилувчидир».**

*Тобароний ривоят қилган.*

Ушбу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз насабларидан кейин қудачиликларининг Қиёмат куни кесилмай қолишини, ўша Кунда насаб орқали у зотга боғланганларга қанчалик фойдалари тегса, қудачилик орқали боғланганларга ҳам шунчалик фойдалари тегишини таъкидламоқдалар.

Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидаги ривоятларга назар соладиган бўлсак, у киши билан қудачилик робитаси ила уланган кишиларга бу боғланиш фахр ва азизлик боиси бўлганини кўрамиз.

عَنِ الْمُقَدَّامِ بْنِ مَعْدِي كَرِبَ قَالَ: لَمَّا أُصِيبَ عُمَرُ دَخَلَتْ إِلَيْهِ حَفْصَةُ فَقَالَتْ: يَا صَاحِبَ رَسُولِ اللَّهِ، وَيَا صِهْرَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، وَيَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ... رَوَاهُ ابْنُ سَعْدٍ.

*Микдом ибн Маъдийкариб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Умар мусийбатга учграганда унинг олдига Ҳафса кирди ва: «Эй Расулуллоҳнинг соҳиби! Эй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайнотаси! Эй мўминларнинг амири!» – деди».**

*Ибн Саъд ривоят қилган.*

Ушбу ривоятда мўминларнинг онаси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг қизлари – Ҳафса онамиз ўз оталарининг шарафли сифатлари ичидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қайнота бўлганларини алоҳида зикр қилмоқдалар.

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга куёв бўлиш ҳам шараф мақомида зикр қилинган ҳолатлар жуда кўп.

عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ بْنِ حَيْثَارٍ قَالَ: دَخَلْتُ عَلَى عُثْمَانَ فَتَشَهَّدَ ثُمَّ قَالَ: أَمَا بَعْدُ، فَإِنَّ اللَّهَ بَعَثَ مُحَمَّدًا ﷺ بِالْحَقِّ، وَكُنْتُ مِنْ مَنْ اسْتَجَابَ لِلَّهِ وَلِرَسُولِهِ، وَأَمِنَ بِمَا بُعِثَ بِهِ مُحَمَّدٌ ﷺ، ثُمَّ هَاجَرْتُ هِجْرَتَيْنِ، وَنِلْتُ صِهْرَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَبَايَعْتُهُ، فَوَاللَّهِ مَا عَصَيْتُهُ وَلَا غَشَشْتُهُ حَتَّى تَوَفَّاهُ اللَّهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Убайдуллоҳ ибн Ағий ибн Хиёрдан ривоят қилинади:*

**«Усмоннинг олдига кирдим. У шаҳодат калималарини айтди ва сўнгра деди:**

**«Аммо баъд:**

**Албатта, Аллоҳ Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақ ила юборди. Бас, мен Аллоҳга ва Унинг Расулига ижобат қилганлардан, Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ила юборилган нарсага иймон келтирганлардан бўлдим. Сўнгра икки марта ҳижрат қилдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга куёв бўлиш шарафига эришдим. У зотга байъат қилдим. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ у**

қолди. Ёмон ниятидан қайтган эди, соғ ҳолига қайтди. Яна ёмон ният қилган эди, яна қўл-оёғи ишламай қолди. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди.

Шунда подшоҳ меҳмонлар оддий одамлар эмаслигини тушуниб етиб, уларни рози қилиш пайига тушди. Иброҳим алайҳиссаломни яна ҳузурига чорлаб, ҳадялар тақдим этди. Ўша вақтнинг таомилига кўра, Ҳожар исми бир қизни ҳам у зотга тортиқ қилди.

Иброҳим алайҳиссалом совғаларни қабул қилиб, яна ўз юртларига қайтиб кетдилар. Ҳожарга уйланиб, Аллоҳнинг иродаси ила тўқсон ёшларида ундан бир ўғил фарзанд кўрдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир неча минг йил олдин ўтган қудачиликнинг ҳурмати-ни қилишни ўз саҳобаларига топширганлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Бошқа уламоларимиз: «Ушбу ҳадисдаги **«қудачилик»**дан мурод, Мория онамиз орқали бўлган боғланишдир», дейдилар.

Ҳудайбия сулҳи тузилиб, тинчлик ҳукм сура бошлагач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёдаги подшоҳлар ва араб амирларига мактуб ёзиб, уларни Аллоҳнинг динига чақиришга қарор қилдилар. Бу муҳим тадбир олтинчи ҳижрий сананинг охири, еттинчи сананинг бошларида амалга оширилди.

Ўша пайтларда Мисрга подшоҳлик қилган киши «Муқавқис» деб аталган. Қадимдан Миср Византия империясига қарам бўлиб келган. Миср ҳокими Византия императорининг ноиби ҳисобланган. Ўша вақтдаги Муқавқис Мисрнинг ерлик аҳолиси — қибтийлардан чиққан бўлиб, асл исми Журайж бўлган. Шу билан бирга, Византиянинг Мисрга таъсир кучи қолмай, у деярли мустақил бўлиб қолган эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муқавқисга Ҳотиб ибн Абу Балтаъа розияллоҳу анҳуни мактуб билан юбордилар. Муқавқис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактубларини катта эҳтиром билан кутиб олди. У зотга ҳадялар юборди. Икки-та жория ҳам юборди. Улардан бири Мория Қибтия



бўлиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Иброҳим исмли ўғилларини ўша кишидан кўрганлар.

Ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига ўзлари куёв бўлган юртнинг барча аҳолисини ҳурмат қилишни тошширмақдалар. Саҳобаи киромлар эса, ўз вақтида бунга қойилмақом қилиб амал қилганлар. Мисрлик биродарларимиз ҳозиргача ушбу ҳадиси шарифни ўзлари учун — Миср аҳли учун буюк шараф, деб биладилар.

Ислом тарихида битта қудачилик алоқаси бутун бошли бир халққа ёки қабилага барака ва яхшилик келтирган, уларнинг асирликдан озод бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар бор. Бунга биргина мисол келтиришга ижозат бергайсиз.

Бану Мусталақ урушида мусулмонлар қўлига тушган асира аёллар ичида Бану Мусталақ қавмининг сардори Ҳорис ибн Абу Зирорнинг қизи Барра ҳам бор эди. У қабила бошлиғининг қизи сифатида ўша даврнинг олий тарбиясини кўрган, ҳамма нарсадан хабардор қиз бўлиб вояга етган эди. У ёшлик чоғидаёқ Хузоъанинг машҳур йигитларидан бўлган Мусофеъ ибн Сафвонга турмушга берилган эди. Мусулмонлар билан бўлган жангда ўлган ўн кишидан бири ўша Мусофеъ ибн Сафвон бўлган эди.

Саҳобаларга асирлар ва ўлжаларни тақсимлаш бошланди. Барра бинти Ҳорис саҳобалардан Собит ибн Қайс ибн Шаммос розияллоҳу анҳунинг чекига тушди. Катта оилада ўсиб, улғайган Барра бинти Ҳорис ақли расо ва уддабурон ҳам эди. У Собит ибн Қайс ибн Шаммос розияллоҳу анҳу билан музокара олиб бориб, тўққиз увқия тилла бериб, ўзини озод қилишга шартнома тузди.

Барра бинти Ҳорис бу шартномадан кейин ўша келишилган миқдордаги тиллани топиш пайига тушди. Бу мақсадга эришиш учун нима қилиш кераклигини у яхши билар эди. Шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмасдан, тўғри Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди ва:

«Ё Расулаллоҳ, мен муслима аёлман, «Лаа илааҳа иллаллоҳ» деб ва сизни Аллоҳнинг Расули деб шаҳо-



дат келтирганман. Мен ўз қавмининг саййиди — Ҳориснинг қизиман. Бошимга сизга махфий бўлмаган бало тушди. Мен Собит ибн Қайс ибн Шаммоснинг чекига тушдим. У мен билан тоқатим ҳам, қўлим ҳам, қудратим ҳам етмайдиган нарсага аҳднома тузди. У тўққиз увқия тилладан иборатдир. Менинг ўшанга рози бўлишим сиздан умид қилганим учун бўлди. Аллоҳ сизга саловот юборсин. Сизнинг ҳузурингизга тузган шартномамни адо этишда ёрдам сўраб келдим», — деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сенга бундан кўра яхшироқ бўлишини хоҳлайсанми?» — дедилар.

«У нима, ё Расулаллоҳ?» — деди у.

«Сенинг шартномангни адо қилиб, ўзингга уйланаман», — дедилар У зот.

«Хўп! Ё Расулаллоҳ!» — деди у.

«Ўшандоқ қилганим бўлсин», — дедилар у зот.

Буниси қандай бўлди, дейиш мумкин. Ҳақиқатда бундай бўлишига ақл бовар қилмайди. Бу гап-сўзлар кечагина қирғин-барот уруш қилган икки тарафнинг икки вакили ўртасида бўлиб ўтмоқда. Қандай аёл кеча ўз эрини қатл қилган томоннинг бошлиғининг бир оғиз сўзи ила унга хотин бўлишга рози бўлиши мумкин?!

Яна қавмининг тирик қолган барча аъзолари асир қилиб, тақсимлаб олинган бўлса?

Яна ўша аёл ўз қавмининг улуғининг қизи — аслзода бўлса?

Барра бинти Ҳориснинг бундай қилишига сабаб бор эди. Бу сабабни ундан бошқа фақат Яратганнинг Ўзи билар эди.

Бу сабабни билиш учун имом Байҳақий у кишининг ўзидан қилган ривоятни келтирамиз:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келишларидан уч кеча олдин тушимда Ясрибдан бир ой келиб, қучоғимга тушганини кўрдим. Буни бировга айтишни истамадим. Асирга тушганимизда тушим ўнгидан келишини орзу қилдим. Бас, у зот мени озод қилиб, никоҳларига олдилар».

Ҳа, гап бу ёқда экан. Ҳамма нарса олдиндан аён бўлган экан. Шунинг учун ҳам Барра бинти Ҳорис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга дастлаб мурожаат қилганда:

«Ё Расулаллоҳ, мен муслима аёлман, «Лаа илаҳа иллаллоҳ» деб ва сизни Аллоҳнинг Расули деб шаҳодат келтирганман», — деган экан.

Энди Барра бинти Ҳориснинг тутган иши тушунарли бўлди. Аммо, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тутган ишларини қандай тушуниш мумкин? У зот дунёдаги энг қарамли зот эдилар. Бир асира аёл ёрдам сўраб келса, ёрдам беришлари турган гап эди. Шарт қўймай, пулни бериб юбораверсалар бўлмас эдими? Нима учун шартномадаги маблағни тўлаш билан бирга уйланишни ҳам айтдилар экан?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам бундай қилишларига сабаб бор эди. Бу сабабни у зотдан бошқа фақат Яратганнинг Ўзи билар эди.

Бу сабабни билиш учун имом Бухорий Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан қилган ривоятни ўрганиш керак:

«Ўша хабар одамларга тарқалди. Улар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуда тарафларини қул қилиб бўлар эканми, деб, қўлларидаги барча Мусталақда тушган асирларни озод қилиб юборишди. Уларнинг сони юзта аҳли байтга етган эди. Бу у зот унга уйланганлари учун бўлди. Мен ундан кўра ўз қавмига баракаси кўпроқ бўлган аёлни билмайман. Бу иш у зотнинг Мурайсиъ ғазотидан қайтганларида бўлган».

Ҳа, энди тушунарли бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Мусталақнинг улуғининг қизига уйланиш орқали ўша қавмнинг барчасини қуликдан озод қилишни ирода қилган эканлар. У зот бутун бошли бир қавмнинг зоелиқдан борлиққа, асирликдан озодликка, куфрдан иймонга қайтаришни ирода қилган эканлар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошқа уйланишлари каби бу уйланишлари ҳам қони ҳикмат бўлиб чиқди.

У зотнинг Барра бинти Ҳорисга уйланганлари ҳақидаги хабар тарқалиши билан, саҳобалар буйруқ

билан эмас, балки ўз ихтиёрлари билан бутун бошли бир қавми қулликдан озод қилиб юборишди.

У зотнинг Барра бинти Ҳорисга уйланганликлари туфайли қулликдан озод бўлган бутун бошли бир қавм Исломни қабул қилди. У зотнинг бу уйланишлари яхшилик устига яхшилик, барака устига барака келтирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам янги онамизнинг исмларини Баррадан Жувайрияга ўзгартирдилар.

Ушбу юқорида зикр қилинган ҳужжат-далиллар ҳамда улардан бошқаларини ҳам синчиклаб ўрганган, таҳлил қилган уламоларимиз мўмин-мусулмонлар қудачилик алоқаларига алоҳида эътибор беришлари лозимлигини таъкидлаганлар.

Ҳанафий уламолардан Бадруддин Айний роҳматуллоҳи алайҳи имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ига ёзган шарҳи — «Умдатул Қорий» номли китобида силаи раҳми қуйидагича таърифлайди:

«Сила насабдош қариндошларга ҳамда қуда-андаларга яхшилик қилишдан иборатдир. Бу уларга гарчи узоқ бўлсалар ва ёмонлик қилсалар ҳам, лутф кўрсатиш, меҳрибонлик қилиш ҳамда ҳолларидан хабар олиш ила бўлади».

Катта уламолардан бири Ибн Асир айтади:

«Силаи раҳм насаб ва қудачилик орқали яқин бўлганларга яхшилик қилиш, уларга меҳр кўрсатиш, уларга юмшоқлик қилиш ва аҳволларидан хабар олишдир. Агар улар узоқлашган ва ёмонлик қилган бўлсалар ҳам. Силаи раҳми кесиш эса, буларнинг барчасининг зиддидир. «Силаи раҳмини боғлади» деган гап бор. Бунда уларга яхшилик қилиш ила ўзи билан улар орасида қариндошлик ва қудачилик алоқаларини боғлаш тушунилади».

Бу ерда қуда-андалар ҳам қариндошлар билан баробар зикр қилинаётганига алоҳида эътибор беришимиз керак. Бизда қуда-андаларга қилинадиган яхшиликларни «силаи раҳм» дея тушуниш деярли учрамайди.

Аввал билмаган бўлсак, энди билдик. Энди билганимизга амал қилишимиз лозим. Қудаларни, қудачи-

лик асосида бизга боғланган қишиларни «қариндош» деб, уларга ҳам силаи раҳм қилишни ўз масъулияти-миз деб билишимиз зарур.

Келин-куёвлар ҳам бир-бирларининг ота-оналарини ва қариндошларини худди ўз ота-оналари ва қариндошлари каби кўришлари, ҳурматларини жойига қўйишлари ва уларнинг розиликларини топишга ғайрат қилишлари лозим. Шунингдек, қайнона ва қайноталар ҳам ўзларининг келин ва куёвларини худди ўзларининг фарзандларидек кўришлари зарур. Албатта, уларга тегишли бўлган барча қариндошларнинг бир-бирлари билан бўладиган муносабатлари ҳам шунга қараб олиб борилиши керак.

Ана шунда никоҳдан кўзланган энг катта манфаатлардан бири – жамиятдаги уруғлар, қабилалар ва қавмларни қариндошларга айлантириш орқали жамият аъзолари орасидаги ўзаро жипслик ва ҳамкорликни зиёда қилишга эришилади.



## ФАРЗАНД

Аллоҳ таоло биринчи инсон Одам отани лойдан яратди. Бу ҳақда У Зотнинг Ўзи «Муъминун» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

﴿لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنْ سُلَالَةٍ مِّن طِينٍ﴾

«Қасамки, батаҳқиқ, инсонни лой зубдасидан яратдик» (12-оят).

У кишидан жуфти — момо Ҳаввони яратди. Сўнгра икковларидан кўплаб эркак ва аёлларни тарқатди.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида бундай дейди:

يٰۤاَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً

«Эй одамлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтини яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёллар таратган Роббингиздан қўрқинглар!» (1-оят).

Ушбу оятдаги улкан ҳақиқатлардан бири «...ва ундан унинг жуфтини яратиб» жумласида ўз аксини топгандир. Яъни бундан «Ўша жондан унинг жуфтини — хотинини яратган», деган маъно келиб чиқади.


«...ва икковларидан», яъни ўша «бир жон» бўлмиш Одам ва унинг жуфти — Ҳавводан

«кўплаб эркагу аёлларни таратган»и ҳам муҳим бир ҳақиқатдир. Аллоҳ таоло агар хоҳласа, бирданига хилма-хил, сон-саноксиз эркагу аёлларни яратишга ҳам қодир эди. Аммо У Зот бундай қилишни хоҳламади. Ер юзидаги турли инсонларнинг қариндошлик алоқалари, оила ришталари ила ўзаро боғлиқ бўлишларини ирода қилди. Исломда оилани мустаҳкамлашга катта эътибор берилишининг сири ҳам шунда.

Шунинг учун ҳам янги оила қурган ҳар бир эр-хотин қўшилишлари билан орада фарзанд бўлиши масаласи ҳам юзага чиқади. Зотан, оила қуришдан соф табиатли инсон кўзлайдиган бош мақсадлардан бири ҳам фарзанд кўришдир.

Аллоҳ таоло дунёдаги ҳамма жонзотларни, нарсаларни, ҳайвонларни бир-бирига боғлиқ, бир-бирига мос, бир-биридан манфаат оладиган қилиб яратган. Шу жумладан, инсонларда жинсий алоқа масаласини эркак ва аёлга боғлаб қўйган. Ҳақиқий жинсий алоқа, лаззат, ундан келадиган самара — фарзанд ана ўша табиий алоқа орқали вужудга келади. Аллоҳ таолонинг инсон зотини жуфт қилиб яратишидаги ҳикмат ҳам ана шунда.

Аллоҳ таоло «Набаъ» сурасида бундай деб марҳамат қилади:



**«Ва сизларни жуфт қилиб яратдик» (8-оят).**

Яъни, эркак ва аёл қилиб.

Ҳа, Аллоҳ таоло одам зотини жуфт қилиб, эркак-аёл қилиб яратишининг ўзи улкан мўъжизадир. Аввало, эркак ва аёлнинг тузилиши ва эркаклигу аёллик хусусиятлари улкан мўъжизалардир. Бу ишни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким қила олмайди. Бу ишга фақатгина Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзи қодирдир.

Қолаверса, ҳар бир жуфтнинг ҳар икки томонига ўзидан насл қолдиришга чексиз муҳаббат бериб қўйилгандир. Ҳаттоки, улар ўзидан насл қолдириш йўлида жон беришга ҳам тайёр даражага етадилар. Кўп аёллар ўлимни бўйнига олиб, фарзанд кўришга қарор қиладилар. Умуман олганда эса, ҳар бир ҳомиладор аёлда бу журъат бордир. Туғилган фарзандни тарбиялаб, ўстириш машаққат, оғир ва тинимсиз меҳнатдан иборат. Хўш, ушбу омилни ҳар бир инсон табиати-га ким солиб қўйган? Нима учун бу нарса миллионлаб йиллардан буён давом этиб, инсон наслининг ер юзида бардавом қолиши воситаси бўлиб келмоқда? Албатта, буларни фақатгина Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзигина қилиши мумкин.

Одамлар Аллоҳ жорий этган табиий қоидаларга одатланиб қолганлар. Шу боис, бу ҳодисаларнинг ҳар лаҳзада содир бўлиб туришини қонуний ёки мажбурий

Тавсия қилинади



нарсалар, деб биладилар. Бу қоидалар уларнинг кўз ўнгида кўп такрорланаверганидан, шу қарорга келганлар. Бироқ, ушбу қоидаларни жорий этган Аллоҳ учун айрим ҳолларни истисно этиш ҳам ҳеч гап эмас.

Эркак ва аёлнинг жинсий унсиятидан фарзанд пайдо бўлишини Аллоҳ таоло умумий қоида қилиб қўйган. Аслида, эркак ва аёл қўшилган тақдирда ҳам, Аллоҳнинг хоҳиши бўлсагина, фарзанд яралади. Бу ҳақиқатни кўпчилик унутиб қўяди. Унутиладиган ҳақиқатларни бандаларнинг ёдига солиб туриш учун, Аллоҳ таоло ҳар-ҳар замонда мазкур умумий қоидаларга хилоф ҳолларни ҳам юзага келтиради. Баъзи бир эр ва аёлларга фарзанд бермайди. Агар бола яралишининг асосий омили эркак ва аёлнинг қўшилишигина бўлса, нима сабабдан ҳамма ҳам фарзандли бўлавермайди? Шунингдек, қартайиб қолган кишилардан фарзанд бўлмаслиги ҳам одамлар учун табиий қоида, аммо Аллоҳ хоҳласа, Закариё алайҳиссаломга берганидек, кекса жуфтларга ҳам фарзанд ато қилаверади. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир, чунончи, хотини бўлмаса ҳам Одам Атодан Момо Ҳавони яратганидек, эркакнинг ўзидан аёл пайдо қилади. Аксинча, Биби Марямдан Ийсо алайҳиссаломни яратгани каби, эркак бўлмаса ҳам аёлнинг бир ўзидан фарзанд яратиши мумкин. Шунингдек, Одам Атони йўқдан бор қилганидек, на эр ва на аёлсиз ҳам турфа махлуқларни ҳаёт саҳнига келтира олади.

Мулоҳаза қилсак, мазкур ҳодисаларнинг барчасида ҳам Аллоҳ таоло Ўзи яратган сабабчи омиларни ишга солади. Чунки У Зот бу дунёни шу асосда яратган. Аслида, биргина «**Бўл!**» деса, Одам Ато бино бўларди. Аммо бундай қилмади. Даставвал уни Ўз қўли билан лойдан одам шаклида ясади, бир муддатдан кейин унинг ичига жонни киритди.

Шунга ўхшаб, Закариё алайҳиссаломга ҳам тайёр ўғилни шундай тутқазиб қўймади. Пуштсиз кампир билан қўшилганидан кейин аёл ҳомиладор бўлди. Ҳомила пайдо бўлганининг белгиси сифатида Аллоҳ таоло Закариё алайҳиссаломни уч кун тилсиз қилиб қўйди. Ниҳоят, фарзанд одатдагидек, табиий йўсинда дунёга келди.



Шунингдек, Одам Атодан Момо Ҳавони яратишда ҳам ўзига хос бир қанча тадбирлар амалга оширилган.

Бокира Марямдан эркак иштирокисиз бола пайдо қилиш жараёни қандай кечганига келсак, биз ўрнаётган оятларда айтилганидек, фаришта Жаброил алайҳиссалом Марямнинг олдига келиб, унинг кўйлаги ёқасидан пуфлаган ва Марям онамиз Исо алайҳиссаомга ҳомиладор бўлганлар.

Худди шунингдек, Аллоҳ таоло эркак ва аёл, агар фарзанд истасалар, бунинг учун, бирга никоҳланиб яшашларини ва жинсий қўшилишларини шарт қилиб қўйди. Аллоҳ таоло дунёда жорий қилган сабабият қонуни асосида ўша қўшилиш бўлсагина, фарзанд бўлишини ирода қилди.

Ҳа, Аллоҳ таоло инсонни эркак ва аёл жинсида яратди. Ҳар бирига ўзига хос аъзолар ва хусусиятлар берди. Жумладан, инсон наслини бардавом этиш учун ҳар бирини ўзига хос таносил аъзолари билан яратди. Инсон наслини эркак ва аёлнинг қўшилиши натижасида пайдо бўладиган қилди. Бу қўшилишдан икковлари ҳам табиий лаззат оладиган бўлдилар. Бунинг учун уларда зарур аъзолар — ҳис-туйғу, ҳужайралар ва шу каби анвойи моддаларни халқ қилди. Ушбу қўшилишдан ҳосил бўладиган лаззат ва рағбатга нисбатан бўлган қизиқишни фарзанднинг ғоят қаттиқ азоб билан туғилиши, унинг тарбияси каби машаққатларни ҳам унутадиган даражада қудратли айлади. Аллоҳ таоло инсон зотининг жинсий яқинлик йўли билан, яъни никоҳланган эркак ва аёлнинг қўшилиши орқали покиза йўл билан кўпайиб туришини ирода қилди ва буни ҳаётий заруратга айлантирди.

Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, айрим оилаларда, барча шарт-шароитлар мужассам бўлишига қарамай, фарзанд бўлмаслиги Холиқ Аллоҳ таолонинг Ўзи экани, оила қуриш, жинсий муносабат ва бошқа фарзанд кўриш учун керак бўладиган омиллар фақатгина оддий сабаблар экани, ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг қудрати билангина юзага келишини намоён қилади.



Оила қуриб яшаётган кишилар ушбу ҳақиқатларни англаб етишлари лозим. Улар фарзандни Аллоҳ таоланинг Ўзигина ато қилиши мумкинлигини, эр-хотин бу борада сабабдан бошқа нарса эмасликларини бир лаҳза ҳам унутмасликлари керак. Шу билан бирга, ўзларининг бўлажак фарзандлари олдидаги бурчларини англаб етиб, ўша шарафли бурчларни адо этиш пайдан бўлишлари лозим.

## ОТА-ОНАНИНГ ФАРЗАНД ОЛДИДАГИ БУРЧЛАРИ

Исломда фарзандларнинг ҳуқуқлари қатъий риоя қилинган бўлиб, булар уларнинг ота-оналари ёки яқин қариндошлари, яшаётган жамиятларига вазифа қилиб юклатилгандир. Бу ҳақларни адо этиш вожиб бўлиб, унга амал қилиш мажбурийдир.

Ота-онанинг фарзандлар олдидаги бурчлари улар пайдо бўлмасдан олдинги, ҳомила ҳолларидаги ва туғилганларидан кейинги қисмларга тақсимланади:

**Ота-онанинг фарзанд пайдо бўлмасдан олдинги мажбуриятлари:**

**1. Фарзандга муносиб ота ва она танлаш мажбурияти.**

Шариат таълимотлари бўйича, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари оила қуришдан аввал — умр йўлдошини танлаш пайтида бошланади. Ҳар бир шахс ўзининг бўлажак фарзанди учун муносиб ота ва она танлаш мажбуриятидадир.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: تَخَيَّرُوا لِنُطْفِكُمْ، وَأَنْكِحُوا الْأَكْفَاءَ وَأَنْكِحُوا إِلَيْهِمْ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Уруғларингизга ихтиёрни яхши қилинг. Тенгни никоҳингизга олинг ва ўшаларга никоҳланг».**

*Ибн Можа ривоят қилган.*

Ушбу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-саллам бўлажак ота ва оналарга мурожаат қилиб, ўзларининг бўлажак фарзандларига муносиб ота ва муносиб она танлашга амр қилмоқдалар. Бундан, му-сулмон инсон оила қураётганда фақат ўзининг фой-дасини ўйламасдан, бўлажак фарзандини ҳам ўйлаб, унга муносиб ота ёки она танлаши кераклиги келиб чиқади. Ҳар бир инсон оила қуриш чоғида ўзидан ва жуфти ҳалолдан пайдо бўладиган фарзанднинг ға-мини емоғи лозим бўлади. Чунки ота ва онанинг си-фатлари ва хусусиятлари болага ирсият йўли билан ўтиши бор. Шунинг учун болага ҳам маънавий, ҳам жисмоний тарафдан етук ота ва она танлаш керак бўлади. Токи фарзанд эсини таниганда отаси ва она-си билан, уларнинг ҳар тарафлама етук сифатлари билан фахрланиб юрадиган бўлсин.

## 2. Аллоҳ таолодан солиҳ фарзанд тилаб, дуода бўлиш.

Бу ишни Аллоҳ таолонинг набийлари қилгандир.

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

هُنَالِكَ دَعَا زَكَرِيَّا رَبَّهُ، قَالَ رَبِّ هَبْ لِي مِنْ لَدُنْكَ ذُرِّيَّةً طَيِّبَةً  
إِنَّكَ سَمِيعُ الدُّعَاءِ

«Шу чоғда Закариё Роббига дуо қилиб: «Роббим, менга Ўз ҳузурингдан покиза зурриёт бергин. Ал-батта, Сен дуони эшитувчисан», – деди» (38-оят).

Шунинг учун келин-куёвлар доимо Аллоҳ таоло-дан солиҳ фарзанд сўраб, давомли равишда дуо қи-либ туришлари керак. Бу жуда муҳимдир.

**Фарзанднинг ҳомила ҳолидаги ҳақлари.**

## 3. Аллоҳ таолодан солиҳ фарзанд тилаб, дуода бўлишни давом эттириш.

Аллоҳ таоло лутфи карам кўрсатиб, бола ҳомила шаклида пайдо бўлгандан кейин ҳам ота-онаси унинг солиҳ фарзанд бўлиши ҳақидаги дуоларини давом эттиришлари зарур. Зотан, бу иш Одам ота ва момо Ҳавводан мерос бўлиб қолгандир.

Аллоҳ таоло «Аъроф» сурасида бундай деб марҳамат қилади:

هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَجَعَلَ مِنْهَا زَوْجَهَا لِيَسْكُنَ  
 إِلَيْهَا فَلَمَّا تَغَشَّاهَا حَمَلَتْ حَمْلًا خَفِيًّا فَمَرَّتْ بِهِ فَلَمَّا أَثْقَلتْ دَعَوَا  
 اللَّهَ رَبَّهُمَا لَئِنْ آتَيْتَنَا صَالِحًا لَتَكُونَنَّ مِنَ الشَّاكِرِينَ

«У сизларни бир жондан яратган ва сокинлик топсин учун ундан жуфтини яратган Зотдир. Вақти у (жуфтини) ўраганида енгил ҳомиладор бўлди. Бас, у билан юрди. У оғирлашганда эса, икковлон Роббилари Аллоҳга: «Агар бизга солиҳ (фарзанд) берсанг, албатта, шукр келтирувчилардан бўлажакмиз», – деб дуо қилдилар» (189-оят).

Вақт ўтган сари ҳомила катталашиб бориб, она оғирлашади, туғиш вақти яқинлашади. Ана шу пайтда отада ҳам, онада ҳам фитрий-табиий ҳис-туйғулар ошади, уларда орзу-умид пайдо бўлиб, фарзандларининг соғ-саломат, тўла-тўкис ва аҳли солиҳлардан бўлишини орзу қиладилар. Шунингдек, уларда онанинг эсон-омон қутулиб олиши ҳақида ҳадиклари ҳам бор. Ҳар қандай орзу-умид паллаларида инсон Аллоҳга илтижо қилади. Ота-онада эса ҳам орзу-умид, ҳам ҳадик бор. Улар шунинг учун ҳам: «Агар бизга солиҳ фарзанд берсанг, албатта, шукр келтирувчилардан бўламиз», деб дуо қилишлари матлубдир.

Ҳомила муддати ва ундан аввалги даврдаги ота-онанинг Аллоҳ таолога қиладиган бундай илтижолари ва дуоларининг фойдаси ниҳоятда кўп ва зарур эканини замонавий илм ҳам тасдиқлади.

Ирсиятни ўрганувчи олимлар, нима учун одамлар борган сари беоқибат, бераҳм бўлиб кетаётгани, оила аъзолари орасида ўзаро ҳурмат ва эъзоз йўқолиб бо-раётганинг сабабини топганларини эълон қилишди. Уларнинг айтишларича, мазкур нохушликларнинг асосий сабаби ота-оналари томонидан исталмаган равишда туғилган фарзандлар экан.

Бу дегани, асосан, зинодан ва фарзанд кўришни истамаган ҳолда фарзанд кўришнинг натижасида беоқибат инсонлар дунёга келади, деганидир. Отананинг фарзанд кўришни истамай тургандаги руҳий ҳолати улардан пайдо бўлган ҳомилага ўтиши турган гап. Ота-онаси истамаган фарзанд онасининг қорнида туриб, уларнинг салбий руҳиятидан салбий таъсир олиши ҳам муқаррар.

Шунинг учун ҳам динимиз таълимотларида келин-куёвлар доимо Аллоҳ таолодан солиҳ фарзанд сўраб, давомли равишда дуо қилиб туришлари таъкидланади.

#### **4. Ҳомиланинг жисмоний ва руҳий толиқишларсиз, яхши ривожланиб боришини таъминлаш.**

Ҳомила ҳар тарафлама яхши ўсиб бориши учун унинг онасини жисмоний ва руҳий жиҳатдан толиқтириб қўймасликка шариатда катта эътибор берилган. Бу эътибор шу даражага етганки, ҳатто Аллоҳ фарз қилган ва Исломнинг рукнларидан бири бўлган рўзани ҳомиладор аёллар тутмасдан, кейин қазосини тутиб бериши жоизлиги шариатга киритилган. Чунки ҳомиладор аёл рўза тутса, унинг толиқиши орқали ҳомиласининг ҳам толиқиши бор. Шунинг учун ҳомилани толиқтирмаслик мақсадида унинг онасига рўза тутмасликка рухсат берилган.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ الْكَعْبِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ وَضَعَ  
عَنِ الْمُسَافِرِ الصَّوْمَ وَشَطْرَ الصَّلَاةِ، وَعَنِ الْحُبْلَى وَالْمُرْضِعِ الصَّوْمَ.  
رَوَاهُ الْخَمْسَةُ .

*Анас ибн Молик Каъбийдан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Албатта, Аллоҳ мусофирдан рўзани ва намознинг ярмини кечди. Ҳомиладор ва эмизиклидан рўзани».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

Маълумки, Исломда инсонни тоқатидан ташқари ишга тақлиф қилиш йўқ. Жумладан, рўза масаласида ҳам. Шу маънода, Аллоҳ таоло ўта қариб қолганлари туфайли рўза тутса, қийналиб қоладиган чол ва кампирларга рўза тутмасликка руҳсат берган.

Бу ҳадисда мусофирга ва ҳомиладор аёлларга, агар улар ҳомилалари соғлиғига зарар етишидан қўрқсалар, рўза тутмасдан, оғизларини очиб юришлари мумкинлиги ҳақида сўз кетмоқда.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, мазкур тоифадаги аёллар рўзанинг қазосини тутадилар. Ҳомиладор аёллар вақтинчалик беморга ўхшайдилар. Ҳомилани туғиб, болани кўкрақдан ажратгандан сўнг яна рўзани тутиш имконига эга бўладилар.

Ислом шариатида ҳомилага қарши қилинган жиноят тўла-тўқис инсонга қарши қилинган жиноят каби эътибор қилинган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَضَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِي جَنِينِ امْرَأَةٍ مِنْ بَنِي لَحْيَانَ سَقَطَ مَيْتًا بَغْرَةَ عَبْدٍ أَوْ أَمَةٍ، ثُمَّ إِنَّ الْمَرْأَةَ الَّتِي قَضَى عَلَيْهَا بِالْعُرَّةِ تُوفِّيَتْ، فَقَضَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بَأَنَّ مِيرَاثَهَا لِبَنِيهَا وَرَوْحَهَا، وَإِنَّ الْعَقْلَ عَلَى عَصَبَتِهَا. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Лаҳёнлик бир аёлнинг тушиб қолган ҳомиласи учун бир қул ёки чўрининг баҳоси берилишига ҳукм қилдилар. Сўнгра ўша қул ёки чўрининг баҳоси берилишига ҳукм қилинган аёл вафот этди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг мероси болаларига ва эрига бўлиши, дия эса унинг асабаси (эркак қариндошлари) зиммасига бўлиши ҳақида ҳукм чиқардилар».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

وَعَنْهُ قَالَ: اقْتَلَبْتِ امْرَأَتَانِ مِنْ هَذَيْلٍ، فَرَمْتِ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَى

بِحَجَرٍ فَتَنَّاَهَا وَمَا فِي بَطْنِهَا، فَاخْتَصَمُوا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَقَضَى  
 أَنَّ دِيَةَ حَنِينِهَا غُرَّةٌ عَبْدٌ أَوْ وِلْدَةٌ، وَقَضَى بِدِيَةِ الْمَرْأَةِ عَلَى عَاقِلَتِهَا،  
 وَوَرَثَتِهَا وَلَدَهَا وَمَنْ مَعَهُمْ، فَقَالَ حَمَلُ بِنْتِ النَّبِغَةِ الْهُذَلِيِّ: يَا رَسُولَ  
 اللَّهِ، كَيْفَ أَغْرَمُ مَنْ لَا شَرِبَ وَلَا أَكَلَ وَلَا نَطَقَ وَلَا اسْتَهَلَّ فَمَثَلُ  
 ذَلِكَ يُطَلُّ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِنَّمَا هَذَا مِنْ إِخْوَانِ الْكُهَّانِ مِنْ أَجْلِ  
 سَجْعِهِ الَّذِي سَجَعَ. رَوَاهُمَا الْخَمْسَةُ.

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Ҳузайллик икки аёл уришдилар. Улардан бири иккинчисини тош билан уриб, ўзини ҳам, қорнидаги боласини ҳам ўлдириб қўйди. Сўнг Набий солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига хусуматлашиб келишди. Шунда у зот ҳомиланинг хуни бир эркак ёки аёл қул экани ва аёлнинг ўзининг хуни жиноятчи аёлнинг ота томонидаги эркак қариндошларига бўлиши ҳақида ҳукм қилдилар. Ўлган аёлнинг мероси боласига ва бошқа меросхўрларига бўлишини айтдилар.**

**Ҳамал ибн Нобиға ал-Ҳузалий:**

**«Ё Расулаллоҳ, қандай қилиб ичмаган-емаган, нутқ қилмаган ва овоз чиқармаган жонзотнинг хунини тўлайман? Бунга ўхшашларнинг қони тўкилаверади», – деди.**

**Шунда Набий солаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Албатта, манави коҳинларнинг биродарларидандир», – дедилар. Қофияли гапиргани учун».**

*Иккисини бешовлари ривоят қилганлар.*

Шариатимизда ҳомилани олдириб ташлаш мутлақо мумкин эмаслиги ҳаммага маълум. Чунки ҳомилага тўла-тўқис инсондек қаралади. Бу иш, яъни ҳомилани олдириш жоҳилият давридаги қизларни тириклай кўмишга тенглаштирилади. Фақат истисно қилинган ҳолатлардагина ҳомилани олдиришга руҳсат берилган.

## РОБИТАТУЛ ОЛАМИЛ ИСЛОМИЙ ҲУЗУРИДАГИ ИСЛОМ ФИҚҲИ АКАДЕМИЯСИ ҚАРОРИ

### АЙБЛИ ҲОЛДАГИ ҲОМИЛАНИ ТУШИРИБ ЮБОРИШ ҲАҚИДА

Аллоҳнинг Ўзига ҳамдлар бўлсин!

Ортларидан Набий йўқ зотга саловотлар бўлсин!

Ислом Фиқҳи Академияси Маккаи Мукаррамада, Робитанинг биносида ҳижрий 1410 йил 15 – 22 Ражаб (милодий 1990 йил, 10 – 17 феврал) кунлари бўлиб ўтган ўн иккинчи мажлисида айбли ҳолдаги ҳомилани тушириб юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Муноқаша ва фикр алмашувлардан кейин Ислом Фиқҳи Академияси бир овоздан қуйидаги қарорларни қабул қилди:

Агар ҳомила бир юз йигирма кунлик бўлган бўлса, уни тушириб юбориш жоиз эмас. Тиббий ташхис унинг айбли яралганини қайд этган бўлса ҳам.

Фақатгина ишончли мутахассис табиблардан ташкил топган тиббий гуруҳ ҳомиланинг қолишида онанинг ҳаётига муқаррар хатар борлигига қарор қилсагина уни тушириб юбориш жоиз. Бунда икки зарардан каттасини даф қилиш бор.

Агар ишончли мутахассис табиблардан ташкил топган тиббий гуруҳ жиҳозлар ва таҳлил йўллари ила ҳомиланинг хатарли айблари борлигини, уни даволаб бўлмаслигини, у ўз вақтида туғилса, ҳаёти ёмон бўлиши ўзига ҳам, ота-онасига ҳам дарду алам бўлишини аниқласагина, ота-онанинг талаби асосида, уни тушириб юбориш жоиз бўлади. Бироқ, бунда ҳомила ҳали бир юз йигирма кунга етмаган бўлиши шарт.

Мажлис бу қарорни қабул қилар экан, табиб ва ота-оналарга бу масалада Аллоҳга тақво қилишни ва бу ишда аниқлик билан ҳаракат қилишни тавсия қилади.

Тавфиқ берувчи Аллоҳнинг Ўзидир».

Шариатда ҳомилага тўла-тўкис инсон сифатида қаралишига яна бир далил унга мерос ҳаққи берилишидир. Агар қориндаги бола тўла-тўкис бўлган-



да, меросидан ҳомила ҳақдор бўладиган шахс вафот этиб қолса, унинг мероси ҳомила туғилгунча тақсимланмай туради. Ҳомила туғилганидан кейин ўғил ёки қизлигига қараб, мерос тақсимланади.

Авваллари мусулмон оламида ҳомиладор аёлларга аталган вақфлар бўлган. Уларда ҳомиланинг ҳурматидан уларнинг оналарига керакли озиқ-овқатлар бепул тарқатилиб турилган. Умуман, ҳомиладор аёлларнинг толиқиб қолмасликлари учун ҳар тарафлама чоралар кўрилган.

Ҳомиладор аёл ўз ҳомиласининг соғ-саломат ўсиб бориши учун керак бўлган барча чора ва тадбирларни кўриб бориш ўзининг бурчи эканини бир зум ҳам унутмаслиги керак. Доимий равишда ва ўз вақтида тиббий кўриклардан ўтиб туриши, ўзига ва ҳомиласига фойда берадиган озуқаларни тановул қилиб бориши зарур. Унинг эри ва оила аъзолари у учун керакли барча нарсаларни тайёрлаб беришлари керак.

### 5. Насл-насаб.

Бола туғилиши билан унинг бир мунча ҳақлари ҳам бирга туғилади. Ўша ҳақларнинг энг асосийларидан бири покнасаб бўлиш ҳаққидир.

Никоҳнинг асл мақсадларидан бири ҳам насл-насабни сақлашдир. Бусиз оила ҳам, ота-оналик ҳам, болалик ҳам, қариндош-уруғчилик ҳам, жамият ҳам бўлмайди. Фарзанднинг ота-онаси никоҳдан ўтган, ҳалол-пок яшагандагина насаби аниқ ва пок бўлади.

«Насаб» сўзи луғатда «нисбат бериш», «мансублик» маъноларини англатади.

Шаръий истилоҳда эса, «Яқинлик — икки инсоннинг туғилишда муштараклик сабабидан боғланиши»-дир. Насаб ота ёки она тарафидан бўлиши мумкин.

Насаб энг муҳим ва ўта нозик ижтимоий ҳукмлардан биридир. Зотан, инсон айнан насаб орқали ота-онасини, бобо-момосини, амаки-тоғасини, амма-холасини ва бошқа қариндошларини танийди ва улар билан алоқада бўлади.

Ислом шариатида насабга алоҳида эътибор берилиши унга боғлиқ ўта муҳим ҳақлар борлиги учундир:



а) Насабни яхши аниқлаш келажақда маҳрамлар орасида никоҳланишдек катта гуноҳнинг олдини олади. Агар бу иш бўлмаса, одам билмасдан, ўзининг қариндоши билан оила қуриб қўйиши ва бунинг оқибатида кўплаб зарар тортиши ва гуноҳга қолиши бор.

б) Насабнинг собит бўлиши ота-она ҳақларининг ҳам собит бўлишига хизмат қилади. Агар насаб аниқланмаса, баъзи ҳолатларда инсон учун энг муҳим ишлардан бўлган ота-она ҳақларининг поймол бўлиши турган гап.

в) Насабга эътибор бериш қариндош-уруғларга эътибор бериш ва уларга силаи раҳм қилишни йўлга қўйиш деганидир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: تَعَلَّمُوا مِنْ أَنْسَابِكُمْ مَا تَصِلُونَ بِهِ أَرْحَامَكُمْ، فَإِنَّ صَلَاةَ الرَّحِمِ مَحَبَّةٌ فِي الْأَهْلِ، وَمَثْرَاءَةٌ فِي الْمَالِ، وَمَنْسَأَةٌ فِي الْأَثَرِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Насабларингизни ўрганинг, у билан силаи раҳм қиласиз. Зотан, силаи раҳм аҳлга муҳаббат, молнинг зиёдаси ва асарини ортдан қолдиришдир», – дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Ҳар бир киши насабини, яъни аجدодлари, қариндош-уруғларини яхши таниб олиши лозим. Бу нарса силаи раҳм қилиш учун керак. Бир киши бошқа бир кишининг ўзининг қариндоши эканини билмай, шу туфайли унга силаи раҳм қилмай юрган бўлса, гуноҳкор бўлади. Шунинг учун қариндош-уруғларни яхши билиш, қариндошлик алоқаларини ўрганиш мусулмон кишининг бурчи ҳисобланади.

Силаи раҳм қариндошлар ўртасида меҳр-муҳаббат уйғотади: қариндош-уруғлар борди-келди қилсалар, бир-бирларини зиёрат қилсалар, бойлари ҳожат-мандларига ёрдам қилсалар, ҳол-аҳволларидан хабар олсалар, касал бўлганда бориб кўрсалар, оғирини ен-

гил қилсалар, мушкулларини осон қилсалар, ўз-ўзидан орада меҳр-муҳаббат, унсу улфат пайдо бўлади.

Қариндош-уруғларга нафақа қилиш, бошқаларни ўзидан устун кўриш каби ишларни ҳам силаи раҳм йўлга қўяди. Уларни «Фалончи менга яхшилик қилган эди, касал бўлганимда кўргани келган эди, қийналганимда ёрдам берган эди», деб, вафот этганларидан кейин ҳам эслаб юрадилар.

Бу парса ўғил-қизларга, набираларга ҳам одат бўлиб қолади. Орадан йиллар ўтиб кетса ҳам «Бувам айтар эдилар, қийналиб ўтирганимизда амакимиз келиб, катта ёрдам бериб кетган эканлар», деб эслаб юрадилар.

Силаи раҳм шу қадар катта аҳамиятга молик амал экан. Қариндошларга яхшилик қилиш, уларга молдунё сарфлаш каби амаллар кишининг охиратини обод қилиши билан бирга, ортидан яхши ном қолишига ҳам сабаб бўлади.

Шунинг учун шариатда силаи раҳмга, қариндошлик алоқаларини маҳкам боғлашга ва уларни ҳеч қачон узмай юришга қаттиқ тарғиб қилинган.

г) Насабга аҳамият бериш фарзандларнинг молиявий ҳақлариини ҳимоя қилиш деганидир. Албатта, болаларнинг нафақаси, мерос олиши, уларга ҳомий бўлиш каби ҳақларининг барчаси насабга боғлиқдир.

### б. Эмизиш.

Эмизиш — ота-онанинг бурчи, боланинг ҳаққи. Туғилган фарзанд аввало эмизишга муҳтож. Бу эса онасининг вазифаси. Онани нафақа билан таъминлаб туриш эса, отанинг вазифаси. Шаръий узр сабабли она эмиза олмаса, эмизувчи топиш ва уни рози қилиш ҳам отанинг иши ҳисобланади.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَالْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُتِمَّ الرَّضَاعَةَ

«Оналар фарзандларини тўлиқ икки йил эмизурлар. (Бу) эмизишни батамом қилмоқчи бўлган киши учундир» (233-оят).



Гўдакнинг ҳақларидан бири ва оналарнинг энг мўътабар вазифаси фарзандни икки йил эмизишдир. Янги турилган гўдакнинг жисми ва руҳининг ўсиб-улғайишига онасининг сугидан афзал озуқа йўқ. Боланинг суяги онанинг сути билан шаклланади, шунингдек, унинг бошқа тарафлари, руҳий ривожланишига ҳам она сути зарур озуқа ҳисобланади.

Ушбу озуқанинг муддати тўлиқ икки йил бўлиши керак. Бу қуръоний ҳақиқатни адашган инсоният минг тўрт юз йилдан кейингина тушуниб етди. Ҳозирги пайтда, илмий текширишлардан сўнг, «Гўдак бола учун энг яхши озуқа онанинг сути ва уни тўлиқ икки йил эмизиш керак» деган гапни айтишмоқда.

Тарихдан маълумки, дунёга довруғ солган аксар буюк алломаларга, фозилу уламоларга болалик пайтларида оталари бирор луқма ҳам ҳаром касб билан топилган таом едирмаган, оналари уларни бетоҳарат эмизишмаган.

## ФАРЗАНДГА ИСМ ҚЎЙИШ

### 7. Муносиб исм танлаш.

Боланинг ота-онадаги ҳақларидан, ота-онанинг фарзанд олдидаги вазифаларидан бири оиланинг янги аъзосига маънодор, чиройли исм қўйишдир. Бу ишнинг аҳамиятини англаб етишимиз учун биргина иқтибос келтиришга ижозат бергайсиз.

Ҳусайн ибн Ҳасан Марвазий «Китобул бирри васила»да Абул Мўътамирдан келтирган ривоятда ёзади:

«Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурида масалаларни музокара қилишди. Шунда, бир киши айтди:

«Менга етиб келган хабарга кўра, туғилган болага исм қўймай туриб, ўлган бўлса, Қиёмат куни отасига: «Мени исмсиз тарк қилдинг-ку!» — дейди».

Шунинг учун ҳам ҳар бир мусулмон ота-она бу муҳим ишга алоҳида эътибор ила ёндашмоғи лозимдир. Ўзи билмаса, биладиганлардан сўраб, ўрганиб, ўғил бўлсин, қиз бўлсин, боласига гўзал исм қўйиши керак. Қўйган исмида орзу-умид, яхши ният, гўзал-

лик, хайр-барака ўз ифодасини топсин. Фарзанд катта бўлиб, оқ-қорани таниганда ўз исмидан уяладиган бўлмасин. Балки исми унга зийнат бўлиб турсин.

Исломда ҳар бир нарсанинг гўзал бўлишига алоҳида аҳамият берилади. Бунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадиси шарифлари асос бўлади:

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَمُسْلِمٌ.

*Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Албатта, Аллоҳ гўзалдир. Гўзалликни севадир».**

*Аҳмад ва Муслим ривоят қилганлар.*

Бинобарин, мусулмон инсон барча нарсада гўзалликни кўзлаши керак. Жумладан, болаларга исм қўйишда ҳам.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам болаларга исм қўйишга алоҳида эътибор берганлар. Бу ўта муҳим ишнинг Қиёмат кунига ҳам боғлиқ жойи борлигини ҳам айтганлар.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِنَّكُمْ تُدْعَوْنَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِأَسْمَائِكُمْ وَأَسْمَاءِ آبَائِكُمْ، فَأَحْسِنُوا أَسْمَاءَكُمْ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ حِبَّانَ وَالتَّطَبَّرَانِيُّ وَالبَيْهَقِيُّ.

*Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Албатта, Қиёмат куни ўз исмларингиз ва оталарингизнинг исми ила чақирилурсиз. Бас, исмларингизни гўзал қилинг».**

*Абу Довуд, Ибн Ҳиббон, Тобароний ва Байҳақий ривоят қилганлар.*



Исмнинг чиройли бўлиши Қиёмат куни ҳам керак бўлар экан. Чунки барча халойиқ йиғилган жойда бировнинг исми айтиб чақирилганда исми гўзал бўлса, хурсанд бўлиши, аксинча бўлса, хижолат бўлиши табиий. Бу ҳолат ушбу ёруғ дунёда ҳам бор. Исми ноқулайлигидан хижолат бўлиб юрадиганлар оз эмас, исмини ўзгартирганлар ҳам кўп. Аммо, ўша нарса аввал бошда, бола янги туғилган пайтда бир йўла яхшилаб йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Унинг мусулмон фарзанди эканини дунёю охиратда исми ҳам намоён қилиб туради.

Кўпчилик саҳобалар ўзларининг янги туғилган фарзандларини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб борар эдилар. У зот алайҳиссалом ёш болаларни кўрсалар, хурсанд бўлиб кетар эдилар. Янги туғилган болаларга гўзал исмларни қўйиб берар эдилар.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: **وُلِدَ لِي غُلَامٌ فَاتَيْتُ بِهِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَمَّاهُ إِبْرَاهِيمَ، فَحَنَنَهُ بِتَمْرَةٍ وَدَعَا لَهُ بِالْبِرَكَةِ وَدَفَعَهُ إِلَيَّ، وَكَانَ أَكْبَرَ أَوْلَادِي. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.**

*Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.*

**«Ўғил кўрдим. Уни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим. У зот уни Иброҳим деб номладилар, хурмо ила танглайини кўтардилар ва унга барака тилаб, дуо қилиб, менга тутқаздилар. У болаларимнинг каттаси эди».**

*Икки Шайх ривоят қилганлар.*

Мана, Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу ҳам ўз ҳаётларида ёрқин из қолдирган бу ҳодисани шавқу завқ ила ҳикоя қилиб бермоқдалар:

**«Ўғил кўрдим. Уни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим».**

Ана шу ишга тақлид қилиб, янги туғилган фарзандни аҳли солиҳ кишилар ҳузурига олиб бориш мусулмонлар ичида доимий одатга айланган.

**«У зот уни Иброҳим деб номладилар».**

Демак, аҳли фаул, олим ва пешво кишилар томондан янги туғилган фарзандларга исм танланиши ҳам яхши иш. Чунки ундай кишилар бунга ўхшаш ишларга боғлиқ масалаларни, шаръий ҳукмларни яхши биладилар ва тўғри иш кўрадилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абу Мусо розияллоҳу анҳунинг ўғилларига Иброҳим исмини қўйганлари ҳам бунинг бир мисолидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам боласига нотўғри исм қўйган отага танбеҳ бериб, ундай исми ўзгартирганлари ва яхши исмларни қўйиб берган ҳолатлари ҳам бор.

عَنْ سَبْرَةَ بْنِ أَبِي سَبْرَةَ: أَنَّ أَبَاهُ أَتَى النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَ: مَا وَلَدُكَ؟ قَالَ: عَبْدُ الْعُزَّى، وَسَبْرَةُ، وَالْحَارِثُ، فَقَالَ: لَا تُسَمِّ عَبْدَ الْعُزَّى، فَسَمَاهُ عَبْدَ اللَّهِ، ثُمَّ قَالَ: إِنَّ خَيْرَ الْأَسْمَاءِ عَبْدُ اللَّهِ، وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ، وَدَعَا لَهُ وَلِوَلَدِهِ، فَلَمْ يَزَالُوا فِي شَرَفٍ إِلَى الْيَوْمِ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

*Сабра ибн Абу Сабрадан ривоят қилинади:*

«Унинг отаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борганда:

«Болаларинг кимлар?», – дедилар.

«Абдул Уззо, Сабрата ва Ҳорис», – деди.

«Абдул Уззо деб исм қўйма», – дедилар ва уни Абдуллоҳ деб номладилар. Сўнгра:

Албатта, исмларнинг яхшиси Абдуллоҳдир, Абдурроҳмандир», – дедилар.

Бас, бугунгача шараф улар биландир».

*Тобароний ривоят қилган.*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхши исмлардан хушхабар кутганлар ва ёмон исмлардан шумланганлар.

عَنْ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: لِلْقَحَةِ تُحَلْبُ: مَنْ يَحَلْبُ هَذِهِ؟ فَقَامَ رَجُلٌ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَا اسْمُكَ؟ فَقَالَ لَهُ الرَّجُلُ: مُرَّةٌ. فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: اجْلِسْ. ثُمَّ قَالَ: مَنْ يَحَلْبُ

هَذِهِ؟ فَقَامَ رَجُلٌ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَا اسْمُكَ؟ فَقَالَ: حَرْبٌ.  
فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ: اجْلِسْ. ثُمَّ قَالَ: مَنْ يَحْلُبُ هَذِهِ؟ فَقَامَ رَجُلٌ،  
فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَا اسْمُكَ؟ فَقَالَ: يَعِيشُ. فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ  
ﷺ: اجْلِبْ. رَوَاهُ مَالِكٌ.

Яҳя ибн Саъийд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам соғиладиган туяни кўрсатиб:

«Ким буни соғади?» – дедилар.

Бир киши турди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга:

«Исминг нима?» – дедилар.

«Мурра» (Аччиқ), – деди у.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга:

«Ўтир!» – дедилар. Сўнгра яна:

«Ким буни соғади?» – дедилар.

Бир киши турди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга:

«Исминг нима?» – дедилар.

«Ҳарб» (Уруш), – деди у.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга:

«Ўтир!» – дедилар. Сўнгра яна:

«Ким буни соғади?» – дедилар.

Бир киши турди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга:

«Исминг нима?» – дедилар.

«Яъийш» (Яшар), – деди у.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга:

«Соғ!» – дедилар».

Молик ривоят қилган.

Ушбу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам туяни соғишга ноқулай исмли кишиларни раво кўрмадилар, уларнинг исмларидан шумландилар. Учинчи саҳобийнинг исмларидан яхшилик, хуш-



хабар умид қилиб туя соғишга ўша инсонни раво кўрдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жоҳилият одатига биноан қўйилган ноқулай исмларни ўзгартириб қўйганлари маълум ва машҳур.

عَنْ أُمِّ رَائِظَةَ بِنْتِ مُسْلِمٍ، عَنِ أَبِيهَا قَالَ: شَهِدْتُ مَعَ النَّبِيِّ ﷺ حَتَّىٰ نَافَقَالَ لِي: مَا اسْمُكَ؟ قُلْتُ: غُرَابٌ. قَالَ: لَا، بَلِ اسْمُكَ مُسْلِمٌ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Умму Роиша бинти Муслимдан, у отасидан ривоят қилинади:*

«Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Ҳунайн ғазотида иштирок этдим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Исминг нима?» – дедилар.

«Ғуроб» (Қарға), – дедим.

«Йўқ, балки сенинг исминг Муслим», – дедилар».

*Бухорий ривоят қилган.*

Ҳунайн ғазоти Маккаи Мукаррама фатҳидан кейин бўлган машҳур ғазотдир. Ровий шу ғазотда иштирок этган эканлар. Исмлари Ғуроб, яъни Қарға экан, чунки ўша пайтда фарзанд кўрган ота-она уйдан ҳовлига чиқиб, кўзига нима кўринса, ўшани фарзандига исм қилиб қўйиш одати бор экан. Ҳаттоки, Тезак, Ит каби исмлар ҳам учраб турар экан. Ровийнинг оталари ҳам шу одат бўйича, қарғани кўриб қолиб, шундай исм қўйган бўлсалар керак.

Демак, Муслим деган исм ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалардан бирига қўйган исмлардан экан. Буни ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам танлаган исм сифатида яхши кўриб, ўғилларимизга қўйишимиз мумкин экан. Қизларга эса, Муслима исмини қўйиш одатга айланганлиги мақтовга сазовордир.

عَنْ شَرِيحِ بْنِ هَانِيٍّ قَالَ: حَدَّثَنِي هَانِيٌّ بْنُ يَزِيدٍ أَنَّهُ لَمَّا وَفَدَ إِلَى



النَّبِيِّ ﷺ مَعَ قَوْمِهِ، فَسَعَيْتُهُمُ النَّبِيُّ ﷺ وَهُمْ يُكْتَوْنَهُ بِأَبِي الْحَكَمِ، فَدَعَاهُ النَّبِيُّ ﷺ فَقَالَ: إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْحَكَمُ، وَإِلَيْهِ الْحُكْمُ، فَلِمَ تَكْنَيْتَ بِأَبِي الْحَكَمِ؟ قَالَ: لَا، وَلَكِنَّ قَوْمِي إِذَا اِخْتَلَفُوا فِي شَيْءٍ أَتَوْنِي فَحَكَمْتُ بَيْنَهُمْ، فَرَضِي كِلَا الْفَرِيقَيْنِ. قَالَ: مَا أَحْسَنَ هَذَا! ثُمَّ قَالَ: مَا لَكَ مِنَ الْوَالِدِ؟ قُلْتُ: لِي شُرَيْحٌ وَعَبْدُ اللَّهِ وَمُسْلِمٌ بَنُو هَانِي. قَالَ: فَمَنْ أَكْبَرُهُمْ؟ قُلْتُ: شُرَيْحٌ. قَالَ: فَأَنْتَ أَبُو شُرَيْحٍ، وَدَعَا لَهُ وَلَوْلَدِهِ. وَسَمِعَ النَّبِيُّ ﷺ يُسْمُونَ رَجُلًا مِنْهُمْ عَبْدَ الْحَجَرِ، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: مَا اسْمُكَ؟ قَالَ: عَبْدُ الْحَجَرِ. قَالَ: لَا، أَنْتَ عَبْدُ اللَّهِ. قَالَ شُرَيْحٌ: وَإِنْ هَانَا لَمَّا حَضَرَ رَجُوعُهُ إِلَى بِلَادِهِ أَتَى النَّبِيُّ ﷺ فَقَالَ: أَخْبِرْنِي بِأَيِّ شَيْءٍ يُوجِبُ لِي الْجَنَّةَ؟ قَالَ: عَلَيْكَ بِحُسْنِ الْكَلَامِ، وَبَذْلِ الطَّعَامِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Шурайх ибн Ҳонийдан ривоят қилинади:*

«Ҳоний ибн Язийд менга қуйидагиларни айтиб берди:

У ўз қавмининг гуруҳи билан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Абулҳакам, деб чақирришаётганини эшитдилар. Шунда уни ҳузурларига чорлаб:

«Ҳакам Аллоҳдир. Ва ҳукм фақат Уникидир. Нима учун Абулҳакам деган куняни олгансан?» – дедилар.

«Мен олмаганман, қавмим бир нарсада ихтилоф қилиб қолишса, менинг олдимга келишади, мен уларнинг ўртасида ҳукм чиқараман. Шунда икки томон ҳам рози бўлади», – деди.

«Бу қандай ҳам яхши! Нечта боланг бор?» – дедилар.

«Шурайх, Абдуллоҳ, Муслим бор, ҳаммалари Ҳонийнинг ўриллари», – дедим.

«Каттаси қай бири?» – дедилар.

«Шурайҳ», – дедим.

«Унда сен Абу Шурайҳсан», – дедилар. Унинг ва болаларининг ҳаққиға дуо қилдилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ўзларидан бир кишини Абдулҳажар (Тош бандаси) деяётганини эшитиб қолдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Исминг нима?» – деб сўрадилар. У киши:

«Абдулҳажар», – деди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ, сен Абдуллоҳсан», – дедилар».

Шурайҳ айтади:

«Отам юртларига қайтадиган пайт келганида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб:

«Қайси нарса билан мен учун жаннат вожиб бўлишини менга айтинг», – деган». Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сен гўзал каломни ва одамларга таом улашишни ўзингга лозим тут», – деганлар».

*Бухорий ривоят қилган.*

Ушбу ҳадисдан маълум бўляптики, мўмин-мусулмонлар ўзларига ёки болаларига турли хил бўлмағур исмларни қўявермасликлари керак. Баъзан бу нарса ҳаддан ошишга олиб келар экан. Масалан, бировни Ҳакам деб, уни Аллоҳнинг сифати билан сифатлаб қўйиш мумкин экан. У кишига, ҳукм чиқаришини эътиборга олиб, шундай куня берилганлиги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ёқмаган. Шунинг учун тўнғич ўғилларининг исмини куня қилиб олишни тавсия қилганлар. Абдулҳажар (Тошнинг бандаси) исми кишининг ҳам исмини Абдуллоҳ (Аллоҳнинг бандаси) деб ўзгартирганлар.

عَنْ بَشِيرِ بْنِ مَعْبُدِ الشُّدُوسِيِّ، وَكَانَ اسْمُهُ زَحْمٌ بَنُ مَعْبُدٍ، فَهَاجَرَ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: مَا اسْمُكَ؟ قَالَ: زَحْمٌ. قَالَ: بَلْ أَنْتَ بَشِيرٌ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Башийр ибн Маъбад Сугусийдан ривоят қилинади:*  
«Унинг асл исми Заҳм ибн Маъбад эди. Ҳижрат қилиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди. Шунда у зот унга:

«Исминг нима?» – дедилар.

«Заҳм», – деди.

«Йўқ, сенинг исминг Башийрдир», – дедилар».

*Бухорий ривоят қилган.*

Бу ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам номаъқул исми эшитиб, уни маъқул исмга, хунук исми чиройли исмга, ёмон маъноли исми гўзал маъноли исмга алмаштириб қўйибдилар.

«Заҳм» сўзи «тиқилинч» деган маънони билдиради. «Башийр» сўзи эса, «башорат», «севинч» маъноси англатади.

Келаси ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нохуш маъноли исмдан шумланиб, уни ўзгартиришни таклиф қилганларида у одам қабул қилмаганининг оқибати нима бўлганлиги баён қилинади.

عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيْبِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ أَنَّهُ أَتَى النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَ:  
مَا اسْمُكَ؟ قَالَ: حَزْنٌ. قَالَ: أَنْتَ سَهْلٌ. قَالَ: لَا أَعْرِضُ اسْمًا سَمَانِيَهُ  
أَبِي. قَالَ ابْنُ الْمُسَيْبِ: فَمَا زَالَتْ الْحُزُونَةُ فِينَا بَعْدَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Саъийд ибн Мусайябдан, у отасидан, у бобосидан ривоят қилинади:*

«У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борганида:

«Исминг нима?» – дедилар.

«Ҳазн» (Қўполлик), – деди.

«Сен Саҳлсан», (енгилик, мулойимлик) – дедилар.

«Отам қўйган исми ўзгартирмайман», – деди у».

*Ибн Мусайяб айтади:*

«Шундан бери бизда қўполлик давом этади».

*Бухорий ривоят қилган.*

Яъни, бобом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг назарларидан қолганларидан буён ҳозиргача бизнинг оилада қўполлик давом этиб келяпти.

Нотўғри, номаъқул исмни яхшиликка ишора қилувчи исмга ўзгартирмаганликнинг оқибатида бу оилада аша шуғдай ҳолат кузатилган экан. Бундан Аллоҳ таоло сақласин. Ровийнинг боболари янги исмни эшитиб, ташаккур айтсалар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини қабул қилсалар, эҳтимол, оиларида яхшилик, энгилик, хурсандчилик бўлар эди.

Аксинча, Ҳудайбия ҳодисасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша пайтда душманларнинг раҳбарларидан бири бўлган мушрикнинг исмидан башорат топганлар ва оқибатда ишлар осонлашиб, Ислом тарихидаги энг катта ғалабалардан бири юзага чиққан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир минг тўрт юз нафар саҳобий билан умрани ният қилиб Мадинадан чиқдилар. Маккаи Мукаррамага яқинлашиб, Ҳудайбияга тушдилар. Мушриклар йўлни тўсдилар. Улар уруш чиқариб, эҳромда турган мусулмонларни қириб ташлаш пайдан бўлдилар. Орада ҳайъатлар юбориб, музокаралар бошланди. Бир неча ҳайъатлар алмашса ҳам, иш юришмади.

Охири Қурайш Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига Суҳайл ибн Амрни юборди. Унга:

«Сен бориб, Мухаммад билан сулҳ туз. Сулҳда, албатта, бу йил бизнинг устимизга (Маккага) кирмай кетиши бўлсин, яна араблар, бизнинг устимизга куч ишлатиб кирди, деб гапиришмасин», — дедилар.

Пайғамбар алайҳиссалом Суҳайл ибн Амрнинг келаётганини кўрганларида:

«Аллоҳ ишимизни энгилаштирадиганга ўхшайди», — дедилар. («Суҳайл» «осонлик», «енгилик» дегани). Яна:

«Улар бу одамни юборишларидан сулҳ тузишмоқчи шекилли», — дедилар.

Суҳайл Расули акрамнинг ҳузурларига келиб, узоқ гаплашди, улар тортишдилар ва охири сулҳ тузилди.



Бу сулҳ Ислом уммат тарихидаги энг қувочли, энг башоратли ҳодисага айланди.

Шунинг учун Аллоҳ таолога бандалик маъносини англатувчи «Абдуллоҳ», «Абдурроҳман», «Абдуссаттор» ва Аллоҳ таолога ҳамд маъносини англатувчи «Ҳамидуллоҳ» каби исмлар яхши исмлар ҳисобланади.

Шунингдек, Набийларнинг, саҳобаларнинг ва ўтган солиҳ аждодларимизнинг исмлари ҳам яхши исмлар ҳисобланади.

Қизларга ҳам ўтган аҳли иймон момоларимизнинг, саҳобия аёлларнинг исмларини ва эзгулик маъносини англатувчи исмларни қўймоқ матлубдир.

## БОЛАНИНГ ҚУЛОҒИГА АЗОН ВА ТАКБИР АЙТИШ

### 8. Янги туғилган боланинг қулоғига азон ва такбир айтиш ота-онанинг бурчи, боланинг ҳаққидир.

Азон илоҳий мадҳия экани барчага маълум. Бу ишнинг фазли қанчалар улуғлигини ҳамма яхши билади. Азон айтилган жойда барака бўлади, азон айтилган жойдан шайтон қочади. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам янги туғилган болаларнинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтганлар ва умматларига шундай қилишни тавсия қилганлар. Янги туғилган боланинг қулоғига азону такбир айтишда гўзал рамз ва маъно бор. Унда, бу бола янги туғилди, ҳали қулоғига ҳеч қандай овоз киргани йўқ. Унинг қулоғига дастлаб кирадиган овоз «Аллоҳу Акбар!» бўлсин, илоҳий мадҳия бўлсин, токи бу бола доимо яхши овозларни, улуғ сўзларни эшитиб юрсин, деган орзу-умид бор.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламининг ўзлари болаларнинг қулоғига азон айтганлар.

عَنْ أَبِي رَافِعٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ أَدَّنَ بِالصَّلَاةِ فِي أُذُنِ الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ حِينَ وَلَدَتْهُ فَاطِمَةُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Рафеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Фотима розияллоҳу анҳо Ҳасан ибн Алини туққанида унинг қулоғига намознинг азонини айтаётганларини кўрдим».**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.*

Ушбу ҳадиси шарифга биноан, янги туғилган фарзанднинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқома айтмоқ мандубдир. Янги туғилган боланинг қулоғига кирган биринчи нарса Аллоҳнинг зикри бўлиши қандай ҳам яхши. Албатта, бу улуғ нарсанинг ўзига яраша баракаси бўлади.

Бундан ташқари, боланинг қулоғига азон ва иқома айтишнинг яна бир ҳикмати бор.

عَنْ حُسَيْنٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَنْ وُلِدَ لَهُ وَلَدٌ أَدَنَّ فِي أُذُنِهِ الْيُمْنَى، وَأَقَامَ فِي أُذُنِهِ الْيُسْرَى، لَمْ تُضْرَهُ أُمُّ الصَّبِيَانِ. رَوَاهُ أَبُو يَعْلَى.

*Ҳусайндан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Кимнинг боласи тувилса-ю, унинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқома айтса, унга Умму Сибён зарар етказа олмас», – дедилар».**

*Абу Яъло ривоят қилган.*

«Умму Сибён» болаларга зиён етказадиган жин тоифасидир. Унинг қиладиган иши гўдакларга зарар етказишдан иборат. Аммо боланинг қулоғига азон ва такбир айтиб қўйилса, мазкур жин болага зарар етказа олмай қолади. Бунинг устига, азон ва такбир боланинг қалбига, бутун вужудига яхши таъсир қилишидан умидворлик ҳам бор.



## БОЛАНИНГ ТАНГЛАЙИНИ КЎТАРИШ

**9. Янги турилган боланинг танглайини кўтариш ҳам ота-онанинг бурчи ва болаларнинг ҳаққидир.**

Кўпчилик саҳобалар ўзларининг янги турилган фарзандларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб борар эдилар. Ул зот алайҳиссалом ёш болаларни кўрсалар, жуда хурсанд бўлар эдилар. Уларга исм қўйиш билан бирга, танглайларини кўтариб ҳам қўяр эдилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يُؤْتِي  
بِالصَّبْيَانِ فَيَحْتَكُمُهُمْ وَيُبْرِكُ عَلَيْهِمْ. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга гўдаклар келтирилар эди. Бас, у зот уларнинг танглайларини кўтарар ва уларга барака тилаб, дуо қилар эдилар».

*Аҳмад ривоят қилган.*

Ёш боланинг танглайини кўтариш — катта одам бир нарсани олдин ўзи чайнаб туриб, боланинг оғзига қўли билан солиб, танглайига теккизиб қўйишидир. Бу нарса мева бўлгани афзалдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам деярли доимо болаларнинг танглайини хурмо билан кўтарганлар. Бу ҳам яхши ният аломати бўлиб, бу ишни аҳли солиҳ, фазийлатли кишилар қилишлари марғубдир.

Баъзида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари болаларни олдириб келиб, танглайини кўтариб қўйган ҳолатлари ҳам бўлган. Бунга Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан қилинган қуйидаги ривоят мисолдир.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Анас, онангнинг олдига бориб: «Ўғлингнинг киндигини кесганингдан кейин унга ҳеч нарса татитмай туриб, менга юбор», — дедилар», дегин» — дедилар.



У(онам) болани икки кўлимга қўйди. Мен уни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келтириб қўйдим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга учта Ажва хурмоси келтир», — дедилар.

Мен келтирдим. У зот уларнинг данагини олиб ташлаб, оғизларига солиб, чайнадилар ва боланинг оғзини очиб, солдилар, бола тамшана бошлади. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ансорий-да, хурмони яхши кўради!» — дедилар. Сўнгра:

«Онангга бориб, «Аллоҳ сенга бундан барака берсин ва уни яхши ҳамда тақводор қилсин», — деб айт», — дедилар».

Аҳли солиҳ, дуогўй кишиларнинг янги туғилган болаларнинг танглайини кўтаришлари ва улар учун дуо қилишлари, айниқса, барака тилаб, дуои хайрлар қилишлари жуда ҳам яхши ишдир. Барча ота-оналар бунга катта эътибор бермоқлари керак.

Боланинг танглайини кўтаришда ҳам гўзал рамз ва маъно бор: Бола янги туғилди. Ҳали унинг томоғидан турли озуқалар ўтгани йўқ. Унинг оғзига кирадиган ва танглайига тегадиган биринчи нарса, тақводор, ибодатли ва дуогўй одам томонидан тақдим қилинадиган ширин ва ҳалол-пок озуқа бўлсин. Токи бу бола умри бўйи ширин ва ҳалол-пок озуқаларни тановул қилиб юрсин, тақводор, ибодатли бўлсин.



## БОЛАГА АҚИЙҚА ҚИЛИШ

### 10. Ақийқа қилиш ҳам ота-онанинг бурчи ва болаларнинг ҳақларидандир.

Фарзанд неъмат Аллоҳ таолонинг бандаларига берадиган сон-саноксиз неъматлари ичидаги энг улур неъматлардан биридир. Бу неъматнинг улуғлигини, уни Аллоҳ таолодан бошқа зот бера олмаслигини тўлиқ англаб етиш учун бефарзандларнинг ҳолига назар солиш керак. Ана шунда инсон фарзанд неъматни қанчалар улур неъмат эканини тушунади.

Катта-кичик ҳар бир неъмат етганда неъмат берувчига шукрона келтириш инсоннинг соф табиатида мавжуд ҳақиқатдир. Шукр эса, икки қисмдан иборатдир.

Биринчиси маънавий шукр бўлиб, неъмат берувчининг шаънига мақтов сўзларини айтишдир.

Иккинчиси амалий шукр бўлиб, неъматни неъмат берувчини рози қиладиган тарзда тасарруф қилишдир.

Фарзанд неъматига маънавий шукр қилиш уни берган Аллоҳ таолога ҳамд ва шукр сўзларини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлашдан иборатдир.

Фарзанд неъматига амалий шукр қилиш ўша фарзандни уни берган Аллоҳ таолога иймон келтирадиган, ибодат қиладиган солиҳ банда қилиб ўстиришдан иборатдир. Бунинг учун эса, энг аввало, Исломда ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари сифатида белгиланган амалларни ихлос билан амалга ошириш керак.

Фарзанд туғилиши муносабати ила ақийқа қилиш ҳам ўша бурчлардан бири эканини аввал айтиб ўтдик. Энди эса, ҳар бир ота-она уларга фарзандни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч қандай зот бера олмаслигини чуқур ҳис қилишлари зарур эканини таъкидламоқчимиз. Бир боланинг соф-саломат туғилиши бутун инсоният учун Аллоҳнинг тенгсиз лутфу карами, инъоми ва марҳамати эканини англаб етишимиз учун Қуръони Каримга бир назар солишимизнинг ўзи етарли.

Аллоҳ таоло «Шууро» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

لِلّٰهِ مُلْكُ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِۙ يَخْلُقُ مَا يَشَآءُۗ يَهَبُ لِمَن يَشَآءُ  
 اِنۡشَاۗءً وَيَهَبُ لِمَن يَشَآءُ الذَّكُوۡرَ ﴿٤٩﴾ اَوْ يُزَوِّجُهُمۡ ذَكَرًاۢ وَاُنثٰۤىۙ وَجَعَلَ  
 مِّنۡ يَشَآءُ عَاقِبًاۙ اِنَّهٗ عَلِيۡمٌۭ قَدِيۡرٌ ﴿٥٠﴾

«Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. (У зот) хоҳлаган нарсасини яратур. (У зот) хоҳлаган кишига қизлар ҳадя этур ва хоҳлаган кишига ўғиллар ҳадя этур.

Ёки уларни жуфтлаб – ўғил-қиз қилиб берур ва хоҳлаган кишисини туғмас қилур. Албатта, У Алийм ва Қодийрдир» (49–50-оятлар).

Инсонга ҳамма нарсани фақатгина Аллоҳ таолонинг Ўзи беришининг ёрқин намунаси фарзанд масаласида кўринади. Айни шу масалада инсон ўзининг ожизлигини ҳис этади. Ўз хоҳишига кўра бирон нарсани бор қила олмаслигини, балки доимо Аллоҳ таолонинг мадади ва иноятига муҳтож бўлиб туришини англаб этади.

«Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир».

Осмонларда ва ерда нимаики бўлса, ҳамма-ҳаммаси Аллоҳ таолонинг мулкидир.

«(У Зот) хоҳлаган нарсасини яратур».

Бу ишда У Зотнинг хоҳишига ҳеч ким тўсиқ бўла олмайди. Бутун борлиқнинг молики — эгаси ва мутлақ холиқи бўлган ўша Зот ўз мулкидан хоҳлаган бандасига хоҳлаган нарсасини беради. Жумладан, фарзанд бериш масаласида ҳам:

«(У Зот) хоҳлаган кимсага қизлар ҳадя этур».

Агар ўғил ёки қиз фарзанд кўриш ота-она хоҳишига кўра бўлганида, ўзлари билиб, хоҳишларига биноан, истаган пайтларида, истаган фарзандни кўриб олар эдилар. Ҳолбуки, баъзилар фақат қиз фарзандлар кўришади, ўғил фарзандга зор бўлиб юришади.

«...ва хоҳлаган кимсага ўғиллар ҳадя этур».



Фақат ўғил фарзандлар кўриб, Аллоҳдан қиз сўраб юрган одамлар ҳам оз эмас. Бу ҳолатлар фарзанд фақат Аллоҳнинг хоҳиши билангина ўғил ёки қиз бўлишини билдиради.

**«Ёки уларни жуфтлаб – ўғил-қиз қилиб берур».**

Аралаш фарзандлар кўриш одамлар ичида кўп тарқалган ҳолатдир.

**«...ва хоҳлаган кишисини туғмас қилур».**

Бундайлар озчилик бўлиб, Аллоҳ таоло ибрат учун, фарзанд одамларнинг хоҳиши билан эмас, Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлишини кўрсатиш учун шундай қилиб қўйган.

**«Албатта, У Алийм ва Қодийрдир».**

Ҳамма нарсани билиб қилади. Жумладан, кимга қиз, кимга ўғил, кимга ўғил-қиз беришни ёки кимни туғмас қилишни Ўзи билади. Бу ишларга фақатгина Унинг қудрати етади, холос.

«Инсон» сўзи арабча «нисён» – унутиш сўзидан олинганлиги учунми, унда унутиб қўйиш одати бор. Айниқса, унинг кўз ўнгида такрорланиб турадиган нарсаларнинг ҳақийиқий яратувчисини унутиб қўйиши мавжуд. Ҳар куни, ҳар дамда болалар туғилгани ҳақидаги хабарларни эшитиб, кўраверганимиз учун «Ота-она бирга яшаб, эр-хотинлик қилганидан кейин бола туғилади-да» деган хаёлга бориб қоламиз. Ҳар бир боланинг Холиқи Аллоҳ таоло эканини, ота-она эса оддий сабаб эканини эсдан чиқариб қўямиз.

Ўша буюк ҳақиқатни одамзод эсдан чиқармаслиги учун Аллоҳ таоло уларнинг ичидан баъзиларини туғмас қилиб қўяди. Агар эр-хотин бола туғилишининг асосий сабаби бўлса, ораларида туғмаслар бўлмаслиги керак эди. Аммо, қанчадан-қанча эр-хотинлар тирноққа зор бўлиб, турли мутахассисларга кўриниб, кўпчиликдан фарзанд кўриш борасида дуо сўраб юрибдилар.

Аллоҳ таоло фарзанд кўришга қобилиятли қилиб қўйган эр-хотинларнинг ихтиёри ҳам ўзида эмас. Аввало, улар ўзларига қачон фарзанд берилишини билмайдилар. Ҳатто ҳомиладор бўлган аёлнинг ўзи

ҳам ҳеч нарсани билмай юраверади. Ҳомила катта-риб, унинг жисмига ва ҳиссига таъсир кўрсатгандагина, мутахассиснинг ҳузурига боради. У текшириб кўриб, ҳомиланг фалон ҳафталик бўлибди, дегандан сўнг ўзининг ҳомиладор бўлганига ишонади.

Аммо, ўзининг ҳомиладор бўлганига ишонганда ҳам, нима қила оларди? Кутишдан бошқа иложи йўқ.

Биз, ожиз ва унутувчи бандалар ҳомила билинди, иш битди, фарзандли бўлдим, демаслигимиз учун, Аллоҳ таоло ибрат бўлсин дея, гоҳида баъзи ҳомилалардан иноятини бир лаҳза бурса, ҳомила тушиб кетади. Демак, ҳомилани керакли тарзда ривожлантириб борувчи ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи.

Аммо, ҳомиланинг туғилиш давригача соғ-саломат этиб келиши билан мақсад ҳосил бўлади, дейиш ҳам катта гумроҳлик бўлади. Чунки оддий инсоний ақл билан қараганда, маълум ҳажмдаги боланинг онасининг қорнидан соғ-саломат ерга тушиши мумкин эмас. Бунга фақатгина Аллоҳ таолонинг Ўзи ёрдам бермаса, бошқа илож йўқ. Худди шу улкан ҳақиқатни бизга эслатиб туриш учун, Аллоҳ таоло айрим туғайтган аёллардан Ўз иноятини бир лаҳза четга буриб қўяди. Бу ҳолатда бола ёки она ёхуд ҳар иккиси ҳам ҳалок бўлиши ҳеч гап эмас.

Демак, бир боланинг соғ-саломат туғилиши, уни туққан онасининг соғ қолиши бутун инсоният учун Аллоҳ таолонинг чексиз инояти ва лутфи-карамидир. Ҳар бир туғилган фарзанд инсоният учун Аллоҳ таолонинг катта неъматидир.

Шунинг учун ҳам туғилган ҳар бир фарзанд учун Аллоҳ таолонинг Ўзига шукр қилиш керак бўлади. Ўз-ўзидан «Фарзанднинг туғилиши муносабати ила Аллоҳ таолога шукр қилиш қандай бўлади?» деган савол юзага келади.

Ҳар ким ўзи билиб шукр қилади, дейилиши мумкин. Ҳамма ўз билганича шукр қиладиган бўлса, шукр қиламан, деб, куфрга ўтиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас. Энг оддий мисол. Авваллари бола туғилиши муносабати билан «ювиш» деган маросим қиладиганлар бор



эди. «Ювиш»да келганларга тўйганича ароқ ичириларди. Энди ўзимиз ўйлаб кўрайлик. Аллоҳ таоло бировга фарзанд неъматини ато этди, катта бахт берди. Энди бу кимса ўша неъматнинг қувончини нишонламоқчи. Шукронаси эса, неъматни берган Зот — Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсани ичиб, Аллоҳга катта гуноҳ келтиришдан иборат. Бу ақлга тўғри келадими? Ундан ташқари, бола туғилиши муносабати билан турли бидъат ва хурофотдан иборат ишларни қиладиганлар ҳам бор эди.

Аллоҳга тўғри шукр келтиришни Аллоҳ таолонинг Ўзининг таълимотлар тўпламидан — Исломдан олиш тўғри бўлади. Ислом шариатида эса, оилада бола туғилиб, орага янги бош келиб қўшилганини, Аллоҳ таолонинг Ўзи мусулмон бандаларига ҳалол қилган ҳайвонлардан бирининг бошини кесиб, нишонланади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мувофиқ, боланинг соғ туғилганига ва уни туққан онасининг соғ қолганига шукрона келтирилади.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, Аллоҳ учун қўй сўйиш, шукрона қилишни даъво қилсак ҳам, бу маросимдан ўзимиз фойдаланамиз. Таомланамиз, ижтимоий алоқаларимизни мустаҳкамлаймиз ва ҳоказо. Сўйилган қўйнинг гўшти ҳам, ёғи ҳам ва бошқа қисмларидан бирор зарраси ҳам Аллоҳ таолога етиб бормади. У ҳолда нега энди, Аллоҳ учун қилдим, дейилади? Бу каби ишларнинг Аллоҳ учунлиги нимада? Бу ҳақли саволнинг жавобини Қуръони Каримдан топамиз.

Аллоҳ таоло «Ҳаж» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

لَنْ يَنَالَ اللَّهُ لُحُومَهَا وَلَا دِمَاؤَهَا وَلَٰكِنَّ بِنَاةِ النَّفْسِ مِنَكُمْ كَذَٰلِكَ  
سَخَّرَهَا لَكُمْ لِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَيْتُمْ وَيُبَشِّرِ الْمُحْسِنِينَ

«Уларнинг гўшtlари ҳам, қонлари ҳам зинҳор Аллоҳга етмас. Лекин Унга сиздан тақво етадир. Шундай қилиб, сизни ҳидоят қилгани эвазига Аллоҳга такбир айтишингиз учун уларни сизга бўй-

**сундириб қўйди. Яхшилиқ қилгувчиларга башорат бер» (37-оят).**

Шукрона учун сўйилган ҳайвонларнинг гўштлари-ни ҳам, қонларини ҳам Аллоҳ таоло олмайди. У Зот уларга муҳтож эмас. Ният билан ҳайвон сўйишдан мақсад, банданинг Аллоҳ амрига итоатини, тақвосини намоён этишдир. Банда ихлос билан Аллоҳнинг йўлида ҳайвон сўймоқдами, демак, ўша банданинг Аллоҳ таолога тақвоси бор экан. Аллоҳнинг розилиги учун борини қурбон қилишга тайёр экан. Шу билан бирга, бундай амални қилиш банда учун Аллоҳни улуғлашга бир фурсатдир.

**«Шундай қилиб, сизни ҳидоят қилгани эвазига Аллоҳга такбир айтишингиз учун уларни сизга бўйсундириб қўйди».**

Банда Аллоҳни қанча улуғласа, шунча кам. Биргина ҳидоятга бошлаб қўйганлиги учун қанча такбир айтса, оз. Ҳайвон сўйиш ҳам, Аллоҳнинг йўлида ҳар қандай қурбонлик беришга тайёр эканини кўрсатиш ҳам ўша ҳидоят учун Аллоҳ таолони улуғлашдир.

**«Яхшилиқ қилувчиларга башорат бер».**

Яъни тасаввурни, эътиқодни, амални, ибодатни ўнглаган ва бошқа бурчларни яхши адо этадиганларга хушхабар бер.

Демак, ниятни ва амални Аллоҳнинг динига тўғри қилганлиги учун инсон ақийқа қилиш билан шукронани тўғри келтиради ва бу иши учун ажру савоб ҳам олади.

Ақийқа қилишда шукрона билан бирга, бола туғилиши муносабати ила шодиёна қилиш ва қувончни намойиш этиб, фарзанд туғилганини нишонлаш ҳам бор. Ушбу муносабат ила яна бир муҳим нарсани эслатиб ўтиш керак бўлади.



## ТУФИЛГАН ФАРЗАНД ҚИЗ БЎЛСА

Бизнинг динимизда турилган фарзанд қиз бўлса, қувончли бўрттириброқ қилиш тавсия этилади. Одатда, ўғил туғилганда хурсандчилик каттароқ бўлади. Аммо, шариатда айнан қиз туғилганда хурсандчиликни каттароқ қилишнинг тавсия этилиши жоҳилият амалига қарши иш юритиш учундир. Чунки жоҳилият даврида оилада қиз фарзанд туғилса, мотам тутилар, хафа бўлинар ва ҳатто қизларни тириклай кўмиб юборишгача борилар эди. Ана ўша, аёл зотини хорлашдек инсониятга ор бўлган тубан ишга том маънода тескари иш олиб бориш мусулмонларга топширилди.

Аллоҳ таоло ер юзига Ислом нурини юбора бошлаган вақтда бутун дунё жаҳолат ботқоғига ботган эди. Чор атрофда жоҳиллик, адолатсизлик, зулм ва жабру ситам ҳукм сурарди. Айниқса, аёлларга тегишли масалаларда бу салбий ишлар авж олиб, энг чўққига чиққан эди. Аёл киши барча инсоний ҳақлардан маҳрум қилинган эди. Ҳатто аёлни одам ўрнида кўрмайдиган тоифалар бор эди.

Ғарбга, насоролар оламига назар соладиган бўлсак, уларда алоҳида «илмий» йиғилиш ўтказилиб, ўша вақтдаги раҳнамолар томонидан «Аёл эркакни йўлдан уриш учун яратилган шайтондир, унга кўзи тушган одам ҳам гуноҳқор бўлади. Аёл ҳавони булғатмаслиги учун оғзига тўсиқ тутиб юриши керак» деган қарорлар қабул қилинганини кўрамиз. Аҳли китоб бўлмиш насоролардан келгани шу бўлганидан кейин, бошқа тоифаларни қўяверинг.

Шарққа назар соладиган бўлсак, ундаги энг қадимги маданият соҳиби дейилган Ҳиндистонда ўлган эркакнинг насийбаси ўзи билан кетиши учун тирик хотинини унга қўшиб, куйдирилганининг гувоҳи бўламиз.

Арабистондаги жоҳилият тузумида эса, аёлга дунёнинг матоҳи сифатида қараларди. У эркак кишига матоҳ эди, гўё. Аёл киши эркак кишининг шаҳвати учун керак эди. Жинсий алоқаларда ким нимани



хоҳласа, шуни қиларди. Оила масаласи жуда оғир аҳволда эди. Аёл кишини молу мулкка қўшиб, мерос қилиб олиш оддий ҳол эди. Аёлга қилинган паст муносабатлар, унга етказилган турли зулмлар мисоли бир қанча сура ва оятларда келган.

Ислом дини мукамал илоҳий тузум ўлароқ, дунёдаги мавжуд барча нуқсонларни, жумладан, инсониятнинг нафис қисми саналмиш аёлларга бўлган муносабатдаги мавжуд нуқсонларни ҳам тузатишга киришди. Бунинг учун жоҳилиятнинг аёл зотига нисбатан бўлган муносабати қаттиқ қораланди.

Жоҳилият даврида қиз фарзанд ор-номус ҳисобланар эди. Шунинг учун мушриклардан ҳеч ким қиз фарзанд кўришни хоҳламас эди. Қуръони Карим ушбу ҳолатни қаттиқ танқид қилди.

Аллоҳ таоло «Наҳл» сурасида шундай дейди:

وَإِذَا بُشِّرَ أَحَدُهُم بِالْأُنثَىٰ ظَلَّ وَجْهَهُ مُسْوَدًّا وَهُوَ كَظِيمٌ ﴿٥٨﴾

**«Қачонки улардан бирига қизнинг хушxabари берилса, ғам-аламга тўлиб, юзи қорайиб кетур» (58-оят).**

Мушрикларнинг бирортасига оиласида қиз бола туғилгани ҳақида хушxabар берилса, хафа бўлганидан, ғам-аламга тўлганидан юзи қорайиб кетар эди.

يَنْوَرُونَ مِنَ الْقَوْمِ مِنْ سُوءِ مَا بُشِّرَ بِهِ أَيَسْكَنُ عَلَىٰ هُونٍ أَمْ يَدُسُّهُ فِي التُّرَابِ أَلَا سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿٥٩﴾

**«Унга берилган хушxabарнинг ёмонлигидан (уялиб) қавмидан беркинур. У(қиз)ни хорлик-ла олиб қолсамикин ёки тупроққа кўсамикин? Огоҳ бўлинг! Қилаётган ҳукмлари нақадар ёмон» (59-оят).**

Мушрикларнинг гумроҳлиги шу даражада эдики, улардан бирортаси ўз оиласида қиз фарзанд туғилганини эшитса, бу хабарнинг «ёмон»лигидан уялиб, одамлар кўзидан беркиниб юрган. Одамларга кўришни хоҳламаган. Қиз кўрибсан, деб уни мазаммат қилишларидан қўрққан. Ўша беркиниб юрган ҳолида



у, бу қизни нима қилсам экан, деб ўйлайди. Ўзимга ор-номус қилиб, олиб юраверсаммикан ёки ерга кўмиб юборсаммикан, деб хаёл суради.

**«Огоҳ бўлинг! Қилаётган ҳукмлари нақадар ёмон».**

Эй одамлар, огоҳ бўлинглар! Мушрикларнинг қиз бола ҳақидаги ҳукмлари нақадар ёмон.

Қуръони Карим жоҳилият аҳлининг аёл зотига нисбатан адолатсизлигини танқид қилиш билан кифояланиб қолмади, балки уларнинг бу ишларидан Қиёматда сўралажаклари, қилмишларининг жазосини тортишлари ҳақида хабар берди.

Аллоҳ таоло «Таквир» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَإِذَا الْمَوْءُودَةُ سُئِلَتْ **(۸)** بِأَيِّ ذَنْبٍ قُتِلَتْ **(۹)**

**«Ва вақтики, тириклай кўмилган қиздан сўралса. У нима гуноҳ учун ўлдирилган?» (8–9-оятлар).**

Исломдан аввалги жоҳилият даврида, юқорида таъкидланганидек, арабларнинг кўплаб ноинсоний, ваҳшиёна урф-одатлари бор эди. Жумладан, уларда қиз болани таҳқирлаш ҳаддан зиёд эди. Ҳаттоки, катта бўлса, урушларда қатнаша олмайди, қайтага, асир тушиб, бизга шармандалик келтиради, деб, қиз болаларни тириклай кўмиб юборар эдилар. Ушбу икки оятда мушрикларнинг бу иши қаттиқ қораланмоқда ва Қиёмат куни бу ҳақда савол-жавоб бўлиши таъкидланмоқда.

Табиийки, Қиёмат куни фақат шу мазкур нарса ҳақидагина савол-жавоб бўлмайди. Балки заррача, мисқолча амал ҳақида ҳам савол-жавоб бўлади. Аммо, нима учун айнан қиз болани тириклай кўмиб юбориш иши ҳақида алоҳида таъкидланмоқда? Бу, аввало, ушбу ояти карималар нозил бўлаётган давр талаби шу эканининг далолатидир. Ушбу оятлар Исломнинг дастлабки даврида нозил бўлган. Ўша вақтда нозил бўлаётган оятлар калимаи тавҳидга, соф иймон ва эътиқодга чақириб, ширк, куфр ва бузуқ эътиқодлардан

қайтариш билан бирга, мўминлик фазилатларига даъват қилиб, кофирлик разолатларидан қайтарар эди. Ўша пайт жоҳилиятининг кўзга кўринган разолатларида бири эса, аёл жинсини паст санаш, одам ўрнида кўрмаслик ва ўша тасаввурнинг самараси ўлароқ, қизларни тириклай кўмиб юбориш одати эди.

Энг муҳими эса, бу оят Ислом дини, дунёда биринчи бўлиб, аёл жинсини улуғлаш борасида ёлғиз ўзи кураш бошлаганининг далолатидир. Ҳа, ўша даврда аёлларнинг инсонлик ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган Исломдан бошқа томон йўқ эди. Ана шундай бир пайтда Ислом аёл жинси ҳам тўлақонли одам сифатида, Аллоҳ таоло мукаррам этган инсон сифатида ўз ҳаққини олиши учун кураш бошлади. Ўша пайтда нозил бўлган ояти карималар аёл ҳақидаги Исломий таълимотларни баён қилиш билан бирга, аёл жинсини ерга урувчи жоҳилий урф-одатлар ва қонун-қоидаларни чилпарчин қилиб ташлар эди. Ана ўша нарсалардан энг кўзга кўрингани, қизларни тириклайиш кўмиб юбориб, у келтирадиган ор-номусдан қутулдим, деб, ғурур билан гердайиб юриш эди. Ўша вақт одамларининг гувоҳлик беришларича, қиз бола 4—5 ёшларга етганда, ота уни кўмиб ташламоқчи бўлса, онасига: «Қизимизни ясантириб бер, ўйнатиб келай», дер эди. Бечора она «ўйнатиб келиш» нима эканини яхши билса ҳам, жоҳилият қонунига қарши чиқа олмас эди. У юрак-бағри тилка-пора бўлган ҳолда, қон ютиб, ўз жигаргўшасини бешафқат эрига ясантириб берарди. «Ота» номидаги махлуқ бўлса, қизни овлоқроқ бир жойга олиб борар, унга ўйинчоқ бериб, ўйнатиб қўйиб, ўзи чуқур қазир эди. Чуқур тайёр бўлганда қизни ўшанга тушиб ўйнашга амр этар ва чуқурда ўйнаб турган гўдакни ўйини, ўйинчоғи билан шафқатсизларча кўмиб ташлар эди. Инсон номига доғ бўлган бу иш жоҳилиятнинг қинғир тарозисида «юқори даража» деб тортилар, бу ишга ҳеч ким қарши чиқа олмас эди. Ўша ноинсоний одатга биринчи бўлиб, Ислом қарши чиқди.

«Таквир» сурасининг аввалидан бошлаб, Қиёмат кўрқинчлари васф қилинган. Бу оятларни ўқиган,



эшитган инсон қўрқинчдан даҳшатга тушади. «Ўшандай кунда одамларнинг ҳоли нима бўлар экан?» деган савол пайдо бўлади. Ана шундай изтиробли бир ҳолатда турган инсонга, биричи бўлиб, тириклайин кўмиб ташланган қизларнинг нима гуноҳи учун кўмилганлари сабаби уларни кўмганлар ва кўмишга ҳукм чиқарганлардан сўралиши таъкидлаб айтилмоқда.

Дарҳақиқат, жажжи қизчалар қайси гуноҳлари учун бунчалик бешафқатлик билан ўлдирилар эди? У осуда гўдакларнинг нима гуноҳи бор эди? Ҳали улар гуноҳ қилиш ёшига етмаган норасида эдилар-ку?! Ҳа, адолат, ҳақиқат назари билан қараладиган бўлса, у қизчаларнинг заррача ҳам гуноҳлари йўқ эди. Аммо, жоҳилият назарида уларнинг айблари жуда ҳам катта – «қиз» бўлиб туғилганлари эди.

Қуръони Карим мазкура ҳимоясиз қизларга ҳомиё бўлди. Уларнинг ҳаёт кечириш ҳақларини ҳимоя қилди. Қиз болаларни тириклай кўмганлар Қиёмат куни энг аввал шундан сўралишлари асрлар давомида, Қиёматгача ибодат учун ўқиладиган оятларга битиб қўйилди.

Аллоҳнинг охириги ва мукаммал дини бўлмиш Ислом аёлга тўлақонли инсон сифатида қараш масаласини ўртага қўйди. Аёлларга қилинаётган зулм, жабр ва ситамни кесишга киришди.

Ислом биринчи бўлиб, аёл киши ҳам худди эркак кишидек, тўлақонли инсон эканини эълон қилди. Бу маъно Қуръони Каримнинг бир қанча оятларида қайта-қайта баён этилди.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً

«Эй одамлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтини яратиб, икковларидан кўп-кўп эркак ва аёллар таратган Роббингиздан қўрқинглар!» (1-оят).

Демак, одамликда, инсонликда эркак ва аёл тенг, эркакнинг аёлдан устунлиги йўқ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллар ҳам эркаклар каби инсон эканини эълон қилдилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنَّ النِّسَاءَ شِقَائِقُ الرِّجَالِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Албатта, аёллар эркакларнинг тувишганларидир».**

*Термизий ривоят қилган.*

Шу билан бирга, бизнинг динимиз исломий қонун-қоидаларни, ахлоқ-одобларни, тасаввур ва маданиятни жорий қила бошлади. Ўша вақтда аёлларга етказилган зулм кўп бўлганлиги учун Исломда уларга эътибор ҳам кўп бўлди.

Қуръони Каримнинг узун сураларидан бири «Нисо» («Аёллар») деб аталди. Бошқа бир сура «Мужодала» («Тортишувчи аёл») номини олди. Шунингдек, «Талоқ» сурасини ҳам «Кичик Нисо» дейишади. Қуръони Каримнинг бошқа сураларида ҳам аёллар масаласига алоҳида эътибор билан қаралади. «Нур» ва «Аҳзоб» суралари бунинг ёрқин мисолидир.

Аёлларга бўлган эътиборнинг тасдиғи ўлароқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмон умматига қилган оммавий ваъз-насихатларидан ташқари, яна аёллар учун алоҳида мажлислар ҳам ўтказиб турар эдилар.

Исломдан олдин арабларда «зиҳор» деган нарса бор эди. Бунда эр хотинига «Сен менга онамнинг белидек ҳаромсан», деса, абадий ярашиб бўлмайдиган талоқ тушар эди. Хотин эр учун унинг онасидек ҳисобланиб қолар эди.

Кунларнинг бирида Хавла бинти Саълаба исмли аёлни унинг эри Авс ибн Сомит зиҳор қилди. Сўнгра, Авс аччиғидан тушгач, надомат қилди ва хотинига:



«Энди сен менга ҳаром бўлсанг керак», — деди. Хавла бўлса:

«Аллоҳга қасамки, бу талоқ эмас», — деди-да, кўшни аёлнинг кийимини қарзга олиб, бу масала ҳукмини ойдинлаштириш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига йўл олди. У зотнинг олдиларига келиб:

«Ё Расулаллоҳ, эрим Авс ибн Сомит ёш, бой ва ақл-хушли пайтимда менга уйлаңди. Молимни еб битирди, ёшлигимни барбод қилди, ақлимни сустлатди ва ёшим улуғ бўлган бир дамда мени зиҳор қилди. Энди ўзи бу зиҳордан афсус-надоматда. Бизларнинг яна қайта кўшилишимизга бирор йўл борми?» — деди.

«Унга ҳаром бўлибсан», — дедилар Набий алай-хиссалом.

«Сизга Қуръонни туширган Зотга қасамки, у талоқни зикр қилгани йўқ. У менинг боламнинг отаси, энг севимли кишим-ку, ахир?!» — деди Хавла.

«Унга ҳаром бўлибсан», — дедилар Набий алай-хиссалом.

«Мушкулимни ва ёлғизлигимни Аллоҳнинг Ўзига шикоят қиламан, мен эрим билан узоқ ҳаёт кечирдим, ундан фарзандлар кўрдим», — деди Хавла.

«Унга ҳаром бўлибсан, — дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва «Сенинг тўғрингда бирор амр келгани йўқ», — деб кўшиб кўйдилар.

Хавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳо бўлса, тинмай Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тортишаверди. Қачон У зот алайҳиссалом: «Сен унга ҳаром бўлибсан», десалар, Хавла: «Мушкулимни, ёлғизлигимни ва ҳолимнинг оғирлигини Аллоҳнинг Ўзига шикоят қиламан», — дер эди.

Ушбу тортишув чоғида Хавла бинти Саълаба:

«Ахир менинг ёш болаларим бор, мен билан бўлсалар, оч қоладилар, у билан бўлсалар, зоеъ бўладилар», — дер ва бошини осмонга кўтариб:

«Аллоҳим! Ўзингга ёлвораман. Аллоҳим! Пайгамбарнинг тилига менинг мушкулимни осон қилувчи нарсени тушир», — дер эди.

Бирдан Набий алайҳиссалом жим бўлиб қолдилар. Ваҳий тушганда бўладиган ҳолат юзага келди. Бир муддатдан кейин у киши муборак бошларини кўтардилар-да:

«Аллоҳ таоло сен ва сенинг эринг ҳақида оят туширди», — дедилар ва қуйидагича бошланадиган оятларни тиловат қилдилар:

قَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّتِي تُجَادِلُ فِي زَوْجِهَا وَتَشْتَكِي إِلَى اللَّهِ وَاللَّهُ يَسْمَعُ  
تَحَاوَرَكُمَا إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ ﴿١﴾

«Албатта, Аллоҳ сен билан ўз эри ҳақида тортишаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган(аёл)нинг сўзини эшитди. Ҳа, Аллоҳ икковингизнинг гаплашувингизни эшитмоқда. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир» (*«Мужодала» сураси, 1-оят*).

Бу оятларда жоҳилиятнинг зиҳор ҳукми ботил қилинган, зиҳор қилган эр каффорат бериб, хотини билан ярашиши мумкинлиги баён қилинган эди. Мана, ўн тўрт асрки, ўша оятлар Қуръон сифатида ўқилмоқда, уларга шариат — қонун сифатида амал қилинмоқда. Қиёматгача шундай бўлиши шубҳасиз. Оддий бир аёлнинг нидоси Аллоҳ таолога етиб бориши, унинг фикрига, талабига мос Қуръон оятлари тушиши аёл зотининг ҳурмати, эътибори эмасми?! Қайси тузумда, қайси дастурда шунга ўхшаш нарса бор? «Зар қадрини заргар билади», деганларидек, Хавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳонинг қадрини ҳам ҳамасрлари яхши билганлар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўз халифалик даврларида бир гуруҳ кишилар билан кетаётган эканлар, бир аёл у кишини узоқ тўхтатиб қолибди. Ваъз, насиҳат қилибди:

«Эй Умар, — дебди аёл, — яқиндагина Умарча деб аталардинг, улғайганингдан сўнг «Эй Умар», деб аталадиган бўлдинг. Энди эса, «Эй амирал мўминин», деб аталмоқдасан. Аллоҳдан қўрққин, эй Умар! Ким ўлимга ишонса, умрини бекорга ўтказишдан қўрқа-

ди, ким ҳисоб-китобга ишонса, азобдан қўрқади», деб яна сўзини давом эттираверибди аёл.

Ҳазрати Умар бўлсалар, жим қулоқ солиб тураверибдилар. Атрофдагилар у кишига:

«Эй мўминларнинг амири! Бир кампирга ҳам шунчалик тўхтаб турасизми?» – дейишганда, ҳазрати Умар уларга жавобан:

«Аллоҳга қасамки, у агар куннинг аввалидан охиригача ушлаб турса ҳам, фарз намоз вақтидан бошқа вақтда туравераман. Бу кампирнинг кимлигини биласизларми ўзи? Бу Хавла бинти Саълаба. Унинг сўзини Аллоҳ таоло етти осмоннинг устидан эшитган. Оламларнинг Робби унинг сўзини эшитади-ю, Умар эшитмасмиди?!» – деганлар.

Ҳа, ўз сўзини Аллоҳ таоло етти осмоннинг устидан туриб эшитадиган, фикрини қабул қилиб, истагини шариат қилиб, Қиёматгача юритиб қўядиган аёлларни фақат Исломгина етиштира олади. Оламга донғи кетган, ҳар қандай ботир ҳам номини эшитганда титроққа тушадиган забардаст халифани кўчада тўхтаиб олиб, хоҳлаганича насиҳат қила оладиган аёлни ҳам фақат Ислом етиштиради, холос.

Бунга ўхшаш аёлнинг шаънини улуғлаш маъносидаги гаплар жуда ҳам кўп. Бошқа китобларимизда бу ҳақда батафсил сўз юритганмиз. Ушбу мақомда гапни қисқа қилишга ҳаракат қиламиз.

Исломда аёлларни туғилганларидан умрларининг охиригача керакли маишат билан таъминлаш эркаклар зиммасига юклатилганлиги, шунингдек, жамият учун керакли оғир ишларни бажариш ҳам эркакларга юклатилганлиги учун, аёлларни ҳурматлаб, уларга ишлаш масъулияти юклатилмаган.

Исломда аёл зоти ўзининг ҳаёт кечириши учун керакли нарсаларни топишдан ҳам озод қилинган. Уни нафақа билан таъминлаш эркакларга юклатилган. Нафақа деганда, турар жой, кийим, таом, дам олиш, таълим олиш ва даволаниш каби ҳаётий тақозоларни таъминот этиш кўзда тутилади.

Исломда аёл зоти қиз бўлса, нафақаси отасига вожиб бўлади. У қизини нафақа билан таъминласа, во-



жиб ибодатни адо этган шахс сифатида савоб олади. Аммо қизнинг нафақасида нуқсонга йўл қўйса ёки ундан бош тортса, вожиб ибодатдан бош тортган ёки унда нуқсонга йўл қўйган шахс сифатида Аллоҳнинг олдида гуноҳкор, қизининг олдида жиноятчи бўлади. Жамият маҳкама орқали, куч ила қизнинг ҳаққини олиб беради. Шунингдек, аёл зотининг нафақаси сингил бўлса, акасига, опа бўлса укасига, хотин бўлса, эрига, она бўлса, ўғлига юклатилади. Ҳеч кими бўлмаса, уни жамият қарамоғига олади.

Шунингдек, жоҳилият одатига хилоф ўлароқ, қиз туғилганда хурсандликни бўрттириб изҳор қилиш тавсия қилинади. Ҳатто ҳадя улашишда ҳам, қўнғиллари нозиклиги эътиборидан, аввал қизлардан бошланади. Қиз туққан келинлар баракали келинлар сифатида эъзозланади. Қизларнинг ўзлари ҳам «барака рамзлари» дея эркаланади. Қиз боққанларга турли мақомлар ваъда қилинади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَنْ كَانَ لَهُ ثَلَاثُ بَنَاتٍ فَصَبَّرَ عَلَى لَأْوَائِهِنَّ وَضَرَائِهِنَّ وَسَرَائِهِنَّ أَدْخَلَهُ اللَّهُ الْجَنَّةَ بِفَضْلِ رَحْمَتِهِ إِيَّاهُنَّ، فَقَالَ رَجُلٌ: أَوْ ثِنْتَانِ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: أَوْ ثِنْتَانِ. فَقَالَ رَجُلٌ: أَوْ وَاحِدَةً يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: أَوْ وَاحِدَةً. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

*Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Кимнинг учта қизи бўлса, уларнинг хархашалари, оғирликлари ва енгилликларига сабр қилса, Аллоҳ уларга кўрсатган раҳмати туфайли уни жаннатга киритур»,** – дедилар. **Бир киши:**

**«Иккита бўлса-чи, ё Расулаллоҳ?»** – деди.

**«Иккита бўлса ҳам»,** – дедилар. **Бир киши:**

**«Битта бўлса-чи, ё Расулаллоҳ?»** – деди.

**«Битта бўлса ҳам»,** – дедилар».

*Аҳмад ривоят қилган.*

Шундай қилиб, биттами, иккитами ёки учтами, қизни туғиш, уларни боқиб, тарбиялаб, катта қилиш

ота-она учун жаннатга ҳақдор бўлиш омиллари билан бирига айлантирилди. Мусулмонлар қадимдан қизларга фақат яхши назар билан қараб келдилар ва келмоқдалар.

Аммо, минг афсуслар бўлсинки, кейинги пайтларда диний таълимотлардан беҳабар айрим кишилар бу масалада хатога йўл қўйиб, бошқалар томонидан динимизга таъна тошлари отилишига сабаб бўлмоқдалар. Баъзи «мусулмонман» деб юрганларнинг аёлларга бўлган салбий муносабатларини тушунмаганлар бу нохушликни Исломининг айби, дея жар солмоқдалар.

Бу борада ҳам гапни чўзмасдан, биргина мисол келтириш, яъни шахсан ўзим, радиога эшитган гапни айтиш билан кифояланмоқчиман. Вилоятлардан бирида бир аёл тўртта қиз кўрибди. Ҳар сафар фарзанд туғилганда оилада жанжал бўлибди. Келинга: «Нега ўғил туғмай, қиз туғасан?!» деган дашномлар берилибди. Охири «Сен қиз халтаси экансан, яна қиз туғсанг, туғруқхонадан отангникига кетаверасан» деган таҳдид бўлибди. Аёл яна ҳомиладор бўлибди. Ўзига айтилган таҳдидлар ёдига тушибди. Беш қиз билан отасиникига қайтиб бориш кўзига кўринибди. Шайтоннинг васвасасига учиб, ҳомиласини олдирибди. Қараса, олинган ҳомила ўғил экан. Буни эшитиб, эр ўзини осибди. Уни эшитиб, хотин ўзига ўт қўйибди...

Боланинг ўғил ёки қиз бўлишига аёлнинг нима алоқаси бор? Аввало, мутлақо алоқаси йўқ. Агар фарзанд қилиб, алоқаси бор десак, эркакнинг алоқасичалик бўлиши мумкин. Лекин нима учун эркакка эмас, фақат аёлга қиз туққанлиги учун дашном берилади. Ахир бундай қилиш Аллоҳнинг иродасига қарши туриш эмасми?

Ушбу ҳақиқатларни ҳар ким англаб етиши керак. Қиз туққан келинларни ва қизларни барака рамзи деб билиш, уларнинг эъзозини қилиш лозим.

Оиласида фарзанд кутаётган ва кўрган ҳар бир шахс бир оз чўзилган ушбу муқаддимада айтилган маъноларни ўзидан ўтказиши, шу билан бирга, уларга ихлос билан амал қилиши зарур.

## АҚИЙҚА МАРОСИМИ

«Ақийқа» луғатда «ёрмоқ» маъносини англатиб, аслида янги турилган боланинг сочига нисбатан қўланган. Шаръий истилоҳда эса: «Ақийқа — ният ва махсус шартлар билан, Аллоҳ таолога шукр сифатида, фарзанд номидан сўйилган жонликдир».

Шариат таълимотларида, таваллудининг еттинчи куни боланинг сочини олиб, ўша соч оғирлигида кумуш садақа қилмоқ тавсия қилинади.

Соч бошдан ажратиб олинганлиги учун бу маросим «ақийқа» дейилади.

Ўша муносабат ила сўйиладиган қўй ҳам «ақийқа» дейилади.

Истеъмолда шу маъно кўп ишлатилганлиги учун «ақийқа» деганда фақат янги фарзанд туғилиши муносабати ила сўйиладиган қўй ва ташкил этиладиган маросим тушуниладиган бўлиб қолган.

Ақийқани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари қилганлар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه: أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم عَقَّ عَنِ الْحَسَنِ وَالْحُسَيْنِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا كَبْشًا كَبْشًا. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади.*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумоларга биттадан қўчқор сўйиб, ақийқа қилдилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.*

Имом Ҳасан билан укалари имом Ҳусайннинг ораларида ўн бир ой фарқ бўлган.

Ушбу ҳадиси шарифдан ўғил болага албатта иккита қўй сўйиб, ақийқа қилиш шарт эмаслиги, битта қўй сўйса ҳам бўлавериши келиб чиқмоқда. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз набираларига биттадан қўчқор сўйганлари шуни кўрсатади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига ақийқа қилишни тавсия қилганлар.



عَنْ سَلْمَانَ بْنِ عَامِرِ الضَّبِّيِّ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: مَعَ الْغُلَامِ عَقِيْقَةٌ، فَأَهْرِيْقُوا عَنْهُ دَمًا وَأَمِيْطُوا عَنْهُ الْأَذَى. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

*Салмон ибн Омир аз-Зоббий розияллоху анхудан ривоят қилинади.*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Ғулом ақийқаси биландир. Бас, унинг учун қон оқизинг ва ундаги нопокликни кетказинг», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.*

Ушбу ҳадисдаги «ғулом ила ақийқа бордир» жумласи «янги туғилган боланинг ақийқаси ўзи билан», деб тушунилади. Яъни ҳар бир янги туғилган болага ақийқа лозим, деганидир.

**«Бас, унинг учун қон чиқаринг».**

Яъни «Янги фарзанд туғилгани шарафига жонлиқ сўйинг».

**«...ва ундаги нопокликни кетказинг».**

Туғилган боладаги нопоклик деганда, туғилган пайтида унга ёпишиб тушган қон, соч ва баъзи шунга ўхшаш нарсалар тушунилади.

عَنْ سَمُرَةَ رضي الله عنها، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: كُلُّ غُلَامٍ رَهِيْنَةٌ بِعَقِيْقَتِهِ تَذْبُحُ عَنْهُ يَوْمَ سَابِعِهِ وَيُحْلَقُ وَيُسَمَّى. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

*Самура розияллоху анхудан ривоят қилинади.*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Ҳар бир ғулом ақийқаси гаровидир. Унинг учун еттинчи куни сўйилур, сочи олинур ва исм қўйилур», дедилар».**

**«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.**

Ушбу ҳадиси шарифда янги туғилган фарзандга оид бир неча нарсалар зикр қилинмоқда:

**1. «Ҳар бир ғулом ақийқаси гаровидир».**

Демак, ҳар бир янги туғилган фарзанднинг баъзи бир ишлари унга ақийқа қилишга боғлиқ бўлиб

турар экан. Агар ақийқа қилинса, ўша ишлар юзага чиқади, бўлмаса, худди гаровга олингандай, юзага чиқмай тураверади.

Баъзи уламоларимиз, жумладан, имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва Ато Хуросонийлар айтишадикки, гўдаклигида ўлган фарзанднинг ўз ота-онасига шафоатчи бўлиши унинг ақийқасига боғлиқдир. Агар унга ақийқа қилинган бўлса, Қиёматда жаннат эркатойларидаи бўлади ва: «Агар жаннатга олдин ота-онам кирмаса, мен кирмайман», деб туриб олади. Шундай қилиб, у ўз шафоати ила ота-онасининг жаннатга киришига сабаб бўлади.

Имом Лайс, Довуд Зоҳирий ва бошқалар эса янги туғилган фарзанднинг яхши униб-ўсиб, бахтли-саодатли бўлиши унинг ақийқасига боғлиқдир, шунинг учун ақийқа қилиш вожибдир», — деганлар.

Лекин жумҳури уламо: «Ақийқа қилиш суннати муаккада», — деганлар.

Ҳанафийларнинг наздида ақийқа мубоҳ амал бўлиб, садақа қилгандан сўнг гўдакнинг етти куплигида қилинади ва ўша куни сочи олиниб, садақаси қилинади.

#### **«Унинг учун еттинчи куни сўйилур».**

Ақийқа фарзанд туғилганининг еттинчи куни қилинади. Агар еттинчи куни имкони бўлмаса, ўн тўртинчи ёки йигирма биринчи куни қилинади.

Айнан еттинчи куннинг тайин қилиниши ҳикмати тўғрисида сўз юритган уламолар: «Шунда дунёнинг кунларида бир кундан яшаб ўтган бўлади», — деганлар.

Имом Байҳақий ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ақийқа еттинчи, ўн тўртинчи ва йигирма биринчи куни сўйилур**», — деганлар. Агар у кунлари қилишнинг имкони бўлмаса, имкони топилганда қилинаверади.

Янги, туғилган фарзандга ақийқа қилиш отанинг фарзанд олдидаги бурчидир.

#### **«...соchi олинур»**

Бу иш ҳам фарзанд туғилганининг еттинчи куни амалга оширилади. Табиийки, бу сочга нифос қони



теккан бўлади. Шунинг учун ҳам у боладан кетказилиши лозим бўлган ипоқ, озор берувчи нарсалар қаторига қўшилган. Ўша еттинчи куни олинган соч вазнида кумуш ёки унинг қиймати садақа қилиниши ҳам мазкур озордан халос бўлганлик шукронаси бўлса, ажаб эмас.

**«...ва исм қўйилур».**

Янги туғилган фарзандга исм қўйиш ҳам еттинчи куни қилинадиган ишлардан бири. Ҳар бир янги туғилган фарзандга яхши исм қўйиш ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчидир.

عَنْ أُمِّ كُرْزِ الْكَعْبِيَّةِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: عَنِ الْغَلَامِ شَاتَانِ مُكَافِتَتَانِ، وَعَنِ الْجَارِيَةِ شَاءَ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ وَأَحْمَدُ.

*Умму Курз ал-Каъбийя розияллоху анҳодан ривоят қилинади.*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Ўғил болага икки бир-бирига ўхшаш қўй, қиз болага бир қўй», дедилар».**

*Тўртовлари ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

Албатта, бир фарзанднинг дунёга келиши катта бир ҳодиса. Фақат, доимий такрорланиб турганлиги учун унча аҳамият берилмайди, холос. Бўлмаса, бир боланинг эсон-омон, онаси ҳам соғ-саломат қолиб, туғилиши буюк ҳодиса. Мусулмонлар орасига янги бир аъзонинг қўшилиши, унинг онасининг соғ қолиши шарафига Аллоҳ таолога ҳар қанча шукр қилинса, ҳар қанча хайр-садақа қилинса, шунча оз.

Баъзи ҳолатларда одамлар бу муносабат ила ҳаддан ошиб, дабдабага йўл қўймасликлари ёки аксинча ҳолатлар ҳам бўлмаслиги учун шариатда ақийқага нима қилиниши ва қай миқдорда бўлиши ҳам кўрсатиб қўйилган.

**«Ўғил болага икки бир-бирига ўхшаш қўй».**

Яъни янги туғилган фарзанд ўғил бола бўлса, унинг ақийқасига бир-бирига ўхшаш икки қўй сўймоқ керак бўлади.

**«...қиз болага бир қўй».**

Уламоларимиз: «Қиз болага бир қўй сўйиб, ақийқа қилиш қизнинг шаънини пастлатиш учун эмас, балки келажакда ота-онаси унга сеп ва бўлажак оиласи учун жиҳозлар қилиб бериши ҳисобга олингани учундир», – дейдилар.

Шу билан бирга, ўғил болага ҳам битта қўй сўйиш кўпроқ жорий бўлган. Аввал кўриб ўтганимиздек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам набиралари имом Ҳасан ва имом Ҳусайн розияллоҳу анҳуларга биттадан қўй сўйганлар. Шунинг учун ўғил болага битта қўй сўйганлар бу ҳадис билан танишиб, ҳайрон бўлмасликлари керак.

Баъзи олимлар: «Боланинг соғ-саломат бўлиши, синди-чиқдиларга йўлиқмаслиги ҳақида яхши ният рамзи сифатида унинг учун ақийқага сўйилган ҳайвоннинг суяги синдирилмаса, яхши бўлади», деганлар. Аммо синдирилса ҳам ҳеч нарса бўлмайди.

Ақийқага сўйилган ҳайвоннинг гўшти фақир-мискинларга тарқатиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, у гўшдан қўни-қўшни ва дояга ҳам берилса, яхши бўлади. Пишириб, одамларни чорлаб, уларга зиёфат бериш ҳам яхши.

Тавсия



## ЎФИЛ БОЛАНИ ХАТНА ҚИЛДИРИШ

### 11. Ўфил болаларни хатна қилдириш отанинг бурчи ва боланинг ҳаққидир.

Хатна сўзи луғатда «кесиш» маъносини англатади.

Фақиҳлар таърифида эса «Махсус аъзонинг махсус бўлагини кесиш хатнадир».

Ўфил болаларни хатна қилдириш суннатдир. Суннат бўлганда ҳам, Исломнинг шиорларидан, хусусиятларидан бири саналган суннатдир. Ўфил болаларни кичиклик чоғида хатна қилдириш мусулмон халқларнинг тарқ қилмайдиган одатига айланганлиги яхши ишдир. Қолаверса, бу ишнинг инсон соғлиғи учун қанчалик фойдали амал эканини бугунги замон илми ҳам исботлади. Шунинг ўзи Ислом шариатида буюрилган амалларнинг ҳеч бири беҳикмат эмаслигини тасдиқлайди.

Хатнада закарнинг уч қисмини қоплаб турган юмшоқ тери кесилади. Бу тери арабчада «қалафа» дейилади.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, хатна боланинг ҳолига қараб, соғлиғи кўтарадиган бўлганда қилинади. Етти кунлик ёки ундан каттароқ гўдакни хатна қилиш шарт эмас.

Шунингдек, заифлиги учун хатнага чидай олмайдиган каттароқ ёшдаги болалар ҳам хатна қилинмайди.

Хатна қилинмаган одам вафот этса, у хатна қилинмайди.

Хатна ҳолида туғилган шахс ҳам хатна қилинмайди. Агар хатна қилиниши лозим бўлган жойда баъзи бир тери бўлса, уни олиб ташлаш лозим бўлади.

Хатначининг айби билан хатна қилинган шахсга талафот етса, у товон тўлайди.

Хатна муносабати билан маросим қилиш машруъдир. Ўфил болаларнинг хатнасини изҳор қилиш суннат амаллардан ҳисобланади.

Ёшлигида хатна қилдирилмаганларни шариат ҳукмларини бузмаган ҳолда, кейинроқ бўлса ҳам, хатна қилдириш уламоларимиз томонидан тавсия қилинади.

Катта ёшдаги киши мусулмон бўлса ва хатна унга зарар келтириши хавфи бўлса, тарқ қилинади.



Бир одам катта ёшда мусулмон бўлганлиги узри учун хатна қилинмаган бўлса, адолатли бўлади ва шаҳодати қабул қилинади. Узрсиз хатна қилинмаган одамнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди.

Хатна Шофеъийлар ва Ҳанбалийлар наздида вожиб, Ҳанафийлар ва Моликийлар наздида суннатдир. «Бола туғилганидан етти кун ўтгандан бошлаб, хатна қилинса бўлаверади», деган уламолар ҳам бор. Баъзилар: «Етти ёшдан ўн ёшгача хатна қилинса, яхши бўлади», деганлар.

Хатначининг катта одамни ёки ўсмирни хатна қилиш учун авратига назар солиши жоиздир.

Бу ишнинг қанчалик фойдали эканини мусулмон бўлмаган халқлар ҳам энди-энди англаб етмоқдалар.

## ХАТНА МАРОСИМИ

عَنْ سَالِمٍ قَالَ: خَتَّنِي ابْنُ عُمَرَ أَنَا، وَنَعِيمًا فَذَبَحَ عَلَيْنَا كَبْشًا. فَلَقَدْ رَأَيْنَا وَإِنَّا لَنَحْدُلُ بِهِ عَلَى الصَّبِيَّانِ أَنْ ذُبِحَ عَنَّا كَبْشًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Солимдан ривоят қилинади:*

**«Ибн Умар мени ва Нуъаймни хатна қилдирди. У биз учун қўчқор сўйди. Биз болалар орасида ўзимиз учун қўчқор сўйилганидан мақтаниб юрар эдик».**

*Бухорий ривоят қилган.*

Демак, хатна муносабати билан жонлиқ сўйиб, зиёфат уюштириш саҳобалардан собит бўлган амал экан.

Солим — Абдуллоҳ ибн Умарнинг ўғиллари. Нуъайм — Абдуллоҳнинг укаси. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига оришмай амал қиладиган олим саҳоба бўлганлар. У кишининг қилган ишлари ҳам далил ва ҳужжат бўлганлиги учун имом Бухорий ушбу ривоятни зикр қилганлар.

Арабларда Исломдан аввал ҳам хатна қилдиришнинг қадри бўлган. Ислом дини эса бу ишни тасдиқлаган.



## ХАТНАДА КҮНГИЛХУШЛИК ҚИЛИШ

عَنْ أُمِّ عَلْقَمَةَ: أَنَّ بَنَاتِ أَحِي عَائِشَةَ حُتِنَ، فَقِيلَ لِعَائِشَةَ: أَلَا نَدْعُو لِهِنَّ مَنْ يُلْهِيهِنَّ؟ قَالَتْ: بَلَى. فَأَرْسَلَتْ إِلَى عَدِيٍّ فَأَتَاهُنَّ. فَمَرَّتْ عَائِشَةُ فِي الْبَيْتِ فَرَأَتْهُ يَتَغَنَّى وَيُحْرِكُ رَأْسَهُ طَرْبًا - وَكَانَ ذَا شَعْرٍ كَثِيرٍ - فَقَالَتْ: أَفْ، شَيْطَانٌ. أَخْرَجُوهُ، أَخْرَجُوهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ وَالْبَيْهَقِيِّ.

*Умму Алқамадан ривоят қилинади:*

«Оишанинг акасининг қизлари хатна қилинди.

Шунда Оишага:

«Уларни овутишга бирор кишини чақирайликми?» – дейилди.

«Шундай!» – деди.

Бас, Адийга одам юборди. У аларнинг ҳузурига келди. Оиша уйдан ўтди ва унинг ҳузур ила бошини қимирлатиб, қўшиқ айтаётганини кўрди. Унинг сочи қалин эди. Бас, у:

«Уфф! Шайтон! Буни чиқаринглар! Буни чиқаринглар!» – деди».

*Бухорий «Адаб»да ва Байҳақий ривоят қилганлар.*

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо хатна чоғида кўнгилхушлик қилишга рози бўлганликлари учун Адий деган одамни чақириб келишибди. У кишининг кўнгилхушлик қилиш учун қўшиқ айтиб, ўзининг қўшиғига берилиб, бошини чайқатиб турганини Оиша онамиз розияллоҳу анҳо кўриб қолибдилар. У кишининг чиройли, катта сочи бор экан. Оиша онамиз розияллоҳу анҳо «Уфф, бу шайтон-ку, уни чиқаринглар», – дебдилар.

Аёлларнинг ўртасида чиройли бир эркак кишининг қўшиқ айтаётгани онамизга ёқмабди. Ҳолбуки, умумий тарзда унинг келишига розилик берган эканлар.

Демак, юқоридаги каби маросимларда кўнгилхушлик қилишга умумий рухсат бор, бироқ эркак-аёлларнинг аралашиси ман қилинган экан.

Бу борада уламоларимиз қуйидагиларни айтадилар:

«Барча кўнгилхушлик қилиш ҳам ҳаром эмас. Фиску фасод аралашган кўнгилхушлик қилиш ҳаромдир. Тўғри ният ила қилинган кўнгилхушлик қилишга шариатда рухсат берилгандир. Аёли билан кўнгилхушлик қилишга ўхшаш».

عَنْ ابْنِ سَيْرِينَ: أَنَّ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ كَانَ إِذَا سَمِعَ صَوْتًا أَوْ دُفًا قَالَ: مَا هَذَا؟ فَإِنْ قَالُوا عُرْسٌ أَوْ حِتَانٌ صَمَتَ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

*Ибн Сийрийндан ривоят қилинади:*

«Умар розияллоҳу анҳу қачон овоз ёки дуфф (доира)ни эшитса: «Бу нима?!» – дер эди. Агар «Келин тушди» ёки «Хатна», дейишса, индамас эди».

*Байҳақий ривоят қилган.*

Агар бу иш шариатда рухсати бор иш бўлмаганида, ҳазарати Умар розияллоҳу анҳу сукут сақламас эдилар.

## БОЛАНИ ҚАРАМОҒИГА ОЛИШ

**12. Болани қарамоғига олиш ҳам ота-она ёки яқин қариндошларнинг иши, болаларнинг ҳаққидир.**

Бу иш араб тилида «ҳизона» дейилиб, «қучоғига олиш» маъносини билдиради. Шариат истилоҳида эса ота ва она ажрашгандан кейин гўдак болани ўз қарамоғига олиш ва тарбия қилишга айтилади.

**Онага мажбурламасдан берилади. Талоқ қилинганми ёки бошқача бўлганми, барибир.**

Яъни, ота-онанинг нима сабабдан ва қандай ҳолатда ажрашганларидан қатъи назар, онаси истаб турса, бола унга берилади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ امْرَأَةً قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ ابْنِي هَذَا كَانَ بَطْنِي لَهُ وَعِجَاءٌ، وَتُدْيِي لَهُ سِقَاءٌ، وَحَجْرِي لَهُ حِوَاءٌ، وَإِنَّ أَبَاهُ



طَلَّقَنِي وَأَرَادَ أَنْ يَنْتَرِعَهُ مِنِّي، فَقَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: أَنْتِ أَحَقُّ بِهِ مَا لَمْ تَنْكِحِي. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ.

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Бир аёл:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, мана бу ўғлим учун қорним жой бўлган эди, икки кўкрагим сувидиш эди, қучоғим муҳофазачи бўлган эди. Энди эса отаси мени талоқ қилиб, уни мендан тортиб олмоқчи», деди.**

**Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:**

**«Модомики турмуш қилмасанг, сен унга ҳақлироқсан», дедилар».**

*Абу Довуд, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилганлар. Ҳоким саҳиҳ, деган.*

رَوَى ابْنُ أَبِي شَيْبَةَ فِي «مُصَنَّفِهِ» عَنْ سَعِيدِ بْنِ السُّيَبِ: أَنَّ عُمَرَ طَلَّقَ أُمَّ عَاصِمٍ، ثُمَّ أَتَى عَلَيْهَا فِي حَجْرِهَا عَاصِمٌ، وَأَرَادَ أَنْ يَأْخُذَهُ مِنْهَا، فَتَجَادَبَاهُ بَيْنَهُمَا حَتَّى بَكَى الْغُلَامُ، فَاَنْطَلَقَا إِلَى أَبِي بَكْرٍ، فَقَالَ لَهُ أَبُو بَكْرٍ: مَسَّحُهَا وَحَجْرُهَا وَرِيحُهَا خَيْرٌ لَكَ مِنْكَ، حَتَّى يَشِبَّ الصَّبِيُّ فَيُخْتَارَ لِنَفْسِهِ.

*Ибн Абу Шайба ўзининг «Мусаннаф» номли китобида Саъийд ибн Мусайябдан ривоят қилади:*

**«Умар Умму Осимни талоқ қилди. Кейин унинг олдига борди. Осим унинг қучоғида турган эди. Болани ундан тортиб олмоқчи бўлди. Икковлари уни тортишиб кетди. Бола йиғлаб юборди. Икковлари Абу Бакрнинг ҳузурига борди. Бас, Абу Бакр унга:**

**«Аёлнинг силаши, қучоғи ва ҳиди унинг учун сендан кўра яхшироқ. Бола улғайса, ўзи танлаб олади», - деди».**

Агар аёл болани олишни истамаса, у мажбурланмайди. Илло, ундан бошқа шахс бўлмаса ёки бола ундан ўзгага кўнмаса, мажбурланади.

Болани қарамоғига олишга ҳақдорларнинг онадан кейинги тартиби қуйидагича:

**Сўнг онанинг онаси, агар юқориласа ҳам. Кейин отасининг онаси, ота ва она бир опаси, она бир опаси, ота бир опаси. Сўнгра шу тартибда холаси ва аммаси. Улар ҳур бўлишлари шарти ила.**

Бу ҳукмга далил ушбу ҳадисдир:

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: خَرَجَ زَيْدُ بْنُ حَارِثَةَ إِلَى مَكَّةَ فَقَدِمَ بِابْنَةِ حَمْرَةَ، فَقَالَ جَعْفَرٌ: أَنَا أَخُذُهَا أَنَا أَحَقُّ بِهَا ابْنَةُ عَمِّي وَعِنْدِي خَالَتُهَا، وَإِنَّمَا الْخَالَةُ أُمٌّ. فَقَالَ عَلِيٌّ: أَنَا أَحَقُّ بِهَا ابْنَةُ عَمِّي وَعِنْدِي ابْنَةُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَهِيَ أَحَقُّ بِهَا. فَقَالَ زَيْدٌ: أَنَا أَحَقُّ بِهَا أَنَا خَرَجْتُ إِلَيْهَا وَسَافَرْتُ وَقَدِمْتُ بِهَا. فَخَرَجَ النَّبِيُّ ﷺ عَلَيْهِمْ فَقَضَى بِهَا لَجَعْفَرٍ وَقَالَ: تَكُونُ مَعَ خَالَتِهَا وَإِنَّمَا الْخَالَةُ أُمٌّ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالشَّيْخَانِ.

Али розияллоҳу аниҳудан ривоят қилинади:

«Зайд ибн Ҳориса Маккага бориб, Ҳамзанинг қизини олиб келди.

Шунда Жаъфар:

«Уни мен (қарамоғимга) оламан. Унга мен ҳақлиман. Чунки у амакимнинг қизи. Унинг холаси менинг қўлимда. Хола она (ўрнида)дир», деди.

Али эса:

«Унга мен ҳақлироқман. У амакимнинг қизи. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари менинг қўлимда. У бу қизга ҳақлироқ», деди.

Зайд эса:

«Унга мен ҳақлиман. Уни олиб келгани мен бордим, мен сафар қилдим ва уни ўзим олиб келдим», деди.

Сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдига чиқдилар-да, уни Жаъфарга беришга ҳукм қилдилар ва:



**«У холаси билан бўлади. Хола она (ўрнида)дир», дедилар».**

*Абу Довуд ва икки шайх ривоят қилганлар.*

Шаҳидларнинг саййиди Ҳамза ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳунинг Иммора исмли қизи Маккада қолиб кетган эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қиз Жаъфар ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг қарамоғига берилиши ҳақида ҳукм чиқардилар. Чунки Жаъфар розияллоҳу анҳунинг хотини қизнинг холаси эди. Хола эса она ўрнидадир.

Демак, кичкина болаларни қарамоққа олишда аёл кишиларга қаралар экан.

**Бу эса то бола дин жиҳатидан ақлини танигунича бўлади.**

Уни мусулмон қилиб тарбиялаш керак. Имом Шофеъий, Аҳмад ва Молик раҳимаҳуллоҳлар: «Зиммияга қарамоғига олиш ҳаққи берилмайди», — деганлар.

**Болага маҳрам бўлмаганга никоҳланиши ила аёлнинг ҳаққи соқит бўлади.**

Чунки бу ҳолатда болага зарар етиши муқаррар бўлиб қолади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юқорида келтирилган ҳадисда аёлга: «Модомики никоҳланмасанг, сен унга ҳақдиросан», — дедилар.

**Боланинг онаси амакисига ёки бувиси бобосига никоҳлангани каби маҳрамга бўлса, соқит бўлмайди.**

Агар болани қарамоғига олган аёл болага маҳрам бўлган кишига эрга тегса, ўша одам ҳам қариндошлик юзасидан болага меҳр кўрсатишининг эътиборидан аёлнинг қарамоққа олиш ҳаққи соқит бўлмайди. Мисол учун, болани онаси қарамоғига олиб туриб, унинг амакисига никоҳланиши ёки онадан бўлган момоси қарамоғига олиб туриб, отадан бўлган бобосига никоҳланиши каби.

**Қарамоққа олиш ҳаққи уни соқит қилган никоҳнинг зоил бўлиши билан қайтади.**

Мисол учун, онаси бегона кишига эрга тегиши билан болани қарамоғига олиш ҳаққидан маҳрум бўла-

ди. Аммо, она ўша эрдан ажрашса, қарамоққа олиш ҳаққи яна унга қайтади.

**Кейин асабалар ўз тартибларига қараб, ҳақли бўладилар.**

«Асаба» сўзи «яқин турган», «ёпишган» деган маъноларни англатади. Киши бошини маҳкам боғлаб олишга ишлатадиган боғичга ҳам шу сўз ишлатилади.

Шу маънода кишининг яқин эркак қариндошлари ҳам «асаба» дейилади. Чунки унга нисбатан бирор хавф-хатар туғилганда, ўша қариндошлар келиб, уни ўраб туриб, ҳимоя қиладилар. Ўзларининг ҳаётларини хавф остига қўйиб, ундан душманни даф қиладилар. Шунингдек, молиявий тўловларга ожиз бўлиб қолса ҳам, ўшалар тўлайдилар. Шунинг учун ҳам улар меросга ҳақли бўлганлар.

Асабага ота, бобо, ўғил, ўғилнинг ўғли, туғишган ака-ука, ота бир ака-ука, туғишган ака-уканинг ўғиллари, туғишган амакилар, уларнинг ўғиллари ва бошқалар киради. Ана ўшалар қариндош аёллар орасидан қарамоққа оладиган шахс топилмаганда, болани ўз қарамоғига олишга ҳақлидирлар. Уларнинг ҳақлилиги мазкур тартиб асосида бўлади.

**Лекин қиз бола озод қилиш туфайли мавло бўлган ва амакининг ўғли каби маҳрам бўлмаган асабага ва шармсиз фосиққа берилмайди.**

Улар қиз болани ўз қарамоғига олсалар, фитна бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларга бу ҳуқуқ берилмайди.



## ХУЛОСА

Ёш болани қарамоғига олиш уни зарарли нарсалардан муҳофаза қилиш, уни тозалаб, едириб-ичириб, кийинтириб, роҳати учун керакли нарсалар ила таъминлаб, тарбиялашдан иборатдир.

Ёш гўдакни ўз қарамоғига олишга энг ҳақли шахс, бошқа эрга тегмаслик шарт ила, онаси эканини ва ундан кейин кимлар бўлишини юқорида ўргандик.

Лекин ким бўлса ҳам, болани ўз қарамоғига олувчи шахсда бир неча шартлар бўлиши қатъиян талаб қилинади:

1. Оқил бўлиши керак.
2. Балоятга етган бўлиши керак.
3. Диндан чиққан, муртад бўлмаслиги керак.
4. Фосиқ, ишончсиз бўлмаслиги керак. Баъзи фисқу фужур ишларни қиладиган, ўғри, бетайин, раққоса кабилар ёш болаларни ўз қарамоғига олишга ҳақли эмаслар.
5. Болани қаровсиз қолдирмаслиги керак. Агар қаровсиз қолдирадиган бўлса, қарамоғига олиш ҳаққидан маҳрум қилинади.

6. Ота камбағал бўлиб, она ажрсиз тарбия қилишдан бош тортса, ажрсиз тарбия қилишни хоҳлаган яқин қариндош аёл болани ўз қарамоғига олади.

**Ёш болага ихтиёр ҳаққи берилмайди.**

Яъни, кичик ёшдаги болага: «Сен ким билан бўласан, ўзинг танлаб ол», дейилмайди.

**То бола ўзи еб-ичадиган ва истинжо қиладиган бўлгунча онаси ва момоси унга ҳақлидир. Қиз болага то ҳайз кўргунча. Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ «Хоҳиш қилинадиган бўлгунча», деган. Замоннинг фасоди туфайли шу гап мўътабардир. Икковларидан бошқалар «То хоҳиш қилинадиган бўлгунча», деганлар.**

Гўдак болани отаси ва онаси талашиб қолса, онасига берилади.

Ўзи еб-ичадиган ва истинжо қиладиган бўлган ўғил бола отасига берилади. Чунки у эркакларга хос нарсаларни отасидан ўрганиши зарур.



Қиз болалар эса, ҳайз кўрадиган бўлгунча оналари билан қоладилар. Чунки улар аёлларга хос нарсаларни оналаридан ўрганишлари лозим.

Қизлар балоғатга етганларидан кейин, уларни асрашга ва турмушга чиқаришга оталар қодир бўлганликлари учун, вақти етганда оталари қарамоғига ўтадилар.

**Талоқ қилинган аёл ўзи никоҳдан ўтган ватанидан бошқа ерга боласи билан сафар қилмайди. Бу фақат онага хосдир.**

Онадан бошқа болани қарамоғига олган шахслар ҳеч қаерга сафар қилмайдилар. Чунки бу нарса болага зарар келтиради.

## БОЛАГА ВАЛИЙЛИК ҚИЛИШ

**13. Валийлик ота-она ва қариндошларнинг бурчи ва ёш болаларнинг ҳаққидир.**

Етти ёшдан балоғат ёшига етгунча бўлган болалар валийга, ўзидан катта раҳбарга муҳтождирлар. Бу ҳам, агар ота-она бўлмаса, яқин қариндошларига юклатилади.

«Валийлик» араб тилидаги «валюн» сўзидан олинган бўлиб, «яқин бўлиш», «ишини қилиш» ва «ҳимоясига олиш» маъноларини билдиради.

Шариат истилоҳида эса «валийлик» баъзи кишиларга шариат берган ҳақ бўлиб, унинг эгаси у ила ўзгага гапини ўтказади. Бунда мазкур ўзганинг розилиги шарт эмас.

**Мусулмон фарзандга ҳурлик, мукаллафлик ва мусулмонлик шарти ила асабалар ўз тартибларига биноан валий бўладилар.**

«Асаба» сўзи «яқин турган», «ёпишган» деган маъноларни англатишини юқорида айтган эдик.

Шу маънода кишининг яқин эркак қариндошлари ҳам «асаба» дейилади. Чунки унга нисбатан бирор хавф-хатар туғилганда, ўша қариндошлар келиб, уни ўраб туриб, ҳимоя қиладилар. Ўзларининг ҳаётларини хавф остига қўйиб, ундан душманни даф қиладилар.



Шунингдек, молиявий тўловларга ожиз бўлиб қолса ҳам, ўшалар тўлайдилар. Шунинг учун ҳам улар меросга ҳақли бўлганлар.

Асабага ота, бобо, ўғил, ўғилнинг ўғли, туғишган ака-ука, ота бир ака-ука, туғишган ака-уканинг ўғиллари, туғишган амакилар, уларнинг ўғиллари ва бошқалар киради.

### **Асабалар уч хил бўлади:**

1. Ўзи асаба.

Кишига аёл воситасисиз насаби қўшилган шахс.

2. Бошқанинг сабабидан асаба.

3. Бошқа билан бирга асаба.

### **Ўзи асаба бўлганлар тўрт жиҳатдан бўлади:**

1. Ўғиллик жиҳатидан.

Бунга шахснинг ўғиллари ва ўғилларининг ўғиллари киради.

2. Оталик жиҳатидан.

Бунга шахснинг отаси ва отасининг отаси киради.

3. Ака-укалик жиҳатидан.

Бунга туғишган ака-укалар, ота бир ака-укалар, туғишган ака-укаларнинг ўғиллари, ота бир ака-укаларнинг ўғиллари киради.

Она бир ака-укалар ва уларнинг ўғиллари асабага кирмайди. Чунки улар она томондан улашгандирлар.

4. Амакилик жиҳатидан.

Бунга амаки, ота бир амаки, ўз амакисининг ўғли ва ота бир амакининг ўғиллари киради.

Ўзи асаба бўлганлар юқорида зикр қилинган тартибда валийликка даъвогар бўладилар.

Агар шахснинг ўзи асаба бўлган бир нечта қариндошлари бўлса, уларнинг бир-биридан устунлигини ажратишнинг ўзига хос услуби бор.

Шахсга асабалик жиҳатидан устунлигини аниқлаш:

Бунда олдин ўғиллик, кейин оталик, ундан сўнг ака-укалик ва ниҳоят амакилик жиҳатлари туради.

Никоҳда ўғил бўлсин, қиз бўлсин, мусулмон фарзандга валий бўладиган шахсга бир неча шартлар қўйилади:

### **1. Ҳурлик.**

Қул одам валий бўла олмайди.

**2. Мукаллафлик.**

Яъни, балоғатга етган ва оқил бўлиши.

**3. Мусулмонлик.**

Мусулмонмас одам мусулмон шахсга валий бўла олмайди.

Агар асабалардан валий бўлмаса,

**Сўнгра она бўлади.**

Онанинг никоҳда асабалардан кейин валий бўлиши имом Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳининг қавларидир. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ўз хотинларига бошқа эридан бўлган қизига валий бўлишига изн берганлар.

**Сўнгра она томонидан бўлган қариндошлар яқинликлари тартибида бўладилар.**

Бунда аввал қиз, кейин ўғилнинг қизи, қизнинг қизи, ўғилнинг ўғлининг қизи, ота бир, она бир опасингил, ота бир опа-сингил, она бир опа-сингил бўлиб кетаверади.

Валийнинг қўл остида балоғатга етмаган ёш болалар, эси пастлар, жиннилар ва ақлида нуқсон борлар бўлади.

Валийлик уч хил бўлади:

**1. Жонга валийлик.**

Бунга моли йўқ ёш бола мисол бўлади. Бунда валий унга таълим беради, одоб беради ва вояга етганда никоҳлаб, оилали қилиб қўяди.

Ота-она ва бошқа валийларнинг балоғатга етганларни, агар уларнинг ўзлари истамаса, никоҳга, талоққа мажбурлашга ва молини олишга ҳақлари йўқ.

**2. Молга валийлик.**

Бунда молни тасарруф қилишни билмайдиганларнинг молига қараб туриш учун валий бўлади.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَلَا تُؤْتُوا السُّفَهَاءَ أَمْوَالَكُمُ الَّتِي جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ قِيَمًا وَارْزُقُوهُمْ فِيهَا  
وَأَكْسُوهُمْ وَقُولُوا لَهُمْ قَوْلًا مَعْرُوفًا



**«Аллоҳ сизларга (ҳаёт) тиргаги қилиб қўйган молларингизни эси пастларга берманг. Уларни ўшандан ризқлантиринг, кийинтиринг ва уларга маъруф сўз айтинг» (5-оят).**

«Эси пастлар» мол-мулкни яхши тасарруф қила олмайдиган кишилар ва етимлардир.

Биз «эси паст» деб таржима қилаётган ибора арабчада «сафиҳ» дейилади. Кўплиги «суфаҳаау» бўлади. Бу сўз аслида енгиллик маъносини англатади. Шундан келиб чиқиб, эси пастларни «мол-мулк тасарруфига енгилтакларча муносабатда бўлувчилар» дейишимиз мумкин. Оятда зикр қилинаётган мол, аслида, ўша эси пастларнинг мулки, отасидан етим қолганларнинг ҳаққи. Аммо, улар мол тасарруфида эси паст бўлганлари, ундан оқилона фойдалана олмаганлари боисидан, етимларга валий бўлган шахсларга молни уларга бермаслик амр қилинмоқда.

**«Аллоҳ сизларга (ҳаёт) тиргаги қилиб қўйган молларингизни эси пастларга берманг».**

Бу амрнинг баёнида «молларини» демасдан, «молларингизни» деб хитоб қилинишида ҳам катта ҳикмат бор. Қуръони Карим эси пастларнинг шахсий — хусусий молларига ҳам жамоатнинг моли деб қарамоқда. Демак, мусулмонлар қўлидаги мол-мулк айна вақтда мусулмон жамоасининг ҳам мол-мулки ҳисобланади. Ўша мол бекордан-бекорга совурилмаслигига жамоат ҳам жавобгардир. Чунки мол-мулк якка шахсларнинг ҳам, жамоаларнинг ҳам ҳаётида улкан қийматга эга. Шунинг учун ҳам уни Аллоҳ таоло ояти каримада **«Аллоҳ сизларга (ҳаёт) тиргаги қилиб қўйган»**, деб таърифляпти.

Ҳа, бу дунёда мол-мулкка Ислом шундай назар билан қарайди. Ҳар бир мусулмон қўлидаги молнинг муҳофазасини таъминлайди. Агар эси пастларга топшириб қўйса, ўзимнинг молимни сарф қиялманку, деб жамоатчиликни ҳам кўпгина яхшиликлардан маҳрум қилиши мумкин.

Ушбу ояти каримага амал қилиб, уламоларимиз «ҳажр» деб аталган қоидани ишлаб чиққанлар. Бу сўз луғавий жиҳатдан «қотириш» маъносини англатади.

Амалда эса, эси пастларга, яъни молни яхши тасарруф қилишни билмайдиганларга ўз ҳолича мону мулк ишлатишни ман этишдир.

Ҳажр турли ҳолларда жорий қилинади. Мисол учун, етимнинг ёши кичик бўлса, унга ҳажр жорий қилинади. Чунки кичкина болалар ўзига мерос сифатида қолган молларни мустақил тасарруф қила олмайдилар, ҳаётни билмаслик оқибатида молни нотўғри сарф қилиб, ундан ажралиб қолишлари мумкин. Шунинг учун унинг моли уни оталиққа олган шахсга топширилади. Оталиққа олган киши эса, бу молни омонат билан сақлаб, етим вояга етганда — «эси пастлик»дан чиққанда ўзига қайтариб беради.

Шунингдек, мажнунлик туфайли ҳам ҳажр қилинади. Ўз-ўзидан маълумки, мажнун одам мол-мулкни зое қилади. Унинг моли ҳам омонат сифатида унга яқин кишилардан бирига топширилади. Аллоҳ шифо бериб, тузалиб қолса, яна ўзига қайтарилади.

Молни ҳажр қилишнинг сабабларидан яна бири уни ноўрин сарфлашдир. Ақлида ва динида нуқсонли бор кишилар молни ноўрин сарфлайдиган бўлсалар, уларнинг моли ҳам ҳажр қилинади. Чунки улар ўзларининг «эси паст»ликлари билан нафақат ўз шахсларига, балки мусулмон жамоасига ҳам катта зарар келтирадилар.

Шариатимизда касодга учраганларнинг молини ҳажр қилиш ҳам бор. Бир одам бир қанча шахслардан қарз олган, уни қайтариб бермаяпти. Иложи йўқ. Қарз берувчилар қозига арз қилсалар, қози қарздорнинг молини ҳажр қилади, яъни молини ўзича сарфлашни унга ман қилиб қўяди. Унинг ҳисобига тушган молни қарз берганларга бўлиб бериб туришни жорий қилади.

Табиийки, ҳажр туфайли молларини олиб қўйиш мол эгаларига қаттиқ ботади. Бу ҳолни эътиборга олиб, оятнинг иккинчи ярмида:

**«Уларни ўшандан ризқлантиринг, кийинтиринг ва уларга маъруф сўз айтинг»,** дейилмоқда.

Шунга биноан, «эси пастлар»га уларнинг ҳажр қилинган молларидан еби-ичиш ва кийинишга, яъни кундалик ҳаётига сарфлаб турилади. Уларга яхши сўз-



лар айтилади, яъни тушунтириш олиб борилади. Ҳажр унга зулм эмас, кони фойда эканлиги баён қилинади.

### 3. Жонга ва молга валийлик.

Бунга етим ва бой болага валий бўлиш мисол бўлади. Бунда валий етимни тарбиялаб, ўстириш билан бирга, унинг молини муҳофаза қилишга ҳам масъул бўлади.

## БОЛАЛАР НАФАҚАСИ

### 14. Нафақа отанинг бурчи, болаларнинг ҳаққидир.

Болаларнинг нафақаси, уларни озиқ-овқат, кийим кечак, турар-жой билан таъмин этиш отанинг бурчидир. Бу нарсалар ҳалол-пок бўлиши матлубдир. Ҳаром касб билан топилган таомни еган мурғак вужуднинг келажақда ҳалол, одобли киши бўлиб етишганини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Фарзандларида ахлоқсизлик, одобсизлик, қонун бузишлар илдизини уларнинг халқуми бузилганлигидан излаш керак бўлади. Агар халқумингиз покланмас экан, бор меҳрингизни, топган-тутганингизни сарфлаб, тарбиялаган болангиз ота-онага бемехр, оқпадар, осий бўлиб улғаяди.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: تَلَيْتُ الْآيَةَ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ: ﴿يَتَأْتِيهَا النَّاسُ كُلُّوْا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَالًا طَيِّبًا﴾ فَقَامَ سَعْدُ بْنُ أَبِي وَقَّاصٍ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، اذْعُ اللَّهُ أَنْ يَجْعَلَنِي مُسْتَجَابَ الدَّعْوَةِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: يَا سَعْدُ، أَطْبَ مَطْعَمَكَ تَكُنْ مُسْتَجَابَ الدَّعْوَةِ، وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ إِنْ الْعَبْدُ لَيَقْدِفُ اللَّقْمَةَ الْحَرَامَ فِي جَوْفِهِ مَا يُتَقَبَلُ مِنْهُ عَمَلٌ أَرْبَعِينَ يَوْمًا، وَأَيُّمَا عَبْدٍ تَبَتَ لَحْمُهُ مِنْ سُحْتٍ فَالْنَّارُ أَوْلَى بِهِ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида «Эй иймон келтирганлар, ер юзидаги нарсалардан ҳалол-покларини енглар» ояти тиловат қилинди. Шунда Саъд ибн Абу Ваққос туриб:

«Ё Расулаллоҳ, Аллоҳга дуо қилинг, мени дуоסי қабул бўладиганлардан қилсин», – деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Саъд, таомингни пок қилгин, дуоסי қабул бўладиганлардан бўласан. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, албатта, банда бир луқмани қорнига ташлайди ва ундан амали қирқ кун қабул қилинмайди. Қай банданинг гўшти ҳаромдан ўсган бўлса, олов унга лойиқроқдир», – дедилар».

*Тобароний ривоят қилган.*

Ҳар ким ўзи хулоса чиқариб олаверсин. Ўзи нима тановул қилаётганига, аҳлу аёлига нима бераётганига, мурфак гўдақларини нима билан таомлантираётганига бир назар солсин.

**Фақир ёш боланинг нафақаси отасига вожиб бўлади.**

Бу ҳукмнинг далили Қуръони Каримдан олинган.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида бундай деб марҳамат қилади:

وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ

«У(она)ларни маъруф ила едириб, кийинтириш отанинг зиммасидадир» (233-оят).

Боланинг сабабидан онага нафақа бериш вожиб бўлганидан кейин, боланинг ўзига нафақа бериш вожиб бўлишида ҳеч шубҳа қолмайди.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ هِنْدًا بِنْتَ عُبَيْةٍ قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أَبَا سُفْيَانَ رَجُلٌ شَحِيحٌ وَلَيْسَ يُعْطِينِي مَا يَكْفِينِي وَوَلَدِي إِلَّا مَا أَخَذْتُ مِنْهُ وَهُوَ لَا يَعْلَمُ، فَقَالَ: خُذِي مَا يَكْفِيكَ وَوَلَدِكَ بِالْمَعْرُوفِ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Ҳинд бинту Утба:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Суфён ўта бахил одам, унга билдирмай олганимдан бошқа менга ва боламга кифоя қиладиган ҳеч нарса бермайди», деди.



**«Ўзингга ва болангга етарлисини тўғрилиқча ол», дедилар у зот.**

*Икки шайх ривоят қилганлар.*

**Унга бу ишда худди ота-онаси ва хотинининг нафақасидаги каби, бирор киши шерик бўлмайди.**

Яъни, боланинг нафақаси фақат отага, ота-онанинг нафақаси фақат ўғилга ва хотиннинг нафақаси фақат эрга вожиб бўлади. Унга бу нафақада ҳеч ким шерик бўлмайди.

**Онасига уни эмизиш вожиб бўлмайди. Илло, ундан бошқа бўлмаса, бўлади.**

Яъни, онасидан бошқа эмизадиган тошилмаган чоғдагина болани эмизиш унга вожиб бўлади.

Мана шу гап ҳозирги баъзи енгилтабиат «она»-ларга жуда дастак бўлиб қолмасмикан?

Чунки болани эмизиш нафақадир. Нафақа эса отага вожибдир.

**Ота болани эмизишга бировни ёллаши онанинг олдида бўлади. Агар ота эмизиш учун онани ўзига никоҳланган ёки ўзи қўйган ражъий талоқдан идда ўтирган ҳолида ёлласа, жоиз эмас. Боин талоқ қилинган она ҳақида икки хил ривоят бор. Агар болани эмизиш учун она иддадан кейин ёлланса, тўғри бўлади. У ажнабиядан кўра ҳақлироқдир. Аммо, она кўп ҳақ талаб қилса, ҳақли бўла олмайди.**

**Баловатга етган қизнинг ва майиб ўғилнинг нафақаси отанинг зиммасига хос бўлади. Фатво шунга берилган.**

Баловатга етган қизнинг эри бўлмаса, нафақаси отасига вожиб бўлади. Кўзи ожиз, ақли йўқ, толиби илм бўлган ўғиллар фақир бўлсалар, уларнинг нафақаси ҳам отага вожиб бўлади.

Турмуши бузилиб, қайтиб келган қизнинг нафақаси ҳам отага вожиб бўлади.

عَنْ سُرَاقَةَ بْنِ جُعْشَمٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: يَا سُرَاقَةَ، أَلَا أَدُلُّكَ عَلَىٰ أَعْظَمِ الصَّدَقَةِ - أَوْ قَالَ: أَعْظَمِ مِنَ الصَّدَقَةِ؟ - قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ بَلَى. قَالَ: أَنْ تُكْرِمَ مَرْدُودَةَ إِلَيْكَ لَيْسَ لَهَا كَاسِبٌ غَيْرُكَ.



*Суроқа ибн Жуъшумдан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Суроқа, сенга энг улуғ садақанинг ёки садақадан ҳам улуғроқ нарсанинг далолатини берайми?» – дедилар.

«Ҳа, Ё Расулаллоҳ», – деди.

«Ҳузурингга қайтиб келган ва сендан бошқа таъминотчиси бўлмаган аёл зотига икром кўрсатмоғинг», – дедилар».

Яъни қизми, сингилми, турмуши бўлмай, оиласи бузилиб, қайтиб келган бўлса-ю, унга сендан бошқа қаровчи, боқувчи бўлмаса ва сен ҳалол касб ила топганингдан уни нафақа билан таъминласанг, икром қилсанг, жаннатга кирасан.

## БОЛАГА МЕҲРИБОНЛИК

**15. Болага меҳрибонлик кўрсатиш ота-онанинг вазифаси ва боланинг ҳаққидир.**

Инсон зоти доимо меҳр-муҳаббатга эҳтиёжли бўлади. Айниқса, болалар бу нарсага жуда ҳам муҳтожлар. Аслида, меҳр-муҳаббат дини бўлмиш Ислом, шунинг учун ҳам болаларга меҳр-муҳаббат кўрсатишни ота-оналарга вазифа этиб юклаган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَبَّلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْحَسَنَ بْنَ عَلِيٍّ وَعِنْدَهُ الْأَقْرَعُ بْنُ حَابِسٍ التَّمِيمِيُّ جَالِسًا، فَقَالَ الْأَقْرَعُ: إِنَّ لِي عَشْرَةَ مِنْ الْوَلَدِ مَا قَبَلْتُ مِنْهُمْ أَحَدًا. فَنَظَرَ إِلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ قَالَ: مَنْ لَا يَرْحَمُ لَا يُرْحَمُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳузурларида Ақраъ ибн Ҳобис Таймий ўтирганда Ҳасан ибн Алини ўпдилар. Шунда Ақраъ:

«Менинг ўнта болам бор. Улардан бирортасини ўпганим йўқ», – деди.



**Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга назар солдилар-да, сўнг:**

**«Раҳм қилмаганга раҳм қилинмас», – дедилар».**

*Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўта бола-жон зот эдилар. Ул зот болалар ичида набиралари Ҳасан ва Ҳусайнни жуда ҳам яхши кўрар ва уларга меҳрибонлик кўрсатар эдилар.

Ушбу ривоятда у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳасан розияллоҳу анҳута кўрсатган меҳр-лари, саҳобалардан бирининг бунга бўлган муносабатлари ва бу муносабатнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан баҳоланиши ҳақида сўз кетмоқда.

عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَأْخُذُنِي فَيَقْعِدُنِي عَلَى فِخْذِهِ وَيُقْعِدُ الْحَسَنَ عَلَيَّ فَيَحِذُهُ الْأُخْرَى ثُمَّ يَضُمُّهَا ثُمَّ يَقُولُ: اللَّهُمَّ ارْحَمْهُمَا فَإِنِّي أَرْحَمُهُمَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени олиб, сонларига ўтқазар эдилар. Ҳасанни эса бошқа сонларига ўтқазар эдилар. Сўнгга сонларини бир-бирига қўшиб туриб:**

**«Аллоҳим! Иккисини раҳм қилгин, мен уларга раҳм қилурман», – дер эдилар».**

*Бухорий ривоят қилган.*

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: جَاءَ أَعْرَابِيٌّ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: أَتَقْبَلُونَ الصَّبِيَّانَ! فَمَا نَقَبْلُهُمْ، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: أَوْ أَمْلِكُ لَكَ أَنْ نَزَعَ اللَّهُ مِنْ قَلْبِكَ الرَّحْمَةَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди ва:**

**«Сизлар болаларни ўпасизларми? Биз уларни ўпмаймиз», – деди.**

**Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳ қалбингдан раҳматни суғуриб олган бўлса, мен нима ҳам қила олар эдим», – дедилар».**

*Икки Шайх ривоят қилганлар.*

عَنْ الشَّعْبِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: إِنْ الرَّجُلَ لِيُوجِرْ فِي مَسْحِ يَدِهِ عَلَى رَأْسِ وَلَدِهِ، وَفِي إِيْتَانِهِ امْرَأَتَهُ. رَوَاهُ حُسَيْنُ الْمَرْوَزِيُّ.

*Шаъбийдан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Албатта, киши боласининг бошини силаганига ва аёлига яқинлик қилганига ҳам ажр олади», – дедилар».**

*Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.*

Мусулмон одам ўз боласига меҳр кўрсатиб, унинг бошини силаб, кўнглини овутиб, тарбия маъносида қилган ҳаракатларига ҳам албатта ажр олади.

Демак, бола тарбияси учун қилинадиган ҳар бир ҳаракат ажрсиз, савобсиз қолмас экан. Боланинг бошини силашда одамнинг ўзи роҳат топади. Лекин шу нарса болага ҳам яхши таъсир қилганидан, Аллоҳ таоло бунинг учун ота-онага ажр-савоб берар экан. Ота-она боласининг бошини силагани учун ҳам ажр олар экан, уни едириб-ичиргани, кийдиргани, ўқитгани, Қуръон ёдлатгани, одоб-ахлоқдан тарбия бериб қийналгани учун оладиган савоблари қанча бўлишини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Демак, ота-онанинг бола учун қиладиган ҳеч бир ҳаракати савобсиз, ажрсиз кетмас, дунёю охиратнинг бахту саодатига сабаб бўлмай қолмас экан.

Қизларга алоҳида ҳурмат ва меҳр билан муносабатда бўлиш ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари ҳам бор. Чунки қизлар меҳрга муҳтож, ўзлари ожиза бўлишади. Шу боис улар тарбиясида эътибор, меҳр-мурувват ва эҳтиёткорлик кўпроқ зарур бўлади.



## БОЛАЛАР ОРАСИДА АДОЛАТ ҚИЛИШ

**16. Болалар орасида адолат қилиш ҳам ота-онанинг вазифаси ва болаларнинг ҳаққидир.**

Ислому адолат динидир. У доимо барча нарсада, барча ерда, барча учун адолат бўлишининг тарафдоридир. Айниқса, ёш болалар учун. Шунинг учун ҳам ота-оналардан болалари орасида адолатли бўлишлари талаб қилинган. Бу болаларнинг тарбиясига ҳам, шахсиятига ҳам катта таъсир кўрсатади.

عَنِ النَّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: انْطَلَقَ بِي أَبِي يَحْمِلُنِي إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، اشْهَدْ أَنِّي قَدْ نَحَلْتُ النَّعْمَانَ كَذَا وَكَذَا مِنْ مَالِي، فَقَالَ: أَكُلَّ بَنِيكَ قَدْ نَحَلْتَ مِثْلَ هَذَا؟ قَالَ: لَا، قَالَ: فَأَشْهَدْ عَلَيَّ هَذَا غَيْرِي، ثُمَّ قَالَ: أَيَسْرُكَ أَنْ يَكُونُوا إِلَيْكَ فِي الْبَرِّ سِوَاءًا؟ قَالَ: بَلَى، قَالَ: فَلَا إِذَا. وَفِي رِوَايَةٍ: اتَّقُوا اللَّهَ وَاعْدِلُوا فِي أَوْلَادِكُمْ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Отам мени кўтариб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордилар ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули, гувоҳ бўлинг, мен Нуъмонга ўз молимдан буни, буни бердим», деди.

«Ҳамма ўғилларингга шунга ўхшаш бердингми?» дедилар у зот.

«Йўқ», деди.

«Бунга мендан бошқани гувоҳ қил, — дедилар ва сўнгра: — Уларнинг барчаси сенга бирдек яхшилик қилиши сени хурсанд қиладими?» дедилар.

«Ҳа», деди.

«Ундай бўлса, йўқ!» дедилар».

*Бошқа бир ривоятда:*

«Аллоҳга тақво қилинглар ва фарзандларингиз орасида адолатли бўлинглар», дейилган.

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

Ушбу ҳадисга биноан, мусулмон инсон молиявий масалаларда ўз фарзандларининг барчасини баробар кўриши керак бўлади. Агар тенг имкониятли фарзандларнинг бирига мол бериб, бошқасига бермаса ёки бирига оз, иккинчисига кўп берса, адолатсизлик бўлади. Болалари орасида ҳиқду ҳасад, фитна кучаяди.

Агар шаръий сабаб бўлса, ота-она ўз болаларидан бирига кўпроқ, бошқасига озроқ мол берса, бўлади.

Мисол учун, бири бемор, иккинчиси соғ, бири камбағал, иккинчиси бой, бирининг болалари кўп, иккинчисиники оз.

عَنْ إِبْرَاهِيمَ قَالَ: كَانُوا يَسْتَحِبُّونَ أَنْ يَعْدِلُوا بَيْنَ أَوْلَادِهِمْ حَتَّى فِي الْقَبْلَةِ. رَوَاهُ حُسَيْنُ الْمَرْوَزِيُّ.

*Иброҳимдан ривоят қилинади:*

**«Одамлар болалари орасида, ҳатто ўпишда бўлса ҳам, адолат қилишни яхши кўрар эдилар».**

*Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.*

Ўтган солиҳлар ҳатто болаларини ўпишда ҳам бир хил ўпишга ҳаракат қилишар эди. Адолатсизлик бўлиб қолмасин, биттасини кўпроқ ёки яхшироқ ўпиб қўйиб, иккинчисининг кўнгли синмасин, деган маънода ота-оналар болаларига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муомала қилар эдилар.

Саҳобалар ва тобеъинларнинг одатлари шундай бўлган экан. Болаларга нисбатан адолатли, ҳаммаларига бир хил муносабатда бўлиш, ҳаммаларини бир хил кўриш зарурлигини яхши англаган мусулмонларнинг дастлабки авлодлари, ҳаттоки, болаларини ўпишда ҳам адолат бўлиши учун ҳаракат қилишар экан.

عَنِ الْحَسَنِ قَالَ: كَانَ رَجُلٌ عِنْدَ النَّبِيِّ ﷺ فَجَاءَ ابْنٌ لَهُ فَأَقْعَدَهُ عَلَى فِخْذِهِ الْيُمْنَى، ثُمَّ جَاءَ ابْنٌ لَهُ آخَرٌ أَوْ ابْنَةٌ لَهُ، فَأَقْعَدَهُ عَلَى الْأَرْضِ، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: لَوْ كُنْتَ سَوَّيْتَ بَيْنَهُمَا. فَأَقْعَدَهُ عَلَى فِخْذِهِ. رَوَاهُ حُسَيْنُ الْمَرْوَزِيُّ.



*Ҳасандан ривоят қилинади:*

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўтирган эди. Унинг бир ўғли келди ва у уни ўнг сонига ўтирғизди. Кейин бошқа ўғли ёки қизи келди, уни ерга ўтирғизди.

Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икковига тенг муомала қилганингда эди», – дедилар.

У унисини ҳам сонига ўтирғизди».

*Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.*

Болаларнинг муомаласидаги адолат қанчалик бўлиши кераклиги ушбу ривоятда очиқ кўриниб турибди.

Болаларидан бирини қучоғига олиб, бошқасини ерга ўтқазиб адолат бузилганининг аломати эканидан, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам отага насиҳат қилдилар. Саҳобий розияллоҳу анҳу дарҳол ана шу амрни бажо келтириб, иккинчи болани ҳам қучоғига олди.

Мана бу ҳақиқатларни ҳам жуда яхши англаб олишимиз керак. Болаларимизга қиладиган катта-кичик муомалаларимизда адолатли бўлишимиз, ҳаттоки, уларни ўпиш ёки қучоғимизга олишда ҳам бу ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим.

عَنِ الْحَسَنِ قَالَ: بَيْنَمَا النَّبِيُّ ﷺ جَالِسٌ إِذْ جَاءَ صَبِيٌّ حَتَّى انْتَهَى إِلَى أَبِيهِ فِي نَاحِيَةِ الْقَوْمِ فَمَسَحَ بِرَأْسِهِ وَأَقْعَدَهُ عَلَى فَحْدِهِ الْيُمْنَى، فَلَبِثَ سَاعَةً ثُمَّ جَاءَتْ ابْنَةٌ لَهُ حَتَّى انْتَهَتْ إِلَيْهِ فَمَسَحَ بِرَأْسِهَا وَأَقْعَدَهَا بِالْأَرْضِ، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: فَهَلَا عَلَى فَحْدِكَ الْآخَرَى. فَأَقْعَدَهَا عَلَى فَحْدِهِ الْآخَرَى، فَقَالَ: الْآنَ. رَوَاهُ حُسَيْنُ الْمَرْوَزِيُّ.

*Ҳасандан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган эдилар. Бир болача келди ва қавмнинг бир чеккасида ўтирган отасининг олдига борди. Ота унинг бошини силади ва ўнг сонига ўтирғизди. Бир муддат ўтди ва унинг қизчаси келиб, олдига борди. У унинг бошини силаб, ерга ўтирғизди.

**Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

«Уни нариги сонингга ўтқазганингда эди», – дедилар».

**Бас, у қизни бошқа сонига ўтирғизди. Ул зот:**

«Энди яхши бўлди», – дедилар».

*Хусайн Марвазий ривоят қилган.*

Бу ҳадис аввалги ривоятнинг бир оз кенгроқ баёни экан. Бу ерда ота ўз ҳузурига келган иккала фарзандининг ҳам бошини силагани ҳақида сўз кетмоқда, яъни иккисига бир хил меҳр кўрсатган. Фақат уларни ўтқозишда орада фарқ содир бўлган. Ана ўша нарса ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эътиборларидан четда қолмаган.

عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ الْعَزِيزِ قَالَ: كَانَ عُمَرُ بْنُ عَبْدِ الْعَزِيزِ لَهُ ابْنٌ مِنْ امْرَأَةٍ مِنْ كَعْبٍ، وَكَانَ يُحِبُّهُ وَيَنَامُ مَعَهُ فِي بَيْتِهِ قَالَ: فَتَعَرَّضْتُ لَهُ لَيْلَةً، فَقَالَ: أَعْبُدُ الْعَزِيزَ؟ قُلْتُ: نَعَمْ، فَقَالَ: شَرُّ مَا جَاءَ بِكَ، أُدْخِلْ. فَدَخَلْتُ، فَجَلَسْتُ عِنْدَ شَاذُكُونِيَّةٍ وَهُوَ يُصَلِّي فَانْتَفَضَ كَأَنَّهُ مَصُّهُ مِنْ لَدُنْ ظَفَرِهِ إِلَى شَعْرِهِ، فَظَنَنْتُ أَنَّهُ مَرَّ بِأَيَّةٍ ثُمَّ رَكَعَ، فَاتَانِي فَقَالَ: مَا لَكَ؟ فَقُلْتُ لَهُ: الرَّجُلُ وَإِنَّكَ لَتَصْنَعُ بِابْنِ الْحَارِثِيَّةِ مَا لَا تَصْنَعُ بِنَا، وَلَسْتُ أَمِنُ أَنْ يُقَالَ هَذَا مِنْ شَيْءٍ يَرَاهُ عِنْدَهُ وَلَا يَرَاهُ عِنْدَهُمْ، فَقَالَ: أَعَلِمَكَ هَذَا أَحَدٌ؟ فَقُلْتُ: لَا، فَأَعَادَ عَلَيَّ فَأَعَدْتُ عَلَيْهِ، فَقَالَ: ارْجِعْ إِلَى مَبِيتِكَ، فَرَجَعْتُ، فَكُنْتُ أَيْتُ أَنَا وَإِبْرَاهِيمَ وَعَاصِمَ وَعَبْدَ اللَّهِ جَمِيعًا، فَإِذَا نَحْنُ بِفِرَاشٍ يَحْمِلُ يَتَّبِعُهُ ابْنُ الْحَارِثِيَّةِ، فَقُلْنَا: مَا شَأْنُكَ؟ قَالَ: شَأْنِي مَا صَنَعْتُ بِي. قَالَ نَعِيمٌ: كَأَنَّهُ خَشِيَ أَنْ يَكُونَ جَوْرًا، قَالَ عَبْدُ الْعَزِيزِ: فَكَانَ عُمَرُ قَلَّ مَا يُفَارِقُ الدَّارَ إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ بِهِ. رَوَاهُ حُسَيْنُ الْمَرْوَزِيُّ.

*Абдулазиз ибн Умар ибн Абдулазиздан ривоят қилинади:*

«Умар ибн Абдулазизнинг Каъб қабиласилик хотинидан ўғли бор эди. У ўша ўғлини яхши кўрар ва ўзи билан бирга олиб ётар эди. Бир кеча унинг олдига бордим.

«Абдулазизмисан?» – деди у.

«Ҳа», – дедим.

«Сени қайси ёмонлик келтирди? Кир!» – деди.

Кириб, Шозкуния олдига ўтирдим. У намоз ўқиётган экан. Қаттиқ титраб кетди. Худди тирноғининг учидан сочигача титради. Мен, бирор оятни ўқиб ўтди шекилли, дедим. Кейин рукуъ қилди. Олдимга келиб:

«Сенга нима бўлди?» – деди. Мен унга:

«Ҳой киши! Ҳорисиянинг ўғлига бизга қилмаган нарсаларни қиляпсиз», – дедим.

Шу билан бирга, бу унда кўраётган ва уларда кўрмаётган нарса учун шундай бўлмоқда, дейилишидан эмин эмас эдим.

«Буни сенга биров ўргатдимиз?» – деди.

«Йўқ», – дедим.

Яна қайтариб сўради. Мен ҳам гапимни қайтардим.

«Ётоғингга қайт», – деди.

Мен қайтиб кетдим. Мен, Иброҳим, Осим ва Абдуллоҳ бир ётоқхонада ётар эдик. Шу пайт биров кўрпа-тўшак кўтариб келаётганини кўриб қолдик. Қарасак, Ҳорисиянинг ўғли экан.

«Сенга нима бўлди?» – дедик.

«Сен нима қилган бўлсанг, шу бўлди!» – деди.

Нуъайм:

«Унга жабр бўлишидан қўрқди», – деди.

Абдулазиз:

«Умар ҳовлидан узоққа чиқмас эди. Илло, Аллоҳ истаганича», – деди».

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

Бу ривоят болаларининг орасидаги адолат, эркинлик ва ҳаммаларининг бир хил вазиятда ўсиб боришларини таъминлаш муҳимлигини кўрсатади.

Баъзи ҳолатларда Умар ибн Абдулазиздек улуғ зотларда ҳам, турли сабабларга кўра, ушбу ривоят-



дагига ўхшаш нуқсонлар содир бўлиб туради. Аммо улуғларнинг улуғлиги ўзидаги нуқсонни англаб етиши билан дарҳол уни тузатишларидир. Умар ибн Абдулазиз роҳматуллоҳи алайҳи кичик ёшдаги ўғлидан ўзининг фарзандлари орасидаги муомаласида адолатсизликка йўл қўйгани ҳақида танбеҳ ва шикоят эшитди. Аммо, болага: «Бор, йўқол! Сен зумраша нимани билар эдинг», демади. Аксинча, дарҳол нуқсонни тўғрилади.

Бундай улуғвор ишлар барчамизга ўрнак ва намуна бўлиши, барчамиз уларга амал қилишимиз лозим.

## ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

### 17. Тарбия ҳам ота-оналарнинг бурчи ва фарзандларнинг ҳаққидир.

«Тарбия» сўзи арабча «робба» феълдан олинган бўлиб, ўстирди, зиёда қилди, риоясига олди, раҳбарлик қилди ва ислоҳ қилди маъноларини билдиради.

Мусулмон уламолар «тарбия»ни бир неча хил таъриф қилганлар.

Жумладан, имом Байзовий қуйидагича таърифлайди:

«Тарбия бир нарсани аста-секин камолига етказишдир».

Роғиб Асфиҳоний тарбияни қуйидагича таъриф қилади:

«Тарбия бир нарсани бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтказиш бориб, батамомлик нуқтасига етказишдир. Тарбиянинг маъноларидан бири, инсоннинг диний, фикрий ва ахлоқий қувватларини уйғунлик ҳамда мувозанат ила ўстиришдир».

Исломда болалар тарбияси ота-онанинг энг масъулиятли ва узоқ давом этадиган бурчларидир. Бошқа бурчлар баъзи ишларни қилиш ёки мулкни сарфлаш билан охирига етади. Аммо тарбия масъулияти бардавом бўлади. Зотан, ота-онанинг фарзанд неъматига ҳақиқий шукрлари ҳам айнан тарбия масъулиятини шараф билан адо этиш орқали юзага чиқади. Амалий



шукр — берилган неъматни неъмат берувчи зотни рози қиладиган тарзда тасарруф қилиш билан бўлади. Бинобарин, фарзанд неъматига амалий шукр қилиш ўша фарзандни Аллоҳ таолога итоат қиладиган банда қилиб тарбиялаш билан юзага чиқади. Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни қанчалар катта эканини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадиси шарифларидан билиб оламиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَا مِنْ مَوْلُودٍ إِلَّا يُوَلَّدُ عَلَى الْفِطْرَةِ فَأَبَوَاهُ يُهَوِّدَانِهِ أَوْ يُنَصِّرَانِهِ أَوْ يُمَجِّسَانِهِ كَمَا تُنْتَجُ الْبَيْهَمَةُ بِهَيْمَةِ جَمْعَاءَ هَلْ تُحْسِنُونَ فِيهَا مِنْ جَدْعَاءَ. ثُمَّ يَقُولُ أَبُو هُرَيْرَةَ: وَاقْرَأُوا إِنَّ شِئْتُمْ ﴿فَطَرَتِ اللَّهُ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا يَبْدِيلَ لِخَلْقِ اللَّهِ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ﴾. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ҳар бир туғилган бола фақат фитрат (соф табиат) ила туғилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий ёки насроний ёки мажусий қилади. Бу худди ҳайвоннинг бус-бутун ҳайвон туғишига ўхшайди. Сиз унда қулоқ-бурни кесилганини ҳис қилганмисиз?» дедилар.**

**Сўнгра Абу Ҳурайра «Агар хоҳласангиз: «(Бу) Аллоҳ одамларни яратган асл фитратдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир», деган оятни ўқинг», дер эди».**

*Тўртовлари ривоят қилишган.*

Ушбу ҳадиси шарифда Аллоҳ таоло инсонларни яратиш пайтида соф табиат билан яратса ҳам, кейинчалик инсонлар, хусусан, ота-она тарбияси сабабли бу софликка футур етиши, унинг бузилиши ҳақида сўз кетмоқда. «Фитрат» соф табиат, динни тўғри қабул қилишга бўлган қобилият деганидир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёда туғиладиган ҳар бир бола соф табиат билан, Аллоҳ таоло-

нинг динини қабул қилиш қобилияти билан туғилиши ҳақида хабар бермоқдалар.

Демак, Аллоҳ таоло ҳеч кимни аввалдан сен яҳудий бўласан, сен насроний бўласан, сен мажусий бўласан, деб мажбур қилмайди. Одамларнинг турли динга мансуб бўлишига сабаб бор:

**«Бас, ота-онаси уни яҳудий, насроний ёки мажусий қилади».**

Яъни, ота-оналар болаларини ўз динларида тарбиялашлари оқибатида болаларнинг соф табиати бузилиб, яҳудий, насроний ва мажусий бўлиб қоладилар.

Шу жойда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу маънони тўлиқроқ тушунтириш мақсадида саҳобаи киромларга ҳиссий бир мисол келтирмоқдалар.

**«Бу худди ҳайвоннинг бус-бутун ҳайвон туғишига ўхшайди. Сиз унда қулоқ-бурни кесилганини туйганмисиз?»**

Яъни ҳар бир ҳайвон боласи онасидан бус-бутун туғилади. Бирортасининг қулоғи ёки бурни кесилмаган бўлади. Аммо, эгалари белги қўйиш мақсадида ва яна бошқа пиятда уларнинг қулоқларини, бурунларини кесадилар ва ҳоказо. Шунга ўхшаб, инсон ҳам онадан соф табиат билан туғилади, у яҳудий, насроний ёки мажусий бўлиб туғилмайди. Ота-онасининг тарбияси гуфайли яҳудий, насроний ёки мажусий бўлади.

Аллоҳ таоло бу дунёдаги нарсаларни сабабият қонуни ила бир-бирига боғлаб қўйган. Оч инсон таом емаса, қорни тўймайди. Ота-она қўшилмаса, бола туғилмайди. Худди шунингдек, тарбия бўлмаса, инсон тарбия кўрган бўлиб вояга етмайди.

Шунинг учун ҳам Ислолда бола тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Бола тарбияси бўйича мутахассисларимиз: «Боланинг тарбиясини туғилиши билан бошлаш керак», дейишади.

**1. Тарбиянинг бир қисми болага одоб ўргатишдир.**

Бизнинг тилимизда «одоб» тарзида талаффуз қилинишга одатланиб қолинган арабча «адаб» сўзи, аслида, «маъдаба» ўзагидан олинган. «Маъдаба» сўзи



одамлар даъват қилинган зиёфатни англатади. Одоб ҳам одамлар доимо даъват қилинадиган маънавий «маъдаба» — зиёфат бўлганлиги учун шу номни олган.

Абу Муҳаммад «Китобул Воҳий» номли асарларида: «Одоб одамларни мақталган нарсаларга чақиргани учун «одоб» деб номланган», — дейдилар.

Абу Зайд роҳматуллоҳи алайҳи: «Одоб фазилатлардан бирига элтувчи яхши уринишга ишлатиладиган исмдир», — деганлар.

Одобнинг таърифида қуйидагига ўхшаш гаплар ҳам келган:

«Мақтовга сазовор сўз ва амални қилиш одобдир».

«Карамли ахлоқларни ушлаш одобдир».

«Ўзингдан катташи улуғлаб, ўзингдан кичикка меҳр кўрсатишинг одобдир».

Бу ва шунга ўхшаш таърифлар тўпланганда Исломда кўзланган «одоб» таърифи юзага келади.

Ҳозирги кунда ғарб маданияти таъсирида «одоб»-ни маданият дейиш ҳам жорий бўлган. Мисол учун, «овқатланиш одоби» дейиш ўрнига «овқатланиш маданияти» дейилади.

Одоб масаласини инсоният тарихида тўлақонли равишда Ислом бошлаган, десак муболаға қилмаган бўламиз. Исломда кишининг ҳаётидаги ҳар бир нарсанинг ўз одоби бор. Дунёдаги одобга бағишланган асарларнинг асосини ва кўпчилигини Ислом халқлари вакиллари томонидан ёзилган асарлар ташкил қилади, деган гапда заррача муболаға йўқ.

Авалло тарбия ва одоб масаласида ота-онанинг ўзи болаларга яхши намуна бўлиши керак.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو قَالَ: دَعَنِي أُمِّي يَوْمًا وَرَسُولُ اللَّهِ ﷺ قَاعِدٌ فِي بَيْتِنَا فَقَالَتْ: هَا تَعَالِ أَعْطِيكَ، فَقَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَا أَرَدْتُ أَنْ تُعْطِيَهُ؟ قَالَتْ أَرَدْتُ أَنْ أَعْطِيَهُ تَمْرًا، فَقَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: أَمَا إِنَّكَ لَوْ لَمْ تُعْطِيَهُ شَيْئًا كُتِبَتْ عَلَيْكَ كِذْبَةٌ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ عَسَاكِرَ.

*Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйимизда ўтирганларида онам мени чақириб:

«Бери кел, бир нарса бераман», – деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Нима бермоқчисан?», – дедилар.

«Мен унга хурмо бермоқчи эдим», – деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Аммо, агар унга ҳеч нарса бермаганингда, сенга ёлғон ёзилар эди», – дедилар».

*Абу Довуд ва Байҳақий ривоят қилганлар.*

Ушбу ҳадиси шарифда онанинг бир оғиз гапида ҳам бола тарбиясига катта таъсир қиладиган омил борлиги уқтирилмоқда. Одатда оналар болаларини гапларига киргиза олмаслар, алдашга ўтадилар. Бирор нарса бериш ваъдаси ила алдаб, ушлаб олиб, калтаклашга тушадилар. Аслида эса, шу ишлари билан болаларининг тарбиясига зарар стказаётган, уларга ёмон намуна кўрсатаётган бўладилар. Ҳар бир бола учун унинг ота-онаси дунёдаги энг улуғ кишилар бўлади. Бола ота-онасига тақлид қилади ва улардан ўрнак олади. Ана ўша боланинг назаридаги энг улуғ ва ўрнак олишга сазовор инсон уни алдагандан кейин, болада, мен ҳам шундай қилсам бўлар экан, деган тушунча пайдо бўлиши табиий.

Шунинг учун ҳам ота-она болаларига доимо яхши ва гўзал ўрнак бўлишлари лозим. Барча яхши сифатларни намойиш қилиб, барча ёмон сифатлардан узоқда бўлишлари керак. Ота-она болаларига шахсий намуна кўрсатишлари билан бирга, уларга одобларни қунт билан, зерикмасдан ўргатиб боришлари зарур. Чунки ота-онанинг болаларга берадиган нарсалари ичида энг қимматлиси ва зарурийси одобдир.

عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: مَا نَحَلَ وَالِدٌ وَلَدًا مِنْ نَحْلِ أَفْضَلٍ مِنْ آدَبٍ حَسَنٍ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Саъийд ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳеч бир ота ўз фарзандига яхши одоб ўргатишдан ортиқ ҳадя қила олмайди», – дедилар.

Термизий ривоят қилган.

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَأَنْ يُؤَدَّبَ الرَّجُلُ وَلَدَهُ أَوْ أَحَدُكُمْ وَلَدَهُ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَتَّصِدَّقَ كُلَّ يَوْمٍ بِنِصْفِ صَاعٍ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Киши фарзандини одобли этиб тарбиялаши унинг учун ҳар куни ярим соъ садақа қилишидан яхшироқдир», – дедилар».

Термизий ва Аҳмад ривоят қилганлар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَكْرَمُوا أَوْلَادَكُمْ وَأَحْسِنُوا أَدَبَهُمْ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Фарзандларингизни ҳурматланг ва уларнинг одобини гўзал қилинг», – дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

Бола ота-онаси ҳузуридаги омонат бўлиб, унинг қалби покиза гавҳардир. У ҳар қандай нақшни қабул қилаверади. Агар яхшиликка ўргатилса, ўшандай ўсади. Унинг савобига ота-онаси ва мураббийси шерик бўлади. Агар ёмонликка ўргатилса, ўшандай ўсади. Унинг гуноҳига ота-онаси ва мураббийси шерик бўлади. Валий уни сақлаши, таълим-тарбия бермоғи лозим. Унга яхши ахлоқларни ўргатсин, уни ёмон болалардан сақласин, ўткинчи лаззатларга қизиқишга

одатлантирмасин, уни зебу зийнатга ружуъ қўйишга қизиқтирмасин. Токи катта бўлганда зебу зийнат ортидан юриб, умрини зое қилмасин.

Ота-она болани кичиклигидан, умрининг аввалги кулларидан эҳтиёткорлик билан кузатиб бориши керак. Уни фақатгина диндор ва ҳалол ейдиган аёлга эмиздирсин. Ҳаромдан ҳосил бўлган сутда барака бўлмайди.

Болада пайдо бўладиган сифатларнинг аввалгиси таомга ўчлик бўлади. Шунинг учун ота-она унга овқатланиш одобларидан таълим берсин. Баъзи вақтларда фақат нон ейишга одатлантирсин. Токи, нонга бошқа нарсани қўшиб ейиш лозим, деган ҳаёлга бормасин. Ота-она боласига кўп овқат ейишнинг ёмонлигини сингдиради. Кўп таом емоқ ҳайвонлар иши эканини тушунтиради.

Ўрил болаларга оқ рангли кийимлар кийиш яхши экани, рангдор ва ипак кийимларнинг аёлларга хос экани тушунтирилади. Болани сернеъмат ҳаёт кечирishга одатланган болаларга қўшмаслик керак бўлади.

Вақти келганда мактабга бериб, барча керакли илмларни ўргатиш, жумладан, Қуръон, ҳадис ва яхшиларнинг қиссаларидан таълим бериш бошланади. Шу тариқа унинг қалбига аҳли солиҳларнинг муҳаббати солинади. Беҳуда, енгил-елпи куй-қўшиқларни тинглашига йўл қўйилмайди.

Боладан яхши хулқ ва мақтовга сазовор иш содир бўлса, уни тақдирлаш ва хурсанд бўладиган нарса ила мукофотлаш ҳамда одамлар ҳузурида мақташ лозим.

Баъзи ҳолатларда мазкур ишларга хилоф нарсани содир қилса, ўзини билмаганга солиб, унинг айбини ошкор қилмаслик керак. Агар ўша номаъқул нарсани яна қайтадан қилса, ҳеч кимга билдирмай, жазолаш ва одамлар билиб қолса, уят қилишларини уқтириш лозим.

Аммо, жазо кўпайтириб юборилмасин. Чунки бу нарса боланинг бетини қотириб қўяди. Кейин уялмай, ҳар нарсани қилишга одатланиб қолади. Ота боласининг ҳузурида ўз ҳайбатини сақлаб туриши керак.



Она боласини отаси ила огоҳлантириб турсин.

Кундузи ва бевақт ухлашга болани одатлантirmаслик керак. Бунда у дангасаликка ўрганиб қолади. Кечаси ухлаш ман қилинмайди. Ётар жойи юмшоқ бўлмагани яхши.

Бола ётоқ, кийим ва таомда дағалликка одатлансин.

Бола дангаса бўлиб қолмаслиги учун пиёда юришга, кўп ҳаракат қилишга ва бадантарбияга одатлансин.

Бола ота-онасининг бойлиги, таоми ва кийими ила тенгдошлари олдида фахрланишга одатланмасин.

Бола ўзи билан бирга яшайдиганларга нисбатан тавозуъли бўлишга ва уларни ҳурматлашга одатланиши лозим.

Боланинг ўзига ўхшаган болаларнинг нарчасини тортиб олишига йўл қўйилмайди. Унга бировнинг нарчасини олиш пасткашлик экани уқтирилади.

Болага тилла ва кумушга муҳаббат қўйиш ёмонлигини тушунтириш лозим.

Болага ўтирган жойида туфламаслик, бурнини тозаламаслик, бировнинг олдида эснамаслик, бир оёғининг устига иккинчисини қўймаслик ва кўп гапирмаслик каби одоблар ўргатилиш керак.

Болага камгап бўлиш, бошқаларнинг гапини диққат билан тинглаш, ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, улар келганда ўрnidан туриб кутиб олиш ва одоб билан ўтириш каби нарсалар ўргатилади.

Бола уят сўзларни гапиришдан ва уят сўзларни гапирадиганларга қўшилишдан ман қилинади. Зотан, болани муҳофаза қилиш уни ёмон улфатлардан сақлашдан иборатдир.

Мактабдан қайтиб келганидан кейин болага чиройли ўйинлар ўйнашга шароит яратиб бериш керак. Бу билан у ўқишдаги чарчоғини ёзади.

Боланинг ота-онасига ва устозига итоат қилишга одатланиши жуда ҳам зарурдир.

Бола балоғатга етганида намоз ўқишга буюрилади. Ўрганиши учун тоҳаратсиз юрмасликка одатлантирилади. Уни ёлғон ва хиёнатга яқин келмасликка ча-



кирилади. Ўсмирлик чоғи яқинлашганида ундан ўша пайтда керакли бўладиган нарсалар талаб қилинади.

Ҳар бир мураббий билиб олиши лозим бўлган нарсалардан бири, боланинг ёшлигидан солиҳ бўлиб ўсишига аҳамият бериш кераклигидир. Агар бу иш амалга ошса, яхшилик боланинг қалбида собит бўлиб қолади.

Бунда ўтган салафи солиҳларимиздан ўрнак бўладиган тажрибалар кўп қолган.

Саҳл ибн Абдуллоҳ қуйидагиларни айтади:

«Чамаси уч ёшли бола эдим. Кечаси уйғониб, тоғам Мухаммад ибн Сиворнинг намоз ўқишига назар солиб турар эдим. Бир куни тоғам менга:

«Сени яратган Аллоҳни зикр қиласанми?» — деди.

«Уни қандай зикр қиламан?» — дедим.

«Тилингни қимирлатмасдан, қалбингда уч марта: «Аллоҳ мен билан, Аллоҳ менга назар солиб турибди, Аллоҳ менинг гувоҳим», дейсан», — деди.

Мен у сўзларни бир неча кеча айтдим ва тоғамга хабарини бердим. У менга:

«Энди уларни ҳар кеча ўн бир мартадан айт», — деди.

Мен уни ҳам қилдим. Бир муддатдан сўнг қалбимда унинг ҳаловатини сездим. Бир муддат ўтгандан кейин тоғам менга:

«Мен сенга ўргатган нарсани ёдлаб олгин-да, то қабрга киргунингча уни давом қил», — деди.

Мен у ишни йиллар давомида узлуксиз қилиб юрдим. Уларнинг ҳаловатини ичимда топдим. Сўнгра тоғам менга:

«Эй Саҳл! Аллоҳ у билан бирга бўлган, унга назар солиб турган ва унинг устидан гувоҳ бўлган одам У Зотга осий бўладими? Маъсиятдан эҳтиёт бўл!» — деди.

Кейин мактабга бориб, олти-етти ёшимда Қуръонни ёд олдим. Сўнг нафл рўзани кўп тутадиган бўлдим. Ейдиган таомим арпа нони бўлди. Ундан кейин кечаларни бедор бўлиб, ибодат-ла ўтказадиган бўлдим».

Саҳл ибн Абдуллоҳдан келтирилган бу қисса боланинг тарбиясига, хусусан, руҳий тарбиясига ки-



чиклигидан аҳамият бериш унинг яхши одам бўлиб етишишида қанчалар муҳим эканини яққол кўрсатиб турибди.

## 2. Тарбиянинг иккинчи қисми болага таълим беришдир.

«Таълим» арабча «аллама» феълидан олинган масдар бўлиб, бир нарсанинг ҳақиқатини батафсил ва яхшилаб билдириш маъносини англатади. Илм эса бир нарсани воқеъликда қандай бўлса, ишонч ила ўшандай идрок қилишдир. Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарзидир.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.

*Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам «Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон зиммасига фарзидир», – дедилар».

*Имом Аҳмад ва ибн Мажалар ривоят қилганлар.*

Демак, ҳар бир мусулмон илм талаб қилишни ўзи учун фарз, деб билиши керак. Исломда илм талаб қилиш бешиқдан то қабргача фарз қилинган. Келинг, ушбу маънони кенгроқ тушунишга ҳаракат қилайлик.

Фарз Аллоҳ таолонинг қатъий амри бўлиб, уни бажариш ҳар бир мўмин учун мажбурийдир. Фарз амални бажармаган одам катта гуноҳ иш қилган бўлади, охирада иқобга учрайди.

Фарз икки қисмга бўлинади: фарзи айн ва фарзи кифоя.

«Фарзи айн» ҳар бир мусулмон шахсан бажариши лозим бўлган ишдир. Уни биров учун бошқа одам адо этгани билан, фарз бажарилган бўлмайди. Бунга намозни мисол қилиш мумкин. Баловатга етган ҳар бир мўмин инсон беш вақт намозни ўқиши фарзи айн. Ўқимаган одам қаттиқ гуноҳкор бўлади.

«Фарзи кифоя» эса баъзи бир мусулмонлар адо этса, бошқалар учун кифоя қиладиган ишдир. Бунга жаноза намозини мисол қилиш мумкин. Бир мусулмон вафот этса, уни ювиб-тараб, жанозасини ўқиб, кўмиш ҳамма мусулмонлар учун фарз бўлади. Аммо, фарзи кифоя бўлганлиги учун, бир инсопинг жанозасини баъзи мусулмонларнинг ўқигани кифоя қилади. Бошқалардан фарз соқит бўлади.

Илм талаб қилиш борасида фарзнинг иккала қисми ҳам иштирок этади.

Ҳар бир мусулмон учун ўзига керак нарсани, ҳаёти учун зарур илми, дину диёнатни, ҳалол-ҳаромни билиб олишда зарур бўлган ҳар бир нарсани ўрганиш фарзи айндыр. Ҳар бир мусулмон бу ишни қилиши шарт. Қилмаган одам гуноҳкор бўлади.

Мусулмонлар жамоаси учун керакли бўлган ҳунар ва илмларни талаб қилиш эса, фарзи кифоядир. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида етарли мутахассисларни тайёрлаб чиқариш Ислом жамиятининг барча аъзоларига фарзи кифоя бўлади. Эҳтиёжни қондирадиган даражада ва ададда мутахассис тайёрлаган жамият аъзолари бўйнидан мазкур умумий масъулият соқит бўлади.

Бу фарз энди ўша мутахассислар зиммасига ўтади. Агар жамиятда уларнинг соҳаси бўйича камчилик юзага келса, гуноҳи ўша мутахассисларга бўлади.

Шунинг учун ҳам ота-онага фарзандларига таълим бериш вазифа этиб юкланган.

Аллоҳ таоло «Таҳрим» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا قُوا أَنفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ  
وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَائِكَةٌ غِلَظٌ شِدَادٌ لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ  
وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ﴿٦﴾

«Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳлу аёлингизни ёқилғиси одамлару тошлардан бўлган ўтдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фариш-

**талар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қиладилар» (6-оят).**

Фарзандларига таълим бериш оила бошлигининг Аллоҳ таолонинг олдидаги бурчи эканига юқоридаги ояти карима ёрқин далилдир. Одамлар орасида «Ўзингни бил, ўзгани қўй» деган номаъқул гап юради. Лекин шариат бўйича, эр хотин учун, ота-она болалар учун масъулдир. Қиёматда Аллоҳ таолонинг ҳузурида жавоб беради.

Юқорида зикр қилинган ояти кариманинг маъноси ҳақида сўралганларида ҳазрати Али розияллоҳу анҳу: «Уларга таълим беринглар ва уларга одоб беринглар», дегани», — деб айтганлар.

Фақиҳлар: «Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи валийлар кичкина болаларга балоғатга етганларида керак бўладиган илмларни ўргатишлари лозимдир», дейишган.

**3. Тарбиянинг учинчи қисми болага жисмоний тарбия беришдир.**

Ҳозирги кунимизда соғлиқни сақлаш, хасталикка чалинмаслик учун бадантарбия қанчалик аҳамиятли эканини ҳамма тушуниб етган. Каттаю кичик, иложи борича, бадантарбияга эътибор беришга ҳаракат қилади. Бу нарсага, айниқса, ривожланган давлатларнинг халқлари жуда ҳам берилганлар. Ҳамманинг кучли, бақувват, эпчил, соғ-саломат ва хасталикларга чидамли бўлгиси келади. Бунинг учун эса, бадантарбия билан шуғулланиш лозим. Шунинг учун ҳам ота-оналарга болаларини жисмоний тарбиясига алоҳида эътибор бериш вазифаси юклатилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳақдаги баъзи ҳадиси шарифларини ўргансак, масалани тўғри тушунишимизга ёрдам бўлади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсишини таъминлаш борасида ота-оналарни фарзандларини бадантарбия билан шуғуллантиришга тарғиб қилганлар.

عَنْ عَطَاءِ بْنِ أَبِي رَبَاحٍ قَالَ: رَأَيْتُ جَابِرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ، وَجَابِرَ بْنَ

عُمَيْرُ الْأَنْصَارِيِّينَ يَرْمِيَانِ، فَقَالَ أَحَدُهُمَا لِصَاحِبِهِ: سَمِعْتُ رَسُولَ  
 اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: كُلُّ شَيْءٍ لَيْسَ فِيهِ ذِكْرُ اللَّهِ فَهُوَ لَهْوٌ وَلَعِبٌ إِلَّا أَرْبَعٌ:  
 مُلَاعَبَةُ الرَّجُلِ امْرَأَتَهُ، وَتَأْدِيبُ الرَّجُلِ فَرَسَهُ، وَمَشْيُهُ بَيْنَ الْغَرَضَيْنِ،  
 وَتَعْلِيمُ الرَّجُلِ السَّبَاحَةَ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

*Ато ибн Абу Рабоҳдан ривоят қилинади:*

«Жобир ибн Абдуллоҳ ва Жобир ибн Умайр Ан-сорийнинг камондан ўқ отаётганларини кўрдим. Улардан бири иккинчисига:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Аллоҳнинг зикри бўлмаган ҳар бир нарса беҳудадир, ўйиндир. Фақат тўрт нарса мустасно: эркакнинг аёли ила кўнгилхушлик қилиши, кишининг отини ўргатиши, унинг икки мўлжал орасида юриши ва кишининг сузишни ўргатиши», деганларини эшитдим», – деди».

*Насаий ривоят қилган.*

Ушбу ҳадиси шарифдаги «отни ўргатиш»дан му-род, чавандозлик спортидир. «Икки мўлжал орасида юриш» эса камондан ўқ отиб, мерганлик спорти билан машғул бўлиш.

*Имом Аҳмад ва имом Абу Довуд Оиша розияллоҳу анҳодан келтирган ривоятда қуйидагилар айтілади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мен билан мусобақалашган эдилар, мен у зотдан ўзиб кетдим. Бир муддатдан сўнг, менинг гўштим оғирлашганда яна мен билан мусобақалашиб, мендан ўзиб кетдилар ва:

«Ҳалиги билан биру бир», – дедилар».

Қаранг, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хотинлари Оиша онамиз розияллоҳу анҳо билан югуриш мусобақаси ўтказган эканлар. Биринчи югуриш мусобақаси ўтказилган пайтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшлари эллик учдан ўтган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиздан ўзиб кетган кейинги югуриш

Даллати ҳақиқат



мусобақасида эса у зотнинг ёшлари ундан ҳам катта бўлган. Бу оилавий равишда бадантарбия билан шуғулланишдир.

Қадимги уламоларимиз ушбу ҳадиси шарифни шарҳ қилар эканлар, бир неча маъноларга урғу берганлар. Улар, Оишанинг ҳадисида оёқда югуриб, мусобақа қилишга, маҳрам эркак аёллар орасида мусобақа ўтказишга, бу иш виқорга, шараф, илм, фазл ва ёшнинг улуғлигига номуносиб эмаслигига далил бор, дейдилар.

Минг афсуслар бўлсинки, кўпчилик мусулмонлар, хусусан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилишни даъво қилувчилар мана бу маънолардан йироқдалар. Улар бадантарбия билан шуғулланиш виқор, шараф, илм, фазл ва ёшнинг улуғлигига номуносиб деб биладилар.

Имом Муслим ва имом Аҳмад келтирган ривоятда саҳобалардан Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Биз йўлда юриб борар эдик. Ансорийлардан мусобақада ҳеч енгилмаган бир киши:

«Мадинагача мусобақалашувчи борми? Қани, ким мусобақа қила олади?» — дея бошлади.

«Ҳурматли кишини ҳурматини, шарафлининг шарафини риоя қилмайсанми?» — дедим.

«Фақатгина Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламин» — деди.

«Ё Расулalloҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин! Қўйиб беринг, шу одам билан мусобақалашай», — дедим.

«Хоҳишинг бўлса, майли», — дедилар у зот. Мадинага ундан ўзиб етиб бордим».

Ушбу ривоятдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ичида доимий равишда спорт мусобақалари бўлиб турганини билиб оламиз. Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳунинг «ансорийлардан мусобақада ҳеч енгилмаган бир киши», дейишлари шу маънога далолат қилади. Яъни саҳобалар ичида мусобақаларда доимий равишда биринчи

бўлганлари ҳам бор экан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, худди Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳуни спорт мусобақасига рағбатлантирганларидек, ҳаммани рағбатлантириб турганлар.

Имом Абу Довуд Муҳаммад ибн Али ибн Рукондан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Рукона Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кураш тушди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни йиқитдилар».

Уламоларимиз ушбу кураш мусобақаси ҳақидаги ҳадиси шарифнинг ўзига хос қиссасини ҳам ривоят қиладилар.

Имом Абу Довуднинг ривоятида бу қисса қуйидагича баён этилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Батҳода эдилар. У зотнинг ҳузурларига Рукона ибн Язийд қўй-эчкиларини ҳайдаб келди ва:

«Эй Муҳаммад, мен билан курашга тушасанми?!» — деди.

«Совринга нима қўясан?» — дедилар.

«Қўйларимдан бирини», — деди. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у билан курашга тушдилар ва уни йиқитдилар. Кейин эса қўйни олдилар. Рукона:

«Яна қайта тушасанми?» — деди. Бу ҳол бир неча марта такрорланди. Охири у:

«Эй Муҳаммад! Аллоҳга қасамки, ҳеч ким ёнимни ерга теккиза олмаган эди. Мени йиқитган сен эмасан!» — деди-да, Исломга кирди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қўйларини қайтариб бердилар».

Бундан мусулмон кишининг мусулмон бўлмаган киши билан ҳам мусобақа ўтказиши мумкинлиги аён бўлади. Шунингдек, спорт орқали яхшиликларни тарқатиш, кишиларни Исломга киритиш ҳам мумкинлиги тасдиқланади. Яна, Руконага ўхшаб, баъзи ҳовлиққанлар бўлса, попугини пасайтириб қўйиш ҳам мумкин бўлади. Бунинг учун эса мусулмонлар доимий



равишда бадантарбия билан шуғулланиб, соғ-саломат ҳолда тайёргарлик кўриб юришлари лозим бўлади.

Бошқа ривоятларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларни кураштириб, мусобақалар ўтказишга ўзлари бош бўлганлари ҳам айтилади. Уҳуд ва бошқа баъзи урушлар бошланишидан олдин ўспирин мусулмон йигитлар келиб, ўзларининг аскарликка қабул қилинишларни талаб қилганлар. Ўшанда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни кураштириб, юлиб келганларни қабул қилганлар.

Имом Бухорий ва имом Муслимлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда:

«Ҳабашийлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида «ҳироб» ўйнашаётган эди. Умар кириб қолди-да, эгилиб тош олиб, уларга ота бошлади. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Умар, тек қўй уларни!» — дедилар».

«Ҳироб» — қурол ушлаб, чапдастлик намуналарини кўрсатадиган ҳарбий спорт ўйини. Мазкур ҳабашийларнинг бу ўйини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида бўлган. Бу ҳол ҳам бадантарбияга аҳамият беришнинг бир намунасидир.

Имом Бухорий ва имом Аҳмад Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бозорда камон отиш мусобақаси ўтказаётган асламлик кишилар ҳузуридан ўтиб қолдилар ва:

«Эй Бану Исмоил! Отинглар! Отангиз мерган эди. Отинглар! Мен Бану Фулон биланман!» — дедилар. Шунда тарафлардан бири қўлларини тийдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларга нима бўлди? Отмай қўйдинглар?» — дедилар. Улар:

«Сиз улар билан бўлсангиз, қандай қилиб ҳам отар эдик?!» — дейишди. Шунда у зот:

«Отинглар! Мен ҳаммангиз биланман!» — дедилар».



## БАЛОҒАТГА ЕТГАН БОЛАЛАРНИНГ НИКОҲИ

**18. Балоғатга етган фарзандни оилали қилиб қўйиш ота-онанинг бурчи ва болаларнинг ҳаққидир.**

Бу иш ҳақида китобимизнинг аввалида батафсил тўхталиб ўтганмиз. Такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

### ОТА-ОНАНИНГ ҲАҚЛАРИ

Ота-онани ҳурматлаш, эъзозлаш масаласида ҳеч бир тузум ёки тарбия воситаси Исломга тенг ҳам, яқин ҳам кела олмайди. Ота-онанинг ҳурмати, фарзанд устидаги ҳаққи тўғрисидаги оятлар, ҳадислар, исломий ҳикматлар, мусулмонлар ҳаётидаги тажрибалар дунё тарихида бу борада мисли кўрилмаган олиймақом нарсалар экани маълум ва машҳурдир.

Ислом фарзандларнинг зиммасида ота-оналарнинг бир қанча ҳақ-ҳуқуқлари борлигини таъкидлайди. Бу масала Қуръони Каримда, суннати набавияда ва Ислом тарбияси ҳақидаги китобларда алоҳида баён қилинган.

Фарзандлар ўз ота-оналарига яхши муомала қилишлари, ширинсухан бўлишлари, уларга меҳрибонлик кўрсатишлари, доимий эҳтиром билан уларни тақдирлаб туришлари, Аллоҳ таолонинг шариатига зид бўлмаган барча буйруқ, талаб-истакларини бажармоқлари лозим.

Ота-онага яхшилик қилиш диний адабиётларимизда «Биррул волидайн» дейилади. Аввал «Биррул волидайни» — «Ота-онага яхшилик қилиш» бирикмасининг тўлиқ маъносини тушуниб олайлик.

«Бирр» сўзи бизнинг тилимизга «яхшилик» дея таржима қилиниб, «фазийлат», «содиқлик», «тоат» ва «солиҳлик» маъноларини ифода этади.

Уламолар истилоҳида «Бирр» юмшоқ ва латофатли сўз ила яхшилик қилиш ва нафратга сабаб бўлувчи қўпол сўздан четда бўлишдир. Айни пайтда, «бирр» бир-бирига шафқат, меҳр-муҳаббат асосида молиявий амаллар ила яхшилик қилишдир.



«Волидайни» — ота-она. Бу сўз бобо ва момоларни ҳам ўз ичига олади.

Энди ушбу маънони ифода қиладиган баъзи оят ва ҳадисларни умумий тарзда ўрганишга киришайлик.

Аллоҳ таоло «Исро» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِمَّا يَبْلُغَنَّ  
عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أَلْفٌ وَلَا نَنْهَرُهُمَا  
وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾ وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذَّلِيلِ مِنَ  
الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيْتَانِي صَغِيرًا ﴿٢٤﴾

Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишингни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!

Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни паслат ва «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт» (23–24-оятлар).

Бу ояти каримада Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилишга амр этилгандан сўнг, бевосита, ота-онага яхшилик қилиш буюрилмоқда.

**«Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди».**

Бу амал бандаларнинг ихтиёрига ташлаб қўйилган иш эмас, балки Аллоҳнинг бандаларига амри, буйруғи, фармони дир. Хоҳласа қилиб, хоҳламаса қилмайдиган ҳаваскорлик ҳам эмас. Қариб, ҳеч нарсага ярамай қолганда юзланиладиган кўнгилхуши ҳам эмас. Бу амр Аллоҳ таолонинг қатъий ва ўзгармас буйруғи бўлиб, уни бажариш ҳар бир банданинг бурчидир.

Аллоҳнинг ибодатидан кейинги келадиган иш ота-онага яхшилик қилишдир. Бу ҳам Аллоҳнинг амри. Аллоҳ таоло Ўзига ибодат қилишга чақирган амрдан кейин, шу жумланинг давомида ота-онага яхшилик

қилишни таъкидламоқда. Бу икки ҳукмнинг бир оятдаги ягона жумлада баён қилинишининг ўзиёқ Исломда ота-онанинг ҳаққи қанчалик улур эканини кўрсатади.

**«Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема».**

Бу жумланинг «уфф» сўзига боғлиқ икки хил маъноси бор. Бир маъноси — ота-онага ёмон сўз айтиб, беҳурмат қилма, дегани бўлса, иккинчи маъноси — ота-онанг олдида «уфф» дема, улар «Болам оғир ҳолга тушибди», деб озорланадилар, деганидир.

**«... уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!»**

Ота-онангга ҳеч бир озорни раво кўрма! Қандай яхши сўз бўлса, ўшани ота-онангга раво кўр!

**«Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни паслат ва «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт».**

Фарзад ота-онанинг ҳузурда ўзини қанчалик хокисор тутса, шунчалик яхши. У бутун меҳрини хокисорлик ила ота-онасига пояндоз қилса ҳам оз. Шу билан бирга, доимо уларга Аллоҳ таолодан раҳм-шафқат тилаб, дуо қилиб туриши лозим.

Ота-онанинг ҳурмати, фарзад устидаги ҳаққи тўғрисидаги оятлар ва ҳадислар бу борада дунё тарихида мисли кўрилмаган олиймақом таълимотлар экани маълум ва машҳурдир. Хусусан, бу оят ва ҳадисларни, илоҳий кўрсатмалар ҳамда исломий ҳикматларни ҳаётга татбиқ қилган мусулмонларнинг ота-оналарига кўрсатган юксак эҳтиромлари ва фидоийликларига тарих шоҳиддир.

Аллоҳ таоло «Луқмон» сурасида шундай дейди:

وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حَمَلَتْهُ أُمُّهُ وَهْنًا عَلَىٰ وَهْنٍ وَفِصْلَهُ فِي عَامَيْنِ أَنِ اشْكُرْ لِي وَلِوَالِدَيْكَ إِلَىٰ الْمَصِيرِ ﴿١٤﴾

**«Биз инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик: онаси уни заифлик устига заифлик билан кўтар-**

**ди; уни сутдан ажратиш икки йил ичидадир: «Менга ва ота-онангга шукр қилгин. Ва қайтиш фақат Менгадир» (14-оят).**

Қуръони Каримда фарзандларга ота-онани ҳурмат қилиш, уларни эъзозлаш ҳақида қайта-қайта насиҳат берилади. Чунки Ислом ота-онанинг ҳаққини юқори қўяди. Ушбу оятда эса, ота-онани ҳурмат қилиш ҳар бир фарзанд учун Аллоҳнинг амри экани баён этилмоқда.

**«Биз инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик»**

Оятдаги «тавсия», кўпчилик тушунганидек, ихтиёрий иш эмас, балки Аллоҳнинг амридир. Ўша амр нимадан иборат эканини айтишдан олдин ота-онани ҳурмат қилишнинг сабаби айтиб ўтилади.

**«Онаси уни заифлик устига заифлик билан кўтарди».**

Яъни ҳомиладорлик пайтида онаси уни қорнида заифҳол бўлиб кўтаради. Борган сари заифлик устига заифлик ортиб боради. Бу ҳол бола туғилгунича давом этади.

**«Уни сутдан ажратиш икки йилдадир».**

Яъни қорнида заифлик устига заифлик билан олиб юрган она қийналиб туққан бу арзандасини кейин яна икки йил давомида эмизади.

Уламоларимиз шаръий эмизиш муддати икки йил экани ҳақидаги ҳукмни шу жумладан олганлар. Бола икки ёшга етгунича бирор аёлни эмса, сут орқали насаб собит бўлади, ва ўша эмизишга боғлиқ ҳукмлар жорий қилинади. Мисол учун, уни эмизган аёл унга эмизикли она, унинг эри ота, болалари ака-ука, опа-сингил бўладилар. Маҳрамлик ва никоҳ масалаларидаги ҳукмлар ҳам шунга мувофиқ кучга киради.

Хуллас, она ҳам ҳомиладорлик даврида, ҳам эмизиш даврида бола туфайли катта қийинчиликларни бошидан ўтказади. Шунинг учун ҳам фарзандда онанинг ҳаққи отаникидан кўп бўлади.

Оятнинг давомида тавсиянинг нимадан иборат экани айтилади:

**«Менга ва ота-онангга шукр қилгин».**

«Эй инсон фарзанди, аввало Менга — яратган Роббингга, кейин ота-онангга — сенинг дунёга келишингга сабаб бўлган зотларга шукр қилгин. Бу ишлар сенинг энг олий бурчингдир».

**«Ва қайтиш фақат Менгадир».**

«Билиб қўй, ана ўша қайтиш бўлганида бу ҳақда Ўзим ҳисоб-китоб қиламан».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا يَحْزِي وَلَا يَجْزِي وَلَا يَدَّ إِلَّا أَنْ يَجِدَهُ مَمْلُوكًا فَيَشْتَرِيَهُ فَيُعْتِقَهُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Фарзанд ўз волидини қул ҳолида кўриб, сотиб олиб, озод қилсагина уни (ҳаққини) адо этган бўлади», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

Ота-онанинг фарзанд учун қилган меҳнатларини мукофотлаш, уларнинг ҳаққини адо қилиш жуда қийин иш эканини ушбу ҳадиси шарифдан билиб оламиз. Фарзанд бу дунёда ҳар қанча уринса ҳам, бу ишни бажариб, охирига етказа олиши қийин.

Мабодо, ота ёки она бировнинг қўлида қул ёки чўри бўлиб турган бўлса-ю, фарзанд уларни эгасидан сотиб олиб, қулликдан озод қилсагина, мазкур ҳақни адо қилди, дейиш жоиз экан.

Қуръони Карим ва Суннатдан ота-онага яхшилик қилиш борасидаги баъзи далилларни умумий тарзда келтирганимиздан кейин фарзанднинг ота-онага қилиши лозим бўлган яхшиликлари ҳақида алоҳида тарзда ҳам қисқача сўз юритамиз.

Ота-онага яхшилик қилиш борасидаги ҳужжат ва далилларни жамлаб, таҳлил қилган уламоларимиз бу амал, жумладан, қуйидагилар ила юзага келишини айтганлар:

1. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири уларга берган неъматлари учун Аллоҳ таолога шукр қилишдир.



Аллоҳ таоло «Аҳқоф» сурасида марҳамат қилади:

وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ إِحْسَانًا حَمَلَتْهُ أُمُّهُ كُرْهًا وَوَضَعَتْهُ كُرْهًا  
 وَحَمَلُهُ وَفِصَالُهُ ثَلَاثُونَ شَهْرًا حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ أَشُدَّهُ وَبَلَغَ أَرْبَعِينَ سَنَةً  
 قَالَ رَبِّ آوِزْ عَنِّي ۖ إِنَّا شَكَرْنَا نِعْمَتَكَ الَّتِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ وَعَلَىٰ وَالِدَيَّ وَأَن  
 أَعْمَلَ صَالِحًا تَرْضَاهُ وَأَصْلِحْ لِي فِي ذُرِّيَّتِي ۖ إِنِّي تُبْتُ إِلَيْكَ وَإِنِّي مِنَ  
 الْمُسَابِقِينَ ﴿١٥﴾

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлди ва уни қийналиб туғди. Ва унинг ҳомилиси ва кўк-рақдан ажратиши ўттиз ойдир. Токи у вояга етиб, қирқ ёшга кирганида: «Роббим, Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр қилишимга ва Сен рози бўладиган солиҳ амал қилишимга илҳом бергин. Ва менинг зурриётларимни ҳам солиҳлардан қилгин. Албатта, мен тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонларданман», – деди» (15-оят).

Ҳар бир инсон учун унга Аллоҳ таоло берган неъматларга шукр қилиш энг муҳим ишдир. Бу ояти каримада «Роббим, Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр қилишимга ва Сен рози бўладиган солиҳ(иш)ни қилишимга илҳом бергин» деган жумлага биноан, банда ўзига берилган неъматлар билан бирга, ота-онасига берилган неъматларга ҳам шукр қилиб туриши ота-онасига қиладиган яхшиликларидан бири экани англанади.

2. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиш турларидан бири уларнинг кўрсатган иноятларига шукр қилишдир.

Аллоҳ таоло «Луқмон» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

إِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ ۖ وَلَئِن كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ ﴿١٤﴾

«Менга ва ота-онангга шукр қилгин ва қайтиш фақат Менгадир» (14-оят).

Фарзанд ота-онасига уни туққани, боққанлари, таълим ва тарбия берганлари ҳамда бошқа яхшилик-лари учун ташаккурда бўлиши зарур.

3. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири ота-онани жеркимаслик ва уларга «уфф» ҳам демасликдир.

Аллоҳ таоло шундай дейди:

فَلَا تَقُلْ لِمَا آفٍ وَلَا تَنْهَرُهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا

«...уларга «уфф» дема, уларни жеркима ва уларга яхши сўз айт!» («Исро» 23-оят)

Фарзанд ота-онасига бирор оғиз ёқимсиз сўз айтмаслиги керак. Ота-онага озор етмаслиги йўлида уларнинг олдида ўзининг рами борлигини билдирувчи «уфф» деган овозни ҳам чиқармаслиги керак. Ота-онага қўпол ҳаракат ҳам қилмаслик лозим. Уларнинг юзларига тик қараб ҳам бўлмайди. Уларга фарзанд доимо мулойимлик билан ширин сўзларни айтиши вожибдир.

4. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири уларга тавозуъ кўрсатиб, меҳрибонлик қилишдир.

Аллоҳ таоло айтади:

وَآخِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذَّلِيلِ مِنَ الرَّحْمَةِ

«Уларга меҳрибонлик ила хокисорлик қанотини пастлат» («Исро» 24-оят).

5. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири уларнинг олдида изн сўраб киришдир.

Аллоҳ таоло «Нур» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَإِذَا بَلَغَ الْأَطْفَالُ مِنْكُمُ الْحُلُمَ فَلْيَسْتَأْذِنُوا كَمَا اسْتَأْذَنَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ

«Қачон сизнинг ёш болаларингиз балоғатга етсалар, улардан олдингилар изн сўраганидек, изн сўрасинлар» (59-оят).

Балоғатга етган ўғил-қизлар, улардан олдин изн сўраб юрган катта кишилар каби, ота-оналари ва бошқалар ҳузурига изнсиз киришлари мумкин эмас.

Ривоятларда келадики, саҳобаи киромлардан бири ушбу оят нозил бўлганидан кейин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга мурожаат қилиб:

«Ё Расулalloҳ, менинг онам қариб қолган, мен унинг хизматини қилиб тураман, ҳар кирганимда рухсат сўрашим керакми?» — деганида Расули Акрам соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Нима, бўлмаса онангни кийимсиз ҳолда кўрмоқчимисан?!» — деганлар.

Айнан шу мулоҳаза туфайли, балоғатга етган болалар, бир оила аъзолари бўлсалар ҳам, бир-бирларининг ҳузурларига киришдан олдин изн сўрашлари жорий қилинган.

6. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири улар келганда ўрнидан туриб, кутиб олишдир.

Абу Довуд, Термизий ва бошқалар келтирган ривоятда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо қуйидагиларни айтадилар:

«Кўринишда, ҳайбатда, ўзини тутишда, ўтириш ва туришда Фотимачалик Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга ўхшаш одамни кўрмадим. Агар у Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирса, у зот ўринларидан туриб, ўпиб кутиб олар ва ўз ўринларига ўтқазар эдилар. Набий соллalloҳу алайҳи васаллам унинг олдига кириб қолсалар, у туриб, у зотни ўпиб кутиб олар ва ўз ўрнига ўтқазар эди».

7. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири — уларни исми билан атамаслик, улардан олдин юрмаслик ва ўтирмаслик.

عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ أَبْصَرَ رَجُلَيْنِ فَقَالَ لِأَحَدِهِمَا: مَا هَذَا مِنْكَ؟ فَقَالَ: أَبِي. فَقَالَ: لَا تُسَمِّهِ بِاسْمِهِ، وَلَا تَمْشِ أَمَامَهُ، وَلَا تَجْلِسَ قَبْلَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.



Ҳишом ибн Урвадан, у отасидан ривоят қилинади:  
**«Абу Ҳурайра икки кишини кўрди ва улардан бирига:**

**«Бу киминг бўлади?» – деди.**

**«Отам бўлади», – деди у.**

**«Ундай бўлса, уни исмини айтиб чақирма, олдига тушиб юрма ва ундан олдин ўтирма», – деди».**

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Фарзанд ота-онасига, ҳурмат билан, «отажон», «онажон» дея ёки бошқа эҳтиром маъносига сўзлар ила мурожаат қилиши лозим. Ота-онасининг исмини бошқаларнинг исмини айтгандек айтиш мусулмончилик одобига тўғри келмайди.

Шунингдек, йўлда юрилганда ҳам ота-онадан кейин юриш керак, олдинга ўтиш мумкин эмас. Бир ерга ўтирмақчи бўлсалар, аввал ота-она, кейин бола ўтириши лозим.

8. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири – олдиларига кирганда ва чиққанда уларга салом бериш.

عَنْ أَبِي مُرَّةَ مَوْلَى عُقَيْلٍ: أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ كَانَ يَسْتَحْلِفُهُ مَرَوَّانَ، وَكَانَ يَكُونُ بِيَدِي الْحَلِيفَةِ، فَكَانَتْ أُمُّهُ فِي بَيْتٍ وَهُوَ فِي آخَرٍ، قَالَ: فَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَخْرُجَ وَقَفَ عَلَى بَابِهَا فَقَالَ: السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا أُمَّتَاهُ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، فَتَقُولُ: وَعَلَيْكَ يَا بَنِيَّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ فَيَقُولُ: رَحِمَكَ اللَّهُ كَمَا رَبَّيْتَنِي صَغِيرًا، فَتَقُولُ: رَحِمَكَ اللَّهُ كَمَا بَرَّرْتَنِي كَبِيرًا، ثُمَّ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَدْخُلَ صَنَعَ مِثْلَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Уқайлнинг мавлосу Абу Муррадан ривоят қилинади:  
**«Абу Ҳурайрани Марвон ўз ўрнига қўйиб кетар эди. Унинг уйи Зулҳулайфада эди. Онаси бир уйда, у бир уйда яшар эди. У уйдан чиқмоқчи бўлса, онасининг эшиги олдига бориб:**

**«Ассалому алайкум, онажон ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳул!» – дер эди. Онаси ҳам:**



**«Ва алайка, ўғилгинам ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу!» – дер эди.**

**«Кичиклигимда тарбиялаганингиз учун сизга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!» – дер эди.**

**«Катталигимда яхшилик қилганинг учун сенга ҳам Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!» – дер эди онаси.**

**Кейин уйга кирмоқчи бўлса ҳам шундай қилар эди».**

*Бухорий «Агаб»да ривоят қилган.*

Мадинанинг ҳоқими бўлган Марвон ибн Ҳакам исми одам бирор ёққа кетса, ўзининг ўрнига Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуни ҳоқим қилиб қўйиб кетар эди. Мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам Ислом оламида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг тутган ўринлари қанчалар улуғ эканини яққол кўрсатиб туради.

Энди ўша улуғ саҳобий, катта обрў эгаси бўлган, амирлар унинг олдида таъзим қиладиган зот онасининг олдида ўзини қандай тутишини кўриб қўйинг!

Уйидан ҳар чиқишида онасининг остонасига бош уриб, салом бериб, ташаккур айтиб, ижозат сўраб, кўчага чиқар эди.

Уйига ҳар киришида онасининг остонасига бош уриб, салом бериб, ташаккур айтиб, ижозат сўраб кўчадан келганининг хабарини берар эди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг бу гўзал иши асрлар оша кўплаб мусулмон фарзандларнинг одатига айланганлиги фаҳримиз боисидир. Бу ишни фақат мусулмон фарзандлар, «мадрасаи Муҳаммадия»нинг талабалари қилишлари мумкин, холос.

9. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири — уларни энг ёқимли лафзлар ила чақириш.

10. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири — уларга динлари ва дунёларида манфаат берадиган гапларни айтиш.

11. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири — динда улар билмайдиган нарсаларини ўргатиш.

12. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири — иккисининг барча вожиб ва мандуб амрларига итоат қилиш.

13. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири — иккиси тарк қилишга амр қилган нарсалардан ўзига зарар келтирмайдиганларини тарк қилиш.

14. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири — ота-онанинг олдига кирганда фақат уларнинг изни билангина ўтириш.

15. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири — ота-она билан ўтирганда уларнинг рухсатисиз чиқиб кетмаслик.

16. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири — ота-онадан содир бўлган нарса-ни, агар улардан беморлик ёки қариллик туфайли бавл қилиб юборишга ўхшаш ишлар бўлса ҳам, қабиҳ санамаслик.

17. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири — ота-онанинг муҳаббатини қозонган кишиларнинг ҳурматини қилиш.

18. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири уларнинг нафақасини яхшилаш, ҳадялар бериб туриш, уларни сўрашга муҳтож қилмай ёки миннат қилмай, иззат кўрсатишдир.

Ота-оналари заифлашган, қартайган вақтларида фарзандлари уларнинг ҳаққини адо қилишларини Ислом биринчи ўринга кўяди.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

يَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ خَيْرٍ فَلِلَّهِ وَاللَّيْلِ  
وَالْأَقْرَبِينَ وَالتَّمَنَّى وَالْمَسْكِينِ وَالسَّبِيلِ وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ  
بِهِ عَالِمٌ

«Сендан нимани нафақа қилишни сўрарлар. «Нафақа қилган яхшилигингиз ота-онага, яқин қариндошларга, етимларга, мискинларга ва йўқсил йўл-

**чига бўлсин. Нимаики яхшилик қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни билувчидир», – деб айт» (215-оят).**

Савол нимани нафақа қилиш ҳақида бўлган эди: **«Сендан нимани нафақа қилишни сўрарлар».**

Жавоб эса кимларга нафақа қилишни ҳам баён этапти: **«Нафақа қилган яхшилигингиз ота-онага, яқин қариндошларга, етимларга, мискинларга ва йўқсил йўлчига бўлсин».**

Демак, яхшилик нафақа қилинар экан. Араб тилида яхшиликка сарфланадиган молнинг ўзи ҳам яхшилик дейилади. Яхшиликка мол сарфлаш ҳам нафақа дейилади.

Қуръони Каримда хайр – яхшилик сўзи кўпинча мол-дунё маъносида ишлатилган. Бу жойда ҳам худди шу маънони англатмоқда.

Нафақага лойиқ инсонлар ичида ота-она бекорга биринчи зикр қилинаётгани йўқ. Инсон табиати ўзи шуни тақозо қилади. Инсоннинг молига ўзидан кейинги биринчи ҳақдор шахс унинг ота-онаси бўлади. Ота-онасини муҳтож қўйиб, улардан бошқаларга нафақа қилишдан нима фойда бор? Шунингдек, яқин кишилар, қариндошлар ҳақдорлик жиҳатидан бошқалардан устунлар ва ҳоказо.

Нафақа қилиш худди шу тартибда бўлиши лозимлиги Набий алайҳиссаломнинг ҳадисларида ҳам зикр қилинган.

Имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир кишига:

«Садақа қилишни ўзингдан бошла, ортиб қолса, аҳлингга қил, агар аҳлингдан ҳам ортиб қолса, қариндошларингга қил, агар қариндошларингдан ҳам ортиб қолса, улардан бошқаларга ва ҳоказо», – деган эканлар.

Нафақа қилиш бандадан, унинг савобини бериш, тақдирлаш Аллоҳдан. Чунки

**«Нимаики яхшилик қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни билувчидир».**

Ислом шариати қодир фарзандларни ожиз бўлган ота-оналар ҳаққини кафолатта олишга ҳукм этади.

Ишни уларнинг ўзларига топширмайди, балки бу ка-  
фолат фарздирки, агар вақтида вафо қилмаса ҳам,  
кейинчалик қазоси вожиб бўлади.

**Ота ўғлининг нафақаси учун унинг кўчар  
мулкани сотади, кўчмас мулкани сотмайди. Ўғ-  
лидаги бундан бошқа қарзи учун сотмайди.**

**Она ўз нафақаси учун ўғлининг мулкани сот-  
майди.**

**Агар ўғилнинг молини омонат сақлаб турган  
одам қозининг амрисиз уни ота-онаси нафақасига  
сарфлаган бўлса, тўлаб беради.**

Чунки бировнинг молини унинг изнисиз тасарруф  
қилиб бўлмайди. Қозининг умумий валийлиги бор  
бўлганлиги учун изн беришга ҳаққи бор.

**Ота-она унинг ўз ҳузурларидаги молини нафа-  
қага олсалар, тўлаб бермайдилар.**

Чунки икковларининг нафақаси ўғилнинг зимма-  
сидаги вожиб. Бинобарин, улар ўз ҳақларини олган  
бўладилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир йи-  
гитга: «Сен ҳам, молинг ҳам отангники», — деганлар.

**Агар қози хотиннинг нафақасидан бошқага ҳукм  
чиқарган бўлса ва муддат ўтса, соқит бўлади.**

Қози бир кишининг боласи, ота-онаси ёки яқин  
қариндошларига маълум муддат нафақа бериб тури-  
ши ҳақида ҳукм чиқарган бўлса, ўша муддат ўтиши  
билан мазкур нафақани бериш тўхтайтилади.

**Илло, қози қарз олишга изн берса, соқит бўл-  
майди.**

Нафақа берувчи ғойиб бўлгани учун қози унинг  
нафақахўрларига унинг номидан қарз олиб, ишлатиб  
тураверишга изн берган бўлса, муддат ўтиши билан  
ҳам уларга берилган ваколат соқит бўлмайди.

Бола ота-онасига қанчалик эҳсон қилмасин, қанча-  
лик ўзидан ортиқ кўрмасин, ўзининг дунёга келишига  
сабаб бўлганлари мукофотини қайтара олмайди.

Абу Бурда ибн Абу Муҳаййид ал-Ашъарий айтади:  
«Абдуллоҳ ибн Умар яманлик бир кишининг ўз  
онасини елкасига опичлаб, хонаи Каъбани тавоф

Тўғрилик



қилдириб юрганини кўрибди. У одам тинмай қуйи-даги байтни ўқиб юрар экан:

«Онаизори учун бўйнини эгган теваман,  
Тева минган она ҳориса-да, мен ҳоримасман».

У буни ўқир экан, Абдуллоҳга қараб:

«Эй Абдуллоҳ ибн Умар, мана шу хизматим билан мен онамнинг ҳаққини адо қила олдимми?» — деб сўрабди.

Абдуллоҳ ибн Умар:

«Йўқ, бу хизматинг онангнинг сени туғиш пайтида бошидан кечирган тўлғоқларнинг биттасига ҳам тенг бўлмайди», — дебдилар».

*Бухорий ривоят қилган.*

18. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири — фарзанд ота-она хизматида доимо шай туриши, ҳатто мушрик бўлсалар ҳам, уларнинг розилигини топиши лозимлиги.

عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: أَتَتْنِي أُمِّي رَاغِبَةً فِي عَهْدِ النَّبِيِّ ﷺ، فَسَأَلْتُ النَّبِيَّ ﷺ أَفَأَصْلُهَا؟ قَالَ: نَعَمْ. قَالَ ابْنُ عُيَيْنَةَ: فَأَنْزَلَ فِيهَا ﴿لَا يَنْهَكُمُ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُقَيِّلُوكُمْ فِي الدِّينِ﴾. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

*Асмо бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Онам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида рағбат қилган ҳолида ҳузуримга келди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Унга силаи раҳм қилайми?» — деб сўрадим.

«Ҳа», — дедилар».

Ибн Уяйна:

«Бас, бу ҳақда Аллоҳ азза ва жалла «Аллоҳ сизларга дин борасида уруш қилмаганларга... (яхшилик ва адолат қилишдан) сизларни қайтармас», оятини нозил қилди», — деган».

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг катта қизлари Асмо розияллоҳу анҳо мусулмон бўлиб, Ма-

динаи Мунавварага ҳижрат қилиб кетган, мушрика оналари Маккада қолган эди. Мазкура онанинг номи Қийла бинти Абдулғуззо бўлган.

Замон ўтиб, ҳалиги мушрика она — Қийла бинти Абдулғуззо, қизимни кўрай, деб, унинг яхшилигидан умидвор бўлиб келган. Шунда Асмо бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо мушрика она билан муслима қиз ўртасида муносабат қандай бўлиши кераклигини сўраб билиш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келган. «Мушрика онамга силаи раҳм қилаверайми?» деб сўраганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, қилавер», деганлар.

Демак, ота-она мушрик бўлса ҳам, фарзанд унга силаи раҳм қилиши, дунёвий ишларда яхшилик қилиб, иқтисодий ёрдам бериб, яхши гапириб, ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиши керак.

19. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири — уларнинг обрўсини ҳимоя қилиш ва обрўсизланишларига йўл қўймаслик.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: مِنَ الْكَبَائِرِ أَنْ يَشْتُمَ الرَّجُلُ وَالِدَيْهِ. فَقَالُوا: كَيْفَ يَشْتُمُ؟ قَالَ: يَشْتُمُ الرَّجُلَ فَيَشْتُمُ أَبَاهُ وَأُمَّهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

*Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Бир киши ота-онасини сўкиши гуноҳи кабийрлардандир», — дедилар.**

**«Қандай қилиб сўкади?» — дейишди.**

**«Бир одамни сўкади. У эса унинг ота-онасини сўкади», — дедилар».**

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Албатта, ҳар қандай ёмон одам ҳам ота-онасини тўғридан-тўғри сўкмайди. Саҳобалар ҳам шу мулоҳазани қилиб: «Киши ота-онасини қандай қилиб сўкади?» деб сўрашганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишнинг қандай ҳосил бўлишини тушунтириб бердилар.

Биров бир одамни сўкади, сўкиш эшитган одам «отангга фалон», «онангга фалон» деб, унинг ота-онасини сўкади.

Демак, ўз ота-онасини бошқа одамнинг сўкишига сабабчи бўлган кимса ўз ота-онасини сўккан бўлар экан. Бу иш эса, гуноҳи кабийралардан саналади. Шунинг учун фарзанд ота-онасига лаънат келтиришга эмас, балки уларнинг атрофдагилардан, халқдан раҳмат, ташаккур олишларига ҳаракат қилмоғи керак.

Фарзанд бир ёмон ишни қилса, бировга ёмон муомала қилса, «отанг фалон», «онанг фалон» бўлсин каби сўкишларга сабаб бўлса, бу нарса ота-онаси учун ниҳоятда ёмон бир иш ва ушбу ҳадиси шарифнинг таъбири ила айтганда, ота-онасини сўккан, гуноҳи кабийра содир қилган кишиларнинг қаторида бўлади.

20. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири — уларни хурсанд қилишнинг чораларини кўриш.

Бу иш ота-онага уларни хурсанд қиладиган совғалар тақдим қилиш ва шунга ўхшаш кўпгина нарсалар билан бўлиши мумкин. Фарзанд бу ишларни ота-онасининг хурсандчилиги учун қилиб туриши зарур. Жумладан, бундай ишларга қуйидагилар киради:

— Ота-онанинг молу мулкларини ва керакли нарсаларини муҳофаза қилиш.

— Ота-онанинг рухсатисиз бирор нарса олмаслик.

— Ота-онага роҳатбахш нарсаларни ҳозир қилиш.

— Ота-она ухлаётганларида уларни безовта қилмаслик.

— Ота-онанинг хоналарига уларнинг изнисиз кирмаслик.

— Ота-онадан олдин таомга қўл узатмаслик.

— Яхши нарсаларни ўзидан олдин ота-онага тақдим қилиш.

— Ота-онанинг олдиларида ёнбошламаслик.

— Ота-онанинг олдиларида оёғини узатмаслик.

— Ота-онадан юқорига ўтирмаслик.

— Ота-онадан барча ишларда маслаҳат сўраш.



– Ота-онанинг фикрлари ва тажрибаларидан фойдаланиш.

– Ота-онанинг насиҳатларини жону дил ила қабул қилиш.

– Ота-она ҳақларига дуода бўлиш ва ҳоказолар.

Чунки ҳар бир фарзанд учун ота-онани рози қилиш ўта муҳим нарса ҳисобланади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: رِضَا الرَّبِّ فِي رِضَا الْوَالِدِ، وَسُخْطُ الرَّبِّ فِي سُخْطِ الْوَالِدِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Роббнинг розилиги ота-онанинг розилигидадир. Роббнинг норозилиги ота-онанинг норозилигидадир», – дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Шунинг учун Аллоҳ таолони рози қиламан, деган киши ота-онасини Аллоҳ таоло чизган чегарада рози қилишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Бизда «Ота рози – Худо рози» деган гап бор. Худди шу халқ сўзи биз ўрганаётган ҳадиснинг таржимасидир. Роббнинг розилиги волид – ота-онанинг розилигидадир. Робб, яъни Аллоҳ таолонинг норозилиги – ота-онанинг норозилигидадир.

Демак, ким Аллоҳ таолони рози этаман, деган бўлса, ота-онани рози қилишга, ким Аллоҳ таоло мендан норози бўлмасин, деса, ота-онасини норози қилмасликка тиришмоғи, ҳаракат қилмоғи керак экан.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: مَا مِنْ مُسْلِمٍ لَهُ وَالِدَانِ مُسْلِمَانِ يُضِيحُ إِلَيْهِمَا مُحْتَسِبًا إِلَّا فَتَحَ لَهُ اللَّهُ بَابَيْنِ يَعْني الْجَنَّةَ، وَإِنْ كَانَ وَاحِدًا فَوَاحِدًا، وَإِنْ أَغْضَبَ أَحَدَهُمَا لَمْ يَرْضَ اللَّهُ عَنْهُ حَتَّى يَرْضَى عَنْهُ، قِيلَ وَإِنْ ظَلَمَاهُ؟ قَالَ: وَإِنْ ظَلَمَاهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.



*Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*  
**«У киши:**

**«Бир мўмин-мусулмон инсоннинг мусулмон ота-онаси бўлса, уларга яхшилик қилиб, унинг савобини кутган ҳолда тонг оттирган бўлса, Аллоҳ субҳаанаҳу ва таоло унга жаннатнинг икки эшигини очади. Агар фақат бири бўлса, битта эшик очади.**

**Агар фарзанд ота-онадан бирининг ғазабини чиқарган бўлса, ундан ўша шахс рози бўлмагунича, Аллоҳ рози бўлмайди», – деди.**

**«Ота-она унга зулм қилган бўлсалар ҳамми?» – дейилди.**

**«Зулм қилган бўлсалар ҳам», – деди».**

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Бу ривоятда ҳам ота-онага яхшилик қилишнинг фазли ҳақида сўз бормоқда. Унда бу ишнинг охира-да берадиган самараси баён қилинмоқда.

Ота-онасига савоб умидида яхшилик қилиб, тонг оттирган мусулмонга Аллоҳ таоло жаннатнинг икки эшигини очиб қўйиши таъкидланмоқда. Онасига яхшилик қилгани учун бир эшикни ва отасига яхшилик қилгани учун яна бир эшикни очиши эслатилмоқда.

Ота-онанинг иккиси бўлмай, фақат биттаси қолган бўлса ва фарзанд ўша қолганига савоб умидида яхшилик қилиб, тонг оттирса, Аллоҳ таоло унга жаннатдан бир эшик очар экан.

Фарзанд зинҳор ота-онанинг ғазабини чиқармаслиги керак. Чунки:

**«Агар фарзанд ота-онадан бирининг ғазабини чиқарган бўлса, ундан ўша шахс рози бўлмагунича, Аллоҳ рози бўлмайди».**

Демак, Аллоҳ таолонинг розилиги ота-онанинг розилигига боғлиқ. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Ҳаттоки, ота-она фарзандга зулм қилиб турса ҳам, фарзанд уларнинг ғазабига сабаб бўладиган гап-сўз, ҳаракат ва ишларни қилмаслиги керак.

Ота-она зулм қилиб турибди, лекин агар фарзанд ўша зулм қилган ота-онанинг ғазабини чиқарган бўл-

са, Аллоҳ таоло ундан ғазабланар экан. Менга зулм қиляпти, деб ота-онасини норози қилса, Аллоҳ таоло ҳам ўша бандадан норози бўлар экан.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху:

«Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга жаннатнинг икки эшигини очади. Агар улардан бирини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилгудай бўлса, уни рози қилмагунича Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди», — дедилар.

Шунда бир киши: «Агар ота-оналар болага зулм кўрсатган бўлса-чи?» — деб сўради.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху:

«Агар улар боласига зулм кўрсатган бўлсалар ҳам, фарзанд уларни ранжитмаслиги керак», — деб жавоб бердилар.

Аммо, ота-онанинг розилиги ва норозилиги Аллоҳ таолонинг ҳукмидан ташқарига чиқмаслиги шарт. яъни Аллоҳнинг амрига мувофиқ ишлардагина ота-онага итоат қилинади. Бироқ, ота-онанинг гапи Аллоҳнинг амрига хилоф бўлса, уларга итоат қилиш вожиб бўлмайди.

## ОТА-ОНАГА ИТОАТНИНГ ЧЕГАРАСИ

Ота-онанинг итоати ҳақидаги биз юқорида ўрганиб ва эслаб ўтган таълимотлар, яна бошқа қўшимча маълумотларни баъзи тарафларнинг суистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Баъзи ота-оналар болаларининг гуноҳ ишларда ҳам уларга итоат қилишларини истайдилар. Ҳатто Аллоҳнинг амрига, У Зотнинг динига хилоф бўлган ишларда ҳам, менинг айтганим бўлиши керак, дейдиган ота-оналар йўқ эмас. Бу ҳақдаги можаролар, низолар, саволлар тез-тез учраб туради.

Аммо, инсоннинг ва унга тегишли нарсаларнинг барчаси чегараланган нарсалар эканини унутмаслик лозим. Жумладан, ота-онага итоатнинг ҳам чегара-

си бор. Бу ҳақиқатни ота-онага итоат қилишни амр қилган Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримда баён қилган.

Аллоҳ таоло «Луқмон» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَإِنْ جَاهَدَاكَ عَلَىٰ أَنْ تُشْرِكَ بِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا  
وَصَاحِبُهُمَا فِي الدُّنْيَا مَعْرُوفًا وَأَتَّبِعْ سَبِيلَ مَنْ أَنَابَ إِلَىٰ تَمَّ إِلَيَّ  
مَرْجِعُكُمْ فَأَنِتُّكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٥﴾

«Агар икковлари сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришга зўрласалар, бас, уларга итоат этма! Ва дунёда икковларига яхшилик қил ҳамда Менга қайтганларнинг йўлига эргаш. Сўнгра қайтишингиз фақат Менгадир. Бас, Мен сизга нима амал қилганингиз хабарини берурман» (15-оят).

Ҳа, ота-онанинг фарзандда ҳаққи кўп. Фарзандлари уларни ҳар қанча эъзозласа, уларга ҳар қанча шукр қилса, итоат этса, оз. Аммо Аллоҳ таолонинг ҳаққи ундан ҳам юқори. Чунки ота-она фарзанднинг дунёга келишига, униб-ўсишига сабабчи бўлсалар, Аллоҳ таоло ҳақиқий яратувчи ва ризқ берувчидир. Шунинг учун Аллоҳ таолонинг ҳаққи ота-онанинг ҳаққидан устундир. Бу оятда ана шу ҳақиқат баён эгилмоқда.

«Агар икковлари сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришга зўрласалар, бас, уларга итоат этма!»

Агар ота-она ўз қадрини ўзи туширса, ота-оналик бурчини адо этиш, Луқмони Ҳаким каби боласини ширкдан қайтариш ўрнига уни Аллоҳ таолога ширк келтиришга зўрласалар, нотўғри қиладилар, гуноҳкор бўладилар. Унда фарзанд уларга итоат этмайди. Гуноҳ ишда ота-онагаки итоат этилмаганидан кейин, улардан бошқасига итоат этмаслик турган гап. Мўмин-мусулмон кимса нафақат Аллоҳга ширк келтиришда, балки умуман, У Зотга маъсият бўладиган ишларда ҳеч кимга итоат этмайди.

Лекин бу «Бошқа эътиқодда бўлгани учун ота-онангдан бутунлай воз кеч», дегани эмас.

**«Ва дунёда икковларига яхшилик қил»**

Мусулмон фарзанд кофир ота-онасига эътиқод, дину диёнат масаласида итоат этмагани билан, уларга ширин муомалада бўлади, дунёвий эҳтиёжларини қондиради. Ушбу ояти карималар нозил бўлмаган вақтларда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Абу Ваққос, Саъд ибн Молик каби ота-онаси мушрик бўлган саҳобийларга ота-оналарини ҳурматлашни, уларга яхшилик қилишни буюрганлар.

**«...ҳамда Менга қайтганларнинг йўлига эргаш».**

Яъни, менинг йўлимни тутган мўмин-мусулмонларнинг изидан юр.

**«Сўнгра қайтишингиз фақат Менгадир».**

Мендан бошқага эмас. Қиёматда ҳаммангиз менга қайтасиз.

**«Бас, Мен сизга нима амал қилганингиз хабарини берурман».**

Ва ҳар ким қилган яхши амалига яраша мукофот, ношукр бўлганлар нонкўрлигига яраша жазоларини оладилар.

Бу борадаги умумий қоидани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларидан бирида баён қилганлар.

عَنِ الْحَسَنِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: لَا طَاعَةَ لِمَخْلُوقٍ فِي مَعْصِيَةِ الْخَالِقِ. رَوَاهُ ابْنُ أَبِي شَيْبَةَ.

*Ҳасандан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Холиқнинг маъсиятида махлуққа итоат йўқ» – дедилар».**

*Ибн Абу Шайба ривоят қилган.*

Яъни, бандани рози қиламан, деб, Аллоҳ таолони норози қиладиган нарсани қилиб бўлмайди.

Мусулмон фарзанд ота-онасини рози қилиш учун барча яхшиликларни қилиши матлуб. Аммо бу ишлар шариат кўрсатмаларидан заррача ҳам четга чиқмас-



лиги лозим. Акс ҳолда, банда Аллоҳ таолонинг олдида гуноҳкор бўлиб қолади.

Ота-она зулм қилсалар ҳам, уларга яхшилик қилиш ҳақидаги гап борасидаги ҳужжат ва далилларни чуқур таҳлил қилган фуқаҳолар бундан истисно қилинадиган нарсаларни ҳам аниқлаганлар.

Машҳур Ҳанафий олимлардан Мулло Али Қори:

«Бу (ота-она зулм қилса ҳам, уларга итоат қилиш) айни камолдир. Аммо, жоизликнинг асли эътиборидан хотини билан ажрашиш ҳақида амр бўлса, уни талоқ қилиш лозим бўлмайди. Агар ота-она қаттиқ озор топсалар ҳам», — деган.

Имом Таҳовий:

«Фарзанд мубоҳ нарсаларда бўйсунеди, наҳий қилинган нарсаларда эмас», — деган.

Тоҳир Фатаний:

«Агар икковлари дунёвий ишларда унга зулм қилсалар, кўнади ва бўйсунеди, охират ишларида эмас», — деган.

Иззуддийн Абдуссалом:

«Фарзандга иккисининг итоати ҳар бир амрда ва ҳар бир наҳийда вожиб бўлмаслигига уламолар иттифоқ қилганлар», — деган.

Имом Фаззолий:

«Кўпчилик уламолар ота-онанинг итоати шубҳали нарсаларда вожиблигини айтганлар. Тўлиқ ҳаромда вожиб бўлмайди. Чунки шубҳани тарк қилиш вараъга киради. Ота-онанинг итоати эса мажбурийдир», — деганлар.

Уламолар яна қуйидагиларни айтадилар:

«Агар ота-онанинг ҳаққига баробарига риоя қилиш мумкин бўлмай қолса, улурлаш ва эҳтиром маъносида ота устун қўйилади. Чунки насаб ундандир. Хизмат ва инъом юзасидан онанинг ҳаққи устун қўйилади. Мисол учун, ота-она ташқаридан кириб келганда ота учун ўриндан турилади. Фарзанд бирор нарса ҳада қиладиган бўлса, онасидан бошлайди. Фарзанд ота-онадан фақат биттасига нафақа беришга қодир бўлса, онасига беради».

عَنْ بَهْزِ بْنِ حَكِيمٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، مَنْ  
 أَبْرُ؟ قَالَ: أُمَّكَ، قُلْتُ: مَنْ أَبْرُ؟ قَالَ: أُمَّكَ، قُلْتُ: مَنْ أَبْرُ؟ قَالَ:  
 أُمَّكَ، قُلْتُ: مَنْ أَبْرُ؟ قَالَ: أَبَاكَ ثُمَّ الْأَقْرَبَ فَلِأَقْرَبٍ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ  
 فِي الْأَدَبِ.

*Баҳз ибн Ҳакиймдан, у отасидан, у бобосидан ривоят қилинади:*

«Эй Аллоҳнинг Расули, кимга яхшилик қилай?» – дедим.

«Онангга», – дедилар.

«Кимга яхшилик қилай?» – дедим.

«Онангга», – дедилар.

«Кимга яхшилик қилай?» – дедим.

«Онангга», – дедилар.

«Кимга яхшилик қилай?» – дедим.

«Отангга, сўнгра энг яқинларга, кейин ундан кейинги яқинларга ва ҳоказо», – дедилар».

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Мана шу ҳадисдан уламолар «Онанинг ҳаққи отанинг ҳаққига кўра уч баробар кўп» деган хулосани ҳам чиқарганлар. Ота-она албатта, ҳар бир фарзанд учун улуғ зотлар. Лекин онанинг тутган ўрни алоҳида таъкидланади. Чунки она фарзандга ҳомиладор бўлганидан бошлаб, унинг машаққатини тортади. Тўққиз ой давомида қорнида кўтариб юради. Ҳомиладорликнинг қанчалик қийин кечишини ҳар бир ақлли одам яхши билади. Фақат фарзанд учун фидокорлиги туфайлигина она ўша машаққатларни кўтаради. Шунинг учун онанинг фарзанддаги ҳаққи алоҳида улуғ бўлади.

Қолаверса, ҳар бир фарзанднинг туғилиши қанчалик оғир машаққат эканини ҳам ҳамма яхши билади. Туғиш дарди ўлимни бўйинга олиш билан баробар эканини, айниқса, аёллар яхши билдилар. Шунинг учун ҳам онанинг фарзанддаги ҳаққи алоҳида улуғ бўлади.

Кейин уни эмизиб, ювиб-тараб, тўғри тарбия бериб, катта қилиш қанчалик улкан меҳнат эканини



ҳам ҳамма яхши билади. Бу машаққатли меҳнатни ҳам фақат онагина яхшилаб адо эта олади. Шунинг учун онанинг фарзанддаги ҳаққи буюкроқ бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, ана шу эътибордан, уч марта «онангга яхшилик қил» деганларидан сўнггина, тўртинчи мартада «отангга» деб жавоб бердилар ва улардан кейингина яқинларга — бошқа қариндошларга яхшилик қилиш кераклигини таъкидладилар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَأَلْتُ النَّبِيَّ ﷺ: أَيُّ النَّاسِ  
أَعْظَمُ حَقًّا عَلَى الْمَرْأَةِ؟ قَالَ: زَوْجُهَا، قُلْتُ: فَأَيُّ النَّاسِ أَعْظَمُ حَقًّا  
عَلَى الرَّجُلِ؟ قَالَ: أُمُّهُ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:**

**«Одамларнинг қай бирининг аёл кишида ҳаққи энг улуг?»** – деб сўрадим.

**«Эрининг»,** – дедилар».

**«Одамларнинг қай бирининг эр кишида ҳаққи энг улуг?»** – дедим.

**«Онасининг»,** – дедилар».

*Насий ривоят қилган.*

Демак, эркак кишилар учун уларда ҳаққи энг улуг одам оналари бўлади.



## ОТА-ОНАГА ОҚҚ БЎЛИШ ҲАҚИДА

Арабча «оққ» сўзи луғатда «ёриш» ва «кесиш» маъноларини билдиради ҳамда озор бериш, осий бўлиш ва қарши чиқишни ифода қилади. Бир сўз билан айтганда, «оққ» сўзи «бирр»нинг тескарисидир.

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرَةَ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ:  
 أَلَا أُنبئُكُمْ بِأكْبَرِ الكِبَائِرِ ثَلَاثًا، قَالُوا: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: الإِشْرَاكُ  
 بِاللَّهِ، وَعُقُوقُ الوَالِدَيْنِ، - وَجَلَسَ وَكَانَ مَتَكِّئًا - أَلَا وَقَوْلُ الزُّورِ. مَا  
 زَالَ يُكْرَرُهَا حَتَّى قُلْتُ: لَيْتَهُ سَكَتَ. رَوَاهُ البُخَارِيُّ فِي الأَدَبِ.

*Абдурроҳман ибн Абу Бакрадан, у отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уч марта:**

**«Сизларга гуноҳларнинг каттасининг хабарини берайми?» – дедилар.**

**«Ҳа, ё Расулalloҳ!» – дейишди.**

**«Аллоҳга ширк келтириш. Ота-онага оққ бўлиш», – дедилар ва ёнбошлаб ётган эдилар, ўтириб олдилар-да:**

**«Огоҳ бўлинглар, ёлғон гап!» – дедилар.**

**Ана шу гапни такрорлайвердилар, такрорлайвердилар, ҳаттоки, сукут сақласайдилар, дедим».**

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бу ҳадисда энг катта гуноҳлар ҳақида хабар бермоқдалар. У зот соллalloҳу алайҳи васаллам Аллоҳга ширк келтиришдек буюк, дунёдаги энг катта гуноҳдан кейинги, иккинчи ўринда турадига катта гуноҳ ота-онага оққ бўлиш эканини айтяптилар.

Демак, инсон Аллоҳга ширк келтиришдан қанчалик кўрқса, ота-онага оққ бўлишдан ҳам шунчалик кўрқиши ва ёлғон гап, тўқима бўҳтонлардан ҳам шунчалик эҳтиёт бўлиши лозим экан.



قَدْ رُوِيَ عَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: يُرَاحُ رِيحُ الْجَنَّةِ مِنْ مَسِيرَةِ خَمْسِمِائَةِ  
عَامٍ، وَلَا يَجِدُ رِيحَهَا مَنَّا بِعَمَلِهِ، وَلَا عَاقٍ، وَلَا مُدْمِنٍ حَمْرٍ. رَوَاهُ  
الطَّبْرَانِيُّ.

*Набий сомаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади.*

**«Ул зот айтдиларки:**

**«Жаннатнинг ҳиди беш юз йиллик масофадан сезилади. Унинг ҳидини амалини миннат қилувчи, оққ бўлган ва сурункали хамр ичганлар топа олмайдилар».**

*Тобароний ривоят қилган.*

Аслини олганда, ота-онага яхшилик қилиш деб ҳисобланган ишларнинг зиддини қилган ва унинг натижасида ота-онасининг ранжишларига сабаб бўлган, уларнинг кўнглига озор берган фарзанд оққ бўлган ҳисобланади.

Аммо, ота-онага оққ бўлиш борасидаги ҳужжат ва далилларни жамлаб, таҳлил қилган уламоларимиз бу амал жумладан, қуйидагилар ила юзага келишини айтганлар:

1. Ота-онага қилиш лозим бўлган яхшиликни қилмаслик «оққ бўлиш» деб аталади. Ўша вазифалардан бирортасини қилмаслик ота-онага ўша соҳада оққ бўлишдир.

2. Ота-она боласи ҳақида қасам ичсаю, бола унга амал қилмаса.

3. Ота-она боласидан бирор нарсани сўраса, бола имкони бўла туриб, бермаса.

4. Ота-онанинг омонатига хиёнат қилиш.

5. Боланинг ота-онаси унинг ҳақида Аллоҳ таолога шикоят қиладиган иш қилиши.

6. Ота-онага оққ бўлиш амалий ва каломий қисмларга бўлинади. Ота-онага гап-сўз билан озор етказганлар уларга каломий оққ бўладилар. Ота-онага бирор қилмиши ила озор берганлар амалий оққ бўладилар.

Буларга ота-онани малол олиш, уларга дўқ қилиш, газаб кўрсатиш, тик қараш каби нарсалар киради.

7. Ота-онага оққ бўлишнинг умумий ўлчови шуки, агар бегонага нисбатан қилинса, кичик гуноҳ бўладиган нарса ота-онага қилинса, катта гуноҳга айланади.

Ушбу масалада ҳам одамлар орасида тушунмовчиликлар, бепаровлик ва ҳаддан ошишлар мавжуд.

Баъзи фарзандлар бепарволиклари туфайли ота-оналарига салбий оққ бўлишга олиб борадиган муомалаларни ўзларига эп кўрадилар.

Баъзи ота-оналар бўлар-бўлмасга ўз фарзандларини оққ қилишга шошиладилар. Яна бошқалари Аллоҳ таолонинг иродасига қарши бўлган ишларда болалари узр айтсалар ҳам, оққ қиламан, деган дўқ-пўписаларни қилишдан тап тортмайдилар. Бунга мисол тариқасида, «хотинингни талоқ қилмасанг, оққ қиламан», «ароқ ичмасанг, оққ бўласан», дейишлар киради. Баъзан ота-оналар орасидаги низоларда фарзандлар зулмга қоладилар. Ота: «онангдан кечмасанг, розимасман», деса, она: «отангдан юз ўгирмасанг, оққ қиламан», деб туриб олади. Бунда улар фарзандларини гуноҳга ундаш билан, ўзлари ҳам гуноҳкор бўладилар.

Бас, ҳар ким ўз чегарасини билиши ва ўша чегарада туриши лозим. Бунинг учун эса, албатта, динимиз таълимотларини пухта ўрганиб бориш керак.



## ОТА-ОНАГА ВАФОТЛАРИДАН КЕЙИН ЯХШИЛИК ҚИЛИШ

Ота-онанинг фарзанддаги ҳақлари улуғ бўлган-лигидан у уларнинг вафотларидан кейин ҳам давом этади. Бу ҳақларнинг бизларгача собит етиб келишига ота-оналаридан ажраб қолган саҳобаи киромларнинг саволлари сабаб бўлган.

Ота-онанинг фарзанддаги ҳақлари тўғрисида юқорида ўрганиб ўтилган диний таълимотлар ҳар бир виждони бор фарзандга қаттиқ таъсир қилиши муқаррар. Хусусан, фарзанд катта бўлиб, билими ва тажрибаси етарли савияга етганидан сўнг ота-онага яхшилик қилишга астойдил киришади. Аммо, бу ҳақиқат юзага чиқиб, фарзанд ихлос билан ота-онасига яхшилик қилишни ўрнига қўйиб, ўзидан хурсанд бўлиб турганида ота-она вафот қилиб қолади. Сўнг-ра фарзанднинг афсус-надомати бошланади. Шундай ҳолатга тушган баъзи саҳобийлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ота-онага вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилиш мумкинми ёки йўқми экани тўғрисида саволлар берганлар.

عَنْ أَبِي أُسَيْدٍ قَالَ: كُنَّا عِنْدَ النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَلْ بَقِيَ مِنْ بِرِّ أَبِي شَيْءٍ بَعْدَ مَوْتِهِمَا أَبْرَهُمَا؟ قَالَ: نَعَمْ، حِصَالُ أَرْبَعٍ: الدُّعَاءُ لَهُمَا، وَالِاسْتِغْفَارُ لَهُمَا، وَإِنْفَادُ عَهْدِهِمَا، وَإِكْرَامُ صَدِيقِهِمَا، وَصِلَةُ الرَّحِمِ الَّتِي لَا رَحِمَ لَكَ إِلَّا مِنْ قَبْلِهِمَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абу Усайддан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Бир одам:

«Ё Расулаллоҳ! Мен учун ота-онамга улар дунёдан ўтганларидан кейин қиладиган яхшилик қолдими?» – деб сўради.

У зот: «Ҳа! Тўрт хислат қолди: уларга дуо қилиш; Улар учун мағфират сўраш; Уларнинг аҳдига

**вафо қилиш; Уларнинг дўстларини ва сенга уларсиз силаи раҳм бўлмайдиган кишиларни икром қилиш», – дедилар».**

*Бухорий «Агаб»да ривоят қилган.*

Аслида, вафот этган одамнинг бу дунёда қилган амаллари асосида охиратдаги мақоми белгиланади. Унинг заррача яхшилиги ёки ёмонлиги бўлса ҳам, ҳисобга олинади. Аммо, Аллоҳ таоло уммати Муҳаммад алайҳиссаломга раҳм кўрсатиб, уларга ўлимларидан кейин ҳам ортларидан савоб етишига ва уларнинг охиратдаги мақому даражаларининг ортиб боришига йўл очиб қўйган.

Фарзанд ота-онаси тириклигида уларнинг хизматини қилиб, розилигини олиб, яхшиликлар қилиб ўтишга тарғиб қилинади. Лекин ота-она вафот этганидан кейин ҳам, ушбу ҳадисда келган таълимотга биноан, уларга тўрт хил яхшилик қилса бўлар экан.

### **1. Дуо қилиш.**

Ота-оналарнинг ҳаққига Аллоҳ таолодан яхшиликлар – жаннат, хайр-баракалар сўраб, дуо қилиш фарзанднинг ота-онасига уларнинг вафотларидан кейин қиладиган яхшиликларидандир. Бу дуолар ота-онага бориб, уларнинг яхши амалларига қўшилиб туради. Худди уларга тириклик чоғларида яхшилик қилгандек бўлади.

عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيْبِ يَقُولُ: إِنَّ الرَّجُلَ لَيُرْفَعُ بِدُعَاءِ وَلَدِهِ بَعْدَهُ، وَقَالَ: بِيَدَيْهِ هَكَذَا، فَرَفَعَهُمَا.

*Саъийд ибн Мусайябдан ривоят қилинади:*

**«У киши: «Албатта, киши ўзидан кейин боласининг қилган дуоси ила кўтарилади», – деди ва: «Мана бундай», – деб, икки қўлини кўтарди».**

Саъийд ибн Мусайяб: «Бир одам ўлиб кетганидан кейин орқасидан фарзандининг қилган дуоси туфайли мартабаси мана бундай бўлиб кўтарилади», деб, икки қўлларини кўтариб кўрсатган эканлар. Яъни бу ривоят вафотларидан кейин ҳам ота-онага фарзанд-

нинг қиладиган яхшилиги уларнинг ҳақларига дуо қилиши билан бўлишига мисолдир.

Фарзанд ота-онасига, уларнинг вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилай, деган умидда бўлса, уларнинг ҳаққига дуо қилиб, мағфират сўраса, ана ўша иши яхшилик бўлар экан. Фарзандларининг дуо-си туфайли ота-оналарнинг охиратдаги мақомлари юқори бўлар экан.

## 2. Истиғфор айтиш.

Аллоҳ таолодан ота-онасининг гуноҳини кечишини сўраб, истиғфор айтиш. Фарзанд ўтиб кетган ота-онасига Аллоҳ таолодан мағфират сўраб турса, уларга вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилиб турган бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: تَرَفَعَ لِلْمَيِّتِ بَعْدَ مَوْتِهِ دَرَجَتُهُ، فَيَقُولُ: أَيُّ رَبِّ، أَيُّ شَيْءٍ هَذِهِ؟ فَيُقَالُ: وَلَدُكَ اسْتَغْفَرَ لَكَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Майит ўлганидан кейин унинг даражаси кўтарилади. Бас, у:

«Эй Роббим, бу нима?» – дейди.

«Боланг сенга истиғфор айтди», – дейилади».

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Албатта, инсоннинг ўзи вафотидан сўнг амал қилиш имконидан маҳрум бўлади. У ҳеч нарса қила олмайдиган, кутиб туришдан бошқа нарсага ярамайдиган ҳолга тушади.

Аммо, ўлганидан кейин бир кишининг даражаси кўтарилади. Бундан ўша банданинг ўзи ҳам ҳайрон. Қандай қилиб ўлимидан кейин унинг даражаси кўтарилиши мумкин? Бу ажабланиш уни Аллоҳ таолога савол беришга ундайди. У:

«Эй Роббим, бу нима?» – дейди».

Унинг ажабланиш ила берган бу саволининг жавобига:

«Боланг сенга истиғфор айтди», – дейилади».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг бу гапларидан боланинг истиғфори – мағфират сўраши туфайли

унинг вафот этиб кетган ота-онасининг охиратдаги даражаси кўтарилиши билиб олинади.

Шунинг учун ота-онасининг ўлимидан кейин уларга яхшилик қилмоқчи, уларнинг ортидан савоб етказмоқчи ва охиратдаги мақомининг яхшиланиши, даражасининг кўтарилишини истаган фарзанд уларга мағфират сўраб, дуода бўлиши лозим.

Ўтиб кетган ота-онасига мағфират сўрайдиганларнинг энг яхшиси намозхонлардир. Намозхон ҳар намозининг охирида, дуо қабул бўладиган бир мақомда, салом беришдан олдинги дуосида ота-онасига мағфират сўрайди.

### 3. Ота-онанинг аҳдига вафо қилиш.

Ота-она ким биландир аҳд тузган бўлса, берган ваъдаси, мажбуриятлари бўлса — шуларнинг ҳаммасини ўрнига қўйиб, васиятларини бажариш ҳам ота-онанинг орқасидан қилинадиган яхшиликлар қаторига кирар экан. Худди уларга тириклик чоғларида яхшилик қилгандек бўлар экан.

— Ота-онанинг аҳдига вафо қилишнинг бир тури уларнинг қарзини узишдир.

— Ота-онанинг аҳдига вафо қилишнинг бир тури уларнинг назрини адо қилишдир.

— Ота-онанинг аҳдига вафо қилишнинг бир тури уларнинг васиятларини бажаришдир.

### 4. Ота-онанинг дўстлари, яқин кишилари ва қариндошларини икром қилиш.

Шу йўл билан фарзанд ота-онасига улар ўтиб кетганларидан кейин ҳам яхшилик қилиши, орқаларидан савоб етказиб туриши мумкин. Бу билан худди уларга тириклик чоғларида яхшилик қилгандек бўлади.

Ота-онанинг дўст ва дугоналарига уларнинг вафотларидан кейин яхшилик қилинса, ота-онанинг руҳи шод бўлади, боласи уларга ўлимларидан кейин яхшилик қилган бўлади.

عَنْ أَبِي بَكْرٍ بْنِ حَزْمٍ، عَنْ رَجُلٍ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: كَفَيْتَكَ أَنْ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: إِنَّ الْوَدَّ يَتَوَارَثُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.



Абу Бакр ибн Ҳазман, у киши Набий солаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларининг биридан ривоят қилади:

**«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:  
«Дўстлик мерос қолдирилади», – дедилар».**

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Ота-она ким билан дўст бўлса, дўстлик алоқаларини сақласа, улар ўтгандан кейин ана шу дўстлик алоқаси фарзандларга мерос бўлиб қолади. Фарзандлар мазкур меросни давом эттиришлари керак бўлади.

Бу ишни саҳобаи киромлар қойиллатганлар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَجُلًا مِنَ الْأَعْرَابِ لَقِيَهِ بِطَرِيقِ مَكَّةَ، فَسَلَّمَ عَلَيْهِ ابْنُ عُمَرَ وَحَمَلَهُ عَلَى حِمَارٍ كَانَ يَرْكَبُهُ، وَأَعْطَاهُ عِمَامَةً كَانَتْ عَلَى رَأْسِهِ، فَقَالَ ابْنُ دِينَارٍ: أَصْلَحَكَ اللَّهُ، إِنَّهُمْ الْأَعْرَابُ، وَهُمْ يَرْضَوْنَ بِالْيَسِيرِ، فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ: إِنْ أَبَا هَذَا كَانَ وَدًّا لِعُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ، وَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: إِنْ أَبَرَ الْبِرَّ صِلَةَ الْوَالِدِ أَهْلٌ وَوَدَّ أَبِيهِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Бир аъробий Макканинг йўлида у кишига учраб қолди. Ибн Умар унга салом берди ва уни ўз эшагига миндирди. Кейин унга бошидаги салласини берди. Шунда ибн Динор унга:**

**«Аллоҳ сенинг ишингни ўнгласин. Булар аъробий, оз нарсага ҳам рози бўлаверадилар», – деди.**

**«Бунинг отаси Умар ибн Хаттобнинг орайниси эди. Мен Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Албатта, яхшиликларнинг яхшилиги бола отасининг орайнисига сила қилишидир», деганларини эшитган эдим», – деди».**

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Бизлар ҳам бу нарсага амал қилишимиз лозим. Отамизнинг дўстлари, онамизнинг дутоналарига яхшилик қилсак, уларни зиёрат қилиб, ҳолидан хабар олсак, оғирини енгил қилсак, дуосини олсак, ота-



онамизга уларнинг вафотларидан кейин яхшилик қилган бўламиз.

Ушбу ҳадисда ота-онага уларнинг вафотларидан кейин яхшилик қилиш доирасида қариндошларга си-лаи раҳм қилиш ҳам айтилган.

عَنْ ثَابِتِ بْنِ أَنَسٍ قَالَ: بَلَّغْنَا أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ قَالَ: مَنْ أَحَبَّ أَنْ يَصِلَ أَبَاهُ فِي قَبْرِهِ فَلْيَصِلْ إِخْوَانَ أَبِيهِ بَعْدَهُ. رَوَاهُ حُسَيْنُ الْمُرُوزِيُّ.

*Собит Бунонийдан ривоят қилинади:*

**«Бизга Умар ибн Хаттобнинг «Ким отасига унинг қабрида си-лаи раҳм қилишни истаса, отасининг ака-укаларига си-лаи раҳм қилсин», дегани етиб келган».**

*Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.*

Қаранг, ота-онанинг ҳаққи фарзандларда улар дунёдан ўтиб кетганларидан кейин ҳам қолар экан. Фарзанд қабрида ётган отасига ҳам яхшилик қилиши мумкин экан. Бунинг учун у отасининг ака-укалари-га яхшилик қилиши етарли экан.

Фарзанднинг ота-онага уларнинг вафотларидан кейин яхшилик бўладиган, ортларидан савоб ст-казадиган ва руҳларини шод қиладиган ишлардан яна бири уларга атаб садақа қилишдир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: إِذَا مَاتَ الْعَبْدُ انْقَطَعَ عَنْهُ عَمَلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثٍ: صَدَقَةٌ جَارِيَةٍ، أَوْ عِلْمٌ يُنْتَفَعُ بِهِ، أَوْ وَلَدٍ صَالِحٍ يَدْعُو لَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:**

**«Агар банда вафот этса, унинг амаллари кесил-лади. Лекин садақан жория, манфаат олинадиган илм ва унга дуо қиладиган солиҳ фарзанддан кесилмайди», – дедилар».**

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Яъни, садақан жория (оқиб турувчи садақа) – Аллоҳ ризолиги учун қурилган, кўпчиликка хизмат

Тавсия қилинади



қилувчи масжид, мадраса, кўприк, йўл каби нарсалар, жамият манфаати учун ёзиб қолдирилган илмий асарлар ва ўзидан кейин хайр-дуода бўлувчи солиҳ фарзанд қолдирган бўлса, ана шулар воситасидаги савоб инсоннинг вафотидан кейин ҳам давом этади.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: تُوَفِّيَتْ أُمُّ سَعْدِ بْنِ عُبَادَةَ وَهِيَ غَائِبَةٌ عَنْهَا، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أُمَّيْ تُوَفِّيَتْ وَأَنَا غَائِبَةٌ عَنْهَا، أَيَنْفَعُنِي شَيْءٌ إِنْ تَصَدَّقْتُ بِهِ عَنْهَا؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: فَإِنِّي أَشْهَدُكَ أَنَّ حَائِطِي الْمَخْرَافَ صَدَقَةٌ عَنْهَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Саъд ибн Убоданинг онаси у ғойиблигида вафот этди. Бас, у:

«Эй Аллоҳнинг Расули, онам менинг ғойиблигимда вафот этди. Агар унинг номидан бирор нарса садақа қилсам, унга манфаати бўладими?» деди.

«Ҳа», дедилар у зот.

«Сизни гувоҳ қилиб айтаманки, мевали боғим унга садақа бўлсин», деди.»

*Бухорий, Термизий, Насаий ривоят қилганлар.*

Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу ўзларининг мевали боғларини оналарига садақа сифатида вақф қилиб қўйдилар. Ўша боғнинг меваси ёки ундан тушган фойда муҳтож кишиларга бериладиган, савоб эса Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳунинг оналарига бориб турадиган бўлди. Мусулмонлар шунга ўхшаш ишлари ила дунёда шуҳрат топганлар. Кейинчалик, ўтганларга атаб тирикларга фойда бериб турадиган вақфлар қилиш кенг тарзда йўлга қўйилган. Бора-бора ҳайвонларга аталган вақфлар ҳам тарқалган. Ўша вақфлардан тирик жон борки, фойда олса, савоби ўлганлардан кимга аталса, ўшанга бориб турган.

Бугунги кун мусулмонлари ҳам бу ишни қилишда давом этмоқдалар. Бизда ҳам қариндош-уруғ, таниш-билиш, маҳалла-кўй, яна ёрдамга муҳтож тарафларга фойда берадиган турар жойни яхшилаш, кийим бош-

ни бут қилиш, баъзи тўловларни тўлашда ёрдам каби садақаи жория бўладиган ишларни қиладиганлар кўпайиб бормоқда. Бу ишни яна ҳам ривожлантириб боришимиз лозим.

عَنْ سَعْدِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ أَنَّهُ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أُمَّ سَعْدٍ مَاتَتْ، فَأَيُّ الصَّدَقَةِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: الْمَاءُ، قَالَ: فَحَفَرَ بَيْتًا وَقَالَ هَذِهِ لِأُمِّ سَعْدٍ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالنَّسَائِيُّ وَزَادَ: فَبِتِلْكَ سِقَايَةَ سَعْدٍ بِالْمَدِينَةِ.

*Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, Саъднинг онаси вафот этди. Қайси садақа афзал?» деди.**

**«Сув», дедилар.**

**У бир қудуқ қазиди ва:**

**«Мана шу Саъднинг онаси учун», деди».**

*Абу Довуд, Аҳмад ва Насаий ривоят қилганлар.*

*Насаий:*

**«Ўша Саъднинг Мадинадаги сувхонасидир» жумласини зиёда қилган.**

Демак, кўпчилик мусулмонларга доимий равишда манфаат бериб турадиган хайрли ишлар энг яхши садақа ҳисобланар экан.

Афсуски, баъзи юрглarda садақа деганда фақат қозон осиб, таом пишириш тушуниладиган бўлиб қолган. Бу очликдан қийналаётган кишилар бор жойда бир марта бўлса ҳам, қорнини тўйдира олмай юрганлар учун яхши садақа бўлади. Аммо, шароитга қаралса, оддий, ночор, ёрдамга муҳтож мусулмонларга кўпроқ манфаат берадиган амал қилинса, садақанинг савоби кўп бўлади. Буни ҳал қилишнинг энг яхши йўли Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳунинг тутган йўллари дидир.

Аҳли сунна ва жамоа уламолари жумҳури: «Май-йит ўзидан бошқанинг амалидан манфаат олади», деганлар. Улар қуйидагиларни айтадилар:

«Ким: «Инсон фақат ўзининг амалидангина манфаат олади», деса, ижмоъни бузган бўлади. Бу гап бир неча важҳдан ботилдир:

1. Инсон ўзидан бошқанинг дуосидан манфаат олади. Дуо ҳам бошқанинг амалидир.

2. Пайғамбар алайҳиссалом маҳшар аҳлига — аҳли жаннатга жаннатга киришларига, гуноҳи кабира аҳлига дўзахдан чиқиб, жаннатга киришларига шафоат берадилар.

3. Фаришталар ер аҳлига дуо қиладилар ва истиффор айтадилар.

4. Мўминларнинг болалари ота-оналарининг амалари ила жаннатга кирадилар.

5. Икки етим бола отасининг амалидан манфаат олган. Қуръонда: «оталари солиҳ бўлган эди», дейилган.

6. Маййитнинг садақа ва қул озод қилишдан манфаат олиши суннат ва ижмоъ билан собит бўлган.

7. Маййит қарздор бўлса, ўлганидан кейин унинг қарзи берилса, қарзи узилади. Бу валийсининг амалидир.

8. Набий алайҳиссалом Нажошийга намоз ўқиганлар.

Бу масаладаги тортишувда, асосан, таассуф устун келади. Зотан, барча тортишувларда ҳам шундай бўлади ва натижада икки томон ҳам асл мақсаддан узоқлашиб кетади. Аслида эса, тушунса бўладиган иш.

Маййитнинг ортидан қилинадиган хайр-эҳсон, дуо ва бошқа ишлар шариатнинг асосини ташкил этмайди. Аксинча, булар бир қўшимча нарсалар бўлиб, асосини ҳар бир одамнинг ўзи қилган амали ташкил этади.

Шунинг учун ўлгандан кейин бошқанинг амалидан манфаат тегар экан, деган ўй билан бу дунёда шариатга амал қилмай юравериш мутлақо нотўғридир. Ҳатто баъзи жойларда йилига бир марта худойи қилиб қўйишни «дин» деб тушунадиганлар ҳам бор.

Жумхур уламолар «Маййитга ўзганинг амали манфаат беради», деган ҳукмини хаёлан топиб айтган эмаслар, балки оят ва ҳадисларга суяниб, уларни ҳужжат қилиб айтганлар. Шунинг учун бу нарсани тўғри тушуниш ва унга тўғри амал қилиш керак».

## ОТА-ОНАНИ ЙЎҚЛАБ ТАОМ УЛАШИБ, ЭҲСОН ҚИЛИШ

Бизда турли омиллар сабабли ўтган яқинларни, хусусан, ота-онани йўқлаб, уларга ортларидан савоб юбориш ниятида таом пишириб, одамларни чорлаш кенг тарқалган. Ҳатто кўпчилик ўтганларга савоб бағишлаш, деганда айнан мана шу ишни тушунадиган бўлиб қолган.

Диндан узоқлашиш ва яна бошқа турли сабабларга кўра, ўтганларга атаб, «уч», «йигирма», «қирқ», «йил» ва бошқа номлар билан аталадиган маросимлар ўтказиш одатга айланган. Бу каби маросимларни ўтказишнинг ўзига хос «қоида»лари ҳам шаклланган. Уларга биноан, кун санашнинг ҳам услуби бор — маросимни тоқ кунларда қилиш шарт эмиш. Қилинадиган таомларнинг тури ҳам аниқлаб, тайинлаб қўйилган. Яна шунга ўхшаш бидъат-хурофотлар анчагина. Бу ишларда, асосан, аёллар ва маҳаллалардаги маросимчиларнинг гапи гап бўлади. Баъзи жойларда маййитнинг дафни куни жонлиқ сўйиб, таом пиширишга киришиб кетилади. Юқорида номи айтилган маросимларнинг қилинмаслиги марҳумни хорлаш билан баробар кўрилади. Хуллас, бу борада шариатга тўғри келмайдиган гаплар ва ишлар анчагина бор.

Шунинг учун ҳам ушбу мақомда бу масалани қисқача ёритиб ўтишни маъқул топдик.

Аввало, мусийбатга учраганлар дафндан кейинги уч кун ичида бошқаларга таом қилиб беришлари макруҳдир. Мусийбатзадаларга уларнинг яқинлари ва қўшнилари таом тақдим қилишлари мустаҳабдир. Меросхўрларнинг ичида балоғатга етмаган болалар бўлса, бошқаларга таом қилиб бериш ҳаромдир.

Мазкур уч кундан кейин маййит аҳли таом қилиб, улашса, дурустлиги юзага чиқади. Аммо, шариатда «уч», «йигирма», «қирқ», «йил» ва бошқа номлар билан аталадиган маросимлар йўқ. Катта китобларда ҳам, кичикларида ҳам, арабчасида ҳам, ажамчасида ҳам бу номларнинг бирортасини топиб бўлмайди.



Китобларда «Мотам муносабати ила қилинадиган таом «вазийма» дейилади» деган гап бор, холос.

Ўша вазийманинг куни, ҳажми, унга пишириладиган таомнинг тури ва бошқа нарсалари белгиланган эмас. Бундай эҳсонни киши ўзидан, оиласидан, қаромиғидагилардан орттирганда, балоғатга етмаган болаларнинг ҳаққини аралаштирмасдан, кўнгли истаган пайтда қилиши мукин. Бунда турли бидъат-хурофотларни аралаштирмаслик шарт.

Фақиҳлар бу борадаги ҳужжат ва далилларни таҳлил қилиб, жумладан, қуйидаги хулосага келганлар:

### **Маййитга савоби етадиган нарсалар:**

Барча уламолар маййитнинг дуо, истиғфор, садақа ва ҳаж каби баданий-молиявий ибодатлардан манфаат олишига иттифоқ қилганлар.

Уламолар намоз ва Қуръон қироати каби баданий ибодатлардан маййит фойда олиши ҳақида бир оз ихтилоф қилганлар.

Ҳанафийларнинг ихтиёр қилган қавллари бўйича, қорилар қабрнинг олдида ўтириб, қироат қилсалар, бўлади. Бошқа ерлардаги қироатнинг ҳам савоби етиши ҳақида шубҳа йўқ. Чунки Қуръон қироати бўлган ерга раҳмат ва барака нозил бўлади. Қуръон қироатидан кейинги дуонинг қабул бўлиши осон.

Ҳанбалийлар: «Қабр олдида қироат қилса бўлади», деганлар ва унга «Йаасийн»ни ўлганларга ўқиш ҳақидаги ҳадисларни далил қилганлар.

Моликийлар: «Маййитга унинг ўлимидан кейин ва қабр олдида қироат қилиш макруҳ, чунки аввалгилар бундай қилмаган», деганлар. Аммо, уларнинг кейинги уламолари: «Қуръон қироати ва зикр қилиб, савоби ни маййитга бағишлаш мумкин ва бағишловчига ҳам ажр бўлади», дейишган.

Аввалги Шофеъийлар: «Маййитга ўзининг амалидан бошқа амал манфаат бермайди», деганлар. Аммо, бу мазҳабнинг кейинги уламолари масалани ўрганиб, таҳқиқ қилиб чиққач: «Ўлганларга «Фотиҳа» ва бошқа сураларнинг қироати савоби етади», деганлар. Одамлар шунга амал қилганлар.

Шундай қилиб, тўрт мазҳабнинг барчаси Қуръон қироатининг савоби ўтганларга етишига иттифоқ қилганлар.

Ўтганларни, хусусан, ота-оналарни йўқлаш, руҳларини шод қилиш ва ортларидан савоб юбориш ҳақида сўз юритилар экан, қуйидаги ҳадиси шарифни ёдга олиш зарур бўлади.

عَمْرُو سَمِعَ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ يَقُولُ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: إِنْ أَعْمَأَلَكُمْ تُعْرَضُ عَلَى أَقَارِبِكُمْ وَعَشَائِرِكُمْ مِنَ الْأَمْوَاتِ، فَإِنْ كَانَ خَيْرًا اسْتَبَشَرُوا بِهِ، وَإِنْ كَانَ غَيْرَ ذَلِكَ قَالُوا اللَّهُمَّ لَا تُمَتِّهِمْ حَتَّى تَهْدِيَهُمْ كَمَا هَدَيْتَنَا. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

*Анас ибн Моликдан эшитган кишидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Албатта, амалларингиз ўлган яқинларингиз ва қариндошларингизга кўрсатилур. Агар яхши бўлса, улар башорат олурлар. Агар бошқача бўлса: «Аллоҳим, бизни ҳидоят қилганинг каби ҳам ҳидоят қилмай туриб уларни ўлдирмагин», – дейишади».**

*Аҳмад ривоят қилган.*

Демак, вафот этган ота-онамиз ва яқинларимизни ёдлашимиз йилда бир ёки икки марта ёзиладиган дастурхон пайтидагина эмас, ҳар лаҳзада бўлиши лозим.

Аллоҳ таоло барча фарзандларга ота-оналарига тириклик чоғида барча яхшиликларни қилиб, розиликларини топиб, дуоларини олишни насиб этсин. Ўтганларидан кейинги ҳақларини ҳам шараф билан адо этишга муяссар қилсин!



## ҚАРИНДОШЛАРГА СИЛАИ РАҲМ ҚИЛИШ

Албатта, катта оила доирасидаги алоқалар эр-хотин, ота-она, бола-чақа орасидаги алоқа билан чегараланиб қолмай, балки қариндош-уруғлар билан қилинадиган алоқаларни ҳам ўз ичига олади. Исломда ушбу алоқага ҳам жуда катта аҳамият берилган.

Ислом адабиётида ва халқ орасидаги диний сўзлашувда ҳам «силаи раҳм» истилоҳи ишлатиб келинади. Аслида, бу бобдаги «раҳм» сўзи биздаги «бачадон» сўзининг ўрнида ишлатилади. «Сила» сўзи эса «боғлаш», «улаш» маъноларини англатади.

«Силаи раҳм» бирикмаси «бачадондошлик алоқасини боғлаш» деган маънони билдиради. Бунинг ўрнига бизда «қариндошлик алоқаси» истилоҳи ишлатилади. Қариндошлар кимлар экани ҳаммага маълум.

Аёл кишининг ҳомиладор бўлганида бола сақланиб турадиган аъзоси араб тилида «раҳм» дейилади. Бизда эса «қорин» дейилади, яъни қариндошлар — «бир қориндан турилганлар» дегани.

Силаи раҳм ўша қариндошларга боғланиш, уларга раҳм-шафқат кўрсатиш, яхшилик қилиш, муҳтожларига ёрдам бериш, қариндош-уруғчилик вазифаларини адо этиш маъноларини билдиради. Бу нарса динимизда вожибдир.

Ҳа, Исломда қариндошлик алоқаларини боғлаб туриш ҳар бир мусулмон учун фарзу вожиб қилинган. Бу алоқани узиш эса ҳаромдир.

Қачон ушбу эҳсон яқинлар ва қариндошларга хос бўлса, «силаи раҳм» дейилади.

Ибн Асир айтади: «Бирр яхшиликдир. Биррул волидайи ота-онага ва яқинларга қилинса, оққликнинг зидди. Оққлик эса уларга ёмонлик қилиш, ҳаққларини зое қилишдан иборатдир».

Яна айтади: «Силаи раҳм насаб ва қудачилик орқали яқин бўлганларга яхшилик қилиш, уларга меҳр кўрсатишга, уларга юмшоқлик қилиш ва аҳволаридан хабар олишга ишорадир. Агар улар узоқлашган ва ёмонлик қилган бўлсалар ҳам. Раҳмни кесиш эса



буларнинг барчасининг зиддидир. «Раҳмини боғлади», дейилади. Бунда худди уларга яхшилик қилиш ила ўзи билан улар орасида қариндошлик ва қудачилик алоқаларини боғлаган бўлади».

Бадриддин Айний имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»-ларига шарҳ сифатида ёзган «Умдатул Қорий» номли китобида: «Сила сили раҳмдир. У насабдош ва қудачилик асосидаги қариндошларга яхшилик қилиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиб, ҳолларидан хабар олишдан иборатдир», — деган.

Бу таърифда қудачилик асосидаги қариндошларга яхшилик қилиш ҳам сили раҳмдан саналганлиги алоҳида эътиборга сазовордир. Бу ҳақиқатни кўпчилик англаб етмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мўмин-муслмон бандаларини «сила»га амр қилган, унга амал қилганларни мақтаб, амал қилмаганларни қоралаган.

Аллоҳ таоло «Раъд» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَالَّذِينَ يَصِلُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوصَلَ وَيَخْشَوْنَ رَبَّهُمْ وَيَخَافُونَ سُوءَ الْحِسَابِ ﴿١١﴾

«Улар Аллоҳ боғланишига амр этган нарсани боғларлар, Роббиларидан қўрқарлар ва ёмон ҳисобдан хавфдалар» (21-оят).

Яъни «силаи раҳм» — қариндошлик алоқаларини боғлаш, уларга яхшилик қилишни йўлга қўядилар. Шунингдек, бева-бечора, етим-есир ва барча муҳтожларга, қўйингки, бутун мавжудотга яхшилик қилиш муслмон инсонга вазифа қилиб юклатилгандир.

Аллоҳ таоло «Муҳаммад» сурасида бундай дейди:

فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتَقَطِعُوا أَرْحَامَكُمْ  
أُولَئِكَ الَّذِينَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ فَأَصَمَّهُمْ وَأَعَمَّى أَبْصَرَهُمْ ﴿٢٢﴾

«Эҳтимол, (иймондан) юз ўгирсангиз, ер юзида фасод қилиб, қардошлик ришталарини узарсиз?!»

**Ана ўшаларни Аллоҳ лаънатлади, уларни қар қилди ва кўзларини кўр қилди» (22–23-оятлар).**

Бу оятларда иймондан юз ўгириб, жоҳилиятга қайтишдан бу дунёда келадиган зарарлар эслатилмоқда.

Аввало, ер юзида фасод қилиш бўлади. Чунки иймонсиз кишилардан доимо ушбу ёмонлик келиб чиққан.

Шу билан бирга, иймондан қайтганлар ўз қариндош-уруғлари, ёру дўстларидан қардошлик ришталарини узадилар. Бу ҳам улкан зарар ҳисобланади.

Аммо иймондан юз ўгиришнинг зарарлари бу билан тутаб қолмайди, балки асосий зарари ҳали олдинда — Аллоҳнинг лаънатлаши ўз раҳматидан ва ҳидоятдан узоқ қилиши бор. Кўр ва қар қилиши ҳам ҳиссий эмас, балки маънавий бўлади. Кўзи соғ-саломат ишлаб туради, лекин кўрган нарсаларидан ўзига ибрат олмайди. Қулоғи ҳам соғ-саломат бўлади, лекин ўзи эшитган нарсаларидан ибрат олмайди.

Аллоҳ таоло «Исро» сурасида бундай деб марҳамат қилади:

وَأَتِذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ وَالْمِسْكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ وَلَا يُبْدِرْ تَبْدِيرًا ﴿٥٦﴾

**«Қариндошга ҳаққини бер! Мискинга ва йўқсил йўлчига ҳам. Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйма» (26-оят).**

Қуръони Карим ота-онанинг фарзанддаги ҳаққини баён қилибгина қолмай, қариндошларнинг ҳам бир-бирларида ҳақлари борлигини билдирмоқда. Имкони бор, ўзига тўқ кишида ночор, ёрдамга муҳтож қариндошларнинг ҳаққи бор. Бу ҳақ уларга Аллоҳ томонидан берилган. Бой-бадавлат киши ўз қариндошларига ёрдам берганида миннат ёки фазлини кўрсатиш учун эмас, балки Аллоҳнинг амрини адо этиш, Аллоҳ белгилаган ҳақни бериш учун иш қилган бўлади. Шунингдек, ночор қариндош ўзининг бой-бадавлат қариндошидан бирор нарса олганда унинг олдида хору зор бўлиб эмас, Аллоҳ унга белгилаган ҳақни олаётганини тушуниб, ўзини эркин тутиб, олади. Шунингдек:

«Мискинга ва йўқсил йўлчи»нинг ҳаққини ҳам адо эт.

«Мискин» — ҳаёт ўтказишда моддий жиҳатдан қийналиб қолган камбағал одам.

«Йўқсил йўлчи» — ўз юртида бой-бадавлат бўлса ҳам, сафарда турли сабабларга кўра пачор иқтисодий ҳолга тушиб қолган шахс. Мана шу тоифадаги кишиларнинг ҳам бой-бадавлат мусулмоннинг молу мулкида Аллоҳ тайин қилган ҳаққи бор. Қуръони Карим бой-бадавлат кишиларга ота-она, қариндош, мискин ва кўчада қолганларга қўлларидаги молу мулкдан сарфлашни амр қилиш билан бирга:

«Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйма», демоқда.

Ислому нуқтаи назарида исрофгарчилик ноҳақ, ҳаром-хариш йўлларга мол-дунё сарфлашдир. Агар инсон бору йўғини ҳақ йўлда сарф қилиб битирса ҳам, исрофга йўл қўйган ҳисобланмайди. Аммо ноҳақ ишга, ҳаром-харишга арзимаган пул сарфласа ҳам, исрофгарчиликка йўл қўйган бўлади.

إِنَّ الْمُبْدِرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ الشَّيْطَانِ وَكَانَ الشَّيْطَانُ لِرَبِّهِ كَفُورًا

«Албатта, исрофчилар шайтонларнинг биродарлари бўлганлар. Шайтон эса Роббига ўта ношукр бўлгандир» («Исро» сураси, 27-оят).

Исрофчилар неъматнинг қадрига етмайди, унга шукр этмайди. Агар шукр этса, уни исроф қилмасдан, неъматни берган Зотнинг розилиги йўлида сарф этган бўларди. Исрофчилар ношукр бўлганлари учун ўзларига берилган неъматни ботилга, ноҳаққа, ҳаром-харишга, маъсият ва ёмонликка сарф қиладилар. Улар бу борада шайтонга биродар бўладилар. Шайтон эса ношукрликда донғи кетгандир. Албатта, шайтонга биродар бўлган исрофчиларнинг бошига ҳам ўз биродарлари шайтони лаъиннинг бошига тушган бало-офатлар тушиши турган гап.

وَأَمَّا تُعْرِضَنَّ عَنْهُمْ أَبْعَاءَ رَحْمَةٍ مِنْ رَبِّكَ تَرْجُوهَا فَقُلْ لَهُمْ قَوْلًا مَيْسُورًا

**«Агар Роббингдан умид қилаётганинг раҳматни талаб қилган ҳолда улардан юз ўгирадиган бўлсанг, бас, уларга мулойим сўз айтгин» (28-оят).**

Яъни, қўлингда берадиган нарсанг бўлмаса, ота-она, қариндош, мискин ва йўлда қолганларга моддий ёрдам бера олмай, юз ўгирадиган бўлсанг, Роббингдан келажақда сенга ҳам ризқ-рўз — раҳмат талаб қилган ҳолда уларга ширин сўз айт. «Ўзимда ҳеч вақо йўқ-ку, сенларга нимани берар эдим! Бошимни айлантириб келаверасанларми?!» каби қўпол сўзларни айтиш яхши эмас. «Кечирасизлар, ҳозир бир оз қўлим қисқароқ бўлиб турувди, Аллоҳнинг раҳматидаги умидвормиз. Бизга ҳам неъматидан бериб қолса, иншааллоҳ, сизларга берамиз», каби ширин сўзлар айтиш керак.

Силаи раҳмга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида ҳам алоҳида аҳамият берилган.

عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ: أَنَّ أَعْرَابِيًّا عَرَضَ عَلَى النَّبِيِّ ﷺ فِي مَسِيرَةٍ فَقَالَ: أَخْبِرْنِي مَا يُقْرَبُنِي مِنَ الْحَنَّةِ وَيُبَاعِدُنِي مِنَ النَّارِ، قَالَ: تَعْبُدُ اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا، وَتَقِيمُ الصَّلَاةَ، وَتُؤْتِي الزَّكَاةَ، وَتَصِلُ الرَّحِمَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абу Айюб Ансорийдан ривоят қилинади:

**«Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларини тўсиб:**

**«Менга жаннатга яқинлаштирадиган ва дўзадан узоқлаштирадиган амалнинг хабарини беринг», — деди.**

**«Аллоҳга ибодат қиласан. Унга ҳеч нарсани ширк келтирмайсан. Намозни адо қиласан. Закотни берасан. Силаи раҳм қиласан», — дедилар».**

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда силаи раҳм қилиш — қариндошлик алоқаларини яхшилаш иймон, намоз ва закот каби Ислом рукнлари билан бир даражага қўйилмоқда.

Бу амал кишини жаннатга киритадиган ва дўзадан қутқарадиган амаллар рўйхатиға киритилмоқда. Силаи раҳм қанчалар аҳамиятли амал эканини шундан ҳам тушуниб олсак бўлаверади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: خَلَقَ اللَّهُ الْخَلْقَ فَلَمَّا فَرَغَ مِنْهُ قَامَتِ الرَّحِمُ، فَقَالَ: مَهْ؟ قَالَتْ: هَذَا مَقَامُ الْعَائِدِ بِكَ مِنَ الْقَطِيعَةِ، قَالَ: أَلَا تَرْضَيْنَ أَنْ أَصِلَ مَنْ وَصَلَكَ، وَأَقْطَعَ مَنْ قَطَعَكَ، قَالَتْ: بَلَى يَا رَبِّ، قَالَ: فَذَلِكَ لَكَ. ثُمَّ قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: اقْرَأُوا إِنَّ شَيْئَكُمْ ﴿فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتَقَطِّعُوا أَرْحَامَكُمْ﴾. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ азза ва жалла махлуқотларни халқ қилди.

Бас, ундан фориг бўлганида раҳм ўрнидан турди.

«Тўхта!» – деди У Зот.

«Бу – кесилишдан Сендан паноҳ сўровчининг мақомидир», – деди (раҳм).

«Сени боғлаганни боғлаб, кесганни кесишимдан рози бўласанми?» – деди У Зот.

«Ҳа, эй Роббим!» – деди у.

«Ана шу сенга бўлсин!» – деди У Зот».

**Сўнгра Абу Ҳурайра:**

«Агар истасангиз, «Эҳтимол, (иймондан) юз ўгирсангиз, ер юзида фасод қилиб, қариндошлик ришталарини узарсиз?!»ни ўқинг», – деди».

*Бухорий «Агаб»да ривоят қилган.*

Бу ҳадиси шарифдан қариндошлик ҳаққи қанчалар улуғ эканини билиб оламиз. Бу ҳақ Аллоҳ таоло Ўз махлуқотларини яратиб бўлиши билан собит бўлган ҳақлардан экан.

Аллоҳ таоло Ўзининг холиқлик сифати ила барча махлуқотларни яратган чоғдаёқ раҳм дарҳол ўрнидан туриб, қариндошлик алоқалари кесилишидан паноҳ



сўраган экан. Ўшанда Аллоҳ таоло қариндошлик алоқасини боғлаганлар ила алоқа боғлашга ва уни кесганлардан алоқасини кесишга ваъда қилиб, уни рози этган экан.

Аллоҳ таоланинг ваъдаси ҳақ эканига заррача шубҳа йўқ. Бас, ҳар бир мўмин-мусулмон банди қариндошлик алоқасини яхшилаб боғлаб боришга ҳаракат қилиши лозим.

Ҳадисни ривоят қилувчи улуғ саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бу ҳадис маъносининг тасдиғи Қуръони Каримда ҳам борлигини таъкидлаб, «Муҳаммад» сурасидаги оятни ўқиб кўришни тавсия қилган эканлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَى رَجُلٌ النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ لِي قَرَابَةً أَصْلُهُمْ وَيَقْطَعُونِي، وَأَحْسِنُ إِلَيْهِمْ وَيُسَيِّئُونَ إِلَيَّ، وَأَحْلُمُ عَنْهُمْ وَيَجْهَلُونَ عَلَيَّ، قَالَ: لَئِنْ كَانَ كَمَا تَقُولُ كَأَنَّمَا تُسْفَهُمُ الْمَلَّ، وَلَا يَزَالُ مَعَكَ مِنَ اللَّهِ ظَهِيرٌ عَلَيْهِمْ مَا دُمْتَ عَلَى ذَلِكَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*  
**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бир киши келиб:**

**«Ё Расулаллоҳ! Менинг қариндошларим бор. Мен уларга силаи раҳм қиламан, улар мендан алоқаларини кесадилар. Мен уларга яхшилик қиламан, улар менга ёмонлик қиладилар. Мен уларга ҳалиймлик қиламан, улар менга жоҳиллик қиладилар», – деди.**

**«Агар ҳол сен айтгандек бўлса, уларга қизиган кул таом бўлади. Ўз ҳолингда бардавом бўлсанг, уларнинг зиддига сен билан Аллоҳдан бир ёрдамчи доим бирга бўлади», – дедилар».**

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Бу ҳадисда қариндошлар ёмонлик қилса ҳам, уларга яхшилик қилишни давом эттиравериш кераклигига урғу берилмоқда. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам

саҳобаларидан бирига — қариндошларининг ёмонликларидан шикоят қилиб келган кишига тасалли бериб, уларга яхшилик қилишда бардавом бўлишга чорламоқдалар. Агар у мазкур хайрли ишида давомли бўлса, унга осонлик яратилишини ваъда қилмоқдалар.

Аллоҳ таоло сенга доимий бир ёрдамчи туширади, яъни фаришталарни сенга нусрат, суянчиқ қилиб қўяди. Агар сен шу ишингда давом этсанг, яъни қариндошларинг яхшилик қилмаса ҳам, сен уларга силаи раҳм қилиб турсанг, улар ёмонлик қилса ҳам, сен яхшилик қилиб турсанг, улар жоҳиллик қилса ҳам, сен ҳалийм бўлиб, уларни кечириб турсанг, Аллоҳ субҳаанаҳу ва таоло сенга бир ёрдамчини бериб қўяди. Қилаётган яхшиликларинг туфайли у доим сенинг ёнингда бўлади, демоқдалар.

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: قَالَ أَنَا الرَّحْمَنُ، وَأَنَا خَلَقْتُ الرَّحِمَ، وَاشْتَقَقْتُ لَهَا مِنْ اسْمِي، فَمَنْ وَصَلَهَا وَصَلْتُهُ وَمَنْ قَطَعَهَا بَتَّه. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

*Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагиларни айтганларини эшитган эканлар:**

**«Аллоҳ азза ва жалла:**

**«Мен Роҳманман. Раҳмни Мен яратганман ва унга Ўз исмимдан исм қўйганман. Ким уни боғласа, боғлайман. Ким уни кесса, кесаман», — деган».**

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Бу ҳадиси қудсийда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қариндошлик алоқаларини боғлаш ва кесиш оқибатлари ҳақида Аллоҳ таоло айтган сўзларни баён қилиб бермоқдалар.

Аллоҳ таоло раҳмни Ўзи яратганини таъкидламоқда. Демак, қариндошлик алоқалари ана шу қудсият асосида бўлиши лозим.

Иккинчидан, Аллоҳ таоло раҳмнинг исмини Ўз исмидан олганига алоҳида урғу бермоқда. Аллоҳ

таолонинг Роҳман, Роҳийм исмлари ва «раҳм» сўзи бир ўзақдан эканини эслатмоқда. «Ким уни боғласа, яъни силаи раҳм қилса, Мен ҳам уни боғлайман, яъни Ўзимга яқин тутаман, раҳматимга сазовор қиламан. Ким уни кесса, Мен ҳам уни кесаман, яъни уни Ўзимдан йироқ қиламан, ундан раҳматимни узиб қўяман», демоқда Аллоҳ таоло.

Силаи раҳм ана шундай фазийлатли нарса экан.

Ҳар бир мўмин-мусулмон ана шу фазлдан умидвор бўлиб, бу ишда бардавом бўлиши лозим.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: مَنْ أَحَبَّ أَنْ يُسَاطَ لَهُ فِي رِزْقِهِ وَأَنْ يُنْسَأَ لَهُ فِي آثَرِهِ فَلْيَصِلْ رَحِمَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

*Анас ибн Моликдан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким ризқининг кенг бўлишини ва орқасидан асари кўп қолишини яхши кўрса, силаи раҳм қилсин», – дедилар».**

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Демак, силаи раҳм қилган, қариндош-уруғларига яхшилик қилган, ёрдам берган, хайр-эҳсон қилган одамнинг ризқини Аллоҳ таоло кенгайтириб, бойлигини зиёда қилиб қўяр экан. Шу билан бирга, ундан яхши хотира, эсдалик қолишини таъминлар экан. Ушбу ҳол силаи раҳмнинг бу дунёда ҳам фойда беришини кўрсатади.

Четдан қараганда, силаи раҳм қилинса, қариндошига ёрдам берса, моли ёки пули камайиб қолгандек кўринади. Лекин Аллоҳ таоло бунинг эвазига унинг молини кўпайтириб берар экан ҳамда у банданинг яхшилик билан эсланиб юришини таъминлар экан.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: مَنْ سَرَّهُ أَنْ يُسَاطَ لَهُ فِي رِزْقِهِ، وَأَنْ يُنْسَأَ لَهُ فِي آثَرِهِ فَلْيَصِلْ رَحِمَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*



**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким ризқининг кенг бўлишидан, орқасидан асари кўп қолишидан хурсанд бўлса, силаи раҳм қилсин», деганларини эшитдим».**

*Бухорий «Агаб»да ривоят қилган.*

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي أَوْفَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنَّ الرَّحْمَةَ لَا تَنْزِلُ عَلَى قَوْمٍ فِيهِمْ قَاطِعٌ رَحِمٍ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

*Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Албатта, ичида қариндошлик алоқасини узувчи бор қавмга раҳмат тушмайди», – дедилар».**

*Бухорий «Агаб»да ривоят қилган.*

Бир одамнинг сабабидан бошқалар ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолишлари мумкин.

Масалан, беш-олтита ака-ука, опа-сингиллардан фақат биттаси, нима баҳона ёки сабаб бўлишидан қатъи назар, силаи раҳмни узиб юрган бўлса, қолган барчалари ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолишлари мумкин. Аслида, силаи раҳмни узишга ҳеч бир нарса сабаб, баҳона бўла олмайди. Кимдир мерос таллашиб ёки бошқа сабаб билан акасининг ёки укасининг ёҳуд опа-сингилсининг ҳаққига хиёнат қилган бўлса, кўнглига оғир ботадиган гап айтган бўлса ёки жоҳиллик қилиб, яқинлари билан муштлашган бўлса ҳам, охиратда, Аллоҳ таолонинг ҳузурида жавобини ўзи беради. Агар у бу дунёда қилган гуноҳлари учун тавба қилиб, уларни такрорламаса, солиҳ амаллар қилиб, истиғфор айтиб юрса ва энг асосийси, силаи раҳм қилишда давом этса, Аллоҳ таолонинг раҳматидан ҳар қанча умид қилса, ҳақли бўлади. Чунки Аллоҳ таолонинг Ўзи: «Ким уни боғласа, боғлайман» деб, силаи раҳм қилувчи бандасини Ўзига яқин олишини айтган ва унга кўп яхшиликлар ваъда қилган.

Аммо, юқорида айтилган сабаблар билан бўлса ҳам, силаи раҳмни узиб юрган кимса охиратда, Аллоҳ таолонинг ҳузурида жуда оғир аҳволга тушиб



қолади. Чунки унинг биронта ҳам яхши амали қабул бўлмайди. Барча қилган яхшиликлари, ҳаттоки, Ҳаж ва умра қилган бўлса, уларнинг ҳам савоби бекор бўлади. Энг оғири, энг фожиалиси шуки, бундай банда Аллоҳ таолонинг раҳматидан буткул бенасийб бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло «Ким уни кесса, кесаман» деб, аниқ қилиб айтиб қўйган. Лекин энг ёмон тарафи шундаки, бундай кимсанинг касри уриб, унинг барча яқинлари, қавму қариндошлари ва маҳалладошлари ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолишлари мумкин.

Шунинг учун ҳар бир жамоа, ҳар бир қавм доим бир-бирларидан хабардор бўлиб, ичимизда шундайлар пайдо бўлиб қолмасин, ҳаммамиз унинг сабабидан балога қолмайлик, деб, бир-бирларини ўзаро силаи раҳмга ундаб туришлари керак.

Қариндошлик алоқаларини узмасликка мустаҳкамлик билан тарғиб қилиб, ундай қилма, бу иш яхши эмас, сен сабаб бўлиб, биз ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қоламиз, деб насиҳат қилиш билан бирга, қаттиқ талаб ҳам қилишлари лозим.

عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ أَنَّ جُبَيْرَ بْنَ مُطْعِمٍ أَخْبَرَهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ قَاطِعٌ رَحِمَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Жубайр ибн Мутъимдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қариндошлик алоқасини узган одам жаннатга кирмайди», – дедилар».

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Силаи раҳми узиш инсоннинг жаннатга кирмай қолишига сабаб бўладиган катта гуноҳ ишлардандир. Аллоҳ таоло бундан Ўз паноҳида асрасин.

عَنْ الْأَعْمَشِ وَالْحَسَنِ بْنِ عَمْرٍو وَفَطْرٍ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَيْسَ الْوَاصِلُ بِالْمُكَافِي، وَلَكِنَّ الْوَاصِلَ الَّذِي إِذَا قُطِعَتْ رَحِمُهُ وَصَلَهَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Аъмаш, Ҳасан ибн Амр ва Фитрдан ривоят қилинган.

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қилганига яраша қайтарган силаи раҳм қилувчи эмас. Аммо силаи раҳм қилувчи қариндошлари алоқани кесганда боғловчидир», – дедилар».**

*Бухорий ривоят қилган.*

Яъни бошқалар ундан қариндошлик алоқасини узса ҳам у силаи раҳм қилаверади. «Сиздан угина, биздан бугина» деган шайхда бўлса, «У қилса, мен ҳам қиламан» деса, мукофот учун қилган бўлади. Бундай одам силаи раҳм қилган ҳисобланмайди. Бундай муомала бегоналарга ҳам қилинади.

Қариндоши ёмонлик қилса ҳам, силаи раҳм қилаверган одам ҳақиқий силаи раҳм қилувчи бўлади. Бу ерда жуда катта гап бор. Ҳозирги кунда қариндошлик алоқаларининг бузилишига кўпинча ана шу омил, яъни «У қилса, мен ҳам қиламан, у қилмаса, мен ҳам қилмайман» деган тушунча сабаб бўлмоқда.

Лекин ушбу ҳадиси шарифга амал қилинса, «Майли, бошқалар қилмаса қилмасин, лекин бу менинг бурчим, қилавераман», деб силаи раҳм қилаверса, бирикки марталик ҳаракатдан кейин нариги тараф ҳам «Бу қияпти, мен ҳам қилмасам, уят бўлади» деб, икки томондан ҳам алоқалар йўлга қўйилиб кетади.

Мусулмонлик бурчини англаб етган кимса бу ишни аввалроқ қилишга уринади. Натижада қариндошлик, дўстлик, биродарлик алоқалари ҳеч қачон узилмайди.

عَنْ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ رضي الله عنه يَقُولُ عَلَى الْمِنْبَرِ: تَعَلَّمُوا أَنْسَابَكُمْ ثُمَّ صَلُّوا أَرْحَامَكُمْ، وَاللَّهِ إِنَّهُ لَيَكُونُ بَيْنَ الرَّجُلِ وَبَيْنَ أَخِيهِ الشَّيْءَ وَلَوْ يَعْلَمُ الَّذِي بَيْنَهُ وَبَيْنَهُ مِنْ دَاخِلَةِ الرَّحِمِ لَأَوْزَعَهُ ذَلِكَ عَنِ انْتِهَاكِهِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

*Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу минбарда туриб, дедилар:**

**«Насабларингизни ўрганинг, сўнгра қариндошлар билан силаи раҳм қилинг. Аллоҳга қасамки, бир одам билан иккинчи одам ўртасида нарсалар (турли муносабатлар) бўлади. Агар улар ораларидаги қариндошлик омилини билганларида, уни поймол қилишдан сақланган бўлар эдилар», – деди».**

*Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.*

Ўрни бир одам бошқа бир одамга қариндош эканини билмай туриб, бирор ёмонлик қилиб қўйиши мумкин. Лекин «қариндош» деган тушунча бўлса, қариндошим экан, деб, ёмонлик қилмайди. Шунинг учун қариндошларни аниқлаб, билиб олиш лозим.

Аслида, Исломда ҳеч кимга ёмонлик қилишга тарғиб йўқ. Лекин банданинг одати шу – қариндошга бошқачароқ, илиқроқ муносабатда бўлади. Шунинг учун насаби қаерга бориб тақалади, ким қандай қариндош бўлади – буларни аниқ билиб олса, жуда яхши бўлади. Бу нарса ҳатто оддий инсоний муносабатларга – юмшоқ гапириш, илиқ муомалага ҳам таъсир қилар экан.

Ҳар бир киши ўз насабини ва у орқали қавм-қариндошини яхшилаб ўрганиб бориши яхши иш ҳисобланади. Кўпгина мусулмон халқлар айнан қариндошларини яхши таниб, уларга силаи раҳм қилиш ниятида авлодлари тарихини ўрганиб келганлар. Уларнинг бу борада авлоддан авлодга ўтиб келаётган силсилалари ҳам бор.

Бошқалар ҳам бу ишга аҳамият берсалар, ушбу ривоятда кўтарилган масалага амал қилинган бўлади.

عَنْ الزُّهْرِيِّ قَالَ: بَلَّغْنَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: الْعَمُّ أَبٌ إِذَا لَمْ يَكُنْ دُونَهُ أَبٌ، وَالْحَالَةُ وَالِدَةٌ إِذَا لَمْ تَكُنْ دُونَهَا أُمٌّ. رَوَاهُ حُسَيْنُ الْمَرْوَزِيُّ.

*Зухрийдан ривоят қилинади:*

**«Бизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Отаси йўқнинг отаси амакисидир. Она-**

**си йўқнинг онаси холасидир», – деганлари етиб келди».**

*Хусайн Марвазий ривоят қилган.*

Демак, ота йўқ пайтида отанинг ўрнида амаки қолиши, она йўқ пайтида онанинг ўрнида хола қолиши бор экан. Шунинг учун амакиларни, холаларни эҳтиром қилиш, дуосини олиш, уларга яхши эҳсонлар, силаи раҳм қилиш худди отага, онага қилган яхшиликлар, итоатлар ўрнига ўтар экан.

عَنْ سَعِيدِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: حَقُّ كَبِيرِ  
الْإِخْوَةِ عَلَى صَغِيرِهِمْ حَقُّ الْوَالِدِ عَلَى وَلَدِهِ. رَوَاهُ حُسَيْنُ الْمَرْوَزِيُّ.

*Саъийд ибн Амр ибн Оссдан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ака-укаларнинг каттасининг кичигидаги ҳаққи отанинг боласидаги ҳаққичадир», – дедилар».**

*Хусайн Марвазий ривоят қилган.*

Катта аканинг укаларидаги ҳаққи отанинг боласига бўлган ҳаққи кабидир. Шунинг учун оилада ота вафот этиб кетса, катта ўғил бошлиқ бўлиб қолади. Бошқа фарзандлар – унинг укалари, сингиллари, ким бўлса ҳам, отага қандай итоат қилган бўлсалар, катта акага шундай итоат қилишлари керак.

Чунки буни Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам айтиб турибдилар. Катта аканинг ҳаққи отанинг болага бўлган ҳаққи каби эканини яхши билишимиз зарур.

Бинобарин, отага оққ бўлишдан сақлангандек, катта аканинг ҳам дилини оғритиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш, унинг иззат-ҳурматини ўрнига қўйиш укаларга, сингилларга лозимдир.

Мусулмонларда бу ҳадиси шарифга яхши амал қилиб келинган. Оилаларда отадан кейин катта ака бошлиқ бўлиб қолган. Уни укалари отанинг ўрнида ҳурматлаганлар ва унга итоатда бўлганлар.

عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الْمُنْكَدِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَتْ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ ظَنْرَةُ الَّتِي



أَرْضَعْتُهُ، فَبَسَطَ لَهَا رِذَاءَهُ ثُمَّ قَالَ: مَرَحِبًا بِأُمِّي، ثُمَّ أَجْلَسَهَا عَلَيَّ  
رِذَائِهِ. رَوَاهُ حُسَيْنُ الْمَرْوَزِيُّ.

Муҳаммад ибн ал-Мункадир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига у зотни эмизган аёл келди. Шунда у зот ридоларини ерга ёзиб:

«Марҳабо, онажон!» деб, уни ридолари устига ўтирғиздилар».

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

Демак, аёл фақат эмизган бўлса ҳам, ўша эмизган онасининг ҳаққи туққан онанинг ҳаққидек бўлар экан. Расули Акрам соллаллоху алайҳи васаллам ўзларини эмизган аёлни «онам» деб атаганлари, келганларида ўринларидан туриб, ҳурмат-иззат қилганлари, ўзларининг кийимлари – ридоларини тўшаб, ўшанинг устига ўтқазиб, ҳурмат кўрсатганлари мана шунга далолат қилади.

عَنْ كَلَيْبِ بْنِ مَنفَعَةَ قَالَ: قَالَ جَدِّي: يَا رَسُولَ اللَّهِ، مَنْ أَرْضَعُ؟  
قَالَ: أُمَّكَ، وَأَبَاكَ، وَأَخْتَكَ، وَأَخَاكَ، وَمَوْلَاكَ الَّذِي يَلِي، ذَاكَ حَقٌّ  
وَاجِبٌ وَرَحْمَةٌ مَوْضُوعَةٌ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Кулайб ибн Манфаъадан ривоят қилинади:

«Бобом:

«Ё Расулаллоҳ, кимга яхшилик қилай?» – деди.

«Онангга, отангга, опа-синглингга, ака-уқангга ва улардан кейин келадиган яқинларингга, вожиб ҳақдир ва силаи раҳмдир», – дедилар».

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Демак, онага, отага, ака-ука, опа-сингилларга, бошқа қариндошларга силаи раҳм, яхшилик қилиш, муҳтож бўлса, ёрдам бериш, ҳожатини чиқариш, нафақа бериш ҳар бир мўмин-мусулмон учун вожиб амал ҳисобланади, буни қилмоғи лозим ва лобуддир.

Ушбу бобдаги силаи раҳмга оид саноқли ривоятларни оладиган бўлсак ҳам, оламга татийдиган таълимотларга эга бўламиз. Чунки оламнинг ҳеч қаеридо қариндошлик алоқалари ҳақида динимиз таълимотичалик бирорта таълимот учратмадик ва учратган одамнинг хабарини ҳам эшитмадик.

Эҳтимол, керакли таълимотларнинг йўқлиги ёки етишмаслигидан бўлса керак, дунёда қариндошлик ҳақларининг шафқатсиз равишда поймол қилинишига гувоҳ бўлмоқдамиз. Баъзилар силаи раҳм ўрнига қариндошларига душманлик қилишни ўзларига раво кўрмоқдалар. Ака-ука, опа-сингил, амма-хола, аммаки-тоғалар ўртасида бир-бирига меҳрибонлик ўрнини шафқатсизлик эгаллаб олмоқда.

Инсоният номига доғ, шаънига ор бўлаётган бу каби шармандаликларни тугатиш учун Аллоҳ таолонинг дини – Ислом таълимотларини пухта ўрганиб, уларга амал қилишга ўтиш зарурдир.

Фақат Ислом бу масалани ўз ўрнига қўйган ва мақомига етказган. Қариндошлик ҳаққини инсон ҳуқуқларининг юқори поғонасига кўтарган. Ҳақиқатдан ҳам, қариндошининг ҳаққини адо қилмаган кимса бошқаларнинг ҳаққини адо қилмаслиги турган гап.

Аллоҳнинг мукамал ва боқий дини – Исломда қариндошлик алоқасини ўз ўрнига қўйиш орқали бошқа инсонларнинг ҳам ҳаққини адо этиш даражасига ўтилади.

Бошқа масалалар қатори, бу масалада ҳам дунё ва охират ёнма-ён қўйилган. Қариндошлик алоқасини жойига қўйган банда дунёю охират саодатига мушарраф бўлади. Аксинча, қариндошлик алоқаларида нуқсонга йўл қўйган одам дунёю охират бахтсизлигига йўлиқади.

Инсоният бахтини таъминловчи Ислом таълимотидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилайлик. Ислом маданиятининг дурдоналаридан бўлган қариндош-уруғчилик алоқаларини мустаҳкамлайлик, динимиз бизга берган имтиёздан унумли фойдаланайлик.

## ОИЛАДА КЕЛИШМОВЧИЛИК ЧИҚСА

Албатта, ҳар бир оилада эр-хотин тинч-тотув, аҳил-иноқ равишда, бахт нашидасини суриб яшаши айни муддаодир. Бунинг учун ҳамма ҳаракат қилади. Аллоҳ таоло барчага ана шундай бахтни ато этсин!

Аммо, жон бор жойда жанжал бор, деганларидек, кишилар истамасалар ҳам, оила аъзолари — эр-хотин орасида тушунмовчиликлар, келишмовчиликлар ва уриш-жанжаллар чиқиб туриши бор. Ушбу ҳолатни тўғри ҳал қилиш ҳам оиланинг ва унинг аъзоларининг саодатига хизмат қиладиган муҳим омиллардан биридир.

Бу масалада икки тараф ҳам бир-бирини яхши тушуниши, аёл эрнинг, эр аёлнинг риоясини қилиши лозим. Икковлари бир-бирларининг одатларини, нимадан хафа ва нимадан хурсанд бўлишларини, руҳий кечинмаларида ва кайфиятларида бўладиган ўзгаришларни яхши тушуниб етишлари зарур. Сўнгра бир-бирларини хафа қиладиган нарсалардан йироқ бўлиб, хурсанд қиладиган нарсаларга яқин бўлишга ҳаракат қилишлари керак.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оиларида ана шу ҳолат ҳукм сурган.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِنِّي لِأَعْلَمُ إِذَا كُنْتُ عَنِّي رَاضِيَةً وَإِذَا كُنْتُ عَلَيَّ غَضَبِي، فَقُلْتُ: وَمِنْ أَيْنَ تَعْرِفُ ذَلِكَ؟ قَالَ: أَمَا إِذَا كُنْتُ عَنِّي رَاضِيَةً فَإِنَّكَ تَقُولِينَ لَا وَرَبِّ مُحَمَّدٍ، وَإِذَا كُنْتُ غَضَبِي قُلْتُ لَا وَرَبِّ إِبْرَاهِيمَ، قُلْتُ: أَجَلْ، وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا أَهْجُرُ إِلَّا اسْمَكَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:**

**«Албатта, сен мендан қачон рози бўлсанг ҳам биламан. Мендан қачон аччиқланган бўлсанг ҳам биламан», дедилар.**

**«Уни қаердан биласиз?» дедим.**



«Қачон мендан рози бўлсанг, «Муҳаммаднинг Робби ила қасамки, ундай эмас!» дейсан. Қачон аччиқланган бўлсанг, «Иброҳимнинг Робби ила қасамки, ундай эмас!» дейсан», дедилар.

«Тўғри! Аллоҳга қасамки, эй Аллоҳнинг Расули, исмингиздан бошқани ҳижрон этмайман», – дедим».

*Муслим ривоят қилган.*

Мана шу ҳадиси шарифда икки тарафнинг бир-бирларига нозик қарашлари ва илтифотлари очиқ баён этилмоқда. Оддий ҳолатдаги сўзлашув билан бошқа ҳолатдаги сўзлашувда ўрни алмашиб қоладиган биргина сўзнинг фарқига бориш ҳам мулоҳаза қилинмоқда.

Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг гапларидаги бир оғиз сўзнинг ўзгаришидан у кишининг руҳиятидаги ўзгаришни англаганлар.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо бўлсалар ўзларидаги ана ўша ўзгаришни жуда нозиклик билан юзага чиқарганлар. Бақир-чақир, йиғлаш, қовоқ солиш, зарда қилиш, гапирмай қўйиш, заҳарханда қилиш кабиларнинг бирортасининг ҳиди ҳам йўқ. Оддий ҳолатдагидан бошқа пайт фақат бир сўзнинг ўрнига бошқасини ишлатиш бор.

Икки тараф бир бўлганда эса, ҳар бирлари ўз кечинмаларини бир-бирларига очиқ айтганлар. Бир тарафнинг аччиғи чиққан, аммо бу жанжалга айланмаган, ҳар икки тараф керакли чорани кўрган ва иш яхшилиқ билан охирига етган.

Биз ҳам оилаларимизда худди шундай бўлишига ҳаракат қилишимиз керак. Эр-хотинлар бир-бирларини яхши тушунишлари, бир-бирларига нисбатан кечиримли бўлишлари ва турли нохушликларнинг олдини биргалиқда олишлари лозим.

Мусулмон мутахассислар эр-хотин орасидаги хилофни ҳал қилиш учун ўз тавсияларини қуйидагича тақдим қиладилар:

Эр-хотин орасидаги хилофни ҳал қилиш услубида гап кўп. Айнан ўша услуб орадаги хилофни йўққа чиқариши ҳам мумкин ёки авж олдириб юбориши ҳам мукин. Шунинг учун бу масалада эр-хотин воқеълик-



дан келиб чиққан ҳолларида ёндашишлари ва уни ҳал қилиш учун муносиб услубни ишга солишлари керак.

Аччиқ сўз, қўполлик ва дўқ-пўписа дард устига чипқон бўлиши, ярани газак олдириши ҳамда ярашиб олгандан кейин ҳам қалб жароҳати шаклида туриши борлигини ҳар ким яхши англаши лозим.

Шунингдек, жим туриш, бир-бирини индамасдан «енгиш» ҳам вақтинчалик ечим бўлиб, мазкур нохушликларнинг жамланиб бориши, бир пайти келганда портлаб, ҳаммаси бирданига юзага чиқиши ҳам яхшиликка олиб бормади.

Эр-хотин орасидаги хилофни бартараф қилишда масхара, инкор, бош тортиш ва «меники тўғри»да маҳкам туриб олиб, бир томон иккинчисини енгиши услуги ҳам тўғри эмас. Бунда хилоф янада чуқурлашиши мумкин.

Эр-хотин орасидаги хилофни бартараф қилишда насаб, мол, жамол ва унвонларни ишга солиш ҳам яхшиликка олиб бормаслигини унутмаслик зарур.

Эр-хотин орасидаги хилофни бартараф қилишда қуйидагиларга эътибор бериш тавсия қилинади:

1. Аввало муаммо ҳақиқатда ҳам хилоф даражасига бориб етганми ёки фақатгина тушунмовчиликдан иборатми, шуни аниқлаб олиш керак. Чунки кўпинча орадаги оддий тушунмовчилик муаммо туғдирган бўлади. Агар ўша англаб етилса ва икки тараф бир-бирини тушунса, иш осон кўчади.

2. Дастлаб ҳар ким ўзига назар солсин, ўзини ўзи тергасин, камчиликларини ўйласин, Аллоҳ кўриб, билиб турганини ёдга олсин. Шунда ҳар ким ўзига келади ва шеригининг ўзига нисбатан йўл қўйган хатосини арзимас санайди.

3. Ҳар ким, банданинг бошига бало беҳудага тушмаслигини, оиладаги жанжал ҳам бало эканини, ўзи содир этган гуноҳ сабабидан шу ҳолга тушиб турган бўлиши мумкинлигини ўйласин. Улуғ тобеъийн Муҳаммад ибн Сийрийн: «Хотиним ва уловимнинг хулқидан ўзим маъсият содир этганимни биламан», — деганлар.

4. Икки тараф ҳам хилоф авж олиб, ўзларидан бошқаларга ҳам етиб бормаслиги тўғрисида чора кў-

ришлари зарур. Акс ҳолда, орага ота-она ва қариндошлар ҳам қўшилиб, иш жиддийлашиши, ажрашиб кетишгача бориши мумкин.

5. Низо нима ҳақида эканини аниқлаш ва ўша нарсани бартараф этишдаги олдинги тажрибаларни ишга солиш катта фойда беради.

6. Эр-хотиннинг ҳар бири муаммо ҳақидаги ўз тушунчасини очиқ айтиши, гапим тўғри, бошқаси нотўғри, деган фикрдан йироқ бўлиши ва иккинчи тарафни ҳам эътибор билан тинглаши ишни осонлаштиради.

7. Сухбатнинг аввалида икковлари ораларидаги яхшиликларни эслашлари мақсадга мувофиқ. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Ораларингиздаги фазлни унутманг» — деган. Албатта, эр-хотиннинг ўз ораларидаги фазлни эслашлари шайтонни қувади ва ўрталарини ислоҳ қилишга ёрдам беради.

8. Ҳар ким ўз ҳаққинигина ўйлаши, мазкур ҳақни катталаштириб юбориши ҳам орани ислоҳ қилишга ёрдам бермайди.

9. Эр-хотин орасидаги хилофни бартараф қилишда кимнинг хатоси аниқланса, ўшанинг ўз хатосини тан олиши катта жасоратдир.

Шунинг учун икки тараф ҳам ушбу жасоратни кўрсатишга тайёр туриши даркор. Мазкур жасорат содир бўлганда эса, иккинчи тараф биринчи тарафнинг хатосини эътибор этганига ташаккур билдириши ва раҳмат айтиши лозим. Зотан, хатони эътироф этиш ботилда бардавом бўлишдан миллион марта афзалдир. Хатони эътироф этиш тўғри йўлдир.

10. Эр-хотин орасидаги хилофни бартараф қилишда икки тараф ҳам бир-бирининг асл табиатида бор нарсаларга сабр қилиши керак. Мисол учун, эр аёлларнинг асли табиатида бор бўлган рашк сифатини доимо ҳисобга олиши ва ундай нарса содир бўлганда сабр қилиши зарур.

Абу Довуд ва бошқалар Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларидан бирининг хузуридида эдилар. Мўминларнинг оналаридан бирлари бир идишга таом солиб, ўз ходимлари-

дан юбордилар. Бас, у (аёл) идишни қўли билан уриб, синдирди.

Набий алайҳиссалом идишнинг икки бўлагини бир-бирига қўшиб жамлаб, унга таомни йиға бошладилар ва: «Онангиз рашк қилди, енглар», — дедилар.

Улар то у (аёл)нинг идиши келгунча едилар. У зот: «Енглар», деб, хизматчини ҳам, идишни ҳам тутиб турдилар. Токи улар (таом емоқдан) фориф бўлганларида бутун идишни хизматчига бердилар».

Ушбу ривоятда исмлари айтилмаётган, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оддиларида бўлган завжаи мутоҳҳаралари Оиша онамиздир. Бўлиб ўтган ҳодисани ровийлар мақтовга сазовор эмас, деб тушуниб, у кишининг исмларини очик айтмай, учинчи шахс сийғасида, у аёл, деб гап юритишган.

Бошқа бир ривоятда эса, бу ҳодисани Оиша онамизнинг ўзлари айтиб берганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг уйларида бир тўп кишилар билан ўтирганларида София онамиз таом пишириб, ходимлари орқали юборадилар. Идиш ҳам, таом ҳам Оиша онамизникидан яхши бўлади.

Шунда Оиша онамизни титроқ босиб, София онамизнинг идишларини уриб, синдирадилар. Идиш иккига бўлиниб, таом тўкилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам идишнинг бўлаklarини йиғиштириб, ушлаб туриб, таомни унга тўплайдилар ва ўтирган кишиларга: «Онангизнинг рашки келди, сизлар (ҳеч хижолат бўлмай) таомни енглар», — дейдилар.

Бошқа ривоятда айтилишича, Оиша онамиз:

«Ё Аллоҳнинг Расули, қилган ишимнинг каффоро-ти нима?» — дейдилар. У зот:

«Идишга ўхшаш идиш, таомга ўхшаш таом», — дейдилар.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо София онамизнинг синган идишларига ўхшаш идиш олиб келишга кетадилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эса одамларга таомни едириб, таом олиб келган хизматчини кетказмай турадилар. Таом еб бўлинганидан кейин бутун идишни хизматчига берадилар.

11. Эр-хотин орасидаги хилофни бартараф қилишда Аллоҳ таолонинг қисматиға тан бериш ҳам катта ёрдам беради. Аёл киши эридан яхшилик кўрса, шукр қилсин. Агар бошқа нарсани кўрса, «Ҳамма эркаклар ҳам шундай», десин. Эр ҳам «Бу кўргулик ҳамманинг бошида ҳам бор, ёлғиз менга бўлаётгани йўқ», десин.

12. Хилофни бартараф қилишни аччиғи чиқиб турганда ҳал қилишга киришмаслик керак. Вақт ўтиб, ғазаб босилиб, ақлу хуши жойига тушганда масалани хотиржамлик билан кўрса, яхши бўлади.

13. Эр-хотин орасидаги хилофни бартараф қилишда ҳар икки тараф ҳам бир поғана паст тушишга тайёр туришлари керак бўлади. Чунки ҳар ким айтганида туриб олса, муаммони ҳал қилиш чигаллашади.

14. Эр-хотин орасидаги хилофни бартараф қилишда икки тараф ҳам шошилмаслиги зарур.

Шошилиш шайтондандир. Ўзлари учун умр савдоси ҳисобланган муҳим масала ҳал бўлаётганини эсда тутиб, хотиржамлик билан иш олиб бориш муҳимдир.

15. Эр-хотин орасидаги хилофни бартараф қилишда эр ҳам, хотин ҳам бахт-саодат молу дунёда, ҳовли жойда ёки бошқа моддий бойликларда эмаслигини бир зум ҳам эсдан чиқармасинлар. Балки, бахт-саодат фаровон турмушда, аҳил-иноқликда ва меҳр-муҳаббатда эканини билсинлар.

16. Бир-бирларининг хатоларини, қоқилиш ва туртинишларини афв этишга доимо тайёр туриш ҳам эр-хотин орасидаги хилофнинг олдини олади.

## БОШ КЎТАРИШ СОДИР БЎЛГАНДА

Эр-хотин орасидаги ўзаро муомалаларда содир бўладиган тушунмовчиликлар ва майда жанжаллар «Эр-хотиннинг уриши – дока рўмолнинг қуриши» сифатида ўтиб кетавериши мумкин. Аммо, иш жиддийлашиб, икки тарафдан бирининг бош кўтариши, яъни оилада ўзига юклатилган вазифаларни бажармаслик ҳолати юз берса, оиланинг бирлигига ҳақиқий таҳдид солинган бўлади. Энди жиддий чоралар кўриш зарур бўлиб қолади.

Ушбу ҳолат, ҳақиқатда ҳам, жиддий бўлганлиги учун уни Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримда муолажа қилган.

**1. Аёл томонидан бош кўтариш содир бўлгандаги ҳолатнинг муолажаси.**

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَاللّٰى تَخَافُوْنَ نُشُوزَهُنَّ فَعِظُوهُنَّ وَاَهْجُرُوهُنَّ فِى الْمَضَاجِعِ وَاَضْرِبُوهُنَّ فَاِنْ اطَّعْنَكُمْ فَلَا تَبْغُوا عَلَيْنَّ سَبِيْلًا اِنَّ اللّٰهَ كَانَ عَلِيْكُمْ كَبِيْرًا ﴿٣١﴾

«Беписандликларидан хавф қилинган(аёл)ларга ваъз-насиҳат қилинг, ётоқларида ҳижрон қилинг ва уринг. Агар сизга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг. Албатта, Аллоҳ Алий ва Кабийрдир» (34-оят).

Беш қўл баробар эмас, баъзи аёллар солиҳалик мақомига лойиқ бўла олмайдилар. Ҳаддиларида турмай, эрларига қарши бош кўтариб, беодоблик, итоатсизлик кўрсатадилар. Шундай ҳолларда нима қилиш керак?

Уларга ҳолатларига қараб, муомала қилинади.

Биринчи босқичда, итоатсизлик аломатлари кўришиб, эрни беҳурмат қила бошлаганида унга ваъз-насиҳат қилинади. Ваъз-насиҳат самара бериб, муносабатлар изга тушиб кетса, айти муддао. Агар фойда бермаса, хотиннинг итоатсизлиги, исёни давом этаверса, бошқа чора кўрилади.

Иккинчи босқич ҳижрон, бирга ётмаслик, гаплашмасликдир. Албатта, ҳижрон ваъз-насиҳатдан кўра анча таъсирлидир. Чунки бу масалада аёллар жуда ҳассос бўладилар. Эрларининг уларга эътиборсизлиги, гаплашмай қўйиши кўзларини каттароқ очишга мажбур этади. Ҳали инсофларини йўқотмаган бўлсалар, ўзларига келишларига, хатоларини тузатишларига сабаб бўлади. Аммо, бу чора ҳам таъсир қилмаса, аёл буткул инсофини ютиб, итоатсизликда, исёнда давом этаверса, бу унинг яхшилик билан йўлга кирмаслигининг аломатидир. Энди унга нисбатан янада

таъсирчанроқ чора — ўзини билмаганларга қилина-  
диган муомала қўлланилади.

**«Беписандликларидан хавф қилинган(аёл)ларга ваъз-насиҳат қилинг, ётоқларида ҳижрон қилинг ва уринг».**

Аммо, уриш деганда, қаттиқ калтаклаш, аъзоларини синдириш ёки бошқа жароҳатлар етказиш тушунилмайди. Ўтган аҳли солиҳ уламоларнинг бирларидан ушбу ояти каримада изн берилган уришнинг маъноси сўралганида: «Мисвок ёки бирор бармоғи билан туртиш», — деганлар.

Ҳадис китобларида ривоят қилинишича, Муовия ибн Ҳайра ал-Қушайрий розияллоҳу анху:

«Ё Расулаллоҳ, хотинларимизнинг биздаги ҳақлари нима?» деб сўраганида, Набий алайҳиссалом:

«Агар таом есанг, унга ҳам едирасан, кийим кийсанг, унга ҳам кийдирасан, юзига урма, ёмон сўкма, ташқарида ҳижрон қилма», — деганлар.

Бошқа бир ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳнинг чўриларини урманглар!» — деганлар.

Бунга ўхшаш ҳадислар кўп. Кўриниб турибдики, ояти каримадаги уришга берилган изн фақат сиёсат учун, ўзини билмаган аёлларга таъсир ўтказиш учундир.

Аёл киши табиатан аччиғи тез чиқадиган, таъсирчан, шошқалоқ бўлади. Сал нарса баҳонасида эрига нисбатан итоатсизлик ва беодоблик қилиб қўйиши мумкин. Аммо, кейин ўзига келиб, итоатга қайтса, уларга қарши чора кўришга зарурат қолмайди, юқорида саналган чора-тадбирларни ҳам қўллаш шарт бўлмайди.

**«Агар сизга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг».**

Бу нарса оилани мустаҳкамлашга омил бўладиган ишдир. Чунки бир-бирига нисбатан кечиримли бўлиш доимо яхшилик омилидир. Агар ким бу кўрсатмаларга юрмаса, ўзидан кўрсин. Чунки:

**«Албатта, Аллоҳ Алий ва Кабийрдир».**

Ушбу ояти карима охирги пайтларда кўпгина тортишувларга сабаб бўлди. Бу тортишувлар мусулмон-



лар билан мусулмонлар ўртасида ҳам, мусулмонлар билан бошқалар ўртасида ҳам бўлди.

Баъзи чаласовод кишилар ғарбда яшаб туриб, аёлларни уриб туриш керак, деб, ушбу оятни далил қилиб келтирдилар. Ҳаттоки, уришни қандай амалга ошириш йўллари баён қилганлари ҳам бўлди.

Бу гапдан хабардор бўлган ғарбдаги инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш фаоллари Исломга ва Қуръони Каримга қарши норозилик билдира бошладилар ҳамда ўз жамиятларига аёлларга «душман» бўлган «зулм»га қарши чора-тадбирлар кўриш чақириқлари билан чиқдилар.

Уларда Исломда аёл кишини аёл бўлганлиги учун вақти-вақти билан калтаклаб туриш керак, деганга ўхшаш тушунча пайдо бўлган эди. Аммо ояти каримадаги ҳақиқий маъно ва унга воқеъликда қандай амал қилиниши суриштирилмас эди.

Авалло, бу оятдаги «уриш» фарз ҳам эмас, вожиб ҳам, суннат ҳам, мундуб ҳам, мустаҳаб ҳам эмас. Бу «уриш» дўқ-пўписа маъносиде, холос. Амалда эса, деярли йўқ.

Иккинчидан, бу ерда эр-хотин орасидаги мазкур ноқулай ҳолатни бартараф қилиш учун уришдан бошқа чора кўриш мумкин эмас, деган гап йўқ. Айтайлик, эр ўзига қарши бош кўтарган, беодоблик қилган аёлига насиҳат қилди, жойини бошқа қилиб олиб, ҳижрон ҳам қилди. Бас, шундан кейин хотинини уришни истамаса, гуноҳкор бўладими? Албатта, гуноҳкор бўлмайди. Агар у аёлни калтаклашдан бошқа ярашиш чорасини кўрса, гуноҳкор бўладими? Мисол учун, аёлинг бошини силаб, яхши гаплар айтиб, ярашиб олса, Қуръони Каримга қарши чиққан бўладими?

Авал таъкидланганидек, уламоларимиз бу оятдаги уришни «Мисвок билан ёки кўрсаткич бармоқ билан туртиш», деб таъвил қилганлар. Кўпчилик эса: «Берилган ушбу изндан фойдалангандан кўра фойдаланмаган яхшироқ», деганлар. Бунинг устига, кўплаб ҳадисларда эрларга аёлларини урмаслик таъкид билан тайинланган.



عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَمْعَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا يَجْلِدُ أَحَدُكُمْ أَمْرَأَتَهُ جِلْدَ الْعَبْدِ ثُمَّ يُجَامِعُهَا فِي آخِرِ الْيَوْمِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Замъа розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз ўз аёлини қулни калтаклагандек калтакламасин. Кейин (ўша) куннинг охирида яқинлик қил(гиси келиб қол)иши ҳам бор», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадиси шариф юқорида ўрганган оятимиздаги «уриш»дан мурод, қаттиқ уриш эмаслигига улкан далилдир. Агар оятда қаттиқ уриш қасд қилинганида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай демас эдилар. Бу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эр ўз хотинини калтакламаслиги кераклигини уқтирмақдалар. Хотинга ўзига яраша муомала қилиш лозим. Уни уриб-калтаклашдан олдин, кейинги бўладиган алоқа ва муомалаларни ҳам бир ўйлаб қўйиш керак. Хотин қул эмаски, уни хоҳлаган вақтда калтаклаб, хоҳлаган вақтда ишлатаверилса. Ҳатто қулни ҳам калтаклаш яхши эмас. Хотинни калтаклашдан олдин уни қўйнида олиб ётишини ҳам, кўзи-кўзига тушишини ҳам бир ўйлаб қўйиш лозим бўлади. Уламоларимиз «Хотинни қаттиқ калтаклаш ҳаромдир» деган ҳукми мана шу ҳадисдан олганлар.

Мазкур чораларни қўллаш билан оилавий муаммолар батамом ҳал бўлиб қолмайди. Баъзида булар ҳам наф бермаслиги мумкин. Ундай ҳолатда нима қилиш кераклигини кейинги оят баён қилади:

وَإِنْ خِفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنِهِمَا فَأَبْعَثُوا حَكَمًا مِّنْ أَهْلِهِ، وَحَكَمًا مِّنْ أَهْلِهَا إِنْ يُرِيدَ إِصْلَاحًا يُّوفِّقُ اللَّهُ بَيْنَهُمَا إِنْ اللَّهُ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿٢٥﴾

«Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрқсангиз, у(эр)нинг аҳлидан бир ҳакам ва бу (хотин)нинг аҳлидан бир ҳакам юборинг. Агар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ у(эр-хотин)ларнинг

**орасини мувофиқлаштирур. Албатта, Аллоҳ Алиим ва Хобийрدير» («Нисо» сураси, 35-оят).**

Бу ояти каримада келишмовчилик ҳам эр, ҳам хотин томонидан чиққан пайтда кўриладиган чора ҳақида гап кетмоқда. Бу ҳолатда оиланинг сирини ташқарига чиқармасдан ҳал этишнинг иложи қолмаган бўлади. Энди, бошқалар аралашиб бўлса ҳам, оилани сақлаб қолишга уринилади.

**«Агар икковларининг оралари бузилишидан кўрқсангиз, у(эр)нинг аҳлидан бир ҳакам ва бу(хотин)нинг аҳлидан бир ҳакам юборинг».**

Эр ўзи рози бўлган қариндошини, хотин ҳам ўзи рози бўлган бир қариндошини ҳакамликка тайин қиладилар. Розилик кейинчалик ҳакамлар чиқарган ҳукмга ҳам рози бўлишлари учун керак бўлади. Албатта, ҳакамлар ақлли, тажрибали, турмушнинг пасту баландидан хабардор кишилар бўлиши лозим. Табиийки, икковлари ҳам Аллоҳдан кўрққан ҳолда, адолатли ҳукм чиқаришга ҳаракат қилишлари керак. Ҳакамларнинг асосий вазифаси эр-хотин орасини ислоҳ қилишдир. Шунинг учун ҳам ояти каримада:

**«Агар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ у(эр-хотин)ларнинг орасини мувофиқлаштирур»** деб, ҳакамларга ислоҳчилик нисбати берилмоқда. Худди шу тушунчадан келиб чиқиб, баъзи уламолар: «Ҳакамларга фақат яраштириш, ислоҳ қилиш ҳуқуқи берилган», дейдилар. Бошқалари эса: «Ҳолатни ўргангач, ислоҳ қилишнинг иложи йўқлигига амин бўлишса, эру хотинни ажратиб кўйишга ҳам ҳақлари бор, шунингдек, уларга тегишли жазо чораларини, мол-мулкка оид масалаларни ҳам ҳал қилишади», дейдилар.

Ҳазрати Усмон ибн Аффон Зиннурайн розияллоҳу анҳунинг ўз халифалик вақтларида худди шу ояти каримага амал қилиб иш юритилганлиги тафсир китобларимизда нақд қилинади:

Ақийл ибн Аби Толиб деган киши Фотима бинти Утба ибн Робийъага уйланган эди. Аёл:

«Сен менга сабр қилсанг, мен сенга нафақа бераман», — деган эди. Эри кўчадан келса:

«Утба ибн Робийъа ва Шайба ибн Робийъалар қаерда?» — деб сўради. Бир куни эри:

«Дўзахга кирсанг, сенинг чап томонингда бўлишадими», — деб жавоб қилди. Хотин кийимларини кийиб, халифа — ҳазрати Усмон ҳузурига бориб, бўлган воқеани айтди. Ҳазрати Усмон кулдиларда, Абдуллоҳ ибн Аббос билан Муовия ибн Абу Суфёнларни чақириб, ҳакам этиб тайинладилар ва уларга:

«Агар яраштиришни истасангиз, яраштиринг, ажратишни истасангиз, ажратинглар», — дедилар.

Албатта, ҳакамлар ўзларининг инсоний чекланган илмлари ва имконлари доирасида ҳукм чиқарадилар. Қолгани эса, ҳар бир нарсани ўзининг чексиз илми ила билувчи ва ҳар бир ишдан хабардор Аллоҳ таолонинг ўзига ҳавола.

وَجَاءَ رَجُلٌ وَامْرَأَةٌ إِلَى عَلِيٍّ ع وَمَعَ كُلِّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا فِئَةٌ مِنَ النَّاسِ، فَأَمَرَهُمُ عَلِيٌّ فَبَعَثُوا حَكَمًا مِنْ أَهْلِهِ وَحَكَمًا مِنْ أَهْلِهَا، ثُمَّ قَالَ لِلْحَكَمَيْنِ: تَدْرِيَانِ مَا عَلَيْنِكُمَا؟ إِنْ رَأَيْتُمَا أَنْ تَجْمَعَا فَاذْعَبَا، وَإِنْ رَأَيْتُمَا التَّفْرِيقَ فَاذْعَبَا. قَالَتِ الْمَرْأَةُ: رَضِيتُ بِكِتَابِ اللَّهِ بِمَا عَلَيَّ فِيهِ وَمَا لِي. وَقَالَ الرَّجُلُ: أَمَا الْفُرْقَةُ فَلَا، فَقَالَ عَلِيٌّ ع: كَذَبْتَ وَاللَّهِ حَتَّى تُقَرَّ بِمَا أَقَرْتُ بِهِ. رَوَاهُ الْإِمَامُ الشَّافِعِيُّ ع.

«Бир эр ва хотин Али розияллоҳу анҳунинг олдиларига келишди. Икковларининг ҳар бири билан бирга бир тўпдан одам бор эди. Бас, Али уларга эрнинг аҳлидан бир ҳакам, хотиннинг аҳлидан бир ҳакам чиқаришга амр қилди. Кейин ҳакамларга:

«Икковингиз вазифангиз нима эканини биласизми? Агар жамлашни раво кўрсангиз, қилинг. Агар ажратишни раво кўрсангиз, қилинг», — деди. Аёл:

«Зараримга бўлса ҳам, фойдамга бўлса ҳам Аллоҳнинг ҳукмига розиман», — деди. Эр эса:

«Ажратиш бўлса, рози эмасман», — деди. Шунда Али розияллоҳу анҳу:

**«Ёлгон айтибсан! Аллоҳга қасамки, ҳатто у (аёл) иқрор бўлган нарсага иқрор бўлмасанг, бўлмайди!» – деди!»**

*Имом Шофеъий ривоят қилган.*

Демак, ҳакамлар иш бошлашидан олдин эр-хотин ўз розилиklarини тўлиқ изҳор этишлари керак. Ҳакамлар эр-хотин орасини ажратиш ҳаққиға ҳам эгалар.

Лекин ҳакамлар кўпинча эр-хотинни яраштириб қўйишға ҳаракат қиладилар. Албатта, бу иш таъсирли чиқади. Чунки ҳакамлар қариндошлардан бўладилар. Улардан ҳар бири ўз қариндошининг оиласи бузилишини истамайди. Фақат ночор ҳолатлардагина ажратишға қарор қилишлари мумкин.

Ҳозирги воқеълигимизда маҳалла қўмиталарининг ҳакамлик қилишлари одат бўлган. Бу ҳам яхши иш. Улар ҳам оилаларнинг бузилишидан кўра ярашиб кетишининг ташвишини қиладилар. Шунингдек, маҳкамалар ҳам. Буларнинг ҳаммаси эр-хотинни яраштириб қўйиш чораларини кўрганлари яхши.

**2. Эр томонидан бош кўтариш содир бўлгандаги ҳолатнинг муолажаси.**

وَإِن أَمْرًا خَافَتْ مِنْ بَعْلِهَا نُشُوزًا أَوْ إِعْرَاضًا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا أَنْ يُصْلِحَا بَيْنَهُمَا صُلْحًا وَالصُّلْحُ خَيْرٌ وَأُحْضِرَتِ الْأَنْفُسُ الشُّحَّ وَإِن تُحْسِنُوا وَتَتَّقُوا فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا

«Агар аёл киши ўз эридан зуғум ва юз ўгириш содир бўлишидан қўрқса, икковлари ўзаро сулҳға келишишларида уларға гуноҳ йўқ. Сулҳ яхшидир. Нафсларға қизганиш ўрнаштирилгандир. Агар яхшилик ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир» («Нисо» сураси, 128-оят).

Аввал ўрганилган оятларда агар оилада аёл киши томонидан эрига нафрат – бош кўтариш ҳолати юзага келганда нима қилиш кераклиги муолажа қилинган эди. Бу оятда эса, унинг акси муолажа қилинмоқда. Оилавий ҳаётда, турли сабабларға кўра, эрда хотинига нисбатан нафрат пайдо бўлиши мумкин. Натижада эр

хотинидан ажралмоқчи ёки ундан юз ўгириб, талоқ ҳам қилмай, муомала ҳам қилмай, ташлаб қўймоқчи. Хотин эридан ажрашни хоҳламаса, ярашишга уринади.

**«Агар аёл киши ўз эридан зуғум ва юз ўгириш содир бўлишидан қўрқса, икковлари ўзаро сулҳга келишишларида уларга гуноҳ йўқ».**

У ўз эрининг нафратига ёки юз ўгиришига сабаб бўлган ишларни бартараф этиш билан уни рози қилиб, ажралмай қолишга ҳаракат қилади.

Мисол учун, ҳатто ўз қонуний ҳаққи бўлмиш маҳрининг ҳаммасидан ёки бир қисмидан воз кечиб юбориши мумкин. Нафақа бермасанг ҳам майли ёки озроқ нафақа берсанг ҳам, талоқ қилмасанг бўлди, дейиши мумкин. Шунга ўхшаш ҳолатга қараб, турли таклиф ва муросалар билан сулҳ тузиб, ажралмай қолишда гуноҳ йўқ экан. Шунинг учун ҳам оятнинг давомида:

**«Сулҳ яхшидир»**, дейилмоқда.

Исломда турли усулларни қўллаб, оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Ушбу чоралар ҳам мазкур рағбатдан келиб чиққан. Оятнинг давомида:

**«Нафсларга қизғаниш ўрнаштирилгандир»**, дейилмоқда.

Яъни, инсон нафсида қизғаниш табиати бор. Мол-мулкни қизғанади, чиройли нарсаларни қизғанади, мансаб ёки яхши ҳолатларни қизғанади. Ана шу табиий ҳолни эътиборга олганда, шояд, хотин томондан таклиф қилинган мол-мулк ва баъзи қулайликлар эрдаги қизғаниш табиатини қўзғаб, ажралмай қолишга рози бўлса. Лекин инсоний алоқалар фақат мол-мулк ёки баъзи манфаатлар асосидагина қурилмайди, балки яхшилик, савоб ишлар қилиш ва бошқа ҳолатлар ҳам кўп. Исломда шунга кўпроқ тарғиб қилинади:

**«Агар яхшилик ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир».**

Жумладан, хотинидан нафратланиб, уни талоқ қилмоқчи бўлган ёки юз ўгириб, тек ташлаб қўймоқчи бўлган эркак ўша хотиннинг ажрашиш истаги йўқлигини билгач, унга яхшилик қилиб, тақво юзасидан ўзи билан олиб қолса, яхши бўлади. Аллоҳ унга ажр ва савоб беради.

Ташкироти



وَكَانَتْ عِنْدَ رَافِعِ بْنِ خَدِيجٍ بِنْتُ مُحَمَّدِ بْنِ مَسْلَمَةَ، فَكَّرَ مِنْهَا  
أَمْرًا إِمَّا كَبِيرًا أَوْ غَيْرَهُ فَأَرَادَ طَلَاقَهَا، فَقَالَتْ: لَا تُطَلِّقْنِي وَأَمْسِكْنِي  
وَاقْسِمْ لِي مَا بَدَأَ لَكَ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ: ﴿وَإِنْ أَمْرًا﴾ الآية. رَوَاهُ الشَّافِعِيُّ  
فِي الْمُسْنَدِ.

«Муҳаммад ибн Масламанинг қизи Рофеъ ибн Хадийжнинг хотини эди. Бас, унга бир иши – киб-рими ёки бошқа нарсами ёқмай қолиб, уни талоқ қилишни ирода қилди. Шунда аёл: «Мени талоқ қилма, ўзинг билан олиб қол. Менга ўзинг хоҳлаганингча тақсим қил», – деди. Шунда Аллоҳ «Агар бир аёл» оятини туширди».

*Шофеъий «Муснада»да ривоят қилган.*

Демак, ушбу ояти кариманинг нозил бўлишига ҳаётий ҳодиса сабаб бўлган. Ислом ҳукмларининг ҳаёлий эмас, ҳаётий экани ҳам шундан. Бинобарин, ушбу биз ўрганаётган масала ҳам ҳаётий масаладир.

Ушбу тарзда оилани сақлаб қолиш ва унинг мустақамлигини таъминлаш учун барча чора ва тадбирлар кўрилади.

## ОИЛА БУЗИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ

Юқоридаги «Бош кўтариш содир бўлганда» деб аталган сарлавҳа остида битилган сатрларда эр-хотиннинг ўзаро муносабатларидан пайдо бўладиган муаммолар ва уларни бартараф қилиш ҳақида сўз кетди. Аммо, ҳар бир жамиятдаги оила бузилиши ва шунга ўхшаш муаммоларнинг келиб чиқиши бир неча омилларга боғлиқ бўлади. Ўша муаммоларни ҳал қилиш учун, аввало, мазкур сабабчи омилларни атрофлича ўрганиб чиқиш, таҳлил этиш ва уларни бартараф қилиш чоралари ишлаб чиқилади. Шу тарзда аста-секин бош муаммонинг ҳам ечими топилади. Бунда, албатта, муаммоси бор жамиятнинг ва унинг аъзоларининг шарт-шароитлари ва хусусиятлари, турмуш тарзлари ва бошқаларнинг таъсири бўлади.

Махсус ташкилотлар жамиятдаги муаммоларни ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб бўлганидан кейин биргалалиқда муаммони ҳал қилишга ўтилади.

Мазкур муаммоларнинг энг кўзга кўринганларидан бири оила бузилишидир, десак муболаға қилмаган бўламиз. Чунки оила муаммоси бугунги кунда деярли барча жамиятларни ташвишга солиб турган муаммолардан бири экани ҳеч кимга сир эмас.

Мусулмонлар яшайдиган жамиятларда оила масаласи ва муаммоси бўйича диний уламоларга кўп мурожаат бўлиши турган гап. Чунки оила қуришда, оила тутишда, оиланинг мустаҳкамлигида ва оила бузилишининг олдини олишда ва ниҳоят, бузилган оилаларни қайта тиклашда динимиз таълимотлари доимо керак бўлади. Шунинг учун ҳам мусулмон аҳоли бу масалаларнинг барчасида диний уламоларга тез-тез мурожаат қилиб, улардан насиҳат, кўрсатма ва маслаҳатлар олиб турадилар. Хусусан, оила бузилиши борасида мурожаатлар кўп бўлади. Бу эса, уламоларга бошқа маълумотлар қатори, оила бузилиши ва унинг сабаблари тўғрисидаги маълумотлардан ҳам бохабар бўлиш имконини беради.

Вилоятларимиздан бирида фаолият олиб борувчи бош хатиблик идораси ўзларига оилани қайта тиклаш масаласида мурожаат қилганлар учун сўроқнома тайёрлаб, унда ажрашишнинг сабаби ҳақида ҳам савол беришган. Натижада ўзларидаги оила бузилишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлашга эришганлар. Уларнинг олиб борган сўроқлари жамиятда оила бузилишига сабаб бўлаётган омиллар ичида биринчи ўринда ароқхўрлик, иккинчи ўринда ота-оналарнинг аралашуви эканини кўрсатган.

## ОИЛА БУЗИЛИШИНING БАЪЗИ САБАБЛАРИ

Энди оила бузилишининг баъзи сабаблари ва уларнинг муолажаси ҳақида сўз юритишга ижозат бергайсиз. Албатта, буца ҳаётимизда бўлиб турган ҳолатлар эътиборидан сўз бориши турган гап. Оилаларимиз-

нинг мустаҳкамлиги учун қайғуриш бурчимиз эканини англаб етиш ва бу борада қўлимиздан келган чоратадбирларни кўриш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

### **1. Оила ва оилавий муносабатлар ҳақида билимнинг етишмаслиги.**

Менимча, бу борада биринчи ўринда турадиган омил оилавий ҳаёт, эр-хотин ораларидаги муносабатлар ва оила юритиш бўйича маданиятнинг етишмаслиги бўлса керак. Тўғриси айтиладиган бўлсак, ўсиб келаётган ёшларга, бўлғуси келин-куёвларга турмуш маданиятини ўргатиш умуман йўлга қўйилмаган.

Яқинда интернетдаги савол-жавоб бўлимига бир мактуб келди. Мактуб соҳибаси ўзининг келин бўлганига икки ой муддат ўтгани, тўйдан кейин куёв билан ўзлари алоҳида яшаётганларига қарамай, орада тинмай жанжал бўлаётгани, нима қилишини билмай, маслаҳат сўраб, бизга мактуб ёзаётганини битган. Бунга ўхшаш ҳолатлар ҳар қадамда учрайди. Минг афсуслар бўлсинким, кўпчилик келин-куёвлар тўйдан кейин ўз хоналарида ёлғиз қолганларида, улар билан бирга оилавий ҳаёт ҳақидаги олинган асосли, ҳидоятли таълимотлар эмас, кўча-кўйда эшитган узук-юлуқ ҳашаки маслаҳатлар қолади.

Жамиятимизда келин-куёвликка номзод ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини тартиб билан, керакли ҳажм ва савияда йўлга қўйишимиз жуда ҳам зарур. Бу масалада уламоларимиз ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишлари керак. Бошқа соҳаларнинг мутахассислари ҳам ўз йўналишлари бўйича керакли ҳаракатни қилишлари, чора-тадбирларни кўришлари лозим. Бу борада таълим ва маслаҳатлар тақдим қилувчи ўқув марказлари кўпайса, яна ҳам яхши бўлади.

Албатта, оилани қуриш, уни тутиш қай тарзда амалга оширилиши, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари қандай бўлиши кераклиги ва бошқа зарур нарсалар ҳақидаги динимиз таълимотларини олдиндан билиб, уларга ихлос билан амал қилиш ҳар бир мўмин-мусулмон учун, унинг бахт-саодати, оиласининг мустаҳкамлиги учун шартдир. Оилавий ноҳуш-



ликлар ва муаммоларнинг асли негизи ўша таълимотлардан беҳабарлик ёки уларга амал қилмасликдир.

Бир қанча муддат илгари интернетдаги саҳифамизга мактуб келди. Бир бирдодаримиз салом-алик ва миннатдорчилик сўзларидан кейин қуйидагиларни ёзибди.

«Биз — эр-хотин ажрашишга қарор қилиб, керакли ерларга аризамизни топшириб қўйган эдик. Иттифоқо, сизларнинг саҳийфангизни очиб, оила рукнига кўзим тушиб қолди. Ундаги маълумотларни ўрганганимдан кейин ўзимнинг мусулмон эр эмаслигимни тушуниб етдим. Аста-секин ўзимни ўнглашга киришдим. Мендаги ўзгаришларни кўрган аёлим бунинг сабабини сўради. Унга саҳийфани очиб, кўрсатдим. У ҳам оила рукнини ўқиганидан сўнг ўзининг хатоларини тушуниб етди ва ўзини ўнглашга киришди. Энди эса, бизлардан бахтиёр оила йўқдай. Ҳозир иккимиз бирга ўтириб, сизларга ташаккурнома ёзмоқдамиз».

Албатта, ҳар бир нарсани тушуниб етиб, билим асосида олиб бориш кўп яхшиликларнинг манбаси бўлади. Оила, эр-хотинлик муносабатлари жуда ҳам нозик нарсалар экани ҳаммага маълум. Шунинг учун бу муносабатларга жиддий қарашимиз ва уларни юқори савияда тутишга ҳаракатда бўлишимиз лозим. Айнан шунинг учун ҳам фарзандларимизни оилавий ҳаётга ёшликларидан ўргатиб боришимиз, бу борада моддий тарафларига эътибор бериб, маънавий тарафларини унутиб қўймаслигимиз зарур.

## **2. Ароқхўрлик ва гиёҳвандлик.**

Бу икки офат бир-бирига боғлиқ, десак, хато қилмаган бўламиз. Кўпинча, эр Аллоҳ таоло ҳаром қилган ароқни ичиб, маст бўлади. Маст бўлгандан кейин оилада жанжал кўтаради. Жанжал эса, хотинини талоқ қилиш билан ниҳоясига етади. Гуноҳ устига гуноҳ бўлади: оила бузилади, эр тул, аёл бева, болалар тирик етимга айланадилар...

Ароқхўрликнинг шунга ўхшаш зарарлари кўп бўлганлигидан, у динимизда ҳаром қилинган.

Аллоҳ таоло «Моида» сурасида шундай деб марҳамат қилади:



يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَمُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ  
الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٩٠﴾

«Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар шайтон амалидан бўлмиш ифлосликдир. Бас, ундан четланинг. Шоядки, зафар топсангиз» (90-оят).

Араб тилида «хамр» сўзи «тўсиш», «беркитиш» маъноларини англатади. Тановул қилган кишининг онгига таъсир этадиган, унинг ақлини тўсадиган, беркитадиган, бошқача қилиб айтганда, маст қиладиган ҳар бир нарсани «хамр» дейилади.

Бу нарса ҳаромдир. Мусулмон кишилар ундан четда бўлишлари, яқинига йўламасликлари лозим.

Аллоҳ таоло «Моида» сурасида яна бундай деб марҳамат қилади:

إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمُ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ  
وَالْمَيْسِرِ وَيُضْذِّمَكُمْ عَنِ الذِّكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْتَهُونَ ﴿٩١﴾

«Албатта, шайтон хамр ва қимор туфайли ора-ларингизга адоват ва нафрат солишни ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсишни истайдир. Энди тўхтарсизлар?!» (91-оят).

Бу ояти каримада хамр билан қимор сабабли мусулмонлар орасида ўзаро адоват ва ёмон кўришлик пайдо бўлиши мумкинлиги таъкидланмоқда.

Хамрнинг шахсга, оилага, жамиятга ва бутун инсониятга келтирадиган зарарлари ҳақидаги маълумотлар жуда ҳам кўп, маълум ва машҳурдир. Бу ҳақиқатларни бутун дунё — мусулмон ҳам, кофир ҳам, худосиз ҳам, ҳатто ароқхўрлар ҳам яхши биладилар.

Биз у ҳақидаги маълумотларни такрорлаб ўтирмайлик-да, ушбу ояти каримада зикр қилинган зарарини — кишилар ўртасида адоват ва ёмон кўришга сабаб бўлишини эслаб ўтайлик.

Агар эътибор берадиган бўлсак, қаерда ичкилик бўлса, ўша жойда кўнгилсизлик келиб чиқади. Ичкилик туфайли оилаларнинг бузилгани қанча, ака-укалар,

ота-болалар, дўст-офайни, қўни-қўшниларнинг бир-бирига душман бўлгани қанча. Ишхона, маҳалла-қўй, тўй-маросим, дам олиш жойлари ва жамоатчилик тўпланадиган ерлардаги адоват ва ёмон кўришлар, уриш-жанжалларнинг ҳисобига етиб бўлмайди. Бас, оилам бузилмасин, фарзандларим хору зор бўлмасин, дунёю охиратим барбод бўлмасин, деган одам ароқ ичмасин.

Гиёҳвандлик туфайли янги уйланган йигитлар келинга қўшила олмай, оилалари бузилиб кетишининг ўзи катта мусийбат. Гиёҳвандлик оилани, балки инсон зотини барбод қилувчи омиллардан бири экани ҳеч кимга сир эмас. Бу нарса ҳам шариатда қатъиян ман қилинган.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ قَالَتْ: نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنْ كُلِّ مُسْكِرٍ وَمُفْتَرٍ.  
رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

*Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:*  
**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳар бир маст қилувчи ва бўшаштирувчидан қайтардилар».**

*Абу Довуд ривоят қилган.*

Бу билан истеъмол қилганда тапани, аъзоларни, асабни ва бошқа жойларни бўшаштирувчи ҳар қандай нарса ҳаром бўлди.

Худди шу ҳадиси шарифдаги айтилаётган «бўшаштирувчи»лик сифати ажнабий тилларда «наркотик» деб номланаётган гиёҳвандлик моддаларининг алоҳида васфидир.

Ҳамаср уламоларимиз гиёҳвандлик моддаларини тановул қилиш, экиш, ишлаб чиқариш, уларнинг тижорати билан шуғулланиш — ҳаммаси ҳаром эканига иттифоқ қилганлар.

Улар: «Гиёҳвандлик моддалари орқали қилинган касб ҳаромдир, уларнинг таъсири остида намоз ўқиган одамнинг намози қабул эмас, улардан келган фойда ҳаромдир, уни садақа ҳам қилиб бўлмайди, яхшилик ишларга ҳам ишлатиб бўлмайди», деганлар.

Бас, оилам бузилмасин, болаларим тирик етим бўлмасин, дунёю охиратим куйиб кетмасин, деган одам гиёҳвандликнинг яқинига йўламасин.

### 3. Ёш оилага ота-оналарнинг аралашуви.

Қадимдан мусулмон халқларда, жумладан, бизнинг халқимизда оиланинг катталари, хусусан, ота-оналар ёш оилаларнинг мустақкамлигига гаров бўлиб келганлар. Келин-куёвлар ёшлик қилиб, ўзаро келиша олмай қолсалар, жанжал қилсалар, уларни яраштиришни ўзларининг бурчлари деб билганлар. Ҳар бир ота-она аввало ўз фарзандига насиҳат қилган, ундан кейин келини ёки куёвига насиҳат қилган ва оилаларнинг мустақкамлигига ҳисса қўшган. Баъзи ҳолатларда қаттиқроқ гапириб, дўқ-пўписа ҳам қилганлар.

Ўша пайтларда «Фалончининг қизи уйиги аразлаб келган экан, «Сенинг уйинг ўша ер, бизниқидан кетгансан, яна шундай қилсанг, сендан норози бўламан» деб, қайтариб олиб бориб қўйишибди» қабилидаги гаплар тез-тез қулоққа чалинар эди. Шунингдек, «Фалончининг ўғли келини билан уришиб қолган экан, «Агар келини яна бир марта хафа қиладиган бўлсанг, ундай қиламан, бундай қиламан» деб, ўғли билан роса уришибди» каби гап-сўзлар ҳам тарқалиб турар эди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, икки тарафнинг катталари нима қилиб бўлса ҳам, оила мустақкамлигининг қайғусини қилар эдилар.

Ҳозир эса бунинг тескарисининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Тез-тез бу борада ақл бовар қилмайдиган ишларни кўриб, гапларни эшитиб, ёқа ушлаб юрибмиз.

Куни кеча домлаларимиздан бирлари қуйидаги саволни берди:

«Бир кишининг онаси: «Хотинингни талоқ қилманг, сени оққ қиламан», — деб туриб олган экан, у: «Талоқ қилдим», — дебди. Ота бу бир талоқ бўлишини, ўғли яна келин билан ярашиб олиши мумкинлигини бошқалардан билибди. Келин отасиникига кетганидан кейин она ўғлини олиб, келинникига борибди. Қўшнилари жамлаб, уларнинг гувоҳлигида: «Ҳозир уч талоқ қиласан, бўлмаса, оққ қиламан», — дебди. У киши ноиложликдан: «Уч алоқ қилдим», — дебди. Талоқ сўзининг «т»сини айтмай, «алоқ», дебди. Бунинг ҳукми нима бўлади?»

Худди шунга ўхшаш гаплар ҳар қадамда учрайди. Уларнинг келиб чиқишига ота-оналарнинг инсофсизлиги, уларнинг шариатни билмасликлари, унга амал қилишни ҳаёлларига ҳам келтирмасликлари сабаб бўлмоқда. Бундай кимсалар боласи ўз жуфти ҳалоли билан саодатли умр кечираётганини етарли ҳисобламайдилар. Улар бир-бирларига эмас, бизга ёқишлари керак, деган фикрда бўладилар.

Бир ота-онадан қизининг ўз қайнонасидан қилган шикоятига қулоқ солайлик. Уларнинг айтишларича, қуда хотин янги келинга: «Менга чўри бўлсанггина бу уйда турасан, бўлмаса, жавобингни бериб, ўзимга ёқадиган келин топаман», — дер экан. Келинни кечаси ўн иккигача ишлатиб, яна саҳар соат олтида эшик олдида туришини талаб қилар экан. Оқибатда, тўйдан икки ой ўтар-ўтмас, орага талоқ тушибди. Келин ота-онасининг уйига қайтибди. Икки тараф хижолат.

Бировнинг боқиб, тарбиялаб, вояга етказган қизини келин қилишга сўраб борган тараф ўғлига умр йўлдоши топиш ниятида бўладими ёки ўғилнинг ота-онасига чўри сотиб олиш савдосига борадими?!

Шунчалик ҳам ноинсофлик бўладими?!

Шунчалик ҳам жоҳиллик бўладими?!

Камина ходимингизга оилавий муаммо билан савол сўраб келган шахсларнинг анчагина қисми ўзи жуфти ҳалоли билан яхши муносабатда бўлса ҳам, ота-онасининг зўрлаши сабабли оиласи бузилаётганидан зорланишади. Бунинг устига мазкур оилабузар ота-оналар боласига: «Агар оилангни бузиб, жуфтингдан ажрамасанг, сени оққ қиламан, берган оқ сутимга розимасман, сендек болам йўқ» каби таҳдид жумлаларини қалаштириб ташлаган бўладилар.

Бечора фарзанд икки ўт орасида қолган: бир тарафда уни туғиб, катта қилган ота-онаси, бошқа тарафда умид билан бир ёстикқа бош қўйган умр йўлдоши. Охири, нажот излаб, диний кўрсатмага бош уришга қарор қилган. Аллоҳнинг олдида гуноҳкор бўлиб қолмасликка қасд қилган бўлади.

Аллоҳнинг амрига, диннинг таълимотига қаралса, ота-онанинг ҳаққи жуда ҳам улуғ. Бу ҳақиқатни ҳар



бир мусулмон, ким бўлишидан қатъи назар, яхши билади, шу билан бирга, ота-онанинг ҳаққини қўлдан келганича адо этишга ҳаракат қилади.

Аммо, дунёдаги барча махлуқотларга оид нарсаларнинг чегараси бўлгани каби, ота-она ҳаққининг ҳам чегараси бор. Банданинг Аллоҳнинг амрига зид бўлган хоҳиши рад қилинади. Холиққа маъсият бўладиган нарсада махлуққа итоат қилинмайди.

Ислом таълимотида иложи борича оилани мустаҳкамлашга амр қилинган. Бошқа бировнинг — агар ўша биров ота-она бўлса ҳам — хоҳишига биноан оилани бузишга рухсат йўқ. Бу ҳақиқатни барча уламолар ўзларининг қадимги ва янги китобларида таъкидлаганлар.

Муҳаммад ибн Муфлиҳ ибн Муҳаммад Мақдсийнинг «Ал-одобуш-шаръийя» номли китобида бу маънода алоҳида фасл бор. Унда жумладан, қуйидагилар айтилади:

«Фасл: Хотинини талоқ қилишда ота-онага итоат қилиш вожиб бўлмайди. Агар отаси унга хотинини талоқ қилишни амр қилса, ижобат қилмайди. Буни асҳобларимизнинг кўпчилиги зикр қилган».

Шайх Тақиюддин онаси хотинини талоқ қилишга амр қилган киши ҳақида: «Унинг учун хотинини талоқ қилиш ҳалол бўлмайди. У онасига яхшилик қилаверади. Хотинини талоқ қилиш онасига яхшилик қилишдан эмас», — деган.

عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ الرَّيَّانِ أَنَّهُ سَمِعَ رَجُلًا يَسْأَلُ عَطَاءَ عَنْ رَجُلٍ لَهُ  
 أُمٌّ وَأَمْرَأَةٌ، وَالْأُمُّ لَا تَرْضَى إِلَّا بِطَلَاقِ امْرَأَتِهِ، قَالَ: لَيْتَنِي اللَّهُ فِي أُمَّهِ  
 وَلِيَصِلَهَا. قَالَ: أَيَفَارِقُ امْرَأَتَهُ؟ قَالَ عَطَاءٌ: لَا. قَالَ الرَّجُلُ: فَإِنَّهَا لَا  
 تَرْضَى إِلَّا بِذَلِكَ. قَالَ عَطَاءٌ: فَلَا أَرْضَاهَا اللَّهُ، امْرَأَتُهُ بِيَدِهِ إِنْ طَلَّقَهَا  
 فَلَا حَرَجَ، وَإِنْ حَبَسَهَا فَلَا حَرَجَ. رَوَاهُ حُسَيْنُ الْمُرُوزِيُّ.

Муовия ибн Райёндан ривоят қилинади:

«У бир кишининг Атодан савол сўраганини эшитди: у кишининг онаси ва хотини бўлиб, онаси

хотинини талоқ қилишидан бошқа ишга рози эмас экан. Шунда у:

«Онаси ҳақида Аллоҳга тақво қилсин ва унга силаи раҳм қилаверсин», – деди.

«Хотинини қўйиб юборадими?» – деди.

«Йўқ», – деди Ато. Шунда ҳалиги одам:

«Онаси шундан бошқага рози бўлмапти», – деди.

«Уни Аллоҳ рози қилмасин! Хотини қўлида. Талоқ қилса ҳам танглик йўқ, тутиб қолса ҳам танглик йўқ», – деди».

*Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.*

Демак, бу ердаги гаплар ҳам ушбу бобнинг мазмунидан келиб чиқади. Ота-она Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган нарсани буюрса, қилмаслик керак бўлади. Талоқ худди шундай нарса. Агар талоқ тушса, Роҳманнинг Арши ларзага келади, дейилади. Шунинг учун бу ривоят она боласидан хотинини талоқ қилишни қаттиқ талаб қилса ҳам, унга рухсат йўқлигининг далили сифатида келтирилди.

عَنْ حُمَيْدٍ، عَنِ الْحَسَنِ قَالَ: قِيلَ لَهُ: رَجُلٌ أَمَرَتْهُ أُمُّهُ أَنْ يُطَلِّقَ  
أُمَّرَأَتَهُ؟ قَالَ الْحَسَنُ: لَيْسَ الطَّلَاقُ مِنْ بَرِّهَا فِي شَيْءٍ. رَوَاهُ حُسَيْنُ  
الْمَرْوَزِيُّ.

*Ҳумайддан ривоят қилинади:*

**«Ҳасанга:**

«Бир кишини онаси хотинини талоқ қилишга амр этди?» – дейилди. Шунда Ҳасан:

«Талоқ онага яхшилик қилиш ишларидан эмас», – деди».

*Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.*

Одамлар тарафидан Ҳасан Басрий роҳматуллоҳи алайҳига: «Бир одамнинг онаси: «Хотинингни талоқ қиласан», деб туриб олса, нима қилади?» дейилган экан. Ҳасан Басрий роҳматуллоҳи алайҳи айтибдиларки, хотинини талоқ қилиш онага яхшилик бўладиган, яъни онанинг хурсандчилиги учун қилинадиган ишлардан эмас. Бу эса, онаси «Хотинингни талоқ

қиласан», деб туриб олса, талоқ қилиш керак эмас, онасининг бу талаби нотўғри талаб, ношаръий талаб. Уни қилмаса, боласи гуноҳкор бўлмайди, деганидир.

«Бир киши имом Аҳмаддан:

«Отам хотинимни талоқ қилишимга булормоқда?» — деб сўради.

«Уни талоқ қилма!» — дедилар.

«Умар розияллоҳу анху ўғли Абдуллоҳга хотинини талоқ қилишга амр қилган эмасми?» — деди у.

«Отанг Умар розияллоҳу анҳудек бўлганда, сен ҳам қиласан», — дедилар Аҳмад ибн Ҳанбал.

Яъни, «Отанг Умарга ўхшаб, ҳақ ва адолатни, ҳа-войи нафсга эргашмасликни биладиган даражага ет-магунча хотинининг талоқ қилмай тур», дейилмоқда. (*«Мавсуъа Фикҳийя». 8-жуз, 71–72-бетлар*)

Худди шу маънодаги гап қизини мажбурлаб, аж-ратиб олишга уринадиган ота-оналар ҳақида ҳам ай-тилади.

Шариатнинг ҳукми шу бўлганидан кейин ота-она-лар инсоф қилишлари ва ўз фарзандларининг оила-сини бузишни ўзларига эп кўрмасликлари лозим.

#### **4. Оиланинг бузилишига сабаб бўладиган омил-лардан бири бефарзандликдир.**

Бефарзандлик доимо оилаларда кўнгилсизликнинг сабаби бўлиб келган. Чунки бу нарса оила қуриб, эр-хотин бўлиб яшашдан кўзланган бош мақсадга зид-дир. Аллоҳ таоло инсон зотига фарзанд муҳаббатини кўшиб яратган. Шу боис оилада яшаб турган эр-хотин фарзанд кўрмасалар, ташвишга тушишлари та-биий ҳолатдир.

Аммо, баъзи кишиларимиз бу ишда жуда ҳам шошиб кетадилар. Бир ой, ярим ой ўтмай, ташвишни бошлайдилар. Келин-куёвни олиб, дам солдиришга, табибга кўрсатишга югурадилар, икки тараф ҳам айб нариги тарафда эканини исбот қилишга ҳаракатни бошлайдилар. Айниқса, келин тарафнинг хижолати зиёда бўлади. Албатта, бундай пайтларда шошмаслик, фарзандни аввало Аллоҳ таолодан сўраш лозим. Кейин шошмасдан, мутахассис табиблар билан мас-лаҳатлашиш керак бўлади.



Баъзи ҳолатларда келин-куёв сабр қилишса ҳам, ота-оналар, қариндошлар уларни тинч қўйишмайди. Куёв тараф келинни туғмасликда, келин тараф куёвни бепуштликда айблашга ошиқадилар. Икки тараф ҳам оилани бузишни таклиф қила бошлайдилар. Бу ҳам тўғри эмас. Аслида, ёшлар шошилганда ҳам катталар насиҳат қилиб, уларни тинчителишлари лозим. Зеро, ҳозирги кунги тажрибаларимизда ўн тўрт йил ва ундан ҳам кўпроқ вақтдан сўнг фарзанд кўрганларнинг гувоҳи бўлдик, ақийқаларида иштирок этдик. Шунинг учун ҳам бу масалада оилани бузишга шошмаслик лозим.

### **Ҳомилани сунъий урчитиш масаласи.**

Ҳозирги, бепарзандликни даволаш анча тараққий этган бир даврда барча имкониятлардан фойдаланиш керак. Баъзи ҳолатларда табиий равишда ҳомила пайдо бўлишига қобилияти йўқ шахсларни ҳомилани сунъий урчитиш билан даволаш ҳам йўлга қўйилган. Кўпчилик бу ишга шариатнинг ҳукми қандай эканини сўраб келишади. Бу масалани Исломи Фикҳи Академиялари ўрганиб, шаръий муносабатларни эълон қилганлар.

## **РОБИТАТУЛ ОЛАМИЛ ИСЛОМИЙ ҲУЗУРИДАГИ ИСЛОМ ФИҚҲИЙ АКАДЕМИЯСИ ҚАРОРИ**

### **Учинчи мажлис:**

23 – 30 Робийъус-Соний, 1400 ҳижрий сана.

### **СУНЪИЙ УРЧИТИШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОР**

«Оилали бўла туриб, ҳомиладор бўлмаётган аёл ва унинг эрининг болага бўлган ҳожати шаръий фарз деб эътибор қилинади. Улар ўзларини бу маънода даволатишлари мувоҳидир. Жумладан, сунъий урчитиш йўли билан ҳам.

Эрнинг уруғлигини олиб, унинг хотини бачадонига қўйиб, урчитиш шариат бўйича жоиздир.

Эр-хотин икковларидан уруғликларини олиб, найчада урчитиб, сўнгра хотиннинг бачадонига солиб қўйиш ҳам шариат бўйича жоиздир.

Бошқа услуб билан бўладиган сунъий урчитишнинг турлари мумкин эмас.

Шу билан бирга, сунъий урчитишни амалга ошириш жараёнида ислом шариати қоидаларига амал қилиш лозим. Даволанаётган аёлга иложи борича муслима табиба қарасин».

Ҳозирда сунъий урчитишнинг саккиз хил услуби бор. Улардан фақат юқорида зикр қилинган услубигина шариатга тўғри келади. Бунда эр-хотиннинг орасидагина бўлган нарсадан ҳомила урчитилади. Агар учинчи тараф қўшилса, зино ўрнидаги нарсага айланиб қолади.

### **Бола асраб олиш масаласи.**

Оиладаги бефарзандлик ҳолатини муолажа қилиш ниятида баъзи кишилар бола асраб олишни истайдилар. Аммо, бу ўта нозик масала эканини унутмаслик керак. Бир одамнинг бегона болани ўз номига ўтказиб олиши, уни «ўз болам» дейиши шариатимизда ҳаромдир. Шунингдек, бировни «отам» дейиш ҳам катта гуноҳдир.

Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким билиб туриб, ўз отасидан бошқага фарзандликни даъво қилса, унга жаннат ҳаромдир», — деганлар.

Чунки Ислом кўзда тутган олти катта мақсаддан бири инсон наслини муҳозафа қилишдир. Шунинг учун ҳам никоҳ, талоқ, идда ва шунга ўхшаш кўпгина ҳукмлар жорий қилинган. Ҳамма нарса инсон наслининг тоза, пок, очиқ-ойдин бўлишига қаратилган. Агар шундай қилинмаса, ҳаром-ҳалол аралашиб, ота боласини, бола отасини, она қизини, қиз онасини, ака сингисини, сингил акасини танимайдиган бўлиб кетади ва инсоният ҳалокатга учрайди.

Исломда етим болаларни, қийинчиликда қолган оилаларнинг фарзандларини боқиб олиш, уларни тарбия қилиш каби ниҳоятда савобли ишларни қилишга кенг тарғиб қилинади. Лекин бунда бегона болани ўзининг номига ўтказиб олмаслик шарт қилиб

қўйилади, яъни болани аслида кимнинг фарзанди бўлса, ўшанинг номида қолдириш ҳамда шариат ҳукмига мувофиқ боқиш, тарбиялаш лозим бўлади.

Бола асраб олишни истаган оилалар ушбу ҳукмларни яхши ўрганиб олиб, кейин ҳаракат қилишлари керак бўлади. Агар имкони бўлса, асраб олинаётган фарзандни асраб олувчининг ўзи, агар имкони бўлмаса, бошқа маҳрам қариндошларидан бири эмизиб қўйса, эмиш орқали маҳрам бўлиб қолади. Шу билан маҳрамликка оид муаммолар ҳал бўлади.

### 5. Оиланинг бузилишига сабаб бўладиган нарсалардан бири зинодир.

Оиланинг асосий кушандаси, унинг бузилишига сабаб бўладиган нарсалардан бири эр-хотинларнинг зинога боришларидир. Бу ниҳоятда ачинарли ҳолат. Никоҳланиш ва оила қуришдан кўзланган бош мақсадлардан бири зинодан сақланишдир. Никоҳланиш, оила қуриш бахтига сазовор бўла туриб, зино қилиш эса, катта гуноҳ ва улкан жиноятдир.

Аввало, «Зино ўзи нима ва дунё халқлари унга қандай қараганлар?» деган саволга жавоб берайлик. Барча халқлар тушунчасида зино — эркак билан аёлнинг никоҳсиз ҳолда жинсий алоқада бўлишидир. Бу иш барча динлар, халқлар, тузумлар, фалсафаларда ор-номуснинг топталиши, уят, ифлослик ва разиллик ҳисобланган. Қадимдан барча халқлар зинони улкан гуноҳ ва катта айб деб ҳисоблаб келганлар.

Бизнинг элимиз ўзини халқ сифатида танибдики, зинони улкан гуноҳ, кечирилмас айб деб билган. Чунки Қуръони Каримнинг «Исро» сурасида Аллоҳ таоло мусулмонларга хитоб қилиб айтади:

وَلَا تَقْرَبُوا الزَّيْنَةَ إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا ﴿٣٢﴾

«Ва зинога яқинлашманглар. Албатта, у фаҳш иш ва ёмон йўлдир» (32-оят).

Оятда «зино қилманглар» эмас, балки «зинога яқинлашманглар», дейилмоқда. Бу эса, зино қилманглар, дегандан кўра қаттиқроқдир. Мўмин-му-

сулмон одам зино қилиш тугул, унинг яқинига ҳам йўламаслиги, зинога олиб борувчи нарсалардан ҳам узокда бўлиши лозим. Чунки:

**«Албатта, у фаҳш иш ва ёмон йўлдир».**

Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни барча фаҳш ишлар ва ёмон йўллардан қайтарган. Ушбу оятда эса, ҳам фаҳш иш, ҳам ёмон йўл бўлган зинодан қайтармоқда. Мўмин-мусулмонлар бу ишнинг нақадар хатарли эканини тушуниб етмоқлари ва ундан қайтмоқлари лозим.

Уламоларимиз зинодан қайтариш ҳақидаги ушбу оятнинг, олдинги — фарзандларни ўлдирмаслик ҳақидаги оятдан кейин ва ноҳақ одам ўлдиришдан қайтарилган оятдан олдин келиши бежиз эмас, деган фикрни таъкидлаганлар. Чунки зино ҳалол-пок йўл билан сарфланса, фарзандлар пайдо бўладиган моддани беҳуда, ҳаром йўлда сарф қилишдан иборатдир. Зинокор, иложи борича, ушбу ҳаром алоқа туфайли бола бўлиб қолмаслигига, мабодо бўлиб қолса ҳам, уни туғилишидан олдин ёки кейин ўлдиришга уринади. Агар зинодан бўлган бола ҳаётга келса ҳам, ҳаромдан бўлганлиги учун жамиятда тирик ўлик бўлиб юради.

Шу билан бирга, зино жамиятга ҳам катта зарарлар келтиради, бора-бора уни ҳалок қилиши мумкин. Қадим-қадимдан, зинога мубтало бўлган жамият ва давлатларнинг ҳалокатга учраб келаётганлиги сир эмас.

Ҳа, зино насл-насабнинг бузилишига, оилаларнинг парчаланишига, инсоний ахлоқларнинг ёмонлашувига, турли касалликларнинг тарқалишига, ахлоқсизликка ва бошқа бало-офатларга сабаб бўлади.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَا ظَهَرَتِ الْفَاحِشَةُ فِي قَوْمٍ قَطُّ فَعَمِلَ بِهَا بَيْنَهُمْ عَلَانِيَةً إِلَّا ظَهَرَ فِيهِمُ الطَّاعُونَ وَالْأَوْجَاعُ الَّتِي لَمْ تَكُنْ فِي أَسْلَابِهِمْ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

*Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Қайси қавмда фоҳиша тарқалса, уларнинг орасида уни очикчасига амалга оширилса, уларнинг ичида ўлат ва ота-боболари билмаган касалликлар чиқади».**

*Байҳақий ривоят қилган.*

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا يَزِنِي الْعَبْدُ حِينَ يَزِنِي وَهُوَ مُؤْمِنٌ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالشَّيْخَانُ.

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Банда зино қилаётган пайтида унинг мўминлик ҳоли қолмас», – дедилар».**

*Насаий ва икки Шайх ривоят қилганлар.*

Ушбу ҳадиси шарифдан зино қилиш туфайли банданинг иймонига футур етишиши англаб оламиз.

Зинокорлик гуноҳи кабиралардан бўлиб, бу ишни Аллоҳ таоло қатъиян ман қилгандир. Шунга ҳам қарамай, мазкур гуноҳи азимга қўл урган банданинг иймонига футур етишига шубҳа йўқ. Аммо ўша иймонга футур етишлик даражаси ҳадиси шарифни тушунишга қараб, бир неча хил бўлади. Агар банда мазкур жиноятнинг ҳаромлигини билиб туриб, уни ҳалол санаб қилса, кофир бўлади. Аммо, банда ўша ишни бошқа ҳолатда қилса, ўша ишни қилаётган пайтида иймони ундан чиқиб туради. У ишни қилиб бўлганидан кейин афсус-надомат чекиб, тавба қилса, иймони қайтиб киради. Шунинг учун ҳам эр-хотинлардан бири ўз жуфти ҳалолининг зино қилганини билиб қолса, ажрашишни талаб қилади.

Кўпчилик «Эр ёки хотин зино қилса, талоқ тушадими?» деган саволни берадилар.

Бунга уламолар: «Зино билан талоқ тушмайди», деб жавоб берадилар. Чунки шариатда «Ҳаром ҳалолни ҳаром қилмайди», деган қоида бор. Бу албатта, зино қилса бўлаверади, дегани эмас. Зино энг ёмон гуноҳлардан биридир. Мусулмон одам ундан тамоман йироқда бўлиши лозим. Унинг шахсга, жамиятга ва



оилага зарарлари чексиздир. У оилаларнинг бузилишига сабаб бўладиган омиллардан биридир.

**6. Оилаларнинг бузилишига сабаб бўлаётган омиллардан яна бири эр-хотинларнинг ўзаро муносабатларида сабр ва баррикенгликнинг етишмаслигидир.**

Табиийки, оилавий ҳаётда турли ҳолатлар содир бўлиб туради, шу жумладан, эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар ҳам чиқиши мумкин.

Шошқалоқлик, тез аччиқланиш, талашиб-тортишиш, тирноқ остидан кир ахтариш ва ўзидан бошқаларга ўхшаш ҳаёт кечиришни талаб қилиш каби ишлар хотинга ҳеч қачон обрў келтирмаган, келтирмайди ҳам. Бундай ишлар оилавий ҳаётни бузишга, уни ёруғ дунёдаги жаҳаннамга айлантиришга хизмат қилади, холос.

Шунинг учун ўрни келганда ғазабни ютиш, ёқмаса ҳам, оилавий ҳаёт ҳурматидан, баъзи нарсаларга чидашга одатланиш керак бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا يَفْرَكُ مُؤْمِنٌ مُؤْمِنَةً إِلَّا كَرِهَ مِنْهَا خُلُقًا رَضِيَ مِنْهَا آخَرَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*  
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мўмин мўминани ёмон кўрмасин. Агар унинг бир хулқини ёқтирмаса, бошқасига рози бўлур», – дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

Эр хотинининг бирор ёмон хулқидан норози бўлиб, унга ғазабини тўкиб солмасин, ўша пайтда хотинининг яхши фазилатлари ҳам борлигини эсга олсин. Бундай пайтларда аёл киши оқилона йўл тутмоғи лозим. Оқила аёллар тезда ўзини ўнглаб олиб, сулҳга ўтади ва эрига бу борада эсидан чиқмайдиган дарс беради.

У ўз эрига енгил пайтида ҳам, оғир пайтида ҳам яқин киши, дардқаш, маслаҳатчи бўлади. Уни сабрчидамга даъват қилади, тушкун кунларида кўнглини чўктирмай, доимо олдинга иштилишга ундайди.

عَنْ ثَوْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: أَيُّمَا امْرَأَةٍ سَأَلْتَ زَوْجَهَا طَلَاقًا مِنْ غَيْرِ بَأْسٍ فَحَرَامٌ عَلَيْهَا رَائِحَةُ الْحَنَّةِ. رَوَاهُ أَصْحَابُ الشَّيْخَيْنِ وَحَسَنُهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қай бир аёл узрли сабабсиз эридан талоқ қилишини сўраса, унга жаннатнинг ҳиди ҳам ҳаром бўлади», дедилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар. Термизий ҳасан, деган.*

Бу ҳадиси шарифда аёлларнинг оилавий ҳаётдаги энг заиф жойларидан бири муолажа қилинмоқда. Минг афсуслар бўлсинки, баъзи аёллар бўлган-бўлмаган нарсага эрларидан талоқ сўраб: «Ундай бўлса, менинг талоғимни беринг», деб туриб оладилар. Ҳуда-беҳудага эридан талоқ сўраган аёл жаннатга кириш у ёқда турсин, унинг ҳидини ҳам ҳидлай олмас экан. Бу иш мўмина-муслималарга мутлақо тўғри келмайдиган иш ва гуноҳдир.

Баъзи аёллар эрининг хаёлида ҳам йўқ бўлган масалани кўндаланг қилиб қўйиб, ўз айтганида туриб оладилар. Ушбу потўғри иш оқибатида гап кўпайиб, жанжал кучаяди ва иш талоқ билан тугайди. Эр ўзининг хаёлига ҳам келмаган нарса бўлмиш талоққа хотини томонидан мажбур қилинади. Шунинг учун ҳам ҳадисда ушбу ишни қиладиган аёллар учун қаттиқ ва шиддатли жазо борлиги хабар қилинмоқда. Албатта, ҳар бир мўмина-муслима аёл бу ҳадиси шариф маъносини ўзига яхшилаб сингдириб олмоғи лозим.

Турмушда ҳар хил ҳолатлар бўлиши турган гап. Одам бир хил туравермайди: эркаклар хато қилиши, баъзида зулм қилиб юбориши мумкин. Лекин ўша ҳолатни орага талоқни қўшмасдан ҳам муолажа қилса бўлади-ку!

Аёллар, иложи борича эрларидан талоқни талаб қилмасликлари керак. Шунингдек, эркаклар ҳам ўзларини бу гапни айтишдан сақлашлари лозим.

## ТАЛОҚ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

«Талоқ» сўзи луғатда «моддий ва маънавий тутун-ни ечиш» маъносини англатади.

Шаръий истилоҳда эса, махсус лафз ила никоҳни кетказиш ёки унинг ҳалоллигини нуқсонга учратиш «талоқ» дейилади. «Махсус лафз»дан мурод, «талоқ» ёки унинг маъносини англатувчи лафзлардир.

«Никоҳни кетказиш» эса, никоҳ ақдини ечиб, орадаги маънавий боғланишни йўқотиш, деганидир. Бу ҳолат «уч талоқ» ила юзага келиб, ундан сўнг талоқ қилинган аёл ўзини талоқ қилган шахсга ҳалол бўлмай қолади.

«Ҳалоллигини нуқсонга учратиш»да эса бир талоқ қўйса, уч талоқ ҳаққидан битта камайиб, хотиннинг унга ҳалоллиги нуқсонга учраган бўлади.

Талоқ ҳақида дунёда икки хил қараш бор:

Биринчиси — талоққа рухсат бермаслик. Бу йўл баъзи масийҳий мазҳаблар тутган йўлдир.

Иккинчиси — талоққа рухсат бериш. Бу йўл кўп-ларнинг, шу жумладан, мусулмонларнинг ҳам тутган йўлидир.

Талоққа рухсат бермаслик инсон табиатига қарши ҳукмдир. Чунки инсон ўз ҳаётида турли ҳолатларга тушиб туради, баъзи ҳолларда эр-хотин оилавий ҳаётни бирга давом эттиришга ҳеч имкон топа олмай қоладилар. Шунинг учун талоққа рухсат берилмаган давлатларда эр-хотинлар расман ажрашмаган бўлсалар-да, амалда бирга яшамай, ўзларига ўйнаш тутиб ёки бертартиб зино билан машғул бўлиб юраверадилар.

Талоққа рухсат берганлар ҳам ўзаро бир неча тоифага бўлиниб кетадилар.

Баъзилар: «Талоқни қози, яъни ҳозирги тил билан айтганда, суд орқали амалга ошириш керак», дейдилар.

Бошқа баъзилар: «Хотинларга ҳам талоқ қўйиш ҳуқуқини бериш керак», дейишади.

Учинчи тоифа эса: «Талоқ қўйиш эрнинг ҳаққи», дейдилар.



Энди бу йўналишларни қиёслаб кўрайлик.

Талоқ қози томонидан бўлиши умуман мумкин эмас. Чунки талоқ эр-хотиннинг ўзаро оилавий сирлари билан боғлиқ масаладир. Кўпгина сабабларни одамларга, жумладан, қозига айтишга инсоний одобахлоқ йўл қўймайди. Бу ҳолатда ким юзсизроқ, гапга устароқ бўлса, ёлғонни кўпроқ ишлатса, ўша ютади. Буни ҳозирги кунда ҳамма кўриб, билиб турибди.

Хотинга талоқ қўйиш ҳаққи берилиши ҳам тўғри эмас. Чунки Аллоҳ таоло аёл кишини алоҳида, ўзига хос табиат билан яратган. У мулойимлик, юмшоқлик, латофат, гўзаллик соҳибасидир. У ўшандай ҳолатларда ўзини қулай ҳис этади. Аксинча, қўполлик, уриш-жанжал, куч ишлатиш, каби ҳолатлар уларга ёт. Шу билан бирга, аёл киши, одатда, жаҳли чиққанда, аччиғини ичига юта олмай, шошилиб-ҳовлиқиб, бир ёқлама қарор чиқариб қўяди. Чунки у ҳиссиётга берилувчан бўлади. Ҳиссиёт жўшиганда эса, ақл ўз маромини йўқотади.

Ушбу ҳолатларни эътиборга олиб, фараз қилинг-а, ихтиёр аёл кишида бўлганида, эрини неча марта талоқ қўйиши мумкин эди?

Учинчиси — Исломий ечим. Бу инсон табиатини эътиборга олишдан келиб чиққан илоҳий ечимдир. Одатда, оила қуриш учун бўлғуси келин эмас, кўпроқ бўлғуси куёв елиб-югуради. У бу мақсад йўлида мол-пул сарфлайди, келинга маҳр беради, тўй харажатини кўтаради. Оиланинг обрўси унинг шахсий обрўсидан ҳам устун бўлиб қолади. Фарзандлар унга нисбат берилади.

Хуллас, мазкур ва яна бошқа бир қанча сабабларга кўра, эр ўз хотинини талоқ қилишдан аввал етти ўлчаб, бир кесмоғи шарт бўлиб қолади. Ундан ташқари, эркак киши табиатан ақллироқ, оғир-босиқроқ, ҳиссиётга камроқ бериладиган қилиб яратилган. Шунинг учун ҳам Исломда талоқ қилиш ҳақ-ҳуқуқи эрга берилган. Лекин шариат талоқ қилишдан аввал бошқа енгилроқ чораларни кўриб, ажрашишнинг олдини олишга даъват этади.



Аёл кишида эрига нисбатан ҳурматсизлик, итоатсизлик пайдо бўлса, аввал ваъз-насиҳат, уни инсофга чақириш тавсия этилади. У фойда бермаса, жойни бошқа қилиб ётиш лозим. Шундан кейин ҳам ўзгармаса, зарар етказмасдан, уришгача рухсат этилган.

Эр-хотиннинг ораси бу билан ҳам тузалмаса, эрнинг қариқдошларидан бир киши, хотиннинг қариндошларидан ҳам бир киши ҳакам этиб сайланади ва улар эр-хотинни яраштириш чораларини кўрадилар.

Бу чора-тадбирларнинг ҳеч бир фойда бермай, эр-хотиннинг бирга яшаши икковларига ҳам чексиз азоб-уқубатга айланиб қолгандагина, талоққа рухсат берилади.

Исломда талоққа рухсат бор. Айни чоғда ўта масъулиятли, ўта оғир қарор бўлганлиги учун бу ишга фақат охириги чора сифатидагина ижозат берилган.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أَبْغَضُ الْحَالِلِ إِلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ الطَّلَاقَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ.

*Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳ азза ва жаллага энг ёмон кўрилган ҳалол талоқдир», дедилар».**

*Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилганлар. Ҳоким саҳиҳ, деган.*

Бошқа бир ривоятда: **«Талоқ тушганда Аллоҳ таолонинг арши ларзага келади»,** дейилган.

Бошқа ҳукмлар қатори, талоқ масаласида ҳам Ислом дини инсон табиатини эътиборга олиб иш тутади. Чунки инсонни Аллоҳ субҳаанаҳу ва таоло яратган, унга нима мос келишини ҳам Аллоҳ таолонинг ўзи яхши билади.

Авваллари, бошқа масалалар қатори, талоқ масаласида ҳам аёллар хорланар, уларни инсон ўрнида кўрмас эдилар. Баъзилар хотинини хоҳламай қолса, бошқага уйланиб, уни қаровсиз қолдирар, на ўзи хотин қилар ва на бошқага эрга тегиб кетишига имкон берар эди. Ёки талоқ қилиб, иддаси яқин қолганда

яна қайтиб, уни ўйинчоқ қиларди. Шу ва шунга ўхшаш усуллар билан аёлларни ўта аянчли ҳолларга солар эдилар.

Ислом бундай хорликларга чек қўйди. Эр кишига фақат уч талоқнинг ҳаққини берди ва аёлни қийнамасликка буюрди. Айни чоғда аёлга «хулуъ» ҳаққини ҳам берди. Яъни аёл киши эри билан яшашни хоҳдамаса, қозига арз қилиб, ажрашиб кетишига имкон яратди.

Шариатда талоққа рухсат берилганига сабаблар кўп. Шулардан иккитасини зикр қилиб ўтайлик.

1. Фараз қилайлик, бир кишининг хотини туғмаслик касалига мубтало бўлган. У киши ўзгаларга ўхшаб, ортидан зурриёт қолдиришни хоҳлайди. Икки хотинни ушлаб туришга эса имкони йўқ. Шунда аввалги хотинини талоқ қилиб, фарзанд кўришга лаёқати бор аёлга уйланиши мумкин.

2. Эр-хотиннинг феъл-атворлари бир-бирларига тўғри келмай қолиб, ўзаро нафратлари кучайиб, бирга яшашнинг сира иложи қолмаганида талоқ ёрдамга келади ва икковларини бир-биридан қутқаради. Талоқни Исломга айб қилиб тақайдиган Фарб давлатларининг кўпчилигида ҳозирда ўз динларининг аҳкомларига қарши чиқиб, талоққа рухсат берилган.

Баъзилар эр кишининг бир оғиз сўзи билан талоқ тушишини жуда ҳам енгил ҳукм, ҳаётга жиддий қарамаслик, деб тушунадилар. Аслини олганда, бундай хавотирга асос йўқ. Ислом ҳаётга ниҳоятда жиддий қарайди. Каттами-кичикми, ҳар бир инсон ўз сўзига жавобгардир.

Исломда ҳар қандай сўзнинг салмоғи каттадир. Инсон бир сўз билан мўмин бўлиб, бир сўз билан иймондан чиқади, ақди никоҳ пайтида келин-куёв бир оғиз сўз билан эр-хотин бўладилар. Улар ийжоб ва қабулда айтиладиган «розиман» ва «қабул қилдим» сўзлари билан бир-бирларига ҳалол бўладилар. Шунингдек, биргина «талоқ» сўзи билан аксинча бўлиши ҳам бор.

Демак, ҳаётга жиддийят билан қараш ҳар бир муслмоннинг бурчидир. Жумладан, талоқ масаласида

эҳтиёт бўлиш ҳам ҳар бир мусулмон эркакнинг вази-  
фасидир. Бўлар-бўлмас сабабларга кўра аёлини талоқ қилавериш мусулмон шахсга раво эмас.

Энди талоқ масаласида келган матнларни шарҳ қилишга ўтайлик.

**Талоқ фақат мукаллаф эрдан воқеъ бўлади. Гарчи у маст ёки қул бўлса ҳам. Унинг хожасидан ва уйқудаги кишидан воқеъ бўлмайди.**

Демак, талоқ воқеъ бўлиши учун у оқил ва балоғатга етган эр томонидан қилинган бўлиши керак. Талоқ қилувчи эрнинг қул ёки ҳур бўлишида фарқ йўқ.

Ота боласининг хотинини талоқ қилиши мумкин эмас. Бундай ҳолатда талоқ тушмайди. Чунки ота ҳам, ундан бошқаси ҳам, эрдан ўзга ҳеч қандай шахс аёлга нисбатан талоқ ҳаққига эга эмаслар. Талоққа молик – эга бўлмаганларнинг талоғи тушмаслиги аниқ.

Шунингдек, ухлаб ётган одам, балоғат ёшига етмаган бола, жинни ва эси паст киши ҳам ўз хотинини талоқ қилса, тушмайди. «Эси паст» деганда бефаҳм, алмойи-алжойи гапирадиган, чора-тадбирни билмайдиган, лекин бошқаларни уриб-сўкмайдиган шахс кўзда тутилади.

Аммо, бир одамнинг эси ўз ихтиёри ила қилган тасарруфи туфайли кетган бўлса, мисол учун, маст қилувчи ичимликлар ичгани, наша, қора дорига ўхшаш нарсалар истеъмол қилганлиги учун эсини йўқотган бўлса, талоғи тушади.

Уламолар: «Даво учун истеъмол қилинган нарсадан маст бўлиб, қилган ишини, айтган гапини эслай олмайдиган даражага бориб қолган одамнинг оғзидан «талоқ» сўзи чиқса, талоғи тушмайди», деганлар.

Аммо, мазкур ҳаром нарсаларни маст бўлиш учун истеъмол қилган шахсларнинг талоғи, қай ҳолда бўлса ҳам, тушади. Бу ҳукмни тўрт мазҳаб бирдек қўллаганлар. Чунки бундай осий, ҳаромхўрнинг талоғини «тушмайди» дейиш унинг исёнини эътиборга олиш билан баробар бўлади. Аслида ундай нобакор жазоланиши керак, талоғи тушиб, аёлидан ажралиши эса унга жазодир.

Бироқ баъзи уламолар, жумладан, Ҳанафий фуқаҳолардан имом Зуфар, имом Тоҳовий ва имом Кархий раҳимаҳуллоҳлар: «Айтган гапине эслай олмайдиган даражадаги мастнинг талоғи тушмайди. Чунки бундай одам жиннининг ўзидир. Маст бўлганлиги учун эса, шариатда алоҳида жазо белгиланган. Қозининг ҳукми ила кўпчилик ичида унга дарра урилади», дейишган.

Шунингдек, қаттиқ ғазаб туфайли ақли бошидан учган кишининг ҳам талоғи тушмайди. Бу жуда ҳам подир бир ҳолат бўлиб, фуқаҳоларимиз: «Осмон билан ернинг фарқига бормаидиган даражада аччиғи чиққан одамнинг талоғи тушмайди», деганлар.

Бундай ҳолат шариатда «ифлоқ» дейилади.

Аслида эса, ғазаби чиқмаган одам талоқ ҳам қилмайди. яъни ҳамма талоқлар аччиғи чиққан одамлар томонидан содир бўлади.

«Ифлоқ» сўзи луғатда «беркитиш», «ёпиб қўйиш» маъносини англатади. Уламоларимиз ушбу «ифлоқ»дан нима кўзланганлиги ҳақида турлича фикрга борганлар.

Шофеъий, Моликий ва Ҳанафий уламолар: «Ифлоқдан мурод, мажбурлашдир», деганлар.

Имом Аҳмад ва Абу Довуд эса: «Ифлоқдан мурод, ғазабдир», деганлар. Ғазаб ҳақида юқорида гапириб ўтганимиз сабабли, бу ерда мажбурлаш ҳақида икки оғиз гапириб ўтамыз.

Уламолар жумҳури: «Бировнинг мажбурлаши ила ноилож қолиб қилинган талоқ тушмайди», деганлар.

Ҳанафий мазҳаби уламолари эса: «Мажбурланган кишининг талоғи ҳам ҳазиллашган кишининг талоғи каби тушади», деганлар. Чунки у агар ундан келиб чиқадиган натижадан рози бўлмаган бўлса ҳам, ўзи талоқни қасд қилган.

## АҲСАН ТАЛОҚ

**Талоқнинг энг яхшиси жинсий алоқа бўлмаган покликда фақат бир талоқ қўймоқдир.**

Аслида талоқнинг яхшиси бўлмайди.



Бу ердаги «яхши» сўзи талоқнинг турлари орасидаги нисбат учун ишлатилади.

Саҳобаи киромлар чорасиз қолганларида ҳам биттадан ортиқ талоқ қилмас ва идда чиққунча кутар эдилар. Аёл ҳайздан пок бўлганидан кейин, у билан яқинлик қилмай туриб, бир талоқ қўйиб, иддаси чиққунча кутиш аҳсан талоқ бўлади.

Талоқни бу шаклда йўлга қўйишда оилани сақлаб қолишга ҳаракат бор. Аввало, аёлнинг ҳайз кўриши кутилади. Бу вақт ичида эр аччиғидан тушиб, талоқ ниятидан қайтиб қолиши мумкин. Кейин, аёл ҳайздан пок бўлгунча кутишда ҳам шу ҳикмат бор. Қолаверса, бир талоқ қўйишда ҳам қайта ярашиш имкони чўзилади.

## СУННИЙ ТАЛОҚ

**Талоқнинг ҳасани – яхшиси (сунний ҳам дейилади) духул қилинмаган аёлни, ҳайзида бўлса ҳам, бир талоқ қўйиш; духул қилинган аёлни, у ҳайз кўрадиган бўлса, уч талоқни биттадан, яқинликсиз уч покликда; кичиклиги ёки ноумид бўлганлиги учун ҳайз кўрмайдиган ва ҳомиладор бўлса, яқинлик қилган бўлса ҳам, уч ойда қилишдир.**

Талоқнинг иккинчи тури «ҳасан талоқ» бўлиб, у «сунний талоқ» деб ҳам аталади. Бунда аёлнинг духул қилинган ёки қилинмаганлигига, яъни ақди никоҳдан кейин эр унга яқинлик қилган ёки қилмаганлигига ҳамда ҳайзу нифос кўриш ёки кўрмаслигига қараб, турли ҳолатлар бўлади.

Агар аёл духул қилинмаган бўлса, ҳайзда бўлса ҳам, уч марта алоҳида-алоҳида талоқ қилиш «сунний талоқ» бўлади.

Аёллар ёши кичик ёки катта бўлганлиги, шунингдек, ҳомиладор бўлганликлари учун ҳайз кўрмайдилар. Бундай аёллар уч ойда биттадан талоқ қилинсалар, сунний талоқ қилинган бўладилар.

Ҳайз ва нифос кўрадиган аёлларга нисбатан «сунний талоқ» — хотини ҳайз ва нифосдан пок бўлга-

нидан сўнг жинсий яқинлик қилмай туриб, бир талоқ қўйишдир.

Яна ҳайз кўрганидан сўнг, жинсий алоқа қилмай туриб, яна бир талоқ қўйилади. Шундай қилиб, учинчи мартадан кейин уч талоқ бўлади.

Талоқнинг сунний — шариат кўрсатмаларига мувофиқ бўлиши учун унда иккита шарт мавжуд бўлиши керак.

Биринчи шарт:

Талоқ аёл киши ҳайз ёки нифосдан пок бўлганидан кейин, унга жинсий яқинлик қилмай туриб, қилиниши шарт.

Аёлларнинг илдаси ҳайз ёки нифосдан кейин бошланади. Шунинг учун ҳайз ва нифос вақтида хотинни талоқ қилиш ҳаром бўлади. Аллоҳ таолонинг амрига хилоф бўлган ҳар бир иш ҳаромдир. Бунинг устига, аёл киши ҳайз ёки нифос кўриб турган пайтида нозиклашиб, оғир ҳолатни бошидан кечираётган бўлади. Ўшандай вақтда уни талоқ қилиш дард устига чипқон бўлади.

Шу билан бирга, ҳайз ва нифос пайтида эр хотинига яқинлаша олмай, нафрат қилиб турган бўлади. Уни талоқ қилиши осон бўлиб қолади. Энг муҳими, ҳайз ва нифос вақтида талоқ қилиб бўлмайди, сабр қилиб турай, деб кутиб туриб, ўша вақт келгунича аччиғидан тушиб, пиятидан қайтиб, талоқ қилмай қўйиши мумкин. Бу эса айни муддаодир.

Аёл кишини ҳайз ёки нифос кўриб турган пайтда ва жинсий яқинлик содир бўлган поклик даврида талоқ қилиш ҳаромдир. Ким бу ишни қилса, катта гуноҳ қилган бўлади. Аммо, шу билан бирга, тўрт мазҳаб бўйича ҳам ушбу ҳолатда талоқ тушиши таъкидланган.

Иккинчи шарт:

Талоқнинг сунний — шариат кўрсатмаларига мувофиқ бўлиши учун зарур бўлган шартлардан иккинчиси, талоқнинг биттадан ортиқ бўлмаслигидир.

«Сунний талоқ», бошқача қилиб айтганда, шариатда рухсат берилган талоқни ўрганиш жараёнида

шунга амин бўламизки, Ислолда, нима қилиб бўлса ҳам, оилани сақлаб қолиш, ажралишга қатъий қарор бўлганда ҳам, талоқ тушишининг, ярашиб бўлмайдиган ҳолга келишнинг олдини олишга ҳаракат қилинади. Шунинг ўзи ҳам шариятда оилани сақлаб қолишга жуда катта эътибор берилганининг тасдиғидир. Ушбу юқоридаги сатрларда зикри келган талоқдан бошқа талоқ шарият истамаган талоқ бўлади. Жумладан, ҳозир у ҳақида баҳс юритадиганимиз — «Бидъий талоқ» ҳам.

## БИДЪИЙ ТАЛОҚ

Сунний талоққа хилоф талоқ «бидъий талоқ» дейилади. «Бидъий» — «бидъатга мувофиқ» дегани бўлиб, «суннатга хилоф» маъносини англатади. Бидъий талоқ қилган одамнинг талоғи тушади. Аммо у катта гуноҳ қилган бўлади. Бу ишни қилган киши ўзига икки зарарни — оила бузилиши ва катта гуноҳни жамлаб олган бўлади.

**Талоқнинг бидъийси яқинлик қилинган покликда бир талоқ қилиш, духул қилинган аёлни ҳайзида талоқ қилиш, биттадан кўп талоқ қилиш, бир покликда биттадан кўп билан бошқаси орасида ражъат қилмай, талоқ қилишдир.**

Бу ерда бидъий талоқнинг тўрт хил кўриниши зикр қилинмоқда:

**1. Яқинлик қилинган покликда бир талоқ қилиш.**

Талоққа никоҳдан халос бўлишга ҳожат тушгандагина рухсат берилади. Хотинига жинсий яқинлик қилган кишининг никоҳдан халос бўлишга ҳожати йўқ бўлади. Ҳожати бўлса, яқинлик қилмас эди. Шунинг учун хотинига яқинлик қилган поклик ичида уни талоқ қилиш бидъий талоқ ҳисобланади.

**2. Духул қилинган аёлни ҳайзида талоқ қилиш.**

Духул қилинган аёлни ҳайз ёки нифос вақтида талоқ қилишнинг ҳаромлиги ҳақидаги далиллар ва уларнинг тафсилотини юқоридаги сатрларда ўргандик.



### 3. Биттадан кўп талоқ қилиш.

Бу масалани ҳам яқинда ўргандик.

### 4. Бир покликда биттадан кўп билан бошқаси орасида ражъат қилмай, талоқ қилиш.

Яъни, бир поклик ичида ражъатсиз — хотинини қайта ўзига олмай туриб, қайта талоқ қилиш ҳам бидъий талоқдир.

**Агар ҳайз ичида талоқ қилган бўлса, ражъат қилади. Аёл пок бўлганидан сўнг хоҳласа, талоқ қилади.**

Ибн Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар розияллоҳу анҳуга: «Унга буюр. Унга (аёлига) қайтсин. Сўнгра уни ўзи билан тутсин», — деганлар.

Ҳадиснинг давомида «Токи (ҳайздан) пок бўлиб, сўнгра яна бир ҳайз кўриб, пок бўлганидан кейин, агар хоҳласа, ўзи билан олиб қолсин, хоҳласа, яқинлик қилмай туриб, талоқ қилсин», дейилган.

**Ҳур аёлнинг талоғи учтадир.**

## БОИН ТАЛОҚ

**Боин (очиқ-ойдин) талоқ фақат талоққа ишлатилиб, ундан бошқага ишлатилмайдиган, «Сен талоқ бўлгувчисан», «Талоқ қилингансан», «Сени талоқ қилдим» каби лафзлар билан бўлганидир.**

Бу каби лафзларни талоқдан бошқа маънога мутлақо буриб бўлмайди. Бундай лафзлар ишлатилганда ниятга ҳожат ҳам қолмайди.

**Бу билан бир ражъий талоқ тушади.**

Бирор нарсани ният қилганми, қилмаганми, бирдан кўпними ёки боин талоқни ният қилганми, барибир.

Бундай талоқнинг ражъий бўлиши Аллоҳ таолонинг «Бақара» сурасидаги «Талоқ икки мартадир. Сўнгра яхшиликча ушлаб қолиш ёки яхшиликча қўйиб юбориш» деган оятдан олинган. Талоқдан кейин ушлаб қолиш мумкин бўлса, у талоқ ражъий бўлади. Яъни янгидан никоҳ қилмасдан қайта ярашиб олса, бўлаверади.



Очиқ-ойдин талоқда икки ёки уч талоқнинг нияти ўтмаслигига биз юқорида баён этган Ибн Умарнинг хотинини талоқ қилгани ҳақидаги ҳадис далил бўлади. Зеро, у ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ибн Умарни ражъат қилишга тўғридан-тўғри амр этдилар. У кишининг ниятини сўраб ҳам ўтирмадилар.

**Талоқни аёлнинг бутунига ёки «бошинг», «бўйнинг», «руҳинг», «юзинг», «фаржинг» каби бутунликни ифода қиладиган нарсаларга ёхуд «ярминг»га ўхшаш катта бўлакка изофа қилса, тўғри бўлади.**

Яъни, «сен талоқсан» деса, талоқни аёлнинг бутунига изофа қилган бўлади. «Бошинг талоқ», «бўйнинг талоқ», «руҳинг талоқ», «юзинг талоқ», «фаржинг талоқ» каби ибораларда бутунликни ифода қиладиган нарсаларга изофа қилган бўлади. Бу икки ҳолатда ҳам талоқ тушади.

«Ярим», «учдан бир», «чорак», «юздан биринг» каби ибораларни ишлатганда ҳам талоқ тушади. Чунки аёл киши талоққа нисбатан жузларга бўлинмайди.

**Қўлга, оёққа, орқага ва қоринга изофа қилиб бўлмайди.**

Ушбу ибораларни ишлатиб, «қўлиниг», «оёғинг», «орқанг» ёки «қорнинг талоқ» деса, талоқ тушмайди.

**Талоқнинг баъзиси ҳам талоқдир.**

Яъни, «яримта», «учдан бир», «чорак талоқ қўйдим», деганда бир талоқ тушади. Чунки бўлинмайдиган нарсанинг баъзисини зикр қилиш ҳаммасини зикр қилиш билан баробардир.

**«Иккига икки»да икки талоқ тушади. Бунда «билан»ни ният қилган бўлса, у ҳам ўтади.**

Яъни, «сени иккига икки талоқ қўйдим» деса, кўпайтиришни ният қилган бўлса ҳам, бўлишни ният қилган бўлса ҳам, икки талоқ тушади. Бунда «икки билан икки талоқ қўйдим» деган ниятни қилган бўлса ҳам, ўтади ва хотин уч талоқ бўлади.

**«Ғоят»нинг бошланиши талоққа киради, тугаши эмас.**

Бу ерда «ғоят»дан мурод талоқнинг нечталигини билдирувчи ўлчовдир. Мисол учун, «сен бирдан ик-

кигача талоқсан» деса, бир талоқ тушади. «Сен бирдан учгача талоқсан» деганда икки талоқ тушади.

**«Сен Маккада талоқсан»да дарҳол тушади. «Маккага кирганинда талоқсан»да боғланиб қолади.**

Биринчи ҳолатда дарҳол талоқ тушиши талоқни маконга боғлаб бўлмаслигидандир. Шунинг учун Маккани зикр қилишига қарамай, ўзи қаерда бўлишидан қатъи назар, дарҳол талоқ тушади.

Иккинчи ҳолатда талоқни маконга эмас, амалга боғлаб қўйилди. Шунинг учун амал бажарилса, яъни қачон Маккага кирса, ўшанда талоқ тушади.

**«Сен эртага талоқсан» ёки «Эрта ичида талоқсан» деса, тонг отиши пайтида талоқ тушади. Илло, иккинчисида Асрни ният қилиш дуруст.**

Талоқни замонга боғлаганда ўша замоннинг дастлабки лаҳзасида талоқ тушади. «Эрта ичида талоқсан», деган одам «Мен Аср пайтини ният қилган эдим» деса, гапи қабул қилинади.

**«Сен кеча талоқсан» деса, дарҳол талоқ тушади. Бу гапдан кейин никоҳига олса, гапи беҳуда бўлиб қолади.**

Чунки никоҳга эга бўлмай туриб, талоқ қилиб бўлмайди.

**Агар «Сени талоқ қилмасам ҳам, талоқсан» деса, умрининг охирида талоқ тушади. Қачонки «Сени талоқ қилмасам» деса ва жим қолса, дарҳол тушади.**

Икковларидан қай бири олдин ўлса ҳам, фарқи йўқ. Чунки бу ҳолатда талоқ қилмасликни шарт қилди ва бу ҳолат ҳаётдан умиди қолмаганда юзага келади.

**«Қачон» деган бўлса, нияти сўралади. Ният қилмаган бўлса, «агар» сўзи каби Абу Ҳанифанинг айтгани бўлади.**

«Қачон сени талоқ қилмасам, талоқсан» деса, нияти сўралади. Агар «вақтни ният қилган эдим» деса, дарҳол талоқ тушади. Агар «шартни ният қилган эдим» деса, умрининг охирида тушади. Агар ҳеч нарса ният қилмаган бўлса, Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳи аввалги масалада айтганларидек, фақат умрининг охирида тушади.



**«Кун» сўзи «Зайд келган куни сенинг ишинг ўз қўлингда» каби чўзиладиган иш ила бўлса, наҳорни, «Зайд келган куни талоқсан» каби чўзилмайдиган ишни ифода қиладиган бўлса, мутлақ вақтни ифода қилади.**

Араб тилидаги «ал-явм» сўзи бизнинг тилимиздаги «кун» маъносини ифода қилади ва тонг отгандан қуёш ботгунча бўлган муддатни билдиради. Лекин шу билан бирга, жумлада ўзи билан келадиган ибораларнинг маъносига қўшилганда турли муддатларни ифода қилиши бор.

Мисол учун, бир киши ўз хотинига «Зайд келган куни сенинг ишинг ўз қўлингда» деса, бутун наҳорни ифода қилади. Чунки «кун» лафзига қўшилиб келган ибора чўзиладиган ишни ифода қилади.

Биров ўзи билан бирга яшаш ёки яшамаслик ихтиёрини хотинига бермоқда. «Зайд келган куни ихтиёринг ўзингда бўлади. Бирга яшашни ихтиёр қилсанг, мен билан яшайверасан. Ажралишни ихтиёр қилсанг, ажрашган бўламиз» деган гапни айтди. Бундай ҳолда хотин Зайд келган куни кечгача ихтиёр қилиш ҳуқуқига эга. Чунки бу жумладаги «кун» сўзи наҳорнинг аввалидан охиригача бўлган муддатни ифода қилган.

Аммо, эр ўз хотинига «Зайд келган куни талоқсан» каби чўзилмайдиган ишни ифода қиладиган гапни айтган бўлса, «кун» сўзи мутлақ вақтни ифода қилади ва Зайд келиши билан дарҳол талоқ тушади.

**Духул қилинмаган хотинга «сен уч талоқсан» деса, айтгани тушади.**

Уламолар жумҳури, жумладан, тўрт мазҳаб фуқаҳолари ҳам: «Бир лафз билан айтилган «уч талоқ» уч талоқ ҳисобланади. Бундай ҳолда эр-хотин ажрашади, қайта ярашиш имконига эга бўлмайдилар», дейишган.

Баъзи саҳоба ва тобеъинлар, шунингдек, Ҳанбалий мазҳабининг баъзи уламолари: «Бир лафз билан қилинган «уч талоқ»да бир талоқ тушади», деганлар.

Далил ва ҳужжатларни солиштириб, тадқиқ қилган уламоларнинг кўпчилиги жумҳур ва тўрт мазҳабнинг қавли кучли эканига ишонч ҳосил қилганлар.

Жумхур, жумладан, Ҳанафий мазҳаби бир лафз билан айтилган уч талоқ учта тушишига кўплаб далилларни келтирганлар. Уларни мисол тарийқасида қисқача баён қиламиз.

1. Қуръони Каримда талоқ ҳақида келган оятларда бир лафз билан айтилган уч талоқнинг учта тушишига ишора бор.

2. Уваймир ал-Ажалоний хотини билан мулоъана қилганидан кейин уч талоқ қўйган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг бу ишини инкор қилмаганлар.

3. Мусулмон уммати бир лафз билан айтилган уч талоқ учта тушишига қадимдан ижмоъ қилиб келган.

4. Катта саҳобалардан кўпчилиги ўзларига шу масалада савол тушганда уч талоқ тушиши ҳақида фатво берганлар.

5. Қиёс қилинадиган бўлса, талоқ ҳам мулк ҳисобланада ва унинг эгаси хоҳлаганича тасарруф қилади.

Шундай бўлса ҳам, кейинги пайтларда бу масалада заиф қавлга амал қилишга ўтган томонлар бор. Бу ишни маъқуллаганлар: «Зарурат юзасидан, расмий равишда заиф қавл қабул қилинса, ўшанга амал қилинса, бўлаверади», дейишади.

**Атф (боғловчи) билан айтганда биринчиси билан аёлга бир боин талоқ тушган бўлади.**

Яъни, эр ўзи духул қилмаган хотинига: «сен талоқсан ва талоқсан ва талоқсан» деса ёки «талоқ, талоқ, талоқ» деса, биринчи талоқни айтиши билан боин талоқ тушиб қолади-да, кейинги талоқлар беҳуда гапга айланади.

**Агар таълиқ (талоқни бирор нарсага боғлиқ) қилиб, шартни олдин айтган бўлса ҳам, худди шундай бўлади.**

Яъни, эр ўзи духул қилмаган хотинига: «агар фалончининг уйига кирсанг, сен талоқсан ва талоқсан ва талоқсан» деса ёки «талоқ, талоқ, талоқ» деса, биринчи талоқни айтиши билан боин талоқ тушиб қолади-да, кейинги талоқлар беҳуда гапга айланади.



Агар шартни кейин айтган бўлса, ҳаммаси тушади.

Яъни, эр ўзи духул қилмаган хотинига: «сен талоқсан ва талоқсан ва талоқсан, агар фалончининг уйига кирсанг», деса ёки «талоқ, талоқ, талоқ» деса, уч талоқ тушади.

«Сен биттадан олдин битта ёки ундан кейин битта талоқсан» деса, яқинлик қилилмаган аёлга битта, яқинлик қилинган аёлга иккита талоқ тушади.

Чунки жинсий яқинлик қилинмай туриб, талоқ қилинган аёлга тушган талоқ боин бўлади. Боин талоқдан кейин талоқ тушиш имкони йўқолади. Шунинг учун аввалгиси тушгани билан кейингиси тушмайди.

Аммо, жинсий яқинлик қилинган аёлга тушган талоқ ражъий бўлади ва ражъий талоқ қилинган аёлни яна талоқ қилиш имкони бўлади. Шунинг учун шарҳ қилинаётган жумладаги каби ибораларда унга икки талоқ тушади.

**«Ундан олдин битта», «кейин», «у билан бирга» ва «бирга»лардан икки талоқ тушади.**

Бу ҳолатларда аёл духул қилинганми, қилилмаганми, фарқи йўқ бўлади. Агар киши ўзининг духул қилинган ёки қилилмаган хотинига: «сен бир талоқсан, ундан олдин битта», «сен бир талоқсан, кейин битта», «сен бир талоқсан, у билан бирга битта», «сен талоқсан, бир талоқ билан бирга» деган гапларни айтса, хотинига икки талоқ тушган бўлади. Араб тилида ушбу таркиблар билан айтилган сўзлар икки талоқ тушиши маъносидан бошқа маънони англатмайди.

**Агар бармоқлари билан ишора қилса, ёзилганлари эътиборга олинади. Бармоқларининг орти билан ишора қилса, юмилганлари эътиборга олинади.**

Агар талоқ қилган эр унинг ададига қўлининг панжалари билан ишора қилса, кафтининг ич тарафини хотинга қаратган бўлса, ёзилган бармоқлар адади эътиборга олинади. Мабодо қозига: «Мен ишора қилганимда юмилган бармоқлар ададини ният қилган эдим», деса, сўзи қабул қилинмайди.

Талоқ қилган эр унинг ададига қўлининг панжалари билан ишора қилганда кафтининг ташқи тарафи-

ни хотинга қаратган бўлса, юмилган бармоқлар адади эътиборга олинади. Мабодо қозининг олдида: «Мен ишора қилганимда ёзилган бармоқлар ададини ният қилган эдим», деса, сўзи қабул қилинмайди.

**Агар талоқни шиддат, узунлик ёки кенглик билан васф қилса ёхуд уни шуларга далолат қилувчи нарсаларга ўхшатса, учни ният қилган бўлса — ўша, бўлмаса, бир боин талоқ тушади.**

Агар эр хотинига: «Сени шиддатли, қаттиқ, энг катта, энг узун, энг кенг талоқ қўйдим» деса, ёки «Тоғдек, минг талоқ, қум талоқ қўйдим» каби лафзларни айтса, унинг нияти сўралади. Агар: «Уч талоқни ният қилган эдим», деса, уч талоқ тушади. Икки талоқ ёки бир талоқни ният қилган бўлса, бир талоқ тушади. Бу ҳолатда икки талоқ тушиши мумкин эмас.

## КИНОЯЛИ ТАЛОҚ

**Кинояли талоқ унинг ва ундан бошқа нарсанинг эҳтимоли бор нарсадир.**

Бунда талоқни ҳам, бошқа маънони ҳам англатадиган лафз хотинига нисбат бериб ишлатилади.

**«Бас», «чиқ», «кет», «тур» кабиларда жавоб эҳтимоли бор.**

Яъни, хотиннинг саволига жавоб эҳтимоли бор.

**«Холисан», «бегонасан», «ажрагансан», «кесилгансан» ва «ҳаромсан»га ўхшашларда сўкиш эҳтимоли бор.**

Яъни «яхшилиқдан холисан», «тоатдан бегонасан», «тўғри йўлдан ажрагансан», «яхши ахлоқдан кесилгансан», «суҳбатга ҳаромсан» кабилар бўлиши мумкин.

**«Сана», «Бачадонингни тозалигини бил», «Сен биттасан», «Сен ҳурсан», «Ихтиёрингни қилавер», «Ишинг ўзингнинг қўлингда», «Йўлингни очиб қўйдим» ва «Сендан ажрадим» кабиларда иккисининг ҳам эҳтимоли йўқ.**

Яъни жавобнинг ҳам, сўкишининг ҳам эҳтимоли йўқ. Бунга ўхшаш лафзларда талоқнинг ҳам ёки бошқа нарсанинг ҳам маъноси бўлиши мумкин.



Масалаи, «санайвер», деганда «Аллоҳ таолонинг сенга берган неъматларини сана», деган бўлиши ҳам ёки «Талоқсан, иддаини сана», деган бўлиши ҳам мумкин.

Шунингдек, «Бачадонингнинг тозалигини бил»да «Агар тоза бўлса, талоқ қилмоқчиман», маъноси бўлиши ёки «Сени талоқ қилдим, энди бачадонингнинг тозалигини билгин» деган маъно ҳам бўлиши мумкин.

«Сен биттасан», деганда «Сен биттасан, сендан бошқа йўқ», деган бўлиши ҳам мумкин ёки «Сен битта талоқсан», деган бўлиши ҳам мумкин.

«Сен ҳурсан», деганда «Сен чўриликдан озодсан», деган бўлиши ҳам ёки «Сен пиқоқ боғланишидан озодсан», деган маънода гапирган бўлиши ҳам мумкин.

«Ихтиёрингни қилавер», деганда «Хоҳлаган ишингни қилавер», деган бўлиши ҳам ёки «талоқда ихтиёрингни қилавер», деган бўлиши ҳам эҳтимол.

«Ишинг ўзининг қўлингда», деганда «Билган ишингни қилавер», деган бўлиши ҳам ёки «Талоқ иши сенинг қўлингда, хоҳласанг, ўзингни ўзинг талоқ қилавер», деган бўлиши ҳам эҳтимол.

«Йўлингни очиб қўйдим» ва «Сендан ажрадим», деганда маъно ойдин.

**Бас, ризоликда ҳаммаси ниятга боғлиқ бўлади. Ҳабада аввалги икки қисмда ва талоқ музокараси бўлиб турганда биринчи қисмда ниятга қараб бўлади.**

Мазкур матилардан киноя лафзлари уч қисмга бўлиниши билинади:

1. Хотиннинг талоқ ҳақидаги саволига жавобнинг эҳтимоли бор лафзлар.

2. Сўкиш эҳтимоли бор лафзлар.

3. Мазкур икки маънодан бошқа маъноларнинг эҳтимоли бор лафзлар.

Шунингдек, киноя лафзларининг айтиладиган ҳолатлари ҳам уч хил бўлади:

1. Розилик ҳолати.

2. Ҳабаб ҳолати.

3. Талоқнинг музокараси бўлиб турган ҳолат.



Агар киноя лафзларининг уч тури ҳам розилик ҳолатида, ғазаб ёки талоқ тўғрисида гап-сўз бўлмай туриб, айтилган бўлса, талоқ тушмайди. Аммо, эр «Мен бу гапни талоқ нияти билан айтдим» деса, талоқ тушади.

Агар ғазаб, уриш-жанжал ҳолати бўлса, биринчи ва иккинчи қисмдаги лафзлар билан дарҳол талоқ тушмайди, балки эрнинг ниятига боғлиқ бўлади. Талоқни ният қилган бўлса, тушади, бўлмаса, йўқ.

Аммо, ғазаб ҳолатида «Санайвер», каби саволга радни ёки сўкишдан бошқа маънони ифода қиладиган лафзларни айтганда талоқ тушади. Мазкур лафзларни ғазаб устида айтган эр кейинчалик «Мен талоқни ният қилмаган эдим» деса, гапни қабул қилинмайди.

Эр-хотин орасида талоқ масаласи ўзаро баҳс қилиниб турганда эр мазкур уч хил лафзлардан бирини айтса, биринчи тоифадаги лафзларда ниятига боғлиқ бўлади. Қолган иккисида тўғридан-тўғри талоқ тушаверади.

**Бас, агар учтани ният қилган бўлса, улар тушади. Ундан бошқа ҳолатда бир боин талоқ тушади.**

Киноя лафзларини айтган киши уларни айтаётган пайтида уч талоқни ният қилган бўлса, уч талоқ тушади. Аммо, ҳеч нарсани ният қилмаган, бир ёки икки талоқни ният қилган бўлса, бир боин талоқ тушади.

**«Идда сана», «Бачадонингнинг тозалигини бил», «Сен битгасан»ларда бир ражъий талоқ тушади.**

**Байнунат ва ҳурматни эрга нисбат бериш билан ҳам боин талоқ тушади. Эрга талоқ нисбатини бериш билан тушмайди.**

Эр хотинига «Мен сенга боинман» ёки «мен сенга ҳаромман» деса ва талоқни ният қилса, талоқ тушади. Аммо «Мен сенга талоқман» деса, тушмайди. Чунки талоқни эрга нисбат бериб бўлмайди. Уни фақат аёлга нисбат берилади.



## ТАЛОҚНИ ТАФВИЙЗ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

«Тафвийз қилиш» дегани бошқага топшириш маъносини аниқлатади. Эрнинг хотинини талоқ қилишни ўзидан бошқага топшириши «талоқни тафвийз қилиш» дейилади.

**Хотиннинг талори ўзига топширилганда уни билиш мажлисига боғлиқ бўлади.**

Мисол учун, эр ўз хотинига: «Ўзингни ўзинг талоқ қил» деса, аёл ўша гапни эшитган мажлисидан (ўтирган жойидан) қўзғалмасдан туриб: «Ўзимни талоқ қилдим» деса, талоқ тушади. Аммо, ўша ердан туриб кетса, бошқа ишга киришиб кетса, ўзини ўзи талоқ қилиш ихтиёри қўлидан чиқади ва кейин ўзини ўзи талоқ қилса, тушмайди.

**Илло, «Ҳар хоҳлаганингда», «Вақтики хоҳлаганингда» ва «Қачонки хоҳлаганингда» деса, «Агар хоҳласанг»га хилоф ўлароқ, ундай бўлмайди.**

Ўрни аёлнинг ихтиёри мажлисга боғлиқ бўлмайди, чунки бу лафзлар вақт учун умумийдир. Буларда «ўзингни қай вақт хоҳласанг, талоқ қилавер» деган маъно бор. «Агар хоҳласанг»да эса умумий вақтга далолат қилмаганлиги учун аёлнинг талоқ қилиш ихтиёри хабар унга етгандаги мажлисига боғлиқ бўлади.

**Ва эр тафвийздан қайтмайди.**

Ўрни, талоқ қилиш ҳаққини хотини ихтиёрига бериб қўйган эр ўша гапидан қайтиши мумкин эмас. Чунки тафвийз қасам билан баробардир. Қасам бажарилиши шарт нарса бўлганлиги учун ундан қайтиб бўлмайди.

**Агар аёлдан ўзгага тафвийз қилса, мажлисга боғлиқ бўлмайди ва қайтиши мумкин.**

Ўрни, эр ўз хотинини талоқ қилишни хотиндан ўзга кишига топширган бўлса, мазкур шахс хоҳлаган пайтида талоқ қилаверади. Унинг талоқ қилиш ҳаққи бу ҳақдаги хабарни эшитганидаги мажлисда бўлиши шарт эмас. Мазкур мажлисдами ёки ундан кейинми, хоҳлаган вақтида талоқ қилса, бўлаверади. Чунки бундай шахс вакил бўлиб қолади. Вакилнинг эса, амрни ўзи истаган вақтда бажаришга ҳаққи бор.

Шу билан бирга, эр гапини қайтариб олса ҳам бўлади. Чунки бу ҳолатда у бировни ўз фойдаси учун иш қилишга вакил қилди. Ишни хоҳламай қолганида уни қилиш топшириқ берган одам учун зарар келтиради. Фойдани кўзлаган нарсада зарар кўриш эса, мумкин эмас.

**Мажлис туриш, кетиш, ўтган мавзуга оид бўлмаган гап ёки ишга киришиб кетиш билан ўзгаради.**

Дейлик, эр ўзи билан ўтирган хотинига: «Талоқ ихтиёрини ўзингга топширдим», деди. Шунда хотин ўша заҳоти: «Мен ўзимни фалон талоқ қилдим», деса, ўша талоқ тушади. Аммо, эрнинг гапидан кейин у индамай ўрнидан туриб кетса, талоқ қилиш ҳаққидан маҳрум бўлади. Чунки у ўрнидан туриши билан мажлис ўзгарди.

Эр юриб кетаётган хотинини тўхтатиб, унга: «Талоқ ихтиёрини ўзингга топширдим» деди. Шунда хотин ўша заҳоти: «Мен ўзимни фалон талоқ қилдим», деса, ўша талоқ тушади. Аммо, эрнинг гапидан кейин у индамай юриб кетса, талоқ қилиш ҳаққидан маҳрум бўлади. Чунки унинг юриши билан мажлис ўзгарди.

Дейлик, эр ўзи билан ўтирган хотинига: «Талоқ ихтиёрини ўзингга топширдим», деди. Шунда хотин ўша заҳоти: «Мен ўзимни фалон талоқ қилдим», деса, ўша талоқ тушади. Аммо эрнинг гапидан кейин у индамай талоқдан бошқа мавзудаги гапни гапириб ёки ишни қилиб кетса, талоқ қилиш ҳаққидан маҳрум бўлади. Чунки унинг талоқдан бошқа мавзудаги гапни гапириши ёки ишни қилиши билан мажлис ўзгарди.

**Аёлнинг кемаси уйига ўхшайди. Уловининг юриши эса ўзининг юришига ўхшайди.**

Кемада кетаётган аёлга эри унинг талоғини ўзига тафвийз қилгани ҳақида хабар етса, кема унинг учун уй ўрнида бўлади. «Гапни эшитганингдан кейин кема юрди, энди сенинг мажлиснинг ўзгарди ва талоқни ихтиёр қилиш ҳаққинг тугади», дейиш мумкин эмас. Чунки кема аёлнинг ихтиёрисиз юради. Агар талоқнинг тафвийзи ҳақидаги хабар аёлга у улов устида турганида етса ва улови юриб кетса, ўзи юриб



кетгани билан баробар бўлади ва мажлис ўзгарган, деб эътибор қилинади. Чунки улов унинг устидаги шахснинг қистови билан юради.

**Тафвийз нияти ила «Ихтиёр қил», деганда «Ихтиёр қилдим», деса, фақат бир боин талоқ тушади.**

«Ихтиёр» сўзини ишлатиш билан хотинга талоқ қилишни тафвийз қилишда «нафс», яъни «ўзинг» ёки «ўзим» сўзи икки тарафдан бири томонидан ишлатилиши шартдир. Ёки «ихтиёр» сўзига талоққа ишорат қилувчи қўшимча ҳам қўшилиши шарт бўлар экан.

**Агар эр ўшани уч марта такрорласа ва хотин улардан бирини ихтиёр қилса, уч талоқ бўлади. Агар хотин: «Ўзимни бир талоқ қилдим ёки ўзимга бир талоқни ихтиёр қилдим», деса, бир боин талоқ бўлади.**

Яъни эр ўз хотинига: «Ихтиёр қил, ихтиёр қил, ихтиёр қил» деса ва аёл: «Аввалгисини ихтиёр қилдим» ёки «Ўртасини ихтиёр қилдим» ёхуд «Охиргисини ихтиёр қилдим», деса ҳам уч талоқ тушаверади. Аммо хотин ихтиёрга талоқ лафзини қўшса, бир талоқ тушади.

**Агар эр тафвийз ниятида «Ишинг ўз қўлингда», деса ва хотин ўзини талоқ қилса, боин талоқ тушади. Агар эр учни ният қилган бўлса, ҳаммаси тушади. «Бир талоқда ишинг ўзингнинг қўлингда», деганда ёки «Бир талоқни ихтиёр қил», деганда аёл ихтиёр қилса, ражъий талоқ тушади.**

**«Бугун ва эртага ишинг ўз қўлингда», деганда кечаси ҳам киради.**

Яъни, хотиннинг ихтиёр ҳаққи ўша кундан бошлаб, кечаси ҳам ва эртасига қуёш ботгунгача ҳам давом этади.

**Агар иш кундузи қайтарилса, ундан кейинга қолмайди.**

Яъни, эр талоқни хотинга тафвийз қилгандан сўнг ўша куни ихтиёр ҳаққини қайтарса, ўша вақтдан бошлаб, хотиннинг ихтиёр ҳаққи қолмайди.

**Агар эр «Бугун ва индинга», деса, собиқ икки ҳукм алмашади.**

Яъни, бу масалада кечаси ихтиёр ҳаққи бўлмайди ва хотин ихтиёр ҳаққини қайтарганда индинга ихтиёр ҳаққи қолади.

**«Ўзингни талоқ қил» деганда, агар уч талоқни ният қилган бўлса, улар тушади ва бошқа ҳолатларда бир ражъий талоқ бўлади.**

Яъни, эр хотинига: «Ўзингни талоқ қил», деганда ҳеч нарсани ният қилмаган, бир ёки икки талоқни ният қилган бўлса, бир ражъий талоқ тушади.

**«Талоқ қил – учта», деганда бир талоқ тушади ва аксинча бўлганда тушмайди.**

Яъни, эр хотинига «Ўзингни уч талоқ қил», деганда хотин: «Ўзимни бир талоқ қилдим», деса, бир талоқ тушади. Эр хотинига: «Ўзингни бир талоқ қил», деганда хотин: «Ўзимни уч талоқ қилдим», деса, ҳеч қандай талоқ тушмайди.

Агар эр боин ёки ражъийга буюрса-ю, аёл аксини қилса, эрнинг ирода қилгани тушади.

Эр хотинига: «Ўзингни боин талоқ қил», деганда агар хотин: «Ражъий талоқ қилдим», деса, боин талоқ тушади. Агар эр хотинига: «Ўзингни ражъий талоқ қил», деганида хотин: «Боин талоқ қилдим», деса, ражъий талоқ тушади. Чунки талоқ, асосан, эрнинг ҳаққи.

**«Агар хоҳласанг, талоқсан», деганда хоҳиш бевосита ўтадиган бўлиши ёки борлиги билинган нарсага боғланган бўлиши шарт.**

Яъни, эр талоқни хотиннинг хоҳишига қўйиб, «Агар хоҳласанг, талоқсан», деганда хотин хоҳишини бирор нарсага боғлиқ қилмасдан, «Хоҳладим», демоғи шарт. Ёки «Агар хоҳласанг», деганда хотин «Кеча ёки осмон тепамизда бўлганда хоҳладим» каби воқеъликда мавжуд нарсага боғлаган бўлиши шарт.

**Аммо хотин «Агар сен хоҳласанг, мен ҳам хоҳлайман», деганида эр «Мен хоҳлайман», дейиши каби ҳали борлиги билинмаган нарсада шарт йўқ.**

Бундай ҳолатда тўғридан-тўғри талоқ тушаверади.

**«Ҳар хоҳлаганингда», деганида аёл тарқоқ ҳолда уч талоқ қилади. Ҳалол қилинганидан кейин қила олмайди.**



Яъни эр аёлига: «Ҳар хоҳлаганингда талоқсан», деса, аёл ўзини бирданига уч талоқ қила олмайди. Чунки «Ҳар хоҳлаганингда» иборасининг маъноси шуни тақозо қилади. Аммо, аёл уч талоқ бўлиб, бошқа эрга тегиб, у эр ўлганидан ёки қўйворганидан кейин иддаси чиқиб, қайтиб биринчи эрига тегса, аввалги «Ҳар хоҳлаганингда» деган гапнинг кучи қолмайди.

**«Қандай хоҳласанг», деганида агар аёл ният қилса ва унинг нияти эрнинг ниятига хилоф бўлмаса, бир ёки уч боин талоқ тушади. Акс ҳолда, бир ражъий талоқ тушади.**

Яъни эр хотинига: «Сен қандай хоҳласанг, шуңдай талоқсан», деганида аёл бир талоқни ният қилса ва унинг нияти эрнинг ниятига тўғри келса, бир боин талоқ тушади. Уч талоқни ният қилса, уч талоқ тушади. Мазкур гапдан кейин хотиннинг нияти бўлмаса ёки эрнинг ниятига хилоф ниятни қилган бўлса, бир ражъий талоқ тушади.

**«Учтадан хоҳлаганингни қўявер», деганида ундан ози тушади.**

Яъни икки ёки бир талоқ бўлиши мумкин. Уч талоқ бўлмайди.

## ТАЪЛИЙҚ ҲАҚИДА

«Таълийқ» сўзи «илиш» ва «боғлаш» маъноларини англатади. Талоқни бирор нарсага боғлаб қўйиш «талоқни таълийқ қилиш» ёки «муаълақ талоқ» дейилади.

Бунда талоқ келажакда бирор ишнинг содир бўлишига боғланган бўлади. Мазкур боғлаш «агар», «қачонки», «вақтики» каби шартни ифода қилувчи лафзлар билан бўлади.

Талоқ боғланган иш ихтиёрий иш бўлиб, у эрга нисбат берилган бўлиши мумкин. Мисол учун, «Агар фалон ишни қилсам, хотиним талоқ бўлсин» каби.

Ихтиёрий иш хотинга боғланган бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун, «Агар фалон ишни қилсанг, талоқсан» каби.

Ёки ихтиёрий иш учинчи шахсга боғланган бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун, «Агар отанг фалон гаши айтса, талоқсан» каби.

Талоқ боғланган иш ғайри ихтиёрий бўлиши ҳам мумкин. Қуёш чиқиши, бировнинг ўлиши, ойнинг бошланиши каби.

Мазкур ҳолатларнинг барчасида боғланган иш содир бўлиши билан талоқ тушади.

Талоқни мазкур сифатда бирор нарсага боғлиқ қилиб қўйиш «таълийқ» дейилади.

**Таълийқнинг тўғри бўлиш шarti – у мулкка ёки унга нисбат берилган нарсага қилинган бўлиши керак.**

Яъни, талоқни таълийқ қилиш учун никоҳ мулкига (ҳуқуқига) эга бўлиш шарт. Ўз никоҳида бўлмаган аёлни талоқ қила олмаганидек, унинг талоғини таълийқ ҳам қила олмайди.

Шунингдек, таълийқнинг тўғри бўлиши учун мулкка нисбат берилган нарса бўлиши лозим. Мисол учун, «Сени никоҳимга олсам, талоқсан» каби. Шунда ҳалиги аёлни никоҳига олса, талоқ тушади.

**Унинг лафзлари «агар», «қачон», «қачондир», «вақтики», «вақтидирки», «ҳар бир», «ҳар доимки»дир.**

Ушбу лафзларнинг арабчаси талоқни таълийқ қилишда кўпроқ ишлатилгани учун фуқаҳолар кўпроқ улар ҳақида баҳс юритадилар.

**Мулкнинг зоил бўлиши таълийқни ботил қилмайди.**

Яъни, талоқни бир нарсага боғлаганидан кейин бир муддат никоҳ мулки эрнинг қўлидан чиқиши билан таълийқнинг кучи кетиб қолмайди. Мисол учун, бир киши ўз хотинига: «Фалончиникига кирсанг, талоқсан», деди. Сўнгра хотин ўша ерга кирмасдан туриб, уни бир талоқ қилди. Шу билан ундан никоҳ мулки зоил бўлди. Аммо, дарҳол ражъат қилиб, хотинини ўзига қайтариб олди. У яна икки талоқ ҳаққи ила никоҳ мулкига эга бўлди. Шундан кейин хотин ҳалиги жойга кирса, талоқ тушади.



**«Ҳар доимки»дан бошқада шарт мулкда бир марта вужудга келса, таълийқ ечилиб, жазо лозим бўлади.**

Яъни, «ҳар доимки» деган таълийқ лафзидан бошқа лафзлар ила шарт қўйилса ва хотин эрнинг никоҳ мулкида турганида ўша шарт воқеъ бўлса, таълийқ тугайди ва унга белгиланган жазо лозим бўлади.

Мисол учун, бир киши ўз хотинига: «Агар фалончиникига кирсанг, талоқсан», деса ва хотини ўша ерга кирса, талоқ тушади ва таълийқ ечилади.

**Агар таълийқ мулкдан ташқарида вужудга келса, у ечилади ва жазо лозим бўлмайди.**

Эр ўз хотинига: «Агар фалончиникига кирсанг, талоқсан», деса ва хотини у ерга кирмай туриб, уни талоқ қилса, хотинининг иддаси чиқиб, эрнинг никоҳ мулкидан ташқарида туриб, ўша ерга кирса, таълийқ ечилади. Кейин эр уни қайта никоҳлаб олса, таълийқнинг кучи қолмаган бўлади ва хотин мазкур ерга кирса, бўлаверади.

Эр хотинига: «Агар фалончиникига кирсанг, уч талоқсан», деди. Бу мушкулдан қутулишнинг йўли қуйидагича: Эр хотинини бир талоқ қўяди. Иддаси чиққанидан кейин хотин ҳалиги жойга киради. Шу билан таълийқ ечилади. Кейин эр хотинини қайта никоҳлаб олади ва икки талоқ ҳаққи билан яшайверади.

**«Ҳар доимки»да уч талоқдан сўнг таълийқ ечилади ва бошқа эрдан ажрагандан кейин никоҳлаб олса, талоқ тушмайди. Илло, мазкур лафз «уйланиш» сўзига қўшилган бўлса, бундан мустасно.**

Эр хотинига: «Ҳар доимки сен фалончиникига кирсанг, талоқсан», деб айтди. Бу ҳолатда хотинга уч талоқ тушгунча таълийқнинг кучи тураверади. Хотин ўша жойга уч марта кирса, унга биттадан учта талоқ тушади. Шундан сўнггина таълийқ ечилади. Агар аёл бошқа эрга тегиб, ундан ўлим ёки талоқ орқали ажрашиб, иддаси чиққанидан кейин аввалги эрга қайта тегса ва мазкур ерга кирса, талоқ тушмайди.

Илло, эркак бир аёлга: «Ҳар доимки сенга уйланиш, талоқсан», деган бўлса, унга уйланиши билан талоқ тушаверади.



**Агар шартнинг вужудга келиши ҳақида ихтилоф қилиб қолсалар, эрнинг гапи ўтади. Аммо, аёлнинг хужжати бўлса, унинг гапи ўтади.**

Талоқ таълийқ қилинган шарт вужудга келгани ёки келмаганлиги ҳақида эр ва хотин ихтилоф қилиб қолдилар. Хотин: «Ўша шарт вужудга келди», демоқда, эр эса инкор қилмоқда. Шу пайт эр қасам ичса, қози унинг гапини қабул қилади. Чунки бундай ҳолатларда инкор қилувчининг гапи қасам ила қабул қилинади. Аммо, аёл ўз гапининг ҳақ эканига хужжат-далил келтирса, унинг гапи қабул бўлади.

**«Агар ҳайз кўрсанг, сен ҳам, фалончи ҳам талоқ» деганга ўхшаш фақат хотиндан бошқадан билиб бўлмайдиган шартда аёлнинг гапи фақат ўзи ҳақида қабул қилинади. Бас, уч кундан кейин ўша(уч кун)нинг аввалида талоқ тушганлиги ҳақида ҳукм қилинади».**

Яъни, аёл «Ҳайз кўрдим», деган хабарни айтса, ўзига талоқ тушади. Аммо, фалончига тушмайди.

«Агар тўлиқ бир ҳайз кўрсанг», деганда покланганидан кейин талоқ тушади. Чунки ҳайз кўрган аёл ундан пок бўлмагунича ҳайзи тўлиқ бўлмайди.

**«Агар битта ҳайз кўрсанг»да пок бўлган пайтда талоқ тушади.**

**«Агар бир кун рўза тутсанг»да «Агар рўза тутсанг»дагига хилоф ўлароқ, қуёш ботганда тушади.**

«Агар рўза тутсанг, талоқсан», деганда эса рўза тутишни бошлаши билан талоқ тушади.

**Агар эр ўрил бола туғилишига бир талоқни, қиз бола туғилишига икки талоқни таълийқ қилган бўлса, аёл иккисини туғса ва қай бири олдин туғилгани билинмай қолса, қозилик ҳукми бўйича бир, эҳтиёт учун икки талоқ бўлади. Идда иккинчи фарзанд туғилиши билан тугайди.**

Яъни, қози «Бир талоқ», деб ҳукм чиқараверади. Аммо, ўзлари гуноҳкор бўлиб қолмасликлари учун эҳтиёт сифатида икки талоқ деб ҳисоблайдилар.

**Агар икки нарсага таълийқ қилса ва уларнинг иккинчиси хотин унинг ихтиёрида турганда воқеъ бўлса, талоқ тушади.**



Эр хотинига: «Аҳмадга ва Тошматга гапирсанг, талоқсан», деб қўйган бўлса ва аёл иккисига гапирмаса, юраверадилар. Агар эр уни талоқ қилса ва иддаси чиққанидан кейин аёл Аҳмадга гапирса, талоқ тушмайди. Эр хотинни ўзига қайта никоҳлаб олганидан кейин аёл Тошматга гапирса, талоқ тушади. Чунки у эрнинг ихтиёрида туриб, гапирди.

**Танжийз таълийқни ботил қилади.** Агар таълийқ қилиб туриб, ундан кейин танжийз – бевосита талоқ қилса ва аёл бошқа эрга текканидан кейин яна унга қайтиб келса ҳамда шарт воқеъда содир бўлса, талоқ тушмайди.

Бир эр хотинига: «Фалон ишни қилсанг, уч талоқсан», деди. Кейин хотини ўша ишни қилмасдан аввал эри уни уч талоқ қўйиб юборди. Хотин бошқа эрга тегди. Ундан ажрашиб, яна аввалги эрига тегди. Кейин мазкур ишни қилди. Талоқ тушмайди. Чунки аввалги бевосита қилинган талоқ таълийқни ботил қилган бўлади.

**Агар гапига «иншааллоҳ»ни қўшса, у ботил бўлади.**

Яъни, «Фалон ишни қилсанг, иншааллоҳ, талоқсан» деса, гапи ботил бўлади ва аёл ўша ишни қилса, талоқ тушмайди.

Чунки Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссаломга «Иншааллоҳ, менинг сабр қилувчилардан эканимни топасан», деганлар ва сабр қилмаганлар.

## ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

Талоқ икки қисмга бўлинади: **ражъий талоқ** ва **боин талоқ**.

### 1. Ражъий талоқ.

Ҳақийқий духул – жинсий яқинликдан кейин, очиқ-ойдин лафз билан қилинган, турли сифатларни қўшмай, киноя лафзи билан қилинган ва ҳокимнинг ҳукми ила нафақа бермаслик ва ийло сабабидан қилинган бир ёки икки талоқ ражъий талоқ бўлади.

Бундай талоқдан кейин эр талоқ қилинган хотинини ўз никоҳига иддаси ичида, агар хотин рози бўлмаса

ҳам, қайтариб олиш ҳаққиға эга. Бунинг учун эр: «Хотинимни ўзимга қайтариб олдим», ёки «Хотинимни никоҳимда ушлаб қолдим», деса, кифоя қилади. Янгидан маҳр бериш, ақди никоҳ қилишнинг ҳожати йўқ.

Энг муҳим шарт шуки, қайтиш хотиннинг иддаси чиқмай туриб бўлиши керак. Агар идда чиққунча қайтмаса, талоқ боинга айланиб қолади. Унда янгидан ақди никоҳ қилиш зарур бўлади.

## 2. Боин талоқ.

Бу хилдаги талоқ иккига бўлинади:

а) Кичик боин.

б) Катта боин.

Кичик боин талоқ ақди никоҳдан кейин жинсий яқинлик қилмай туриб, киноя лафзларига шиддат, қаттиқ, катта каби сифатларни қўшиб қилинган, хотин томонидан берилган мол эвазига қилинган, қози томонидан ийло ва эрдаги нафақа бермасликдан бошқа айб, келишмовчилик каби сабабларга кўра қилинган бир ёки икки талоқдир. Шунингдек, идда чиққанидан кейин ражъий талоқ ҳам боин талоққа айланиб қолади.

Боин талоқдан кейин эр-хотин ажрашган ҳисобланади. Шунинг учун боин талоқ қилган эр ўша хотин билан бирга турмаслиги, бегона каби муомала қилиши керак бўлади. Бу талоқ бир ёки икки донга бўлса, эрнинг уч талоқ ҳаққи бир ёки икки ададга қисқаради. Кичик боин талоқдан кейин эр ёки хотин вафот этса, бир-биридан мерос ололмайдилар. Чунки ораларидаги никоҳ узилган бўлади.

Катта боин талоқ уч талоқдир. Бу талоқдан кейин никоҳ мулки тугайди, хотин эрга муваққат ҳаром бўлади. Уларнинг орасида иддадан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Хотин иддаси чиққанидан кейин бошқа эрга саҳиҳ никоҳ ила тегиб, улар тўлақонли эр-хотин бўлиб яшаб, иккинчи эр вафот этиб ёки талоқ қилиб, аёлнинг иддаси чиққанидан сўнг яна биринчи эрга ҳалол бўлади. Яна бирга яшашни хоҳласалар, янгидан никоҳланишлари мумкин.

Биров ичида: «Хотинимни талоқ қилдим» деса, талоқ тушмайди. Аммо, овоз чиқариб айтса, талоқ бў-

лади. Бир киши ўз хотинига: «Сен талоқсан», деса, талоқ тушади. Ундай «Нимага, нима пиятда бу гапни айтдинг?» деб сўраб ўтирилмайди.

Шунингдек, гапира олмайдиган одам ишора билан талоқ қилса ҳам, талоғи тушади.

Хат ёзиш йўли билан талоқ қилса ҳам, тушади.

Бировни хабарчи қилиб юбориб, ўша орқали талоқ хабарини етказса ҳам, талоқ тушади.

Шунинг учун бу нарсада жуда ҳам эҳтиёт бўлиш керак.

Ораларида никоҳ тўғри бўладиган шахслар ҳазиллашиб, ақди никоҳ қилсалар, никоҳ собит бўлади. Худди шунингдек, ҳазиллашиб қилинган талоқ ҳам тушади.

Хотинини бир ёки икки ражъий талоқ қилиб юрган одам идда ичида: «Сени ўзимга қайтариб олдим», деса, ражъат – қайтиш ҳам собит бўлади. Чунки бу ҳолларда ўзи билиб туриб, қасд қилиб айтган бўлади.

Ислом ҳаётга, хусусан, оилавий ҳаётга ўта жиддий билан қарайди. Эр-хотин орасидаги никоҳ алоқасини муқаддас алоқа сифатида кўради. Муқаддас нарсаларни ҳазил-ҳузулга айлантириш эса, мутлақо мумкин эмас. Ҳазил қиладиган бўлса, келиб-келиб энг муқаддас алоқаларнинг бири билан ҳазиллашадими? Бир аёлнинг бегона бир эркакка ҳалол бўлиши осон нарса эканми?

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида талоқ ҳукмини баён қилувчи оятлардан бирида: **«Аллоҳнинг оятларини ҳазил қилиб олманг»,** – деган.

Бундан никоҳ, талоқ масалалари Аллоҳ таолонинг ояти экани очиқ-ойдин кўриниб турибди. Ислом динида Аллоҳ таолонинг оятлари ҳазил, ўйин-кулги ҳолига тушиб қолишига мутлақо йўл қўйилмайди.

Мусулмон киши ҳаётга жиддий қарасин. Ўзининг оиласини ўзи ўйинчоқ қилиб қўймасин. Ўз хотини билан бўлган шаръий муносабатларини, икки бири-бирига ҳаром шахсни ҳалол қилган никоҳ алоқасини ўйинчоқ қилган одам ҳар қандай жазога лойиқ. Унинг ҳазиллашиб айтган сўзи ила талоқ тушиши ҳам жоиздир.

## РАЖЪАТ ҲАҚИДА

«Ражъат» бир ёки икки талоқ қилинган хотинни эр ўз ихтиёрига қайтариб олишидир.

**Ражъат идда ичида, аёл бош тортса ҳам, агар у энгил ёки овир боин талоқ бўлмаган бўлса, тўғри бўлади.**

Демак, ражъатнинг тўғри бўлиши учун қуйидаги бир неча шартлар мавжуд бўлиши керак экан:

1. Аёлнинг иддаси чиқмасидан аввал ражъат қилиш лозим.

2. Аёлнинг ражъатдан бош тортишининг эътибори йўқ. Чунки Аллоҳ таоло: **«Бунда эрлари уларни қайтариб олишда ҳақлироқдирлар»**, — деган.

3. Боин талоқ бўлмаслиги керак. Агар кичик (бир ёки икки) боин талоқ ёки катта боин (уч талоқ) бўлса, ражъат қилиб бўлмайди. Бундан фақат ражъий талоқ бўлгандагина ражъат қилиш мумкинлиги келиб чиқади.

Ражъат қай тарзда амалга оширилиши қуйидагича бўлади.

**Ражъат «Сени ўзимга қайтариб олдим», дейиш, унга жинсий яқинлик қилиш, шаҳват билан ушлаш ёки фаржига шаҳват билан қараш орқали бўлади.**

Бошқа уламолар бунга ўпинни ҳам қўшганлар. Бу амалларнинг барчаси эрнинг хотиндан ажраш фикридан қайтганининг далилидир. Шунинг учун ҳеч нарса қилмасдан, мазкур амаллардан бирини қилса ҳам, эр ўзининг ражъий талоқ қилинган хотинига ражъат қилган, яъни қайтган ҳисобланаверади.

**Ражъатга гувоҳ келтириш ва аёлни бундан хабардор қилиш мандубдир.**

Буида эр икки мусулмон кишига: «Гувоҳ бўлинглар, мен ўз хотинимга ражъат қилдим», — дейди.

**Агар ражъат қилмоқчи бўлмаса, унинг олдида аввал билдирмасдан туриб, кирмаслиги мандубдир.**

Яъни, талоқ қилинган хотин турган жойга уни талоқ қилган одам кирмоқчи бўлса-ю, аммо ражъат қилиш нияти бўлмаса, аввал хотинини хабардор қи-



либ туриб, кейин киради. Акс ҳолда, бехосдан кирса, хотиннинг ражъатга сабаб бўладиган бирор жойига кўзи тушиб қолса, ўзи хоҳламаган ҳолда ражъат содир бўлиш эҳтимоли бор. Шунинг учун йўталибми ёки бирор бошқа ишора биланми, ўзини кираётганини билдириб олиб, кейин кириши лозим.

**Ражъий талоқдан сўнг идда ўтирган аёл ўзига зебу зийнат бериб юради. Эр унга яқинлик қилишга ҳақли.**

Чунки ораларидаги никоҳ турган бўлади ва чиройли кўринса, эри ажралиш фикридан қайтиб, ражъат қилишига йўл очилиши мумкин. Ражъий талоқдан сўнг идда ўтирган аёлга эри индамай, яқинлик қилишга ҳақли ва ўша ишни қилса, ражъат содир бўлади ва яшаб кетаверишади.

Аммо, боин талоқдан кейин идда ўтирган аёлга, аввал никоҳни янгиламай туриб, яқинлик қилиб бўлмайди.

**Унинг ражъатига гувоҳ келтирмай туриб, эр уни сафарга олиб кета олмайди.**

Олдин ражъат қилиб ва унга гувоҳ келтирганидан сўнг ўзи билан бирга сафарга олиб кетса, бўлади.

**Аёлнинг иддасини, агар имкон бўлса, чиққани ва қолгани ҳақида ҳамда эрнинг иддада ражъат қилгани ҳақидаги гапини ёлғонга чиқариши қабул қилинади.**

Хотин киши талоқ қилинганидан кейин унинг иддаси чиққани ёки ҳали борлиги ҳақидаги ҳукмни чиқариш учун фақат унинг гапига қаралади. Чунки унинг ҳайз кўргани ёки кўрмаганини ва ундан пок бўлгани ёки бўлмаганини фақат аёлнинг ўзи билади.

Аммо, «Иддам чиқди», деса, бу нарсанинг имкони бор-йўқлиги текшириб кўрилади. Унинг ёлғон гапириб, мuddатидан олдин «Иддам чиқди» дейишининг олди олинади. Талоқ қилинганидан бошлаб, неча кун ўтгани санаб чиқилади. Агар чиндан ҳам керакли мuddат ўтган бўлса, гапи қабул қилинади.

Шунингдек, эр «Идданинг ичида ражъат қилган эдим», деган даъвони қилса, хотиннинг бу гапни тасдиқлашга ёки ёлғонга чиқаришга ҳаққи бор.

**Ҳур аёл уч талоқдан, чўри икки талоқдан кейин уни талоқ қилувчига ҳалол бўлмайди. Фақат унга балоғатга етган ёки ўсмир одам саҳиҳ никоҳ ила яқинлик қилганидан кейин ва талоғининг иддаси чиққанидан ёки ўлимидан кейингина ҳалол бўлади.**

Ёки ўлимнинг иддаси чиққанидан сўнг.

Уч талоқдан кейин эрда хотинга нисбатан иддадан бошқа ҳақ қолмайди. Аёл киши унга вақтинча ҳаром бўлади. Уни яна никоҳлаб олиши мумкин бўлмай қолади. Ушбу вақтинчалик ҳаромлик аёлнинг бошқа эрга тегиб, ундан ажраб, иддаси чиққандан кейин тугайди. Қачонки иккинчи эрга тегиш абадий, табиий оила қуриш нияти ила бўлган бўлса. Бу маъно учта шарт билан юзага чиқади.

1. Бошқа эрга тегиш никоҳланиш орқали бўлиши керак. Зино ёки бошқа йўл билан хотин биринчи эрига ҳалол бўлмайди.

2. Иккинчи никоҳ саҳиҳ никоҳ бўлиши шарт. Агар фосид никоҳ — шариат кўрсатмаларига хилоф равишда қилинган никоҳ бўлса, хотин биринчи эрига ҳалол бўлмайди.

3. Иккинчи эр билан тўлақонли жинсий алоқа бўлиб, лаззатланган бўлиши шарт. Бунга хилоф бўлса ҳам, биринчи эрига ҳалол бўлмайди.

**Ҳалоллаш шарти ила қилинган никоҳ макруҳдир ва ҳалоллайди.**

Халқ ичида «ҳалола» номи ила машҳур бўлган нараса шудир. Унда уч талоқ ила эрига ҳаром бўлган аёл талоқ қилган эрга ҳалолланиб олиш ниятида бошқа бир одамга никоҳланади. Бундай никоҳ тўғрисида уламолар ихтилоф қилганлар.

Жумҳур, жумладан, Ҳанафий уламолардан имом Абу Юсуф ҳам: «Ҳалола ниятидаги никоҳ фосид — бузуқдир», деганлар.

Имом Муҳаммад роҳматуллоҳи алайҳи: «Никоҳ дуруст, аммо хотин аввалги эрига ҳалол бўлмайди», деганлар.

Матндаги маъно, яъни никоҳнинг макруҳ ва хотиннинг аввалги эрига ҳалол бўлиши имом Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳига оид гапдир.

Ҳалоллаш шари



Ҳалола никоҳнинг никоҳ сифатида ўтишига имом Муҳаммад ҳалола фосид шарт экани ва никоҳ фосид шарт билан бузилмаслигини далил қилади.

Аммо, ҳалола никоҳ аёлни аввалги эрига ҳалол қилишига нақлий далил йўқ.

Ҳалолловчи — уч талоқ қилинган хотинни уни талоқ қилган эрига «ҳалоллаб» бериш учун никоҳлаб олиб, бир марта жинсий алоқа қилиб, кейин талоқ қилиб берадиган шахсдир.

Ҳалоллатувчи эса, хотинини уч талоқ қилиб қўйиб, ўзига яна «ҳалоллатиб» олиш учун бошқа бир эркакка никоҳлаб, бир марта жинсий алоқа қилганидан кейин қайтариб оладиган одамдир.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: الْمُحَلَّلَ وَالْمُحَلَّلَ لَهُ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳалолловчи ва ҳалоллатувчини лаънатладилар».**

*Ибн Можа ривоят қилган.*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг лаънатлари ҳаром нарса учун бўлади. Шунга биноан, ҳалола никоҳи ҳам ҳаром бўлади», дейдилар уламолар жумҳури.

**Аёл «Ҳалол бўлдим», деганда муддат кўтарадиган бўлса ва эркакнинг гумони ҳам ғолиб бўлса, уни никоҳлаб олиши ҳалолдир.**

Бир аёлни эри талоқ қилди. Бир муддат ўтганидан сўнг у қайтиб келиб: «Мен ҳалол бўлдим», деди. Яъни «Бошқа эрга тегиб чиқдим», деди. Шунда аввалги эр ўзи талоқ қилганидан буён ўтган вақтга назар солади. Агар ўзи ва кейинги эр талоқ қилганидан кейин ўтиши лозим бўлган икки идда муддати ўтганига ишонса, аёлни никоҳлаб олиши жоиз бўлади.

Бу ерда бир киши, яъни аёлнинг ўзининг гувоҳлиги билан ҳукм собит бўлиши ҳақида сўз кетмоқда.

**Муҳаммадга хилоф ўлароқ, иккинчи эр уч талоқдан озини ҳам вайрон қилади.**



Бир аёлни эри уч талоқ қилди. У бошқа эрга тегиб чиқди ва яна аввалги эрига никоҳланди. Шунда уни уч талоқ қилган эр яна уч талоққа эга бўлади.

Аммо, аввалги эр бир ёки икки талоқ қўйган бўлса-ю, кейин иккинчи эрдан яна қайта никоҳлаб олса, пима бўлади? Бу саволга юқоридаги матнда: «Аввалги эри бу ҳолатда ҳам яна уч талоққа эга бўлади», деган жавоб келмоқда.

Аммо, имом Муҳаммад роҳматуллоҳи алайҳи: «Бир талоқ қилган бўлса, икки, икки талоқ қилган бўлса, бир талоққа эга бўлади», деганлар. У кишининг ижтиҳодлари бўйича, иккинчи эр уч талоқдан камни вайрон қилмайди.

Ҳукм учун Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳининг ижтиҳодлари олинган. Яъни хотин бошқа эрга тегиб чиққанидан кейин аввалги эрига яна никоҳланса, биринчи эр олдинги сафар неча талоқни ният қилганидан қатъи назар, яна уч талоқ ҳаққига эга бўлади.

## ХУЛУЪ ҲАҚИДА

«Хулуъ» сўзи луғатда «кийим ечиш» маъносида кўпроқ ишлатилади. Шариатда эса, хотин кишининг арз қилиб, бир нарса бериб, эри билан ажрашиши «хулуъ» дейилади. Чунки эр-хотин Қуръон таъбири ила бир-бирига кийим ўрнида бўлади.

Эр-хотиннинг бирга яшашга иложлари қолмаса, агар бирга турсалар, гуноҳ иш содир бўлиши муқаррар бўлиб қолса, хотиннинг эрдан кўнгли тўлмаса, ажрашишни истаб, эрига фидя (тўлов) бериб, уни рози қилиб, ажрашиб кетса, бўлади.

**Ҳожат тушганда маҳрга яроқли нарса эвазига хулуъ қилса бўлади.**

**Хулуъ боин талоқдир.**

Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хулуъни бир боин талоқ ҳисоблаганлар.

**Аёлга бадалини бермоқ вожиб бўлади.**

Яъни, эридан хулуъ қилаётган аёлга хулуънинг бадалини эрига бериши вожиб бўлади.



**Эрга, агар айб ўзида бўлса, бадални олиш, агар айб аёлда бўлса, ортиғини олиш макруҳдир.**

Яъни, эр ўзининг айби билан хотинни хулуъ қилишга олиб келган ва хулуъ эвазига хотин маҳрнинг бадалини қайтариб бераётган бўлса, уни олиш эрга макруҳдир. Аммо, айб хотинда бўлса ва у маҳр бадали устига ортиғини ҳам бераётган бўлса, эрга ўша ортиғини олиш макруҳ бўлади.

Хулуъга маҳр бўлиши жоиз нарса берилса ҳам бўлади. Уламоларимиз: «Хулуънинг миқдори ўша аёлга берилган маҳрдан ортиқ бўлмагани маъқул», деганлар.

Хулуъ Исломда аёл киши учун эрдан ажрашишга очиб берилган йўлдир. Эр ажрашишни хоҳласа, талоқ қилади. Хотин ажрашишни хоҳласа, қозига арз қилиб, хулуъ қилади.

**Агар мол эвазига ёки мол бериш шарти билан талоқ қилса-ю, аёл қабул қилса, боин талоқ тушади. Хамр ва тўнғиз эвазига бўлса, эрга ҳеч нарса лозим бўлмайди. Хулуъда боин, талоқда ражъий тушади.**

Эр хотинига: «Сени минг тилла эвазига талоқ қилдим», деганда ёки «Сени минг тилла бериш шарти билан талоқ қилдим», деганда хотин: «Шартни қабул қилдим», деса, орага бир боин талоқ тушади. Чунки икки ҳолатда ҳам талоқ хотиннинг қабулига боғлиқдир.

Хамр ва тўнғиз мусулмон шахс учун қийматга эга мол эмас. Шунинг учун уларни бериши ҳам лозим бўлмайди. Буларга ўлимтик ва ҳур инсон қабилар ҳам киради. Ана шу пайтда хулуъда боин, талоқда ражъий тушади. Чунки бериладиган эваз ботил бўлганидан сўнг, лафзларга эътибор қилиш лозим бўлади. Хулуъ боин талоқни, талоқ эса ражъийни тақозо қилади.

**Агар аёл мингнинг эвазига уч талоқни сўраса-ю, эр бир талоқ қўйса, бир боин талоқ тушади ва мингнинг учдан бири лозим бўлади. Минг бериш шарти билан бўлганда, Абу Ҳанифанинг наздида, бир ражъий талоқ тушади ва ҳеч нарса бериш лозим бўлмайди.**

Араб тилида эваз билан шартнинг орасида катта фарқ бўлади. Шунинг учун бу икки маъно ишлатилганда ҳукмлар икки хил бўлади.

**Хулуъ аёлнинг ҳаққида эваз олди-бердиси ҳисобланади. У мажлис билан чегараланади. Шунинг учун у айтганидан қайтиши ва ихтиёр қилиш шарт тўғри бўлади.**

Хулуъ қилишни хоҳлаган аёлнинг мол бериши лозим бўлгани сабабли бу иш унинг учун савдога ўхшаш нарсага айланиб қолади. Хулуъ масаласини ўша мажлиснинг ўзида ҳал қилиши лозим, ундан кейинга қолдиришга ҳаққи йўқ. Шунинг учун у хулуъни таклиф қилганидан кейин эр қабул қилишидан олдин гапини қайтариб олишга ҳақлидир. Эр: «Минг тилла бериш шarti ила сен талоқсан», деганида аёл: «Қабул қилдим», деса, унинг ихтиёр ҳаққи уч кунгача собит бўлади. Бу муддат ичида эр талоқни қайтариб олса, талоқ ботил бўлади. Аёл талоқни ихтиёр қилса, талоқ тушади ва эрга минг тилла бериши вожиб бўлади.

**Хулуъ эрнинг ҳаққида қасамдир. Шунинг учун ҳукмлар аксинча бўлади.**

Яъни, қайтиши мумкин эмас ва унга ихтиёр ҳаққи ҳам берилмайди. Масалани ўша мажлиснинг ўзида ҳал қилмасдан, кейинга қолдирса ҳам бўлади. Бошқа ҳукмларда ҳам шундай.

**Хулуъ ва бир-биридан воз кечиш икковларидан никоҳ ҳақларини соқит қилади.**

Аммо, никоҳдан бошқа ҳақлар собит туради. Мисол учун, иккиси бир-бири билан савдо қилган бўлсалар, бу ишдаги ҳақлари соқит бўлмайди. Маҳр, нафақа каби никоҳга оид ҳақлар эса, соқит бўлади.



## ЖИНСИЙ ОЖИЗЛИК ҲАҚИДА

Жинсий ожизлик араб тилида «анийн» дейилади ва аёлни истамайдиган эркакка ва эркакни истамайдиган аёлга нисбатан ишлатилади.

Шаръий истилоҳда эса, жинсий олати бўлса ҳам, аёлларга яқинлик қила олмайдиган ёки жувонга яқинлик қилиб, бокирага яқинлик қила олмайдиган, баъзи аёлга яқинлик қилиб, бошқасига қила олмайдиган эркак «анийн» дейилади.

Бу ожизлик унинг яратилишидаги заифлик, қари бўлганлиги ёки сеҳрланган бўлиши оқибатида вужудга келиши мумкин. Ана шундай одам уйланганидан кейин айби зоҳир бўлганда қандай ҳукмлар бўлишини қуйида келадиган матнлар орқали ўрганамиз.

**Эр яқинлик қила олмаганига иқрор бўлса, ҳоким унга бир қамарий сана муҳлат беради. Рамазон ва аёлнинг ҳайз кунлари ҳам ҳисоб. Икковидан бирининг беморлик муддати бунга кирмайди. Агар ўша йил давомида аёлга етиша олмаса ва аёл талаб қилса, ораларини ажратиб қўяди. Шунда бир боин талоқ тушади.**

Жинсий ожизлиги учун хотинга жинсий яқинлик қила олмаган ҳолатда эрга шарият ҳукми бўйича бир йил муддат берилади. Чунки жинсий ожизлик ўта нозик хасталиқдир. Унга даво топиш ҳам осон эмас. Фақат вақт ўтиши билан, хотиржамлик асосида бир натижага эришиш мумкин.

Ҳар кимнинг мизожи ҳар хил бўлади. Баъзи эркаклар жинсий маънода ёзда яхши қўзғалсалар, баъзилари қишда яхши қўзғаладилар. Бир йил муддат беришда эса, тўрт фаслнинг тўлиқ ўтишига имкон берилган бўлади.

Шундан сўнг ҳам жинсий ожизлик давом этаверса, аёлга ажрим ҳаққи берилади. Жинсий қониқиш ҳаққи адо этилмаганидан кейин, аёл мазкур ҳаққа эга бўлади.

Жинсий ожиз киши учун бир йил муддат бериш ҳукуматга бу масала арз қилинган кундан бошлаб бў-

лади. Аммо, эр бир марта бўлса ҳам жинсий алоқага яраган бўлса, ожиз ҳисобланмайди.

Шунга биноан, унга хотини билан ажрашиш ва маҳрни бериш ҳақида ҳамда шунга ўхшаш бошқа ишларда мажбурловчи ҳукм қилинмайди. Хотин ажрашишни хоҳдаса, қозига арз қилиб, хулуъ йўли билан ажрашади.

**Агар хилвати саҳиҳа бўлган бўлса, аёл тўлиқ маҳрга ҳақли ва идда вожиб бўлади.**

Ораларида жинсий яқинлик бўлмаганлиги бу нарсаларга таъсир қилмайди. Холи қолишнинг ўзи маҳр ва иддани вожиб қилади.

**Агар иккови ихтилоф қилишса, аёл жувон ёки бокиралиги эътиборидан аёллар назар солишади. Агар «жувон экан» дейишса, эр қасам ичади.**

Жинсий алоқа бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақида масала кўтарилганда эр ва аёл ихтилофга тушдилар. Эр «Бўлган» дейди, аёл эса «Бўлгани йўқ», дейди. Бундай ҳолатда тажрибали аёллар хотиннинг жувон ёки қиз эканини маълум услублар ила аниқлайдилар. Мисол учун, улар: «Аёл жувон экан», дедилар. Бунда эр ўз гапининг тасдиғи учун, яъни хотинига жинсий яқинлик қилгани ҳақидаги гапда ростгўй эканининг исботи учун қасам ичиши лозим бўлади.

Биринчи ҳолатда аёл аслида жувон эди. У: «Эр менга яқинлик қила олмади», деган даъво ила ундан ажрамоқчи. Эр эса буни инкор қилмоқда. Қоида бўйича, инкор қилган одам қасам ичади.

Иккинчи ҳолатда аёл бокира эди. Аммо текширувда жувон чиқди. Шу билан бирга, «Эр менга яқинлаша олмади» деган даъвони қилмоқда. Аммо, аёлларнинг уни жувон деганлари эр унга яқинлашганлигига ҳужжат бўла олмайди. Чунки қизлик пардаси сакраш, йиқилиш ва шунга ўхшаш бошқа сабаблар билан кетган бўлиши ҳам мумкин. Шу боисдан эр ўз гапини тасдиқлаш учун қасам ичиши лозим бўлади.

**Агар эр қасам ичса, хотиннинг ҳаққи ботил бўлади.**

Яъни мазкур икки ҳолатда эр қасам ичса, хотиннинг ажрашиш ҳаққи ботил бўлади.



**Агар қасам ичишдан бош тортса ёки аёллар «Хотин бокира экан», дейишса, эрга бир йил муҳлат берилади.**

**Берилган муҳлатдан кейин ҳам ихтилоф қилишса, худди аввалгига ўхшаш тақсим бўлади. Эрнинг қасам ичиши ила аёлнинг ҳаққи аввалги марта ботил бўлгани каби ботил бўлади.**

**Шунингдек, аёл муҳлатдан кейин эрни ихтиёр қилса ҳам, ҳаққи ботил бўлади. Аввалги ҳолатда муҳлат берилган бўлса, бу ҳолатда аёлга ихтиёр берилади.**

Яъни, маълум муҳлат берилгандан кейин яна ихтилоф пайдо бўлиб, масала қайтадан аввалги вазиятга келса, ихтиёр аёлга берилади. Хоҳласа, мазкур эр билан яшашда давом этади, хоҳласа, ажрашиб кетади.

**Ахта ҳам муҳлат берилишида жинсий ожизга ўхшайди.**

«Ахта» деганда мояклари ишдан чиққан одам кўзда тугилади. Бу ҳолат қай услуб ила пайдо бўлганининг фарқи йўқ.

**Олати кесилган (эр) аёлнинг талабига биноан дарҳол ажратилади.**

Чунки муҳлат беришдан фойда йўқ. Бундай одамнинг жинсий яқинликка қодир бўлишидан умид йўқ. Юқорида зикр қилинган айблардан бошқа ҳолатларда:

**Икковларидан бирига бошқасининг айби сабабидан ихтиёр берилади.**

Ҳанафий мазҳаби бўйича, жиншилиқ, мохов, пес, аёлнинг фаржида ўсимта бўлиши ҳолатларида никоҳ бузилмайди.

Эркакнинг талоқ қилиш ҳаққи бўлганлиги учун унга бу каби ҳолатларда ажрашишни талаб қилиш ҳаққи берилмаган. Аёлда талоқ ҳаққи бўлмаганлиги учун унга мазкур ажрашишни қози орқали талаб қилиш ҳаққи берилган.

Айб туфайли эр-хотин орасини ажратиш масаласини атрофлича ва чуқур ўрганиб чиққан уламоларимиз хулоса тарийқасида қуйидагиларни айтганлар:

Айблар қовуша олиш ёки олмаслик жиҳатидан иккига бўлинади:

1. Қовушишдан ман қиладиган айблар.

Бунга эркакдаги олати кесилганлик, жинсий ожизлик, бичилганлик, аёлнинг жинсий аъзосида без, ўсимта каби тўсиқ бўлиши каби омиллар.

2. Қовушишни ман қилмайдиган айблар.

Бунга нафрат кўзғовчи ва юқадиган пес, мохов, сил ва жиннилик каби касалликлар киради.

Умумий қилиб олганда эса, эр-хотинда ажрашишга сабаб бўладиган айблар учга бўлинади:

1. Эркакнинг жинсий ҳолатига хос айблар.

Жинсий олатнинг кесилган бўлиши, ишламаслиги, бичилган бўлиши ёки қариллик ва бошқа беморликлар туфайли жинсий алоқага қодир бўлмаслик.

2. Аёлнинг жинсий ҳолатига оид айблар.

Фаржнинг йўли тўсиқ бўлиши.

Фаржда суяк ёки без бўлиб, жинсий алоқага монъелик қилиши.

Фаржда лаззатни ман қилувчи нарса бўлиши ёки ёмон ҳид чиқарадиган бўлиши ва бошқа шунга ўхшаш айблар.

3. Эркак ва аёллар учун муштарак бўлган айблар.

Жиннилик, пес, мохов, пешобни тута олмаслик, хунасалик каби айблар шу жумлага киради.

Айбга биноан ажратиш ҳақида фикҳий мазҳаблар турли ҳолатларга қараб, турлича ҳукмлар чиқарганлар.

Улар, ҳолатга қараб, алоҳида-алоҳида ўрғанилади ва шундан кейин охириги хулосага келинади.

Лекин айб туфайли ажратишга оид умумий шартлар бор.

1. Ажрашни талаб қилаётган томон никоҳ аҳди тўзилаётган пайтда айбдан беҳабар бўлиши шарт. Агар ўша вақтда у айбни билган бўлса, ажрашиш ҳақидаги талаб ҳаққида эга бўлмайди. Чунки айбни билиб туриб, никоҳга рози бўлиш айбга ҳам рози бўлиш аломатидир.

2. Ақди никоҳдан кейин ҳам айбга рози бўлмаган бўлиши шарт. Аввал айбни билмаган бўлса ҳам, ақди никоҳдан кейин айбни билиб туриб, рози бўлган бўлса, ажрашишни талаб қилиш ҳаққидан маҳрум бўлади.



## ИДДА ҲАҚИДА

«Идда» сўзи луғатда «санаш», «ҳисоблаш» маъноларини билдиради. Шариатда эса, аёл киши эрининг вафотидан кейин ёки эри билан ажрашганидан сўнг сақлаши лозим бўлган муддат «идда» деб аталади.

Бу ҳукмнинг шариатга киритилиши бир неча ҳикматларга эгадир:

Биринчиси — эридан ажраган аёл ҳомиладорми, йўқми экани аниқланади. Шу билан насл-насаб аралаш-қуралаш бўлиб кетишининг олди олинади.

Иккинчиси — ўлган эрнинг ҳурмати бажо келтирилади.

Учинчиси — эр билан бирга ўтказилган оилавий ҳаётнинг ҳурмати юзасидан ҳам дарров бошқа эрга тегиб кетмай, идда ўтирилади. Яна бошқа ҳикматлари ҳам бор.

Энди бу масалада келган матнлар билан танишиб чиқайлик.

**Идда ҳайз кўрадиган ҳур аёлга талоқ ва фасх учун учта тўлиқ ҳайз бўлади.**

«Фасх» кичик пайтда никоҳлаб қўйиб, балоғатга етганда ихтиёр ўзига берилиши орқали ажрашиш, эр қул, хотин чўри бўлиб турганда хотин озод қилиниб, унга ихтиёр берилгандаги ажрашиш, эр ёки хотиндан бири иккинчисига хожа бўлиб қолганлиги учун ажрашиш, эрнинг ўғлини шаҳват билан ўпганлиги учун ажрашиш, иккисидан бирининг муртад бўлганлиги учун ажрашиш каби ҳолатлардаги мажбурий ажрашишлардир. Фасхда ҳам хотинга талоқ қилингандаги каби идда ўтириши вожиб бўлади.

Ана ўшандай ҳолатда, аёл ҳайз кўрадиган бўлса, тўлиқ уч марта ҳайз кўриб, тугаши билан иддаси чиқади. Талоқ қилинган пайтда ҳайз кўриб турган бўлса, ҳисобга кирмайди. Ундан бошқа яна уч марта ҳайз кўриши лозим.

**Шубҳа ёки фосид никоҳ ила жинсий яқинлик қилинган аёл ўлимда ва ажрашганда ҳам шундай бўлади.**



Яъни, иддаси учта тўлиқ ҳайз кўриш бўлади. Албатта, у ҳайз кўрадиган аёллардан бўлса ва ҳомиладор бўлмаса.

«Шубҳа ила жинсий яқинлик қилиш» қоронғида билмасдан, «ўзимнинг хотиним» деб ўйлаб, бошқа хотинга яқинлик қилишга ўхшаш ҳолатларда содир бўлади. Фосид никоҳ эса, гувоҳларсиз бўлган никоҳ, опасининг иддасида синглисига уйланиб олиш, тўртинчи аёлнинг иддаси чиқмай туриб, бешинчисини олиш каби ҳолатларда бўлади.

**Кичкиналиги ёки катталиги (сабабли) ёки ёши етса ҳам ҳайз кўрмаётганларники уч ойдир.**

Ўлимдан кейин тўрт ою ўн кун.

**Ҳомиладор аёлнинг эри ўлгандан кейинги иддаси ҳомиласини туғишидир.**

**Масъулиятдан қочиб, талоқ қилганнинг хотининики, агар боин бўлса, икки муддатдан узоғи, ражъий бўлса, ўлимникидир.**

«Масъулиятдан қочиб, талоқ қилиш» ўлим тўшағида ётган одамнинг аёлини, мерос олмасин, деган мақсадда талоқ қилишидир. Ана ўша талоқ қилиш икки хил — боин ёки ражъий бўлиши мумкин.

Агар талоқ боин бўлса, аёл ўлим ва талоқ идаларидан қай бири узоқроқ бўлса, ўшани ўтиради. Яъни эри ўлганидан кейин тўрт ою ўн кундан олдин уч ҳайз кўрса, ўлим иддасини ўтиради. Агар унинг уч ҳайз кўриши тўрт ою ўн кундан кўпроққа чўзиладиган бўлса, талоқ иддасини ўтиради.

Агар талоқ ражъий бўлса, аёл ўлим иддасини ўтиради. Чунки ражъий талоқ иддасида ҳали никоҳ алоқаси туради.

Шунингдек, бу ҳолатда аёл «Сиздан вафот этиб, жуфтларини қолдирса, улар ўзларига тўрт ою ўн кун кутурлар» деган оятга амал қилувчилар қоторига киради.

**Ҳайздан қолган аёл бир неча ойдан кейин қон кўриб қолса, иддани қайта бошлаб, ҳайз ила санайди.**

Бир аёл ҳайздан қолганлиги учун уч ой идда ўтираётган эди. Аммо, икки ойдан кейин ҳайз кўриб



қолди. Бу ҳолда у янги идда бошлайди ва иддасини уч ҳайз кўриш билан адо қилади.

**Шунингдек, бир ҳайз кўриб, кейин ҳайздан ноумид бўлган аёл ҳам янгидан идда бошлаб, ой билан санайди.**

Икки ҳайз кўриб туриб, ҳайздан ноумид бўлган аёл ҳам шундай қилади.

**Идда ўтирганида шубҳа ила яқинлик қилинган аёлга бошқа идда вожиб бўлади. Икки идда бир-бирига киришиб кетади. Биринчиси тамом бўлганида иккинчисининг баъзиси ўтган бўлади.**

Иддадаги аёлга биров билмасдан уйланиб, яқинлик қилиб қўйди ёки аёллар «Бу сенинг хотининг» деб, эркакни унга қўшиб қўйдилар ва яқинлик содир бўлди. Бу ҳолатлардаги жинсий яқинлик «Шубҳа ила бўлган яқинлик» дейилади. Ўзи иддада ўтирган аёлга нисбатан бу иш содир бўлганда аёл асл иддаси устига шубҳа ила қилинган яқинликнинг иддасини ҳам ўтириши вожиб бўлиб қолади. Ана шунда икки идда бир-бирига киришиб кетади.

Мисол учун, бир ҳайз идда ўтирган аёлга унинг устига яна уч ҳайз ўтириши лозим бўлади. Қолган икки ҳайз асл идданинг давоми бўлиши билан бирга, шубҳа иддасининг биринчи ва иккинчи ҳайzlари бўлади. Ундан кейин аёл иккинчи иддани тўлатиш учун яна бир ой идда ўтиради.

**Фосид никоҳнинг иддаси ажратилгандан ёки яқинликни тарк қилишга азму қарор қилганидан кейин бошланади.**

Эркак аёлга яқинлик қилишни тарк қилганлиги ҳақида хабар бериши шарт.

**Аёл беҳабар бўлса ҳам идда тугайверади.**

Яъни, эрнинг талоқ қилганини ёки ўлганини хотин билмаса ҳам, иддаси ҳисобланаверади. Идданинг ҳисоби бошланиши учун талоқ ёки ўлимни хотин билиши шарт эмас.

**Агар эр ўзи қўйган боин талоқда идда ўтирган аёлни қайта никоҳлаб олиб, яқинлик қилмасдан аввал талоқ қилса, тўла маҳр ва янги идда вожиб бўлади.**

Чунки бу худди янги никоҳ ҳукмидаги никоҳ бўлади.

**Зиммий талоқ қилган зиммияга ва биз томонга муслима бўлиб чиққан ҳарбияга идда вожиб эмас. Илло, ҳомиладор бўлса, вожиб.**

Чунки ҳомиладор аёлнинг қорнидаги боланинг насаби собитдир.

**Боин талоқдан ва ўлимдан кейин идда ўтирган баловатга етган, оқила ва муслима аёл зебу зийнатни, заъфарон ва сариққа бўялган нарса кийишни, узрсиз мой, хино, хушбўйлик ва сурма суртишни тарк қилиш ила аза тутади. Озод бўлганлиги учун ва фосид никоҳдан кейин идда ўтирувчи эмас.**

**Иддадаги аёлга совчи қўйилмайди. Фақат ишора билан бўлса, майли.**

Ишора билан совчилик қилиш қандай бўлади? Ишора билан совчилик қилиш «Бирорта муносиб аёл топилса, уйланмоқчи бўлиб юрибман, аёл киши бўлмаса, қийин бўлар экан» каби сўзлар билан ишора қилишдир. Ўтган азизлар ҳам шундай йўл тутганлар.

**Боин ва ражъий талоқнинг иддасида ўтирган аёл уйдан асло чиқмайди.**

Қайси аёл талоқдан сўнг, иддаси чиқмай туриб, эрининг уйдан чиқиб кетса, гуноҳкор бўлади. Шариатнинг бу ҳукми ҳам ўзга ҳукмлари каби ҳикматлидир.

Иддада ўтирган аёл эрининг кўзига чиройли бўлиб кўриниб турса, эр аччиғидан тушиб, кўнгли эриб, қайта ярашишга мойил бўлиб қолади. Уйдан чиқиб кетганда эса, бунинг акси бўлади. Яъни келин ота уйига бориб, эридан шикоят қилади, оқибатда унинг қариндошларининг жаҳли чиқиши, келиб, куёв ва унинг яқинлари билан уришишлари ва натижада, юз кўрмас бўлиб кетишлари мумкин. Бундай ҳолда аёлнинг уйдан чиқишига бирдан-бир сабаб бор, у ҳам бўлса, «**илло, очиқ-ойдин фаҳш иш қилган бўлсалар (чиқариладилар)**».

Баъзи уламоларимиз бу ерда зино назарда тутилган дейдилар, баъзилари эса зинодан ташқари эрга қаттиқ озор бериш, уни хафа қилишни ҳам қўшадилар.

**Вафотнинг иддасида ўтирган аёл кеча-кундуз чиқиши мумкин. Аммо манзилида ётади.**

Чунки эри ўлган аёл талоқ қилинган аёлдан фарқли ўлароқ, ўзини ўзи нафақа билан таъминлашга муҳтож. Шунинг учун уйдан чиқишга мажбур бўлади. Талоқ қилинган аёлнинг нафақаси эса, уни талоқ қилган эрига вожиб бўлади.

**Аёл ажрашганидан кейин ҳам, вафотдан кейин ҳам ўз манзилида идда ўтиради. Илло, у бошқалар томонидан чиқарилса ёки молининг талофатга учрашидан ва уйнинг йиқилишидан қўрқса ёхуд уйнинг кирасини топа олмаса, чиқади.**

**Боин талоқда икковлари ўртасида парда бўлиши лозим.**

Агар боин уч талоқ ва хулуъдан кейинги иддада ўтирган аёл ажрашган эри билан бир хонада турадиган бўлса, худди бегоналар каби ораларига парда тутишлари лозим. Эрнинг кўзи унга тушмаслиги керак.

**Манзил иккиси учун торлик қилса, эрнинг чиққани яхшироқ. Эрнинг фосиқлиги учун ҳам шундай қилинади.**

Чунки идда ўтирган аёлнинг уйдан чиқмаслиги Қуръони Каримда келган амр. Эрнинг чиқмаслиги ҳақида амр йўқ.

**Ораларини тўсишга қодир бир аёлнинг қўйилиши яхшидир.**

Шунда икки бегонанинг холи қолмаслиги каби буларнинг ҳам холи қолмасликлари таъмиланган бўлади.

**Агар эр уни сафарда боин талоқ қилса ёки ўлиб қолса ва аёл билан шаҳарининг ораси бир кунликдан оз йўл бўлса, ўз шаҳрига қайтади. Агар ўша масофа ҳар томонга баробар бўлса ва аёл очиклик жойда бўлса, ихтиёр ўзида. Қайтиш афзал. Агар ўша пайтда аёл шаҳарда бўлса, ўша ерда идда ўтиради. Сўнгра маҳрами билан чиқади.**

Маҳрами билан қароргоҳига етиб олиб, иддани давом эттиради.

## НАСИҲАТ

Талоқ тўғрисидаги маълумотларни талоқдан сақланиш чоралари сифатда ўрганиш лозим. Уларни яхши билган кишилар талоққа сира яқинлашмасликлари, ҳаттоки, у ҳақда ўйлаб ҳам кўрмасликлари турган гап.

Эркаклар талоқ қилишни, аёллар эса талоқ сўрашни хаёлларига ҳам келтирмасликлари зарур.

Тўғри, турмушда турли ҳолатлар содир бўлиб туради. Эр-хотин орасида келишмовчиликлар, жанжаллар ва бошқа можаролар бўлиши ҳам бор. Аммо, уларнинг ҳаммасини ҳал қилиш йўллари ҳам кўп. Талоқ эса, ҳеч нарсанинг иложи қолмаганда, эр-хотиннинг бирга яшашлари имкони бутунлай йўққа чиққанда ишга тушадиган нарсаси.

Афсуски, кўпчилик бўлар-бўлмас нарсаларда ҳам талоқни ўртага солаверадилар. Эр аёлига гапни ўтказа олмаса, талоқ орқали уни қўрқитмоқчи бўлади. Аёл эридан норози бўлса, ундан ўч олиш учун талоқ сўрайди. Сўнгра, бир оз ўтгандан сўнг иккиси ҳам «Талоққа йўл борми? Қандай қилиб қайта ярашиш мумкин?» дея чор атрофга югуришни бошлайдилар. Бу ҳолат кенг тарқалган иллат бўлганлигидан илмий муассасалар ҳам уни алоҳида ўрганиб чиқиб, қарорлар қабул қилишга мажбур бўлганлар. Эътиборингизга ўша қарорлардан бирини ҳавола этишга ижозат бергайсиз.

### ФАТВО ВА ИЛМИЙ БАҲСЛАР БЎЙИЧА ЕВРОПА МАЖЛИСИ

*Ўн тўртинчи сессия (23–27 феврал, 2005 йил)*

#### ТАЛОҚДАН САҚЛАНИШ

Мажлис «Талоқдан сақланиш воситалари» бора-сида тақдим қилинган тадқиқотларни кўриб, таҳлил қилганидан сўнг қуйидагиларга қарор қилди:

1. Ислом ўзининг оилага хос таълимотлари ва ҳукмларида уни муҳофаза қилишга, унинг бузилиши

ва қулашини ман этишга қаттиқ ҳаракат қилгандир. Шунинг учун ҳам эр-хотинлик робитаси «мустаҳкам васийқа» деб номланган.

Ислом агар эр хотинини ёқтирмай қолса ҳам оилавий ҳаётни давом эттиришга тарғиб қилади.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида:

«ва улар ила маъруф шаклда яшанг. Агар уларни ёқтирмасангиз, ажаб эмаски, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса», деган (19-оят).

II. Шунга биноан, мажлис талокдан сақланиш воқиталаридан қуйидагиларни баён қилади:

1. Иймоний томонни, Аллоҳ таолодан қўрқиш ҳиссини, У Зот бир тараф иккинчисига зулм ва озор беришини кузатиб туришини англашни кучлантириш. Шунинг учун ҳам оилага хос оятлар тақвога амр билан яқунланган.

2. Эр ва хотин орасидаги муомалада ҳусни хулқ, сабр-бардошга асосланиш.

3. Эр ва хотин иккисидаги руҳий ҳолатларни ҳисобга олиш. Улар иккиси бир-бирларига либос, сокинлик, муҳаббат ва раҳмат бўлишлари лозим. Улар бир жондан тарқалганлари юзасидан икковлари бир-бирларига тақдир, эҳтиром ва шафқат назари билан қарашлари керак.

4. Икки тараф ҳам жуфти ҳалолани танлашда шариатда талаб қилинган сифатларнинг мужассам бўлишига эътибор қаратишлари керак. Никоҳдан олдин шаръий қоидаларга риоя қилган ҳолда бир-бирини кўриш ва суҳбатлашиш каби Ислом эр-хотинликнинг бардавом бўлиши учун жорий қилган воситаларга амал қилиш лозим.

5. Эр ва хотин орасидаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўзаро мулоқот ва маслаҳат маданиятини йўлга қўйиш керак. Зотан, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Ўзаро рози бўлиб ва маслаҳат қилиб», — деган.

6. Икки тараф адолат ва яхшилик асосида бир-бирининг моддий ва маънавий ҳақларини ўз ўрнида адо этишга қатъий равишда амал қилиши лозим.

7. Икки тараф ҳам бир-бирини рози қилишга ҳаракатда бўлиши зурур. Шунинг учун ҳам шариатда жуфти ҳалолани рози қилиш учун, ораларини ислоҳ қилиш учун, воқеъликка тўғри келмаса-да, ёлгон гапиришга ҳам рухсат берилган.

8. Ваъз-насиҳат қилиш каби таъсир қиладиган барча воситаларни ишга солиш керак.

9. Эр ва хотин орасини тузатиш учун икки тарафдан биттадан ҳакам сайлаш ишини ҳам йўлга қўйиш лозим. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

«Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрқсангиз, эрнинг аҳлидан бир ҳакам ва хотиннинг аҳлидан бир ҳакам ажратинг. Агар улар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ эр-хотиннинг орасини мувофиқлаштиради», — деган».

## ХУЛОСА

Ушбу китоб оилавий ҳаётнинг яхшиланиши, оилавий бахтнинг мукамалроқ бўлишига ҳисса бўлса, ажаб эмас, деган ният билан ёзилди. Аллоҳ таолодан унинг ҳаммамиз учун фойдали бўлишини тилаб, дуолар қиламиз. Бу китобдаги камтарона сатрларда бир яхшилик топсангиз, бошқалар билан ҳам баҳам кўрарсиз, деган умиддамиз. Зотан, ҳар бир жамият аъзолари бир-бирларига ўзларининг тажрибалари билан ўртоқлашиш асосида фойда берадилар. Оилаларимизнинг мустаҳкамлиги, бахтиёрлиги барчамиз учун зарурдир. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ушбу аҳамиятли ишга ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Аллоҳ таоло барча оилаларимизни ва уларнинг барча аъзоларини бахтиёр бўлишларида Ўзи ёрдамчи бўлсин! Омийн!



## ИСМЛАР КЎРСАТКИЧИ

Абдуллоҳ ибн Аббос	50, 235, 256, 373, 421
Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолиб	18
Абдуллоҳ ибн Абу Авфо	403
Абдуллоҳ ибн Амр	57, 58, 223, 318, 371
Абдуллоҳ ибн Жаъфар	124
Абдуллоҳ ибн Замъа	419
Абдуллоҳ ибн Зубайр	254
Абдуллоҳ ибн Омир	343
Абдуллоҳ ибн Умар	315, 367, 368
Абдулмуттолиб	18
Абдурроҳман ибн Абу Бакра	379
Абдурроҳман ибн Авф	130, 131, 133, 190, 401
Абдурроҳман ибн Авфнинг	130
Абу Ҳанийфа	32
Абу Ҳотим ал-Музаний	65
Абу Ҳузайфа	184
Абу Ҳурайра	28, 55, 60, 73, 76, 79, 81, 132, 141, 156, 162, 184, 190, 191, 192, 193, 213, 215, 221, 224, 272, 276, 307, 331, 340, 354, 359, 363, 364, 384, 387, 399, 400, 402, 441
Абу Айюб	22, 398
Абу Бакр	68, 69, 199, 221, 256, 318, 368, 369, 386
Абу Бакр ибн Ҳазм	386
Абу Бакр ибн Хиллол	256
Абу Бакр ибн Ҳилол	256
Абу Бурда ибн Абу Муҳаййид ал-Ашъарий	367
Абу Дардо	184, 236, 279



Абу Довуд	24, 60, 74, 80, 82, 83, 86, 88, 128, 135, 142, 145, 153, 156, 164, 191, 204, 205, 217, 223, 224, 279, 289, 318, 320, 332, 343, 351, 353, 362, 386, 389, 414, 429, 445, 448
Абу Жаҳм	54
Абу Жаҳм ибн Хузума	54
Абу Зайд	342
Абу Зарр	33, 256
Абу Исҳоқ	211
Абу Масъуд ал-Ансорий	139
Абу Мұхаммад	342
Абу Мурра	363
Абу Мусо	221, 280, 281
Абу Мусо Ашъарий	280
Абу Рофеъ	288
Абу Салама	220
Абу Саъийд	154, 167
Абу Суфён	205, 233, 329
Абу Умома	239
Абу Шурайх	285
Абу Юсуф	474
Авс ибн Сомит	303, 304
Али ибн Абдуллоҳ	256
Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос	256
Али ибн Абу Толиб	130, 133, 134, 145
Али ибн Толқ	151
Амр ибн Аҳвас	194
Амр ибн Шуъайб	145
Анас ибн Молик	34, 124, 271, 290, 344, 348, 393, 402



Асвад ибн Язид	211
Асмо бинти Абу Бакр	368, 369
Асмо бинти Умайс	168
Асмо бинти Язид	142
Ақийл ибн Аби Толиб	421
Ақийл ибн Абу Толиб	141, 142
Ақраъ ибн Ҳобис Таймий	331
Аҳмад ибн Ҳанбал	44, 232, 311, 434
Баҳз ибн Ҳакийм	377
Байҳақий	17, 34, 88, 94, 99, 260, 279, 311, 316, 317, 343, 439
Бани Мусталақ	259
Барваъа бинту Вошиқ	103
Барра бинти Ҳорис	259, 261
Жаъфар ибн Абу Толиб	124, 320
Жаъфар ибн Муҳаммад	17
Жобир ибн Абдуллоҳ	85, 351, 366
Жобир ибн Самура	344
Жорж	258
Жухайл ибн Суроқа	64
Жубайр ибн Мугъим	404
Жудома бинту Ваҳб ал-Асадийя	172
Журайж	258
Заҳҳок ибн Феруз	44
Заҳм ибн Маъбад	286
Зайд ибн Ҳориса	319
Ибн Аббос	150, 152, 165, 167, 171, 309, 325, 328, 372, 388, 439, 475
Ибн Абу Ҳотим	190
Ибн Абу Шайба	318, 375

Ибн Жарир Табарий	190
Ибн Мастуд	103, 279
Ибн Обидин	23
Ибн Умар	54, 68, 150, 178, 315, 386, 439, 445, 452
Имом Ҳасан	309
Имом Али	241
Имом Аъзам	32
Имом Муҳаммад	322, 474
Имом Шофеъий	32
Кулайб ибн Манфаъа	408
Марвон ибн Ҳакам	364
Маъқал ибн Ясор	59
Маъқил ибн Синон	103
Миқдом ибн Маъдийкариб	255
Мория	258
Муқавқис	258
Муҳаммад Абу Заҳра	91
Муҳаммад ибн Ҳотиб	137
Муҳаммад ибн ал-Мункадир	408
Муҳаммад ибн Маслама	424
Муҳаммад ибн Муфлиҳ	432
Муҳаммад ибн Сивор	347
Муҳаммад ибн Сийрийн	413
Муовия ибн Ҳайра ал-Қушайрий	417
Муовия ибн Райён	433
Мусофеъ ибн Сафвон	259
Муъоз ибн Жабал	194



Насай	21, 28, 57, 60, 74, 84, 115, 137, 139, 142, 145, 196, 205, 217, 218, 220, 223, 224, 351, 378, 388, 389, 439
Нуъмон ибн Башир	334
Одам	14, 16, 18, 22, 23, 95, 264, 266, 267, 269, 442
Омир ибн Абдушамс	142
Омир ибн Саъд	139, 213
Рабиъ ибн Анас	110
Рофеъ ибн Хадийж	424
Рубаййиъ	135, 136
Рубаййиъ бинту Муъаввиз	135
Рукона ибн Язийд	353
Саҳд ибн Абдуллоҳ	347
Саҳд ибн Саъд	67, 99
Сабра ибн Абу Сабра	281
Салама ибн Акваъ	352, 353, 354
Салмон	146, 184, 185, 236, 310
Салмон ибн Омир аз-Зоббий	310
Салмон Форсий	236
Самура ибн Жундаб	167
Саъд ибн Абу Ваққос	24, 328, 375
Саъд ибн Молик	375
Саъд ибн Муъоз	129, 134, 144
Саъд ибн Убода	388
Саъийд ибн Мусайяб	286, 318, 383
Саъийд ибн Осс	344
Собит ибн Қайс ибн Шаммос	259
София бинту Ҳуяй	128
София бинту Ҳуяйга	128

Сухайл ибн Амр	287
Субайҳа бинти Ҳорис	76
Сууроқа ибн Жуъшум	331
Торшин	8
Уқайл	363
Убайдуллоҳ ибн Адий	255
Умар	54, 67, 68, 108, 109, 150, 178, 183, 185, 211, 214, 219, 223, 226, 227, 235, 255, 256, 278, 305, 306, 315, 317, 318, 337, 338, 339, 354, 367, 368, 386, 387, 405, 434, 439, 445, 452
Умар ибн Абдулазиз	278, 338, 339
Умар ибн Базийъ	256
Умар ибн Хаттоб	108, 183, 185, 211, 214, 305, 386, 387, 405
Умму Курз ал-Каъбия	312
Умму Руммон	142, 143
Умму Руммон бинти Омир ибн Абдушамс	142
Умму Салама	67, 77, 159, 163, 200, 429
Умму Сулайм	163, 164
Усмон ибн Аффон	421
Усмон ибн Аффон Зиннурайн	421
Усмон ибн Мазъун	24
Усома ибн Зайд	54, 332
Утба ибн Робийъа	421
Фокиҳ ибн Саъд	168
Фотима бинти Қайс	54
Фотима бинту Қайс	211
Фотимаи Заҳро	115, 129, 144, 198



Хавла бинти Саълаба	303, 304, 305, 306
Хонса бинту Хидом ал-Ансория	82
Хорижа ибн Зайд	168
Хорижа ибн Зайд ибн Собит	168
Шайба ибн Робийъа	421
Шаъбий	211
Шурайх ибн Ҳоний	284
Яҳя ибн Саъийд	282
Қуроza ибн Каъб	139
Ҳавво	16, 18, 264, 269
Қайс ибн Осим	166
Қайс ибн Саъд	190
Ҳаким ибн Муовия Қушайрий	205
Ҳамал ибн Нобиға ал-Ҳузалий	273
Ҳамза ибн Абдулмуттолиб	130, 320
Ҳасан	102, 141, 278, 289, 309, 313, 331, 332, 405, 434
Ҳасан ибн Али	289, 331
Ҳасан ибн Амр	405
Ҳинд бинту Утба	205, 329
Ҳишом ибн Урва	363
Ҳоний ибн Язийд	284
Ҳотиб ибн Абу Балтаъа	258
Ҳофиз Абу Яъло	108
Ҳусайн	278, 309, 313, 333, 335, 336, 337, 338, 387, 407, 408, 433, 434
Ҳусайн ибн Ҳасан Марвазий	278

## МАКОНЛАР КЎРСАТКИЧИ

Ўзбекистон	258, 287
Қўраш	58, 287
АҚШ	8
Америка	8
Арабистон	58, 181
Британия	8
Византия	258
Доғистон	7
Ингушистон	7
Корьяк	7
Мадина	287
Маккаи Мукаррама	274
Миср	257, 258, 259
Россия	7, 8
Таймир	7
Франция	8, 180
Чеченистон	7
Чукотка	7
Ўзбекистон	9, 228, 237, 245

Ташкил қилди



## МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Қуръони Карим.
2. Имодулдин Исмоил Ибн Касир. «Тафсири Қуръони Азим». Дор ихяил кутубил арабийя.
3. Мухаммад Али ас-Собуний. «Роваиъул Баён тафсири Аятил Аҳкам минал Қуръон». Дор ихяит-туросил арабий. Байрут.
4. Мухаммад Али ас-Сайис. «Тафсири Аятил Аҳком». Матбаъату Мухаммад Али Субайҳ.
5. Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий. «Тафсири ан-Насафий». Дорул китабил арабий-Байрут, Ливан. 1982.
6. Жалолуддин ал-Маҳаллий ва Жалолуддин ас-Суютий. «Тафсири Қуръанил Азийм лил Жалолайн». Чағири Йайинлари – Доруд даъва. Истанбул, Туркия.
7. Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. «Тафсири Ҳилол».
8. Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. «Ҳадис ва Ҳаёт».
9. Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қурайший. «Саҳиҳул Муслим». Дорул кутубил илмийя. Байрут, Ливан.
10. Мухаммад ибн Исо ат-Термизий. «Сунани Термизий». Дорул кутубил илмийя. Байрут, Ливан. 1987.
11. Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сижистоний ал-Аздий. «Сунани Абу Довуд», Дорул Боз. Марва, Макка.
12. Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насайй. «Сунани Насайй», Мактабун тарбиятил арабий лидувалил халийж, Риез. 1988.
13. Мухаммад ибн Иазид ал-Қазвиний. «Сунани Ибн Можа», Дор ихяит туросил арабий, Байрут. 1975.
14. Молик ибн Анас ал-Асбаҳий ал-Хумайрий. «Муваддоъ Имоми Молик», Дорун нафаис, Байрут, 1987. 10-босма.
15. Абдуллоҳ ибн Баҳром ад-Доримий. «Сунани Доримий», Дорул-фикри.
16. Аҳмад ибн Ҳанбал. «Муснади Имом Аҳмад ибн Ҳанбал». Дорул кутубил илмийя. Байрут. 1978. 2-нашр.
17. Мухаммад Абдураҳмон ал-Муборақфурий. «Тухфатул Аҳвазий би шарҳи жомеъит-Термизий», Дорул кутубил илмийя. Байрут.
18. Мухаммад Юсуф ал-Хусайний ал-Банурий. «Маъарифус сунани шарҳи сунанит-Термизий», Ал-Мактабатул банурийя, Карачи.
19. Жалолуддин ас-Суютий. «Танвийрул ҳаволик шарҳун ала Муваддоъ Молик», Дорул-ихяил кутубил арабийя, Миср.
20. Али ибн Султон Мухаммад ал-Қорий. «Мирқотул Мафтийх шарҳу Мишкотил Масобийх». Дорул-ихяит-туросил арабий, Байрут.
21. Бадриддин Айний. «Умдатул Қорий шарҳу Саҳиҳил Бухорий», Дорул фикр.
22. Аҳмад ибн Ҳажар ал-Асқалоний. «Фатҳул Борий шарҳу Саҳиҳил Бухорий», Дорул райяни лит-турос, Қоҳира, 1986. 1-босма.



23. Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қорий. «Ан-Ниқоя шарҳу Мухтасарил Виқоя», Император университети босмаҳонаси. Қозон. 1908.

24. Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ал-Калибулий Шайхизода. «Маъжаъул Анҳур фи Мултақол Абҳур», Дорул кутубил илми-йя, Байрут, Ливан. 1989.

25. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Муслиий ал-Ҳанафий. «Ал-Ихтиёр ли таълили Мухтор», Дорул Арқам. Байрут.

26. Алауддин ибн Масъуд ал-Косоний ал-Ҳанафий. «Бадойиъус-Саноийъ фи тартибиш-шароеъ», Дорул кутубил илми-йя, Байрут. 1997.

27. Аҳмад ибн Юсуф ал-Ҳалабий. «Умдатул ҳуффоз фи тафсири ашрафил алфоз», Дорул кутубил ватанийя, Банғозий, 1995.

28. Зафар Аҳмад ал-Усмоний ат-Таҳонавий. «Эълоус Суннан» Идорагул Қуръани вал улумил Ислами-йя, Карачи, Покистон. 1415 ҳ. й.

29. Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Таҳовий ал-Ҳанафий. «Шарҳи маъоний ал-Осор», Дорул кутубил илми-йя, Байрут, Ливан. 1987.

30. Муҳаммад Амийн Ибн Обидийн. «Раддул Мухтор ала Дурриил Мухтор», Дорул кутубил илми-йя. 1994 й.

31. Абдурраҳмон ал-Жазийрий. «Китобул фикҳи ъалал Мазаҳбил арбаъати», Дорул фикри.

32. Доктор Ваҳба Зуҳайлий. «Ал-фикҳул Ислами-й ва адиллатуху», Дорул Фикр, Дамашқ. 1997 й. 4-нашр.

33. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Амир ал-Яманий ас-Санъоний. «Субулус-салом шарҳу Булуғул маром», Дорул Жийл, Байрут.

34. Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад аш-Шавконий. «Найлул Автор шарҳу Мунтақол Аҳбор», Матбаъатул-Ҳалабий, Қоҳира. 1961 й.

35. Мулла Али Қорий. «Шарҳу муснади Аби Ҳанийфа», Дорул кутубил илми-йя, 1985 м.с. 1405 ҳ.с.

36. Муҳаммад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсий. «Ал-Мабсут», Дорул Маърифа, Байрут, 1989 м.с. 1409 ҳ.с.

37. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний. «Ал-Жамеъ ас-Сағийр», Аъламул кутуб, 1986 м.с. 1406 ҳ.с.

38. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний. «Жомеъул-кабийр», Дорул Маориф ан-Нуъманийя, Покистон, 1981 м.с. 1401 ҳ.с. 1-нашр.

39. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний. «Ас-Сиярул Кабийр», Дорут-туросул арабий, Қоҳира.

40. Камолуддин Муҳаммад ибн Абдулвоҳид. «Шарҳ фатҳул қодийр», Дору Ихёит-туросул арабий, Байрут, Ливан.

41. Фаҳруддин Усмон ибн Али аз-Зайлаъий ал-Ҳанафий. «Табййинул ҳақоик шарҳи Канзуд-дақоик», Мактабатул имдадийя, Покистон.

42. Бурҳонуддин Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалл ал-Марғиноний. «Ал-Ҳидоя фи шарҳи бидоятил мубтадий». Дору Ихёит-туросул арабий, Байрут, Ливан.



43. Убайдуллоҳ ибн Масуд (Содрул шариа). Шорих; Наж-муддийн Муҳаммад ад-Дарканий. «Мухтасари Викоя маъа шарҳиҳи ихтисорур-ривоя», Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан. 2005 м.с. 1426 ҳ.с. 1-нашр.

44. Зайнулдин ибн Нажм ал-Ханфий. «Ал-Баҳруроиқ шарҳу канзуд-дақиқ», Дорул кутубил илмийя, Байрут, 1997 м.с. 1417 ҳ.с. 1-нашр.

45. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Хусайн Ба-дириддийн Айний ал-Ҳанафий. «Ал-Бинойя шарҳул Ҳидоя», До-рул кутубил илмийя, Байрут, Ливан, 2000 м.с. 1420 ҳ.с. 1-нашр.

46. Абдулғоний ал-Ғонимий ад-Дамашқий ал-Майданий. «ал-Лубоб фи шарҳил китоб», Мактабатур-Риёзил ҳадиса.

47. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний. «Ки-табул асар» Дорул кутубил илмийя, Байрут, 1993 м.с. 1413 ҳ.с.

48. Фарийдуддийн Олим ибн Алаа Андирий Дехлавий Ҳиндий Ҳанафий, «Фатавои Татархония», Дорул кутубил илмийя, Байрут, 2005 м.с. 1426 ҳ.с. 1-нашр.

49. Имом Ҳофизуддийн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шиҳоб Баззоз Кардарий Ҳанафий. «Ал-фатаво ал-Баззозия», Дорул фикр, 1991 м.с. 1411 ҳ.с.

50. Абул Аббос Тақиюддийн Аҳмад ибн Абдул Ҳалийм ибн Таймия ал-Ҳанбалий. «Ал-фатовий ал-кубро», Дорул маърифат, Байрут.

51. Имом Фахруддийн Ҳасан ибн Мансур Ёзгандий Фарғоний Ҳанафий. «Фатавои Қозихон», Дорул фикр, 1991 м.с. 1411 ҳ.с.

52. Шайх Наззом ва бир гуруҳ Ҳинд уломолари. «Ал-Фатовол ҳиндийя», Дору Ихёит-туросул арабий, Байрут, Ливан, 4-нашр.

53. Имом Жоруллоҳ Замахшарий. «Руъусул масоил», Дорул башоирил исламийя, Байрут, 1987 м.с. 1408 ҳ.с. 1-нашр.

54. Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. «Шарҳи Мухтасари Викоя», Император университети нашрхонаси, Қозон, 1908 м.с.

55. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Андалусий ал-Моликий (Ибн Арабий). «Аҳкомул Қуръон ли Ибн Арабий», Дорул кутубил илмийя, Байрут, 1984 м.с. 1407 ҳ.с.

56. Имоуддийн ибн Муҳаммад ат-Тобарий. «Аҳкомул Қуръон», Дорул кутубил ҳадиса.

57. Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ат-Тоҳовий. «Шарҳи Мушкулул Осор», Муассасатур рисала, Байрут, 1415 ҳ.с. 1-нашр.

58. Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тоҳовий ал-Ҳанафий. «Шарҳи маъанийл асар», Дорул кутубил илмийя, Байрут, 1987 м.с.

59. Мулло Али ал-Қори. «Мирқотул мафотийҳ». Мактабатул имдодийя, Покистон.

60. Шамсуддийн Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муфлиҳ ал-Мақдисий. «Ал-одобуш-шаръийя вал минаҳул маръийя», Мак-табату Ибн Таймийя, Қоҳира, 2-нашр.

61. Имом Мовардий. «Адабуд-дунё вад-дийн», Дорул фикр, 3-нашр.
62. Шайх Наззом ва бир гуруҳ Ҳинд олимлари. «Ал-фатавий ал-Оламгирия», Мактабатур-рошидийя, Покистон.
63. Усманий хилофатининг бир гуруҳ фуқоҳолари. «Мажалла-тул Аҳкомил Адлийя», Корхона тижорати кутуб, Карачи.
64. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан. «Китобул асл», иккинчи номи «Мабсут», Оламул Кутуб, Байрут, 1990 м.с. 1410 ҳ.с. 1-нашр.
65. Муҳаммад Али ас-Собуний. «Ал-маворийс фиш-шарийъатил Исламийяти фий зовъил Қуръани вас-суннати», Дорул қалам, Дамашқ, 1989 м.с. 1409 ҳ.с. 1-нашр.
66. Доктор Саъийд Муҳаммад Жулайдий. «Аҳкомул мероси вал васийяти фиш-шарийъатил Исламийяти», Маншурот Кул-лиятуд-даъватул исломийя, Тароблус, 1-нашр.
67. Кувайт давлатининг Вақф ва Исломиёи Ишлар вазирлиги қошидаги фатво ва шаръий тадқиқотлар идораси. «Мажмуъатул Фатавий аш-Шаръийя».
68. Саудия Арабистони «Ҳайъати киборил уламо» – Катта ула-молар ҳайъати бош котибияти. «Мажаллатул бухусил Исламийя».
69. Миср Вақфлар вазири ва Исломиёи ишлар бўйича олий мажлиси. «Фатовий Азҳар».
70. Шайх Юсуф Қаразовий. «Ал-фатовий ал-муосира», Дорул қалам, Кувайт, 2001 м.с. 1422 ҳ.с. 9-нашр.
71. Шайх Муҳаммад Мутаваллий аш-Шаъровий. «Ал-фатава. Куллу маа юҳиммул муслима фий ҳаятиҳи, явмиҳи ва гадиҳи», Дорул фатҳ лил-эълумил аробий, 2000 м.с. 1420 ҳ.с.
72. Шайх Атийя Сақр. «Аҳсанул калом фил фатва вал аҳком», Мактабату ваҳба, Қоҳира, 2006 м.с. 1427 ҳ.с. 1-нашр.
73. Шайх Али Жумъа. «Ал-калим ат-тойиб. Фатавий муосира», Дорус салом, Қоҳира, 2005 м.с. 1426 ҳ.с. 1-нашр.
74. Кувайт вақф ва Исломиёи ишлар вазирлиги. «Ал-Мавсуъал Фикҳийя», Дорус софва, Миср, 1993 м.с. 1414 ҳ.с. 4-нашр.
75. Абдулқодир Авда. «Ат-ташрийъул жиноийю фил Ислам», Муассасатур-рисола, Байрут, 1986 м.с. 1406 ҳ.с. 7-нашр.
76. Шайх Муҳаммад Абу Заҳра. «Ал-аҳвол аш-шахсийя», Ал-Фикрул Арабий, 1950 м.с. 1369 ҳ.с. 2-нашр.
77. Миср Араб Жумҳуриятидаги Вақф вазирлиги. «Мавсуъа-тул фикҳил Исламий».
78. Доктор Муҳаммад Раввос Қалъачи. «Ал-мавсуъа ал-фикҳийя ал-муяссара», Дорун-Нафоис, 2000 м.с. 1421 ҳ.с. 1-нашр.
79. Ал-лажна ал-истишарийя ал-уъля. «Мавсуъатул усро» Кувайт. 2003 м.с. 1424 ҳ.с.

## МУНДАРИЖА

Инсоннинг жуфт қилиб яратилиши.....	11
Никоҳга тарғиб.....	19
Ишбошиларнинг бурчи .....	26
Никоҳнинг шаръий ҳукми.....	30
Умр йўлдошини танлаш.....	37
Никоҳи ҳаром қилинган аёллар .....	39
Муносиб келин.....	55
Муносиб куёв .....	63
Совчилик .....	67
Тиббий кўриқдан ўтиш .....	70
Фатво ва илмий баҳслар бўйича Европа мажлиси қарори.....	70
Совчиликдан кейин.....	72
Унаштириш.....	78
Ҳар ким ўз истаги билан никоҳданади .....	79
Никоҳга мажбурлаш йўқ .....	82
Никоҳда ишбошиларнинг розилиги.....	86
Муаммонинг ечими .....	89
Никоҳланиш.....	91
Маҳр ва унинг ҳукмлари .....	98
Маҳр ҳақида мулоҳаза .....	107
Никоҳ хутбаси.....	113
Келиннинг сепи ва уй анжомлари.....	114
Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш .....	122
Никоҳ тўйи.....	128
Никоҳ тўйини қилиш кимнинг зиммасида?.....	133
Никоҳ эълони ва унда кўнгилахушлик қилиш .....	135
Келин-куёв ҳаққига дуо қилиш.....	141
Куёвнинг келин ҳузурига дастлабки кириши.....	143
Жинсий яқинлик одоблари.....	147
Ғул. Ғулнинг фарзлари .....	155
Ғулнинг суннатлари .....	157
Ғулни вожиб қилувчи нарсалар .....	160
Суннат ғуллар.....	166
Ҳомиладор ва эмизиклиларга жинсий яқинлик жоиз.....	172
Эр-хотинлик ҳуқуқлари ҳақида.....	173
Оила доирасидаги ҳуқуқлар.....	178
Эр-хотин орасидаги муштарақ ҳуқуқлар .....	182
Хотиннинг бурчлари .....	188
Эрнинг аёли олдидаги бурчлари .....	202
Эрнинг хотини олдидаги муомалавий бурчлари .....	214
Икки мақола.....	228
Рисоладаги эр.....	229
Рисоладаги хотин .....	238
Оилавий ҳаёт сокинликдир.....	246
Эркак ва аёл ақлидаги фарқ нимада? .....	247
Қудачилик алоқалари ҳақида .....	253

Фарзанд.....	264
Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари.....	268
Айбли ҳолдаги ҳомилани тушириб юбориш ҳақида.....	274
Фарзандга исм қўйиш.....	278
Боланинг қулоғига азон ва такбир айтиш.....	288
Боланинг танглайини кўтариш.....	290
Болага ақийқа қилиш.....	292
Туғилган фарзанд қиз бўлса.....	298
Ақийқа маросими.....	309
Ўғил болани хатна қилдириш.....	314
Хатна маросими.....	315
Хатнада кўнгилхушлик қилиш.....	316
Болани қараморига олиш.....	317
Болага валийлик қилиш.....	323
Болалар нафақаси.....	328
Болага меҳрибонлик.....	331
Болалар орасида адолат қилиш.....	334
Фарзанд тарбияси.....	339
Балоғатга етган болаларнинг никоҳи.....	355
Ота-онанинг ҳақлари.....	355
Ота-онага итоатнинг чегараси.....	373
Ота-онага оққ бўлиш ҳақида.....	379
Ота-онага вафотларидан кейин яхшилик қилиш.....	382
Ота-онани йўқлаб таом улашиб, эҳсон қилиш.....	391
Қариндошларга силаи раҳм қилиш.....	394
Оилада келишмовчилик чиқса.....	410
Бош кўтариш содир бўлганда.....	415
Оила бузилишининг олдини олиш.....	424
Оила бузилишининг баъзи сабаблари.....	425
Сунъий урчитиш ҳақидаги қарор.....	435
Талоқ ҳақида маълумотлар.....	442
Аҳсан талоқ.....	447
Сунний талоқ.....	448
Бидъий талоқ.....	450
Боин талоқ.....	451
Кинояли талоқ.....	457
Талоқни тафвийз қилиш ҳақида.....	460
Таълийқ ҳақида.....	464
Қўшимча маълумотлар.....	468
Ражъат ҳақида.....	471
Хулуъ ҳақида.....	475
Жинсий ожизлик ҳақида.....	478
Идда ҳақида.....	482
Насиҳат. Талоқдан сақланиш.....	487
Исмлар кўрсаткичи.....	490
Макоиллар кўрсаткичи.....	497
Манбалар рўйхати.....	498

Шайх Муҳаммад Содиқ  
Муҳаммад Юсуф

# БАХТИЁР ОИЛА

*Муаллиф рухсатсиз нусха кўчиришнинг  
барча турлари, иқтибос олиш ва сотиш  
шаръан ҳаром, қонунан ман этилади.*

«Sharq» нашриёт—матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2011

Муҳаррирлар: *Шаҳобиддин Одилов, Хусайн Яҳё*  
Техник муҳаррир: *Мансур Қажумов*  
Мусаввир: *Беҳзод Вафоев*  
Дизайн: *Озод Мунаввар*  
Бадий муҳаррир: *Анвар Мусахўжаев*  
Арабча матн мусахҳиҳи: *Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф*  
Саҳифаловчи *Мастура Атхамова*  
Мусахҳиҳалар: *Барно Саидраҳмон, Ю.Бизаатова,  
Ш.Хуррамова*


**Нашр лицензияси АІ № 201,28.08.2011 йил.**

Диалитивдан босишга рухсат этилди 23.09.2011. Бичими 60x90 1/16.  
«BaltocaUzb» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма т. 30,4. Нашриёт  
ҳисоб табоғи 31,5. Адади 8.000 нусха. Буюртма №1935. Баҳоси келишилган  
нарҳда.

**«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмаҳонаси  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41**



72000









الشيخ محمد  
الصادق محمد يوسف

# الأسرة السعيدة



ISBN 978-9943-00-771-0



9 789943 007710